



Шарк Ҳадаиши

Ойлик адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

10. 1983

52-йил чиқиши

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1958 йил. Тошкент. Осиё ва Африка мамлакатлари Ёзувчиларининг конференцияси. Жаҳондаги барча ёзувчиларга мурожаатнома қабул қилинмоқда. Мажлис раиси, Шароф Рашидов.



Гўзал тупроқ узра қуйилди оқшом,
Кундуз олар дам,
Жўшқин мушоира этади давом,
Дўстим, кел сен ҳам!

Бунда узоқдаги дўст бўлар яқин,
Санъат, маҳоратнинг мактаби бунда.
Қофия, сўз, мисра баҳслари қизгин,
Юраклар даврага киради бунда.

Қай дил чамани бой, жозиб нафаси,
Кимнинг фикри ўткир, теран, бокира?
Бу гурунг — шоирлар мусобақаси —
Шарқ, шеърий чамани, бу — мушоира!..

Хаёт гўзаллиги шеъриятининг
Ёниқ нафасига тўлсин бу жаҳон.
Хавфдан халос бўлган башариятнинг
Қўшигин тўқисин озод, тинч инсон.

Даврамиз меҳрга тўлиқ бир олам,
Дўстлар бари жам,
Буюк мушоира этади давом,
Келингиз сиз ҳам!

Зулфия



Сарвар Азимов

ЖАҲОНДА ТИНЧЛИК ВА ҲАЁТНИ ОМОН САҚЛАШ УЧУН!

Ҳа, бугунги кунда халқаро вазият ҳар бир бамаъни, соф виждонли кишининг кўнглига: табаррук еримизда тинчлик бўлармикан ёки ядро уруши оташи ёниб кетармикан? — деган хавотирни солиб, уни жуда ҳам ташвишлантириб қўйди.

Худди мана шунинг учун ҳам «Жаҳонда тинчлик ва ҳаётни омон сақлаш учун!» ибораси, буюк совет ёзувчиси Максим Горькийнинг: «Маданият арбоблари, ким билан биргасизлар?» деган сўзлари ҳозир ҳар қачонгидан кўра ҳам ҳаётимизнинг, орзу-умидларимизнинг ажралмас бир қисми, ёзувчилик ўй-хаёлларимизнинг маъноси бўлиб қолган. «Тинчлик ва қуролсизланиш» ибораси барча мамлакатларда, халқаро кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, тинчликни қарор топтириш учун курашаётган ер юзидаги барча одамларнинг тилларида ҳар кун, ҳар соат янграмоқда. Худди шу ўринда тинчлик ҳамда халқаро кескинликни юмшатиш учун кураш Осиё ва Африка, қўшилмаган мамлакатларнинг давлатлари ва ҳукуматлари учун алоҳида мазмун касб этаётганини таъкидлагим келади.

Кейинги бир неча ўн йил ичида жаҳон харитаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Осиё ва Африка мамлакатлари мустамлака кишанларидан қутулиб, озодликни қўлга киритдилар. Империализм, мустамлакачилик ва неокOLONиализмга, черчиллар, трумэн ҳамда даллесларнинг меросхўрларига қарши курашувчи халқлар осонлик билан ғалабага эришмадилар. Империализмга қарши, мустақиллик учун шафқатсиз курашда, маҳаллий ўрушлар деб аталмиш жангларда иккинчи жаҳон урушидагидан зиёдроқ одамнинг ёстиғи қуриди, яъни 50 млн. дан кўп одам ҳалок бўлди. Нақадарлик даҳшат!

Осиё ва Африка мамлакатлари томонидан сиёсий мустақилликнинг қўлга киритилиши чинакамига тарихий воқеадир. Лекин ҳар қалай у ҳозирча империализм устидан узил-кесил ғалаба бўлиб чиққани йўқ, балки ҳамма томонидан ҳис қилиб, сезиб турилган бутун озодлик, инсон шахси, маданият қамолоти учун антиимпериалистик курашнинг янги босқичи ва янги шаклларига ўтилганлигини намойиш қилди. Осиё — Африка мамлакатларида синфий кураш кучайди, ижтимоий ҳамда маданий активлик юксалди. Бу ҳол реалистик адабиётнинг тугилиши учун замин бўлди ва туртки берди. Шундан кейин ҳаётнинг мураккаб жараёнларини танқидий идрок этиш томон бурилиш аниқ сезилди. Осиё ва Африканинг илғор ёзувчилари ўз ижодиятлари билан халқларининг маънавий раўнақи учун ва жаҳон умумбашарий маданияти тараққиётига ўзининг бетакрор ҳиссасини қўшадиган Осиё ва Африка маданий бойликларини ҳозирги замон шароитида сақлаб

қолиш ва ривожлантиришдаги ўз масъулиятларини қанчалик ҳис қилаётганларини исботламоқдалар.

Икки қитъанинг қадимий ва ёш адабиётларини ўзларида намоён этадиган Осиё ва Африкадан келган зиёлилар, носирлар ва шоирлар, драматурглар ва публицистлар мустамлакачиликка қарши, озодлик ҳамда мустақиллик учун курашда гоёат катта роль ўйнадилар. Бу аснода адабиётлар чегарасини енгиб, бир-бирлари билан яқиндан танишишлари, бирлашган ягона фронт бўйлаб жаҳолат, феодализм ва зулмнинг қора кучларига қарши бир тан-бир жон бўлган ҳолда ҳалол, сидқидилдан курашиш имконига эга бўлишлари учун икки қитъадаги тараққийпарвар адабий кучларни яқдил қилиш лозимлиги кун тартибига қўйилди.

Бу яқдилликни юзага келтиришда 1958 йили Тошкентда таъсис этилган Осиё ва Африка Ёзувчилари Ассоциацияси, шунингдек Осиё ҳамда Африка тараққийпарвар ёзувчиларининг Совет Иттифоқи ва бошқа социализм мамлакатлари ёзувчилари билан ҳамкорлиги гоёат катта роль ўйнади. Чунончи, 1962 йили Қоҳирада, 1967 йил Байрутда, 1970 йилда Деҳлида, 1973 йил Олма-отада, 1979 йилда Луандада ўтган конференциялар бу йўлдаги босқичлар бўлиб қолди. Бирлашиб ва шу йўсинда ҳаракат қилиб, икки қитъа мамлакатлари ёзувчилари йўлларига кетма-кет тўғаноқ бўлаётган қийинчиликларни қатъият билан енгиб ўтмоқдалар, ёзма адабиётларнинг юзага келишига, қадимий ва бой адабий анъаналарни янада ривожлантиришга кўмаклашиш устида ишламоқдалар, муҳим миллий ҳамда умуминсоний муаммоларни ҳал этиш ишига янгидан-янги ёзувчилик кучларини жалб қилмоқдалар, тараққийпарвар ижодкорларни социал тараққиёт, халқ маданияти, ер юзида тинчлик ва тараққиёт учун курашларида яққалам қилмоқдалар, уларнинг бирлигини мустаҳкамламоқдалар.

Ақли расо одамлар айтганидек, адабиёт инсоншунослик мактабидир. Худди мана шу сабабдан ҳам у инсон тақдири учун курашмай қололмайди, инсоният ҳаётига таҳдид солаётган хавфга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлишга интилади. Бугунги кунда мана шу хавфни АҚШ ҳамда НАТОга аъзо бўлган бошқа реакцион мамлакатлар туғдирмоқдалар, қуролларини пеш қилиб, қуролланиш пойгасига зўр бермоқдалар, башарият бошига ядро офатини келтириш учун ҳар қандай иғво йўлидан қайтмаётирлар. Қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукуматларининг VII Конференцияси қатнашчилари, «антиимпериализм бизнинг дунёқарашимизнинг асосидир... тинчлик бўлмаса, тараққиёт ҳақидаги барча орзу-умидлар чиппакка чиқади» деганларида минг бор ҳақдирлар.

Осиё ва Африка ёзувчилари ўз ижодиётлари ва ижтимоий фаолиятлари билан тинчлик ва тараққиёт идеалларига содиқ эканликларини бир эмас, бир неча бор тасдиқладилар. Биринчи, ҳозир эса тарихий бўлиб қолган Осиё-Африка ёзувчиларининг Тошкент конференцияси минбаридан янграган: «Биз, ёзувчилар — халқлар виждонимиз. Фақат замондошларимизнинггина эмас, балки келажак авлодлар тақдири учун жавобгарлик ҳам бизнинг зиммамиздадир... Сизларни бизлар билан бирга олға юришга, халқ ҳаёти билан боғлиқ, ер юзида ақл-заковатнинг ғалабаси, адолатнинг тантанаси учун курашида унга ёрдам берадиган адабиётни барпо этишимиз учун йўл очиб берадиган ҳақиқат, гўзаллик ва озодликни излаб топишга даъват этамиз» сўзлари қудратли ёзувчилик ҳаракатининг маъноси ва мақсади, унинг сиёсий ва эстетик ақидаси бўлиб қолган. «Тошкент руҳи» ана шундан иборат.

Ўтган чорак аср мобайнида сайёрамиздаги сиёсий иқлим кўп жиҳатдан ўзгарди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг асосий мақсад йўлидаги изчил ҳамда собитқадамлик билан кўрсатган фаолияти, Совет Социалистик

Республикалари Иттифоқи, коммунистик партиялар, мустамлака асоратидан қутулган мамлакатлар томонидан кенг қўллаб-қувванланган ҳукуматлар ва социалистик мамлакатлар халқлари ҳамда миллий-озодлик курашида ҳамон қон тўкаётганларнинг биргалашиб қилаётган фаол ҳаракатлари натижасида, капиталистик мамлакатлардаги илғор, тараққийпарвар кучларнинг мадади туфайли тинч-тотувлик ва жаҳондаги мамлакатлар ҳамда халқларнинг дўстона ҳамкорлик қилиб яшашлари ғояси ҳозирги замон халқаро ҳаётининг аксарият муҳим ҳодисаларида моддий кучга айланди.

Муболаға қилмай айтиш мумкинки, мана шу олижаноб ишга Осиё ва Африкадаги тараққийпарвар ёзувчилар озмунча ҳисса қўшмадилар. Улар ўзларининг энг яхши асарлари билан омманинг миллий онгини уйғотмоқдалар, уни ҳар томонлама шакллантириб, юксак гуманистик ҳамда демократик идеалларни қарор топтирмоқдалар, китобхонни ахлоқий ва сиёсий жиҳатдан тарбияламоқдалар.

Улкан рус ёзувчиси, Африка-Осиё ёзувчилик ҳаракатининг ветерани Николай Тихонов Осиё ва Африка ёзувчиларининг биринчи Тошкент конференцияси минбаридан туриб шундай деган эди: «Башариятнинг умумий хазинасига Осиё ҳамда Африка ёзувчилари қўшган ҳиссасиз унинг келажак тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди». Бугунги кунда биз: Осиё ҳамда Африка ёзувчиларининг тинчлик учун курашга қўшган ҳиссасиз, уларнинг ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ишидаги қизгин иштирокларисиз тинчлик учун бутун жаҳон ҳаракатини тасаввур қилиш мумкин эмас, дея оламиз.

Осиё ҳамда Африка ёзувчилари «бўлиб олиб, ҳукм сур!» сиёсатининг нима эканлигини бошқалардан кўра яхши биладилар. Мана шунинг учун ҳам тинчлик ва дўстлик учун курашга улар кўп куч сарфлайдилар, турли мамлакат халқларини, шунингдек ўз мамлакатларидаги элатларни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қиладилар. Мисол тариқасида кўзга кўринган Африка ёзувчиларидан бири Сембен Усмоннинг фаолиятини кўрсатиш мумкин. Унинг романлари жаҳондаги кўп мамлакатлар тилларига таржима қилинган. У қаламни ҳозирча бир чеккага қўйиб, қўлида кинокамера, фотоаппарат билан саводсиз негр қишлоқларига, замондошларига ҳозир оламда нималар бўлаётганини ғоятда тушунарли тил — кино тили билан айтиб бериш учун йўл олди.

Ёмонлик кучларига тўғридан-тўғри қарама-қарши турган шароитларда халқ адабиёти меҳнат ва ор-номус аҳлини курашга отлантирмоқда. Тараққийпарвар ёзувчилар мардимайдонлар образини яратмоқдалар, тинчлик ва озодлик идеалларини ҳормай-толмай куйламоқдалар. Осиё ва Африка ижодкор зиёлилари доимо давом этаётган курашнинг ичидадир. Мустамлакачиликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун кураш тинчлик учун курашнинг ажралмас қисмидир. «Биз, — деган эди Ю. В. Андронов СССРнинг 60 йиллиги муносабати билан қилган докладыда, — ҳозир ҳам озодлик, мустақиллик учун, ўз халқининг ҳаёти учун курашишга мажбур бўлаётганлар билан, агрессорнинг ҳуружини қайтаришга мажбур бўлаётганлар ёки агрессия хавфига дучор бўлиб турганлар билан қатъиян ва доимо ҳамдамиз. Бизнинг бу позициямиз Совет Иттифоқи Ер юзида мустаҳкам тинчлик учун изчиллик билан муттасил олиб бораётган курашдан ажралмасдир».

Ҳозир ғояларнинг бутун инсоният тарихи мобайнида мисли кўрилмаган энг шафқатсиз кураши кетмоқда. Тинчлик ва куррамиздаги осойишта ҳаёт тақдири бутун ер юзи аҳолисига ва айни замонда ҳар бир одамга боғлиқ бўлиб қолган. Тинчлик тақдири учун масъулият ҳисси, инсоният келажаги ғамини ейиш турли қитъа одамлари ва ирқларини урушга, ирқчиликка, сионизмга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашиш учун бирлаштирди.

Тинчлик тақдири учун ташвишланиш Осиё ҳамда Африка

ёзувчиларининг мўллий конгресс ва халқаро анжуманлардаги ҳар бир нутқларида янграб турибди. Совет ёзувчиларининг VII съездидаги ўз нутқида турк ёзувчиси Азиз Несин айтиб ўтгандек, «одамлар ҳисоблашни билиб олдилар ва ҳамма нарсанинг ҳисоб-китобини олиб бормоқдалар. Ҳар бир одам костюми, оёқ кийими размерини, уйи, квартираси номерини билади. Аммо одамлар олиб бора бошлаган энг даҳшатли ҳисоб бу жаҳон урушлари юзасидан олиб борилган ҳисобдир. Учинчи уруш аслида Иккинчи жаҳон уруши тугаши биланоқ бошланди. Лекин унга, шукрқи, ҳозирча номер беришгани йўқ. Ёзувчиларнинг вазифаси ана шу номерсиз уруш номерланган урушга айланиб кетмаслиги учун қўлларидан келган барча чораларни кўришларидан иборатдир».

Бугунги кунда адабиёт ижтимоий онгни шакллантира олади ва шакллантириши лозим. Адабиётнинг вазифаси — замонамизнинг мураккаблигини яширмасдан, балки ана шу мураккабликларни аниқ, гражданлик ғоявий позициясида туриб таҳлил қилишдан, социал тараққиёт, демократия, тинчлик учун ишонч билан дадил курашишдан иборат.

Ҳозирги замон Осиё ҳамда Африка тараққийпарвар ёзувчилари ижодиётининг энг муҳим белгиларидан бири интернационализмдир. Осиё ҳамда Африка адабиётларининг энг яхши вакиллари учун бировнинг мусибати, бегона одамларнинг уруши деган гап йўқ. Вьетнамда америкаликлар босқинчилиги авж олган бир пайтда турк шоири Фозил Хусни Доғларжа Вьетнамга бағишланган шеърлар китобини чиқарди ва уни «Бизнинг Вьетнам урушимиз» деб атади. Фаластин шоири Самих ал Қосим «Мен Сонгмидан келаётирман» деган шеър ёзди. Бутун ҳақ-ҳуқуқидан махрум этилган халқ вакили бўлган Фаластин шоири учун Вьетнам қишлоғи фожиаси — унинг ҳам шахсий фожиаси эди. Бу — турли халқларнинг ўй-ниятлари, манфаатлари умумий, бинобарин уларнинг дўст ва душманлари бир демакдир. Демак, уларнинг ғалабалари ҳам умумий бўлади.

Бадий сўз санъатида барча адабиётлар учун, умуман барча маданиятлар учун мос, барча қитъалардаги кўпчилик китобхонларга тушунарли ўз проблема ва вазифалари мавжуд бўлади. Бу проблемалар, лўнда қилиб ифодаланса, озодлик, тинчлик, дўстлик деган гапдир. Бинобарин, адабиёт, агар у замонавий ва илғор бўлса, башариятни қизиқтирадиган воқеа-ҳодисаларни ҳозиржавоблик билан акс эттиради, уларга ўз овозини қўшади. «Шеърят бу замон нафасидир, — дейди Ливан шоири Мишель Сулаймон, — шундай бўлгач, замон нафасисиз шеърят йўқ». Фаластин шоири Муин Бсису унинг гапини тасдиқлайди. Енаётган Байрутда берган интервьюсида Бсису Яқин Шарқдаги сўнгги воқеалар ёрқин гражданлик, сиёсий ўткир шеърлар уммонини ҳаракатга келтирганини айтди. «Бизларни сиёсат билан шуғулланишда айбситмасинлар, — дейди шоир, — Агар-да шунақа шеърят — сиёсат деб аталса, у ҳолда менинг юрагимни олинг-да, бир палласида сиёсатдон, бошқасида шоир турадиган бўлакларга кесиб беринг-чи».

Фаластин шоирининг бу сўзларига ҳар бир тараққийпарвар адабиётчи қўшилади, деб ўйлайман. Биз адабиётни сиёсатдан ажратолмаймиз. Империализм, колониализм, сионизм, ирқчилликка қарши кураш ҳали тугагани йўқ. Фаластинликлар ҳамда Ангола ватанпарварларининг қони тўкилмоқда, Жанубий Африкада озодлик учун курашчилар ҳалок бўлмоқда, инқилобий Афғонистон ватанпарварлари ички ва ташқи душманларга қарши қаҳрамонона жанг қилмоқдалар. Бутун сайёрамиз устида дунёни култепага айлантирадиган ядро уруши хавфи даҳшат билан таҳдид солиб турибди. Ёзувчининг ўрни жанг қилаётган халқ сафидадир. Шоирнинг эҳтиросли сўзлари халқлар дўстлиги ва тинчликни сақлаб қолишга қаратилиши керак. Тинчлик бизларнинг барчамиз учун азиздир. «Тинчлик ва қуролсизланиш»ни бизда, халқларнинг тарихий

ғалабаси, дейишади. Уни империализм манзилгоҳидаги калта ўйлайдиган, худбин сиёсатдонларга тилка-пора қилиш учун бериб қўйиш асло мумкин эмас. Уни эҳтиётлаш, ривожлантириш, чуқурлаштириш лозим. Ва бу инсон ақл-заковатининг хавфли, андишасиз тажовузкорлик устидан ғалабаси бўлади. Биз бундай ғалабага, бинобарин, инсон ақл-заковатига ишонамиз.

Осиё ҳамда Африка ёзувчиларининг Биринчи Тошкент конференцияси кунларида йирик совет сўз санъаткори Шароф Рашидов шундай деб ёзган эди: «Эски замонларда, тўплар гумбурлаганда илҳом парилари жим турадилар, деб айтишарди. Аммо бугун тўплар ҳайқиролмасликлари учун илҳом парилари ўз овозларини баланд кўтарадиган замон келди». Чорак асрдан кейин бу сўзлар жафокаш ва қаҳрамон Вьетнам тупроғида, ўтган йилнинг октябрида бўлиб ўтган Африка-Осиё ёзувчиларининг Ижроия совети Ассоциацияси мажлисида яна жаранглаб эшитилди.

Ижроия советининг бир овоздан қабул қилган қарорига биноан 1983 йилнинг сентябрь-октябрида Тошкентда ўтадиган VII конференциясини тайёрлаш ва ўтказишга катта эътибор берилди. Конференциянинг асосий масаласи «Ёзувчи ва ҳозирги дунё» деб таърифлаган мавзу бўлиши тахмин қилинади.

Осиё ҳамда Африка ёзувчилари Ассоциацияси ишининг барча босқичларида совет ёзувчилари фаол иштирок этдилар. Лекин, рус тили — Пушкин ва Горький, Маяковский ҳамда Шолохов тили, кўп миллатли совет давлатининг ленинча халқлар дўстлиги тили ҳамон Ассоциациянинг ишчи тили бўлмай келарди. Вьетнамдаги учрашувларда буюк ва қудратли рус тили инглиз, француз ҳамда араб тиллари қаторида Ассоциациянинг иш тили деб тан олинди. Икки буюк қитъа — Осиё ҳамда Африка ёзувчиларининг бўлажак юбилей конференцияларига тайёргарлик кўрувчи Халқаро Комитет худди мана шу ерда барпо этилди.

Шундай қилиб, яна «Тошкент руҳи» — тинчлик, қардошлик ва ҳамкорлик руҳи ҳаёт ва умид-орзуларимиз йўлидаги бебаҳо ютуқларимиз руҳи яшайверади ва мағрур тантана қилаверади!



Мишигийн Цэдэндорж,

Мўғулистон

Мен ва сенга
не керак?



Бургутга осмон керак,
Ям-яшил ўтлоқ — отга,
Бўз ерга сув-жон керак,
Дўст керак одамзотга.

Мен ва сенга не керак?

Кўз бўлса тийрак бўлса,
Туйғулар зийрак бўлса,
Яна одам кўксига
Меҳрли юрак бўлса,

Мен ва сенга не керак?

Қишда ҳам бўлса ёлқин,
Баҳорда — мўл-кўл гуллар,
Езда — сув, соя-салқин,
Кузда — чароғон кунлар,

Мен ва сенга не керак?

Ҳар ишки, журғат билан,
Кексалик — ҳурмат билан,
Ешлик — илмга пеша,
Ишқ-чи? Керак ҳамиша!

Мен ва сенга не керак?

Юлдузга — мангу ёнмоқ,
Ишга — ғайрат, мардона,
Заминга — дарё ва тоғ,
Фарзандга — ота-она.

Мен ва сенга не керак?

Дардга керакдир малҳам,
Бахтсизга эса ҳамдам,
Чўлоқ излайди тиргак,
Хотира сўрар юрак.

Мен ва сенга не керак?

Орзуларга — ижобат,
Сагрларга — сахийлик,
Марҳумга зарур ҳурмат,
Тирикларга — боқийлик.

Мен ва сенга не керак?

Учқурга матонат ёр,
Меҳр излайди бемор.
Тойилмай десанг йўлда,
Тишли пойафзал даржор.
Мен ва сенга не керак?

Либосларга — кўркамлик,
Самога — соф салобат.
Кўнгилга — хотиржамлик,
Денгизларга — ҳаловат.
Мен ва сенга не керак?

Жанубга қуёш бўлсин,
Жангга зарур мард юрак.
Сенга мен керак, дўстим,
Мен эса сенга керак.

Муҳаммад РАҲМОН таржимаси

Файз Аҳмад Файз,
Покистон

Озодлик тонги



Туннинг жабру зулмидан қонга ботган сўбҳидам,
Шунча интизор бўлиб шу тонгни кутганмидик?
Ихлос қўйиб, ардоқлаб дилда уни дам-бадам,
Биз ўзга бахт ғамида оғулар ютган эдик.

Улик осмон саҳроси, юлдузлар мозорида
Сокин, қора тўлқинлар чайқалади сарсари.
Унда алданиб қолган умидларнинг зорида
Турар ўтин йўқотган ночор қалб қайиқлари.

Қутлуғ зафарга томон дўстлар йўл олган замон
Қанча кўз далда бериб чорлаганди бегумон,
Қанча қўл ёлворса ҳам этакларидан ушлаб,
Тонг ишқи, кураш бурчи олға кетганди бошлаб,

Сўбҳидам маъбудаси дилдаги армон эди,
Чарчоқ ҳалал беролмас, умидлар чаққон эди.

Тонг оламни ёритди, зулмат йўқолди, дерлар,
Нимаки орзу бўлса, бари ушалди, дерлар.
Дерлар: энди севгида бизга ҳижрон бегона,
Қайғу, ҳасрат чекмоқ ҳам эмиш гўё афсона.

Аммо юрак жўш урар, ҳали орзулар қат-қат,
Ҳали армонлар кўп-у, давоси йўқдир фақат.
Малҳам шамоли эсиб, бир лаҳзада йўқолди,
Уни кўчада турган чироқ ҳам сезмай қолди.

Тубанлик қоп-қоронғи мисоли тунги денгиз,
Юрак билан ақлнинг озодлик йўли олис.
Мақсаддан қайтманг, дўстлар,
Зулмат мангу эмасдир.


Совға



Сўқмоқдаги оддий тошда ўйнаган
Шуъла,
Дарахтларнинг баргида титраган
Шамол,
Қайноқ замин томирида кўпирган
Дарё —
Буларнинг ҳаммаси
Сенга ўғлинг
Ардоқлаб,
Утиб кетган болаликнинг
Орзулари, хогирасида —
Ҳаёт ишқи билан
Жонлантириб
Олиб келган
Совғаларидир.
Онажон, муқаддас дарахт шохидан
Сен учун тўқиган гулчамбаримни
Улуғ айём куни,
Байрамнинг куни
Азиз бошиганинга кийдирмоқчиман.
Кўп кечарди бундай ҳолатлар,
Ҳар гал кечирганда қилмишларимни.
Бошимни кўксинга қўйганим каби,
Бугун ҳам бошимни қўяман аста
Кўзинг чашмасида чўкмоқлик учун,
Оқиб кетмоқ учун тўлқинларида
Олис-олис хаёллар томон,
Сенинг қўлларингда намоён бўлган,
Бизни мафтун қилган хаёллар томон.
Мана, ёнингдаман,
Онажон.

Оёқяланг, ҳорғин
Қадам босганинг
Сўқмоқдаги тошлар,
Сени соя билан кийинтирувчи,
Қўлларинг теккувчи
Дарахтлар,
Хордиқ чиқармоққа имкон бермасдан,
Кафтларингни ювиб
Тананг водийсида оққан
Дарёлар —
Буларнинг барчаси
Сен туғилган замин совғаларидир.
Мана, ёнингдаман,
Онажон!

Исёнкор умид



Миср,
Маввал¹ куйлари гўё,
Қалбимда яшайсан забун, нолавор,
Мисоли туганмас алам ва ғубор...
О, алам ёшлари, кошки бебаҳо
Обихаёт бўлиб берсангиз мадор!

Биламан, ғам-ситама чекилмас бекор,
Сен кутган тонг отиб келмоқда алҳол!
Менинг Ватаним ҳам, ана, мардона,
Узиб кишанларни баҳодирона,
Тонг сари юрмоқда кўрғазиб виқор.

О, Ватан!
Кўзёшу алам-армондек
Ғариб-ғураболар тутмиш барингдан.
Туманли уфқлар ёришур тонгдек
Сенинг ҳур шуғлавор умидларингдан!

Битсин зулм, марзалар бўлгандай яксон
Исён омочининг тиғи теккан он.

Туроб ТУЛА таржимаси

Ридха Зили,

Тунис

Агар



Чақмоқ чаққанида агар ювош торгсангиз
Вулқон портлашидан қучса ногаҳон даҳшат
Тунги сокин уммон сизга ётдай туюлса
Қалбингизга оқиб кирса вулқон лаваси
Аччиқ севги шаробидан сархуш бўлсангиз
Қушлар жону жаҳди ила ўпишса агар
Агар шамол соядан қоча бошласа
Агар қуёш бош эгса
Ерда бодринг ўсмаса
Болалар нон ва ёғни ўйлашар экан
Кундан қочган арвоҳлар дайдириккан тунда
Юлдузлар кўз ёш бўлиб тўкилса агар
Юракдаги аланга ловуллаб турса
Атиргуллар ўсмаса агар дўзахда
Агар қалбда ҳаяжон қалқса қайтадан
Бош бомбага айланиб

¹ Маввал - араб классик шеър шакли.

Дарё ирмоқ бўлмасдан
Қабристонни яшириб тунлар
Сувлар узра тонглар отмаса
Менинг қуруқ калималарим
Нотинч айлаб сизни қийнаса агар
Утинчим шу:
Кўзингизни кўр қилиб дарҳол,
Тингланг тингланг тингланг
Тингланг менинг мурғак шеъримни.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ
таржимаси.

Маҳмуд Дарвиш,
Фаластин

Нидо



Менга минора беринг,
чақмоқларнинг
нишларини оламан юлиб
ва булутлар қатидаги
ёнғинни ўчираман.

Елкан берингиз менга,
ҳаво қовоқ уйса-да
мен чиқаман денгизга
ва синдириб ташлайман
тўфон қанотларини.

Нарвон берингиз менга,
Қўёшга кўтарилиб,
унга қўяман қадаб
уруш найзалари чилтешик қилган
дардли заминимиз яловин.

Менга арғумоқ беринг,
тутиб еллар чўпонин,
баланд тоғ чўққисига
занжирбанд айлагайман.
Омоч беринг,
ер беринг,
экаман унга юрак ҳамда шеърият уруғларини.

Гитара беринг менга,
сукунатни тўлдирай
дўстларнинг табассуми,
пок ва ёрқин гулларга.
Шундай дейман,
кафтимдаги қоним сиқилиб...

Бут, дейсизми?
Сигинмайман анчадан буён,
лекин унга михланганман, қўйиб юбормас.

Жентльменлар келар,
сўрар устимдан кулиб:
«Қалай бўлар экан, шоир,
михланиб турмоқ?»

Яна бири хириллар, ғазабдан ёрилгудай:
«Жонга тегди овозинг,
недан умид қиляпсан?
Е ўйларсан эҳтимол ҳеч ўлмайман, деб?»


— Ҳа. Ўйлайман. Негаки,
сизлар фақат ҳалқумимни кесмоғингиз мумкин,
юрагимни болта уриб эзмоғингиз мумкин.
Ҳатто қўлингиздан келар
булутларни мажбуран ерга қўндирмоқ
ёки Нилни Фротга бориб қўйдирмоқ.
Қора қарға оқарар, ҳатто қарс ёрилар тоғ
сизнинг амрингиз ила.
Лекин менинг овозим...
Уриниб кўринг, қани,
уни тўрға солгани.
У — мен билан,
У — нарида,
У — ҳув олисларда
садо беряпти,
эшитяпсизми?
Уни миҳлаб бўлмагай.
У эркин,
у орзу ўўлида
курашар тинмай.

Икром ОТАМУРОДОВ таржимаси

Муҳаммад Диб,

Жазоир

Хушхабар



Олислардан учиб келар бир қўшиқ,
Умидбахш сўзлар бор қаногларида.
Бу қўшиқ қувади тун зулматини
Ва унут бўлади барча чарчоқлар,
Изтироб кўзлари, дарду аламлар.
Эзгулик қўшиғи, о, ширин қўшиқ!
Юрак депсинади, унда ҳеч қачон
Сабрнинг косаси қуриб қолмагай...
Атрофим қоронғи,
Зулматни ёриб
Қаршимда бир чироқ порлаб турибди.

Ен, чироғим, порла,
Сўнмагин асло,
Шамолдан қўрқмагин,
Тундан ҳам қўрқма,
Тонгга етажаксан,
Қуёш чиқажак!

О, оқшом еллари,
О, сокин еллар!
Келган жойингизга
Қайтиб боринг-да,
Янги муждаларни

Айтинг уларга:
Баҳор келаётир
Мусаффо осмон
Ҳамда ёруғ кунлари,
Бол ва нур олиб,
Осойиш олиб,
Қуёш зийсидай
Барчага баробар
Нон ва бахт олиб,
Баҳор келмоқда!

Машраб БОБОЕВ таржимаси

Аъзам Раҳнавард Зарёб,

Афғонистон

СУРАТ

Умуман, ҳамма гап бизнинг камбағаллигимизда. Камбағаллик манглаймизга қарғиш бўлиб битилган. У бизни ўз гирдобига тортиб, бўғиб, ҳоли-жонимизни суғуриб оладиган чанг-тўзон.

Аҳволимиз оғирлашиб, пичоқ бориб суякка қадалган дамларда отам оғир хўрсиниб, шундай деб қўярди:

— Камбағаллик бошга битган бало экан... Лаънати камбағаллик!

— Пешонамизнинг шўри,— унинг гапини маъқулларди онам, отамизнинг ўз ёғига ўзи қовурилаётганини ачиниш билан кузатиб.

Шундай пайтларда камбағаллигимизни ўйлаб, ич-ичимдан эзилардим. Опам мактабдан хафаҳол қайтиб келар, онамнинг ёнига аста ўтириб олиб, узун сочини бармоқлари билан ўйнаб, ҳам ҳавас, ҳам изтиробли аҳволда гап бошларди:

— Бугун мактабга бир дугонам чиройли қўлқоп кийиб келди,— дерди у.— Асти қўяверасиз! Қўрган кишининг ақлдан озиши турган гап.

Унинг кўзлари ўтдек чақнаб кетарди. Онамнинг юзидаги ажинлари янада чуқурлашарди. Мен унинг шундай дамларда нима дейишини яхши биламан. «Қўлимиздан нима ҳам келарди, қизим, ахир камбағаллик!..» Бироқ у чурқ этиб оғиз очмас, фақат опамга мўлтиллаб қараб қўярди.

Укам, қорамағиздан келган болакай, ўзи жуда ҳам озғин, велосипедни жонидан ортиқ яхши кўрганидан қачон велосипедли бўламан, деб орзу қилавериб, кўз олдимизда яна ҳам сўлиб борарди.

Отам устахонада велосипедларни тузатиш билан овора бўларди. Укам кўпинча устахонага кириб борар, тузаттиришга келтириб ташланган велосипедларга эс-ҳушидан айрилган кўйи тикилиб қарар, гилдиракларини нозик, нимжон бармоқлари билан меҳр-ла силар, кечқурунлари эса отамга хархаша қиларди:

— Велосипед олиб беринг. Велосипедим бўлса истаган ёққа бораман, кўп жойларни кўраман. Қўшни болалар ҳар куни қаёқларга-дир бориб, ўйнаб келишади...

Отам укамнинг гапини эшитиб ерга қарар, ўзини эшитмаганликка олар, лекин мен унинг «Нима ҳам қилаолардик, болам, ҳаммасига лаънати камбағаллигимиз сабаб!» демоқчи эканлигини яхши билардим.

Кунларимиз шу зайлда ўтарди. Отамнинг укаси — менинг амаким бўларди. Жуда бадавлат эди. Йилда бир неча маротаба ҳам саёҳат, ҳам тижорат деганларидай чет элга бориб келар, бойлиги ортгандан-ортиб борарди.

Амаким ўрта бўйли, қорни қаппайган, ҳамиша мамнун, кулиб турадиган одам эди. Гоҳи-гоҳида бизникига келиб турар, нима учун келганини ҳеч ким, ҳатто ўзи ҳам билмас, арзимаган гапдан икки

қўлини мешдек қорни устига чалиштириб олганича тинмай хақолашга тушарди. Биз бўлсак унинг ўрани эслатувчи оғзидан момақалдироқ гулдуррагидай чиқаётган кулгига таажжуб билан қулоқ солардиг-у, уни бесабаб эканлигини тушунганимиз қолда жим ўтирардик.

Отам гоҳо ишончсизлик билан, шубҳа аралаш сўрарди:

— Нимадан куляпсан?

У ҳамиша бир хил жавоб қиларди:

— Врачлар айтишяпти, юрагим касалга чалинган эмиш... Тушуна-
япсанми, чет эллик врачлар...

Отам ўз туғишган укасини қаттиқ ҳурмат қилар, шундай укаси борлигидан, очиги, фахрларди.

— Укам йирик савдогар, жиддий ишлар билан шуғулланади!—
дерди давраларда гап кетгудай бўлса.

Амаким бизнинг биронтамизга эътибор билан қарамас, ҳатто ҳуш кўрмасди. Онамизни ҳам менсимасди... У эшиқдан кириб келиши билан чой дамлаш, ҳурматини жойига қўйиш учун ўрнидан турган онамга, «Ҳей, олдин қўлларингни юв!» деб бақирарди. Отам унинг шунга ўхшаш қўланса гапларини эшитиб туриб ўзини эшитмаганликка соларди.

— Биласизларми,— дерди у тескари қараб.— Майли, шундай қариндошларинг боридан фахрланишларинг керак!

Мен ўйлаб-ўйлаб савдогар қариндошимиз борлигидан нима учун фахрланишимиз кераклигини ҳеч тушунолмасдим. Ахир амаким отамга сариқ чақасини ҳам раво кўрмасди-да! Бу нарса менинг жаҳлимни чиқарарди. Акам ҳам уни ёмон кўрарди. Бир куни орамизда шундай гап бўлиб ўтгани эсимда:

— Биласанми, амакимиз нимага ўхшайди?— сўради у.

— Билмадим...— жавоб қилдим мен.

Акам кўрсаткич бармоғини ҳавода айлантириб, ниманингдир расмини чизган бўлди-да, деди:

— Чўчқага! Семириб, ёғ босиб кетган чўчқага!

Шу-шу қаерда бўлмасин «чўчқа» сўзи қулоғимга чалиниши билан кўз олдимида амакимнинг лорсиллаган, беўхшов гавдаси пайдо бўлади.

Бир куни амаким ҳақида акам иккаламиз ўртамызда бўлаётган суҳбатни отам эшитиб қолди. Биз унинг хонага кириб келганини пайқамабмиз. У баланд бўйли, ориқдан келган, худди ёлғиз ўсган қамишга ўхшарди. Гапимизни эшитиб қути учди, ёноқлари туртиб чиққан қонсиз юзида олдин таажжуб, кейин эса ғазаб пайдо бўлди.

— Амакингдан бошқа яна кимимиз бор?— Қўлини мушт қилиб дағдага, дўқ-пўписа қила бошлади отам.— Қани айтларинг, кимимиз бор?! Шундай жигаримиз борлигидан фахрланиб юришимиз зарур!

Отам шу кўйи анчагача бизни уришди, тутақди. Акамнинг лаблари пирпирар, чамаси ичида шундай гапларни такрорларди: «Фахрланишимиз керак бўлган одам бизнинг ҳурматимизга лойиқми? Ўзи ким? Савдогар билан фахрланамизми? Чўчқа биланми?»

Мен ҳам пичирлаб қўйдим:

— Ёғ босган чўчқа!..

Кунлар шу зайлда ўтиб борарди. Бир куни акам газетага ўралган ниманидир қўлтиғига қистириб уйга кириб келди. Ўралган нарсани жуда-жуда эҳтиётларди. Мен, онам ва отам уни ҳайратда кузатардик. Хурсанд. Бизларга эътибор ҳам бермай хона ўртасида тўхтади ва атрофга бир қур қараб чиқди.

— Нимани қидираяпсан?— сўрадим мен.

— Маъқулроқ жой...?— жавоб қилди акам менга қайрилиб ҳам қарамасдан.

— Нимага керак бўлиб қолди?

— Сурат учун,— у қўлтиғидаги ўроғлиқ нарсага ишора қилди.

— Сурат?— қайтатдан сўрадим яна ҳам ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, сурат... Манави суратга...

Биз умуман деворга сурат осмаганмиз. Отам ёқтирмасди.

— Кимнинг сурати? — онамнинг ҳам қизиқиши ортди.

— Ҳозир кўрасиз!

Акам суратни хона эшигининг тўғрисидаги деворга осиб қўйишга қарор қилганди. Қирган одамнинг кўзи биринчи галда суратга тушарди. У тахмондаги ёстиклардан оёғи остига икки-учтасини ташлаб, деворга миҳ қоқди-да, суратни осиб қўйди. Чўққи соқол, бошида мактаб ўқувчилари киядиган кепка, қошлари кенг, эгма; яноқлари хиёл бўртган, ихчам бурунли бир одам. Унинг ниҳоятда раҳмдил, айти чоқда жиддий, синчков кўзлари кишини ўзига тортарди.

Акам бизга мамнун қиёфада қаради. Мен ва онам, опам сеҳрлангандек қотиб турардик.

— Бутун дунё инқилобчиларининг дохийси! — деди акам тўлиб-тошиб. — Барча камбағалларнинг дўсти ва ҳимоячиси!

— Ҳозир у қаерда? — сўради опам уйимизда шундай буюк инсоннинг сурати борлигидан шодланиб. Унинг овозида фахр ва ғурур сезилиб турарди.

Акам бошини эгди ва эшитилар-эшитилмас жавоб қилди:

— У вафот этган...

Опамни ғам босди. Биз барчамиз буюк инсон қиёфасига жимгина тикилиб қолгандик. Акам бирдан бошини кескин кўтарди, кўзларида ишонч балқиди ва деди:

— Ҳа, у вафот этган... Бироқ, унинг содиқ шогирдлари қолди, улар дохийнинг таълимотини дунёга ёйдилар. У, шундай кун келади: дунёдаги барча йўқсиллар қўзғолон кўтарадилар, ҳокимиятни ўз қўлларига оладилар, барча бойлик халқ ихтиёрига ўтади... барча болалар велосипедли бўладилар, деганди.

Опам жонланди:

— Ҳамма қизларнинг ҳам чиройли юбкалари бўлади... Тўғрими?

Акам кўлини чўнтагига солди, опамга қаради ва майинлик билан деди:

— Ҳа. Худди шундай бўлади. — Кейин менга маъноли кўз ташлади: — Ва ҳар қандай ёғ босган чўчқалар таҳқирлаб кулмайдилар!

Мен мазза қилиб, чин юракдан кулдим, акам ҳам, онам ва опам ҳам менга қўшилиб шарақлаб кулишди. Онамнинг кулишини биринчи кўришим эди.

Кечқурун уйга қайтган отамнинг кўзи деворга осиглиқ суратга тушди.

— Бу ким? — сўради эътибор билан томоша қиларкан.

Акам ўрнидан туриб, тантанали равишда деди:

— Жаҳон инқилобчиларининг дохийси!

— Нима иш қилади? — сўради отам.

— Йўқсилларнинг устози ва дўсти...

Акам бизга у-улўғ инсон ҳақида нима деган бўлса сўзма-сўз қайтарди. Отам қилт этмай тингларкан, суратга ишонинқирамай қараб-қараб қўярди. Мен суратни олиб ташласа керак деб ўйлагандим. Хавфланишим ўринсиз бўлиб чиқди.

— Бу гапларни сенга ким айтиб берди? — дея сўради акамдан, юмшоқлик билан.

— Бир домла. Ақлли, меҳрибон одам. Жуда донишманд одам. Суратни ҳам ўша одам берди.

Отам ортиқ бир оғиз сўз демади, фақат томоғини қириб қўйди.

Шу-шу ётиб ухлагунимизча оғиз очмади, фақат дам-бадам суратга қараб-қараб қўярди. Суратдан эса бизга ҳамон ўйчан, меҳрибон ва айти чоқда синчков кўзлар тикилиб турарди.

Кунлар совиб борарди. Амаким навбатдаги чет эл сафарига кетди. Биз суратга кўникиб қолдик, — у ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланганди.

Кечқурунлари акам дунёдаги камбағаллар ҳимоячиси ва дўсти

ҳақида, унинг тақдири ҳақида ҳикоя қилиб берар, биз бўлсак, завқ-шавқ билан тинглардик.

— У буюк инқилобчи эди! — деб қўярди акам сўзининг охирида.

Отам энди суратга ортиқ шубҳа билан қарамасди. Аксинча, акамдан инқилоб дохийси ҳақида тез-тез сўраб-суриштирар, ундан эса ҳар галгидек бир хил қизиқарли жавоб олар, мен бўлсам: «қандай зўр акам бор, билмаган нарсаси йўқ-а», деб ўйлардим.

— Озодликка олиб борадиган бирдан-бир йўл инқилоб эканлиги тўғрими? — сўрарди отам.

— Тўғри! — ишонч билан жавоб қиларди акам.

Йўқсилларнинг дўсти ва ҳимоячиси қилган ишлар, унинг тақдири бизни кундан-кунга қизиқтириб борарди. Ва биз ҳар доим акам ҳикояларини нафасимизни ичимизга ютиб эшитардик.

... Шундай одам қандай қилиб деҳқон кулбасида яшай олдийкин? Қандай кун ўтказдийкин?

Акам йўқсиллар ҳимоячиси ва дўсти, буюк инқилобчи ҳаёти ҳақида чарчаш нималигини билмай ҳикоя қилгани-қилган эди.

Кунлар жуда совиб кетди. Биринчи ёққан қалин қор билан велосипедлар ҳам қантарилди. Отамнинг иши камайган, баъзи кунлари умуман устахонага-бормас, борса ҳам сариқ чақасиз қайтиб келарди. Шу орада ёнам дардга чалиниб, ётиб қолди. У тинмай йўталарди. Бунинг устига отамнинг ҳам бод касали зўрайиб, аранг юрар, тунлари оғриқнинг зўридан инграб чиқарди.

Бир куни отамнинг боди қаттиқ тутиб, устахонага боролмади. Узининг дарди етмагандай амакимнинг ташвишини ҳам қиларди.

— Худо кўрсатмасин, бир гап бўлди чоғи?!

Акамга, бориб амакингдан хабар олиб кел, тинчликмикан, нега кўринмай қолди, деганди, бундан унинг жони товонидан чиқиб кетгудай бўлди.

— Бизнинг ундай қариндошимиз йўқ! Унутиш керак!

Отам ўтирган жойида сакраб тушди.

— Нималар деяпсан, қандай қилиб жигаримиздан юз ўғирарканмиз... Нега энди унутишимиз керак?!

— Чунки, у билан бизнинг ўртамызда зинҳор келиштириб бўлмайдиган адоват бор!

Отам ҳайрон бўлди.

— Тушунмадим...

Акам кўрсаткич бармоғи билан ҳавода ёнма-ён икки чизиқ чизди.

— Ўртамызда кўпдан бери жарлик ётибди... Синфий жарлик... Бир томонида биз, — у қўлини кескин силтади. — Иккинчи томонида амаким!

Отам қизиқиш, айна чоқда даҳшатга тушиб сўради:

— Бу гапинг билан нима демоқчисан?

— Ўртамызда кўпдан бери кураш боряпти, — ҳар бир сўзини дона-дона қилиб жавоб қилди акам.

— Кураш?! — ёқасини ушлади отам.

— Ҳа, кураш. Синфий кураш!

— Ҳеч қачон амакинг билан нари-бери бўлмаганмиз-ку? — отам кулгисини зўрга босиб турарди.

— Ўртамызда кураш боряпти! — ғоят кескин такрорлади акам.

— Яна қанақа кураш?! — энди жаҳл билан сўради отам.

— Айтдим-ку! Синфий кураш, дедим-ку!..

— Менга қара, ўғлим, сен янглишяпсан... — мураса оҳангида деди отам.

— Йўқ, сиз янглишяпсиз! Бу кураш муттасил давом этиб келаяпти, — у суратга кўз ташлаб олди, сўнг бизга тик қараб давом этди. — Йўқсилларнинг дўсти: синфлар мавжуд экан, синфий кураш давом этаверади, деганди. Бизнинг манфаатларимиз амаким манфаатларига тамомила зид ва ўртамыздаги адоват ҳеч қачон йўқолмайди.

Ҳаммамиз кутилмаганда маслаҳатлашгандай суратга қарадик. Бизга меҳрибон кўзлар — худди бу одам, қалбимизга кириб бормоқчи бўлгандек, фикру хаёлларимизни, ўйларимизни уқиб олмоқчи бўлгандек, синчковлик билан тикиларди.

— Мен укам билан ҳеч қачон низога бормаганман! — деди отам.

— Бироқ ўртангизда синфий адоват бўлган, — кескин жавоб қайтарди акам.

— Бўлмаган гап! — азбаройи ғазабдан бақириб юборди отам.

— Бор гап, мавжуд ҳақиқат!

— Қанақа ҳақиқат?

Акам ўзини бир оз босиб, охиштароқ жавоб қилди:

— Мавжуд ҳақиқат, бошқача қилиб айтганда, инкор қилиб бўлмайдиган ҳаёт ҳақиқати!

Шу топда хаёлимга, акам жуда ҳам донишманд одам, деган фикр келди. У бўлса сўзида давом этарди:

— Амакимнинг ҳамма нарсаси бор, бизда эса ҳеч вақо йўқ. Худди шунинг учун ҳам ўртамиздаги адоват ҳеч қачон йўқолмайди.

Уртага сукунат чўкди. Ҳамма чуқур хаёлга толганди. Фақат акам ҳамон асабий аҳволда эди.

Ташқарида қандайдир овоз эшитилди. Опам чиқиб эшикни очди. Шу пайт остонада амаким пайдо бўлди. Оёғи қаттиқ азоб беришига қарамай отам у билан кўришиш учун ўрнидан турди. Онам ҳам шундай қилди. Акам иккаламиз ҳам беихтиёр ўрнимиздан қўзғалдик.

Амаким ҳали хонага кириб улгурмасиданоқ тўрдаги суратга кўз ташлади. Бизнинг саломимизга алиқ ҳам олмай, ҳол-аҳвол ҳам сўрамай тўғри сурат қаршисига борди. Бир зум тикилиб турди, кейин ҳаммамизни назардан ўтказиб, суратга бармоғини бигиз қилганча сўради.

— Суратдаги ким эканлигини биласизларми?

— Биламиз! Жаҳон инқилобчиларининг доҳийси! — жавоб қилди акам.

— Йўқсилларнинг дўсти ва яқин ҳимоячиси, — қўшиб қўйди опам.

Амакимнинг кўзи қонга тўлди:

— Буни сизларга ким айтди?

— Мен! — жавоб қилди акам.

Амаким ғазаб отига миниб, муштини боши узра кўтарганча дағдаға қила бошлади:

— Буларнинг бари бўлмаган гап!.. Булар...

— Бундай дейишдан тилингизни тийинг! — қичқирди акам.

Шундай нимжон, жуссаси чўп-устихондай йигитчанинг хонани ларзага келтириб бақирishi мумкинлигига одам ишонмасди.

— Тирранча, ҳали менга ақл ўргатмоқчи бўлаясанми? Қани суратни олиб ташла-чи?! Тезроқ бўл!

— Олиб ташламайман! Қўлингиздан келганини қилинг!

Амакимнинг юзини тер босди, чакка, бўйин томирлари бўртиб чиқди.

— Олиб ташла деяпман, сенга!

— Олиб ташламайман!

Отам дам акам билан амакимга, дам суратга тикилар, томоғи қуруқшаб ютинар, уни иккиланишлар эзаётгани кўриниб турарди. Онам ва опам бу «тамошо»ни кўрқув ва даҳшат билан кузатишарди. Қандайдир муҳим воқеа содир бўлаётганди. Буни кўнглим сезиб турарди.

Амаким ғазабдан ҳамон дағ-дағ титрарди:

— Мен ўзим олиб ташлайман, — деди у ва девор томонга қадам ташлади.

Акам титраб кетди. Кўзларига тирқираб ёш келди-ю, жон ҳолатда отамга қаради. Амаким энди суратга қўл чўзган ҳам эдики, отамнинг гайритабий ҳайқириғи эшитилди:

— Қўлингни теккизма!!!

Амакимнинг суратга узатган қўли ҳавода муаллақ қолди. У кескин ўгирилди, кўзларининг астар пахтаси чиқиб, отамга мурожаат қилди:

— Сен, улар билан биргамисан?

Отам кутилмаганда мулойим тортиб, босиқлик билан:

— Суратни ўз ҳолига қўй,— деди.

Амаким инграб юборди, юзига тер қуйилди. У ўз қулоқларига ишонмас, азбаройи газаб отига минганидан ҳушидан кетаёзгудек аҳволда эди.

— Ё мен, ёки сурат!— деди амаким девор олдидан орқага сурилиб?— Танла!

Отам хотиржамлик билан гап бошлади:

— Биласанми, ўртамизда жарлик бор эди...

— Қанақа жарлик?

Отам кўрсаткич бармоғи билан ҳавода ёнма-ён икки чизиқ чизди:

— У шундай жарликки... унинг бир томонида сен, иккинчи томонида бизлар...

— Қанақа жарлик?— ҳамон тушунмай сўради амаким.

— Синфий...— жавоб қилди отам.

— Ўртамизда ҳеч қанақа жарлик йўқ, бўлмаган ҳам, ахир бизлар биродарлармиз-ку?!

Отам кулди.

— Йўқ, бор эди. Биз ҳозир ҳам кураш олиб бораёмиз.

— Сенга нима бўлди, қанақа кураш? Нималар деяпсан?

Отам суратга қаради ва хотиржам жавоб берди.

— Синфий кураш!..

Амакимнинг жазаваси тутди:

— Булар ҳаммаси аҳмоқона гаплар! Бизлар...

— Бу бор, мавжуд ҳақиқат,— унинг гапини бўлди отам.

— Зумраша ўғлинг бурнингга буров солиб, калака қиляпти. Бунга йўл қўйма, эҳтиёт бўл!

— Мен шундай ҳам эҳтиёт бўляпман,— деди отам,— аммо курашни биз охиригача олиб борамиз.

Амаким алам билан бошини чайқади:

— Демак сен, иккаламиздан биримизни танлаб бўлдинг?!

— Ҳа, мен суратни танладим. Мен у томонда.

Амаким эшик томон юрди, бироқ ташқарига қадам қўйишдан олдин орқага ўгирилиб деди:

— Аҳмоқ! Ҳали афсус қиласан?

Отам унинг ортидан бақирди:

— Афсус қиладиган нарсанинг ўзи йўқ!

Акам хурсандлигини яширмас, отамга миннатдорчилик билан боқарди. Отам мамнун, онам билан опам хандон отиб кулишарди. Мени-ку, қўяверасиз!..

— Туёғини шикиллатиб қолди-а?! — шивирлади отам.

— У бошидан бизга бегона эди,— деди акам.— Фақат буни яшириб юрарди.

Ўртага сукунат чўкди. Отам енгил тортганидан чарчаганлиги билиниб, кўзлари илиниб борарди. Онам чуқур ўйга чўмган, акам ва опам ҳам ниманидир ўйлашарди.

Суратдан бизга ажиб бир меҳрибон ва айни чоқда синчков, бир оз қисик кўзлар худди дилимиздаги орзу ниятларимизни уқиб олмоқчи бўлгандек тикилиб турарди.

Мирхамид АХМЕДОВ таржимаси



ТУННИНГ ТИЛСИЗ ГУВОҲИ

— Утир, жоним.

— Гапиравер, қулоғим сенда. Утиришга вақтим йўқ.

Йигит зўрма-зўраки жилмайди.

— Ҳалиям ўша одатингни ташламабсан-да? Ҳеч қиси йўқ, майли. Эрга текканингдан кейин ипакдек майин бўлиб қоласан.

Қиз бир оз жимиб қолди. Кейин бирдан тилга кирди:

— Мени шунча қийнаганинг етар,— унинг овози эшитилар-эшитилмас жарангларди.— Бу ҳақда сендан неча марта тавалло қилиб сўрадим.

Йигит яна кула бошлади. Хириллаган ва чийиллаган кулгиси гўё томоғини йиртиб юборгандек бўлди.

— Сен мендан нимани сўровдинг? Мен ноинсофни қаранг-а, ҳаммасини унутиб қўйибман, аттанг, аттанг.

— Қўйсанг-чи, кўпам иккиюзламалик қилаверма.

— Иккиюзламаликни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Балки пича ўтирасан, а?

Қиз ниҳоят кўниб, қудуқ оғзининг тош супачасига ўтирди. Ҳилол тепада, мизғиган далалар узра хиёл энгашиб, муаллақ осилиб турарди. Думалоқ ойнанинг кичик бир тилими кечаси жуда ёрқин ажралиб кўринарди.

Қиз ўтирди, йигит ҳам унинг ёнига яқинроқ сурилди. У қизнинг чеҳрасига боқиб ниманидир айтишни истади, лекин сукут сақлади. У бошини эгиб, қудуққа тикилди. Зимзиё зулматдан бўлак ҳеч нима кўринмас эди. У бошини кўтарди: одатда ҳеч сабабсиз, фақат шира-кайф кишидагина бўладиган такаббуруна ифода юзида қотиб қолганди. У димоғида «ихм» деб қўйди, қиз эса энсаси кеча салқинидан жунжикканини сездди. Қиз кўз тикиб қаради: осмонда осилиб турган ҳилол уларга диққат билан боқаётгандек бўлиб туюлди. Рўпараларида ерга узала тушган иккита ёнма-ён кўланка. Тун сукунатида нафас олиш янги йил қарсилдоқларининг ёрилганидай баралла эшитиларди.

Йигит оғир хўрсинди.

Қиз қўллари билан юзини беркитди.

— Даҳшат! Сендан ароқ ҳиди анқияпти...

— Эй, анқиса анқибди-да! Бир ярим шишани қулатдим.

— Бир ярим шиша бўлса бордир... Шунинг учун ҳам хотининг, болаларинг келгусида сени алқаса керак.

Қизнинг захархандали сўзлари йигитнинг юрагига наштар бўлиб санчилди. Аламидан томоғига бир нима тикилди. Шу чоқ уни бирдан ҳиқичоқ тутиб қолди. Ҳа, арақхўр хотинга ҳам, болаларга ҳам қувонч ўрнига кулфат улашади. Аммо у ҳали оила қурмаган. Йигит бир йилдан бери уни, ёлғиз уни севади ва фақат унга уйланишни истади.

Аммо қишлоқда эса қиз турмушга чиқаётганмиш деган овоза тарқалган. Йигит бу ҳақда қиздан ҳар бир висол чоғида сўрарди, лекин қиз бу мишмишлардан тонди, ҳаммасини инкор қилди. Қизнинг хаёлида нима гап борлигини йигит қайдан аниқ билолсин, ахир?

Мана, қиз йигит билан ёнма-ён ўтирибди. Унинг юзига ой ўз ёғдусини аямай сочади. Кўзлари равшан ялтирайди. Бу кўзлар йигитнинг эс-хушини олиб қўйганди. Йигит ҳаммадан кўра, кўпроқ унинг ана шу кўзларини ёқтирарди, шекилли. У ёлғиз ўзи ғишт печка

устигаги тўшагида уйқусиз азоб чеккан сокин кечаларида бу мафтун-кор кўзларни шундоққина кўз ўнгида кўриб ётарди. Шу тубсиз, тим-қора, чакноқ кўзлар киприклар орасида худди обихаётдек ярқираб турарди. О, бу кўзларнинг ўзини қониб ичишни кўмсар, орзиқиб кутар эди. Аммо... аммо ҳалигача бирор марта ҳам лабларини унга теккиза олмаган эди. Йигит унга уйлангандан кейин қизнинг кўзларидаги сирли обизамзамни туб-тубигача сипқаришни орзу қиларди. Эй худо, шундай кун қачон келаркин, қачон?!

Йигит қизнинг қўлларидан тутди.

— Азизам, — унинг товуши ҳазин ва мунгли эди, — сен яқин-орада эрга чиқаётган экансан, шу — чинми?

Ўз дилбарингнинг қўлларидан ушлаб, шундай беҳуда савол бериш асло ярашмас эди, албатта. Турган гапки, қиз дарҳол қўлини тортиб олди.

— Йўқ, йўқ... — йигит ўз сўзида қатъий туриб олди. — Менга ҳақиқатни айт. Ахир, мен бари бир ҳаммасини биламан-ку. Эрга тегсанг — тегавер. Хўш, тегсанг нима бўпти? Сир тутиб юриш эса бемаънилиқдан бошқа нарса эмас. Биласанми, сўққабош бир одам уйланмоқчи... Хўш, унинг йўлини тўсишга кимнинг ҳаққи бор? Ҳеч кимнинг!..

Қиз ҳеч қандай жавоб қилмай, фақат кўз қири билан унга қаради. Йигитнинг лаблари титради, у ниманидир айтишга, ҳайқаришга жазм этди-ю, лекин индамади, сукут сақлади. У ой ёруғида кўзларининг чети ярқираётганини кўриб хижолат чекди ва лабларини тишлади. Қиз кулиб юборди. Йигит ҳам беихтиёр жилмайди.

— Биз бир-биримизни, — йигитнинг бир оз бўғиқроқ ва ҳазин овози жаранглаб эшитилди, — неча йилдан бери, неча йиллардан бери яхши кўрамиз?

— Эсимда йўқ.

— Менинг эса эсимда: икки йилдан бери. Янги йил ярмаркасида...

Қиз ўрнидан турди.

— Мен билан нима ҳақда гаплашмоқчи эдинг?

— Мен... Ҳирсанг-чи.

— Кеч бўлди.

— Йўқ. Қара, ҳали ҳилол қоқ тепамизда турибди.

— Ноғора чалишяпти, шекилли.

— Тео¹ ҳам поёнига етиб қолгандир. Ҳа, шундайга ўхшайди.

— Йўқ, йўқ, янглишдинг.

Қаердадир, узоқда узун ноғоранинг бир текисда чалинаётгани эшитиларди: ноғорачилар бутун маҳоратини ишга солганди.

Ҳилол шошилмай дала устига анча пастлаб келган, ўз навбатида эса ердан унга сари ўтлар ҳамда эндигина сабза урган кўклам майсаларининг бўйи кўтариларди.

Қиз хўрсинди. У ҳозир нима ҳақида ўйга толдийкин? Яна қудуқ оғзининг тош супачасида ўтириб, у даҳанини кафти билан қошлаб, шивирлади:

— Эшит...

— Ҳа?

— Агар биз турмуш қурмасак, демак, осмоннинг иродаси бизга шуни раво кўради.

— Турмуш қурмасак — бирга ўламиз! Бунга осмоннинг нима даҳли бор?

— Бўлмаган гапни қўй!

— Шундай қилиб, эрга тегадиган бўлдингми?

Қиз негадир йиғлади.

¹ Тео — афтидан ўрта аср ярмарка томошаларига ва қишлоқ сайилларига дахлдор анъанавий мусиқали-драматик театрнинг эски жанри; кўпинча, у, халқ оғзаки ижоди мотивлари асосига қурилади.

Иигит донг қотиб қолди. Унинг юраги безовта бўлиб, сиқилди. Йўқ, уни қизнинг кўз ёшлари ҳаяжонга солмади: қиз ҳеч нима демай, ўз айбига йиғлаб туриб иқрор бўлди. Иигит эса бирдан эртанинг ўзидаёқ бу ердан гўё йироқ-йироқларга бош олиб кетиб, ёт юртларда машаққат чекажаги муқаррардек туюлди. Гўё ёнида ўтирган хотини эса уни йўлга кузатгани чиқиб, эзилиб-эзилиб йиғлайди.

Иигит бармоқлари билан қизнинг ёноқларини сийпалади. Унинг бармоқлари учларида ёш томчилари осилиб қолди. Иигит уни лабларига босди. Уни ташналик қийнади. Томоқлари арақдан қақраб қолганди.

Қиз айёрларнинг йиғисига ўхшатиб секингина ун тортди ва унинг кўз ёшлари бир парчагина булутдан ёққан ёмғирдек, сал ўтмай тийилди. У узун кўйлагининг этаги билан кўзларини артди. Ипак кўйлагининг этаги пойига шилдираб тушди.

Қиз ўрнидан турди.

— Мен борай.

— Йўқ, тўхта!

Усиб ётган бамбук тўсини ортидан яна ногора овози янгради. Иигит бир чўчиб тушди.

— Томоша тугадими? — безовта бўлди қиз.

— Йўғ-е. Биринчи пьеса тугади, энди иккинчиси бошланади.

— Мен бари бир боришим керак.

— Утган йили, гоҳо ҳилол чиққунча, мен билан ўтирардинг.

— Аввал — аввал, ҳозир — ҳозир...

— Бу — осмоннинг иродаси, дейсанми?

Иигитнинг ғам-ғуссага тўлиб ўртанаётгани овозидан сезилиб турарди. У совуқ ва хириллаб кула бошлади.

Қиз тескари ўгирилди.

— Бўлди. Мен кетаман.

Қиз шундай деб ҳар иккаласини — фалакдаги муаллақ ҳилолни ҳам, ошиқ йигитни ҳам ташлаб, нари кетди.

Иигит унинг орқасидан югуриб, кўйлагидан тутиб олди.

— Наҳотки кетсанг?

— Ҳа.

Иигит лабини тишлаб олди.

— Унда билиб қўй — мен худди шу жойда ўламан.

Қиз ҳамон нари кетиб борарди.

Иигит чайқалиб-чайқалиб қизнинг изидан жилди.

Бир-бирининг изидан одимлаётган кўланкаларни, гўё олдинга туртаётгандек, уларнинг ортидан ҳилол боқарди...

Иигит қизнинг қўлидан ушлади. О, унинг оппоқ билаклари шакарқамишнинг поясидек силлиқ ва пишиқ эди; агар тишлар орасига олиб қисса — оғиз шарбатга тўлиб қоладиганга ўхшарди. Юраги шунақа ҳам қаттиқ дукиллардики, зарби тун сукунатида бемалол эшитиларди. Борди-ю хотиржам бўлганида, эҳтимол, йигит қизнинг қўлини ушлаб тортар ва оёғига чил бериб, майсага қулатармиди.

Аммо фақат қовоғини солиб, қизга тикилиб бақирди:

— Менга ҳамма-ҳаммаси аён! Мен ўзим жўрттага сўрагандим. Биламан, бир ойдан кейин, ўн иккинчи куни сенинг тўйинг бўлади! Ҳайвон!!

Иигитнинг кўзлари ғазабдан чақнади.

Қиз чинқириб юборди ва йигитни итариб ташлаб қишлоққа чопди.

Иигит кучли ва бақувват эди. Бироқ мастликдан боши айланди, у чайқала бошлаб, майсага юзтубан қулади. Қўллари эса беихтиёр қиз томонга чўзилди. У ўрнидан туриб ўтирганда, қиз аллақачон кетиб қолган эди.

Хира тортган ҳилол пастлаб, уватларга яқин келиб қолди. Шоли бошоқлари йигитнинг биқинига ёпишди.

У қизнинг ортидан қишлоққа бормади. Оёққа қалқмай, у орқага, қудуққа томон эмаклади, қўли билан супачанинг четини ушлаб, юзини

силлиқ тошга босди. У шу кўйи анча вақтгача беҳол чўзилиб ётди. Сархушлик ақлини батамом хиралаштирди. Фикрлари ҳаддан ташқари чалкашиб кетди. Вақти-вақти билан у қиқирлаб кулиб, сўнгра ғадир-будир тошни ялар ёки кимнингдир соясини сидириб ташлаётгандек, уни кафти билан ишқаб қўярди.

Боши айланди. Фақат бир нарсага келганда, шуури панд бермади: ташналик ҳаёлидан сира кўтарилмади: сув ичгиси келаверди, келаверди. Қақраган томоғи борган сари ёнди. Шилимшиқ сўлакка оғзи тўлиб кетди.

У қўлларини қудуққа осилтириб туширди ва бармоқларини ёзиб у ён-бу ён силкитди. Тубдан шалоплаш эшитилди — бақалар сувда бир-бирини қувалаб сузишарди. Сув шилпиллар ва қулқулларди.

«Аҳа! Қудуқ тубида сув бор экан!..»

Йигит бошини қудуққа тикди. Унинг нафаси акс-садо бериб, қудуқнинг тош деворлари бўйлаб таралди. У нимадир деб тўнғиллади, ўзининг хириллаган товушига қулоқ солиб, кула бошлади.

У ниҳоят бармоқларини чўзиб, сувгача етказди, уни ҳовучи билан олишга уринди, бутун оғирлигини ташлаб энгашди ва қудуқнинг гувуллаб ётган зулмат қаърига қулаб тушди. Букилган оёғи қудуқнинг оғзидаги супачага тегиб, катта тош бўлагини юлқиб олди. Йигит билан тош сувни қаттиқ чайқатиб, қудуқ қаърига ғойиб бўлди.

Сув анчагача мавж уриб, сўнг тиниб қолди.
Ҳилол кенг далаларга ёғду сочарди.

* *
*

Бир ойдан кейин, яъни ўн иккинчи куни қизнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди.

Йигит эса жамоа уйининг дарвозаси қошида тео томошалари бораётган ўша тунда қудуққа чўкиб ўлди.

Ана шу икки ҳодисани ҳеч ким ўзаро бир-бирига боғлаб кўрмади. Аммо одамлар унга ачиндилар: у раҳмдил одам эди, камсухан деб ном чиқарганди, серғайрат ва меҳнатсевар ҳам эди, шунинг учун ҳамма уни ҳурмат қиларди.

Ҳеч ким унинг ўлими боисини билмади. Тўғри, агар бирор киши янги келиннинг орқасидан пойлашни зиммасига олганда эди, у эрининг уйдан ота-онасиникига меҳмонликка йўли тушган кез, у бошқа қўшнилاردан фарқли ўлароқ, қудуқ ёнидан юрмаслик учун (гарчи энг ёвуқ йўл шу ердан ўтишига қарамай) доим дала сўқмоғи орқали анча наридан айланиб ўтишини кўриб, эҳтимол, кўпгина нарсани ойдинлаштирган бўлур эди. Ҳа, бироқ бу билан кимнинг қанчалик иши бор эди, дейсиз...

Ўша кеча фақат яккаш ҳилолгина ҳамма-ҳаммасига тилсиз гувоҳ эди.

Аммо қиз ташвиш чекмаса ҳам бўлади, чунки ҳилол гапира олмайди, одам тилига тушунмайди, у — безабон...

Русчадан Мурод ХИДИР таржимаси



ЭЗГУЛИК ХАПДОРИСИ

— Нима?

Мен ҳайрат ва ҳадик аралаш у томонга қарадим. Нимага деганда, у жуда ғаройиб одам. Хотиним билан иккаламиз нонуштадан кейин ўзимизни эрталабки офтобда тоблаб ўтирган чоғимизда боғимизга мушукдай писиб кириб келгани-чи! Юзи чўзинчоқ ва тунд-яноқларидаги чуқур ажинлар кўзга ташланиб турарди. Пешонасида тер томчилари йилтиларди. У, гўё ҳозиргина жиноят қилиб аллақердан келаётгандек, катта-катта очилган кўзлари билан ваҳимали боқарди.

Унинг энгил-боши ҳам ғаройиб: кўзни олгудек оппоқ матодан тикилган камзул кийган, оёғидаги шиппаги ҳам оқ тусда, бунинг устига оқ рангли сумкача кўтариб олган. Аммо унинг энгил-бошидан ҳам кўра елкаларига ёпишиб турган бир жуфт «қаноти» янада ғаройиброқ эди. Ҳаддан ташқари беғубор ва ҳарир бу «қанотлар» парпираб турарди.

— Мана бу қанотлар асилми? — сўрадим.

— Йўқ, — жавоб берди у, пешонасидаги терларни кўрсаткич бармоғининг ёни билан сидириб. — Бу «қанотлар» нейлондан қилинган.

— Нейлон дарров жаннатга ҳам етиб бордими-а? — сўраб қолди хотиним ундан.

— Йў-ўқ... — деди у қонсиз лаблари қимирлаб, жилмайишга ҳаракат қиларкан. — Мен жаннатдан келаётганим йўқ. Мен «Эъжоз кемикал варкс» компаниясининг сотувчисиман. Мана бу «қанотлар» эса, шу компаниянинг нишони бўлади.

Ана холос, каллаи саҳарда сотувчи деб кимнинг кўзи учиб турувди! Бўғилиб кетдим. Бироқ бўлар иш бўлган эди, чунки у бало-қазодай қаршимда турарди. Шунинг учун мажбуран, «Нима сотасан?» деб сўрадим ундан.

— Эзгулик хапдориси сотаман.

— Эзгулик хапдориси?! — дедим мен таажжуб ичида деярли қичқириб. Хотиним, кўзлари косасидан чиққудек, ҳайрат билан унга қарамоқда эди. Кейин бир оз дили ранжиган оҳангда деди:

— Сиз бизни калака қиляпсизми?

— Калака эмас, тўғриси айтяпман, — жавоб берди у ўша совуққонлик ва жиддий бир тусда. — Компаниямиз олимлари қидирув ишлари олиб бораётиб Ҳимолай тоғидан шундай бир гиёҳ топдиларки, илдизиди бир шира бўлиб, уни истеъмол қилган одам олижаноб бўлиб қолар экан.

— Олижаноб? — сўради хотиним баттар таажжубланиб. Чунки, бунга унинг сира ақли бовар қилмаётган эди.

— Ҳа, ҳар жиҳатдан бекам-кўет... — деб тушунтирган бўлдим. — У шундай деяпти!

— Сен жим, сендан ҳеч ким гап сўраётгани йўқ, — деди хотиним, нари тур, дегандек қўлини силкиб. Кейин: — Қанақасига олижаноб бўлиб қолар экан? — деб қайта сўради сотувчидан.

Сотувчи сўзлай кетди:

— Ҳар қанақасига олижаноб бўлиб қолади. Десангиз, одамнинг димоғи чоғ, инсофли... Бирдан унинг кўнглида бошқаларга нисбатан эзгу, пок ниятлар пайдо бўла бошлайди. Одамдаги барча туғма очкўзлик, тубанлик ва хиёнат сингари ёмон табиатлар ном-нишонсиз

йўқолади. Ундаги гуноҳ саналадиган хатти-ҳаракатлар ақлу закоси равшанлашиши билан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада тез барҳам топади. Бу дорининг таъсири шу қадар кучлики, уни еган одам ҳеч қачон ўғрилиқ қилолмайди, ҳеч кимга мушт кўтаролмайди, бировнинг мушугини пишт деёлмайди, бировга ёмонликни раво кўрмайди.

— Шунақа дегин, — дедим мен унга, — борди-ю, дунёдаги жамики инсон шу доридан еб олса, ер юзида ёмонлик бутунлай тугар экан-да?! Ҳеч қачон бировга зулм қилмаса, биров бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаса, ҳеч қачон ҳеч қанақа уруш бўлмаса...

— Бундоқ олиб қараганда, шундай бўлиши лозимдай кўринади, — деди у «қанотларини» бир-икки қоқиб кўйиб. — Бироқ амалда бу мумкин эмас, чунки, бу гиёҳ гоётада ноёбдир ва унинг илдизидан жуда оз шира чиқади.

— Ундай бўлса, бошқа йўл билан, яъни, ўша гиёҳ илдизининг шираси ажратиб олинса-да, кейин кимёвий тажриба билан худди шунга ўхшаган шира олиниб, ундан дори тайёрланса қалай бўларкин? Ахир, олимлар айрим гиёҳлардан сунъий ширалар тайёрлашди-ку?!

— Олимларимиз роса тер тўкишди, бироқ ҳали бирор натижага эришганларича йўқ. Улар ширани-ку олишади, аммо ундан тайёрланадиган дорининг таъсир кучи бўлмайди. Шунинг учун мана бу эзгулик хапдорисининг қиймати бебаҳо ҳисобланади.

— Булар қанчадан туради? — шошилиб сўради хотиним, бирор нарсани кўрса қизиқиши ортиб, ўзини тутолмайдиган одатига кўра.

— Икки донаси йигирма тўрт рупия. — Шундай деб сотувчи сумкасига қўлини суқиб, кичкинагина шишачани олди. Унда икки дона хапдори йилтираб турарди. Катталиги нўхатдай-нўхатдай келади. Сотувчи хотинимнинг тумшуги остида ҳалиги шишачани силкита бошлади.

— Бор, йўлингдан қолма, — дедим мен тўнглик билан, — бизга керак эмас.

— Йигирма тўрт рупияга қимматлик қилади, — деди хотиним савдолашиб.

— Йигирма тўрт рупияга нимаси қиммат? Эзгулик хапдориси-я!.. — деди сотувчи. — Яхши кўриниш учун одамлар минглаб, ҳатто юз минглаб рупиянинг юзига бормайдилар... Улар мактаб очадилар, нафақа тўлайдилар, ибодатхоналар қурадилар, нутқ сўзлайдилар; газеталарда суратларини бостирадилар, душманлари билан қўл олиб-қўл бериб кўришадилар; тентакларнинг елкасини силайдилар, аллақандай хурофотчиларнинг гапларига лаққа тушадилар... Фақат, олижаноб бўлиш учун!... Аммо шунда ҳам олижаноб бўлолмайдилар. Лекин, мана шу дори, атиги йигирма тўрт рупияга олинган дори, сизни олижаноб қила олади.

— Бунга бирон исьботинг борми? — деб сўрадим мен.

У яна сумкасига қўлини суқди ва ундан аввалгисидан ҳам, кичикроқ бир шишачани чиқарди. Қум доналаридай бири катта-бири кичик, кепакка ўхшаган нарса. У шишачанинг оғзини бураб очиб, кафтига икки дона туширди ва бурним тагига келтириб, илтимос қилди.

— Биргина донасини енг! — Кейин, хотиним томонга бурилиб деди: — Бир дона сиз ҳам енг! Енг-енг, ейверинг! Бу намуна учун олинган дори. Текин... Шунчаки синаш учун... Дорининг нафини билиш учун енг, ейсиз-у, икки минутдан кейин бунинг таъсирини сезасиз.

Хотиним шоша-пиша унинг кафтидан бир дона дорини олиб, оғзига солди. Иккинчисини хотинимнинг талаби билан мен ҳам бир оз иккиланиб туриб оғзимга солдим. Таъми қандайдир ачимсиқ ва шўртанг экан. Кейин жуда ғалати ҳолатга тушдим. Томирларимдаги қон юриши бирдан секинлашгандек, вужудим худди қаймоқ ичида сузаётгандек... Юрагим шунақанги бир ғалати аҳволда эзила бошладики, кўзларимдан шашқатор ёш оқа кетди. Хотинимга қараб,

унга раҳмдиллик билан ўз-ўзимдан гапириб юборибман: «Жонгинам, мен сенинг олдингда гуноҳқорман. Кейинги йигирма йил мобайнида ажралиш фикрида юрардим, аммо журъат қилолмасдим...»

Хотиним кўз ёшларини артиб деди: «Мен билардим, азизим, ўз кўнглимда сени пасткаш ва худбин деб юрардим. Фикру хаёлимда битта гап: бу ишратпараст эр ёшлигимдаги бор ширамни шимиб, кексайганимда пўчоқдай тупуриб ташлайди, дердим. Неча марта жаҳлим чиққанида бўғиб ташламоқчи бўлганман...»

Мен ўпкамни босолмай дедим: «Бир гал уйқудалигингда нақ бўғиб ташламоқчи ҳам эдим, аммо энди олдингга яқинлашганимда қўлларим бўшашиб, журъат қилолмагандим, жоним! Мен сенга муносиб эмасман!..»

«Йўқ, сен жуда ҳам яхшисан, — деди у бўйнимдан қучиб. — Мен ёмонман, сени заррача бахтиёр қилолмадим. Ахир, бешала синглимни ҳам ўқитдинг, пулинг кетди... Кўнглинг шу қадар бегубор эдики, икки кўзингни чирт юмиб нуқул айтганимга юардинг».

«Йўқ, айтганингчалик кўнглим оқ эмас эди, жоним, — дедим мен қилмишларимга иқрор бўлиб. — Сенинг сингилларингга муносабатим азбаройи кўнглим софлигидан эмас эди. Сен, афтидан, ҳеч нарсадан беҳабар кўринасан. Хайр, у шўрликлар турмушга чиқиб, бари ўзидан тинди, энди гапиришинг ҳам ҳожати йўқ. Аммо...»

«Қўй, гапирма, — деди хотиним оғзимни қўли билан ёпиб, — мен ҳаммасини биламан ва билиб туриб сени кечираман. Истасанг, ҳаётингдаги энг катта орзуингни ҳозироқ амалга ошира олишинг мумкин. Истасанг, мен ҳозироқ бир қоғозга, бир оппоқ қоғозга ўз қўлим билан имзо чекиб, сенга шундай бир баённома ёзиб бераманки, уни судга кўрсатиб, дарҳол менинг талоқ хатимни олишинг мумкин».

У қоғоз олиб келиш учун ичкарига йўл олган эди, мен уни тўхтатдим ва белидан қучоқлаб дедим: «Йўқ-йўқ, жоним, асло кераги йўқ. У гаплар тамоман менинг ёдимдан кўтарилиб кетган. Энди... энди... Э-ҳе, бу нима?»

Шу аснода, хотиним иккаламиз, таажжубда бир-биримизга тикилганча туриб қолдик. Дорининг таъсири йўқолган ва бизлар тагин ўша бир-биримизга «ит-мушук» ҳолимизга қайтгандик... Мен худди чаён чаққандай қўлимни хотинимнинг белидан тортиб олдим ва ҳижолат бўлиб стулга чўкдим. Таъбим хира, ўзимда йўқ аҳволда эдим. Беш минут ичида менга нималар бўлди ўзи? Хотинимга назар ташладим — у ҳам бошини эгганча, эҳтимол, худди шу ҳақда ўйларди.

— Синаш учун ейиладиган дори фақат уч минутгача кучини сақлайди, холос, — деди сотувчи. — Ҳақиқий дорининг кучи эса, уч соатга бемалол етиб-ортади.

— Эзгуликнинг уч соати у ёқда турсин, уч миноти ҳам кўплик қилади, — дедим мен. — Бу дорингдан қўрқиб қолдим, менга керак эмас.

— Менимча, бу дори сенга жуда ҳам асқатади. Гоҳида сен шунақанги ваҳшийлашиб кетасанки, нақ юрагимни ёрасан. Олвол. Бу сенга, албатта, асқатади.

— Асқатишга сенга ҳам асқатади, — дедим мен унга. — Гоҳида шунақанги оғзингдан боди кириб-шоди чиқадики, етти маҳаллага етади овозинг. Ақлим борида сен учун икки донасини олиб қўйганимоқ бўлсин.

— Мен ҳам сенга деб икки дона оламан, — деди хотиним.

Сотувчи бизга икки шишача эзгулик хапдорисини бериб, ўттиз саккиз рупияни жарақлатиб санаб олаётганда сўрадим:

— Бу дориларни қай пайтларда ичилади? Қандай таомлар ейиш-емасликни ҳам айтиб кет.

— Таом танламайди, — деди у, — олижаноб бўлишни хоҳлаган чоғингизда битта донасини ичасиз ёки керак бўлиб қолса, бошқа бировга ичирасиз. Фақат бир нарса эсингизда бўлсин: дори оч қоринга кўпда тўғри келмайди.

— Гапинг тўғри, — дедим мен кулиб, — ўзи қорин тўйгандан кейин одам яхши нарсалар ҳақида ўйлайди.

Кейинги бир неча кун ичида содир бўлган баъзи ғаройиб воқеалар эзгулик ҳапдорисининг жойларда қандай таъсир қилаётганини кўрсатиб турарди.

Бир баққол шу пайтгача унга қипиқ аралаштириб сотиб келганини халққа аён қилди. Қипиқ сотувчи эса қипиққа тупроқ аралаштириб сотиб келганини айтди. Тупроқ сотувчи тупроққа тезак кули аралаштириб сотганини ошкор қилди. Натижада халқ учала савдогар билан олди-берди қилишдан воз кечди.

Бир поезд ҳайдовчиси, доридан ичиб олгач, ўтхоначига қараб шундай деди:

— Йигирма беш йилдан бери мен шу поездни ҳайдаяпман, сен бўлсанг йигирма беш йилдан бери шу поезднинг ўтхонасига кўмир отаяпсан. Ортиқ бу бедодликка чидолмайман. Бугундан бошлаб сен поезд ҳайдайсан, мен ўтхонага кўмир отаман.

Ўтхоначи ҳам эзгулик ҳапдорисидан ютиб олган экан, жуда ҳам ачинган ҳолда деди:

— Сенинг менга раҳминг келади, менинг бу поездга раҳмим келади. Ўз тананга бундоқ ўйлаб кўргин: йигирма беш йилдан бери мана шу паровоз шу вагонларни судраб келяпти. Бормаган жойи қолмаган. Тоза толиққан. Бироқ, шу пайтгача ҳисобдан чиқарса бўларди-ю, ҳукумат ақалли дам берай демайди. Қип-қизил адолатсизлик-ку бу!

— Гапинг юз фоиз тўғри — деди паровоз ҳайдовчи пиқ-пиқ йиғлаб, — ростданам бу паровозни ҳаракатдаги паровозлар ҳисобидан чиқариш лозим эди. Мана, кўрасан, ҳозир келадиган станция депосига етайлик, уни тўхтатиб қўяман.

Кейинги станцияга етишгач, ҳайдовчи паровозни тўхтатди. Кейин, иккалови ўтириб олиб, «кекса» паровознинг аҳволига ачиниб, кўзёш қилишди. Йўловчилар минг ялиниб-ёлворсалар ҳам паровозни ҳайдашга рози бўлмадилар.

Бир йўловчи юриб кета туриб, киссавурни чақирди-да, унга кармонини инъом қилиб юборди.

Бир фильм юлдузи ўзининг нопок йўл билан топган пулларини халққа ошкор қилди.

Даромад солиғини йиғувчилар солиқ йиғишдан бош тортдилар. Чунки, улар эзгулик ҳапдорисидан ичиб олишганди.

Иккита бизнесмен эзгулик дорисидан ичиб, кўпроқ фойда ундиришга бел боғлашди. Улардан бири пўлат эритувчи завод эгаси, иккинчиси магний конларининг соҳиби эди. Завод эгасига магний зарур, кон соҳибига пўлат. У бир катта омборхона қурмоқчи. Нафсиламрини айтганда, шартнома ҳамирдан қил суғургандек осон ҳал бўлиши мумкин эди, аммо иккала бой эзгулик ҳапдорисидан еб олгани учун суҳбат, тахминан, шундай тарзда борди:

Завод эгаси: Ўзингдан қолар гап йўқ, Ражжок бҳай, биз ўтган галги савдода сендан икки юз минг рупия уриб қолган эдик.

Кон соҳиби: Ҳа, ҳа, эсимда, Чаман сетҳ. Аммо ундан олдинги савдода мен сиздан уч юз минг рупия уриб қолган эдим... Бугун сизга юз мингини қайтаргани келганман.

Завод эгаси: Овора бўлмай қўя қол, Ражжок бҳай, бари бир мен олмайман.

Кон соҳиби: Олмасангиз бўлмайди, Чаман сетҳ, худо ҳаққи, мен гуноҳкорман, сиздан кўра мен кўпроқ гуноҳкорман. Бироқ, бундан кейин бу касбни ташлайман деб аҳд қилдим. Айтинг, сизга қанча магний керак, мен бир чақа ҳам олмайман.

Завод эгаси: Ўзинг айт, сенга қанча пўлат керак? Бутўн завод сеники.

Кон соҳиби: Нималар деяпсиз, Чаман сетҳ?

КРИШАН ЧАНДР. ЭЗГУЛИК ҲАПДОРИСИ.

Завод эгаси: Елгон гапирсам ўлай агар, сенга керак бўлса, ҳозироқ заводни орқалатиб юбораман.

Кон соҳиби: Мен конларимдан чиққан ҳамма магнийни сизга инъом қиламан. Ҳозироқ ола кетинг, ҳозирнинг ўзида.

Бу унинг гапига унамайди, у бунинг гапини эшитмайди. Завод эгаси ўз заводини кон соҳибига хатлаб берди. Кон соҳиби конларини завод эгасига тортиқ қилди. Эртасига иккаласи ҳушига келиб қарасаки, завод эгаси кон соҳиби бўлиб қолибди, кон соҳиби завод эгаси бўлиб қолибди. Аммо бари бир завод эгаси магнийга муҳтож экан, кон соҳиби — пўлатга. Шунинг учун ҳамма нарса эски ҳаммом, эски тослигича қола берибди. Шу ҳам фойда кетидан қувиш бўлди-ю!

Бир министр эзгулик хапдорисидан ичиб олиб, матбуот конференцияси чақирди ва ўзининг қинғир йўл билан икки миллион рупия пул йиққанини ва бу пулларнинг ҳаммасини Швейцариядаги бир банкка хуфия тарзида қўйиб қўйганини баён қилди. Орадан уч соат ўтиб, у ҳушига келгач, пистолет «таблеткаси»дан «еб», нариги дунёга равона бўлди.

Сўнги воқеалар ҳукуматни қатъий чоралар кўришга мажбур қилди. Парламент, «кимки эзгулик хапдорисини сотаётган ёки сотиб олаётганда қўлга тушса уч йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади» деган махсус қарор қабул қилди. Уни ичадиган кишига беш йил қамоқ жазоси белгиланди. Ҳукумат «Эъжоз кемикал варкс» компаниясини қўлга олди. Тайёр дорилар денгизга оқизиб юборилди, олимлар эса бир саҳро районида сургун қилинди. Шундан кейингина юрт тинчиб, ҳамма илгаригидек яшай бошлади.

Эзгуликка қарши ҳукумат жорий этган қонуннинг кучга кирганига етти ой бўлди деганда қаршимда яна ўша «нейлон фаришта» пайдо бўлди. Бироқ, энди унинг «қанотлари» йўқ, эгнидаги камзули ҳам ўзгарган бўлиб, қўлида сумка кўринмасди.

— Энди нима тирикчилик қиляпсан? — деб сўрадим мен.

— Эзгулик хапдориси хуфия савдоси билан шуғулланаман, — деди у оҳиста ва оғзига қўлини тикиб, ўнг лунжидан кичкинагина резина халтачани суғуриб чиқарди. Халтачанинг шилдироқ оғзини очиб, ичидан оппоқ-оппоқ дориларни олди. — Мана, улар...

— Йўқот, менга буларнинг сира кераги йўқ, — дедим мен жон-жаҳдим билан бошимни чайқаб.

У жуда сирли равишда мен томонга энгашди ва энгашиб туриб пичирлади:

— Энди олимларимиз жаҳолат хапдориларини ҳам қидириб топдилар.

— Жаҳолат дориси?! — деб сўрадим мен ҳайрат билан.

— Ҳа-да, — деди у жилмайиб, кейин оғзига қўлини тикиб, чап лунжидан иккинчи резина халтачани суғуриб олди. Унинг оғзини очди-да, ичидан дориларни олиб менга намойиш қилди.

— Буни ичиб олганингиздан кейин эзгулик хапдорилари заррача ҳам таъсир қилмайди, — деди у гердайиб.

— Жуда яхши, — дедим азбаройи энсам қотиб унга қарарканман, — дарвоқе, унда эзгулик хапдориларини ичишдан нима фойда?

У шундай деб жавоб берди:

— Сиз ўзингиз жаҳолат дориларидан ичинг, бошқаларга эзгулик дориларидан ичишни маслаҳат беринг. Ана ундан кейин фойдадан сира бошингиз чиқмайди. Неча пакет берай?

Ҳинд тилидан
Амир ФАЙЗУЛЛАЕВ таржимаси



Ғулом Дастагир
Панжширий,

Афғонистон

Кураш таронаси



Шер йигитлар элга ёр
хизмат билан,
Яшнагай мардум дили
рағбат билан.
Мард йигитлар тўлқини — мавжи замон,
Евга қарши қўзғалур
ғайрат билан.
Қанча ҳушёр бўлса эл, юртдош улус,
Дўст бўлурмиз шунча юрт,
миллат билан.
Халқ курашга қанча мойил, шунча соз,
Шунча душман даф бўлур
ғорат билан.
Қалқ оёққа, эркталаб ўғлону қиз,
То хароб бўлсин зулм
ғурбат билан.
Ғар ғазаб қонингда жунбиш айласа,
Эскилик маҳв ўлғуси
суръат билан.
Бил, кураш — эркин ҳаёт тимсолидир,
Бахтга етгай мард элим
қудрат билан.
Асримиз ёрқин чароғи, шуғла соч,
Халқ йўлин ёрит, кураш
зулмат билан.
Ишчилар! Сиз бу жаҳоннинг устуни,
Яйрангиз бу даҳр аро
ҳурмат билан.

Дехқон қизи

Эй, бободехқоннинг муштипар қизи,
Шодлан, ўлка узра отаётир тонг.
Ювилсин қалбингдан дарду ғам изи,
Ишчилар кураш деб урмоқдалар бонг.

Ботирлар онаси, эй азиз аёл,
Эркин дунёмизга қўй меҳру ихлос.
Қалбингни забт этсин энг эзгу хаёл,
Душмандан олурмиз биз қонли қасос.

Гулгун либосингни кийиб чиқ, эркам,
Қалбингда ярқираб нурли Инқилоб.

Узлигинг намоён этар дам — бу дам,
Халқ — сенга суюнчиқ, халқ — сенга офтоб.

Йўлимиз истиқбол йўли, бахт йўли,
Энг асил, энг олий тилак бизга ёр.
Қўлимиз тутмишдир мард ишчи қўли,
Бизга ишчи номи юксак эзтибор.

Бу йўлда сен қанча бердинг қурбонлар,
Эрлар ўз жонларин этдилар фидо.
Эркин нафас олсин озурда жонлар,
Энг сўнги курашга ундайди Нидо.

Синглим, юрагимда меҳрим бепоён,
Фарзандларинг дадил оёққа қалқмиш.
Кимки халқ бахтига бағишлагай жон,
Исми Зухро янглиғ абадий балқмиш.

Орзулар гунчаси барг ёйган у кун,
Шугуфон, бағримда яшнагай баҳор.
Фарзандлар чехраси барқ уриб гулгун,
Кўксимни тўлдиргай буюк ифтихор!

Халқ бирлиги

Хаётнинг тўлқинли уммонимиз биз,
Евузни сунурган тўфонимиз биз.

Ишчилар қўлини маҳкам ушлаган
Юртнинг заҳматкаши — деҳқонимиз биз.

Диллардан жой олган бу ўлка ишқи,
Эрқин келажакнинг давронимиз биз.

Ситам дунёсини тубдан қўпорган,
Халқнинг таянчию дармонимиз биз.

Курашлар ўтида пишган, тобланган
Сармоя душмани — қиронимиз биз.

Бадахшоннинг гулгун лаъли — қалбимиз,
Мардларга бошпана — ошёнимиз биз.

Зўру зар дунёсин енгурмиз албат,
Забардаст қалъайи қўрғонимиз биз.

Бомиён лочини бўлсак бир томон,
Ҳам Балжу Фарёбу Боғлонимиз биз.

Умид лолалари қалбда шафақгун,
Иқбол гулшанининг боғбонимиз биз.

Қонимиз банкларда гардиш айлагай,
Ғазабкор еатаннинг Жузжонимиз биз.

Айбаку Тохарнинг суворий марди,
Хариво Нимрўзнинг ўғлонимиз биз.

Курашу меҳнатдир бизга ифтихор,
Юртинг кўрк маскани — Лағмонимиз биз.

Тириклик жангига нидо айлаган
Афгон диёрининг афғонимиз биз.

Кобул — юракдаги сўнмас ўтимиз,
Зобул мулкининг ҳам армонимиз биз.

Бизнинг яқдилликдан ёв бўлур забун,
Дунё тинчлигининг посбонимиз биз.

Халқим муддаоси эрур Инқилоб,
Унинг жанглари аро жавлонимиз биз.

Ботир Вьетнам ҳам ибратдир бизга,
Эркининг истибдодга исёнимиз биз.

Токай ранжу заҳмат эзгайдир элни,
Ғанимнинг маҳкуми зиндонимиз биз.

Бизни алдай олмас жаҳолат шоҳи,
Ватаннинг ҳақиқий ҳоқонимиз биз.


Зулм дунёсини енгиб, Шугуфон,
Беҳазон боғ тузсак, боғбонимиз биз!

Жуманиёз ЖАББОРОВ таржималари

Асёфа Гэбрэ Мариам Тэсэмма,

Эфиопия

Эфиопиянинг миллий гимни



О Эфиопия, олға бос, олға,
Социализм сари чиққансан йўлга!

Гулла-яшна, замин, қучмоқда кўклам,
Фарзандлар посбондек ичмоқда қасам!

Эртага жанг бўлса яна ногаҳон,
Сен учун ҳар бири бахш айлағай жон!

Ҳамиша яхлит бўл ва яша озод,
Йўлингни тафаккур айласин обод,
Кўксингни тўлдириб нафас олгин шод!

Меҳнат қучоғида, юртим, баҳор бўл!
Душманинг йўқ бўлсин! Сен мангу бор бўл!

Ҳусниддин ШАРИПОВ таржимаси

Болалигим ўтган уй

Дарёнинг қирғоғида
ёшлигим кечган маскан.
Юрагим қўноғида
мен сени асрагайман.

Томиримда жўшар қон,
ер менга сўйлар дoston.
Она ерим ўғити,
мен сени асрагайман.

Қадрдон ўчоғим бор,
тутунига дил хумор.
Она уйим хуш бўйи,
мен сени асрагайман.

Ўтлоғим бор серёғду,
унда яйрайди оху.
Эй қуёшнинг ёғдуси,
мен сени асрагайман.

Отамнинг танбеҳлари
ёдимдан кетмас нари,

Эй остонам чанг-гарди,
мен сени асрагайман.

Жон бахш этар тунга рақс...
тамтам янграб, бошлар баҳс...
Ишонганим — туморим,
мен сени асрагайман.

Шамоллар букди тагин
нозик хурмонинг қаддин.
Сирли саҳро саси,
мен сени асрагайман.

Дарёнинг қирғоғида
ёшлигим кечган маскан,
Юрагим қўноғида
мен сени асрагайман.

Турсун ЎБРОҲИМОВ таржимаси

Лунсайни Каба,

Гвинея


Юрак уриб турса...



Агарда юрагинг
Ором йўқотса
Чақмоқлар яшнаган оқшом чоғида
Уфқ бўйлаб югурган
Момақалди роқ каби;
Агарда юрагинг
Ўйнай бошласа
Даҳшатли довулга эрмак бўлган
Эшикнинг қўш табақасидай;
Агарда юрагинг
Вазмин акс-садо қайтарса
Тақдирнинг,
Ҳа,
Вақт зиналаридан гурс-гурс кўтарилиб,
Лаҳза сайин яқинлашиб келаётган
Тақдир одимларига —
Тўхта ва
Боқ:
Олдинда албатта
Инсон қорасини кўргайсан.
У нажоткорингдир!
Ҳа, Инсон
Сенга ишонч ила
Узатгай қўлин,
Қудратли бўлур, деб, икковлон.

Қўлни бериб қўлга
Тушгайсиз йўлга
Довулдан ҳайиқмай,
Чақмоқлардан оша —
Тақдирга пешвоз...

Муҳаммад СОЛӢХ таржимаси:



Аймен Абу Шаар,

Сурия

* * *

Бир зумгина қолсанг паришон,
Ўзлингдан жудо бўлгайсан.
Ғафлат босса селда ногаҳон,
Сув остида адо бўлгайсан.
Ўзингни тут,

мард бўл

ва бардам,

Кулиб боққай иқболинг албат.
Елворганман ҳаётга мен ҳам:
— Бер, деб,— нафас ростлашга
фурсат.

Ташналикдан қуриди силлам,
Товонларим қондир шилиниб.
Боқадирман илтижо билан,
Ором бергил марҳамат қилиб...

Хузур топсин кўнгилнинг уйи,
Ялангоёқ ўтлоқ кезай шод.
Тўйиб тинглай қизларнинг куйин,
Қушлар билан қоқайин қанот.
Фақат ором олсам бас бир оз.
Сўнг ўтгайман йўллардан ўктам...
Ҳаёт кулди ва берди овоз:
Сен ўзингга тилаяпсан ғам.
Ахир, айт-чи, қаерда шамол
Тиним топган, излаган ором,
Тиниб,

роҳат топса бемалол,

Қўзғолгаймиз

сўнг мисли бўрон?!

Едгор ОБИДОВ таржимаси



Фернандо Коста Андредес,

Ангола

Қайтишининг иккинчи қўшиғи

Биз бир тузнинг зарраларимиз
қон ҳам тер ҳам бизники эди
бизникиди қайиқ ҳамда сўз
ва ердаги умид илдизи
... биз қуласак инграрди ёмғир
силарди у изларимизни
бизникиди бесубуглар ҳам
ўқимиздан қулади улар
бизникиди эрк учун кураш
цементини ийлаган қон ҳам

мана энди тутунлар тарқаб
йўл бўйида униб майсалар
қорақурт ҳам унутилган чоғ
иродамиз иморатида
пайдо бўлиб бир жуфт поғона
айирмасин бизни дунёдан
бизникидир дунё ҳам ахир
Бирлик бўлсин доим ўртоқлар!

Миразиз АЪЗАМ таржимаси

Темур Пўлатов

ҒОЙИБНИНГ ҚАЙТИШИ

Қисса

I.

Ғойибнинг ёши ўтиб қартайиб қолганди. Одам бу ёшга етганда, офтоб уришидан, илон чақишидан, кўз тегишидан, балиқ еб захарланишдан ёки шуларга ўхшаш бирон тасодифдан ўлмайди. Чолни абажодлари безовта қилган, ўз қошларига чорлаган бўлсалар керак.

Чол эрталаблари ташқарига чиқар, туя пўстагини қозиққа илар, узоқлардаги тепаликларга кўзларини тикар, нималарнидир хаёл қиларди...

Шу оролда ҳаётнинг бошланишига сабаб бўлган биринчи одам қаердан пайдо бўлганикин? Табиат уни нимадан яратди экан? Ғойиб мана шулар ҳақида ўйларди.

Ғойиб авваллари биринчи одам қуюндан пайдо бўлгандир, деб тахмин қиларди. Тепаликда ғор бор, қуюн шу ғор ичидан отилиб чиқиб ўзига қумларни эргаштириб, озод бўлганидан боши осмонга етиб денгизга қараб юрган. Йўлида не-не харсангларга урилган, бургутларни қўрқитган, то сув бўйига етиб бормагунча шу алпозда тўхтамай учаверган.

Шунда қуюн сув, шамол ва қуёш ёрдамида тупроқ устунга айланган, бу устун кейин ҳамма бургутлар ва калхатларни ҳайратга солганча сувдан одам шаклига кириб ўсиб чиққан.

Бир куни улар Ермолай билан бирга сайхонликда ўтирган эдилар. Ғойиб хаёлига келган башоратни ошнасига сўйлаб берди. Қуюн келган тепаликни қўллар билан башоратни кўрсатди.

— Ана, қара, одам, — деди Ғойиб қалтироқ ичида осмонга кўтарилган қуюни кўрсатиб.

Ҳозир қуюн бу ерга етиб келади ва Ермолай қум тўзони ичида маънос одам қиёфасини ўз кўзлари билан кўради.

Ермолай қараб турди, лекин бари бир ҳеч нарса кўрмади, кейин уйига қараб югурди. Қуюн унинг уйи томон айланиб келар, том ва эшикларни кўчириб кетаман дегандай пўписа қиларди.

«Гирдибод Ғойибни оёқдан йиқитди ва белигача қумга кўмиб ташлади. Чол ўлиб қолишига оз қолди. Яхшиямки, уни ҳамқишлоқлари қумдан қазиб олишгани. Шунга қарамай, бу одамларнинг ҳаммаси зиғир ёгдай Ғойибнинг меъдасига тегиб кетган эди.

Бошқа бир сафар Ғойибга илондан башорат келди. Илон чолнинг пўстаги остига кириб олган экан. Чол уни жазирама офтобга улоқтирди. Кечқурун қараса, офтоб илонни бутунлай сўхта қилиб ташлабди, фақат унинг кўзлари ҳамон худди тирикдай бакрайиб турарди.

Ғойиб илоннинг кўзига қараб туриб, ёқасини ушлади: танаси куйиб кетибдию кўзи ўша-ўша.

— Буни қара,— Ғойиб илонни Ермолайга келтириб кўрсатди.— Кўряпсанми, илоннинг кўзлари ҳеч қачон ўлмайди, чунки ғам-алам чекмайди-да, ҳеч нарсадан ажабланмайди ҳам,— у шундай деб Ермолайга ўз кўзларини кўрсатди, гўё шу илоннинг кўзлари билан менинг кўзларимни солиштириб кўр, деди.

Ғойиб илонлар дарахтларнинг илдизлари бўлганликларини биларди. Улар ерга тушиб, ер тагини кавлаб кириб кетишган, очиқ ҳавога қараганда ер остида уларга кун кечириш осон бўлган. Улар қумга яшириниб олгандан сўнг одам бино бўлган.

Ермолай Ғойибнинг гапларини тинглаб ўтирар, ўзини унинг гапларини тасдиқлаётгандай қилиб кўрсатар, ваҳоланки, бошқанинг бошидан ўтган гаплар билан унчалик қизиқмас, у кўпчилик одамлар қатори ўз кунини ўзи кўриб яшарди...

Денгиз эса борган сари оролдан, уларнинг соҳилларидан йироқлашиб борарди. Одамлар: балиқ бизни ташлаб кетяпти, дейишарди. Уларнинг аждодлари ҳам шундай гапларни айтишган: бизни ўрмон ташлаб кетди, дарё ташлаб кетди, дейишган. Винобарин, улар табиатда барча ожиз нарсалар ташлаб кетишини, уларнинг ўрни саҳрога айланишини билганлар...

II.

Оролдагилар кечаси ов қилса бўладиган қулай ҳаво кутиб ўтиришган маҳалда чолнинг тушига кутилмаганда калхат кирди. Ғойиб чўзиб инграб юборди ва уйғониб кетди. Анчагача тўшак устида ухлолмай ўтирди, ўлиб қолсам керак, деди. Тушга калхат кирса шундай бўлади.

Чол сафар учун ҳамма нарсани ҳозирлаб қўйганди. Ҳеч нарсани унутмади. Денгиз сув ўтлари йиғиб келиб, томни бошқатдан яхшилаб ёпди. Эндиликда бу уйда ўғли билан келини туришади. Чол ўзи андак бўлсин ранжитган, дилига озор берган кишиларнинг ҳаммалари билан ярашиди, улардан рози-ризалик сўради. Кимдан нима олган бўлса, барини қайтарди. Танасига ортиқча юк қилмаслик учун озгина еб, озгина ичди. Ўғлини Оқчадаги заводдан оролга кўчиб келишга, хотин бола-чақасининг олдида яшашга, чолнинг ўрнига денгизга, балиқ овига чиқишга кўндирди.

Ғойибни ўлим талвасаси кўрқитарди. У жуда зерикарли ва узундан-узок давом этадиган нариги дунёга кетаётганини биларди. У ерга бир кунмас-бир кун яхши ҳам боради, ёмон ҳам. Ўша бошқача олам жуда ҳам узокда эмас, яқин шу ўртада, мана шу атрофни қуршаган қумларда.

У, қумга айланиб, сўнг узок замонлар шу бошқача ҳаётда тентираб юраман, бошқаларнинг ҳаловатини бузиб қўяман, деб чўчирди.

Шамол уни титкилаб, бутун оролга тўзғитиб юборади, у денгизга тушиб кетади, балиқлар уни ютиб юборадилар ва жиғилдонларида кўтариб юрадилар. Кейин у бошқа бегона шаҳарлар ва воҳаларга бориб тушади, қўним топмай абадулабад айланаверади, айланаверади, лекин то охир замонга қадар қўним ва ҳаловат билмай айланаверади.

Ғойиб ҳозирланишга жуда оз фурсат қолганлигини биларди. Шунинг учун ҳам, пайсалга солмай шу бугуноқ Кўкоролга сузиш керак. Ғойиб шу Кўкоролда туғилган, Ойшага аччиқ қилиб у ердан кетиб қолган... Эҳ-ей, қачонлар эди буларнинг бўлиб ўтгани? Чол қуруқшаб қолган лабларини ялади... Ғойиб қачон Ойшани ўйласа, доимо димоғига пишган ўрикнинг ҳиди урилади. Нега бундай? Ваҳоланки, ўшанда кун ёндириб юборгудай бўлиб қиздирар, Ғойибнинг теварагидаги қамишзорда эса қурбақалар сакраб юришарди.

Яқинда чол кўкороллик бир балиқчини учратиб қолди. Балиқчи

Ойша ханузгача ёлғиз яшаётганлигини айтиб берди. Худди илгарилардай ҳамон сув ўтларини йиғади, қизиган қумга балиқ кўмиб қоқлайди ва уни оролга келган кишиларга сотади.

Ғойиб бош олиб чиқиб кетган ўша ерларда унинг отаси ва бошқа барча уруғлари кўмилган.

Бугун уни уруғлари чорлашмоқда. Етиб бормаса бўлмайди. Гарчи Кўкорол бу ерда туманларга чулганганча элас-элас кўриниб турса ҳам, лекин унга етиб бориш осон эмас.

Қайиқ топиш керак. Ғойибнинг ўзида қайиқ йўқ. Ермолайда ҳам, бошқаларда ҳам йўқ. Ҳамма қайиқлар бригада қўлида. Улар ҳаво тез орада очилиб кетишини кутишмоқда. Раис Оролов алоҳида буйруқ бўлмагунча ҳеч ким денгизга чиқмасин, бошқа жойга кетмасин, деб айтган.

Қишлоқ бўм-бўш. Икки кечадан бери ҳамма денгиз бўйида шай бўлиб турибди. Фақат қўйлар уйлар атрофида остона ҳидлаб, ўт чимдиб юришади.

Бухородан келган косиблар қумда узала тушиб ухлаб ётишибди. Ётган жойларини арқон билан ўраб қўйишган, чаёнлар ўрмалаб ўтиб чақмасин, деб, шундай қилишган.

Косиблар бир ҳафта бурун оролга келиб қолишган, ҳаво айниб қолиб кетишган эди. Бухороликлар вақтни бой бермаслик учун кеча куни билан қишлоқдагиларнинг соч-соқолларини олишди.

Ухлаб ётганлар ёнидан бир кўзада май кўтарганча, оҳиста қадам ташлаб Владимир деган осетин ўтиб кетди. Косиблар кеча унинг майхонасида меҳмон бўлишган. Владимир балки кечаси ҳам ичишни хоҳловчилар чиқиб қолар деб, кўза кўтариб келган эди.

Владимир Ғойиб билан саломлашиб, сўнг маъюс тортганча маёқ томонга қараб кетди. Маёқнинг қоровули унинг ошнаси, балки икковлон кўзани бўшатишар.

Ғойиб ҳозиргина шамол ясаб кетган топ-тоза бархан олдида ечина бошлади.

Урён бўлиб ечингач, ўтириб оёқларини қумга кўмди ва йўл олдидан қонларим юришсин деб, баданларини ишқалай кетди.

Кейин у ярим соатча тиззасидан келадиған сувни шалоплатиб юриди, лекин бари бир чуқур жойни тополмасдан соҳилдан унчалик узоқ бўлмаган жойда сувга узала ётди.

Худди мана шу кун учун анча илгари ҳозирлаб қўйилган тоза кўйлак-иштон солинган тугунчани чол соҳилда қолдирган эди. Тугунча олдида Ермолайнинг ўн тўрт яшар, толиққан юзи катталарниқига ўхшаган ўғли Прошка ўтирар, кўзларини Ғойибдан узмасди.

Отаси уни Ғойибдан хабар олиб кел, деб жўнатган, чол бетоб бўлса ичар, деб балиқ мойи ҳам бериб юборганди.

Бироқ чол соппа-соғ эди. Прошка бир ўзи ўтириб зерикиб кетди-да, сувга тушиб Ғойиб томонга чопди.

Ғойиб уни унчалик хушламай қарши олди, норози бўлиб тўнғиллади — шу тобда бировни кўргиси йўқ эди.

— Нима, сен мени пойлаб юрибсанми? — сўради Ғойиб сувдан кўтариларкан.

— Отам сизга балиқ мойи бериб юборди.

— Балиқ мойини бошимга ураманми? Олиб кет... Йўқ, шошма, кемалар турган жойда бўлдингми?

— Ҳа. Бригадир келди. Ҳаммани сўкиб қайтиб кетди.

— Қайиқларнинг ҳаммаси қантариб қўйилганми?

— Ҳаммаси. Отам қоровуллик қияпти... Балиқ ушламоқчимидингиз? — муғамбирона илжайди Прошка.

— Нима бўпти? Бошқалардан қаерим кам?

Прошка, Ғойиб чиндан шундай деяптими ёки ҳазил қияптими, билолмасдан ажабланганча қичқириб қўйди. Наҳот, у балиқ ўғирламоқчи бўлса? Илгари ҳеч ким ҳеч қачон унинг бундай ёмон иш қилганини кўрган ё эшитган эмас. Ҳатто энг оғир кунларда ҳам.

— Қани, жўна,— деди сирли қилиб Ғойиб. Унинг ғалати овоз билан гапирганидан Прошка чол, ҳақиқатан ҳам, кечаси овга чиқмоқчи, мендан эса сир сақлашни сўраяпти, деган гумонга борди.

Прошкани жўнатгач, Ғойиб кемалар ва қайиқлар турадиган жойга йўл олди. У ҳамон ўз ўй-хаёлларига тамомила ғарқ эди.

Оролда яшайдиган йигирма хонадоннинг ҳаммаси кеч бўлишига қарамай шу ерда эди. Бу хонадонларда қозоқлар ҳам, қорақалпоқлар ҳам, тожиклар ҳам, ўзбеклар ҳам, бундан юз йил муқаддам кўчириб келтирилган казаклар ҳам бор эди.

Қўриқчиларга шундай буйруқ берилганди: денгизда катер кўринса ва ёҳуд осмонда мушак кўтарилиб ёрилса, барчани уйғотиб ишга чиқиш керак.

Балиқчилар қайиқларини дарё мансаби томонга, Шимолий оролга ҳайдашлари керак эди. У ерда раис Оролов навбатчилик қилмоқда. Шу ерда улар ҳаммалари қўшни оролларнинг балиқчилари билан қўшилишлари мўлжалланган эди.

Мана шу кунларда ҳеч кимнинг ўзбошимчалик қилишга, бирон сабаб билан оролни ташлаб кетишга ҳақи йўқ. Шундай бўлган тақдирда, қаттиқроқ чора кўрилиши тайин.

Балиқларнинг жуда катта тўдаси орол ёқалаб дарё мансаби томон ўтади, деб кутмоқда эдилар. Мана шу ерда пойлаб туриб, уларни тўрга туширмоқчи эдилар.

Яқинда балиқчиларни бирдан оёққа турғазишди. Бироқ дарё мансабига борганларида орқага қайтишга мажбур бўлдилар. Балиқ тўдалари, афтидан бошқа томонларга бурилиб кетиб қолди ё бўлмаса улар ҳақида хабар бериши керак бўлган учувчиларнинг уйқусираган кўзларига шундай кўрингандир.

Ҳамма соҳилда: шу ерда овқат қилишар, шу ерда ётишар, не иш бўлса бари шу ерда эди.

Қулихон кеча шу ерда оламдан кўз юмди.

Ғойиб қамишлар ичига беркинганча ухлаб ётган одамларни кузатар эди. Ана, ўчай-ўчай деб қолган гулхан олдида баджаҳл чол — Мусулмонбек мудраб ўтирибди.

Лекин кечанинг ғира-ширасида бошқаларни кўриб, ажратиб бўлмасди. Ғойиб фақат кимнинг қандай алфозда ўтирганига қараб, уларнинг исмлари ва лақабларини эсларди: Қўшчи Половон, Ванька кўса...

Ғойиб бир куни шундай пайтда бригадир текширгани келганлигини эслади. У ўшанда қамишлар ичига беркиниб олганча ухлаб ётганларни қўрқитиш учун бор овози билан: «Ҳей, Қўшчи!» — деб бақирган, чолнинг қўлидан мужиб ўтирган суяги тушиб кетган, ҳамма чўчиб уйғонган, бақиритиб-чақиритиб: «Қўшчи! Қўшчи!» — деб қичқиритиб, чолни қумга думалатишган, чол ҳам қисиниб аллақачон ёққа қочиб кетган эди.

Сувдаги қайиқлар бир-бирларига урилиб, шамолда ғийқиллаган, қирсиллаган товушлар эшитиларди. Лекин қайиқларнинг ўзи кўринмасди. Қамишлар ортида кичкина кўрфазча бор. Қайиқлар шу кўрфазчада турар, уларни Ермолай кўриқлар эди. Ғойиб аста сувдан чиқиб, товуш чиқармасдан келиб Ермолайнинг ёнига ўтирди. Тийрақ Ермолай шу заҳоти кўзларини очди ва Ғойибга тикилиб қаради, ошнасида анча ўзгаришлар юз берганини пайқади.

Ғойибнинг туз ўтиравериб-ўтиравериб чуқур-чуқур бўлиб кетган ажинлари андак текислангандай, тарашадай қотиб кетган юзларининг у ер-бу ерида қора мўй кўриниб қолган, соқчи ошнасига илтижо ва умид билан тикилган кўзлари ҳам шу тобда ёшланмас, ўз сарғимтил рангини тарк этганди.

— Нима бўлди? — ташвишланиб сўради Ермолай.

Ғойиб сўзни нимадан бошлашини билмасди.

— Тузалиб кетдингми ўзи? — ажабланарди Ермолай.

— Менга қайиқ керак. Эрталаб қайтиб келаман,— деди Ғойиб.

Айтди-ю, умрида биринчи маротаба ёлгон сўзлаганига эмас, Ермолай бир оғиз сўраб-суриштирмай рози бўлганига ҳайрон қолди. Чол ўртада бўлиб ўтган гап-сўздан сўнг Прошка отасининг олдига югуриб келганини билмасди. «Муни қаранг, дада, Ғойиб амаким ҳам балиқ ўғирламоқчи. Сиз бўлса уни фаришта девдингиз». «Ўчир овозингни, сен нимани ҳам тушунардиг, тирранча!» Ермолай Прошкани қувиб юборди. То Ғойиб келгунча кўп нарсаларни хаёлидан кечирган, сўнг ошнасида кўнгли тўқ бўлиб мудраб қолганди.

Ҳай, майли. Ғойибнинг балиқ овлагиси келибди-да. Соқчиларга ҳар куни кечаси шундай илтимослар билан мурожаат қилишади. Улар ҳам бугун бари бир катта ов бўлмаслигини билиб, қўрқа-писа рози бўлишади. Сўнг тунги овчилардан ўлжанинг бир улушини олиб қолишади.

— Эрталабгача эплотмайсан,— деди салмоқланиб Ермолай.

— Эплайман, эплайман,— деб уни ишонтирди Ғойиб.— Сен ташвишланма.

— Майли, ўзинг биласан!— деди яна Ермолай ошнасини йўлдан қайтармоқчи бўлгандай. У Ғойибнинг юрагини очмаганлигидан андак хафа бўлди.

Денгиз бўйи чалчиқ ўсимликлар билан қопланиб ётарди. Улар шу ўсимликлар ичида қоқина-суқина қайиқлар томон тушиб боришди. Қамишлар оралаб сув буғланиб ётарди. Буғланган сув нафасларни бўғарди. Қамишларни қайириб ўтай деганларида, буғ оғиз-бурунларига уриларди. Баданларидан сиёхранг илмилик сув оқиб тушарди.

Йўлда одамларга дуч келдилар. Улар қамишлар ичидан соҳилга ўтиб олиш учун жон-жаҳдлари билан уринишар, буралиб сўкинишар, жазағ-пазағ қилишар эдилар. Жаҳлга зўр берганларидан тўқайдан тўғри йўлни топиб чиқолмасдилар.

Ғойиб яшириниб турди. Ермолай қайиқдагилар томон борди ва улар билан сўзлаша бошлади.

Улар қўшни оролнинг балиқчилари бўлиб, янглишиб йўлга чиққан эканлар. Қумлоқ оролдагилар каби улар ҳам қачон иш бошларканмиз, деб кутиб ўтиришганда, ярим кечаси уларга Қумлоқ оролга томон йўлга чиқинглар, деб буйруқ келибди. Балиқлар подаси шу томондан пайдо бўлиш эҳтимоли бор дейишган экан.

Ермолай қўшни балиқчиларга бор гапни яхшилаб тушунтирди, шундан сўнг уларнинг кўнгиллари жойига тушиб, ҳазил-ҳузил билан келган томонларига қайтишди.

Анчагача денгиздан уларнинг товушлари эшитилиб турди, кейин эшакларнинг сувга бир маромда шалошлаб тушаётгани, анча олислаб кетганларидан кейин эса аллакимнинг қўшиқ айтган саси келди.

Денгиздан босиқ қўшиқ саси бўғилиб келар, адашган қушнинг овозига ўхшарди. Сўнг бари тинди.

Қайиқлар турган ерга қайтишганда, Ермолай бирпас ошнаси билан ўтириб гаплашгиси, тамаки чеккиси келди, лекин Ғойиб бесаранжом шошиб турарди. У ёришиб келаётган осмонни қўли билан кўрсатиб, тезроқ бўлишга ишора қиларди. Унинг янги ташвишларига тўла куни отмоқда эди.

Улар катта, мустаҳкам, пишиқ қайиқни танладилар, занжирдан бўшатдилар. Ғойиб балчиққа сирганиб йиқилиб тушди, энгаки қайиқ қиррасига тегиб ёрилди, бироқ у оғриқ сезмади.

Қайиқни денгизнинг анча ичкарасига итариб бордилар. Сўнг, ниҳоят, Ғойиб унга ўтириб олди.

Ермолай Ғойибга ёрдамлашиб турди.

Ғойиб бутунлай ташлаб кетаётган орол соҳилида ёлғиз гулханнинг шуълалари кўзга чалинарди.

Кейин яна бир машъал кўринди, кейин яна, кўп ўтмай соҳил томонда жуда кўп машъаллар, чироқлар кўзга ташланди. Улар тепалик устидаги катта маёқ билан худди шуъла талашаётгандек бўлиб кўринарди.

Гойиб ўзига келиб атрофига аланглаб қараганда, Ермолай анча узоқда қолиб кетган эди. Денгизнинг соҳилга бир зайлда чўлпиллаб урилган саси эшитиларди.

III.

Гойибнинг ачиниб ўтиришга ҳам, хотираларга берилишга ҳам вақти йўқ эди. Олдинда нима борлигини эса бир худонинг ўзи билади. Ҳали ҳаммаси номаълум.

У сузиб борарди. У денгизнинг ҳар бир қаричини, ҳар бир қояси, ҳар бир сазё жойини беш қўлдайд биларди.

Қайиқ кўп ўтмай денгизнинг оролни айланиб ўтадиган оқимини кесиб ўтади, ёрилиб иккига бўлиниб кетган, кўр маёқ ўрнатилган қоя ҳам ортда қолади, ундан уёғига дарё оқимига тушиб олиш керак.

Доимо ялқовлик билан оқадиган бу дарё денгизга қуйилиши билан дўнгликлардан сакраб ўтиб жуда кучли оқим ясайди. Бу оқимга тушиб қолган қайиқ кема билан биргаликда чарх уриб айланади. Агар балиқчи сал бўшанглик қилиб қолса, учинчи ёки бешинчи айланада оқим уни денгизга улоқтириб ташлаши ҳеч гап эмас. Қайиқ тўнтарилиб тушади. Балиқчи эса турли-туман қутилар, ёғоч чириндилари остида қолади. Бундай пайтларда қайиқни сақлаб қолиш учун одам чапдаст ва чаққон бўлиши керак.

Шу ердан ўтиб олинса, кейин то Кўкоролга етгунча қайиқ осуда, тинч оқимда сузиб бораверади. Ҳеч қандай хатар йўқ!

Нафасингизни ростлаб Кўкоролга етиб келганингиздан сўнг бу ерларда сизни янги бир синов кутади.

Айрим кунларда қайиқни қирғоққа сира ҳам олиб бориб бўлмайди, деганлари Гойибнинг қулоғига чалинган. Текис ва шитоб билан бораётган қайиқ бирдан кўз очиб юмгунча бир муддат ичида ўқдай учиб кетади, шу сузганча орол атрофида тўхтамай айланаверади. На оролга яқин бориб бўлади ва на узоқлашиб. Қайиқни худди алланима қаттиқ тортиб турганга, боғлаб олиб гир айлантираётганга ўхшайди. Денгиз суви қирғоқдан орқага қайтгунча шу аҳвол давом этади.

Албатта, қирғоқдагилар қайиқни кўриб қолишлари ва уни арқон билан тортиб чиқаришлари ҳам мумкин. Лекин, аксари, соҳилда беморхона атрофларида фақат касаллар айланиб юришади. Улар бошқа соғлом кишиларни ёрдамга чақириб беришлари мумкин, холос.

Бундай кунларда оқимга нима бўлганини ҳеч ким билмайди, лекин хайриятки, бундай кунлар кўп бўлмайди. Кўкорол атрофларида сув кўпинча тинч бўлади, ҳатто жимжитлик ҳукм суради, ана шу қимирламай турган пайтларда қайиқ осонгина соҳилга келиб қўнади.

Гойибнинг қайиғи икки марта кескин айланди-да, сўнг бехатар жойга ўтиб олди. Чол эшакларни сувдан кўтариб қайиқ ичига ташлади. Оғир-оғир нафас олиб қайиқ тагига чўзилди. Иситма тута бошлади. Ҳамма қолган-қутган кучларимни оқимдан чиқариб олишга сарфлаб қўйдим, энди ўрнимдан туролмайман, ажалим етмасдан бурун ўладиган бўлдим, деб ўйлади. Қолбуки, чол ҳали ўзи билан-ўзи жуда кўп нарсалар ҳақида сўзлашиб олмоқчи, умри ҳайё-ҳув деб ўтиб кетган мана шу денгиз, балиқлар, чағалайлар билан дардлашмоқчи эди.

«У мени яратди, ёруғ дунёни томоша қилдирди ва мана энди: бас, бўлди, орқангга қайт, деб амр берди. Мен ҳам ўғлимни шундай чақириб оламан. Одам шундай яратилган экан-да, чамаси: биз бир-биримиз бўлмасак, яшолмаймиз. Худди балиқларга ўхшаб подага қўшилиб яшаймиз», — деб ўйлади Гойиб ўзининг отаси Исҳоқ ҳақида.

Шунда бирдан хаёлида тиниқ ва пок бир тарзда болалиги жонланиб кетди.

«Ўша йили балиқ бўлмаган эди, денгизда эса бўрон қутурарди... — эсларди чол. — Ҳозир, чамаси денгиз ҳориганга ўхшайди: жаҳли чиқса

соҳилга ташланади, кейин ниманидир ўйлаб қолгандай, майда тош-шағалларни шалдиратиб ортига қайтади... Денгиз сахий бўлиб қолган. Уша йили у одамларнинг жонларига ташна эди...

Отам лойдан кўзачалар ясар ва уларни ўтда пиширарди. Одамлар сотиб олмагандан кейин уларнинг ҳаммасини денгизга ташларди. «Пайгамбаримиз Сулаймон ҳазратлари менинг кўзаларимга жинларни қамаб қўяди», деб ўлганининг кунидан ҳазиллашарди у.

Отам ўзига янги уй қуриб олди, онам билан мени эса эски уйда қолдирди. Онам отамнинг эркалатишларини хоҳларди, шунинг учун телба бўлаёзди. Лекин отам уни яқинига йўлатмасди. Қизиқ, кампирларда майл чоллардан кўра узоқроқ яшайди. Етмишга кирганда кампирлар нораства қизчалардай бўлиб қоладилар.

Отамнинг тушига бургут кириб чиққан куни эрталаб онам иккимиз ҳовлида ишлаётган эдик. Онам, отанг ўтин йиққани кетяпти шекилли деб, қўлимга арқон тутқазди: «Олиб чиқиб бер». Кампирлар ўз чолларини қачон қайтиш қилишни ҳеч қачон билмайдилар. Дарвоқе, чоллар ҳам буни билмайдилар. Мана, мен ҳам кампирим қандай қайтганини билмай қолганман. Жимгина яшаб, жимгина ўлди қолди. Ухлаб ётганида жони узилди. Рози-ризалик ҳам айтишолмадик. Кампирларни чамаси ҳеч ким қақирмайди. Эркалар ўзларининг иккинчи умрларини ўз ҳолларича жуфт бўлмасдан, нурдан йўғрилгандай бўлиб яшасалар керак...

Дарё қуриган эди. Туз оёқнинг тагида ғирчилларди. Тавба, отам дарёнинг тубига тикилиб боради. У ҳар турли қўнғизларни босиб ўлдиришдан чўчийди. Қўнғизлар эса, отамнинг почасига ёпишиб олади, унинг тўпиқларини тирнайди...

Отам кўп ўтмай тузоқларини яшириб қўядиган ерга етиб келди. У ерга чўккалаб ўтирди-да, ўлай-ўлай деб қолган қуённи тузоқдан чиқарди. Отам ўлжа тушганига суюниб, одатдагидай қуённинг бўйнини қайириб, уни қоғчигига солса керак. Лекин у кўйлагини ечиб йиртди, қуённинг оёқларидаги жароҳатларни аста боғлаб қўйди. Яраси очилиб қолган жойига саксовулнинг илдизини ёпди, тезда тузалиб кетади, деди. Кейин қуённинг жағини йириб очиб, тили билан унинг бўғзини ялади... Сўнг қуённи ерга қўйиб юборди. Маҳлуқ базўр судралганча қум ичига кириб кетди...

Отам шунча йил умр кечириб, қанчадан-қанча ҳимоясиз маҳлуқларни қириб юборди, ўт-ўланларни, саҳро буталарини ёқди, қумларни кавлади, денгиздан тирик маҳлуқларни овлаб еди. Бошқа ҳамма овчилар, чўпонлар, балиқчилар каби шу йўл билан оиласини боқди, тирикчилик ўтказди. Мана, энди табиат уни ўз бағрига чорлаган дамда ўзининг ўша айблари ва гуноҳларини озгина бўлсин ювишни истаб қолди. Табиатда ниманидир худди у туғилмасдан бурун қандоқ бўлган эса шундай қилиб тиклаб қўймоқни хоҳлади. Гўё у ҳеч қачон одамлар орасида яшамагандай...»

«Ушанда қўрқиб кетган эдим, — деб хотирларди Ғойиб. — Отамнинг қошига чопиб бордим, лекин у ҳамон маймоқланиб бораётган қуённинг кетидан қараб турарди. Отам худди чалажон бўлиб қолгандай эди. Лекин ҳали куч-қувватини батамом йўқотмаганди. У базўр ўрнидан турди. Ҳаётдан умидини узмаганди. Гўё тирикларнинг яхшиликларигина қимматга эғалигини, ўликлар эса ҳамма нарсани чалкаштириб юборишларини билмагандай.

Отам юрган йўлида чалкашиб, эзилиб қолган буталарни тўғрилаб, турли маҳлуқларни тузоқ асоратидан озод қилиб борар, шамол эса бу орада унинг баданидаги сўнгги ҳароратни учуриб олиб кетар, кун эса қизигандан-қизирди...

Мен йиғлаб юбордим ва одамларни қақириб келгани қишлоққа қараб чопдим. Биз қайтиб келганимизда, отам қум устида ётар, унинг тепасида қузғунлар чарх урарди. У ҳатто қузғунлар учиб келишганига суюниб ҳам улгурмайди. Қузғунлар эса унинг жисмини даф қилгани

учиб келишганди. Табиат ўз уйғунлигини шундай йўллар билан сақлайди...»

Ғойиб хавотирланиб ўрнидан зўрға қўзғалди, қайиқнинг четини ушлаб ўтирди.

Кўзларини қисиб қараб, Кўкоролни шундоқ равшан кўрди. Туман оралаб улкан қора қоя қад ростлаб турарди. Туғилган жойи! Туғилган жойи!

Харсанг тошлар ва майса қопланган тепаликлар орасидан бу ерда булоқ қайнаб чиқади. Булоқнинг атрофларида дарахтлар ўсади. Денгизнинг бир зайлдаги манзараларидан зериккан кишиларга оролнинг ям-яшил ерлари худди ғаройибот, худди жаннат каби туюлади. Бунда ҳордиқ чиқариб ором олмоқ мумкин. Шунинг учун ҳам, бутун денгиз атрофларидан келган беморларни шу ерда даволашади.

Яна аллақандай ҳар турли овозлар эшитилади. Худди жазира — орол томондан одамлар келаётгандай. Яна жуда катта тишли машина ғичирлаб ишлаётгандай. Тегирмон тоши айланаётгандай. Фақат товушларнинг ўзи, холос...

Қирғоқ уни қандай кутиб оларкин? Туғилган ери Ғойибни яна ўз бағрига олармикин ёки қайиғини оқим орол теварагида чир айлантириб юраверармикин? Туғилган ерингга етмай, унинг бўсағасида ўлиб қолсанг, мундан ортиқ шармандагарчилик бўлармикин?

Ғойиб эркаклар билан аста қайиқни бошқара бошлади. Лекин унинг андак ҳаракатидан қайиқ бошқа томонга кетиб қолди. Майли, қайиқнинг ўзи билган томонига сузиб бораверсин. Унга ҳозир одам ёрдам беролмайди.

Ғойиб яна ётди. Ўзини яна қаттиқ толгандай сизди. Энди нима бўлса, шу, деди чол. Қўлимдан бошқа нима ҳам келади.

У анчагача қайиқ ичида чўзилиб ётди. Юзига бирдан сув сачради. У бундан оқим ўзгарганини пайқади...

«Уни кўриб ўлсам армоним йўқ эди, — деб ўйлади Ғойиб. — Қирғоққа чиқаман... У жуда ҳам қариб, қартайиб қолган бўлса керак. Бир балиқчи таниши айтган эди, у касалхона атрофида қоқланган балиқ кўтариб юради деб. Уни ўша ердан топаман... Ўғлимни оролга, хотинининг ёнига қақариб келтириб яхши қилдим. Қариб кўнглим юмшаб қолибди. Лекин биз дунё ташвишларидан, югур-югурлардан ҳориб-чарчаган чоғимиздагина юмшаймиз. Кечикиб юмшаймиз... Қизик, пасткашлик ва хиёнат қилганларнинг ҳаммаси ҳам бир кун келиб шундан азоб чекармикин, пушмон бўлармикин? Еки иймони аллақачон ўлиб қолган одамлар ҳам бормикан? Улар лаҳадга қандай кираркинлар? Наҳот, энди улардан ҳеч ким нарса сўрамайди?...»

Кутилмаганда чол жуда ғалати гувиллаган садони эшитди, қайиқ қаттиқ чайқалди ва чеккага оғиб кета бошлади. Кимнингдир: «Тўхта! Отаман!» деган янғроқ овози эшитилди. Шунда қайиқ ёнида катта қора пайдо бўлди.

Ғойиб ўрнидан турмоқчи эди, лекин туролмади. Қайиқ яна қаттиқ чайқалиб кетди ва чол йиқилиб тушиб, боши билан қайиқ ичига урилди. Қайиққа арқон отилиб тушди. Амр эшитилди:

— Боғла!

Ғойиб итоат билан арқонни олди, лекин бирдан нима қилишини бутунлай унутиб қўйди. Унга айтиб туришса яхши эди.

Наригилар бунга тушушиб етишди шекилли, сўкина бошлашди:

— Нега имиллайсан? Тезроқ бўл! Ана шундай... Эмаклаб бор. Арқонни қўлингдан чиқарма, эшитдингми? Қайиқнинг бурнига юр, қаёққа кетяпсан? Энди боғла! Ундаймас! Тугун қил, тугун!..

Қайиқнинг бурнига боғланган арқон тортилди. Яна нимадир гувиллади. Ғойибнинг қайиғи қайгадир чопиб сузиб кетди.

Худога шукр, қутулдим, деб суюнди чол, қутулдим! Мени Кўкоролдан кўриб қолган бўлсалар керак, шунинг учун ёрдамга

келишган деб ўйлади чол. Уларнинг касблари шунақа — ҳалокат ёқасидаги қайиқларни қутқаришади.

Ғойиб ўзидан-ўзи уялиб кетди. Мен ялпайиб ётсам-да, улар мен учун ишлашса. Ўрnidан туриб, қандай бўлмасин уларга ёрдам беришни истади. Лекин чол қанча уринмасин, шиддатли шамол оёқдан чалиб йиқитар, туришнинг сира иложи йўқ эди.

Ғойиб қайиқни катер олиб кетаётганини англаб қолди.

Катердан буйруқ беришганда, худди ўнлаб одам бирдан сўзлаётгандай бўлиб туюларди. Ҳозир катер бўм-бўш эди.

Одамлар қаёққа ғойиб бўлишди экан? Балки улар Ғойибни шатакка олгандан кейин кема ичига кириб кетишганмикин? Ҳарҳолда ўзларини сувга ташлаб, қайиқ кетидан сузиб келишмаётгандир? Ахир, шундай бўлиши ҳам мумкин-ку, катта тезликда кетаётган қайиқдан Ғойиб учиб чиқиб кетиши, орқада сузиб келаётганлар эса уни чўкиб кетишдан қутқаришлари мумкин.

Негадир улар жуда олислаб кетишмоқда. Ғойиб боши билан қайиқ-четига урилавериб, тоза гаранг бўлиб қолди. Сал бўлмаса ҳушидан кетай дерди. Фақат умид унга тасалли бериб турарди.

Аллақачон Кўкоролга етишлари керак эди.

Унда нима бўлди? Балки катта катерлар ҳам сув кўпайган пайтда қирғоққа яқинлашолмас? Балки, одамлар шунинг учун кемани ташлаб кетишгандир ҳаммасини капитаннинг бир ўзига қолдириб?

Ғойиб, қандай бўлмасин, капитанга ёрдам бергиси келар, қандай бўлмасин, бу аҳволдан чиқишга интиларди. Бутунлай чорасиз бўлиб қолган тақдирдагина ўлимга розилик бериш мумкиндир...

IV.

Бу орада катер номсиз бир жазирага келиб тўхтади. Бу оролни маълумотномаларда К-34 деб аташарди. Кема тинч сувга кириб тўхтади. Ғойибнинг қайиғи ҳам чайқалиб тинди.

— Чиқ! — буюришди унга.

Ғойиб қайиқдан чиқди. Боши ҳамон айланарди.

Буйруқ берган одам сувда милтиқ ушлаб турар, унинг гавдаси Ғойибга иккита келарди. Агар Ғойиб қочмоқчи бўлса, у огоҳлантириб осмонга ўқ узиши мумкин.

— Соҳилга юр. Мен билан ҳазиллаша кўрма. Фойдаси йўқ.

Тонг ёришди.

Ғойиб қаерга келиб қолдим, деб оролга аланглар эди. Кичкина яланг жазира. У ёғидан бу ёғига эллик қадам келар балки. Бу ерда биттагина кичкина оқ уйча бор экан. Маёқ доим ёниб тураркан.

Ҳалиги одам қайиққа сакраб чиқди. Ғойиб уни илгари ҳеч кўрмаган эди. У қайиқ ичида нималарнидир тимирскилай бошлади.

— Бари бир денгизга ташлаб юборишга улгурибди, — деди у ниманидир ҳамон қидираркан.

Чол унинг нима қилаётгани билан сира иши йўқ эди. Ҳаммасига лоқайд бўлиб қолди.

— Оҳ-а! — деб суюниб кетди Али бобо (нотаниш кишининг исми шундай эди). — Битта бўлса ҳам далил бор экан-ку. Мана! — у тирноқ-дек келадиган кичкина чавақ балиқни чолга олиб кўрсатди. Балиқ афтидан тўлқин билан бирга қайиқ ичига тушиб ўлиб қолган эди. Али бобо худди денгиз тагидан подшоликнинг олтин тангасини топгандай, балиқчани чўнтагидан рўмолча чиқариб ўради-да, яшириб қўйди.

— Кўрдингми, бунинг майдалигини? — деди Али бобо. — Лекин сени икки йилга қамашга шунинг ўзи етарли.

Ғойиб нотаниш кишининг ғалати гапларини эшитиб, биринчи бўлиб қирғоқ томон юра бошлади. Сувда туравериш жонга тегиб кетди.

— Хей, қаёққа? — деб унинг кетидан юрди Али бобо. — Тартибни бузаясанми? Тўхта? Мен айтган ерга юрасан!

Али бобо тўнғиллар экан, Ғойиб қирғоққа чиқди. Шундан кейин Али бобо уни орқага қайтаришнинг маънисини йўқлигини сизди.

Оролга чиқишгач, Али бобо Ғойибнинг олдига ўтиб олди:

— Орқамдан юр! Бу ердан энди ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайсан. Қочганингда ҳам, денгизга чўкиб кетасан. Қайси бири сенга маъқул — ўлиб кетишми ё икки йил қамоқда ўтириб чиқиш?

Ғойиб балиқ назорачиси — денгиз соқчисига дучор бўлганлигини англади ва шундан сўнг унинг гап-сўзларига жавоб бериб ўтиришни ўзига ортиқча деб билди.

— Нега индамайсан?.. — норози бўлди Али бобо. — Ҳечқиси йўқ, керак жойда булбул қилиб сайратишади ҳали.

Ғойиб бу одамга фақат бир марта сал қизиқсиниб қаради, бироқ кўп ўтмай бу нотаниш чол уни зериктириб юборди. Ғўдайганроқ, ақли қисқароқ кимса экан.

Кичкина оқ уйчанинг эшиги ёнида ёғоч қозикча бургутнинг тулуми ўрнатиб қўйилган эди. Уй эгаси эшикни тортиб очиши билан бургут чайқалиб кетди ва битта пати ерга узилиб тушди.

Уйча биттагина хонадан иборат бўлиб, бу ерда стол устида рация турарди. Уйнинг тўрт томониغا ойналар очилган, махсус ойналар-асбоблар ўрнатилган эди. Денгизда бўрон қутурган кезлари шу асбоблар орқали кузатиб турилар, зарурат бўлса денгизга чиқиларди.

— Бу менинг қалъам, — деди Али бобо стол олдига ўтираркан. Бу сўзларни одамшавандалик билан айтди. У шу тобда ёлғиз эмаслигидан хурсанд эди.

Ғойиб унинг сўзларини маъқуллаб, бошини қимирлатиб қўйди.

— Ишлар ана шундай, — деди Али бобо чўнтагидан бояги балиқча ўраб қўйилган рўмолчани олиб ёзиб қўяркан. — Ўзинг ким бўласан? Қаердан келяпсан? — У тутқунга диққат билан разм солиб тикилар, илгарилари ҳам уни қўлга туширганманми, йўқми, деб эслашга ҳаракат қиларди. — Оғзингга сўк солганмисан? Нега миқ этмайсан? — у ҳақиқатан ҳам, бу балиқчини авваллари сира ҳам учратмаганди, шунинг учун баттар қоғоғини солиб тумтайиб олди. Олдин ҳеч қўлга туширмаган экан, демак, шу пайтгача жазосини олмай ишини битириб келган. Мана шу боисдан ҳам, чол ундан заррача тап тортмай бемалол ўтирибди.

Майли, кўрамиз ҳали. Али бобо илгари қилинган, лекин вақти-соати етгунча очилмай қолган жиноятлари учун ҳам Ғойибни бошлаб жазолашни кўнглига тугди. Бу чолнинг виждони тоза эмаслигига у амин эди.

— Мана, сенга ўхшаганлар денгизни талон-торож қилиб юбординглар! — деди Али бобо. — Қани бизнинг машҳур зоғора балиқларимиз? Лаққа балиқларимиз? Жавоб бер!

Ғойиб тик оёқда дарчадан денгизга қараб турар, қулоғига узуқ-юлуқ сўзларгина кирарди. У ҳеч фикрини бир ерга жамлаб ола билмасди. Фақат бир мартагина миясидан менга бари бир, бу одам мени ким деб ўйласа, ўйлайверсин, деган фикр ўтди. Ғойибнинг виждони пок, шундай экан, Али бобонинг валдир-вулдир сўзларининг унга заррача алоқаси йўқ.

— Қайси оролдансан? — деб сўради Али бобо.

Ғойиб айтди. Али бобо дарҳол Қумлоқ орол билан рация орқали боғланди.

— Қулоқ сол, — деб айтди у бригадирга, — бу ерда сенинг бир одамнинг ўтирибди. Ҳозир протокол тузиб, кейин Оқчага обориб ташлайман. Сен эса ўз одамларинг ўртасида тарбиявий ишлар олиб бор. Тушундингми?

Нафас бригадир Али бобонинг сўзларини эшитиб, қаттиқ сўкинди. Ғойиб қанча тиришмасин, у кимни сўкаётганини яхши билолмади.

Албатта, қанча кўп одамни қўлга туширса, Али бобога шунча яхши. Агар мавсум охирида орол ўз планини бажармаса, Али бобо мажлисда ўрнидан туриб айтади: ҳамма балиқлар ўғриларнинг қўлига

ўтиб кетди. Бунга, аввало, бригадир ва раис айбдор: тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаган.

— Яхши, — деди Нафас. — Одамларни ҳозироқ йиғиб айтаман... — Лекин, менга қара, ҳай, Али бобо, ҳозир ҳар бир одам ғанимат.

— Сўрама, иложи йўқ, — деб унинг сўзини бўлди Али бобо. — Бари бир қўйиб юбормайман! Бас! Ҳадеб қонунни четлаб ўтавериш ҳам жонимга тегди...

— Менга қара, — деб жавоб келди радиодан. — Иш тугаши билан дарров унга қарши тергов бошлаб юборамиз. Илтимос, кафилликка оламиз. Уни қўйиб юбор. Ҳар битта балиқчи, ҳар бир қайиқ ҳисоблик. Теримни шилиб олишади бўлмаса.

— Йўқ, бу сафар ҳаммасини қонуний қиламан! Одамларни жуда ҳам бўшаштириб юбординглар... — Али бобо чинакамига қаттиқ хафа бўлганиданми ёки ўз ҳокимиятини кўрсатиб қўйиш учунми, рацияни шартга ўчириб қўйди. Гап узилди.

Ғойибга қараб деди:

— Эшитдингми, сени суд қиламиз. Ҳозир протокол тузиб, сўнг сени Оқчага элтаман, — у кейинги сўзларини ниманидир ўйлагандай бўлиб секин айтди.

Али бобо, ростдан ҳам, чолни Оқчага олиб боришнинг ҳожати бормикин, деб мулоҳаза қиларди. Бу индамас чолдан ҳар бир сўзни суғуриб олиш, ундан кейин протокол тузиш керак. Ундан кейин катерга ўтирадилар... Йўлга икки соатдан ортиқ вақт кетади. Кун тепага келгандагина, у Ғойибни милицияга топшириб улгуради. Балиқ назорати қоида бўйича милицияни шу ернинг ўзига ҳам чақириши мумкин. Лекин бундай майда-чуйда ишлар юзасидан уч кунда бир марта келиб кетишади. Табиат зараркунандаларига менсимай қарашади.

Борингки, Али бобо чолни Оқчага элтди, дейлик. Милиция худди Қумлоқ оролнинг бригадирга ўхшаб, терговни кейин ўтказамиз, ҳозир чолдан тилхат олиб қўйиб юборамиз, бориб ишини қилсин, деб қолмасмикин.

Ҳозир ҳамманинг эс-ҳуши балиқ овида. Шунинг учун қонун-қоидаларга андак тузатиш киритиш ҳам мумкин. Ишқилиб, балиқ овлаш муваффақиятли ўтса бўлди. Оқчанинг заводлари балиқ кутиб ётибди...

Али бобо шулар ҳақида ўйларкан, яна радио орқали Қумлоқ оролни чақирди.

— Менга қара, балиқнинг дараги борми, йўқми? Қачон келади бизларнинг тарафларга?

— Учувчилар келиб қолади дейишяпти, — деб жавоб қилди Нафас, — ҳадемай...

— Зоғора балиқмикан келаётган?

— Ким билади? Агар зоғора балиқ бўлса, аъло навли балиқ тутиш планини ошириб бажарган бўлардик, ошнам.

— Зоғора балиқ бўлиши керак, албатта, шундай бўлади, — деди Али бобо ишонч билан.

— Айтганинг келсин. Овнинг бошидан сенга татиб кўриш учун жўнатаман, — деб ваъда берди Нафас, сўнг сўради: — Анов қўлга тушган кишининг исми нима?

Ғойиб отини айтди.

— Ғойиб деди. Биласанми уни?

Бригадир қаттиқ сўкинди. Чолга мурожаат қилди:

— Ота, сизга нима бўлди? Ахир, сиз ҳеч қачон бундай... — деб сўрарди Нафас ҳовлиқиб. — Сизни доим ёшларга ибрат қилиб кўрсатиб келардик, пок, виждонли одам деб... Энди сизни суд қилишади.

— Нега унга дўқ қиласан! — деб Нафаснинг сўзини бўлиб надоматга чек қўйди Али бобо. — Энг яхши балиқчидан талаб шунга яраша каттароқ бўлади. Уни шундай жиноят қилишга нима мажбур қилди экан?

Ғойиб Али бобога жавоб бермоқчи ҳам бўлди-ю, лекин айбиз бўлатуриб, яна ўзини оқлаб ўтиришни асло эп кўрмади.

— Гапинг тўғри, Али бобо. Уни суд қилиш керак,— деб ишни чигаллаштирмаслик учун унинг гапига қўшилди Нафас.— Аммо нега у миқ этмайди? Айт, бир нарса десин. Соғ-саломатми ўзи ишқилиб? — ташвишланиб сўради Нафас.

Нафаснинг чиндан ташвиш чекаётганини сезган Ғойиб бурчакда турганча оҳиста жавоб берди:

— Соғман, Нафас...

— Эшитдингми? — деди радиога қараб Али бобо.

— Ҳали оролга қайтиб келсин, мендан кўради кўрадиганини,— деб пўписа қилди Нафас. Бу гаплар жонига тегиб кетганидан радиони ўчириб қўймоқчи бўлди.

— Шошма, шошма! У қандай қилиб орқасига қайтиб боради. Буни ўйлаб кўрдингми?

— Ўзининг қайиғида қайтиб келаверсин,— деган жавоб бўлди Қумлоқ оролдан.

— Қочиб кетса, ўзинг жавобини берасан.

— Қайтиб келади. У виждонли одам! Шундай қилгани учун ўзини кечирмайди.

— Кечирмаса кечирмас. Биз ҳам кечирмаймиз,— деди Али бобо.

— Турган гап. Хайр.

... Кун пешинга яқинлашиб қолган, Ғойиб эса ҳамон Али бобонинг олдида эди. Али бобо ўзи қўлга туширган зараркунандаларни Оқчага олиб бориб ташлашдан аввал уларга оролни томоша қилдирар эди.

— Агар сен қочиб кетмоқчи бўлсанг, денгизга чўкиб кетардинг,— деди Али бобо Ғойибни оролнинг тик жанубий соҳилига олиб келаркан.— Кўрдингми бу ернинг баландлигини. Агар бу ердан сакраб тушмоқчи бўлсанг, оёғингни синдиардинг. Қара, пастда сув бетида ўткир тошлар тиккайиб турибди,— деб ҳикоя қиларди Али бобо.— Демак, бу қирғоқ сенга ярамайди. Қани нарига кетдик.

Улар оролнинг бошқа томонига келишди. Али бобо қум тепани қўли билан кўрсатди. Тепа шунчалар оппоқ эдики, кўзни қамаштириб юборарди.

— Бу тош қотиб қолган туз,— деб тушунтирди Али бобо.— Дейлик, сен мендан қочиб шу тепага кўтарилмоқчи бўлдинг. Шунда тош туз қўлларингни кесиб кетарди. Ҳов анави доғни кўряпсанми? Қон юқи. Боя уйимнинг олдида кўрганинг бургутнинг қони. Денгиз буғларидан боши айланган бургут шу ерга тик қулаб тушган...

Ғойиб қумга ҳорғин ўтириб қолди, у буларни эшитганига анча бўлган эди. Али бобо эса уни ҳамон денгизнинг фарзанди бўлган орол билан таништиришда давом этарди.

— Сен қочиб кетишинг мумкин бўлган бирдан-бир жой,— деди Али бобо Ғойибнинг ёнига ўтираркан,— менинг кеам турган ер. У ерда ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Денгиз суви чуқур. Яхши, а, тўғрими? Лекин ташқаридан шунчаки осон бўлиб кўринади. Қирғоқдан эллик метрча сузганингдан сўнг оқимга тушасан. Олдин ҳаммаси сенга жуда маза бўлиб кўринади, куч сарф қилмайсан, сувга эшкак урмасанг ҳам, қайиқ ўзи сузиб кетаверади. Роҳатижон! Лекин бу жуда узоқ чўзилади. Оқим сени аллалаб ухлатиб қўяди. Шунда қайиғинг бирдан қаттиқ гирдоб ичига тушиб қолади ва кўз очиб юмганингча ағдарилиб тушади. Нима бўлганини англаб улгурмайсан, асфаласофилинга равона бўласан...

V.

Ғойиб Кўк орол томонга қараб сузиб кетмоқда.

Чолга энди ҳеч қандай тасодиф қайиқни бошқа ёққа буриб

юборолмайдигандек бўлиб туюларди. Али бобонинг ҳам қўлига бир марта тушди, иккинчи марта тушмайди.

Албатта, бошқа тўсиқлар чиқиб қолиши мумкин. Ким айтолади сув ости тошларига урилиб кетмайсан ёки кутилмаганда саёзликка чиқиб қолмайсан деб. Лекин энди одамлардан хавфсирамаса ҳам бўлади. Фақат Нафас бесаранжом бўлиши мумкин. Нега чолдан ҳалиям дарак йўқ, деб баржа юбориши, эҳтимол. Лекин балки юбормас ҳам. Ов бошланиб қолса, қолиб кетмай, деб ўйлар ва чолни эсидан чиқариб юборар.

Ғойиб Али бобонинг оролини пешин чоғи ташлаб чиқди. Денгиз бўздай бўлиб ётар, тўлқинлар қорайиб кўринарди. Шамол тинган кезларда денгиз жимжит ва сокин бўлиб қолар, майда тўлқинларгина жимирлаб турарди. Денгизнинг саёз ерларида бу жимирлаш айниқса билинарди.

Ғойиб энди тинмай ишларди. Фақат ора-сирада қайиқ четидан энгашиб, юзига ҳовучлаб сув сепарди. Унинг боши айланмоқда эди. Қаттиқ очқаганди.

Лекин йўл бунчалар узоққа чўзилади деб хаёлига келтирмаган эди. Билганида Ғойиб сув ва егулик ғамлаб олган бўларди.

Денгиз бўм-бўш ҳувиллаб ётарди. Ҳатто чорлоқлар ҳам кўринмасди. Ғойиб бўлиб қолди. Уни хаёл олиб қочди. Бу хаёллардан шу тобда ҳеч қаерга қочиб қутулиб бўлмасди.

«Ушанда ўн тўртинчи йил эди. Бойлар ва хўжалар замони эди. Ушанда анча-мунча руслар урушда қатнашгани Россияга кетиб қолишган эди. Ўзлари билан бизнинг одамларни ҳам олиб кетишарди. Мени онамнинг олдида қолдиришди. Нечада эдим ўшанда? Йигирмада шекилли. Ойша, демак, ўн саккизга тўлган эди... Каримбой ҳам ҳозир менинг ёшимга чиққан бўларди...»

Заводчи бойнинг ўғли Оқчадан бизнинг оролга келадиган бўлганларида мен доим нимадандир чўчиб турар, Ойшага бўлмағур сўзларни айтардим. Ҳатто бир куни онамга уни уйга беркитиб қўйишни топширганман. Уни ўлдириб қўйганимда ҳам биров бир нарса демасди. Ойшанинг келажакда кўрадиган азоблари ҳисобидан унинг отасига ҳар ойда ярим қайиқ балиқ бериб турардим...

Каримбой бизнинг оролимизга ов қилгани, балиқ тутгани келарди. Унинг ёнида доим иккита барзанги ошнаси ҳам бўларди. Улар қимматбаҳо либослар кийиб, белларига Бухоро пичоғини осиб олишарди. Мен улардан кўрқардим...

Заводчи бойнинг ўғли Каримбой тарбия кўрган, яхши бола эди. У қачон келса, қайиғини тўлдириб ҳар турли совға-саломлар келтирарди. Бу нарсаларнинг кўпларини оролдагилар етти ухлаб тушларида ҳам кўрмаган бўлардилар. Каримбой чолларга арақ, болаларга мевачева, қанд-курс, хотин-халажга ҳар турли тақинчоқлар, ипак-газламалар олиб келарди. Отасининг Оқчадаги дўконда бунақа нарсалар тўлиб-тошиб ётарди. Каримбой одамларни майдончада йиғиб, ҳаммага келтирилган ҳадяларини улашиб чиқарди.

Одамлар унинг қўли очиқлиги, меҳрибончилигидан ҳайратга тушиб, ўз тегишларини олиб тарқалишарди...

У бир келганида менга соат берди ва соатнинг нималигини тушунтирди. Ҳозир ўша соат Кўк орол билан Қумлоқ орол ўртасида денгизга чўжиб ётибди.

Афтидан, Каримбой ўз отасини унчалар хушламасди. Бир куни одамларга: «Агар отам ўлса, мен заводчи бўламан. Ўрислардан тез-юрар кемалар сотиб олиб оролдагиларга бераман. Балиқларни икки баравар балинд нархда сотиб оламан. Шундан кейин Кўк оролдагиларнинг ҳаммаси бойиб кетади, очлар, касаллар қолмайди», — деди...

Каримбой охири келганида Ойшага Бухоро зираги совға қилди. Назаримда, у Ойшага бошқача эътибор билан қарагандай бўлди. Унинг ошнолари ҳам кулишиб бир-бирлари билан нималарнидир пичирлашиб, безовта бўлиб қолишди.

Улар оролнинг ичкарасига ов қилгани кириб кетганларидан сўнг, мен Ойшани чақириб булоқ орқасидаги саксовулзорга олиб бордим. Ушанда унга нималар дедим, ундан нималар талаб қилдим, эсимда йўқ. Балки зиракни ташлаб юбор дегандирман, билмайман. Уни қаттиқ уришиб бергим келди, неғалигини ўзим ҳам яхши билмайман. Тажанглигим тутган эди.

Ойша билан тез-тез уришадиган бўлиб қолган эдик. Айниқса, заводчи бойнинг ўғли келадиган бўлгандан бери аҳвол шу. Ҳаммасига менинг қизиққонлигим, лафзим тезлиги сабабчи. Ойша менинг ўринсиз таъналарим, дашномларимни индамай туриб эшитарди. Нарироқ кетиб, одамларнинг кўзидан четроқда кўз ёшларини дарё қилиб тўқарди...

Уша машъум кун у менга ялиниб-ёлвориб термирар, инсофга чақирарди. Афтидан, кўнгли оғир алланималарнидир сезарди...

Ойша нозиккина қиз эди. У мен билмайдиган кўп нарсаларни қизлик кўнгли билан ҳис қиларди.

Ойшага ҳар турли маза-бемаза сўзларни айтиб, уни хафа қилиб қўйдим. Уни саксовулзорда қолдириб ўзим очиқ сайхонликка чиқиб, қумда чўзилиб ётдим. Ойшанинг келиб мендан кечирим сўрашини интизорлик билан кутдим...

Кун жуда дим эди. Денгиз суви буғланиб ётар, қум узра оҳиста ёйиларди. Атрофда қурбақалар сакрашиб юришарди. Тепамда осмон бағрида калхат аста айланар, худди қурбақаларнинг товушларидан маст бўлганга ўхшарди.

Бақаларнинг қуриллаши, дим ҳаво мени элитди, кўзим уйқуга кетди. Бундай пайтларда кўзингни уйқу элтади-ю, дилинг уйғоқ ётади. Кўз ўнгингда рўёлар пайдо бўлади. Аллакимларнинг қийшайиб кетган башаралари, сувга тушиб бораётган оқсоқ от, унинг бошини баланд кўтариб аста сузиб бориши... Мен қалтираб уйғониб кетар, яна кўзимни уйқу босар, рўёлар оламига шўнғирдим...

Шу аҳволда қанча ётганимни билмайман. Бир маҳал чўчиб кўзимни очдим. Урнимдан дик этиб туриб кетдим. Атрофча олазарақ қарадим. Қўрқинчли сукунат ҳаммаёқда ҳоким. Бундай пайтларда юрагингдан ваҳимали садо эшитилади.

Мен Ойшани чақирмоқчи бўлдим. Лекин ухлаб ётганимда томоғим қуруқшаб, лабларим бир-бирига ёпишиб қолганди. Томоғимдан аллақандай хириллаган овоз чиқди.

Мен Ойшани қолдириб келган жойга қараб юрдим. Ташналикдан юрагим ёнарди. Денгизнинг буғлари бошимни айлантириб юборган эди. Мен қумда ухлаб қолганим учун ўзимни ўзим сўқар эдим...

Мени саксовулнинг яланғоч кулранг таналари ҳар томондан қуршаб олган эди. Саксовул шохлари тошдай қотган эди, ҳатто шамол ҳам уларни четлаб эсарди. Мен адашиб қолган эдим. Боядан бери тентираб, ҳамон Ойша билан бирга ўтирган сайхонликни тополмасдим.

Мен бориб қолган жойда буталар шунчалар қалин эдики, икки қадам нарини кўриб бўлмасди. Икки қадам қўйсанг, тагин у ёғида ҳеч нарса кўринмайди Шунда бирдан мен Каримбой билан унинг ошналари га нақ рўпара келиб қолдим. Улар тўғримдан, тўқай ичидан чиқиб келишди...

Каримбой билан иккимиз ўзимизни йўқотиб қўйдик. Фақат ошналари мени кўриб тумтайиб, қовоқларини уйиб олишди. Улар кўз учида худди мени мазах қилаётгандай, мендан нафратланаётгандай эдилар.

Мен уларга бошимни қимирлатиб қўйдим ва ўзимни жон ҳолатда четга олдим. Лекин мен ўзимни ҳали четга олиб улгурмай, Каримбой худди қаршисидан иблис чиқиб қолгандай талмовсираб буталар орасига уриб қоча бошлади.

Мен ҳанг-манг бўлиб қотиб қолдим. Каримбойнинг ошналари унинг орқасидан чопиш ўрнига индамасдан иршайганча менга тикилиб турар эдилар. Уларнинг ниятлари бузилганга ўхшарди. Мен ўзимни

уларнинг оёқлари остига ташладим. Раҳм қилишларини сўраб ялиниб ёлвордим.

Шундан сўнг улар менга тегмадилар. Мени бир чеккага судраб бордилару ўрнимдан турғизиб, қалин буталар орасига итариб юбордилар. Мен қумга юз тубан йиқилдим ва шу заҳоти ўрнимдан сапчиб туриб қочдим. Атрофни қуюқ саксовуллар ўраб олганди. Тиқ этган товуш эшитилмасди. Мен калтакланишдан қутулиб қолганимга суюндим...»

... Ғойиб хавотирланиб эшқакларни сувдан тортиб олди. Али бободан омон-эсон қутулганига шукр қилиб, у қайиқни қайси томонга ҳайдаётганини ҳам эсдан чиқарганди.

Шу оқимнинг ўзидан кетаверса, худди Кўк оролдан чиқадигандай. Қайиқ бир оз чеккалаб борарди. Демак, йўл тўғри.

Мана ҳозир анча вақт ўтиб, Ғойиб уфқ четида нотаниш оролни кўрди. У янглишаётганлигини англади.

Энди бу ёйга нима қилдим, деб ўйлади Ғойиб. Нотаниш оролга қараб бораверсинми ёки орқасига қайтсинми? Али бобонинг ёнига қайтиб, у Қумлоқ ороли билан радио орқали боғланишни сўрайди. Ермолай келиб уни олиб кетмаса бўлмайдиганга ўхшайди. Ғойибнинг ўзи сувсиз, озиқсиз тамом ҳолдан тойиб қолиши мумкин. У ердан икковлари биргаликда Қумлоққа сузиб кетадилар. Кечаси Ғойиб яна туғилган ороли томонга қараб йўлга чиқади.

Йўқ, бундай қилиш ақлдан эмас. Назоратчи Али бобо яна ундан шубҳаланади. Яна анчагача олдида ушлаб қолиши ҳеч гап эмас.

Майли, нима бўлса бўлди. Ғойиб тўғрида кўринган оролга қараб сузиб кетди. Нотаниш балиқчиларнинг у билан нима ишлари бор. Бегона одамлар ҳеч нарсани сўраб-суриштириб ўтиришмайди, ундан шубҳаланишмайди ҳам. Ғойиб улардан қайси томонга бориши кераклигини сўраб билиб олади. Улардан андак нон ҳам сўрайди.

Ғойиб қирғоққа чиқиб боришни истамади. Қайиқни қирғоқдан сал берида тўхтатди-да, қайиқ ичидан энгашиб ётганча қирғоқдаги одамларни, атрофдаги қайиқлар ва кемаларни кўздан кечира бошлади.

Орол худди бир парча муз каби оппоқ эди. Кимсасиз, жимжит Қумлоққа қараганда бу ерда ҳар қалай анча-мунча одамларнинг қораси кўринарди. Икки-учта машина туз йиғиштириб юрар, йиғилган тузни қайиқлар ва баржаларда қаерларгадир олиб кетар эдилар.

Шу қайиқлардан бири яқинлашиб келганда, Ғойиб у ердагилардан Кўк орол қайси томонда, деб сўради.

Қайиқдаги одамлар тортишиб қолишди: бирлари сўл томонни кўрсатса, бошқа бири ўнг томонга қўл чўзарди. У ерга қачон туз олиб борганларини эслашарди. Анча-мунча шундай талашиб турдилар, сал бўлмаса бир-бирлари билан ёқалашай дедилар. Ғойибга шу тариқа ёрдам бермоқчи бўдилар.

Ғойиб уларнинг гап-сўзларини тинглаб тураркан, бу кишилар ҳеч қачон Кўк оролни кўрмаган бўлсалар керак, деб ўйлади. Ҳурматли балиқчилар балки Қумлоқ ороли қаердалигини билишар?

Қумлоқ оролни? Албатта. Ким биямайди Қумлоқ оролни. Улар яна бир-бирлари билан тортиша бошладилар ва қўллари билан турли томонларни кўрсатдилар. Бири — Оқча томонни кўрсатди. Иккинчиси — шимол ёқларни. Учинчиси — қозоқ чўлларини.

Улар Ғойибни нон ва қовурилган балиқ билан меҳмон қилдилар, бир кўзачада сув узатдилар. Тортишувлар шу билан барҳам топди. Бугун шу ерда тунаб қола қолинг, деб айтишди. Эртага эрталаб йўлга чиқарсиз.

Ғойиб уларга миннатдорчилик билдириб сузиб кетди.

Балиқчилар берган нонни синдириб еяркан, қўллари дир-дир қалтирар, тишлаган нонини бутун ютарди.

Энди бир бахтли тасодиф уни Кўк орол ёки Қумлоққа олиб бориши мумкин.

Анча жойга сузиб боргач, Ғойиб бир куни шу Туз оролдан ўтганлигини эслади.

Бунга анча бўлган. Унда бола пайтлари эди. Отаси ўшанда ўлими яқинлигини сезиб, ўглини ёнига олганча, бутун оролларни айланиб, ватанини зиёрат қилиб чиқишни истаган эди.

Ўшанда Ғойиб Туз оролни илк марта кўрган, лекин унда бу ерда одамлар йўқ эди. Энди Туз оролда ҳам одамлар яшашади. Туз олишади.

Бу ерда денгизнинг ҳаёти қайноқ эди. Ғойибнинг қайиғи узра чорлоқлар учишарди. Улар балиқ тўдаларидан хабар топиб, буни одамлардан яширишни истагандай жимгина ҳавода сузишарди.

Кўп ўтмай, Ғойиб яна бир одамлар бор оролга дуч келди. Денгиз соҳилида икки қария оёқларини сувга осилтириб ўтиришарди. Сиёқларидан бу ерларнинг кишисига ўхшамас эдилар. Улар узоқ йўл босиб келгандай мудраб ўтиришарди. Кейин уларнинг ёнида учинчи одам пайдо бўлди. У қайиқдан соҳилга қоп тушира бошлади. У қопнинг оғзини анча овора бўлиб ечди. Қоп ичидан битта қотган нон олди. Нонни уч бўлакка тақсимлаб анов ўтирганларга узатди.

Мудраб ўтирганлар кўзларини уқалашиб очишиб, шерикларига қўлларини силкитишиб алланарсалар деб айтишди, Кейин кўнгиллари жойига тушди шекилли, нонни аста ея бошлади.

Бора-бора бу уч киши ҳам кўздан ғойиб бўлди.

Ғойиб кеч тушгунча, катта-кичик ўнларча ороллар ёнидан ўтиб борди. Ғойиб уларнинг кўпларини таниди. Биринчи сафарга чиққан пайтида уларни кўрган эди. Ороллар орасида денгиз тагида янгигина кўтарилганлари ҳам бўлиб, улар кимсасиз, яланғоч эди.

Илгари булар сув тагида кўринмай ётган қоя тошлар эди. Уларни сув ўтлари қоплаб ётарди. Шамол ҳали уларнинг барини учираб кетмаган, чолнинг назарида сув ўтлари эшкак товушидан уйғониб, ким бизни безовта қилди, деб бош кўтариб қараётгандай эди.

Ғойиб бу оролларни айланиб ўтар, яқиндагина денгиз тагида ётган нарсаларнинг юзага чиқиб қолгани унга жуда қизиқ туюларди. Денгиз туби одамлар ва қайиқларга тўлиб ётибди.

Ғойиб катта оролларда ҳаёт эллик йил ичида анча ўзгариб кетганлигини пайқади. Бир пайтлар қумдан бошқа нарса бўлмаган ерларда энди заводлар қад кўтарган эди. Обод соҳилларда туз, кўрғошин, қалай, мармар ортган катта кемалар туришарди. Денгиздан бошқа кўп нарса кутилмаган жойларда одамлар бошқа касбу кор билан шуғулланаётганлари ва унчалар ҳам ёмон яшамаётганлари кўзга чалинарди. Тўқчилик эди.

Дарё қуйиладиган ерларда жойлашган ороллар атрофидаги ботқоқлар йўқолган эди. Улар ўрнида эндиликда шоли кўкариб ётарди.

Ғойиб ороллардан оролларга шундай ўтиб борарди.

Соҳилда ёлғиз қайиқ ва унинг ичида ўтирган чолни кўриб қолган кишилар бу узун, оппоқ соқолли қария ким бўлди деб ҳайрон қолишарди. Бировлар бу оддий зараркунанда балиқчи бўлса керак, деб унинг куппа-кундуз куни балиқ овлашга журъат этганидан ҳайратга тушишарди. Кундузи балиқ овлаш бўронда қолиш билан барабар хавфли эди.

Бошқа бировлар бу одам учта бедарак йўқолган балиқчини қидириб юрганлардан бири бўлса керак, деб тахмин қилишарди. Уч балиқчи бундан бир ҳафта бурун овга кетишиб қайтиб келишмаганди.

Кўплар, умуман, нима деб ўйлашларини ҳам билишмасди. Улар Ғойибнинг орқасидан алланималардир, деб, қичқириб қолишарди.

Ғойиб уларнинг товушларини эшитмасди. У яна хаёлга толди. Ўй олиб қочди. У тасалли эмас, ҳақиқатни қидиравди.

«Мен буталар орасидан ўзимга йўл очиб қочиб бордим. Уйга етиб борганимда юз-қўлларим ҳаммаси бутунлай шилиниб кетганини пайқадим. Онам баданимдан саксовул тиканларини олиб ташлади. Яраларимга ҳўл латта босди.

Лекин мен ҳали уйга бормасимдан очикроқ сайхонга чиққач, ҳолдан тойиб қумга йиқилдим. Секин юрагимдан қўрқинч ариди. Нима бўлганини ўйлай бошладим. Нега Каримбой бундай аҳволга тушди. Нега унинг ошналари ўзларини ғалати тутишди. Улар мени тутиб олиб уришмоқчи эдимми? Нега?

Мен шунчалар қаттиқ ҳаяжонга тушган эдимки, аввал сира ҳам Ойша ҳақида ўйлаб қўрмабман. Ахир, уни шу ерда тўқайда қолдириб кетган эдим-ку. Қўрққанга қўшалоқ кўринади деганлари шу бўлса керак.

Шундай анчагача ўтириб қолдим. Бир маҳал қулоғимга бировнинг заиф инграгани эшитилди. Фақат одам боласи шундай инграйди. Мен ўрнимдан туролмадим. Дам у томонга, дам бу томонга судралиб қарадим. Сас келаётган томонга эмаклаб бордим. Буталар ичи қоронғи эди. Қўлим алланарсага урилиб кетди. Тошбақа экан. Қўрққанымдан бақириб юбордим ва даҳшат ичиди тошбақани нарига улоқтирдим. Шу пайтгача тошбақадан бунчалик қўрққан эмасдим.

Нарироқда нимадир қирсиллаб кетди. Мен ўша ерга эмаклаб бордим. Не кўз билан кўрайки, буталар орасида кийимлари йиртилган аёл киши ётарди. У тинмай инграрди.

Бу Ойша эмас, дердим мен ўз-ўзимга. Йўқ, йўқ, бу бир туш, холос. Мен ўз Ойшамнинг отини айтиб чақирардим. Лекин жавоб ўрнига қулоқларимга фақат инграган сас чалинарди.

Бирдан ҳаммаси тугади. Сукунат чўкди. Шамол тўхтади. Атроф даҳшатли бир тарзда бўм-бўш бўлиб қолди. Эс-ҳушимдан айрилдим. Юрагим қонга тўлди. Бўшлиқ, бўшлиқ, ҳаммаси бўшлиқ...

Ойша менга қараб турарди. Лекин энди унинг қарашлари бошқача эди. На қўрқинч, на ялиниш, на мутелик бор эди унинг нигоҳида. У қаттиқ чарчаган эди...

Унинг олдида эрталабгача ўтирдим...»

Кечаси олис уфқлар чарогон бўлиб кетди. Ғойиб, мен шаҳарга келиб қолган бўлсам керак деб ўйлади. Чироқларнинг ёнишига қараганда, бу балиқчиларнинг шаҳари Оқча эди.

VI.

Узокдан портга разм солиб қараган Ғойиб орқасига қайтишга қарор берди. Бу ерда туриш хатарли эди. Сезиб қолишлари мумкин. Лекин энди бу ердан кетиш ҳам қийин. Чолнинг қайиғи ёнидан катта кемалар, баржалар ўтиб боришар, чолга сигнал беришар, унинг юзига чироқларини туширишарди.

Бир сафар Ғойибнинг қайиғи сал бўлмаса йўловчилар ташийдиган кеманинг тагида қолай деди. Кейин қўриқчи катер пайдо бўлди. Ғойибга нималардир деб қичқира бошлашди.

Чол дам у томонга, дам бу томонга ҳайдар, ҳаммаёқдан уни ҳайдашарди. У ҳаммага халал бермоқда эди.

Ғойиб жуда ҳолдан тойди. Чаққон ҳаракат қилмаётгани учун ўзини сўкди. Шунда, яхшиямки, уни Қумлоқ оролдан келган баржадаги кишилар кўриб қолишди.

— Ғойиб амаки! — деган халоскор сас эшитилди.

Ғойиб ўгирилиб қараб, кемалар ичидан Прошка қичқириб турган баржани топди.

Ғойиб қайиқни шу кема томонга олиб келди. Прошка чолнинг ёнига тушди. У қайиқни кемага боғлашда Ғойибга ёрдам берди. Отасидай доимо вазмин бўлган Прошка шу тобда қаттиқ ҳаяжонланган, чолдан садоқатли кўзларини узмасди.

— Отам одатда бу ерга туз олиб кетгани келар эди, — деб гап бошлади худди катталардек бўлиб Прошка. — Лекин кеча уни ишдан четлатишди. Қайиқлар олдида сиз навбатчилик қилган эдингиз деб. Отамни сизни қидиргани жўнатишди. Қайиқ туфайли анча жанжал бўлди. — Прошка қайиқнинг ҳаммаёғини бирма-бир қараб чиқди,

унинг бус-бутун эканлигини кўриб кўнгли тўлгач, яна гапида давом этди: — Бугун кечкурун мен орқага қайтишим керак эди. Лекин сиз денгизда адашиб қолган бўлсангиз, албатта, бирон портга келасиз деб, ўйловдим. Бу ерда қайиқлар шунчалик кўп эканки, қараб одамнинг боши айланиб кетади. Кундузлари балиқ келишини кутишиб, кечаси денгизнинг ўзида ухлашади. Сиз билмайсизми, Ғойиб амаки, балиқ келармикин? Отам билан беҳабар доғда қолмайлик дейман-да.

Прошка чолнинг баржага чиқиб олишига ёрдамлашди.

Худди Ермолайга ўхшаб деди:

— Хуш келибсиз! Қайиқнинг уринмай бутун қолганини айтинг. Ишқилиб ҳаммаси хайрли бўлсин.

Эски баржа зўриқиб гудок берди-да, Ғойибнинг қайиғини судраганча сузиб кетди.

Прошка чолнинг кўнглини овлашга тиришар, бортга осилганча, йўлда учраб қолган одамларга қичқириб борарди:

— Хей, қаёққа қараяпсан, балиқнинг кўзини еганмисан, маст бўлиб қолибсан? Ҳа, ҳа, сенга айтяпман, ошна! Э, баржанинг тагига тикилма, ажалингдан беш кун бурун ўлмоқчимисан? Қоч нари!

Ғойиб бурчакда Прошканинг овозини эшитиб ўтирар, лабларининг таноби қочиб жилмаярди.

Кейин чол Ермолайга ёлғон сўзлаганини эслаб, маъюс бўлиб қолди. У шу тобда денгизда сузиб юрибди. Қўлидаги чироғи билан кўзига қорайиб кўринган ҳар бир нарсани ёритиб кўради. Уша йўқолган қайиқ эмасмикин, дейди. Йўлида учраган одамларни гапга солади. Мияси айниган, эс-ҳушини йўқотган аҳмоқ бир чолни кўрмадинларми, деб сўрайди. На ўзини эплашни билади у чол, на бировни алдашни, на тузук-қуруқ ўғирлик қилишни бошлайди. Ўзига ҳам тинчлик бермайди, бошқаларга ҳам. Эрталаб қайтаман деган одам мана икки кундан бери дом-дараксиз. Нима жин чалди экан уни?

Қумлоқ орол миш-мишларга тўла. Ҳамманинг оғзида шу гап. Ўзлари балиқ ўғирлаб юрган одамлар энди Ғойибни айбситишади. Одам ҳам шундай бўладими. Яна топган вақтини қаранг: ҳамманинг ёди-ҳуши балиқ келишида-ю, бу чолнинг кўзлагани бошқа. Ҳозир ҳар бир қайиқ, ҳар бир одам ўз ўрнида туриши керак.

Эҳ-хэ, олижаноб, доно Ғойибдан келган ишни кўринг. Қумлоқ оролнинг энг яхши балиқчиси-я! Умрида пашшага ҳам озор бермаган. Ана энди кўринг, балиқ ўғирлаб егилари келиб қолибди. Шу-да, ўзларини олижаноб қилиб кўрсатадиганларнинг ичлари чириб кетган бўлади.

Қумлоқ оролда, албатта, мана шундай гап-сўзлар тарқалади. Рост, Ғойиб ёлғон ҳам сўзлаган. Кеча Ермолайга ҳам ёлғонлади. Лекин у сўзлаган ёлғоннинг бировга зиёни тегмаган. Одамлар орасида яшаганингдан кейин баъзан шундай ҳам бўлиб туради. Лекин майда-чуйда нарсаларга унчалар эътибор бериб ўтирмайдиган одамлар кўз ўнгида бугунги иш... жанжалдан бошқа нарса эмас.

Прошка жим бўлиб қолди. Баржа аллақачон денгизга чиқиб олган эди.

Ғойиб бир оз мудраб олгиси келди. У ётишидан олдин Прошкадан сўради:

— Қумлоқ оролга ҳали анча сузамизми? Эрталаб етиб борамиз, — деб жавоб берди Прошка. — Сиз ухлайверинг. Мен ўзим эҳтиёт бўлиб ҳайдаб бораман. Балки отамни ҳам йўлда кўриб қолармиз. Тоза ҳолдан тойган бўлса керак.

— У аллақачон оролга етиб олган, — деди Ғойиб Прошканинг кўнглини тинчлантириш учун.

— Йўқ, — деб эътироз билдирди Прошка. — Ғойибни топмагунимча, қайтмайман, деган. Отамнинг қайсарлигини биласиз-ку. Лекин менинг омадим бор экан, сизни биринчи бўлиб ўзим топдим.

— Омон бўл, — деди Ғойиб ва тагига қанор ташлаб унга чўзилди. Кўзларини юмиши билан қулоқлари бирдан шангиллаб кетди, кўз

ўнгида тўлқинлар сапчий бошлади, кўзи қамашиб, назарида оқ-ошпоқ сузиб ўтаётгандай. Кўзига кимларнингдир кулган, ҳўмрайган, башарасини қийшайтирган, имо-ишора қилган қиёфалари кўринарди. Улар Ғойибга ҳудди жуда муҳҳм бир гапни айтишлари керакдай. Хуллас, Ғойиб кеча ва, бугун куни билан денгизда нимани кўрган-кечирган бўлса, ҳаммаси қайтадан жонланмоқда эди.

Авваллари ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. Кўзлари денгизга ўрганиб кетган. У тушларига ҳам кирмасди.

Ғойиб кўзларини очди. Рўё йўқолди. Лекин қулоғида ҳамон ўша шанғиллаган товуши эшитилиб турар, лекин энди олдингидан пасайиброқ қолганди.

Буни уйқусизлик дебгина атаб бўлмасди. Бу Ойша ҳақидаги хотиралар туфайли туғилган васваса, рўё эди. Ғойиб бугун кечаси ўлиб қолсам керак, деб ўйлади.

Чол ўрнидан инқиллаб қўзғалди-да, Прошка баржани бошқараётган хоначага борди. Ҳозир ёнингга тирик жонзот бўлгани маъқул.

Кеманинг чироқлари тунги туманни базўр ёриб борарди. Денгиз тун бўлишига қарамай буғланиб турарди.

Бироқ кема энгил сузиб борар, Прошка уни бемалол бошқарарди.

Аллақаерлардан кемаларнинг чинқирган товушлари эшитилиб қолар, улар Ғойибга жаҳаннам қаъридан келаётган сас бўлиб туюларди.

Лекин шу тобда чолнинг сира ўлгиси йўқ эди. Унга жилла қуриса яна бир кун керак. Ҳа, бир кечаю кундуз. Шунинг ўзи етади.

— Одам денгизда сувиз узоқ тууроладими? — деб сўради Прошка. У отасидан хавотирланмоқда эди.

— Балиқни хомлигича сўриш мумкин, — жавоб берди Ғойиб.

— Чарчоқдан-чи?

— Одам қанчалар чарчамасин, унинг қайиғини оқим, албатта, кирғоққа олиб келади.

— Денгиз тагидаги тошлар-чи?

— Денгиз тагидаги тошлар катта кемалар учун хавфли.

— Демак, одам денгизда ўлиб қолмас экан-да... Унда қандай бўлади?

— Одам агар ўзига-ўзи душман бўлса, денгизда ҳам ўлиши мумкин, — деди нохуш Ғойиб.

— Отам ҳеч қачон ўзига душман бўлмаган, — деди Прошка. Сўнг ўйлаб туриб сўради: — Наҳотки, сиз чарчамаган бўлсангиз, Ғойиб амаки? Етиб ухланг. Эртага овга чиқишимиз мумкин. Унда ухлаб бўлмайди. Ов бўлмаганда ҳам, бари бир бирон иш чиқади. Туз майдалатишади жуда бўлмаганда. Сохилда ўтириб кичкина тегирмончаларимизни айлантираверамиз. Балиқ уни олинадиган тегирмон-чи? Бўладими, Ғойиб амаки?

Ғойиб бўлаверади дегандай боши билан тасдиқлаб қўйди.

— Отамга Оқчида майдаланган туз беришган бўларди. Уни омбордагилар яхши танишади. Мени бошлаб лақиллатишди. Майли...

— Менга қара, Прошка, — унинг сўзини бўлди Ғойиб. — Сен Кўк-оролни яхши билишинг керак...

— Нега билмас эканман! — ажабланди Прошка. — Неча марта сузиб борганман. Биласизми, у ерда қайиқлар кўп чўкади...

— У ёққа йўл олис эмасми?

— Йўқ, фақат Қумлоқ орол орқали ўтилади. Бошқа йўлни билмайман.

— Яхшилаб ўйлаб кўр, Прошка.

Прошка бир зум жим қолди. Сўнг жавоб берди:

— Бўлади, Ғойиб амаки. Ҳозир Кўк оролга бориб, сўнг уйга ўтсак. Лекин эрталабгача улгурармикинмиз? Отаси йўқ бўлган эди, энди боласи ҳам кўринмайди. Буларга ишониб бўлмайди ўзи дейишади.

Лекин бир уриниб кўрса бўлмасмикин? Кемани Ғойибнинг ўзи бошқаради. Сув ости тошларидан омон-эсон олиб ўтади. Рост, ҳеч ким

Кўк оролга қандай бориш кераклигини билмайди. Худди келишиб олгандай. Балки чиндан ҳам одамлар Ғойибнинг у ерларга қайтиб боришини, балиқчиларни ташлаб кетишини хоҳлашмас. Оддий одамлар ҳеч бир-бирларидан зерикашмайди...

Ғойиб агар ҳозир Қумлоқ оролга қайтиб борса, унда тобалиқ ови бошланиб тугагунча, у ердан жилолмаслигини биларди. Нафас чолга қайтқ беришни тақиқлаб қўяди. Ғойибни туз майдалашга, қоп кўтаришга, тўрларни ямашга мажбур қилишади. Бу то бир кунмас бир кун ерга қулаб тушмагунча давом этаверади.

Қандай бўлмасин Кўк оролга етиб олиши керак. Ҳеч нарсадан кўрқма, ҳеч нарсани парвойингга келтирма!

Прошка нима бўлади? Агар у эрталабгача Қумлоққа кемани олиб бормаса Ермолаининг мазаси қочади. Бошқа кунларда адашиб қолдим, деб баҳона қилиши мумкин. Лекин ҳозир туз шундай керак бўлиб турган маҳалда нима деб баҳона қила олади! Прошканинг ўзи боя айтгандай, э, буларга ишониб бўлармиди, деб айтишади.

Йўқ, чол бошқаларга ташвиш орттирмаслиги керак. Шундоқ ҳам Ермолайни тоза хуноб қилди. Етар!

Прошка чарчаганидан йиқилай-йиқилай деб турарди. Боланинг ўрнига туриш керак.

Ғойиб рулга турди. Прошка қанор устига ўзини таппа ташлади. Денгизга қараб боринг, балки отамнинг қайиғи кўриниб қолар, деди.

Прошка бирмунча вақтгача у ёнидан-бу ёнига ағдарилиб, отасини эслаб ётди.

Сўнг ухлаб қолди. Лекин тезда уйғонди. Емон туш кўриб инграб юборди. Денгизга ташвишланиб қаради-да, яна бориб жойига ётди. Ғойибни ҳамон хотиралар ўртарди, унга тинчлик бермасди. Чол чарчаб қолди. Энди яна хотираларга берилиб кетишдан кўрқарди. Бошқа нарсалар ҳақида ўйлашга уринарди. Назорат оролида бир куни балиқ сотиб оладиган бойлар уни эрмак қилишган эди: «Ғойибжон, сиз Қумлоқ оролдагиларга айтинг, қайиқларини чўктириб юборишин, тўрларини йиртиб ташлашин. Бўлмаса ҳаммасини артель тортиб олади». Одамнинг эсига бундай пайтларда нималар тушмайди. Чол урушда ярадор бўлган ўғлини эслади. Уни қайиқда Оқчадан олиб келаётганида ҳам худди мана шундай адашиб қолган эди. Бир куни уни судга судраб боришган эди. Сен бригадир бўла туриб, ҳамма балиқларни талон-торож қилдириб юборибсан деб. Ким ўғирлаганлигини аниқлашолмади. Лекин Ғойибни жавобгарликка тортмоқчи бўлишди. У бошидан кечирган қайси воқеани эсига олмасин, ўз назарига ҳақ эди. Уни ноҳақ қилмоқчи бўлганларида ҳам, у ўзининг ҳақлигига ишонган эди. Ойшанинг бошига тушганларини айтмаса... бошқа ҳеч қачон чол ўз виждонига қарши бормади, имонига хилоф иш қилмади. Бировнинг бошини азоб-уқубатга қўймади.

Аксинча, доим ўзи адолат йўлида азият чекди. Турмуш азобларини чекавериб, у доно бўлиб чиқди. Бир қилган хатосини сўнг такрорламади.

«Мен ўшанда оролда бошқа яшайолмасдим, кетишга қарор қилдим. Гап-сўз бошлашгани, мени қоралашгани ёки устимдан кулишгани йўқ. Ҳали ҳеч ким нима бўлганини билмас ҳам эди. Ўзим тургим келмай қолди. Одамлар эса бу воқеадан кўп кунлар ўтгандан кейингина хабардор бўлишган...» — деб эсларди чол.

Ўзимча мен ҳам, Каримбой ҳам, Ойша ҳам тўқайда юз берган шўриш учун гуноҳқормиз, деб ўйладим. Хавотирланганимча бор экан. Ахир, Ойшани неча маротаба огоҳлантирдим, ҳатто уйга қамаб ҳам қўйдим. Бироқ назаримда у Каримбойни андак рағбатлантирган бўлиши ҳам мумкин. Шамол бўлмаса, теракнинг учи қимирламайди-ку. Ишқилиб, қандай бўлмасин, шу кори ҳол юз берди.

Оқшом чоғи мен одамлар ўтиришган сайхонликка бордим ва уларга бошқа жойга бориб ишлашимни маълум қилдим. Ойша қайтиб келгунимча кутиши керак. Мени ўлди деб эшитгандагина эрга тегсин.

Ҳамма менинг ўлганимга ишонса, кейин Ойшанинг боши очилади. Эрталаб узоқ йўл олдидан ҳали ухлаб ётсам, Ойша оролдаги ҳамма кампирларни оёққа турғизибди. «Кўзимнинг оқу қораси севикли ёрим мени ташлаб кетяпти...» Бизнинг томонларда куёвларни сафарга мана шундай қилиб кузатишади. Мен ҳам, Ойша ҳам хайрлашув маросимини адо этишимиз керак.

Бир кампир Ойшанинг билагидан маҳкам ушлаб олиб: «Энди уни бераҳм жаллод де! Бераҳм жаллод!» деб шипшиди.

Ойша бунга чидолмади. Юзини қўллари билан беркитди. Кампирлар эса уни менинг кулбам томонга етаклашиб: «Ҳамманинг бошида бор... ҳамманинг бошида бор бу савдо...» дейишарди.

Ойша қўрқиб кетди. Кампирларнинг кўзлари тутаб, қасос олиш пайига тушишди. Уларнинг бир нечалари кулбамга бостириб кириб, мени уйғотишиб, дўппослай бошлашди. Акашак бўлиб кетган чўпдай қўллари билан юзларимга уришарди. Оёқлари билан тепкилашарди. Уларни шу тобда ҳеч нарса тўхтагиб туролмасди. Улар азалдан шундай раҳмсиз бўлиб туғилганга ўхшардилар.

Мени ёш деб аяшмасди. Уриб-уриб ҳолдан тойганларидан сўнг, мени судраб ташқарига олиб чиқишди. Қаршилиқ қилишга ҳақим йўқ эди. Мен оролдан кетмоқда эдим. Одатга кўра эса уйи ва қаллиғини ташлаб, бошқа ерларга кетаётган йигитни кампирлар ва қаллиғи калтаклашлари керак эди.

Мен андак нафасимни ростлаб олиш учун қумга узала тушиб ётдим. Атрофда ўтлаб юрган қўйлар менга раҳмлари келгандай келиб қулоқларим, сочларимни ялаб кетишарди. Ойша чиқиб менга қаради. «Энди уни кўтариш керак», — деди у кампирларга. Энди у шафқатсиз бўлиб қолган эди. Ойшанинг чехраси ўзгариб кетган, бутун аламларини мендан олишга тайёр эди. Кампирлар мени калтаклаётганларини кўрганидан кейин шундай бўлиб қолди.

Хотин-халаж уйнинг деворларига осиб ташланган қоқланган қўй гўштини йиғиштиришаркан, Ойша дарров менга мадор бўладиган шарбат тайёрлади. Бу шарбат қўй думбаси, саксовул шираси ва шўра ўрни қўшиб тайёрланарди. Мен Ойшага разм солиб қарадим. Буни сезиб, у яна қичқириб юборди. Ойша яна менга ачина бошлади. Бироқ кампирлар унга ҳўмрайиб қараб қўйишгач, у шу заҳоти сакраб кўксимга миниб олди-да, қарғай бошлади...

Нарироқда, ўтлоқда қари-қартанглар ўтиришарди. Бу ердаги қум юмшоқ, асил қум эди. Уни шамол оролнинг ичкарасидан учириб олиб келганди. Шу қум одамни ялқов қилиб қўяди. Киши ўзидан-ўзи қайгули ўйларга берилади. «Қум иссиқ ва майин», деди аллаким. «Бу кимларнингдир гўборга айланган таналари. Одамларнинг иссиғи қумга ўтган, ҳеч нарса бекорга йўқолмайди», деб унга қўшилди бошқа бир киши. «Ўлим ҳамма нарсани тозалайди, — дерди яна кимдир. — Киши тириклигида қанчалар ирkit ва исқирт бўлмасин, унинг қуми доимо топ-тоза. Ғалати...»

Кимдир мен томонни кўрсатди: «Унинг отаси ҳам мазаси йўқ киши эди. Ўтган қишда мен саҳрода унинг лошини кўрдим. Ғор ичига олиб кириб кўймоқчи бўлдим. Лекин лоши сочилиб кетди. Ушанда ҳайрон қолдим, унинг ҳам қуми оппоқ эди...»

Қорачадан келган, ажин босган, бадқовоқ чоллар. Бир-бирларига қисилган кўзлари балан зимдан сарасоф солишарди. Улар мени давранинг ўртасига қўйишди. Мен бошимни солинтирганча турдим...

Кампирлар сопол товоқларда эт олиб келишди. Чолларнинг қаторига ўтиришди. Ойша сопол товоқни кўтарганча давра айлана бошлади. Индамай ютоқиб овқатланишди. Суякларни менинг оёқларим остига ташлашди.

Улар этни еб бўлишгач, сафаринг бехатар бўлсин, деб дуо қилишади. Мен эса суякларни йиғиб қопга соламан-да, ўзим билан олиб кетамай. То бу ерга қайтиб келмагунимча, уларни кўтариб

юраверишим керак. Шунда доимо ўз уруғдошларимни ёслайман. Агар уларни унутсам, балиқлар денгизда менинг лошимни еб кетишади.

Ҳаммалари этни еб бўлганларидан сўнг менга тикилиб қолишди. Мен ярим букилганча суякларни йиғиштирдим. Фақат ора-сира Ойшага ўч олганимдан мамнун бўлиб қараб қўярдим. У тирик-ўлигини билмай базўр оёқда турарди.

Ойша суяк тўлдирилган қопни орқамга ортишга кўмаклашди. Қоп зил-замбил бўлиб кетган эди. Осонми, ахир, тўрт қўйнинг эти еб битирилганди. Шундан сўнг кампирлар мени қишлоқдан ҳайдаб чиқишди. Зўрға барханга кўтарилдим. Бир неча маротаба йиқилиб тушдим. Ҳолдан тойганча мазоратга етиб келдим. Одамлар қабристон учун чекка жойларни танлашади. Улган ўлиб кетади, у билан бошқа ишлари бўлмайди.

Мен қопни кўтариб олгандим. Ойша ва кампирлар орқамдан келишар, бузрук отамизнинг қабрини излашарди. Барча қабрлар бир хилда. Ҳеч бирини ажратиб бўлмайди. Шундай бўлса ҳам, бир кампир: «Мана шу ерда!» — деди. Ҳаммамиз ерга тиз чўкдик.

Кампир қабр устига бир кўзада сув қуйди. Ҳаммалари қумни сув билан қоришди. «Айт!» — деб амр қилди менга кампир: «— Мен ўз туғилган жойимни ташлаб кетмоқдаман...» Мен кўзларимни юмдим ва аяңчди овозда қайтара бошладим. Кампир менинг юзимга, пешонамга, оғзимга лой сурди. «...Агар киндик қоним тўкилган ерни унутсам, лошим балиқларга ем бўлсин...»

Ойша ҳам расм-русум қилиб турарди, шу сўзларни эшитганда бирдан қаттиқ инграб юборди.

«Агар мен одам ўлдирсам, менинг кўзларимни қора қуюн ўйиб олсин», деб такрорлар эди кампир билан бирга. Ойша ҳўнграб йиғлаб юборди ва мени елкамга шапатилаб ура бошлади. «Кечир!», деб кичқиради у. Кампирлар уни мендан тортиб олишмоқчи бўлар, лекин Ойша оёқларимга ёпишиб олганча кечирим сўрарди. Мен ўрнимдан турдиму мазордан тез-тез чиқиб кета бошладим. Денгизда қайиғим турган жойгача тўхтамай чопиб бордим. Кейин тўхтамай қайиқни ҳайдаб кетдим. Оролдан тобора узоклашиб борардим...»

VII.

Прошка безовта ухларди. У ҳадеб инграр, дам чалқанча тушиб ётар, дам яна ағдарилиб олар, қунишиб оёқларини қучоқларди. Қўллари увушиб қолганда, уларни ёнига кенг ёзиб юборарди. Прошка доимо денгизда мана шундай ёмон ухларди. Ойнинг нурлари уни безовта қилар, хавотирли тушлар кўрарди.

Прошка Кўк оролни тушида кўрмоқда эди. Қайиқлар сув кўпайган кезларда сира соҳилга етиб боролмасди. Сўнг улар ойнинг оппоқ йўлларида ой сари кўтарилиб боришарди. Кўк бағрига кўтарила-кўтарила, сўнг сингиб йўқ бўлиб кетишади.

Ғойиб ҳамон штурвални сергак ушлаб борарди. Чол энди ўзини анча тутиб олган эди.

Кема анча вақт ярим қоронғиликда сузиб бўриб, энди ой нури тўкилиб ётган кенгликка чиққан эди.

Ойнинг денгиздаги бу йўли соҳилдан бошланарди. У дам бўз тусга кирар, дам қумушдай ярқиради. Ойнинг йўли Қумлоқ оролдан Кўк оролга томон, ундан яна сон минг номаълум ороллар сари давом этиб кетарди. Минглаб ороллар ва кемалар, қайиқлар, ухлаб ётган одамларнинг юзлари оша денгизнинг нариги соҳилларига тушар, ундан чўлларга, чўллар оша шаҳарларга ёғилар, заминда яшаётганларнинг барини биродарлик ёғдулари билан чирмарди.

Мана энди Ғойиб ҳам шу йўллардан сузиб бормоқда.

Увушиб қолган қўллари олдин унга бўйсунмай турди. Сўнг аста-аста рулга кўникди. Чол хотиржам эди. Кема эрталаб Қумлоқ оролга етиб боради. Прошка отаси билан эсон-омон дийдор кўришади.

Ғойибнинг ўзи-чи? Қумлоққа боргандан сўнг у нима қилади? Яна Кўк оролга бориш учун қайиқни қаердан олади?

Балки аждодлар уни ўз ёнларига эрта чорлашгандир? Балки у ўз туз-насибасини ҳали тугатиб битирмагандир?

Шундай, Ғойиб йўлидан қанча кўп тўсиқ чиқса, шунча матонатли бўлиб бормоқда. Уларни енгиб ўтиб чиниқмоқда.

Прошка чарчаб қолди. Лекин Ғойиб чол бўлса ҳам эрталабгача тиним билмай ишлаши мумкин. У ўлим билан олишиб, уни енгади. Улим чекиниб боради. Чол ҳали оёқда маҳкам турибди. У йиқилиб тушишни истамайди. Лекин дунёда ҳаммаси бебақо...

Ҳаммаси давом этаверсин. Токи танасида жон бор экан, Кўк орол деб яшайверади. Кўк орол соҳилларини кўзлайверади. Эртагаёқ яна йўлга тушади. Агар қайиқ тополмаса, сузиб бўлса ҳам, у ерга етиб олади.

Майли, ҳозир буни камроқ ўйлаган маъқул. Ҳозир Ғойиб кемани Қумлоққа олиб бориши керак. Ов бошланиб қолиши мумкин. Агар тузни ўз вақтида майдалаб қўйсалар, ҳамманинг юзи ёруғ. Бўлмаса, ким айбдор, ким айбдор эмас, деб ўтиришмайди. Иссиқдан шишиб кетган балиқни қумга кўмишади. Фақат оч итларгина балиқларни у ёқдан-бу ёққа судраб юришади.

Ғойиб хўрсинди ва яна нохуш, лойқа хаёлларга берилди.

«Мен ўшанда Қумлоққа келиб жойлашдим. Бу ерда бегонасираб яшамаслик учун қари-қартанглар мени бир қизга уйлаб қўйишди. Ҳамма мени беғам, шўх-шан йигит деб биларди. Кўп кулар, қўшиқ айтар, тенгдошларим билан гурпанглашиб кураш тушар, муштлашишлардан ҳам қайтмас эдим.

Оқчага борганимда бозордан ўзимга катта тулки тумоқ, сариқ этик сотиб олдим. Соҳил бўйларини керилиб айланиб юрардим, қизларга гап отардим. Одамлар менинг шўхликларимга кулиб қарашарди. Катта бўлса, эси кириб қолади, бошқаларга ўхшаб бола-чақа қилади, фарзандлар ўстиради, яхши балиқчи бўлади...

Ўшандан бери мен бирон маротаба ҳам Кўк оролга борганим йўқ. Оила, ташвишлар, ўғлим дунёга келди. Чигал, бўронли замонлар бошланди. Ҳамма нарсага ақл-адолат кўзи билан қараш керак эди.

Ороллардан турли-туман судхўрлар, халқ молини талон-торож қилувчилар ғойиб бўлишди. Алдов, қашшоқлик барҳам топди. Турли ороллар бир-бирлари билан биродарлашдилар, меҳнат кишиларни яқинлаштириб қўйди. Илгари бир-бирларидан бегонасириб юрганлар эндиликда битта ягона оила — катта балиқчилик хўжалигига бирлашдилар.

Ермолай Каримбой ҳамда унинг зўравон ошналаридан ўч олиш учун йўлга чиқишга кўндирди. Ўзим ҳеч қачон бунга журъат қилмаган бўлардим. Аччиқ тажрибамдан ёмонликка қасос билан жавоб бериш унчалар яхши бўлмаган йўл эканини билардим. Яна шуни ҳам билардимки, ҳар бир одам эртами-кечми ўйлай-ўйлай алоҳа энг тўғри хулосага келади. Ёмон қилмишидан қаттиқ пушаймон чекади. Агар бу дунёда қилган гуноҳларидан фориг ва озод бўлиб улгурмаса, уни бари бир бошқа янги бир дунё тозалайди, зотан, унинг шу дунёга бормаи иложи йўқ.

Биз Оқчага етиб келганимизда Каримбойнинг отасини у эзиб келган мазлумлар ўлдириб қўйганларини, Каримбойнинг ўзи эса, кимсасиз жазирага бадарга қилинганини эшитдик. Кўрдингизми, унинг ҳам тавбасига таянадиган пайти келган...»

Ойдин йўл аста-секинлик билан кўздан йўқолди, у денгиз тубларига тушиб кетди, янги кун туғилмоқда эди.

Яна битта оролдан ўтсалар, ундан у ёғи Қумлоқ оролга қўл узатса етади.

Муздак туман билан қуршалган бу мудроқ орол кутилмаганда сўл томонларида пайдо бўлди. Ғойибнинг эсига бирдан шу ерда тушсам-чи,

деган фикр қелиб қолди. Бир қариндоши шу ерда туради, балки у қайиқ топиб берар.

— Прошка,— деб чақирди у.

Прошка қаттиқ уйқудан уйгонган, лекин ўрнидан тургиси келмай мудраб ётарди. Чолнинг овозини эшитгани замон дик этиб турди.

— О, Гунгуртга келиб қолибмиз-ку,— деди у нечукдир ҳижолат чекиб. У кечаси билан чолнинг қўлидан рулни олмаганидан уялиб кетган эди. Кема тўғри йўлдан бурилиб Гургурт орол томон кетаётганини кўриб, нима гап эканини тушунмай сўради:

— Сув оласизми, Ғойиб амаки?

— Йўқ. Мен шу ерда қоламан... Қумлоқ орол ҳам кўриниб қолди. Уфқда элас-элас кўзга чалинган, ҳақиқатан ҳам, Қумлоқ орол эди.

— Қайиқни отангга топшир. Унга айтгинки, мен...— Ғойиб мен шундай бўлиб қолганлигидан афсусланаман, деб айтмоқчи эди, лекин Ермолай шусиз ҳам тушуниб олади деб ўйлади.

— Кетасизми, а?— деб сўради Прошка хафа бўлиб.

У, Ғойиб нега бундай қилаётганини сўрашга ботинмади.

VIII.

Ғойиб артелнинг раиси Ороловни эслаган эди.

Раисининг уйи бошқа балиқчиларнинг уйларидан сира фарқ қилмас эди. Уйнинг ярми қумга чўкиб кириб кетган, деворларни шамол ялаб ташлаган, сув ўтларидан ёпилган томи эса худди хаскашлангандай титилиб ётарди.

Балиқчилар ишдан бўш вақтларида раиснинг уйини тузатиб, ораста қилиб бермоқчи бўлиб, денгиздан сув ўтларини йиғиб келишган, лекин Оролов қачон қараманг, қўйинглар, кейин қилармиз, деб кетга сурар эди.

Гургурт оролда ҳамма раис Оролов бу ишларнинг барини йиғиштириб ташлаб кетмоқчи бўлиб юрганлигини сезишар, бундан чўчишарди. Унга бир нарса деб айтишга журъатлари етмас, лекин доимо уни кеткизмаслик пайида бўлишар, ишларни ҳам шунга яраша дўндириб бажаришарди.

Ороловнинг ўзи Қумлоқ оролда туғилган эди. Лекин у ерда камдан-кам бўлар, керак бўлган пайтларда ёрдамчисини юборарди. Қумлоқ оролда унга бошқача кўз билан қарашар, унчалар хушламас эдилар.

Одатда Оролов оролларни айланиб юрганида, мансаби ундан қуйи бўлган кишилар — бригадирлар, турли бошлиқлар, назоратчилар, илғор балиқчилар у билан бирга юришар, қандай яшаётганларини, нималар билан машғул эканликларини кўрсатишар, энг яхши нарсаларини, эришган ютуқларини намойиш қилишарди. Қумлоқ оролда ҳамма денгиз бўйида индамай ўтираверар, ишга ҳеч алоқаси бўлмаган нарсалар ҳақида вағиллаб сўзлашишар, Оролов эса хўжаликни ёлғиз ўзи айланиб кўздан кечирарди. Саксовул деворлардан ошиб ўтар, оч итларга таланар, лекин охиригача назардан кечирма-гунча қўймас, ҳаммасини ҳисоблаб бўлгандан кейингина индамай катерга ўтирарди-да, жўнаб кетарди.

Ороловнинг ҳамюртлари бир нарса билан сира чиқишолмас эдилар. Шу Ороловнинг ўзи балиқчи, отаси, боболари ҳам балиқчи ўтган. Уни мана шу ерда уйлантириб қўйганлар. Денгизда сузишни, зогора балиқни оқбалиқдан ажратишни ўргатишган. Хўш, мана шу Оролов шохи йўқ, мияси ўсиб осмон баравар бўлмаган, шундай экан, қандай қилиб унинг бошлиқ бўлиб қолгани билан чиқиша оласан.

Умуман олиб қараганда, деб фикрлашарди қумлоқликлар, бизга Ороловнинг нима кераги бор? Балиқчилар керак бўлганда ўзлари тўрни тортадилар, керак бўлганда балиқлар тўдасини таъқиб қилишади. Денгиз қанча саҳоват қилса, шунча балиқ овлашади, битта ҳам кам

олишмайди, битта ҳам кўп. Бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу — уларнинг иши. Ким ишдан ўзини олиб қочса, жабрини ўзи тортади. Ороловга бунинг борди-келдиси йўқ. Қачон қараманг, унинг қорни тўқ.

Албатта, агар бошқа раис бўлганда қумлоқликлар унинг кетидан қолмай изма-из юрган, табассум қилса, табассум қилган, ўз ҳазилидан ўзи қотиб-қотиб кулса, улар ҳам қотиб-қотиб кулган бўлардилар.

Олдинги раис Сафаров пайтида худди мана шундай бўларди. Сафаров тиржайган одамни кўрса дарров қайириб ташларди. Оёқлари билан депсинар, сўнг ўйига мағрур кириб кетарди.

... Оролов катта-кичик, номли-номсиз жуда кўп оролларнинг раиси эди. Бутун хўжаликни бир сира кўриб чиқишнинг ўзига роса етти кун кетарди.

Бир ой ўтмасдан учувчилардан янги хабар келарди. Хўжаликка тегишли ерларда янги орол пайдо бўлди.

Шунда ўша хабар қилинган ерга боришга тўғри келар, денгиз тагидан чиқиб қолган ерни ҳар томондан кўрилар, текширилар, ўлчанар, оқим энди қандай ўзгарган, оролча атрофида денгизнинг чуқурлиги қандай — ҳаммаси ҳисобга олинарди.

Янги оролнинг пайдо бўлганига кўра, балиқларнинг йўллари ҳам ўзгарарди. Буларнинг бари йиллик планларга таъсир қилмай иложи йўқ эди.

... Ғойиб раиснинг уйда ухлолмади. Эшик олдига чиқиб ўтирди. Бир маҳал қоронғида қоқила-қоқила Оролов келди.

— Бу ким?— сўради Оролов ҳорғинлик билан ўз уйининг остонасида ўтирган чолдан.

— Мен Ғойибман. Ойингнинг тоғаси бўламан.

— Уйга кириңг!

Ғойиб, Оролов ҳозир уйга киради-ю, эрталабчага қотиб ухлаб қолади, деб ўйлаб қўрқди.

— Менга қайиқ керак, оқсоқол,— деди у ортиқча шубҳаларнинг олдини олиш учун очиқчасига.

— Нима?— деб қовоғи тушиб кетди Ороловнинг. Уйга кираркан, хандон ташлаб кулди ва хотинига деди:— Эшитдингми, хотин, қариндошимизга қайиқ керак бўлиб қолибди.

— Сен унга қайиқ бер,— деди хотини уйқули кўзларини ишқалаб.

— Келишиб олганларини қаранг! Қариндошимга қайиқ ҳам бермайман, балиқ ҳам!— Оролов ўзини каравотга ташлади ва шу заҳоти қаттиқ уйқуга кетди.

— Ухлаб дам олиб турса, бошқача бўлиб қолади,— деди унинг хотини ва уйга ухлагани кириб кетди. Ғойиб эшик олдида қолди.

Ғойиб соҳил бўйлаб айлангани юрди. Оролни ва қишлоқни томоша қилди. Тонг ёришай деб қолди. Туман босди. Туман денгиз сари ёприлди. Туман уйларни қуршарди, ўз намхуш бағрига сасиган балиқларнинг ҳидларини олганча аста тарқала бошлади.

Ғойиб эрталабки аёздан қалт-қалт титрарди. Унинг соқоллари патила-патила бўлиб кетганди.

Ғойиб, денгиз ўз бағрига туманларни тортиб, ҳорғин хўрсиниб қўйганлигини эшитди. Тўлқинлар жимирлай бошлади. Қийин кун отмоқда эди.

Атроф жимжит эди. Кейин бирдан эшиклар очилиб ёпила бошлади, қозонлар ва чойдишларда сув қайнади, печлардан тутунлар кўтарилди. Балиқчилар уйғондилар. Сўнг тўрларни ямашга тушдилар, қайиқларни сувга итариб туширдилар. Сувлар чайқалиб кетди. Ҳамма ҳаяжонда эди. Одамлар овни соғинишган эди.

Кўп ўтмай қушлар ҳам уйғондилар. Тўқайларда қирғовуллар ва миққийлар патирлашадилар. Чағиллаб чорлоқлар чарх урдилар.

Балиқлар денгиз юзасидан унинг тубларига кетганларидан сўнг қушлар қоринларини тўйдиришга қийналадиган бўлдилар. Улар оролларда одамларга яқинроқ яшай бошладилар. Балиқчилар ёнида,

ҳар қалай, уларга ҳам бир нарса тегарди. Эрталаблари ҳам улар одамлардан сўнг уйқудан кўз очар, эрталабки овдан қолган майда-чуйда чавоқ балиқларни териб, чўқиб ердилар.

Қушларнинг чағиллашларини самолётнинг овози босиб кетди.

Балиқчилар қўлларини пешоналарига қўйиб, осмондан самолётни қидирар эдилар. Улар самолёт балиқ излаётганини билар, аллақандай савқи табиийлик билан бугун катта ов бошланиши мумкинлигини сезардилар.

Самолёт одамларнинг тепасида икки марта айланди-да, денгиз узра пастлаб уча бошлади. У худди денгиз сувини ичмоқчига ўхшарди.

Бригадир ҳам мана балиқчилар қошига келди. Одамларни йиғиб, уларга нималарнидир тушунтира бошлади. Унинг ҳозирги сўзлари буйруқ билан тенг эди. Шунинг учун буйруқ берадиган одам каби ҳар бир балиқчининг чеҳрасига жиддий қарар эди.

Балиқчилар унинг гапларини маъқуллаб бошларини лиқирлатишди. Ҳар ким кўзада сув кўтарганча қайиққа шошилди. Тўрлар қозиқлардан олинди.

Бригадир қишлоқ уйларининг эшик-деразаларини чертиб одамларга нималарнидир тушунтирар, баъзан пўписа ҳам қиларди.

Бошланганга ўхшайди, деб ўйлади Ғойиб ва Ороловнинг уйи томонга шошилди. Оролов рация олдида ўтирарди.

— Худо ҳақи, мени қўрқитманглар!— деб қичқирарди Оролов катта бошлиққа.— Албатта, энг қийини бизга қолади! Сиз бекорчисиз деётганим йўқ. Худо сақласин... Марҳамат қилиб, ўзингиз шахсан текширинг! Денгизми? Тинчга ўхшайди. Келинг!

Оролов Ғойибга орқасини ўгириб ўтирар эди, у бир муддат нима қилиши кераклиги ҳақида ўйланиб қолди. Кейин ўрнидан туриб, чолни кўрди.

— Бугун бошланадиганга ўшайди...

— Мен нима қилдим энди, оқсоқол?— ўзини йўқотиб сўради Ғойиб.— Ота-боболарингги руҳлари қўлласин, мени ишимни битириб бер...

— Қаёққа бормоқчи эдингиз?

— Кўк оролга. Ярим кунга. Энг мазаси қочган қайиқни берсанг ҳам майли. Хафа бўлмайман.

— Кўк оролга дейсизми? Шошманг, қайиқнинг сизга нима кераги бор? Бир соатдан кейин у ерга Оқчидан баржа ўтади. Сизни ола кетади. Келишдикми? Соҳилда бориб пойлаб туринг.

— Жуда саз бўлди-да бу ишинг,— деди Ғойиб иши осон битганидан хурсанд бўлиб. У соҳилга йўл олди.

Кўп ўтмай соҳил бўйида белига қизил хоч тасвири туширилган кема пайдо бўлди. Кемадан қақирдилар:

— Хей, касалхонага борадиган ким?

Ғойиб мудроқ босиб турган бўлишига қарамасдан дарров ҳушёр тортиб, қамишлар орасидан кемага томон чопди. Матрос яна менсиз кетиб қолмасин деб чўчиди. Матрос яхши йигит экан. У Ғойибнинг кемага чиқишига ёрдамлашиб юборди, ўтиришга қути қўйиб, устига қанор ҳам ташлаб берди.

Кема Кўк орол томон йўлга тушди.

Ғойиб ўрнашиб ўтириб олди ва ўзига ўзи: «Энди сенга оқ йўл бўлсин, қария!»— деди. Бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка, бир оз мудраб олишга қарор қилди.

Ғойиб икки кечадан бери кўзи илинмаган бўлса ҳам, ўзини анча тетик сезарди.

Бирдан у сесканиб тушди. Кимнингдир кўзлари ўзига қаттиқ қадалганини ҳис қилди. Демак, кемада у ёлғиз эмас экан-да.

Кеманинг нариги чеккасида ёш бир аёл ўтирар, Ғойибдан кўзларини узмасди. Ғойиб ўнғайсизланди.

Шу кунлар ичида одамлардан анча кўнғил олдирган ва ўз

уй-хаёллари билан ёлғиз қолишни жуда ҳам истаган Ғойибни бу андак нохуш қилди.

Анави матрос ҳам ҳадеб хонасидан ташқари мўралаб, нималарнидир ишора қилади. Қилаётган ишораси Ғойибгами ёки ёш аёлгами билиб бўлмайди. Лабларини чапиллатиб қўяди тагин. Афтидан, муҳим бир нарсани ўйлаб бўлса керак, хонасидан югуриб чиқди-да, Ғойибнинг ёнига келиб денгизга тикилиб қолди. У бу ерлик бўлмаган, бўйи баланд ва қомати келишган, лекин ўзи русга ўхшамаган аёл билан қандай гаплашишни билмай қийналади.

Жуда бесаранжом бола экан, деб кўнгли хира бўлди Ғойибнинг.

Шунда аёлнинг ўзи тушуниб бўлмайдиган тилда Ғойибдан алланималарнидир сўрай бошлади. У литвалик экан. Сўзлаганда русча, литвача сўзларни қўшиб-чатиб гапирарди.

Отахон унга баъзи бир нарсаларни айтиб беролмасмикинлар. Унинг бу ерларда биринчи бўлиши, ахир. Денгиз ҳам уларнинг денгизларига сира ўхшамайди. Оқчада ҳеч нарсани билолмади. Ҳамманинг эс-ҳуши овда. Кемага тушириб борган жойингизда ҳаммасини билиб оласиз, дейишди. Отахон билан йўлдош бўлиб қолганлари қандай яхши. Салобатли, доно, вазмин чол экансиз. Отахоннинг ёшлари нечада? Ҳеч касал бўлганларми? Бу ернинг сувларида қандай балиқлар бўлади? Заҳарли балиқлар ҳам бўлар эмиш, шу тўғрими? Ҳозир ҳам бу ерларда кўп хотин олишадими ёки бу иллат тугатилганми? Қанча рус аҳолиси бор, улар бу ерларга қачон келиб жойлашганлар? У, литвалик қиз, ўзини одамлар орасида қандай тутиши керак, қандай қилса, бу ерлик кишиларга маъқул бўлади, уларнинг дилларини оғритиб қўймайди. Балки отахон Балдонис деган киши ҳақида эшитган бўлсалар керак. У одам шу оролларда кўп йиллардан бери геолог бўлиб хизмат қилади. Отахондан ялиниб сўраса майлими, у ҳали кўп нарсаларни билмайди, ўзини йўқотиб қўйиши мумкин...

Аёл Ғойибнинг кўзидан кўзларини узмай тўхтовсиз гапирарди. Унинг сўзлари тушунарсиз бўлса ҳам, лекин овози ёқимли эди. У назокат ва одоб-икром билан сўзлар, худди узок ўлкасининг майин қўшигини айтаётганга ўхшарди.

Ғойиб аёлга ўнғайсизланиб қарар, унинг нима деётганини англамас, фақат ўзига ёрдам беришни ўтинаётганини юракдан сезарди.

Матрос ҳам аёлнинг сўзларини эшитиб турар, нима қилишини билмай ҳайрон эди. У аёлга ёрдам бериш учун ўзини ўтга-чўққа уришга ҳозир эди.

— Бечора ташна бўлиб кетибди,— деди матрос худди гап бир қуш ҳақида бораётгандай. У аёлга кўзада сув олиб келди.

Аёл бир ҳўплам ичиб, миннатдорчилик билдирди. Кемада уни тушунадиган одам йўқлигидан маъюс бўлиб қолди.

Матрос кўзани олиб, ўз хонасига кетди. Аёл унга янада сирли бўлиб кўрина бошлаган эди.

Улар жим бўлиб қолдилар. Кема гувуллаб, пастда сув шалдирар эди. Ғойибнинг дили хира бўлди. У умрида биринчи маротаба бировнинг илтимосини беихтиёр ерда қолдирмоқда эди.

Литвалик аёл ўйга толганча индамай ўтирарди.

Матрос ўз иши билан овора бўлиб қолди. Денгиз бу ерда инжиқлик қилди. Кемани бир оз четга суриб кетди. Денгиз тублари афтидан нотинч эди. Денгиз қуёш тутилиши олдидан одатда шундай бўлади.

Кейин матрос гувуллаган товуш эшитди. Олисдан одамларнинг ҳайқирган товушлари қулоққа чалинди.

Мингта одам бир ерга тўпланиб қичқирса, шундай эшитилади.

— Ов бошланганга ўхшайди,— деди ҳаяжонланиб матрос олисларга дурбин билан тикиларкан.

Кема бораётган томонда юзлаб қайиқлар, катерлар, траулерлар ва бошқа кўплаб денгиз кемалари кўринди.

Кемалар ва қайиқларнинг ҳаммаси бир қатор бўлиб туришга уринар, лекин денгиз уларни четга суриб кетарди.

— Ов бошланди!— деб қичқирди матрос ўз йўловчиларига.— Балиқ келди! Ҳе-хе-хей! Ҳа-ҳаҳ-хей!— у шундай деб қичқирганига дарров пушмон бўлди. Қичқириб бошига ташвиш орттирди.

Қаерданир уларнинг шундоқ ёнларида оқ кўпика беланган катер пайдо бўлди. Матрос кемани секинлатишга буйруқ олди.

Баржа ўннга-сўлга чайқала-чайқала тўхтади.

— Қаерга кетяпсан?— сўрашди катердан.

Матрос балиқ нозири Али бобони таниб ранги оқариб кетди, гарчи хизмати юзасидан унга бўйсунити керак бўлмаса ҳам, лекин кўрқиб кетди.

— Касалхонага, ўртоқ инспектор. Дори-дармон, дўхтир ва касал чолни олиб кетяпман.

Ғойиб яна Али бобога йўлиқаманми, деб юраги орзиқиб кетди.

Катер баржанинг биқинига аста урилди. Али бобо тик туриб сарасоф солди. Оғзини сўкмоқчи бўлиб очган эди, кўзи ёш литва аёлига тушди-ю, шаштидан қайтди.

— Нима, буйруқни эшитмаганмидинг?— деб уришди у айбдордай бўйинини қисиб турган матросни.

— Биз барвақт йўлга чиққан эдик ўртоқ Али бобо... Дўхтир тез етиб бориши керак экан,— матрос гапини тасдиқлашни ўтингандай аёлга қаради.

Лекин аёл ҳеч нарсани тушунмасди. Унинг назарида денгизда иккита ўртоқ учрашиб қолишиб, ҳол-аҳвол сўрашаётгандай эди.

— Бу хотин ким?— сўради Али бобо.

— Ишга келган. Бошқа ёқдан. Бизнинг тилимизни билмас экан. Биз чол билан унинг нима деганини тушунолмадик.

— Кечиргайсиз,— деб чала рус тилида мурожаат қилди аёлга Али бобо. Аёлга у хушмуомала киши бўлиб туюлди. Али бобо мен хизматдаги одамман, деб унга гап тушунтира кетди.— Тартиб-қоида-ни сақлашга мажбурман. Меҳмондан кечирим сўрайман. Бир неча кундан сўнг ўзим уни касалхонага элтиб қўяман.

Ҳозир у баржани Оқчага қайтариб юборишга мажбур. Улар ўтадиган йўлларнинг ҳаммасига тўрлар ташланган. Бошқа ҳар қандай кема овга тўсқинлик қилмаслиги керак.

Аёл барчасини тушунди. Ўзини йўқотиб қўйди. Али бобога шоша-пиша нималардир деб жавоб бера бошлади. Али бобо унга оғзини очиб қараб қолди. Али бобо уни касалхонага олиб бориб қўйса, майли, у қарши эмас. Балки Али бобо унга кўп нарсаларни тушунтириб берар... Айтмоқчи, инспектор билмасмикинлар, ҳозир Балдонис қаерда?

Али бобонинг қовоғи солинди. Унинг иши зуд эди. У аёлга ҳаммаси жойида бўлади дегандек қўлини силкиб қўйди-да, матросга буюрди, бўлди, жўна.

— Хўп бўлади!— хурсанд бўлиб кетди матрос. У ишқал чиқмаганидан суюнган эди.

— Чолни мен билан қолдирасан,— деди кутилмаганда Али Бобо.— У касал-пасал эмасми?

— Йўқ, йўқ, мен уни билмайман. «Мени ола кет деб тиқилинч қилиб туриб олди...»

— Жуда соз! Унга ҳозир иш топиб берамиз.

Али бобо чолдан ҳеч нарса деб сўрамади. У катерга ўтганда, ҳатто уни таниганини ҳам билдирмади. Унинг вақти зиқ эди.

У бугун Ғойибга ўхшаганларнинг бир қанчасини ушлаган эди.

Бошқа тўртта ушланган чол кеманинг бир бурчида мудраб ўтирарди. Бир-бирларига ака-укалардек суянишиб олишган эди. Улар Ғойибга қарамадилар ҳам.

Катер баржа атрофини бир айланди. Аёл Ғойибга талмовсираб қараб турарди. Ғойибни эса иш қизиган жойига олиб кетмоқда эдилар.
... Ана балиқчилар. Улар орасида Ғойибнинг қумлоқ ороллик биродарлари ҳам бор.

Денгиз бир кўтарилиб тушди. Сувга ташланган тўрлар таранг тортилди. Ғойибнинг қулоғи тўрға тушган минглаб балиқларнинг овозини илғади.

Ғойиб тўрларнинг денгиз тубига оғир тортилиб бораётганини кўрди. Ўлжа зўр бўлади, деб ўйлади у. Балиқчилар тоза суонадиган бўлишди.

Энди роса тер тўкиб ишлаш керак. Денгиз тубларидан улкан тўрларни тўлдирган балиқларни кўтариб олиб Қумлоққа элтиш керак. У ердан балиқларни Оқчага, балиқ заводларига олиб кетадилар.

IX.

Чол, ниҳоят, ўз ватанига, Кўк оролга етиб олди.

Омон-эсон соҳилга тушди. Ерни тиз чўкиб ўпди. Ўзини кечиришни сўради. Таъзим қилди. Кейин аста орол ичкарасига булоққа қараб йўл олди.

Ғойибни кўп қидирдилар. Қумлоқликлар денгизда адашган қайиқ кўриб қолсалар: «Ғойиб ота! Ғойиб ота!»— деб қичқирар эдилар.

Кейин чол ҳаётида кечган воқеаларни эслай бошладилар. Ғойибни ҳаммадан яхшироқ биладиган одам Ермолай эди.

«— Мисол учун мана шу тепа...»— деб ҳикоя қилиб берарди атрофидагиларга Ермолай. Бўрон бўлган пайтларда тепа тўнини ечади, яланғоч бўлиб қолади. Тагидан оппоқ туз кўринади. Бу туз қаердан келиб қолганини Ғойиб билмасди.

Чол балки туз тепадир деб, тепани кавлаб ҳам кўрган, лекин қумдан бошқа нарса чиқмаган эди. Яна у синган сополларга дуч келганди. Балки тепа узоқ замонлар аввал қаср ёки қалъа бўлгандир.

Бу тепага қўйларни қанча ҳайдаманг, сира чиқмас эди. Ўлган шаҳарларнинг шўри аччиқ ва заҳарли бўлса керак, деб ўйларди Ғойиб.

Яқинда бир одам келиб шу тепани кавлаб кўрди.

У одамларга пул берар, улар эса тепани кавлашга ёрдамлашар эдилар. Одамлар уни ғазна қидиряпти деб ўйлашарди. Лекин ғазна ўрнига қалъа деворлари чиқди. Бир тош санам топилди. Унинг башараси ғоятда хунук эди. Санам қум ичида қўлини қовуштириб ўтирар ва интиҳосиз ўйларга чўмган эди. Уни офтобрўяга олиб чиқишди. У эса ҳамон ўйларди. Оролликлар санам устидан кула бошлашди. Лекин ҳалиги одам бу қадимгиларнинг худоси деб тушунтирди. Бу ерда илгари замонларда ибодатхона бўлган экан. Одамлар қадимгиларнинг худоси қизиқ бўлар экан, деб кулишди.

... Ермолай дўстини ҳар доим эслаб турарди. Бир куни Кўк орол касалхонасида даволанган бир балиқчи келди. Ғойибни ўз кўзим билан кўрдим, деб қасам ичди. Чол сайҳонликда най чалиб ўтирган эмиш. Илон эса най овозига бошини кўтариб ўйнармиш. Чолнинг ёнида илон солинадиган кажавани ушлаб бир кампир ўтирганмиш.

«Қанақа кампир? Нима деб валдираяпсан ўзинг?»— ташвишга тушиб қолишди оролдагилар. Текшириб келиш учун оролга баржа жўнатадиган бўлдилар:

Бугун азонда Ермолай билан Ғойибнинг ўғли Оллоберган Кўк оролга йўлга чиқдилар.

Прошка анчагача баржанинг орқасидан қайиқда борди. Лекин отаси уни ҳайдаб юборди.

Прошка хафа бўлиб орқасига қайтди ва соҳилда уларнинг қайтиб келишларини кутиб ўтирди...

Русчадан Иброҳим ҒАФУРОВ таржимаси

Жамол
Камол

ЖАҲОННИНГ ЖОНИ



1918 йил 30 август

Уша кун жаҳонни чирмади алам,
Қуёш ҳам фалакда ўрганди-қуйди.
Уша кун аламдан силкинди олам,
Уша кун башарни қайғуга қўйди.

Уша кун сесканди меҳнаткашки бор,
Узоқ Аляскадан Парижгача то.
Уша кун доҳийга ўқ узди ғаддор,
Уша кун... нишонга отди беҳато!

Доҳий борар эди, зик эди вақти,
Сал эғиб мўлжалга олинган бошин.
Мана, у қалқиди, қайрилиб боқди,
Жисмида оловли қора қўрғошин.

Қайрилиб, қотилга бир зум боқди у,
Хорғин кўзларини бир қадар очиб.
Юзида ғазабмас, аламмас, ёху,
Таажжуб акс этди, фақат таажжуб...

Кейин аста оғди... қолди вужуди
Борлиқ билан йўқлик ёлқини аро.
Кейин фарёд учди, хайқириқ учди,
Осмон ҳам, Замин ҳам кийдилар қаро...

Эй менинг шарафли наслим, тирагим,
Эй олис авлодим, билармисан — йўқ:
Фақат доҳийгамас, менинг юрагим,
Сенинг юрагингга отилди бу ўқ!..

Бордир ҳар нарсанинг исми — исмати,
Эй шавкатли жаҳон, билармисан — йўқ:

Асрлар қисмати, башар қисмати,
Сенинг қисматингга отилди бу ўқ!..

Михельсон заводи олдида у кун
Отилган ўша ўқ — авлодинг қадар
Солди иқболингга қора бир тугун,
Сени ғурбатларга қўйди, биродар.

Эвоҳ, йиллар ўтди, эврилди замон,
Етишди Ватанга роҳат-фароғат.
Лекин юракларда битмасдан ҳамон
Жазиллаб турибди ўша жароҳат...

Меҳнат-машаққатга беролдик бардош,
Хатто тоғларни ҳам қўпоролдик даст.
Юксалдик, қуриди дийдаларда ёш,
Лекин сезар эдик: Ленин етишмас!

Қилич кўтарганга кўтардик қилич,
Жаҳон ичра жаҳон яратолдик, бас.
Гарчи сафимизда бор эди Илъич,
Лекин билар эдик: Ленин етишмас!

Ленинни ўқидик, уқиб олдик хўп,
Бугун биз зиёда доно, забардаст.
Агарчи азамат ленинчилар кўп,
Лекин Ленин керак, Ленин етишмас!..

Доҳийга отилган ўша ўқ — зарба
Йиллар, довларни ёриб пайдар-пай,
Ҳамон учиб борар, учиб борар, ҳа,
Истиқбол кўксига санчилмоққа шай...

Токи қуёш сочар жаҳонга ёғду,
Узгариб боради замин у замон.
Миллион юракларда яшайди мангу
«Ленин бўлса эди!..» деган бир армон.

Миллион юракларда яшайди лекин
Муқаддас руҳ бўлиб буюк зарурат.
Дўстлар, шунинг ўзи бизларга — Ленин!
Дўстлар, шунинг ўзи — ленинча қудрат!..

Хурофот

Уйимиз ёнида қомати расо,
Оқ бадан терак бор, ажаб бир сулув.
Ҳар кунни бир қулоч ўсади гўё,
Тўртинчи қаватга етиб қолди у...
Шу теракка боқсам, кўнглим ёришар,
Шу теракка боқсам, айланар бошим.
Лекин бир санобар ёдимга тушар,
Ёдимга тушади битта тенгдошим...
Улар севишдилар энгикиб, ёниб,
Тирилгандай бўлди Отабек — Кумуш.
Висол гаштини ҳам сурдилар қониб,
Орзу-умид билан қурдилар турмуш
Ва лекин бошларга йиқилди қайғу,
Алам тиғи қилди юракларни қон.
Қизлари туғилди — майиб ва мажруҳ,
Ўғиллар туғилди — ношуд, ногирон...
Энди хотин йиғлар... эри ш ора —
Қисматини қарғаб, ичар дамба-дам.

Тўхта, қисматингни қарғама, жўра,
 Тўхта, улгурасан сипқоришгаям...
 Майли, сўзларимни олавер малол,
 Майли, масхаралаб, майна қил, бироқ:
 Ғофилни изласанг — кўзгуга кўз сол,
 Иблисни истасанг — қадаҳингга боқ!
 Не-не хурофотлар битдилар буткул,
 Лекин етиб келди ўзга хурофот:
 Бир қултум арақдан — чехрамиз гул-гул,
 Бир стакан арақ — бизга мукофот.
 Мен кўриб, ҳар сафар аламга тўлғум,
 Шоирлар ичади — не бўлса, бўлар.
 Олимлар ичаркан — қистайди кулғум,
 Ўсмирлар ичганда, йиғлагим келар...
 Байрам-тантана кўп, маърака-мавруд,
 Бизга баҳонадир йил оши ҳатто.
 Ичамиз — миядан тарқамасдан дуд,
 Ичамиз — эс оғиб, йиқилгунча то.
 Топишиб олганмиз Лайли-Мажнундак,
 Сафарга чиқмаймиз, бўлмаса арақ.
 Ҳатто мажлисда ҳам отамиз жиндак,
 Ҳатто тўшакда ҳам кайфимиз тарақ...
 Бизга торлик қилар, ичсак, кўча-кўй,
 Чойхона, ошхона қилади озлик.
 Ҳар кун тўй деймиз, тўғри, оти тўй,
 Аммо, аслида у — ичкиликбозлик...
 Нутқлар сўзлаймиз, қўлимизда жом,
 Ич, деймиз, агарда йигит бўлсанг, ич!
 Оталар олдида — нимжонмиз тамом,
 Боболар ёнида — бўйимиз қарич.
 Полвонлар учрайди лекин ҳар қалай,
 Полвонмиз айниқса бўлганда пиён.
 Бизда чемпионлар оз деманг, бай-бай,
 Ичкилик бобида кўнлар чемпион.
 Буюк шахматчилар бизда йўқ магар,
 Аммо биз ичганда, ичамиз босиб.
 Ичкилик бобида берилса агар,
 Гроссмейстер номи бизга муносиб...
 Эшит, эй биродар, мана, келди гал,
 Бағримга ханжардир — қадди ёйлигинг.
 Тилладан, пахтаю пилладан аввал
 Ақлу идрокингдир — миллий бойлигинг!
 Ақлу идрокингни совуриб оғу,
 Сени кўча-кўйда қилди томоша.
 Оқибат аслингга човут солди у,
 Оқибат наслингни айнатди ўша!..
 Йўқ, мен таъна эмас, тавбалар дейман,
 Бағримни ўртайди оналар охи.
 Мажруҳ гўдакларнинг ғамини ейман,
 Мени ваҳималар ўрайди гоҳи...
 Шунчалар ичамиз, кун ўтган сайин
 Даврага зеб бериб, қадаҳни бежаб.
 Шундоқ кетаверса, юз йилдан кейин
 Ёппа овсар бўлиб қолсак — не ажаб!..
 Не-не хурофотлар битдилар буткул,
 Лекин етиб келди ўзга хурофот.
 Наҳот, қолаверсак шу офатга қул?
 Наҳот, истиқболга шудир мукофот!
 Мен-ку, аҳволингга кўз солиб дилхун,
 Ичма, захри мор, деб қўлингни тўсдим.
 Кайф устида бўлган авлодинг бир кун
 Сени лағнатларга қўммасми, дўстим?..

Тўқсон бобонинг набираси Ҳаётжонга айтганлари

Тонг оқариб қолди оппоқ,
Кўзингни оч, тур, болам.
Ғўзалари бодроқ-бодроқ
Пахтазорга юр, болам.
Сени кутиб, пайкалларда
Ғириллайди шўх сабо.
Майли, бир оз жуздонингда
Кутиб турсин «Алифбо».
Кутиб турсин китобларинг,
Дафтарлару қаламлар.
«Беш» олганда — қийқириқлар,
«Икки» олса — аламлар...
Эҳ-ҳе, болам, ёшликда-чи,
Биз ҳам қулоч ёзганмиз.
Фарҳод ГЭСни бунёд этиб,
Чўлда канал қазганмиз.
Эссиз, энди қариб қолдим,
Бўлмаса, бел букардим.
Этак-этак олтин териб,
Хирмонларга тўкардим.
Олти миллион икки юз минг —
Вағдамиз бор беришга.
Олти миллион икки юз минг
Бармоқ керак теришга.
Болам, ўзинг мададкор бўл,
Мадад элга — кучингдир.
Қардошларни кийинтириш
Байналмилал бурчингдир.

Балки қўлинг тирналади,
Балки, бетинг қирилар.
Зарари йўқ, унга дарҳол
Дори-дармон сурилар.
Балки, белинг толиқади,
Толиқса ҳам, тоқат қил.
Марра сари қадам-қадам
Интилишни одат қил.
Бир кун кўкка тугашиганда
Пахтамининг хирмони,
Карнай-сурнай садолари
Босиб кетар дунёни.
Она-Ватан олар шунда
Сени дуссиқ бағрига.
Сен борасан карвон билан
Иваново шаҳрига.
Бошланади тантаналар,
Табриклару олқишлар.
Мажлисларда нутқ сўзлаб,
Қўлни-қўлга олишлар.
Ёд этилар, болам, шунда
Сенинг ҳам зўр меҳнатинг.
Жўяклардан-жўякларга
Чеккан буюк заҳматинг...
Баракалла, азаматим,
Омон бўл, деб алқисса,
Пешонангдан ўпиб қўяр
Опагинанг Нафиса!

* *
*

Уни ёмон, дерди, буни ярамас,
Бехато кўрарди аломатларни.
Уни бехосият, дерди, буни паст,
Шифаб отар эди маломатларни.

Билмам, ғазабига олдим қисмат,
Еки шайтон уни ғафлатга солди.
Ҳаммани ёмонлаб, охир-оқибат
Ўзи бир нокасга айланиб қолди...

* *
*

Шоир бетоб ётар, бориб кўринглар,
Ҳолини сўринглар, чекмасин қайғу.
Бошида бир нафас суҳбат қуринглар,
Бир нафас жаҳондан фориг бўлсин у.

Жаҳоннинг жони, деб аталган ҳаққа
Ғанимлар ўқ узар, кўрсатмай ўзни.
Жаҳоннинг жонига отилган ўққа
Шоир тутиб берди кўксини...

* *
*

Шегрим, туғилгансан хуш айёмларда,
Шу ёруғ дунёда ўғлимсан, қизим.
Қоронғи саҳарлар, тийра шомларда
Суяниб юраман сенга, юлдузим.

Мендан олдин ташлаб кетма дунёни,
Сен ҳам солма энди бошимга алам.
Бошлаб чиққан эдинг сафарга мени,
Ўзинг кузатиб қўй сўнги ийлга ҳам...



ЎзССР · ЎзКП

Худойберди Тўхтабоев

ИЙЛМАР ВА ИЙЛМАР

Роман¹

II қисм

ПАНДИГОННИНГ ҒАМГИН ОҚШОМЛАРИ Аския бўлган оқшом

Бузрукхўжа ҳали қайнотаси билан суҳбатлашганда, ёнма-ён туриб кетмон чопаётганда ҳамма нарсага умид ва ишонч билан қарайдиган бир вазиятда эди. Хайрлашиб йўлга тушаркан, «Ҳалимани кўролмадим-а, ўзи омадсиз йигитман-да!» деб ўйлади. Шу ўй сабаб бўлди-ю, руҳиятидаги кечаги мискинлик, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ишонмаслик, ёруғ дунёнинг ҳамма хайрли ишларидан қўл силташга ўхшаши тушкун бир кайфият яна қўзғалиб кела бошлади. Пандигонга кириши билан катта ариқда чўмилаётган болалар уни ҳар томондан қуршаб олишиб, бири олиб-бири қўйишиб, кеча оқшом пайтида Абдурахмонбой уларнинг рўзгор анжомларини олиб кетганини, дадаси билан акасининг қўл-оёқларини боғлашганини ва осмонга қаратиб икки марта ўк ҳам отилганини айтиб беришди.

Бузрукхўжа, кеча етиб келганимда бунақа ишлар бўлмасмиди, деб ўйлади-ю, яна ўзини айблай бошлади. Бўшашган кўйи уйларига кириб борди. Дадаси айвонда ўтириб Мақсуд қори ташлаб кетган бузоқчага нўхта тикаётганди, ўглини кўрди-ю, негадир ўрнидан қўзғалмади.

¹ Давоми. Боши ўтган сонда

Бузрукхўжа салом бериб унинг олдига жадал бораётганди, ичкаридан онаси югуриб чиқди. Бўйнига осилиб юзу кўзларидан ўпаркан, «Хайрият, хайрият», дея такрорлар, қувончдан бўлса керак, кўзлари ёшланиб борар эди. Эшон ота ўғлига қўлини истамайгина узатди... Кеча эрталаб ўғлим бошқачароқ эди. Худди аскарни жангга олиб кираётган навкарбошидек кўнгли баланд, руҳи тетик эди, энди бўлса сувга тушган товукдек шалпайиб турибди, бир кунда ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетибди-я, деган фикр ўтди Эшон отанинг бошидан. Сўнг ўғлига юзланиб:

— Қани ўтир-чи! — деб ёнидан жой кўрсатди.

Бузрукхўжа ўтираётиб тортиниbroқ сўради:

— Дада, тинчликми?

— Ҳа, энди, кўргилик экан-да, ўғлим, — деб қўйди Эшон ота, — бир жиҳатдан бой бувани ҳам айблаб бўлмайди. Қарзимиз бор, тўлашимиз ҳам даркор эди-да. Олиб чиқиб кетган нарсаларига ачинаётганим йўқ, мола дунё бебақо дейдилар. Менга алам қилгани қўлимни орқага боғлагани бўлди. Тўғри, камбағал яшадим. Лекин йигит бўлиб гапимни бировга бермагандим. Ҳа майли, куйинма, ҳаммаси жойига тушиб кетади... Хўш, Риштонда нима гап?

— Омад бизга боқмади, дада.

— Нойб билан олишиб бўлмайди, демабмидим.

— Хон эшон битай деб турган ишнинг белига тепди.

— Уни, Хон кофир, дейишади.

— Кофирдан ҳам баттар экан, дада. Йўқсилларнинг ёнини олиш ўрнига ноибнинг тарафига ўтиб, хожаси белгилаган ҳақдан ортигини даъво қилмоқ кофирнинг иши, деб орамизга нифоқ солиб қўйди.

— Муштлашиш ҳам бўлган эмиш деб эшитдим.

— Бўлди, дада.

— Сени калтаклашмадими, ишқилиб?

— Эл қатори... бизам бенасиб қолмадик.

— Аянгга айтма. Суягинг бутун қолган бўлса бўпти. Бу сенга сабоқ бўлсин, ўғлим, қайтага калтак есанг тезроқ пишийсан. Ҳазрат Саъдий тўқайга ўт қўйишдан олдин, шер чиқиб қолиши ҳам мумкин, қочадиган жойингни белгилаб қўй, деган эканлар... Хўш, энди нима қилмоқчисан?

— Билмадим.

— Кўпроқ пул олиб келдингми?

— Икки ойлик маошим қолиб кетди.

— Аянгга, кўп пул олиб келдим дегин, хўпми?

— Хўп, дада.

— Кеча Риштонда Абдурахмонбой ҳам бормиди? — сўради яна Эшон ота.

— Номард бир арава тош олиб борибди-я! — деб қўйди Бузрукхўжа.

— Худога шукр қил, ўғлим, бир арава ўқ олиб борганда нима қилардинг.

Отинбиби ая дастурхон ёзиб топган-тутганини келтириб қўя бошлади. Ҳар гал уйга кириб чиққанда, ўғлининг кўзини шамғалат қилиб, эрига «Урушманг!» дея ишора қилар, ичкарига кириши билан, тагин дадаси аччиқ-тизиқ гап айтиб ўғилгинамнинг дилини оғритаётган бўлмасин, деб дарров орқасига қайтиб чиқар эди. Охири бўлмади, ёнларига ўтириб олди. Кеча бой олиб кетган нарсаларнинг кўпи Бузрукхўжанинг сарсон-саргардон юриб топиб келган пулига харид қилинган, никоҳ тўйларига аталган. Ўғилгинам шуни эшитиб қолмасин, деб онанинг кўнгли алағда эди. Хайрият, дадаси бу ҳақда гап очмади.

Суҳбат мавзуи гоҳ Риштондан Қўқонга кўчар, гоҳ Қўқондаги катта бойлару ноибнинг қилмишлари ҳақида гап очишар эди.

— Менга қара, Бузрук, — деди бир маҳал Эшон ота нимадир эсига тушгандек жонланиб, — бу Шакархоннинг хулқ-атвори қанақа ўзи?

— Қанақа ахлоқи?
— Ҳалиги, хўш... нима десам экан, кўп хотинлими, демоқчиман.
— Дада, ноибнинг бошқа ҳокимлардан фарқи шуки, хотин олиб, хотин қўйишни ёқтирмайди. Лекин...
— Хўш, нима «лекин»и бор?
— Лекин, дада, умуман яхши одаммас.
— Очиқроқ айтавер.
— Очиғи шуки, дада, у етим қизлар саройини ўзига ҳарам қилиб олган, дейишади.

— Шунақа дегин?
— Лекин, дада, кўзим билан кўрганим йўқ. Ноиб ҳам бировга кўрсатиб иш қиладиган хилидан эмас.
— Аяси, ўчоқ бошида мунча ўралашдинг? Гулнора қизимнинг мактубини олиб чиқ, Бузрук ўқисин.

Мактуб қайта ўқилгач, учовлари ҳам жим қолишди. Демак, Ноиб Гулнорага кўз тиккан, бу аниқ. Уни зудлик билан етимхонадан олмоқлари даркор. Лекин ноиб кўнармикан? Кўнмайди! Унда судлашишга тўғри келади, бу музофотдаги қозиларнинг ҳукмини ноиб сариқ чақага ҳам олмайди, демак, судлашишнинг ҳожати йўқ. Борди-ю, Кўқондаги рус тўраларигами, мировой судларгами мурожаат қилса-чи, бари бир пул керак, бир халта пул керак!

— Ўғлим, Гулнора сенинг ҳам жиянинг, ҳам синглинг бўлади, хўрсинди Эшон ота,— сен уни қутқаришинг керак. Ҳар қалай дунё кезиб юрибсан, ўрислардан ошналаринг кўп. Зора улар ҳам ўртага тушса.

— Мулла Маҳмуд ўқидими бу мактубни?— сўради Бузрукхўжа. Отинбиби ая бир чеккада мунғайибгина ўтирарди. Савол ўзига қаратилганини сезиб:

— Унга ҳам шунақа мактублар келаётган эмиш,— деб қўйди,— чақириб чиқайми?

— Майлингиз,— деди ўйга толиб Бузрукхўжа.

Мулла Маҳмуд икки оёғи шол бўлиб қолган дадасини орқасига опичлаб чиқди. Қотмадан келган, боши сапча-қовундек чўзиқ ва шунинг учун ҳам танасига қараганда бўйни ҳийла узун кўринадиган бу йигитнинг сўзлаганда кўзи юмилиб-очиблиб турадиган одати бор эди. Қизларникидек узун киприкларини пирпиратиб Бузрукхўжадан қол-аҳвол сўрай бошлади. Аммо Эшон ота бетоқатроқ эди. Шунинг учун ҳам, қаллиғингни қутқариш маслаҳатини қилайлик, деб меҳмоннинг гапини бўлиб қўйди. Мулла Маҳмуд хўрсиниб, бошини эгиб олди.

Намозшомгача ҳам бир маслаҳатга келолмадилар. Бузрукхўжа ноибнинг номини эшитиши билан кечаги еган калтаги-ю, шармандаларча қувилгани эсига тушиб, одам боласига ҳамиша худди мазах қилаётгандек айёронга боқадиган ноибга яна бир бор рўбарў бўлишини ўйлаб, юраги увушиб кетди. Тўпланганлар эса, бу ишни фақат Бузрукхўжа поёнига етказа олади, деб ишонганларидан масъулиятни ўз зиммаларига олишни истамас эдилар.

Бир қарорга келолмадилар. Суҳбат охирига бориб ҳийла маъюсла-ниб қолган Мулла Маҳмуд дадасини опичлаб чиқиб кетгач, Бузрукхўжа даладан кеч қайтган акаси Сулаймонхўжа билан бирпасда ғижиллашиб қолди. Сулаймонхўжа укасининг дарбадар юришини хушламасди. Агар у ҳам ёнимга тушиб кетмон чопганида, ерни кўпроқ олиб, деҳқончиликни каттароқ қилган бўлардик, қарздан ҳам эртароқ қутулардик, деб ҳисоблайди. Укасини фозилу дониш бўлгани учун хурмат қилса-да, дарбадарлигини ҳеч кечиролмасди. Кетмондан қочиб юрибди дерди. Бузрукхўжа меҳнатдан бошқасини билмайдиган, қобил-мўмин акасининг фикрларига ҳеч қўшилмас, бойлардан ерни қанча кўп олсанг қарзга шунча кўп ботасан, деб туриб оларди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Ака-ука ғижиллашиб олишгач, Бузрукхўжа яна бетоқат бўла бошлади, дунё-дунёси қоронғилашиб уйга сиғмай қолди. Ўртоқларим

билан кўришсам зора андак ёзилсам, деган ўй билан Отинбиби аянинг «Бир кунгина олдимда ўтиргин» дея ёлворишига ҳам қарамай, гузарга чиқиб кетди.

Ўйрат Пандигон саккиз пандигоннинг қоқ ўртасига жойлашган, гузари бошқа гузарларга қараганда гавжумроқ. Ўзига яраша баққолчилиги, ёнма-ён тушган икки новвойхонаси бор. Чегачилик, қассобхона, ямоқчилик сингари дўконлар гоҳо эл ётаргача ишлаб туради. Чойхонада одам кўп экан. Тенг-тенги билан давра қуриб, сўриларни тўлдириб, гарчи ҳали атрофга қоронғи тушмаган бўлса-да, уч-тўрт жойга қирқинчи лампа ёқиб қўйишибди. Ўртадаги катта ҳовузга, атрофга салқини урсин деб, лиммо-лим сув тўлдиришган, тепадаги толларга бир-бирига тараф қилиб икки бедана илинган экан, басма-басга сайраб туришибди.

Мулла Маҳмуд шу ерда экан. Шошилиб ўрнидан туриб Бузрукхўжани ёнига олди-ю, бармоғини лабига теккизиб «Жим ўтир» дея ишора ҳам қилиб қўйди. Даврада аския бошланай деб турган экан, Ҳасанбой билан Ҳусанбой, овозимизни бошқалар ҳам эшитсин, деб бир-бирларидан узоқ туриб олишган.

— Ака! — деб чақирди баланд овоз билан Ҳусанбой.

— Лаббай, ука? — ўшанга тенг овоз билан жавоб қайтарди Ҳасанбой. — Бир кулишиб олайлик дейсанми?

— Ҳа бир кулишиб олайлик, юраклар зардобга тўлиб кетди. Аввал бир-биримизга лақаб қўйиб олсак.

— Э, укагинам, бир-биримизга лақаб қўйиб нима қилардик. Мен ўша эски калман, сен ўша эски шилпиқсан-да.

— Ака, бўлмаса пайровни нимадан оламиз?

— Э укагинам, пайров ахтариб бозорга борармидинг. Катта акам ноиб бўлганларидан буён бозорда ҳеч нарса топилмайдиган бўлиб кетган.

— Акажон, унақа дема. Худога шукр, бозорда кафан билан тобут сероб дейишяпти... Ке қўй, тортишиб ўтирмайлик. Ундан кўра бедана бўлиб бир сайраб берамиз.

— Яхши, укам, сендан бедана чиқмайди. Ҳар қанча боқсам ҳам, бари бир, орқамдан «Шапкўр, шапкўр, шапкўр» деб сайрайсан.

— Ака, очигини айтсам, сендан ҳам яхши бедана чиқмайди. Қачон ёнингга борсам бошимга қараб «Сип-силлиқ, сип-силлиқ» деб сайрайсан.

— Ука!

— Лаббай, ўзимнинг акам!

— Берган чигирткаларим ёқмай қолдими дейман, ёнингга бордим дегунча «Шилпиқ, шилпиқ» деб камситасан?

— Ҳой, чиройли акам!

— Лаббай!

— Мени унақа камситма. Бошингни пашша талаган куни ҳамиша ёрданга бориб «Таталанг, таталанг!» деб маслаҳат бериб тураманку.

— Ҳой, маслаҳатчи укам!

— Лаббай!

— Бари бир сен дўст бўлмайсан.

— Нега ундай дейсан, ака?

— Ана у куни кўзим оғриб ёш оқиб турган бўлишига қарамай, дон берай деб олдингга борсам, кўзимга бақрайиб туриб «Сувхўрак, сувхўрак» деб сайрадинг, а?..

Чойхонада кулги авжига чиқиб борар, қандингни ур, Ҳасанбой, бўш келмайсан, Ҳусан бола, деган қийқириқлар узоқ-узоқлардан ҳам эшитилиб турарди. Турмуш икир-чикирларидан, рўзгор машаққатларидан, куннинг иссиғида қилинган бугунги оғир меҳнатдан ҳориб-чарчаб келган бу одамлар қандай бўлмасин, озгина кулиб олишни, шу кулги асносида бир нафас бўлса ҳам ўзлигини унутишни истарди, Пандигонда кулгидан ўзга ҳордиқ йўқ. Ака-укалар гоҳо қўғирчоқ ўйинлар ҳам кўрсатишади. Лекин ўйинда кулгидан кўра ҳаракат кўп

бўлганидан, кулги ва унинг завқига ўрганиб қолган пандигонликлар ака-укаларни кўпроқ пайровга чорлашарди.

Бузрукхўжа ҳам анчадан буён бунақа берилиб кулмаганди. Елкасидан тегирмон тошдек босиб турган ташвишлари чекинди-ю, озгина бўлса ҳам дили ёришгандек бўлди.

Ҳасанбой баланд овоз билан гапира бошлади:

— Ҳа, азизлар, шу тирранча укам баҳона бўлиб оз-моз кулишиб олдик. Шилпиқ деганим билан у шилпиқ бўлиб қолгани йўқ, қаранглар кўзлари бирам чиройли. Қал дегани билан мен ҳам кал бўлиб қолганим йўқ, қаранглар бошим тўла соч. Лекин баҳонада кулишиб олганимиз қолди. Бир донишманд, шаҳарга табиб келгандан кўра, қизиқчи келгани маъқул, деган экан. Негаки, табиб одамларнинг томирини ушлаб, дилига қулоқ солиб, минг хил касалини эсига солиб кетаркан. Қизиқчи бўлса кишиларни кулдириб, касалини ҳам эсидан чиқариб, гаму ғуссадан фориг этиб кетаркан. Энди, мана, гап навбати сизларга. Бузрукхўжа ўртоғим келган. Кўп юртларни кезиб юрибди. Зора дунёда бўлаётган воқеалардан сўзлаб берса...

Бузрукхўжанинг номи тилга олинishi билан давраларда пичир-пичир бошланди. Кеча Риштонда бўлиб ўтган воқеалар бу ерга хунук овоза бўлиб келган, бир хиллар Бузрукхўжа қамоққа олинганмиш деб, бир хиллари уни Сибир қилишармиш деб, яна бирлари Хон эшон уни, кофир деб эълон қилган эмиш, деб эшитган, Сибир қилинмаган тақдирда ҳам борингки, кофир бўлмаганда ҳам, ҳар қалай бу йигит ноибдек қудратли ҳокимга қарши чиқди, Хон эшондек пиримуршид билан тиккама-тикка олишди. Утирганларнинг аксарияти ноиб билан. Абдурахмонбойнинг хизматқору чоракорлари. Ушаларнинг муруввати билан ризқу рўзини тергилаб еб юрган кишилар. Бузрукхўжа билан бу оқшом суҳбат қурганлари Шакархоннинг қулоғига етиб борса борми, э худо, ўша ёмон кундан ўзинг асра!

— Тур кетдик, — деди дашт маҳаллалик мўйсафид бир киши, — тагин Риштондаги балойи офат бизнинг ҳам бошимизга ёғилмасин.

Чойхўрлар юзларига фотиҳа тортиб бирин-кетин жўнаб, чойхона бўшаб қолди. Ака-укалар билан Мулла Махмуд «Бу қанақаси бўлди?» дегандек бир-бирларига қараб олишди. «Е раббий, наҳотки одамлар мени ўз қишлоғимда ҳам яккалаб қўйишса, — алам билан ўйлади Бузрукхўжа, — ахир мен уларга ёмонликни раво кўрганим йўқ эди-ку, мен уларнинг манфаатини ҳимоя қиламан деб яхшигина ишлаб турган ўрнимдан қувилиб келдим-ку!».

Армон бува билан ғойибона суҳбат

Бузрукхўжа қайтса, аяси айвонга, ўзининг шундоққина ёнгинаси-га жой солиб қўйган экан. Ҳаво димлигиданми, ёки руҳидаги бетоқатликданми, назарида ҳамон ҳовлига сиғмаётгандек эди. Кўрпа-тўшагини олиб, томга чиқаётганди, ой ёруғида чарх йигириб ўтирган Отинбиби ая:

— Болагинам-ей, бир кечагина ёнимда ётсанг бўлмайдими, — дея армон қилган бўлди.

— Аяжон, энди ҳар куни ёнингизда ётаман, — деб қўйди Бузрукхўжа.

— Вой, тилгинангга новвот-ей, рост айтяпсанми?

— Рост айтяпман.

— Худоё, умринг узоқ бўлсин, ўғлим, майли томга чиқсанг чиқа қол, қайтага ўша ер салқинроқ. Фақат олдин бир-икки челақ сув сепиб ол, тагин газанда ўрмаламасин. Худоё, сенинг ҳам бахтинг очилиб, жуфти ҳалолнинг билан бир ёстиққа бош қўйганингни тезроқ кўрай...

Сен чиқавер, челақни ўзим узатарман. Вой тентагим-ей, энди ростанам кетмайсанми?

— Кетмайман, ая.

— Ая деган тилларингдан ўргилай, бирам соғинганманки!

Бузрукхўжа аяси айтгандек қилиб томга аввал ўрин солди-да, кетидан атрофига шалаббо қилиб сув урди. Узи тўшаган ўринга ҳузур қилиб ёнбошлаб олди. Оймома ҳам анча кўтарилиб қопти. У бугун шундай яқиндан чиқибдики, худди югуриб бориб ушласа бўлади-гандек. Ой дарахтлар устидан узоқлашиб, осмонга кўтарилган сари дов-дарахтларнинг соялари қисқариб, атроф чароғонлашиб бормоқда. Худди осмондан оппоқ нур қуюлаётгандек, нурлар дарахтларнинг учига, гиёҳларнинг баргига кўз илғамас арғимчоқ тортиб ўйнаётгандек. Ху наридаги азим теракларнинг ойга беткай кумуш япроқлари аллақандай ялтираб, қарсак чалаётгандек, шундоққина томнинг остида пастаккина бир дарахт шохида чаҳ-чаҳлаб булбул сайраяпти. Ой чиқиши билан у ошиқ бўлган ғунча жамол кўрсатганди, эҳтимол, висол қувончига мушарраф бўлгани учун шу ойдин кечага, тўлқин-тўлқин бўлиб кўкдан қуюлиб келаётган кумуш нурларга мадху сано айтаётгандир, эҳтимол, ғунча ичига беркинган гўзалликка ошиқу беқарор бўлган бу қушча ўша гўзаллик шаънига қўшиқлар битаётгандир. Эҳтимол, ғунчанинг очилиш пайтини ҳеч қачон кўра олмагани учун қалби тўла армондир, армонларини куйга солиб куйлаётгандир.

Шариф бобо ўрикзори тарафдан йигитларнинг гурунги, аҳён-аҳёнда шарақлаб кулаётгани эшитилиб турибди. Гузардан кетиб қолган ёш-яланглар ўша ерга тўпланишганга ўхшайди. Кимдир дутор черта бошлади. «Ким бўлди экан? — ўзидан сўради Бузрукхўжа. — Набижонмикан, наҳотки шунақанги уста бўлиб кетган бўлса...» Бамисоли кимдир дутор ичига беркиниб олиб мунгли овоз билан йиғлаётганга ўхшайди, кимдир «оллоҳ, оллоҳ, ишқ аро бундай балолар бор эмиш» дея хониш ҳам қилиб қўяди... Дутор торларидан узилиб чиқаётган мунг дарахтларнинг ой нурида ажиб йилтираб турган баргларига, ер бағирлаб ўсган гиёҳларнинг нозик япроқларига оҳиста-оҳиста урилиб, зарраларга бўлина-бўлина борлиққа сингиб кетаяпти. Осмондан қуйилаётган оқ ҳарир нурлар, шу нурлардек юмшоқ, латиф ва айни замонда хазин ҳам мискин оҳанглар билан қоришиб, атрофга адлақандай илоҳий, ҳеч англаб бўлмайдиган сирли қиёфа бераётгандек. Дов-дарахтлардан тортиб гиёҳларгача куйга қўшилиб енгил чайқалаётгандек, куйга қўшилиб тўлқин-тўлқин бўлиб оқаётгандек. Терак устида ой қотиб қолди, ҳансираб ётган замин ҳам нафас олмай қўйди. Булбул чарақлаб сайрайди. Куй авжига чиқиб боради.

— Оллоҳ-оллоҳ, ишқ аро бундай балолар бор эмиш! — дея хониш қилиб қўяди куй тинглаётган йигитлардан бири.

— Энди «Наво»ни чалиб берасан!

— Чал, дўстим, юракларни сел қилиб оқизмагунча қўймайсан!

Куй ўзгарди. Кўкиш осмонда, дарахтлар олачалпоқ соя ташлаб турган ўрикзор тарафда, ҳу наридаги экинзорлар томонда ҳамон оппоқ нурлар чайқалиб, тўлқин уради. Тўлқин эмас, юраклардаги аламлар, диллардаги ишқ ситамлари куйга омукта бўлиб оҳиста-оҳиста учаётгандек, кимдир тиззасини қучиб йиғлаётгандек, кимдир фарзандини бағрига босиб чайқала-чайқала алла айтаётгандек, севишганлар хилват бог этагида учрашиб бир-бирларига рози дил айтаётгандек. Куй одам қиёфасига кириб оламдаги барча дарду ғуссани, барча шодлигу масрурликни ўз бағрига жо қилиб, гоҳ йиғлаб, гоҳ қаҳ-қаҳ отиб кулаётгандек. Куй сеҳрига маҳлиё бўлиб ой ҳам бир жойда туриб қолгандек... Нақл қилишларича, худой таоло одамни лойдан яратган экан. Одамни ясаб, офтобга қўйиб обдан қуришибди-ю, унга қандай жон киритсам экан дея ўйланиб қолибди. Шунда малоикаларидан бири қўлига сурнайни олиб «Наво»ни чала бошлабди. Одамга жон кирибди. Қулоғига:

- Сен одамсан!
- Сен куйдан яралгансан!
- Сен нурдан яралгансан! — деган овоз эшитилибди.

Афсонани эслаб ўтирган Бузрукхўжани уйқу элтиб, кўз олдини оқиш туманлик қоплаб келарди. Бу туманлик шундай кенг, шундай поёнсиз эдики, Бузрукхўжа бора-бора унга сингиб, ўтга томган томчидек йўқ бўлиб кетди... Шу пайт Хўжа бобо мозори тарафдан куш деса кушга, одам деса одамга ўхшамайдиган, нурлардан тўқилган оппоқ чойшабга ўралган бир мавжудот учиб кела бошлади. Аста-секин пасайиб, томнинг чеккасига қўнди-да, елкасидаги чойшабни олиб ташлагандек бўлди. Бузрукхўжанинг қаршисида оқ симобий салла ўраган, оқ сурпдан яктак-иштон кийган, оппоқ соқоли кўксини қоплаб тушган нуруний бир чол пайдо бўлди-ю, битта-битта босиб яқинлашиб кела бошлади. Йигитнинг назарида у инсон эмас, ой нурларидан йиғилган-у, аммо қўл билан ушлаб бўлмайдиган бир рўёдек эди. У мулойим жилмайиб, кейин тилга кирди.

— Қўрқма, ўғлим, мен Армон бобонг бўламан. Бу дунёдан ўксиб ўтган пандигонликларнинг руҳи, армони бўламан. Бечора ҳамқишлоқларимнинг шўр қисмати бўламан. Мулкдору ҳокимларнинг калтагидан боши ёрилган йўқсилларнинг кўз ёшидан, суюқлисига етиша олмаган ошиқларнинг нолаи афғонидан, фарзандларидан жудо бўлган оналарнинг фарёидан, бир умр овқатга тўймай рамақи бўлиб ўсган гўдакнинг кўз ёшидан, сув дея сув бошида сўйилган, ер дея тириклайин ер остига кирган деҳқонларнинг ширин орзусидан жамланган Руҳман. Мен оғир қанотларини оҳиста силкитиб Пандигон устидан учиб юрган ғамгин қўшиқман. Менга тикилиб қараяпсан, лекин бари бир кўролма-япсан. Чунки мен ҳам борман, ҳам йўқман. Мени кўрмоқчи бўлсанг, қалбингга қулоқ сол, мен қалбингдаман. Мени эшитяпсанми?

- Ҳа, эшитяпман.
- Риштондан нега қочиб келдинг?
- Қочганим йўқ.
- Уғлим, тан ол, сен қочиб келдинг. Ноиб билан шердек олишиш ўрнига, бор кет деса, жимгина жангтоҳни ташлаб чиқиб кетдинг.
- Ахир унинг тарафида миршаблар, навкарлар бор эди?
- Сенинг тарафингда халқ бор эди, армонли йиллар ва йўллар бор эди!
- Халқ бизга эргашмади-ку?
- Ухлаб ётган одам уйғоқлар ортидан эргашмайди.
- Демак, халқ уйқудами?
- Ғафлатда ётибди у.
- Нима қил дейсиз, бобо?
- Уйғот уларни! «Сен бу дунёга эшакдек ишлаш учун келмадинг, сен онангдан хўрлик-зорликлар кўриш учун туғилмадинг, кўзингни оч. Сен паҳлавонсан, баҳодирсан ва демак ҳақ-ҳуқуқингни ҳимоя қилишга ҳам қодирсан,» деб тушунтир!
- Тушунтира олмасам-чи?
- Бугун тушунтира олмасанг, эртага, албатта, тушунтирасан...
- Томга ухлагани чиқибмидинг, ўғлим?
- Ҳа, ҳовли дим экан.
- Демак, жонингнинг ҳузурини кўзлаб чиқибсан-да?
- Шундай, бобо.
- Нафсонияти ҳақоратланган даданг боғда юм-юм йиғлаб ўтирибди, ачинмайсанми? Қариндошинг Гулнора тузоққа тушган қушчадек типирчилаб ётибди, раҳминг келмайдими?
- Ахир...
- Жим тур. Ҳў ўрикзорлар ортида икки чоракор сув талашиб бир-бирининг бошини ёраяпти. Сен қўшиқ тинглаб ётаверасанми? Риштонда олти ой ишлаб олти пулсиз уйга қайтган Мақсуд қори уйқуси қочиб, эртага болаларимга нима пишириб берсам экан деб ўй сураяпти, сенга бари бир экан-да?

— Ахир, бобо!

— Жим тур, деяпман. Мен армонман. Қалбингга беркиниб олганман. Энди сенга тинчлик бермайман, чақалоқ бўлиб йиғлайман, полвон бўлиб наъра тортаман, сени жангларга етаклайман. Ўзингдан кеча оласанми?

— Кеча оламан.

— Омад сенга ёр бўлсин, хайр...

Бузрукхўжа уйғониб кетди. На шакли, на вужуди бўлган ойнинг оппоқ нурларидан, пасту баланд куй оҳангларидангина иборатдек туюлган рўё энди йўқ эди. Бузрукхўжа ўрнидан туриб ўтириб олди. Тушими, ўнгими англай олмасди. Туш деса, уни аниқ кўрди, гаплашди. Ўнгим, деса, қаршисида ҳеч ким йўқ. Вужудида кўрқув кўзгалди.

— Дада!— дея беихтиёр бақириб юборди.

Усмонхўжа ота боғда экан, дарахтлар орасидан овози келди:

— Нима дейсан?

— Уйғоқмисиз?

— Уйғоқман.

— Томга чиқдингизми?

— Чиққаним йўқ.

Бузрукхўжа томда ортиқ қолгиси келмай кўрпа-тўшагини йиғиштириб, пастга туша бошлади. Аяси ҳамон чарх йиғириб ўтирибди:

— Нега тушдинг? — шошилиб сўради ўғлидан.

— Ёнингизда ётсам майлими?

— Вой тентагим-ей, кел, келақол. Уйқунг келмадимми?

— Сиз билан ётгим келиб қолди. Ая, мен эрталаб мулла Маҳмуд билан Риштонга боришга қарор қилдим. Гулнорани қутқариб келаман!

— Тилгинангдан ўргилай, паҳлавоним, яхши ўйлабсан. Даданг шўрлик мактубни ўқигандан буён ўз ёғига ўзи қоврилиб юрибди. Ухла энди, кўзим, елиб қўяйми?

ЕТИМ ҚИЗНИНГ БАҲОСИ МИНГ СЎМ

Бомдод намозидан сўнг Бузрукхўжа билан мулла Маҳмуд Риштон сафарига отланишди. Мулла Маҳмуд даштга эккан эртанги арпасини ўриб, янчиб пуллаш учун уч қоп дон ҳозирлаган экан. Бузрукхўжа икки кажава саватни тўлдириб оқ ўрик терди. Ҳаммасини мулла Маҳмуднинг эшакаравасига юклаб олишди. Катта кўк эшак, гарчи тортиб бораётган юки оғир бўлса ҳам, боқувда ётиб аравани соғинган отдек, бошини силкита-силкита жадал юриб борар, ўртоқлар эса негадир жим кетишар эди.

Мулла Маҳмуд анчагина билимдон йигит. Кўқонда тўққиз йил таҳсил кўриб қайтди. Зеҳни ўткир, хофизаси зўр. Диний ақидалардан кўра дунёвий илмларга иштиёқи баланд бир киши. Қозонда, Боқуда, Тошкентда чоп этиладиган газета, журналларни бу музофотда фақат шу йигитгина олиб туради. Шу қиш ичи бир муддат мактабдорлик ҳам қилди. Аммо Хон эшон, негадир, мактабни бекиттириб қўйди.

Жўраларнинг иккови ҳам ишққа мубтало бўлган, иккови ҳам маъшуқасини ўйлаб борапти. Шу ҳақда гапиргилари, гап асносида қалбдаги оташ ҳовурни ташқарига чиқаргилари бор. Лекин гапиролмайдилар. Дилда ишқ-у, тилда бошқа мавзу. Хаёлда маъшуқа-ю, кўз ўнгларида эшакарава.

— Менга қара, Бузрук,— деди ниҳоят мулла Маҳмуд.

— Гапиравер,— деб қўйди Бузрукхўжа ҳам.

— Демак, эшон ваъз айтиб аравакашларга хиёнат қилибди-да?

— Ҳа, хоинлик қилди у.

— Оғзида илми бўлса ҳам, товба қилдим деб гапирай-ю, аслида мараз одам у. Қуръон ўқигани билан ҳамма ҳам мусулмон бўлавермас

экан. Менинг қийналиб очган мактабимни ҳам ёптириб қўйди. Усули жадидияни кўргани кўзим йўқ дейди. Мен жаидид усулида сабоқ бермоқчи эдим.

— Усули жаидидга, ўртоқ, мен яхши тушунмайман.

— Оббо Бузрук-ей, наҳотки тушунмасанг? Ахир сен дунё кезиб юрган йигитсан-ку. Билмасанг билиб қўй. Биз ҳам сиз, большевикларга ўхшаб янгилик тарафдоримиз. Жаҳолат ботқоғидан тезроқ қутулиш ниятидамиз. Сизларнинг Урусияда, Гирмонияда пирларинг бўлганидек бизнинг ҳам Тошкентда, Бокуда катта-катта пирларимиз бор. Фарқимиз шундаки, сиз большевиклар, инқилоб дейсизлар, биз бўлсак, ислоҳ деймиз. Аслида иккови ҳам одамларга яхшилик қилмоқ демакдир. Мана бир мисол, жаидидлар алифбомиздаги зеру забар ўрнига уч янги ҳарф ислоҳ қилдилар. Илгари алҳамду дейиш учун апаламзаал, хевамзаҳал, долпечу, деб ўқирдик. Энди бўлса «алҳамду» деймиз қўямиз. Хўш, бунинг нимаси ёмон?

— Мен ёмон деётганим йўқ.

— Нега бўлмаса Хон эшон менинг бошимга таёқ ўқталиб келади?

— Қайдам.

— Биз, жаидидлар, мактабларда фақат диний илмлар эмас, дунёвий илмлар ҳам ўқитилсин, жуғрофия ўқийлик, тарих ўқийлик, деймиз! Бу ҳам Хон эшонга ёқмабди. Мана сен, Бузрук, эл ўртасида катта бўлган йигитсан. Ихчам кийинган овруполикларни кўрганда ҳавасинг келганми, келган, албатта. Мусулмон бўлганимиз учун рўдапо бўлиб юришимиз шартми. Худо дилимизда бўлса бас-да. Салла ўрамаганим, малла чопон киймаганим учун Хон эшон мени кофир деб гап тарқатди. Қани, сен, холис туриб айт-чи, қайси биримиз кофир эканмиз.

— Очиғини айтсам, хафа бўлмайсанми?

— Хафа бўлмайман.

— Икковинг ҳам кофирсан.

— Нима дединг?

— Хон эшон каттароқ кофир, сен кичикроқ кофирсан! Чунки икковинг ҳам халқни озодликка олиб чиқиш ҳақида ўйламайсан. Халқ эркин бўлса, салла ўрайдими, иштон киядими, ўзи ҳал қилиб олаверади. Муҳими — эркинлик!

— Бу гапни сен айтяпсанми?

— Йўқ, Ленин айтган!

Мулла Маҳмуд жўрасига хунук бир қараш қилди-да, ютиниб тап-туп қадам ташлаганча юриб кетди. Яна жим бўлиб қолдилар. «Юраги тоза, оқкўнги дўстимни кофир деб чакки айтдим, — ўзидан ранжий бошлади Бузрукхўжа, — ётиги билан тушунтиришим керак эди. Тушунтиришга эса ожизман. Билимим уникидан пастроқ. Қани энди шу пайтда Муртазин бўлса-ю, бошлаб тушунтирса...»

— Маҳмуд, — худди ёлворгандек бир оҳангда мурожаат қилди Бузрукхўжа, — нега жим қолдинг, нималарни ўйлаяпсан?

— Мен кофир бўлсам, мусулмон қанақа бўлар экан, деб ўйлаяпман.

Жўралар гоҳ қизгин баҳсга берилиб, гоҳ аразлашиб Риштони дилкушога етиб борганларини ҳам сезмай қолдилар. Бозор ўнгидан келди. Мулла Маҳмуднинг арпасини, пудини етти тангадан баҳолаб, кўтарасига пуллаб юборишди. Бузрукхўжанинг оқ ўриги ҳам яхши пул бўлди. Ўзга юрларда ҳали ўрик пишмаганиданми ёки нонушта маҳалига тўғри келиб қолгани учунми бир тарози қўйгандаёқ тугатиб юборишди.

«Қирғизгузар» да пашмак, ҳалво-ю, нишолда билан нонушта қилиб олгач, Ширкатнинг ҳисоб-китоб идорасига бориб Бузрукхўжа икки ойлик маошини ундирди.

— Энди маҳкамага борамиз, — пайсалга солмай пулни бергани учун Бузрукхўжа ўзида йўқ хурсанд эди, — худо хоҳласа, бугун ҳамма ишимиз ўнгидан келадиганга ўхшайди.

Эрталабки юмуш эндигина бошлангани учун маҳкама қабулхона-сида навбат кутаётганлар кўп экан. Навқарбоши Зоҳир калла ҳам негадир шу ерда ўтирибди. Ғалаённи бостириш асносида Бузрукхўжанинг бошига бир-икки қамчи урган бўлса ҳам, бугун негадир у билан эски қадрдонлардек кўнглини яқин олиб сўрашди. Араз-туразни қўй, мирзалигингга қайт, деб маслаҳат ҳам берди. Не юмуш билан келганларини суриштириб билгач, қалин-қуюқ қошларини алланечук чимириб турди-да, «Ноиб жаноблари қизни қўлдан чиқармас-ов» деб қўйди.

— Мирза, — деб чақирди сўнг, — булар менинг дўстларим бўлади, ичкарига бенавбат киритиб юбор.

Шакархон жўраларни гўё ораларида ҳеч гап ўтмагандек жуда самимий кутиб олди. Ўрнидан туриб икки қўлини баробар узатиб сўрашди. Юмшоққина кўрпачага ўтиришга таклиф қилди.

— Хатосини тушуниб, тавба қилган йигитларнинг бошини силайман, — деди негадир кулимсираб, — сизларни болшавойлар йўлдан урган эди. Хўш, Эшон отанинг ўғли, қачон ишга тушасиз?

Бузрукхўжа ноибнинг тилёғламалигини, қалби тўла ғазаб бўлатуриб атайлаб ширинсуханлик қилаётганини сезиб турарди. Номига бўлса ҳам сизнинг табаррук даргоҳингизда бўлиш мен учун шараф, дегиси келди-ю, лекин айтолмади.

— Йўқ, жаноблари, — деди ихтиёридан ташқари кескин бир овоз билан, — биз бошқа иш билан келдик.

— Хўш? — яна ҳам латиф бир оҳангда сўради ноиб.

— Бу йигит Мулла Маҳмуд бўлади. Пандигонда усули жаид мактабинг ҳам очган эди, эшитгандирсиз?

— Бўлди, бўлди, эсладим, — ноиб қувончли бир нарсани хаёлига келтирди шекилли, жонланиб кетди, — эрта баҳорда эшон ҳазратлари билан қирпичоқ бўлишгани эсимда. Хўш, ўғлим, сиз ўшанда нега менинг ҳузуримга арз билан келмадингиз? Аслида мен ҳам усули жаид тарафдориман. Лекин ҳар бир ҳаракат маъмурият ихтиёри билан юз бермоғи даркор. Сиз мактаб очмоқ учун мендан изн олганмидингиз?

— Йўқ, — деб қўйди Мулла Маҳмуд елкасини қисиб.

— Шунинг учун ҳам биз мактабингизга ривож бермадик. Хўш, яна очмоқчимисиз?

— Очмоқчиман!

— Баракалло, — оҳиста қарсак чалиб қўйди ноиб, — хўш, не ёрдам керак?

Ҳалидан буён уялиб, тортиниб ўтирган Мулла Маҳмуднинг қувончи ошиб, пирпираб турган кўзларида ўт чақнай бошлади. Мактаб мавзуида тўйиб-туйиб гаплашгиси бор унинг. Аммо Бузрукхўжа ноибнинг қалбида нималар борлигини, мактаб очиш баҳонасида Мулла Маҳмудни аста-секин ўз тузоғига илантириб, ўғлим-ўғлим дея эркалаб, патларини битта қўймай юлиб олиши ҳам мумкинлигини сезиб турарди.

— Жаноблари рухсат берсангиз, — дея мурожаат қилди Бузрукхўжа. Сўзлашга изн олгач, давом этди, — биз бутунлай бошқа бир иш билан келганмиз. Аслида бизнинг ўрнимизга менинг дадам билан Мулла Маҳмуднинг дадаси келишлари керак эди. Аммо икковлари ҳам бетоброқ. Етимхонангизда тарбия кўраётган Гулнорани олиб кетгани келдик. Қиз менга жиян, Маҳмудга қаллиқ бўлади. Дадам бутун ваколатни менга бердилар. Мана, ўша жаноблари томонидан берилган васиқа хати, етимлар ихтиёр қилган куни ўз уйларига ёки боқишнинг уддасидан чиққан қариндошлари ихтиёрига қайтиши мумкин, деб битган экансиз.

Шакархоннинг яккам-дуккам оқ оралаган қуюқ қошлари ўртасида тугунча бўртиб чиқди. Юзи, лабларидаги ҳалиги ясама табассум ўрнини қаҳрли бир ифода эгаллади, лаблари қимтиниб, кўзлари қисилиб кела бошлади. «Мен ўстирган гулни сен ҳидламоқчи экансан-

да, калланг ликилламай ўлгир, — фикридан ўтди ноибнинг, — ишта-ҳанг чакки эмас-ку! Йўқ, бу гулни мен тарбия қилдим, демак, аввал ўзим тўйиб-тўйиб ҳидлаб олмоғим керак...»

— Менинг қизимга совчи бўлиб келибсизлар-да? — негадир паст бир овозда деди ноиб.

Мулла Маҳмуд уялди шекилли, бошини эгиб олди. Бузрукхўжа жавоб қайтарди:

— Йўқ, уни олиб кетмоқчимиз.

— Борди-ю, йўқ деса-чи?

— Унда рухсатингизсиз олиб кетамиз.

— Қизнинг марҳум отаси вафотидан олдин қулоғидан қарзга ботган эди, уни мен тўлаганман. Дадангиз айтмадиларми?

— Айтдилар.

— Кўмиш харажатларини ҳам бўйнимга олган эдим. Бундан ҳам ҳазратимнинг хабарлари бордир. Жиянингиз бўлмиш ўша Гулнора қизни икки сағир укаси билан беш йилдан буён едириб-ичириб, тарбиялаб келяпман. Булар учун кетган харажатни йилига юз сўмдан ҳисоблаганда ҳам беш юз бўлади! Олдинги қарзлари билан қўшиб жамласак минг сўм дегани бу. Хўш, куёв бола, бу пулни тўлашга қурбингиз келади-ми?

Мулла Маҳмуднинг бисотида пулласа бўладиган бор-йўғи бир эшакараваси бор, холос. Минг сўм бешта отнинг пули! Ялт этиб жўрасига қаради. Бузрукхўжа ноибнинг қизга шундай баҳо қўйишини аввалдан сезиб, ўзича раддия тайёрлаб турганди. Уч етимни беш йил давомида терисини шилиб олгудек қилиб ишлатиб келяпти, агар уларнинг меҳнатига йилига юз сўмдан тўлаганингизда ҳам биз эмас, сизнинг ўзингиз қарздорсиз, демоқчи эди. Шу фикрини эндигина баён қилаётганди, ноиб бир қалқиди-ю, қўлини узун чўзиб:

— Қани кафолат хатимни берсинлар-чи! — деди.

Хатни қўлига олгач, тўрт буклаб майда бўлакчаларга бўлди-да, ёнида турган кумуш туфдонга ташлади:

— Йўқол икковинг ҳам.

Мулла Маҳмуд сакраб ўрнидан туриб кетди, Бузрукхўжа қўзғалмади.

— Даф бўл, деяпман!

— Жиянимни олиб кетишим керак, — негадир шу ҳолатга ҳеч мос келмайдиган босиқлик билан деди Бузрукхўжа. Сўнг аста ўрнидан тура бошлади, — гап шу, ноиб жаноблари, яхшилиқча рухсат беринг.

— Миршаб чақираман ҳозир!

— Миршабингдан кўрқмайман энди. Чақирсанг ўзинг шарманда бўласан. Етим қизларнинг ифатини ўғирлаб юрганингни бутун элга ошкор қиламан.

Икковлари юзма-юз келиб қолишганди. Ғазабдан ўзини йўқотгудек бир аҳволга тушган Бузрукхўжа ўзидан ҳам қаттиқроқ ғазабланиб ва шунинг учун ҳам миршабни чақаришни паққос унутиб, даҳанаки жангини ғалабагача олиб боришга тиришаётган ноибнинг ёқасидан бўғиб олиш учун икки қўлини баробар кўтариб келаётган эди, шу пайт маҳкаманинг залварли эшиги овозсиз очилиб, остонада Мирзача кўринди:

— Ноиб жаноблари, Қўқондан чопар келди!

Шакархон ўзига келгандек бўлди. Оғзининг ели билан қамоққа тикиб қўйиши мумкин бўлган йигитчалар билан ади-бади айтишаётгани учун ўзидан-ўзи уялиб кетди. Мирзача тутқазган номани тикка турганча ўқиди-ю, индамасдан ташқарига чиқа бошлади. Остонага етганда Мирзачага ўгирилиб, «Темирбекка айт, — дея буюрди, — бу икки ғалаёнчини Риштондан чиқариб юборсин. Навкарбошига та-йинла, қизлар етимхонасига қўшимча қоровул қўйсин».

Жўралар миршаб келишини кутиб ўтирмасдан маҳкамадан чиқиб кетдилар. Эрталабки қувончдан, ўзларига бўлган ишончдан асар ҳам қолмади. Мулла Маҳмуд жаҳонгашта жўрасига катта умид боғла-

ганди, энди у кўзига ожиз, нотавон кўрина бошлади. Карвонсаройдан эшакаравани олиб чиққач, Гулноранинг етим укаларини кўргани боришди. Тугунда егулик олиб келишганди. Етимларга бериб, худо хоҳласа, тез кунда уларни бу ердан олиб кетажакларини айтишди. Гулноранинг ҳолу аҳволини сўраган бўлишди-ю, худди аразлашиб қолгандек жимгина йўлга тушишди.

Мулла Маҳмуд эшақка миниб олган, Бузрукхўжа аравада, жим кетаяптилар.

— Маҳмуд, — жўрасини гапга солмоқчи бўлди Бузрукхўжа, — нега энди қовоғингни айрон халтадек осилтириб олдинг? У ёқ-бу ёқдан гапириб кетсанг-чи. Муртазин деган инқилобчи ўртоғим бор деган эдим, эсингдами? Уша йигит чинакам авлиё экан.

— Менга деса пайғамбар бўлмайми! — эшагига қамчи урди Мулла Маҳмуд.

— Уша ўртоғим, совуқни совуқ, иссиқни иссиқ кесади, зўрликни зўрлик билан тугатиш мумкин, дер эди, Ҳозир ўйлаб қарасам, ҳақ гапни айтган экан. Елвориш билан бу ҳокимлардан ҳеч нарсани ундириб бўлмайди.

Мулла Маҳмуд гап Гулнорага бориб тақалиши мумкинлигини сезиб хиёл юмшади, ўзича жилмайиб қўйди. Эшақка қинғир ўтириб, юзини жўрасига бурди:

— Уезд ҳокимига арз қилиб борсак-чи?

Бузрукхўжа қўл силтади.

— Қарга қарғанинг кўзини чўқимайди. Биз халқни оёққа турғизамиз. Бунинг учун аввало Пандигонда инқилоб қўмитасини тuzмоғимиз даркор. Кейин ноибнинг бурнини ерга ишқаймиз, албатта, ишқаймиз!

Бузрукхўжа жаҳл билан араванинг шотисига шундай муштладики, назарида муштидан олов чиқиб кетгандек бўлди.

Уша куни кечаси Маҳмуднинг ташқи ҳовлисида пандигонлик ўн тўрт йўқсил тўпланишди. Инқилоб қўмитаси тузиш маслаҳати бўлди. Уч йигит иккиланиб қолди: бири, деҳқончилигимни йиғиштириб олай, кейин бир гап бўлар деди; иккинчиси, дадам билан бир маслаҳатлашиб олмоқчиман, деган гапни айтди; учинчиси, кўзим хирароқ, отишма бўлса ҳеч нарсага ярамайман, деб баҳона қилди. Ўн бир кишидан иборат қўмита тузилиб, Мақсуд Қори, Мулла Маҳмуд, Мадумар карнайчи, ака-ука Ҳасанбой билан Ҳусанбой, дашт маҳаллалик Сотволди, яқинда мардикорликдан икки оёғини совуққа олдириб, қўлтиқтаёқ билан қайтган Акбарали сингари аламзадалар қўмитага аъзо бўлганлари ҳақида қасамёд қилишди.

Бузрукхўжа орзуси осонгина рўёбга чиқаётганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Айниқса, юртда эътибори баланд бўлган Сотволдининг буларга қўшилиши беҳад севинтириб юборганди.

— Энг аввал, — ҳаяжонини босиш учун қошларини кериб бир оз жим қолди Бузрукхўжа, — энг аввал, Қўқон инқилоб қўмитаси билан боғланиб олишимиз керак.

— Бир, — деб қўйди қизиқчи Ҳасанбой.

— Кейин, инқилобга оид китоблар келтириб, биргалашиб мутолаа қилишимиз керак, ҳали кўп нарсани билмаймиз.

— Икки, — деди Ҳусанбой.

— Йўқсиллар ўртасида зулм ва ҳақсизликка қарши тарғиботни кучайтирмоғимиз даркор.

— Уч!

— Ерданга муҳтож бўлган бева-бечораларга кўмак уюштириб турамиз.

— Тўрт!

— Қўмитага янги аъзоларни тортиш учун ҳаммамиз ҳаракат қилмоғимиз даркор.

— Беш!

Ҳисоб ўн бирга борганда қизиқчи Ҳасанбой мажлис раисига мурожаат қилди:

— Бузрук, қўмита дафтарига ўн иккинчи юмушни ҳам ёзиб қўй. Қўмита тезроқ мени уйлантириб қўйсин, бўлмаса дайдиб, бошқа юртларга кетиб қоламан.

Кулиша-кулиша қўмитанинг эртага қиладиган юмушни ҳам белгилаб олишди: кечқурун гузарда ака-укалар қўғирчоқ ўйин кўрсатишадиган, кетидан Бузрукхўжа ваъз айтадиган бўлди.

Гулноранинг ўғирланиши

Зокир калла тенгқурларига қараганда ҳийла ҳушёр, ернинг остида илон қимирласа сезадиган зийрак бир йигит. Йигирма учга кирди. Шу қисқа умрининг йигирма йили бешафқат ҳаётнинг изтироблари билан олишувда ўтди. Отаси йўлтўсар ўғри эди, отишувда ўлдириб, сувга ташлаб юборишди. Уч ёшга тўлганда ўгай отаси онасини сўйиб қўйди. Дарбадарлиги бошланди. Ўзи қўрс, худо урган даражада қайсар ҳам эди. Ноибнинг етимхонасига келгунча етти бойнинг дастери бўлди, еттови ҳам ҳайдаб юборди. Етимхонада беш йилча тарбия кўрди. Шу беш йил Зокир калланинг ғалваси билан ўтди. Оҳири бўлмади, яна ҳайдалди. Овози дўриллаб, мўйловлари сабза бўлиб, йигит нуҳси уриб қолган, ўзи кучли, мушукдек абжир ҳам эди. Ўғирлик йўлига кириб кетди. Ноибнинг ўзини қақшата бошлади. Отхонасидан олти отини ҳайдаб кетди, қўш от қўшиладиган коляскасини ўғирлаб, Қўқонга олиб бориб пуллади. Ноиб уни ушлаб келтириш учун икки бора навкар юборди. Икковини ҳам ўлдириб, бошини ноибнинг маҳкамасидаги қоziққа илиб кетди. Шакархон энди ўзидан қўрқа бошлади. Вир амаллаб ушлаб Сибир қилдиргиси ҳам бор эди, урдасидан чиқолмади. Ниҳоят, ярашиш йўлини ахтара бошлади. Ясатиғлик от, бош-оёқ сарпо жўнатди. «Ўғлим эдинг, яна бағримга қайт, навкарбоши лавозимини ол, юртимни қароқчилардан тозала» деб нома жўнатди...

Мана, уч йилдирки, Зокир калла навкарбоши. Ўзидан бошқа барча ўғрилари тугатди ҳисоб. Сўх йўлида йўловчиларни қийратаётган Жалол қароқчинини тутиб келиб, бозордаги одамлардан баланд овоз билан сўради:

— Бу ким?

— Жалол қароқчи, — дейишди бозорчилар.

— Сизларга озор берганми?

— Йўлдан ўтганларнинг ҳаммасини талайди у!

— Демак, гуноҳкор экан-да?

— Гуноҳкор! — гувуллаб деди оломон, — жазосини худо берсин.

— Жазосини ўзим бераман! — навкарбоши алдаб қўлга туширган ҳамкасбини кўпчилик олдида сўйди. Бошини кесиб, хуржунга солдида, отига қамчи уриб бозор жойдан чиқиб кетди. Унинг ўз режаси бор. «Туғилганимдан буён на худодан, на бандасидан шафқат кўрдим. Энди на унисига, на бунисига яхшилик қиламан. Бу дунёнинг ҳузур-ҳаловати ҳам, роҳат-фароғати ҳам бойларники, ҳокимларники. Бойлик тўплаб ҳокимликни сотиб оламан, унғача ҳеч кимга шафқат йўқ!» деб ўйлайди.

Қароқчилик қилиб йиққан пулларига Қўрғонча қишлоғидан ўн танобча мулк сотиб олган. Ичкари-ташқарили қўрғон қурдирапти. Битай деб қолди. Етимхонадаги Гулнорани кўз остига олиб юрибди. Ишқи тушганига бир йилча бўлиб қолди. Уч-тўрт бор учрашдилар ҳам. Ҳазил-мутойиба гаплар ҳам айтди. Қиз жавоб қайтармади, бошини эгиб жим турди. Сукут — аломати ризо, дейдилар. Демак, у рози...

Эрталаб Зокир калла Бузрукхўжани маҳкама олдида кўриб қолди. Уртоғи билан Гулнорани олиб кетгани келишибди, қиз мулла Маҳмудга фотиҳали эмиш! «Мен турганда сенга йўл бўлсин, лақашиқилдоқ, — деб

зимдан ҳўмрайиб қўйди мулла Маҳмудга, — бўйнингни ликиллатмай ўлгур, тенгингга осилсанг бўлмайдими. Лекин ноиб ҳам кўз тиккан унга, кўрамиз кимга насиб қилар экан!» Йигитларнинг ноиб билан тиккама-тикка олишаётганларини, ҳузуридан дарғазаб чиққанларини кузатиб турди. Етимхонага борганларини ҳам кўрди. «Қизга учрашмадилар, учрашишни менга қолдирдилар чоғи» деб ўйлади-ю, Зокир калла шу кечадан қолдирмай Гулнорани ўғирлаб кетиш учун режа туза бошлади. Етимхонага икки-уч бор бориб келди. Дуч келган бола унга эгилиб салом бераверди. Ниҳоят, лаби дўрдоқ, бир боладан:

— Мени танийсанми? — деб сўради.

Бола елка қисди:

— Йўқ.

— Мен Мулла Маҳмуд аканг бўламан-ку?

Боланинг елкалари яна қисилди.

— Сенга бир юмуш айтсам бажарасанми? — энгашиб сўради навкарбоши.

— Аввал айтинг-чи.

— Бажарсанг бир танга пул бераман. Ма, аввал пулни бериб қўяй бўлмаса. Бунга-чи, уқа, бир этак ҳолва беради. Қизлар хонасидаги Гулнорани танийсанми?

— Иккита укаси борми?

— Ҳа, ўша, хат бераман, опангга бериб чиқасан. Мулла Маҳмуд акам берди дегин, хўпми?

Гулнора бир неча кундан буён тоби келишмаганидан бўз тўқишга чиқмаётганди. Мадори йўқ эди. Елғиз ўтириб чарх йигираётганди. Мулла Маҳмуднинг номини эшитиб, болага қўшилиб кўчага югурди. Эрталабдан буён кутаётганди уни, соғинганди. Бир учрашиб кетмаса ҳечам кечирмайман деб ўтирганди. Йўқ, мулла Маҳмуд кетиб бўпти. Нарироқда уч отлиқ турибди. Қайтага яхши бўпти — икковлари учрашганини отлиқлар кўришса қиз маломатга қоларди. Уйга кириб хатни ўқимоқчи бўлди-ю, ҳаяжони зўридан кафти терлаб қоғоз намланиб қопти. Мулла Маҳмуднинг хатини кўп ўқиган, яхши танийди. Буниси бошқачароқ, хунукроқ. Кўчада тикка туриб шошилиб ёзганга ўхшайди. Ҳа, ҳа, бечора шошган, ошиққан!

«Гулнорахон!

Қалбим боғида очилган гулим, қоронғи кўнглимда пирпираб ёнган чироғимсиз. Сизни бу ғамхонадан олиб кетмоқ учун қариндошингиз Бузрукхўжа билан келиб эдик. Ноиб жаноблари руҳсат бермадилар. Сизни бошқа кишига узатиш нияти борга ўхшайди. Олиб кетаман. Эл ётар пайтида боғ орқали ўтиб, толкўча бошига боринг. Сизни якка отлиқ кутади. Бу менман. Гап-сўзсиз орқамга мингашинг. Худо хоҳласа, саодатли кунлар яқин.

Қулингиз Мулла Маҳмуддурман.»

Қиз қалбида қўзғалган ҳис-туйғулар тўфонида йўқ бўлиб кетгандек, ўзини ҳам унутгандек эди. Худди телбадек шошилиб ўрнидан турар, шошилиб яна ўтирар, мактубни кўксига босар, қайта-қайта ўқир эди. Хотира-ю, тасавурлари ҳам айқаш-уйқаш бўлиб кетаётганди. Гоҳ қалбидаги қат-қат армонлари қизлик ҳаваслари билан қўшилиб, кўксини куйдирар, гоҳ келажак ҳақидаги ширин орзулари кўз ўнгида ҳақиқатга айланиб, дилини чароғон қилиб юборар эди. «Кетаман, албатта, сиз билан кетаман — пичирлади унинг лаблари, — худо хоҳласа, тўйимиз ҳам бўлади. Сизга вафодор хотин бўламан. Чўрингиз бўламан! Тош келса кемириб, сув келса симириб рўзгор қийинчиликларидан Сизни эҳтиёт қиламан. Сиз, худо хоҳласа, мактаб очасиз. Мен чарх йигириб, дўппи тикиб, сизга қарашиб тураман. Рўзгоримизни тиклаб олгач, етим укаларимни олиб кетамиз. Сиз уларга ота, мен она бўлиб бошларини силаймиз. Шўринг қурғурлар ҳалигача ҳеч кимдан ширин сўз эшитган эмас, ширин сўзлар айтиб эркалаймиз... Байрамлар яқинлашганда сизларга атаб чиройли дўппилар, шоҳи белбоғлар тикиб, оқ ювиб, оқ тараб, Сизларни сайрга кузатиб

қоламан. Сизлар менга атаб қийиқни тўлдириб ҳар хил ширинликлар олиб келасизлар. Мен Сизни остона остида кутиб, бўйнингизга осиламан. Сиз «Гулим, сенга ҳолва олиб келдим, Гулим, сенга шоҳи дурра олиб келдим» деб эркалайсиз. Мен қиз бўлиб отамнинг эркалашларини, онамнинг суйишларини кўрмадим. Қалбим меҳрга чанқоқ бўлиб ўсдим. Сизнинг меҳрингизга зорман, мени эркалайсиз. Худо хоҳласа фарзандлар ҳам кўрамыз. Қиз кўрсак отини Ҳуринисо қўяйлик, токи мендек қафасга тушмасин, Ҳури парилардек эркин бўлсин. Мулла ака, сиз менинг орузимсиз, армонимсиз...»

Гулнора бир маҳал қаршисида биров турганини кўриб қолди: сутга чайқаб олгандек оппоқ юзли, тўлишган, яноқлари анор донасидек қип-қизил, қора қошларини аллақандай чимириб, шаҳло кўзларида ўт ёниб турган нозик қоматли бир қиз рўпарасида юм-юм йиғлаб турибди. «Бу ким бўлди? — қўрқиб кетди Гулнора, — наҳотки ўзим бўлсам! Ахир мен ичкарида ўтирган эдим-ку, тошойна олдига қандай чиқиб қолдим экан? Йиғлаб турганимни, қўлимдаги мактубни битта-яримтаси кўриб қолган бўлса-я, вой шўрим!»

Гулнора шоша-пиша кўз ёшларини артиб ўзини ичкарига олди. Лекин бари бир нима қилишини билмасди. Кеч кира бошлади. Даладан, қўшни ҳовлидаги дўконда бўз тўқиган қизлар қайтишиб, толга қўнган чумчуқдек ҳовлини чағир-чуғир қоплаб кетди. «Ўзимни қўлга олишим керак, — ўйлади қиз, — ўзимни ҳеч нарса билмаганга солишим зарур. Тобим яна келишмай қолди деб барвақтроқ ётаман. Юзимни кўрсатмаслик учун бошимни ўраб оламан. Чорвоқ эшикни беркитиб қўйишса-я! Йўқ, беркитишмайди, ёзда ҳамиша очиқ туради. Билиб қолишса-чи, орқамиздан қувлашса-чи? Вой худойим-ей, мен етимчани ўзинг паноҳингга асра! Бир амаллаб Пандигонга бориб олсак бас. Оппоқдадам, Отинбиби аямлар ўртага тушишади, беришмайди, ҳечам беришмайди...»

Хонани холи топиб сандиқчасини очди. Бўй етган қизларга биттадан сандиқча берилади. Бири онасидан ёдгор қолган тақинчоғини, бири ноибдан олган совғасини ўша ерда сақлайди. Сандиқчасида устки кийимлари, Мулла Маҳмудга атаб тиккан уч-тўрт попукли рўмолчаси, укаларимга деб тика бошлаган чамандагул дўппилар бор эди, олиб тугунчага тугди. Кўрпага бурканиб ётиб олди.

Жория ая сопол товоқда қайноққина шўрва олиб кирди. Серпиезгина экан, лекин бари бир ичолмади. «Ундай дема, қизим, иссиқ-иссиқ ичсанг тезроқ дармонга кирасан, — дейди Жория ая. Кейин пешонасига қўлини қўйиб кўради, дарров тортиб олади, — вой шўрим, иситманг баянд-ку! Қаёқдан тагин ёпиша қолди, туппа-тузук бўлиб қолувдинг-ку! Ноиб жаноблари бугун келмоқчилар, эрталаб тайинлаб кетганлар. Тур, қизим, ич, қайноқ-қайноқ ҳўпла, терлайсан... Кўнгиллари учун олдиарида бир нафас ўтирсанг бас, у ёғини ўзим ташунтираман. У кишининг дилини ранжитиш ярамайди. Кўнгиллари ни ҳушласанг, дилбарим, бахтли бўласан, тилло тақинчоқлар, шоҳию кимхоб кийимлар... ич, қизим, ичақол!»

Қиздан садо чиқмайди. Қоп-қора кўзлари мўлтиллайди, ёш қуйилади. Жориянинг жаҳли чиқади, ер тепиниб чиқиб кетади. Ташқарида қизлар чилдирма чалиб ўйин бошлашган. Кимдир ашула айтапти. Дугоналари келиб Гулнорани ҳам қисташди. Йўқ, турарга ҳоли келмайди, ўзлари ҳам кўриб туришибди. «Қари қиз бўлиб уйда ўтиравер» дейишди қиқирлашиб кула-кула яна чиқиб кетишди... Ноиб жаноблари рўстан ҳам бугун келиб қолса-я, ўйларини тўхтата олмайди Гулнора. Вой худойим, унда нима қилади, борди-ю, ҳозирок боққа чиқиб беркиниб олса-чи? Йўқ, билиб қолишади... Ноиб келмас. Худо хоҳласа, келмайди, келмайди!

«Тезроқ ётар пайти бўла қолсайди, ордона қолгур вақт ҳам мунча секин ўтмаса! Худди бир жойда тўхтаб қолгандек, тўхтаб алвастиникидек хунук афтини тиржайтириб масҳара қилаётгандек, йўқол!»

Ташқарида қўнғироқ чалинди, демак, ётиш учун фармон берилди.

Бирин-кетин хоналарда чироқлар ўчди, овозлар ҳам пасая бошлади. Ҳамхоналаригина уйғоқ. Бирам меҳрибон бўлиб қолишдики бу кун, тавба! Бири чойшабни кўтариб қўл-оёғини уқалаган, бири пешонасига латта ҳўллаб босган. «Керак эмас, йўқ, йўқ! Бас қилинглар! Ётинглар энди!» жеркиб берди Гулнора.

Ез кунни узоқ бўлади. Қизлар кун бўйи ишлашган, чарчашибди. Тезгина уйқуга кетишди. Ҳовли ҳам жимжит бўлиб қолди. Даричадан кўм-кўк осмон кўринади. Ой чиқиб келаётганга ўхшайди, юлдузлар хира тортиб борапти. Кўчадан кимдир от чоптириб ўтди. Мулла Маҳмуд бу, ҳа, ҳа, худди ўша! Туриш керак, вақт бўлди, бўлди! Қиз ётганича пайпасланиб ёстиғи остига беркитган тугунчани олиб бағрига босди-ю, аста ўрнидан турди. Оёқларида дармон йўқ, ўзи ҳам йўқдек. «Хайр, дугонажонлар,— шивирлади Гулнора,— яхши қолинглар. Мен, худо хоҳласа, бахтимни топдим. Сизларга ҳам шундай саодатли онлар насиб бўлсин, омин!»

Боғ этагида наҳра бор эди. Гулнора ўша ердан ўтди-ю, тор кўча бошига кўз ташлади. Отнинг қораси кўринди. «Келибди!!» От етаклаган йигит қиз томон жадал юра бошлади. Бетига чачвон парчасидан ниқоб тутиб олибди. «Мулла ака!» антикиб кетди Гулнора. Йигит бармоғини лабига босиб «жим» дегандек ишора қилди-ю, сапчиб отига минди. Хиёл энгашиб қизнинг икки қўлтиғидан даст кўтариб олди. Тор кўча тугагунча от йўртиб кетди. Йигит ўнг қўли билан қизнинг белидан қучиб бағрига босиб олган, икковлари олд томон хиёл энгашиб олганлар. Гап-сўз йўқ, мавриди ҳам эмас. Тезроқ олислаб кетсалар бўлди. Тезроқ чопсанг-чи, тулпор, уч, қанот боғлаб уч... Қизнинг иситма зўридан терлаб кетган тани шамол уриб совий бошлади. Вужудида қалтироққа ўхшаш бир нарса турди. Йигит томон ўгирилиб, бўйнидан қучгиси келиб қолди. Ниқоби йўқ эди унинг!

— Вой дод! — чаён чаққандек қичқириб юборди Гулнора.

— Додлама, гўзалим!

— Вой, худойим!!

Гулнора бургут чангалига тушган қуёнболадек ожиз типирчилай бошлади. Қайда, чангал уни баттароқ қисиб келяпти.

— Мен Зокирбек бўламан, танидинг, а, танидинг! Энди меникисан. Сени суяман, жонимдан ортиқ суяман. Сенга атаб мулк сотиб олдим, кўрғон қурдирыпман. Ҳаммаси сенга! Сени ҳеч кимга бермайман. Ўша Муллаваччангни ҳам, ноибингни ҳам чавақлаб ташлайман.

— Қўйвор!

— Додлама, бу даштда овозингни ҳеч ким эшитмайди.

— Худо, художон! — қиз шундай қаттиқ қичқирдики, назарида кўксидан нимадир узилиб кетгандек бўлди. Узилган бўлса ҳам ажаб эмас. Боши бир томонга оғиб, сочлари отнинг ёлига қўшилиб шамолда ҳилпирай бошлади. Улиб қолган бўлса-я, деган ўй ўтди Зокирнинг бошидан. Қалбининг аллақаерида шафқатга ўхшаш бир ҳис қўзғалгандек бўлди. Ўзимдек етимча эди, етимчага увол бўлдимми-а, деб сўради ўзидан. Отнинг бошини тортаётган эди, қаршисида нари борса беш-олти метр нарида булутдек баланд қора от миган, елкасига қора чакмон ташлаган, бошига қора салла ўраган, эчкиникидек сийрак соқоли ҳам қоп-қора, икки тиши оғзидан чиқиб, ияги томон осилиб тушган бир маҳлуқ тикилиб тургандек туюлиб, вужуди музлаб қолгандек бўлди. Аммо унинг қалбига кўрқув бегона эди. Дарҳол ўзини қўлга олди, ёнидан тўппонча суғурди:

— Кимсан, отаман!

— Ҳе-хе-хе! — мазах қилаётгандек бир овоз эшитилгандек бўлди.

Йигит тепкини босди, пистон чақилмади.

— Ҳе-хе-хе!

— Кимсан? — Зокирнинг ҳайқирғи кимсасиз даштни қоплаб кетди. Тошдан-тошга урилиб акс-садо берди — гўё бир неча киши бирдан ҳайқиргандек бўлди.

— Мен иблис бобонгман.

— Иблис?

— Ҳа, ҳа, иблис бобонг бўламан. Бу дунёда яшаб ўтган ўзинг каби тошмеҳр, бешафқат, яхшилик нималигини билмайдиган ёвуз одамларнинг руҳиман. Қўрқма, ўғлим, меҳр билан бошингни силайман. Қалбингда қат-қат армонларинг бор. Ушаларни рўёбга чиқаришингда сенга ҳамиша раҳнамо бўламан... Яхшилик дунёсига ўт қўй, одамларни қўйдек бўғизла, еб турган нонини тортиб ол. Шунда сен роҳат қиласан, қалбинг қувончларга тўлади. Бўлмаса, ўзгалар роҳат қилади! Ўзгаларнинг роҳат-фароғатини кўриб чидай оласанми?

— Йўқ, ҳеч қачон?

— Баракалла, ўғлим, демак, мен қалбингда борман. Тўппончангни кинига солиб қўй. Бари бир ўз қалбингга ўзинг ўқ отолмайсан.

Зокир қалла тўппончасини ғилофига солиб, бошини кўтарган эди, қизиқ, энди қаршисида ҳеч кимни кўрмади. Қоронғи тун шарпасими, қалбидаги қўрқувми — нима эди у? Аниқ кўрди-ку, гаплашди-ку? «Кўзимга инсу жинсларкўринди шекилли, — фикридан ўтди навқарбошининг, — лекин кўрқаяётганим йўқ, дадилман». Беҳуш ётган қизнинг бошини кўтариб, юзига бир-икки шапати урган эди, Гулнора ҳушига бутунлай келмаган бўлса ҳам, кўзларини ярим очиб, унга маъносиз тикилди. Зокир қалла уни бағрига маҳкам босди-да, отига кетма-кет қамчи урди.

Эшон ота мамнун

Эшон ота сўнгги кунларда бўлиб ўтаётган алғов-далгов воқеалар туфайли камгапроқ бўлиб қолди. Оила аъзолари билан деярли сўзлашмайди. Аҳён-аҳёнда «во дариг, э, бевафо дунё» деб бир хўрсинади-да, яна жим бўлади. Уйга киради, кўчага чиқади. Аллақандай бир куйни хиргойи қилиб, ўзига-ўзи алла айтиб ухлатган чақалоқдек, ўзини овутирган бўлади. Кеча Бузрукхўжа Риштондан нохуш хабар олиб келгач, тундлиги яна ошди. «Ноиб восиқани йиртиб ташладими, минг сўм тўлайсан дедими, жим туравердингми, ёқасидан олиб даричадан улоқтирмадингми!» деб бир шовқин солди-ю, афтидан ўзининг овозидан ўзи уялди шекилли, шу заҳотиёқ «э, дариг» дея алам билан бошини чайқади-ю, жим бўлди, қайтиб гапирмади. Кечга яқин яна асаби бузилиб, Мақсуд қори берган бузоқчани Бузрукхўжага етаклатиб, «Ҳозироқ, олиб чиқиб бер, ўзи қай аҳволда-ю, менга мурувват қилади-я», деб туриб олди.

Тонг пайтида икки ўғлининг оёғидан тортиб уйғотиб «Бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдириш ярамайди, — деди, — Абдурахмонбой олган бўлса, ҳақини олди. Лекин еримда ишламайсан дегани йўқ. Жўхори чопиққа тушамиз». Нонуштани ҳам далада қилишди. Эрталабки салқинда иш унумли бўлади деб бир-бирларига гап қўшгани ҳам вақтни қизганиб, жон-жаҳдлари билан кетмон ура бошладилар. Бу йил бой ўн танобча ер берган. Инсоф билан айтганда, ерлари ёмон эмас. Тоши кам, тупроғи юмшоқ, унумдор ҳам, энг муҳими, отанг мироб бўлгунча еринг сувнинг бошида бўлсин деганларидек, бу гал ерлар сув бошидан теккан. Буғдой яхши бўлди. Олти таноб ердан ўн икки ғарам ўришди. Ҳар ғарамки, тепасига чиқсанг, Уммат бува кўринади. Буғдойпоянинг бир қисмига оқ жўхорининг бачкисидан кўчат қилинган. Бугун-эрта у ҳам етилиб беради. Қолган қисмига кечки сабзи-ю, тўйга яраша шоли экишмоқчи. Шошиш керак. Шолининг муддати ўтиб қолиши мумкин. Эртанги шолини айни вақтида ўтоқдан чиқариб олишган. Кўчати текис, яшнаб турибди. Беш-ўн қоп қий ташланса борми... Йўқ, бу йил ҳосил яхши, илоё, кўз тегмасин!

Ота-болалар ёнма-ён туриб кетмон уришяпти. Гап-сўз йўқ. Фақат Эшон отагина сўзсиз қўшиқ айтаяпти. Ким билади, бу куйни у салкам эллик йилдан буён хиргойи қилаётгандир. Хиргойи ҳақида ажиб бир латифаси ҳам бор. Пандигонлик муллавачча шу хиргойини айтиб,

шайтоннинг елкасига миниб Макатиллога бориб келган эмиш... Қим билади, Эшон ота ҳам шайтонсифат одамлардан чекқан азиятини унутиш учун хиргойи қилаётгандир. Сулаймонхўжа, гарчи бир эгат ортиқ олган бўлса ҳам, анча олдинлаб кетган. Бўйи укасиникидан пастроқ, аммо кўкраги полвонларникидек кенг, чорпахил йигит. Билаклари йўгон, кетмон урганда кўкрак ҳам елкаларидаги мушаклари худди қадоқтошдек ўйноқлаб кетади. Кучли ва яна чапдаст ҳам. Қўлидаги кетмон худди сувоқчининг андавасидек енгил ўйнайди. Кетмон бамисоли ўзи ишлаётгандек, ўзи бўғзидан ерга ботиб қоп-қора тупроқни ҳам ўзи ағдараётгандек.

Эшон ота кетмон чопганда, одатда, шошмайди. Бир меъёрда уради. Кетмон чопмоқ олмоқ-солмоқ деб ҳисоблайди, бошини ҳам кўтармайди. Кетмон, эгат, хиргойи — бошқа ҳаммаси унутилиб кетади. Шу пайтда унинг қалби тўла ғурур. Икки паҳлавон ўгли ёнида кетмон ураётганидан, худога шукр, мана жўхори чопиқни ҳам бошлаб юборганларидан мамнун. Бузрукхўжасининг бошини икки қилиб олса, жиянини кутқариб келса, қўша-қўша тўйлар қилса қандай соз бўларди-я! «Минг сўм-а, шунча пулни қаердан топса бўларкан? — деб сўради ўзидан, — йўқ, жуда кўп-ку, бу! Битта новвос ўттиз сўм турса, демак, ўттиз учта новвоснинг пули экан-да, бай-бай-бай! Мулла Маҳмуд бунча пулни тополмайди, мен ҳам тополмайман. Лекин мулла бола куёв бўлганда соз бўларди-да, илми бор, қўйдек ювош, мусичадек беозор ҳам. Э аттанг, э, дариг...»

Сулаймонхўжа ўзига тегишли ерни чопиқдан чиқариб бўлиб, белидаги бўз қийғини ечди-да, бўйни ва юзларидаги маржон-маржон терни арта-арта дадасига яқинлашди:

— Биргас дам олинг, қолганини ўзим чопиб қўярман.

Эшон ота хиргойисини тўхтатиб, кетмон дастасига кўксини қўйди:

— Чарчаганим йўқ.

— Хўп денг, дада.

— Укангга қараш. Қара, қора терга ботиб кетибди.

Бузрукхўжа чиндан ҳам чарчаб қолган, дам олиш-учун баҳона ахтарарди. Икки-уч йилдан буён дарбадар юриб, кетмон чопмай қўйганидан қўли чиқиб қолган экан. Бунинг устига анови куни қайнотасиникида ору номус кучлилик қилиб қаттиқ ишлаганди, қўллари қабариб кетган, дагани яхши ушлай олмайди. Шу сабабли кетмон ҳам мўлжалга тушмай, кўпинча поянинг томирини чопиб қўярди. Ниҳолларни ўлдириб қўяётгани учун ҳам баттар жаҳли чиқарди. «Акам шошилиб ишляпти, — жаҳл билан ўйларди, — шу ураётган кетмонидан иккитаси бойга-ю, биттаси ўзига. Бой бўлса, ҳозир қаердадир маишат қилиб ётибди. Хўш, шу адолатданми. Наҳотки бунни худо кўрмаётган бўлса? Йўқ, кўради, билади. Билатуриб бойнинг ёнини олади. Демак, худо ҳам ўшалар томонига ўтиб кетган...»

Муртазин билан тезроқ учрашиб қўмита тузганимизни унга билдириб қўйишим керак... Бир карнайчи, иккинчиси масҳарабоз, устимиздан кулса-я! Йўқ, булар юрт кезиб юрган йигитлар, оқ-қорага ақли етиб қолган, доғда қолдиришмайди. Энг муҳими, бирлашиш, бирликни тарғиб қилиш керак...»

Сулаймонхўжа дадаси билан укасининг ўртасига тушиб икковларига ҳам ёрдамлаша бошлади. «Дадам-ку, кексайиб қолган, Бузрукка нима жин урди экан?» деб ўйлади у.

— Бузрук!

— Нима дейсан? — негадир зардали бир оҳангда жавоб қайтарди укаси.

— Кафтингга ҳадеб туфлайверма, қабариб кетади.

— Бундан ортиқ қабармас.

— Қабариб чиқдим, чошгоҳ бўлмасдан-а, қани кўрсат-чи?

Сулаймонхўжа ишдан қочиш учун баҳона ахтараётган бўлса керак деб ўйлаб, атайлаб укасининг кафтини қўлига олиб кўра бошлади. Кафтла-

ри қабариб, бармоқлари янги ўралган пилладек дўмбоқ-дўмбоқ бўлиб кетибди.

— Ие, дарров-а? — деди ҳайрон бўлиб.

— Анови куни ҳам кетмон чопувдим.

— Ноибникида мирзалик қилиб юрибди десам, кетмон чопаетган экансан-да?

— Қайнотамникига ўтувдим.

— Мусо бобомникигами, у ёқда нима қилиб юрибсан?

— Ўзим, шундай.

— Тушунарли. Мулла бобом сенга ўхшаган такасалтангларнинг таъзирини беради. Лекин бошлабди! Бай-бай-бай, шу аҳволда кетмон чопаяпман дегин. Бор, қумғонга ўт қала, чойлашадиган маҳал ҳам бўп қолди. Бу ёғини ўзим чиқариб қўяман.

Бузрукхўжа кўнмади. Кекса дадаси ишласин-да, у салқинда чўп-хас териб чой қайнатиб ўтирсин, ахир у бола эмас, йигит-ку. Акаси бўлса уни ҳамон бола ҳисоблайди. Йўқ, йигитлигини унга бир кўрсатиб қўйиши керак. Орият оғриқ ҳиссидан устун кела бошлади, вужудига қаёқдандир куч ҳам қўйилиб келаётгандек эди. Кетмон энгил-у, ер юмшоқроқ бўлиб қолди. «Йўқ, мен энди бола эмасман, — тишларини гижирлатиб ўйлайди Бузрукхўжа, — оғриққа чидайман, чидайман!» Сулаймонхўжа кафтидаги мадда олган қадоғи билан кетмон ураётган укасига ачина бошлади. «Қайсар, худо урган даражада қайсар, — деб ўйлайди, — бўлмаса бориб чой қайнатса ҳам бўларди. Ўзига эп кўрмади шекилли-да, лекин эп кўрмагани ҳам маъқул бўлди. Ҳар бир киши ўз ўрнини билиши керак. Ҳеч омади юришмаяпти, тавба қилдим, қайси ишга қўл урса кетидан бир ғалва чиқади-я. Унгаям осонмас, нима қилсам ёрдамим тегар экан?»

— Дада, — деб орқасига ўгирилди Сулаймонхўжа.

Эшон ота бошини кўтармайди:

— Гапиравер.

— Бузрукни энди ҳеч ёққа жўнатмаймиз.

— Кошки эди.

— Мен кечадан буён бир режани ўйлаяпман.

Эшон ота чопишдан тўхтаб кўксини кетмоннинг дастасига қўйди:

— Айт-чи?

— Шолини экиб бўлишимиз билан Бузрукнинг тўйини бошлаб юборамиз. Кўрқманг, у ёғини ўзим тинчитаман. Абдурахмонбойдан энди умид йўқ. Дўрмонга бориб Пателаховнинг ишбошисига учрашаман.

— Завутчи бойгами?

— Ҳийла инсофли дейишяпти. Бошқа судхўрларга ўхшаб икки баробарига эмас, бор-йўғи юзига йигирма сўмдан сўрар экан. Бориб уч-тўрт юз сўм олиб келаман. Буғдойни гаровга қўяман.

Эшон ота индамади. Жимгина ишига машғул бўлди. Сулаймонхўжа «Гапим дадамга маъқул бўлмади шекилли, буғдойнинг ўрнига ҳовлини гаровга қўямиз десам бўларкан» деб ўйлади-ю, бурилиб яна ишига тушиб кетди.

— Энди, ўғлим, — муштира йўталиб олди. Эшон ота — гапингни мулоҳаза қилиб кўрсам, маъқулга ўхшайди. Кўзимнинг нури, белимнинг қуввати кетиб боряпти... Катта ўғил укасига отадек бир гап.

Ота-боланинг тўй хусусидаги маслаҳатлари, ора-чора бўлса ҳам, Бузрукхўжанинг қулоғига чалиниб турарди. Гап нима билан тугагини бетоқат кута бошлади. Шу пайт қишлоқ тарафдан бузоқ етаклаб Мақсуд қори чиқиб кела бошлади. Сухбат тўхтади. Ҳаммалари Қорига юзланишди.

— Эшон ота, бузоқни нега чиқариб юбордингиз? — сўради Мақсуд қори.

Эшон ота бошини чайқаб, энгил кулди:

— Қиёмат куни қўшнингдан деган эканлар. Муруватинг учун мингдан-минг раҳмат, қўшни. Мендан қайтмаса, иншоолло, яратгандан

қайтади. Узинг жўжабирдек жон, қўл учида тирикчилик қилиб турган бир фақир бўлсанг-у, қандай қилиб бу мурувватингни қабул қиламан. Йўқ, қўшни, мени қийнама, қўлимдан келса сенга ёрдам беришим керак.

— Вақтида ёрдамингиз ҳам теккан.

— Қўй у гапларни, қўшни. Бузоқ сеники. Боқиб бер десанг, майли кузгача боқиб берай.

Мақсуд қори худди ҳимоя ахтаргандек уёқ-буёғига бир қараб олди-ю, ютинди:

— Бор гап шуми?

— Шу.

— Энди бўлмаса гапни мендан эшитинг. Бузрук, шу ердамисан?

— Шу ердаман.

— Йўлда йигирма сўм берганинг эсингдами?

— Эсимда.

— Эшон ота, ўғлингизнинг овозини эшитдингиз-а? Демак, бу бузоқча ўғлингизнинг пулига келган, у сизники. Агар Эшон бола пуломни бер деса, майли ҳозироқ санаб бераман. Лекин бузоқни ният қилиб олувдим. Абдурахмонбой етаклаб кетган новвосингизнинг ўрнини босар дедим. Хўш, Эшон бола, нега жим турибсан. Пулингни берайми, ёки бузоқчани оласанми? Қара, оёқларининг йўғонлигини, ажойиб хўкиз чиқади ундан, гапир!

— Дада, бузоқни олиб қолайлик, — деб қўйди Бузрукхўжа.

— Ҳа, баракалла, Эшон бола, гап деган бундоқ бўпти, — ўзида йўқ хурсанд бўлиб деди Мақсуд қори, — Эшон ота, энди гапнинг буёғини эшитинг. Мана бу кетмон, кўриб турибсиз, занглаб ётибди. Сабаби — чопадиган ерим йўқ. Эрталаб ҳовлиларингга кириб Отинбиби аямдан Эшон отам қанилар десам, ўғилларини ёнига олиб, жўхори чопиқ қилгани кетишди дедилар. Бир ҳашар қилишиб юборишай, деб келдим-да, хафа эмасмисиз?

— Оббо қўшни-ей, нега хафа бўлар эканман?

— Бунинг устига, Эшон ота, суҳбатингизни ҳам ўлардек соғинганман, бир мириқай дедим. Эртага яна дарбадарликка кетяпман.

— Олисгами? — шошилиб сўради Эшон ота.

— Йўқ, шу ўзимизнинг Дўрмончага. Пателаховнинг совун заводига гўлаҳ бўлиб ишга кирадиган бўлдим. Катта хўжайиннинг ўзлари билан гаплашдим. Яхши одам экан. Ойига ўттиз сўмдан бераман, яна ўзингга ўхшаган яхши йигитлардан беш-ўнта топиб келгин дейди. Бир ойлик маошимни олдиндан бериб қўяди-я, мард одам экан! Олдинги гўлаҳлар совун пиширадиган қозондан чиққан бадбўй ҳидга чидай олмай кетиб қолган эмиш. Вой ишёқмаслар-ей, нўмай пул бергандан кейин бурнингни кесиб ташлаб бўлса ҳам ишлайвермайсанларми?.. Хўш, ишбоши Сулаймонхўжа, эгат бошидан тушиб келайми ёки шу қаторларни аввал охирига етказиб оламизми?

— Аввал етказиб олайлик, — деб қўйди Сулаймонхўжа.

Тўрт киши ёнбош бўлиб кетмон ура бошладилар. Кетмонлар обжувознинг сопидек бир меъёрда кўтарилиб тушиб туради.

— Чап-чуп.

— Чап-чуп...

Шакархон Гулнорани

НИКОҲИГА ОЛМОҚЧИ

Ноиб Қўқондан хурсанд қайтпти. Шукроналар бўлсинким, режалаган ишларининг ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди. Кенгаш яхши ўтди. Бутун музофотнинг катта мулкдорлари, бўлис ҳокимлари, миршабхона нозирлари, қўрғонлардаги катта-кичик қўшинларнинг қўмондонлари, қози-ю, қуззолар... Эҳ-ҳе, кимлар келмади дейсиз бу

кенгашга! Ана шу сендан мен катта деб бир-бирини оёқ учи билан кўрсатиб, мой суртилган мўйловини бураб, погонини ялтиратиб, зарбоф чопони-ю, симобий салласини кўз-кўзлаб турган аёнлар ўртасида уезд хокими Мединский жаноблари Шакархон ноибни икки бора тилга олди. Олиқ-солиқлар ўз вақтида тўланиб, император аёлоҳазратларининг хазинасига наф келтираётгани ва ўтган ҳафта Риштони дилкушода бошланган ғалаённи тинч-тотувлик билан бостиргани сабабли ноибга раҳматлар айтди. Кетидан Туркистон ўлкаси генерал губернатори Куропаткин олий ҳазратларининг уезд аёнларига ёзган махсус номаси ўқиб эшиттирилди. Унда айтилишича большевиклар кучайиб бораётган эмиш, маъмурият уларни таг-томири билан юлиб ташлаши, дин пешволари ғайридин деб эълон қилмоқлари, авом уларни тошбўрон этмоғи даркор экан. Адолатпарвар оқ пошшо тахти-давлатига кўз тиккан ҳар бир кўз ўйиб олиқмоғи, тескари сўзлаган тил борки, кесиб ташланмоғи, қарши кўтарилган қўл синдирилмоғи зарур экан...

Ана шундай даргазаб ўтган бир кенгашда Шакархон ноиб мақталди, ишлари мақбул топилди. Лекин ноиб фақат шунинг учунгина мамнун қайтаётгани йўқ. Унинг кўнглига таскин берадиган, дилини чоғ қиладиган бошқа ишлар ҳам бўлиб ўтди. Кенгаш нақ ярим тунга бориб тарқалди. Шакархон Риштонга қайтса ҳам бўларди. Аммо Ширкатнинг Қўқондаги катта конторасига учрашиб, навбатдаги юмушларни қандай ҳал қилмоқни маслаҳатлашиб олиш ниятида Қўқонда тунаб қолди. Қолгани ҳам яхши бўлган экан. Хорижий мамлакатлардан яна юз минг пуд пахтага, қирқ минг пуд буғдойга, етти минг пуд жунга, ўн олти минг пуд майизга ва яна қанчадан-қанча маҳсулотларга қўшимча сўров келибди. Бу сўровнинг аввалгиларидан яхши томони шунда эдики, харидорлар маҳсулотни Қўқондан то юртларигача етказиб олиш учун кетадиган йўл харажатларини ўз зиммаларига олишибди ва, бундан ҳам яхши томони, бир имзо чекса бас, лак-лак пуллар ноибнинг ихтиёрига ўтади.

Ризолигини айтиб имзо чеккач, бу пулларга тегмади-ю, хизматчиларни ҳайрон қолдириб, рус банкасидаги омонатининг деярли ҳаммасини олди. Заргарлик растасига жўнади. «Замон чирсиллаб турибди, буни Мединский тўра ҳам қайд қилди. Ўзимиз ҳам сув бетида қалқиган хасдек омонат турганга ўхшаймиз,— деб ўйлади ноиб,— бир довул турса ҳаммасини учуриб кетадиганга ўхшайди. Модомики, шунга ақлим етиб, қалбим сезиб турган экан, нега энди лак-лак қоғоз пулларни банкада сақлар эканман? Олтин олиб қўйганим маъқул, қора кунда қоғоз эмас, тилло даркор бўлади». Растадаги энг бой дўкон ҳинд ва эрон савдогарларига қарашли... Шакархон магазиндаги олтин буюмларнинг деярли ҳаммасини қоғоз пулга алмаштириб олди.

Қўш от қўшилган қоляскада кўзларини ярим юмган кўйи чайқалиб-чайқалиб бораркан, ноиб гоҳо уйқу босиб келаётган кўзларини катта очиб, атрофга суқ билан тикилиб қолади. Дашт томондаги буғдойларни ўриб, бир-биридан баланд ғарамлар ўриб қўйишибди. Йўлнинг ўнг томонига кетгунча ғўза экилган. Ҳув наридаги қирларда пода-пода қўйлар ўтлаб юрибди. «Ҳаммасини ўзим сотиб оламан,— тўлқинланиб кетади Шакархон,— ҳар пудига икки-уч тангадан ортиқ тўласам, тамом, Пателахов синди деяверинг! Тавба, бойлиги меникининг ярмича келмайди-ю, чиранишини қаранг! Боз устига, мен арбобман ҳам. Сени ҳарбоб билан уриб қўйишим мумкин... Лекин заргарлик дўконини кўтарасига сотиб олганим кўп улуг иш бўлдида. Худо ўзи мени ҳушёр қилиб яратган. Кузда ёғадиган ёмғирни баҳордаёқ сезаман. Худо хоҳласа, бу гал ҳам янглишмадим. Мана кўраман, эртагаёқ пул ғўза пўчоқдек беқадр бўлиб қолади. Олтиннинг қадри эса ошгандан-ошиб бораверади. Хориждаги харидорлар ҳали олинмаган маҳсулотга пулни бекорга эртароқ жўнатишмаган. Демак, эртага пул беқадр-у, маҳсулот қадрли бўлади. Уларнинг ҳаракати остида ана шундай яширин ният бор. Буни, худога шукр, мен пайқаб қолдим.»

Миршабхона нозири Темирбек беш навқари билан хожасини қўриқлаб борапти. Савлат тўкиб салобат билан кетишяпти. Ҳам хожасини ноғохоний хавфдан эҳтиёт қилади, ҳам унинг сафарига улуғворлик, дабдаба бахш этади. Шакархон шунчаки бир Ширкат эгаси ёки мулкдоргина эмас, балки Оқ пошшонинг ғоят мўътабар бир ноибни ҳам эканлигини йўловчилар кўриб қўйишлари керак. Отлар махсус ясатилган, навқарлар бошдан-оёқ янги сарполар кийиб олишган. Чанг кўтарилиши мумкин бўлган жойларда ҳожаларнинг коляскасини олдинга ўтказиб юборишади. Одамлар гавжум гузарларда пўшт-пўштлашиб йўл очишади, коляскада Шакархон эмас, бамисоли Фарғонанинг пошшоси кетаётгандек.

Шакархон гоҳ ўзича кулимсираб, ва демакки, ширин, қалбни эркаловчи хаёлларга берилиб, гоҳ ўткир кўзларини бир нуқтага тикканча, қуюқ қошларини алланечук чимириб, фикру мулоҳазаларга берилиб борапти. Харид қилган дуру гавҳар-у, тилло тақинчоқларни хаёлидан ўтказа туриб, тўсатдан мудроқ фикри ҳиндлар ясаган бозбонга тўхтади. У ғоят нафис ва таърифлаб бўлмайдиган даражада гўзал ишланган. Кўз ўрнига қўйилган ҳар биттаси жўхори донасидек келадиган олти қора ёқут тунда ҳам, кундузда ҳам бир хил ёниб, атрофни нурлантириб туради. Тилло шокилалар ҳам ғоят мўъжаз, нозик дид билан ўрнатилган. Ҳар шокила кўзига тариқ донасидек кўм-кўк фирузалар қўйилган. Ҳалиги ёқутлардан таралаётган қора-қизил нурлар феруза юзида синиб, минг тусда товланиб бозбон юзида, атрофида нурлар чаманини яратиб, камалакдек товланиб туради. Ноиб хаёлан бу бозбонни, негадир Гулноранинг оппоқ сийнасига қўйиб, кўзларини қисган қўйи томоша қила бошлади. Аллақандай бир ёқимли ўй бошидан чақин чақиб ўтди-ю, юраги ҳаприқиб кетгандек бўлди. «Уч хотинли, тўрт хотинли ҳокимлардан менинг қаерим кам, — деб сўради ўзидан, — лак-лак бойлигим бўлса. Худога шукр, обрў-эътибор баланд, сиҳат-саломатлигимдан шикоятим ҳам йўқ. Хўш, нега энди бир умр ётим қизлар билан хуфиёна дилкашлик қилиб ўтар эканман? Гулнорани никоҳимга оламан, иншоолло, қарорим қатъий! Пошшо ойим бўлса, вайсаб-вайсаб тинчиб қолади. Етар ўша қўтир эчкини ўттиз беш йил қучоқлаганим! Катта бувимдек қариб қолибди-ю, яна қизчалардек нозу карашмалар қилишига ўлайми. Худоки сенга гўзаллик ато қилмабди, бўйнингга бир пуд тақинчоқ оссанг ҳам, бари бир, ўша-ўша қўтир эчкисан-да!.. Отангнинг яккаю ёлғизи эдинг. Сандиқ тўла тиллолар бегона бўлмасин, деб ўзимдан катта бўлсанг ҳам, сенга уйланган эдим. Бойлигингга бойлик қўшдим, хоҳласанг энди ажратиб бераман уларни. Лекин уйланаман, Гулнорани никоҳимга оламан. Зора, худо фарзанд ато қилса... Тўйни шу ҳафтанинг охиригаёқ ўтказаман»...

— Жалолхон! — деб чақирди ноиб. Коляска ҳайдаб бораётган йигит, афтидан, у ҳам хаёлларга берилиб бораётган экан, чўчиб тушди. Шошилиб овоз келган томонга ўгирилди экан:

— Лаббай, дада? — деб қўйди.

— Отларга қамчи босинг, — тўлқинланиб кетди ноиб, — учиринг уларни!

Риштони дилкушога кеч пешин маҳали кириб бордилар. Шакархон бетоқат эди. Гарчи маҳкамада ҳам, ширкат конторасида ҳам талайгина тигиз ишлари бўлса ҳам, тўхтамай тўғри уйига ўтиб кетди. Харид қилган тақинчоқларни хазинасига жойлаб, шошилиб орқасига қайтди. Қизни тезроқ кўргиси бор, келтирган ноёб совғасини кўксига, бошқа бўй етган қизларнинг кўксини куйдириб, ўз қўли билан тақиб қўймоқчи. «Риштон музофотининг бир йиллик божу хирожига тенг бойлик бу!» дея қулоғига аста шивирлаб қўйсам дейди... Кейин тўй тайёргарлигига киришмоғи керак.

Жория Солиябону ноибни дарвозахонада кўриб, қўл-оёғи бўшашиб кетди. Вужудида совуқ қалтироқ тургандек бўлди. Лекин, таомил ҳозирги ҳолатидан устунроқ эди, турган жойида эгилиб салом

берди-да, битта-битта босиб хожасининг истиқболига қараб юрди:

— Ассалому алайкум, бегим.

— Ваалайкум,— бош силкиб қўйди ноиб.

— Буюрсинлар, бегим, жойни қаерга ҳозирлай, айвонгами... ёки хосхонагами?

— Шошилиб турибман.

— Ундай демасинлар, бегим,— жория қошу кўзларини аллаңечук сузиб, худди аразлаган қизчалардек бир оҳангда гапирди.

— Бўй етган қизлар қаерда?— айвон томон боратуриб сўради ноиб,— Гулнорани чақириб бер.

— Бегим!— шундай деб Солиябону, кўз ёши ҳам шундоққина тўплиниб турган эканми, чинакамига йиғлаб юборди. Дуррасининг учи билан ёшларини арта-арта ўпкаси тўлган чақалоқдек узоқ пиқиллади.

— Жинни бўлдингми?— ўшқириб берди ноиб.

— Бегим?

— Гапир!

— Гулнора кечаси йўқ бўлиб қолди!

— Нима?!

— Оқшом ўрнида эди, ётаётганларида подадан қайтган кўзини санагандек ҳаммасини санаб чиқувдим, эрталаб қарасам... ўрнида йўқ. Боғнинг этагида, девор бузилган жойдан бир пой кавушини топиб олдик.

— Қочибдими?

— Билмадим.

— Тилингни суғуриб оламан ҳозир!

Шакархон ҳозир ўлжасини олдириб қўйган шердек қутуриб кетган, жаҳл устида жориянинг тилини суғуриб олиши ҳеч гап эмас эди. Лекин, хайриятки, жория уч-тўрт одим нарида ва бунинг устига шум хабарни етказган тили ҳам оғзига маҳкам беркитилган эди. Тил жойида қолди. Ноиб аста-секин жаҳлдан туша бошлади. Жориянинг ортидан эргашиб, аввал Гулноранинг ётоқхонасини, сўнг боққа чиқиб, деворнинг нахра бўлган жойини кўздан кечирди.

— Навкарбошига арз қилмадингми?— яна тутатқа бошлади ноиб.

— Эрталаб айтганман.

— Хўш?

— Ҳеч кимга овоза қилмай туринг, деди.

— Хўш?

— Ҳазимча ахтармаган жойим қолмади.

— Қўшмачи!— ноиб ер тепиниб қўйди. Бошига ногаҳоний мушт тушгандек гаранг, фикрлари ҳам тумтарақай, бир-бирига қовушмас эди. Қиз қочган бўлиши ҳам, олиб қочилган бўлиши ҳам мумкин. Лекин қим олиб қочди экан, қим қочирди экан? Бир кишининг иши эмас бу, кўплашиб бажаришган...

Кечга яқин, ноиб ниҳоят бир қарорга келгандай бўлди. Навкарбоши Зокирбекнинг айтишича, қуни кеча пандигонлик икки йигит (отларини билмас экан) ноиб жанобларининг маҳкамасидан дарғазаб бўлиб чиқиб «қизимизни яхшиликча бермасанг, унда яширинча олиб қочиб кетамиз» деган эмиш ва яна навкарбошининг тунги пойлоқчиликка чиққан йигитлари етимхона атрофида шубҳали отлиқларни ҳам кўрган эмиш. «Демак,— ўйларига яқун ясай бошлади Шакархон,— Гулнорани ўша мен билан жанжаллашган йигитлар олиб қочган. Ҳозироқ уларни ҳибсга олдираман ва бутун Пандигонни қов-қов қилдириб, Гулнорани топтираман, топилмагунча қўймайман... Ёки кечгача сабр қилсаммикан, эҳтимол, ўзи кетгандир, ўзи кетган бўлса қайтиб келиб ҳам қолар, яхшиси, сабр қилай...»

Полвон Качал саргузаштлари

Кеч намозгар пайти. Қуёш ботсамми, ботмасамми деб турган бир палла. Кун бўйи қора терга ботиб ишлаган Пандигон деҳқонлари чарчаган оёқларини мадорсиз судраб, аста-секин даладан қайтишади. Бирови елкасига қоп орқалаган, бошқаси эшагига миниб, олдига ўт ҳам босиб олган. Кўчани чанг-тўзонга тўлдириб, хўп мириқиб ўтлаб олган қўй-қўзилар жам қайтмоқда. Елини тирсиллаб кетган сигирлар кенг далада ўйноқлаб, оёғини ёзиб олган новвосчаларни ортидан эргаштириб, уйига яқинлашган сари бузоқчаларини огоҳлантириб қўйиш ниятида қисқа-қисқа маърашиб, уй томон халпиллаб интилишади.

Кун бўйи ҳувиллаб ётган қишлоқ кўчалари жонланиб кетди. Уйрат Пандигон чойхонасида Мадумар карнайчи супага чиқиб олиб, гоҳ ўннга, гоҳ чапга юзланиб карнай чалмоқда. Гузарда бўладиган катта-кичик йиғинлар кўпинча карнай чалиш билан бошланади. Карнай овозининг оҳангига қараб ўйин-кулги бўладими ёки оломон иштирокида маъмуриятнинг бирор кенгаши ўтадими — одамлар дарров билиб олишади. Аҳолининг кўп ёки оз тўпланиши ана шу карнай садоларига ҳам боғлиқ бўлади.

Шом пайтига бориб чойхонадаги сўрилар тирбанд бўлди. Чой-хўрлар ўз мавқеи ҳам ёшига қараб давра қура бошладилар: бир сўрида кексалар бўлса, бошқасида ёшлар; бирида бою судхўрлар бўлса, бошқасида йўқсилу батраklar. Давраларда босинқи суҳбатлар борапти:

- Қўқонга бордим дедингми?
- Урик олиб борувдим, йўлда уриниб қолган экан.
- Соголмадингми?
- Ариққа ағдариб қайтдим.
- Э аттанг!
- Нима муносабат билан карнай чалишяпти экан?
- Мардикордан қайтган Акбарали бор-ку?
- Хўш?
- Уша совуқ урган оёғини кўрсатиб, маъруза айтмоқчи эмиш.
- Совуқ урган оёғини кўрсатиш учун карнай чалиш шартмикан?
- Эшитдингми?
- Нимани?
- Эшон отанинг ўғиллари бор эди-ку, Бузрукхўжа-чи, ўша Шакархон ноиб билан тиккама-тикка олишибди!
- Йўғ-е!
- Аравакашларни ҳаққини берсанг бердинг, бўлмаса қўрғонингга ўт қўяман дебди.
- Е наузамбиллоҳ!
- Большовойларнинг каттаси билан ўртоқ экан, хат ёзишиб турармиш.
- Йўғ-е!
- Худо урсин агар. Ўз қулоғим билан эшитдим. Агар золимларга қарши уруш бошласанг, керагича қўшин бераман, дебди.
- Қурол-чи, қуролдан ёрдам бермасмикан?
- Ўрусиянинг қурол ясайдиган заводи Гирмоннинг қўлига ўтиб кетган.
- Ростданми?
- Худо урсин агар, ўз қулоғим билан эшитдим.
- Менга қара, сен Бузрук билан яқинроқмисан?
- Яқинман.
- Гапингга кирадими?
- Худо урсин агар, киради.
- Кирса айтиб қўй, қўшинни большовойлардан олмай ўзимиздан йиғсин, хўпми?
- Хўп.

- Фақат милтиқни ўшалардан олсин.
- Нега?
- Уларнинг милтиғи бешотар. Бизники оғзидан ўқ ейдиган расво милтиқлар, тушундингми?
- Тушундим.
- Айтасанми?
- Айтаман.
- Қани бир қасам ичиб қўй-чи, бўлмаса.
- Айтмасам, худо урсин.
- Баракалла, ота ўғли, худо хоҳласа сендан ажойиб қасамхўр чиқади, чойдан қуй энди.

Ҳасан-Ҳусанлар давра айлана бошлашди. Афтидан то одамлар тўпланиб олгунча қизиқчилик қилиб бу ердагиларни овунтириб туришмоқчи шекилли, эгниларига қуроқдан яқтак-иштон, бошларига оқ бўздан халта кийиб, юзларига аллақандай бўёқлар суртиб олишган. Гоҳ у даврага, гоҳ бу даврага яқинлашиб, ҳазил-мутойиба сўзлар айтишади, кўтарилган кулгига жўр бўлиб тиззаларига шапатиллаб қўйишади.

Пандигоннинг жон-дили бўлиб қолган бу йигитларнинг оталари Умрзоқ қассоб оламдан ўтиб кетган, оналари ҳаёт. Полвон ая деб аташади уни. Полвон ая бўй етган қизлик маҳалида ота юрти қирғиз элатига бориб манман деган полвонлар билан курашга ҳам тушган, дейишади. Ким билади, бу гаплар остида оз бўлса-да, ҳақиқат бордир. Ҳозир ҳам ёши элликларга бориб қолган бўлишига қарамай тўртта йигитни саранжомлаб қўядиган важоҳати бор. Қарқуноқдан булбул чиқибди деганларидай, авлод-аждоди давраларда кураш тушиб ўтган Полвон аянинг ўғиллари масхарабозликни танлашди. Одамларнинг айтишича масхарабозликнинг ўзи буларни танлаган эмиш. Она қорнидан йиғлаб эмас, қиқирлаб кулиб тушишган экан. Ун йиллардан буён юрт айланиб юришибди. Иккови ҳам эсли-хушли. Замонанинг зайлини бошқалардан кўра ҳам чуқурроқ ҳис қилишади. Халқ бошига тушган бахтсизликни, адолатсизликни ҳар одимда кўришар, халқни кулдирсак бахтсизлигини бир нафас бўлса ҳам унутади-ку, деб ўйлашиб бир-биридан қизиқ латифалар тўқишади, ичак узилди аскиялар айтиб каттаю кичикни бир хилда кулдиришади. Қўғирчоқ ўйнатиб (ака-укаларнинг ҳар хил қиёфадаги йигирмадан ортиқ қўғирчоқлари ҳам бор), «Полвон Качал» саргузаштларига оид томошалар кўрсатиб, гарчи Пандигон элининг дил ярасини бутунлай тугата олмасалар-да, ҳар қалай, унга малҳам қўйгандек бўлишади.

Бузрукхўжа, инқилоб қўмитасини туздиг-у, лекин бири карнайчи, иккитаси масхарабоз, шуюм қўмита бўлди-ю, деб кеча ўзича кўнгли тўлмаганда ноҳақ эди. Чунки ака-укалар, эрк, озодлик, инқилоб деган сўзларни Бузрукхўжадан ҳам олдинроқ эшитишган, ўзлари англабми, англамайми, инқилобга хизмат қилишни ҳам ундан аввалроқ бошлаб юборишган.

Ҳасан-Ҳусанлар кўрсатаётган томошанинг бир манзараси тугади шекилли:

- Офарин!
- Бўш келма, Ҳасан!
- Баракалла, Полвон аямнинг эркатоилари!
- Худо хоҳласа тўйимни ўзларинг гуллатасанлар! — деган олқишлар, каттаю кичикнинг дил сўзлари — ҳар томондан ёғила бошлади. Томоша қанча узоқ чўзилса, чойхоначига шунча яхши. Чой кўп ичилади, демак, чақаси ҳам мўл бўлади, Эҳтимол, шунинг учундир, эҳтимол, Ҳасан-Ҳусанлар кўрсатаётган томошалар қалбини эркалагани учундир, чўлоқ чойхоначи катта гардиш лаганда тақсимча тузиб, устига кийимликлар ҳам қўйиб, томоша кўрсатаётган чодирнинг ортига олиб ўтиб кетди.

Ака-укалар кўринмасди. Атрофи бўз билан ўралган «томошахона» тепасида яна иккита қўғирчоқнинг боши кўринди. Кўринди-ю, шу

заҳотиёқ худди сувга чўккандек йўқ бўлди. «Томошахона»дан сурнайда ижро этилаётган «Дучава паррон» куйи эшитила бошлади. Томошабинлар яна жим бўлиб, ҳаммалари нигоҳларини ўша томонга ташлашди... Қорни катта, соқоли узун, белида бешта белбоғ, бошида печи калтагина салла, юзи ошқовоқдек дум-думалок, бақалоғи айронхалтадек осилган, кўзлари хўмрайган судхўр бой чиқиб ўйинга туша бошлади. Катта қўллари билан ғалати-ғалати ҳаракатлар қилади. Гоҳ эгилиб таъзим қилади, гоҳо ёғоч ютгандек кеккайиб туриб қолади. «Дучава паррон» куйи аста-секин пасайиб, бора-бора тўхтади.

Судхўр. Бакара-букур, бако-бако, бакара-букур,
Бако-бако, бако-бак, рав-рав-рав!

Корфармон. Э-хе, о, бу бакара-букур, дакара-дукур... — нима деяпсиз?

Судхўр. Тушунмадингизми?

Корфармон. Тушунмадим.

Судхўр. Кабоб қилишман.

Корфармон. Кабоб?

Судхўр. Ҳа.

Корфармон. Э жўра, сиз хундими?

Судхўр. Хунди.

Корфармон. Судхўр бойнинг ўғлимисиз?

Судхўр. Ҳо.

Корфармон. О, ҳоғар! Қаердан келдингиз, жўра?

Судхўр. Кобулдан.

Корфармон. Хўп бажо келдингизми?

Судхўр (*ўйнаб*). Бакаро-бако, бако-бак,
Бакаро-бако, бако-бак...

Корфармон. Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

Судхўр. Полвон Качални ахтариб юрибман.

Корфармон. Унда нима ишингиз бор?

Судхўр. У мендан қочиб юрибди.

Корфармон. Нимага сиздан қочади?

Судхўр. Мандан қарзга пул олган. Шуни бермасдан қочиб юрибди.

Корфармон. Қанча пулингиз бор?

Судхўр. Уч юз эллик бир ярим сўм. Уни топиб олсам пулимни берса берди, бермаса ўлдираман!

Корфармон. О, жўра, сен ёмон одам экансан, ўлдираман демагин (*судхўрнинг бошига бир уради*).

Судхўр. (*бошини ушлаб*). Вой-вой-вой! Вой бошим ёрилди.

Корфармон. Э тухмат қиласанми? Бошинг жойида. Елкангда, қон чиқмабди, шишмабди. Иби, нимага мунча дод дейсан. Ўлдираман деганингга аччиғим чиқди, бошингги бир силаб қўйдим. Сен Полвонни ўлдирсанг, пулни ким беради?

Судхўр. Рост дейсиз. Бобожон, қарзимни сиз олиб беринг.

Корфармон. О, мен сенга кафилми?

Судхўр. Полвондан қарзимни ундириб берсангиз, бисёр пул бераман.

Корфармон. Бисёр?

Судхўр. Ҳо!

Корфармон. Юз сўм берасанми?

Судхўр. Бир сўм бераман.

Корфармон. Э, ўл-е!

Судхўр. Хўп, яна етти чалпак ҳам қўшиб бераман.

Корфармон. Э чалпагингни ўзинг е!

Судхўр. Бўлмайдими?

Корфармон. Бўлмайди.

Судхўр. Бўлмаса, йигирма беш сўм пул бераман, яхши зиёфат қиламан.

Корфармон. Йигирма беш сўм пул берасиз, яхши зиёфат қиласиз. Бо, мени алдамагин.

Судхўр. Алдамайман.

Корфармон. Алдамасанг (*чодирнинг четини кўрсатиб.*) мана бу ерда ўтириб тургин.

Судхўр. Мана бу ердами? (*Чодирнинг ўртасига ўтирмоқчи бўлади.*)

Корфармон (*Чодирнинг четига ишора қилиб.*). Мана бу ерда. Ҳой, Полвон Качал, овозадор!

Полвон (*уйқудан чўчиб уйғониб*). Ҳо, ҳо, ҳо, нима бўлди, нима бўлди, ким ўлди?

Корфармон. Э, ҳовлиқма-е, ҳеч ким ўлган эмас. Гап бошқа.

Полвон. Нима гап?

Корфармон. О, бир лўттибоз жўранг бор экан.

Полвон. Бор, бор, бор!

Корфармон. Шу жўранг уч юз эллик сўм пулим бор, шуни берсин, ўз юртимга кетаман дейди.

Полвон. Қимда пули бор экан?

Корфармон. Қимда бўларди, сенда-да!

Полвон. Менда?

Корфармон. Ҳа.

Полвон. Бобо, ўша жўрамни менга кўрсатиб қўйинг.

Корфармон. Нима қиласан, кўрсатсам?

Полвон. Е нари қиламан, ё бери қиламан.

Корфармон. Ё нари қиласиз, ё бери қиласиз. Шунчалик жонингизга тегдими?

Полвон. Жонимга тегди.

Корфармон. Қарз олгандан кейин бергин-да, ахир!

Полвон. О, мунча пул менда қайда бўлсин? Тўйга деб юз сўм пул олгандим, юз сўм туғиб-туғиб уч юз эллик бўлибди. Мен мунча пулни қаердан топаман. Э, кўрсатинг ўша бойваччани, бобо!

Судхўр (*ўрнидан туриб яқинлашади*). Қани, нима қиласиз? О, жўра, қарзни берингда, акун. Мен орқангизда юраманми ҳар куни? Қарзни тўламайсиз, яна дўқ қиласиз?

Полвон. Қарзни тўлайми?

Судхўр. Ҳа, жўра.

Полвон. Мана сенга қарз! (*бир калла уради.*) Мана сенга уч юз эллик сўм! Уч юз эллик сўм деганинг учун уч юз эллик калла урмасам, Полвон отимни бошқа қўяман! Мана, мана! Бугун келасан, эрта келасан, мени тинч қўясанми, йўқми? Қиссамда бир чақам йўқ, қорним қуриллайди ўзимнинг, сенга пулни қаердан топаман (*Полвон судхўрни икки қўллаб савалаб кетади, ора-чора калла ҳам тушириб туради. Судхўр ҳам ўзини ўнглаб олиб Полвонни ура бошлайди. Икки ўргада жанг қизиб кетади. Корфармон сурнайда муштлашув оҳангига мослаб куй чалиб туради. Ниҳоят, бир-бирини савалашиб, ҳолдан тойиб, икки томонда сулайиб қолишади. Полвон сапчиб ўрнидан туриб Судхўрни кўтармоқчи бўлади.*)

Полвон. Ие, бобо?

Корфармон. Нима дейсиз, Полвон?

Полвон. Жўрангиз омонатини топшириб қўйибди-ку!

Корфармон. Ўлибдими?

Полвон. Худо хоҳласа, ўлибди.

Корфармон. Қайғурманг, Полвон, мен лўттибоз жўрамдан, сиз қарзингиздан қутулибсиз. Илоҳа овмин, ўлгани рост бўлсин, оллоҳу акбар!

Қўғирчоқлар чодир ортига тушиб кетишди. Утирганлар, афтидан, томошанинг давомини кутишар эди. Шунинг учун аввалига ҳаммалари жим туришди. Хиёл ўтмай чодир ортидан Ҳасанбой билан Ҳусанбойлар чиқиб келишгач, томоша тугаганига ишонч ҳосил қилишди

шекилли, бирдан қарсақ чалиб юборишди. Офаринлар ёғила бошлади. Ака-укалар қўлларини кўксиларига қўйиб, таъзим қила-қила давранинг ярмини айлашиб чиқишди. Давранинг ўртароғига борганда Ҳасанбой кўлини кўтариб чувиллаб турган томошабинларга «Жим бўлинглар» дея ишора қилди. Сўнг баланд овоз билан:

— Мулла Маҳмуд!— деб чақирди.

Ўз тенгқуру ҳамфикрлари даврасида ўтириб, томоша кўраётган мулла Маҳмуд шоша-пиша:

— Нима дейсан?— деб сўради.

— Оч қорнингга ҳадеб қулқуллатиб чой ичаверасанми?

— Нима қилай бўлмаса?

— Мундай бир гапирсанг-чи!

Мулла Маҳмуд Ҳасанбой мени аскияга чорлапти деб ўйлаб, пайровга мазаси йўқроқ эди, қўрқиб кетди. Ҳаяжонланганида ингичка ҳам узун бўйни шамолда қолган ниҳолдек силкиниб, бошини тутолмасди. Ҳозир ҳам худди атайлаб қилгандек боши нари бориб бери кела бошлади.

— Нимани гапираман?— деб сўради овози аранг чиқиб.

— Томоша маъқул бўлдимми?

— Бўлди.

— Давомини кўришни хоҳлайсанми?

— Хоҳлайман, жўра.

— Бўлмаса яна бир оз сабр қилиб тур. Полвон Качал судхўрнинг мурдасини Хўжа Бува мозорига кўмгани кетди. Қайтиб келиши билан томошани яна бошлаб юборамиз. Унгача хўп десанг, мана даврамизда ўзи ёш бўлса ҳам юз кишига бош бўладиган сиёқи бор Бузрукхўжа ўтирибди. Утирган бўйра, юрган дарё дейдилар. Бузрукхўжа дарёдек тўлқин отиб дунёни кезиб юрибди. Бу гапни ўтган сафар ҳам айтувдим. Айтишим билан жуфтакни ростлаб қолувдинг. Рост гапдан, ҳақиқатдан қўрқасанми? Йигитмисан ўзи?

— Йигитман!— деб қўйди Мулла Маҳмуд бир қўзғалиб.

— Йигит бўлсанг, йигитча суҳбатдан қочма. Ке, биргалашиб фотиҳа ўқиймиз. Ҳой, яхшилар, сизлар ҳам қўлингизни кўтаринг. Кимда-ким оқилу донишларнинг суҳбатини ташлаб қочса чол моххонинг хотини бўлсин, облоҳу акбар!

Чойхўрлар ҳам беихтиёр:

— Облоҳу акбар!— дея юзларига фотиҳа тортиб юборишди.

«Қўлларига кишан урилсин!»

Бузрукхўжа чойхонанинг кўчага яқин тарафида, ўзи тузган қўмита аъзолари Мақсуд қори, Мадумар карнайчи, Сотволди, Акбарали мардикорлар даврасида томошага маҳлиё бўлган кўйи бугунги йиғинга мос томоша танлагани учун ака-укалардан хурсанд бўлиб ўтирганди. Келишиб олганларидек сўзга аввал Акбарали мардикор чиқиши, бирга кетган йигитлар қандай балоларга гирифтор бўлиб, қанчадан-қанчаси совуқда ўлиб кетганини гапириб бериши керак эди. Унинг сўзи таъсирлироқ чиқиши, тўпланганлар қалбида маъмурларга нафрат қўзғаша ҳам мумкин эди. Аммо Ҳасанбой режани ўзгартириб юборди. Утирганлар кетиб қолмасин, дея қасам ҳам ичтириб олди у.

Бузрукхўжа шошилиб жўрасига юзланди.

— Сен гапирганинг маъқул,— деди Акбарали мардикор,— мен, биласан-ку, гапга нўноқман.

Бузрукхўжанинг номи тилга олиниши билан давраларда яна пичир-пичир бошланди. Сўнгги кунларда эл орасида қанот қоқиб учиб юрган миш-мишлар уни Риштонда бўлиб ўтган ғалаённинг қаҳрамони-га айлантириб қўйган, қудратли Шакархондек бир киши билан тиккама-тикка олишган бу йигит энди уларнинг наздида Алпомишдек бўлиб кўринаётганди. Юқорида, икки сўри бирлаштирилиб атлас

кўрпачалар тўшалиб ҳозирланган ўринда, кўш фонус ёруғида Пандигон аёнлари ўтирганди, кўзғалишиб, бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Мулла Зариф мингбоши Абдурахмонбойни секин туртаркан:

— Ҳушёр бўлинг, бузоғини қайтариб олмасин тагин,— деб ҳазиллашган бўлди. Бой ҳам ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди:

— Бузоғини қайтариб олса, мен ҳам сендан чакмонимни қайтариб оламан.

— Ҳамқишлоқлар!— шундай деб Бузрукхўжа, негадир, бошидан дўпписини олиб кафтига қоқди-да, яна кийиб олди,— энди, хўш, ораларингда дадам тенгли мўйсафидлар ҳам ўтиришибди. Бу оғзидан сути кетмаган гўдак бизга нимани ҳам айтарди деб ўйлашлари мумкин. Агар шундай деб ўйлашса тўғри қилишади. (Йўқ, бошқачароқ гапириш керакмиди, деб ўйлаб қолди Бузрукхўжа)... Аслида мана бу Акбарали сўзласа яхши бўларди. Тоби келишмай тургани учун сўз навбатини менга берди. (Тавба, нега мен довдираб қолдим, ўзимни қўлга олишим керак, бўлмаса шарманда бўламан)... Тўғри, мен ҳам пошшолик хизматига кириб унча-мунча юртларни айланиб юрибман. Биз дўппидеккина Пандигонга қамалиб олиб, дунёдан беҳабар қолиб кетган эканмиз. Дунё денгиздек чайқалиб турибди. Йўқсиллару аламзадалар бир тараф, давлатмандлару ҳокимлар бир тараф. Ҳақ-ҳуқуқ таллашиб бир-бирларининг ёқасидан мана бундай қилиб сиқиб олишган. Қайси бири ҳақ бўлса, худо ҳоқласа, ўша енгади...

Мулла Зариф мингбоши ёнида ўтирганларга қараганда иззатнафси баланд ва яна ҳийла жирракироқ ҳам эди. Ҳали Бузрукхўжанинг номини эшитгандаёқ вужудида қалтироқ турганди.

— Елғон!— деб андак бўлмаса ўрнидан туриб кетаёзди. Абдурахмонбой тиззасидан босиб «Сабр қил» деб шивирлади.

— Елғон бўлса мендан сўнг жаноблари сўзга чиқиб, хатоимни тузатарлар,— ҳурмату тавозе билан деди Бузрукхўжа,— лекин биз, пандигонликлар ўз аҳволимиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдикми, хўш, биз киммиз ўзи? Биримиз Абдурахмонбойникида чоракор, биримиз Салимбойваччаникида қарол, биримиз Маҳсимча баққолдан қарз устига қарз олавериб адоий тамом бўлган бандалармиз. Ҳаммамиз ҳам ҳокимлар ҳафтада чиқариб турган солиқларни тўлашга қурби келмай, солиқ эвазига ўзини сотиб юрган қулбаччалармиз, ё нотўғрими? Наҳотки, худойи таоло шўринг қургур пандигонликларни ана шундай тақдир билан яратган бўлса...

— Ў, кофир, тилингни тий!— деди ўрнидан тураётиб мингбоши,— ҳозир бориб оғзи-бурнингни қонга тўлғизаман.

Мулла Зариф ўрнидан туришга турди-ю, аммо сўридан тушишга юраги дов бермади. Ўтирганлар гапни жон қулоқлари билан тинглашяпти. Боз устига кўпчилиги Усмонхўжа отанинг қариндош-уруғлари ёки қариндошим деб фахрланиб юрган йўқсиллар. Худо кўрсатмасин, муштлашиб бошлангудек бўлса, мингбошини тўрт навкарига қўшиб сўрининг остига тиқиб қўйишлари мумкин. Йўқ, мингбоши уни калтакламоқчи эмас, шунчаки дўқ-пўписа қилиб қўймоқчи. Бу шунинг учун ҳам зарурки, ёнгинасида қовоқларини солинтирганча, катта қорнини чатаноғи орасига тушириб, бир арава бўлиб ўтирган Абдурахмонбой, номигагина дўконча очиб баққолчилик қилиб ўтирадиган, аслида саккиз Пандигоннинг энг катта судхўри бўлган Маҳсимча баққоллар кейинчалик унга таъна қилишлари «Э, ўша сендақанги мингбошидан ўргилдик-э» дейишлари ва ундан ҳам хунуги — лавозимдан олиб ташлашлари мумкин.

Мингбошининг «Оғзи-бурнингни қонга тўлғизаман» дегани айтadиган гапини режага сололмай хит бўлиб турган Бузрукхўжанинг ғазабини кўзғади, оёқ-қўли қалтираб кетди. Мингбошига кескин ўгирилиб:

— Пандигонда оғзи-бурни қонга тўлмаган битта мен қолувдим,— деб қўйди.

Худди шу пайтда чойхонанинг кўчага беткай томонида ўтирган чойхўрлар гур этиб ўринларидан туриб кетишди. Бузрукхўжа, нима бўлди экан, деб ўша ёққа ўгирилган эди, Хон эшонга кўзи тушиб қолди. Қўллари кўксига, гоҳ ўнгга, гоҳ чапга салом бериб аёнлар ўтирган сўри томон жадал келмоқда эди. Юртда обрўси баланд эди у кишининг. Қўшалоқ сўрида ўтирган мўътабар кишилар ҳам ўринларидан туриб, таъзим қилишиб, юқоридан жой кўрсатишди. То ўтириб олгунгача қўл қовуштириб туришди. Хон эшон ҳазратнинг нимадандир қаттиқ жаҳли чиққан кўринарди. Ё кимдандир калтак еб келган, ё кимнидир калтакламоқчидек бир алпозда турибди. Юқа лаблари қимтинган, кўзлари бежо, фотиҳани ҳам қисқа ўқиди. Салласини олиб, тақир бошини рўмолча билан артди-да, яна ўз ўрнига қўндириб, атрофга олазарак кўз ташлади. Чой узатишган эди, қайноқлигидан беҳабар, хўплаб қўйиб оғизи қаттиқ куйди шекилли, пуфлаб ташлади:

— Э, бетовфиқлар!

Бузрукхўжа тургандан туриб қолди. Маърузани давом эттиришни ҳам, қайтиб ўрнига ўтиришни ҳам билмас эди. Қайтиб ўрнига ўтирса, кўп нарса айтмоқчи эди, айтолмай қолади. Энг ёмони, қўмитанинг биринчи йиғини самарасиз тугаган бўлади. Гапини давом эттирган, ҳозир ҳамманинг диққат-эътибори эшонда — қулоқ солмасликлари ҳам мумкин. Ҳеч ким эшитмаган нутқ ўз эгасини шарманда қилади... Йўқ, қандай бўлганда ҳам, у бугун голиб чиқиши керак, бўлмаса қўмитанинг иши таққа тўхтайдди. «Яна бир калтак есам ерман, — фикридан ўтди Бузрукхўжанинг, — ҳақиқат деб ўлганлар бор-ку! Гапираверман».

— Пирим, — дея баланд овоз билан мурожаат қилди.

Хон эшон овоз чиққан томонга ўгирилди-ю, жавоб қайтармай, нима дейсан, дегандек жим тураверди.

— Агар рухсат берсангиз...

— Хўш, нимага рухсат берар эканман? Ҳой, менга қара, сен анови Усмонхўжанинг ўғли бўлмагин тағин?

— Ушаман.

— Риштонда сен гапирганмидинг?

— Ҳа, гапирувдим.

— Калтак ҳам евдинг шекилли?

— Еганман. Агар пирим рухсат берсалар гапимни тугатиб одсам девдим.

— Хўш, нимани гапирмоқчисан ўзи, охир замоннинг боласи? — ҳамон жаҳли тарқамаганлигидан жеркиб-жеркиб деди пири муршид, — ё даданга ўхшаб сен ҳам донишмандлик даъво қилмоқчимисан?

— Дадам ҳеч қачон донишмандлик даъво қилган эмаслар. Ҳикматни кўп айтадилар, шу боис одамлар у кишини донишманд деб атайдилар. (Пири муршидни мақташим керак, бўлмаса йўл бермайди, деган фикр ўтди Бузрукхўжанинг бошидан)... Аслида юртимизнинг донишманди ўзингиз бўласиз, пирим! Бу ерда ўтирган қаро кўзларни ҳақ йўлида, ҳақиқат йўлида ўзингиз тарбиялагансиз. Шу ҳақиқат хусусида тортишиб қолдик. Мулкдорлар ҳақиқати бору, йўқсиллар ҳақиқати бор, иккови тортишиб қолганда ҳамиша бойлар ҳақиқати устун келяпти. Бунинг боиси нимада, шу хусусда баҳслашаётган эдик... Гапим ҳам эсимдан чиқиб қолди... Эсимга келгунча, пирим, рухсат берсангиз ҳамқишлоқларимга бир топишмоқли ҳикмат айтсам. Жумбоқни ечгунларича зора, гапимни топиб олсам... Қайси бир қишлоқда ўтакетган камбағал бир одам бор экан, очарчилик пайти, егани ҳеч нарса тополмай, болалари сулайиб қолибди. Охири тегирмончидан бир кафт ун сўраб келиб, катирма пиширтирибди. Қатирма пишай деганда қўшнисини кириб келиб ўзини камбағалнинг оёғи остига ташлаб, жон қўшни, болаларимни сақлаб қол, очликдан ўляпти, деб йиғлабди. Камбағал раҳмдил ва яна олижаноб ҳам экан. «Менинг болаларим сулайиб қолишди-ю, лекин ўлаётгани йўқ. Уники бўлса, ўлим олдида

экан, қутқариш керак» деб ўйлаб тўрттов қатирмани ҳам қўшнисига берибди. Аммо қўшниси ўзи айтганчалик бечораҳол эмас экан. Егани нони, қора кунга атаб сақлаб қўйган буғдойлари бор экан. Камбағалдан ундириб чиққан қатирмани сандиққа солаётган экан, унинг ҳамма ҳаракатларини кузатиб турган бир ўғри бостириб кириб елкасига пичоқ уриб ўлдирибди-да, қатирмаи олиб чиқиб кетиб мазза қилиб еб олибди...

Хўш, ҳурматли ҳамқишлоқларим, қани айтингчи, суд қилиш керак бўлса кимни суд қиламиз? Одам ўлдиргани учун ўғриними, бировнинг оғзидан нонини тортиб олган бахил бойними ёки раҳмдил ҳам олижаноб бўлгани учун болаларини оч қолдирган камбағалними? Жазо битта, ўша жазони кимга беришимиз керак?

Бузрукхўжа бир дақиқагина тўхтаб, атрофга кўз ташлаб олди. Чойхўрлар нигоҳида рағбат, айтавер сени тушуниб турибмиз дегандек бир ишора борлигини сезиб, вужудида кучли бир далда, рухий қўзғалиш бошланиб келаётганини ҳис қилди. Баланд овоз билан қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади:

— Абдурахмонбой жаноблари ўтирибдилар, бу киши яқинда бизнинг рўзгоримизда нимаики бўлса ҳаммасини тортиб олдилар. Шу ҳақда гап очсам алаמידан гапиряпти дерсизлар. Яхшиси, бу кишини тинч қўяйлик. Ана, ҳў чеккадаги сўрида Рустам бобом ёнбошлаб ётибдилар, ўтиргани қоллари келмагани учун ётиб олганлар. Кун бўйи далада эдилар. Уғиллари билан лойга ботиб, кўксиларини тиззаларига қадаб шоли ўтадилар. Кузатиб турдим, на тушликка чиқишди, на пешинликка, саратон иссиғида ёниб кетишди. Шу алпозда етиштирилган ҳосилнинг тўртдан бири ўзларига-ю, қолгани Қўқонда ялло қилиб юрган Салимбойнинг омбурига тўкилади. Кошки эди ўша тўртдан бир ҳосил Рустам бобонинг ўзларида қолса. Сув пули тўлайдилар, имомга, сартарошга, тунқотарга кафсан берадилар. Мингбошининг солиғи, ўтган йилдан қолган боқиманда... охири Рустам бобомга нима қолади? Қўполроқ бўлса ҳам очигини айтай. Шолининг похоли билан хўпмайдага қўшилган ҳўкизларнинг тезаги қолади.

Ҳамқишлоқлар, одам боласи бу дунёга кимларнингдир сандиғини тўлдириш учун келган эмас, одам одамдек яшаши керак. Урусиянинг сиз билан менга ўхшаш батраклари ўз ҳақларини даъво қилиб чиқишяпти, кўп нарсага эришдилар ҳам. Хилват қишлоқда яшаб, ҳаммасидан беҳабар қоляпмиз. Бас, бизнинг ҳам белимизни дол қилиб яшаганимиз етар. Биз ҳам энди бошимизни баланд кўтариб, мен ҳам инсонман, менда ҳам ғурур бор, деб рўй-рост айтмоғимиз даркор, айтишимиз керак ҳам. Инқилоб қўмитасини тузиб, елкамизга миниб олган, энг сўнгги номимизга оғзимиздан тортиб олаётган мулкдору маъмурларга ўз талабимизни айтишимиз керак. Биринчи талабимиз шуки, бу йил ер эгаларига ҳосилнинг фақат ярмини берамиз, учдан бир, тўртдан бир деган гаплар йўқ энди. Иккинчи талабимиз шуки, сув пулининг эллик фоизини бермаймиз. Учинчи талабимиз...

Бузрукхўжа қўмитанинг учинчи талабини айтиб улгурмади. Сўридан сакраб тушган Мулла Зариф унинг юзига қамчи тортиб юборди. Бузрукхўжа ўзини ўнглаб, қамчини юлиб олиш учун чоғланаётган пайтда ҳеч ким кутмаган ва етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бир воқеа юз бердики, ҳамма ханг-манг бўлиб қолди. Чойхона ҳовлисига тўрт томондан сўриларни оралаб отлиқлар кириб кела бошлади. Суворийлар ердан чиқдим, осмондан тушдим — ҳеч ким пайқамай қолди. Бир хиллар жинми, алвастими булар деб кўкрагига туфлаб, шошилиб калима келтиришди. Бир хил, ўзини йўқотмаганлар бошим бир фалокатга қолмасин деб чой ҳақини ҳам тўламай, кавушини пойма-пой кийиб жўнаб қолди.

Отлиқлардан иккиси чойхона ҳовлисининг қоқ ўртасигача кириб бориб жўжаҳўроздек бир-бирига хезланиб турган Бузрукхўжа билан мингбошининг қаршисига тўхташди. Бири — навқарбоши Зокир калла, бошқаси миршабхона нозири Темирбек эди. Темирбек, гарчи

Бузрукхўжани таниб турган бўлса ҳам, совуқ ва ёқимсиз бир овоз билан:

— Бузрукхўжа Усмонхўжа ўғли сен бўласанми? — деб сўради.

— Менман, — орқасига тисарилиб деди йигит.

Мулла Маҳмуд Мулла Қори ўғли борми шу ерда? — яна сўради миршабхона ноziри.

Мулла Маҳмуд сўридан сурилиб тушди-ю, лекин тили калимага келмай жим тураверди.

— Мулла Маҳмуд сенмисан?

— Менман, тинчликми?

Темирбек ўйноқлаб турган отининг жиловини тортиб, оёқларини кумуш узангига тираб, эгардан хиёл кўтарилди-да, овозига яна ҳам расмийроқ, яна ҳам ваҳшатлироқ бир оҳанг бериб, дона-дона қилиб гапира бошлади:

— Император аълоҳазратлари номидан икковларингиз ҳибсга олиндингиз. Қўлларига кишан урилсин!

«Ўлсам, онам деб йиғлагин!»

Беҳуш ётган Гулнора аста-секин ўзига келаёзганди. Кўзини очиб атрофдаги нарсаларга шуурсиз тикилганча жим ётибди. Бора-бора фикрида тиниқлик сезиб, кўз ўнгидаги туманлик чекиниб, нарсаларда ранг, шакл пайдо бўла бошлади. Вассаю тўсинлари тутундан қорайиб кетган уйда ётган экан. Уйнинг чор атрофи гўристондек чуқур тоқчалар, тоқчаларда эски лаган, жўмраги синган чойнаклар, кўп тутилганидан ранги ўчиб кетган катта-кичик пиёлалар кўзга ташланади. Ёнма-ён турган қорни катта мис қумғон, жўмраги баланд офтобага қаердандир нур тушаётган бўлса керак, уй қоронғироқ эмасми, ўша бурчак шамчироқ ёққандек ёришиб турибди. «Кимнинг уйи экан, қаерга олиб келди экан мени, — ўйлай бошлади қиз, — остимга янгигина кўрпа тўшашибди, ким тўшади экан? Хайрият, ит ҳаром тумшугини менга теккизмабди, хайрият! Худойим, азиз-авлиёлар мени эҳтиёт қилишибди, беҳушлигимда булғаб қўйса бормиди, вой худо-йим!»

Гулнора ўнг томонга ағдарилиб, юзини дарча томонга бурди. Нур дарча ёриқларидан кираётган экан. Анча тиккадан тушаяпти. Демак, кун кўтарилди қолибди. Ҳовлида товуқ қақағлаётганга ўхшайди. Кимдир чарх йигиряпти шекилли, ғир-ғир овоз ҳам келяпти. Қизнинг тургиси келди. Тураётиб бош томонда турган тугунчасига кўзи тушиб қолди. Ёчиб титкилаб кўрди: ичига нимаики туккан бўлса ҳаммаси жойида, ҳеч ким тегмабди. Гулноранинг ич-ичидан бир хўрсиниқ келиб, вужудини қалтиратиб юборгандай бўлди. Тугунчани бағрига бошиб йиғлашга тушди. Йиғи туфайлими, шуурсиз бир ҳолатга тушиб ўй-тасаввурларини бошқаролмай қолди. Аяси, дадаси, укалари биринкетин у ёқ-бу ёққа чопқиллаб ўта бошлашди. Улим тўшагида ётган аяси кўз олдига узоқ туриб қолди. Томоғига ғарғара келиб қолган, сўнги нафасини оляпти...

— Ке, Гулим, кела қол, — дейди бемор, — ёнимга ўтир, мен кетаяпман.

— Аяжон!

— Мендан рози бўл.

— Аяжоним!

— Касалманд даданг қаровсиз қолмасин.

— Кетманг, аяжон!

— Укаларингга меҳрибон бўл, хўпми? Ҳамиша бағрингда олиб юр. Ювиб-тараб, оппоқ кийинтиргин. Гулим, боғи эрамим, сенга қийин бўлади. Дадангга қара, укаларингни ўкситма. Мендан розимисан, розиман де!

— Аяжоним, меҳрибоним!

Гулнора чинқирганча ўрнидан туриб кетди. Овози ташқарига ҳам ҳам эшитилди шекилли, чарх йигириб ўтирган кампир эшикнинг кулфини очиб ҳовлиқиб кириб келди. Қизни ўрнида кўрмагач, атрофга алаңлай бошлади. Гулнора бир бурчакда тугунчасини бағрига босганча, шамолда қолган япроқдек титраб турарди.

— Хайрият, ўзингга келибсан,— деди кампир,— нақ юрагимни ёраёздинг-а! Нега тиқ турибсан, ўтир, қизим, ке ўзим ётқизиб қўяй.

Чуваккина, оппоқ оқарган сийрак сочининг учига кафтдек ялпоқ тош осиб олган, бели букчайиб ияги нақ ерга етай деб қолган бу кампир Гулнорага худди эртақлардаги ялмоғиздек бўлиб кўринди, кўрқиб кетди:

— Яқинимга келманг!

— Вой, она қизим, мени ўз онангдек бил. Бир нарса бўлиб қолмасин деб туни билан бошингда ўтириб чиқдим-а. Мен бўлмасам, ана у оғзи қон бўри сени қону қушга булғаб кетарди, қўймадим. Вой, шўрим, иситмаси баланд, ҳушига келсин, нафсингни кейин қондирарсан деб оёғига ёпишиб олдим. Мендан кўрқма, қизим. Худо хоҳласа сени қутқараман. Бомдод намози пайтида руҳимдан ўтди. Авлиёлар «Бахтсиз қизни қутқар. Қутқарсанг, ҳамма гуноҳинг ювилади» деб қулоғимга шивирлагандек бўлди. Кўзимни очсам, ҳеч ким йўқ, руҳимдан ўтибди. Қол қизим, жойингга ёт, бақувватсан. Сенга атаб серпийёз қилиб шўрва пиширдим.

Кампир худди эмаклагандек бир аҳвода ташқарига чиқиб кетди. Гулнора қайтиб ўрнига ўтирди. Кампирни ўйлади. Нега бундай деётганига тушунмади. Бир хаёли ҳозир эшик очиқ турган пайтда ташқарига чиқиб қочмоқчи ҳам бўлди. Лекин қаерда ўтирибди, қаёққа қочади, билмайди. Эҳтимол, навкарбоши ҳовлидадир. Ҳовлида бўлса, бир сакраб тутиб олади-ку! Йўқ, ҳозир қочиб бўлмайди. Лекин қочади, албатта, қочади!

— Ўтирибсанми, бахтсиз қизим?— жавраб кириб қола бошлади кампир,— мана шўрвангни ҳам олиб келдим. Гўшти йўқ деб кулмагин, тухум чақиб юборганман. Ташқарига чиққинг йўқми? Бўлмаса, ўраниб ол, терлайсан. Зора касалинг тарқаса. Вой шўрим, кечаси билан алаҳлаб чиқдинг-а. Мана, мана бу чопонни елкангга ташлаб ол, йўқ дема! Ана энди, худо хоҳласа, терлайсан. Қайноқ-қайноқ ҳўпла. Сен ичиб тургин, мен товўғимни катагига киритиб келай, жўжа очувди, боласини қирғий илиб кетаяпти. Кечаям иккитаси йўқ бўлиб қолди. Вой худойим-ей, одам боласининг кушандаси бор десам, паррандага ҳам кушанда яратиб қўйибди-я!

Гулнора кеча эрталабдан буён туз тотмаган, ҳаяжонининг зўридан томоғидан ҳеч нарса ўтмаганди. Очиқиб қолган экан. Бунинг устига пиёва шўрва қизалоқлик пайтларини эслатиб юборди... Аяжони ҳаёт, дадаси соппа-соғ эди. Қорнида оласи бор, шохи йўқ — тўқол сигирлари бўлғувчи эди. Ҳар баҳорда туғиб берар, ёзи билан мана шунақа пиёва шўрва қилишар, айниқса, дадаси хуш кўрарди уни. Икки марта қуйдириб ичиб, охирида кўксини кенг очиб, бошини баланд кўтариб, «Ох-ох-ох аяси, шўрва эмас, асал бўпти, асал», деб қўярди... Дадажони эса энди йўқ!

— Дадажоним!— Гулнорага яна йиғи келди. Йиғлай-йиғлай шўрвани ҳам ичиб бўлди. Негадир шу пайтда Мулла Маҳмуд акасидан келган мактубларни ўқигиси келиб қолди. Тугунчани энди ечаман деб турганди, яна кампирнинг овози эшитилди:

— Биратўла чой ҳам қайнатиб келдим, мурч солиб қайнатдим. Вой худойим-ей, бирам терлабсанки, ёт, дарров ёт. Устингга тўшак ташлайман. Йўқ дема, жон қизим. Мана янгигина тўшагим бор, ўлимлигимга деб тўкиб қўйганман, ётдингми... Вой, бирам чиройли экансанки, юзингга энди боқишим... Суф-суф, кўз тегмасин. Гўзаллар кўпинча бахтсиз бўлиб қолишади. Суф-суф, илойим сенинг бахтинг очилсин!

Кампир ҳеч сўзлашдан тўхтамасди. Сўзлай-сўзлай Гулнорага мурчли чой ичирди. Бош томонга ўтириб пичирлаб, аллақандай

дуоларни ўқиди-да, юзига фотиҳа тортди. Қизга унинг ҳар бир сўзи қалбакидек, замирида ёмон ният беркингандек туюла бошлаган, шу фикр миясини ҳеч тарк этмас «жавраб-жавраб бўриси келгунча мени овунтирмоқчи» деб ўйлар эди.

— Мана шунақа гаплар, қизим,— яна гапга тушди кампир,— аслида бу баттол менга набира бўлади. Яккаю ёлғиз қизимдан қолган зурёд. Лекин уни ёмон кўраман, отасига ўхшайди. Отаси қонхўр, қароқчи эди. Яккаю ёлғиз қизимни шунақа урардики, мениям аямасди. Белимни ўша майиб қилиб қўйган. Худоё гўрингда тўнғиз қопгурнинг жазосини ўзи, берди. Йўл тўсгани чиққанда ўлдириб, ўлигини итга едиришди. Зокир етимча бўлса отасидан ҳам ошиб тушди. Тўрт ёшигача бағримда олиб юрдим, нақ адоёи тамом қилди. Бир қарасам, товуғим йўқ бўлиб қолади, бир қарасам, сандигимдаги тақинчоқларим гум бўлади. Қўй, ўғирлик қилма деб, балой азимга қолдим. Ўлдираман деб болта олиб юурса бўладими! Олти яшар бола-я! Ҳу отангга ўхшаб оғзингдан қонинг келгур, ҳайдаб юбордим... Ухлаяпсанми, қизим, уйғоқмисан?.. Ўлиб кетгандир деб юрсам, ёмонга ўлим, яхшига кун йўқ деганларидек, ўлмаган экан. Икки-уч йил бўлди, тагин келиб олди. Ёнг десанг бўлмаган дейди. Оғзингдан қонинг келгур, ўғри мушукка ўхшаб нукул кечаси юради. Қоп-қоп ўғирлик молларни ташлаб кетади. Бир кун қарасанг уй тўлиб кетган, бир кун қарасанг яна бўм-бўш бўлиб қолган. Худоё гўринг тўла илон билан чаён бўлгур, қаңчадан-қаңча жувонларни қон қақшатди. Қаңчадан-қаңча қизларни чумчуқдек чирқиллатиб иффатини топтади...

Шу йил баҳорда яна биттасини ўлдирди. Шунга ҳеч чидолмаяпман. «Аяжон, мени қутқаринг» деб қаңча ёлборувди-я! Уч кунлик келинчак экан, ўғирлаб келиб ўн кун хотин қилди. Кечасию кундузи ҳеч ёққа чиқмай бағрига босиб ётди. Кейин олиб бориб ташлаган экан, шўрлик иснодга чидолмай ўзини сувга ташлаб ўлдирибди. Уйғоқмисан?

Гулнора уйғоқ эди. Вужуди ваҳима ичида қолганди. Ваҳиманинг зўриданми, кампирнинг сўзларида самимият, раҳмдиллик шундоққина уфуриб турганиданми, энди унга ишона бошлади. Ҳали «Шум кампир, шумалоқ кампир» деб пинҳона бўлса ҳам ҳақоратлагани учун ўзидан уялгандек бўлди. Кўрпа остидан қўлини чиқариб, кампирнинг косовдек қоп-қора, тарашадек қаттиқ қўлини кафтлари орасига олиб бошини қўйди.

— Қайси қишлоқдансан?— сўради кампир.

— Уйратдан.

— Вой, қўшни қишлоқдан экансан-ку, кимнинг қизисан?

— Дадамлар бандалик қилганлар.

— Вой, шўрим, онанг-чи, эҳтимол, онангни танирман?

— У киши ҳам оламдан ўтганлар!

— Қўй, қизим, хўрсинма. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Бу қонхўр бўрига қаёқдан ҳам йўлиқа қолдинг?

— Етимхонада эдим.

— Ноиб жанобларининг етимхонасидами?

— Ҳа.

— Вой, оппоғим, вой, бахтсиз қизим, йиғлама! Азиз авлиёларнинг хотинлари ҳам етим бўлган. Кейин бахтли бўлиб кетишган, сен ҳам, худо хоҳласа, бахт юлдузингни топиб оласан. Менга қара, қизим, бу ноиб жаноблари сағираларни тиззасига ўтқазиб олиб дилхушлик қилармуш, шу ростми?

— Рост.

— Вой, шўрим, ҳомиладор бўлиб қолганлари ҳам бордир.

— Бор.

— Вой, худойим, охир замон бўлмай кетсин-эй, эркак зоти ҳаммаси шунақа экан-да! Нега буларни ер ютмайди?

— Қайдам.

— Ишқилиб сенинг гулингни ҳидлаб қўймаганмиди?

- Йўқ.
- Мен онангман, қизим, очик айтавер, уялма.
- Ҳарамларига таклиф қилишганда мен касал эдим.
- Кирмадингми?
- Кирмадим.

Икки дил аста-секин бир-бирига пайванд бўлиб бормоқда эди. Қизнинг ҳам қулфи дили очилиб кетди. Бошидан ўтганларини ҳаммасини сўзлаб бергиси келиб қолди. Мулла Маҳмуд акаси ҳақида ҳам гапириб, тугунчадаги мактубларини ҳам олиб кўрсатди...

Қочиш ҳақида режа туза бошладилар. Қиз ноибнинг етимхонасига қайтгиси йўқ. Икки дунёда ҳам бормаиди. Қариндошлари бўлмиш Усмонхўжа отанинг уйига бориш ҳам хавфли, ноиб қайтариб олиб кетади. Мулла Маҳмуд акасиникига борса, эл-юрт уят қилади. Кейин суюқлисини қиз ўғирлаганликда айблаб, худо кўрсатмасин, қамаб қўйишлари ҳам мумкин. Қизга бирдан-бир пушти паноҳ ҳозирча пири Муршид Хон эшон ҳазратлари бўлишлари мумкин. Аввало, Эшон ҳазратлари покизаю покдомон бир киши. Қолаберса, бу музофотда ноибга фақат шу киши бас кела оладилар. Кейин пири Муршиднинг кўп хайрли ишлари ҳам овоза бўлиб кетган: тегирмончи қизини етмиш уч ёшли чолга бераётганда, қиз қочиб бориб пири Муршидни-дан паноҳ топган.

— Қани тур энди, қизим, — ўзи ҳам ўрнидан тура бошлади кампир, — кечгача қайтиб келишим керак. Ҳали айтдим-ку, у бўри кечаси келади. Кундузи келиб қолса-я! Э худойим, фалокатдан ўзинг асрагин. Қаёққа кетувдинг деса, қизни боққа ёзилтиргани олиб чиқувдим, кўкрагимга бир уриб қочиб қолди, орқасидан қувлаб бориб даштда сулайиб қолдим, дейман. Э парвардигор, мен ёлгончини ўзинг кечир!

Гулнора оёқ-қўлини ёзиб келиш учун ҳовлига чиқаётганди, остонадан ўтиши билан оёғи остидан ер кетиб, атроф гир айлангандек бўлди. Бир сония чамаси ўзини сезмай қолди. Тик туриб атрофни кузата бошлади. Каталакдеккина ҳовли экан, икки-уч уй, охирида нураб ётган чўзок айвон — бор-йўғи шу.

Бош айланиши, кўзининг тиниши ўтиб оёқларига дармон қўйилиб келаётганини сезгач, аста-секин боғ томонга ўта бошлади. Лекин боққа чиққач, қалбидаги ваҳима яна кўзгалди. Икки танобча келадиган майдон атрофига бир маҳаллар пастақкина девор урилган экан. Девордан ҳар жой-ҳар жойда туянинг ўркачидек нишонга қолибди, холос. Қари ўрикларнинг шохлари сувсизликдан қуриий бошлаган. Боғнинг ташқариси эса поёнсиз дашт, чангалзор. Атрофда на бир кўкқайган уй, на бир туп дарахт кўринади. «Худди қароқчилар тунайдиган манзилга ўхшайди-я!» деб ўйлади-ю, Гулнора дарров орқасига қайтди. Қалбидаги кўрқув ҳисси кучайиб борарди. Назарида ҳозиргина кўрган манзараларида ҳам, кампирнинг хатти-ҳаракатларида, ҳеч адо бўлмайдиган сўзларида ҳам кишининг юрагини ваҳимага тўлдирадиган аллақандай сеҳр беркингандек эди.

— Бувижон, руҳсат берсангиз, ўзим кетаверсам, — деди шошилиб қиз.

— Қаёққа кетасан, бахтсиз қизим?

— Ўзингиз, пири Муршидни-кига борамиз, дедингиз-ку?

— Вой, чироғим, якка борсанг, у киши қабул қилмайдилар. Мен қўл берганман, пирим бўладилар. Ҳар йили еттига товуқ, бир халта мағиз элтиб бераман. Мағизни яхши кўрадилар, белларига қувват бўлармиш. Ма, паранжини ёпин! Вой-бўй, бирам ярашдики, худди ёш келинчакларга ўхшаб қолдинг-а. Ўзиям пошшоларга келин бўладиган ҳусну латофатинг бор эканда. Суф-суф-суф. Кўзим тегмасин! Қани, кетдик, тез юр. Илойи овмин, азиз аблиёлар кўллаб, сен етимчанинг ҳам бахтинг очилсин! Ҳой, тўхта оғилхонада қўйим бор, бўйнидан арқонини ечиб қўяй, тагин мен келгунча бўғилиб қолмасин. Ўлсам худойимга сўйишар деб боқаман-да, кейин эрмак ҳам бўлади. Ҳў, жонивор, нега

маърамайсан, ё қорнинг тўқми? Ана, бўлди! Вой-вой, товуғимнинг катагига илон кириб олибди-ку, жўжамни еб қўяди-я! Сен, қизим, илондан қўрқасанми?

— Қўрқаман, бувижон!

— Унда сал нарироқ тур, косов билан туртсам чиқиб кетади. Ҳу дангаса, сичқон тутиб есанг бўлмайдими. Яна тилини чиқариб раҳмимни келтиради-я. Жўжанинг гўшти юмшоқда-а? Тегма уларга, пиримга атаб боқаяпман! Қани, қизим, кетдик энди. Қўрқдингми? Вой тентагимей, илон одамнинг дўсти-ку. Сен тегмасанг, улар ҳеч қачон тегмайди. Кечалари қўйнимга кириб ётишади. Мени инсу жинсдан ўшалар эҳтиёт қилишади. Илондан қўрқиб бу ерга ҳар хил одамлар ҳам келавермайди. Яйилмада яккаю ёлғиз жияним бор, фақат ўшагина келиб туради. Ўлиб қолган бўлса, беҳабар қолмайлик деб, кунора ҳабар олиб туради. Олиб кетаман дейди, кўнмайман. Ахир, бу ўрикзорда, мана бу гувалаларда чолгинамнинг қўли бор-а, излари шундоққина кўриниб турибди-я! Қандоқ қилиб уни ташлаб кетаман. Чолгинамнинг арвоҳи ёлғиз қолади-ку? Кечалари мени кўргани келса, тополмай ўксинмайдими. Йўқ, кетмайман.

Қизгинам, бир маҳаллар бу ер обод эди, гуркираб ётарди. Утган-кетганлар дам олиб, чолгинамни дуо қилишарди. Мана, энди ҳаммаси қуриди-қолди. Юр тезроқ, қизим. Эзмалик қилиб миянгни қоқиб қўлингга бергандирман? Нима қилай, ойда-йилда бир марта одам кўраман. Кўрсам, мана шунақа сергап бўлиб қоламан. Вой, мунча атрофга аланглайсан, тезроқ юр деяпман. Тагин анови бўри орқамиздан келиб қолмасин... Лекин боладик, тўғрими, қизим. Бу кеча у мени бўғиб, қонимни ичса ҳам ажаб эмас. Ҳа, албатта, ўлдиради мени! Лекин, чолгинамнинг кулбасида ўлсам армон қилмайман, ўзиям жуда соғиндим. Тезроқ олдига борсам дейман. Ўлганимни эшитсанг келиб йиғлагин, хўпми?

— Хўп, — деб қўяди Гулнора.

— Нима деб йиғлайсан?

— Билмадим.

— Онажоним деб йиғлагин.

— Хўп.

— Ҳалиги ўзинг кўрган туя сандиқда анча дока йиғиб қўйганман. Шулардан биттасини белингга боғлаб ол. Орқамдан йиғлаб қолиб, ўлигимни гуллатадиган яккаю ёлғиз қизим бор эди, пешонамга сиғмади. Энди сен менга қиз бўлдинг. Йиғлайсан-а?

— Йиғлайман.

— Тобутимда қулоқ солиб ётаман-а. Йиғламасанг армонда кетаман. Тириклигимда кўрган зорлигим устига ўлигим ҳам хор бўлмасин. Йиғлайсан-а?

— Йиғлайман, тўйиб-тўйиб йиғлайман.

Гаплаша-гаплаша чангалзор ичига кириб борардилар.

Қозиққа боғланган беморлар

«Қўрғонча» деб аталадиган бу кўримсизгина қишлоқда аҳолиси зичроқ яшайдиган биргина кўча бор. Жазирама даштдан то Уйрат Пандигонгача аччиқ ичакдек чўзилиб боради бу кўча. Йўлнинг ўртароғидаги бир-бирига қарама-қарши тушган баланд дарвозали қўрғонлар пири Муршидга қарашли. Кун чиқар тарафдаги қўрғонда пирнинг ўзи истиқомат қилади. Қибла томондаги, атрофи етти пахсали девор билан ўралган баланд қўрғонда эса, инсу жинслар зарар етказган хасталар даволанади. Хон эшон хасталарни мана шу ерда қабул қилади, ўқийди, куф-суфлаб дам солади, оғирроқларни олиб ҳам қолади, Ҳуллас инсу жинслар билан бўладиган жанг шу баланд қўрғон ичида кечади.

«Шум кампир» ёлғон сўзламаган экан, пири Муршид икки ожизани яхши кутиб олди. Навбатлари етгунча қабулхонада узоқ ўтириб

қолганларини ҳисобга олмаганда, жуда самимий, жуда очиққўнгилик билан қаршилади, кампирдан қандай яшаётганлиги ҳақида сўради, агар ёлғизликдан қийналаётган бўлса, бу ерга келиб яшаши ҳам мумкинлигини эслатди. Гулнора қизнинг аччиқ қисмати ҳақидаги ҳикояни тинглаётди:

— Бай-бай-бай! — деб оғир саллала бошини узоқ чайқади, сўнг кўзларини юмган кўйи узоқ сукутга кетди. Учовлари ҳам жим қолишди. Қиз хўрсинар, кампир овозсиз йиғлар, пири Муршид тасбеҳ ўғирар эди. Бир маҳал кўзларини катта-катта очиб, Гулнорага бир тикилиб олди-ю, паст овоз билан гапира бошлади.

— Бу ожизани менинг ҳимоямга олиб келиб яхши қилибсиз, бинобарин, азиз-авлиёлар кўнглингизга солгани ростдир. Худоё таало одамзодни улуг яратган. Аларга инсу жинслар ҳамла қиладими, қалбига шайтон лаъин макон қурган. Ёвуз бандаси ҳамла қиладими, бари бир, аларни ҳимоя этмоқ яратган эгам ва пиру нусратларим олдидаги бурчимдир. Кампиршонинг кўнгиллари тўқ бўлсин. Бу қизимни оҳир замоннинг баднафс бўриларига талатиб қўймасман, ва иншоолло, шаръий йўл билан ўз қариндошларига топширурман. Мендан ҳимоя сўраб келган бандаси, худо хоҳласа, ҳимоясиз қолмагай. Илтимос шуки, бу ҳаракатимиз ҳозирча пинҳон тутилгай. Маълум фурсат қизимнинг исмини ҳам ўзгартириб турурмиз. Исминг нима эди?

Оппоқ паранжига бурканиб ўтирган Гулноранинг пичирлаган овози яхши эшитилмади. Хон эшон ўнг қулоғини ҳовучига олиб, қиз томон хиёл эгилди:

- Қаттиқроқ айт!
- Гулнора!

— Кўп яхши исм экан. Лекин уни ўзгартириб, Гулсимбиби қўямиз ва яна пандигонлик ҳам эмассан, Ушдан келгансан. Қани, Ушдан келганман, деб айтчи?

— Ушдан келганман, пирим, — такрорлади Гулнора.

— Энди, кампиршо, ўзларига ҳам руҳсат. Тезроқ қулбаларига етиб олсинлар. Илоҳа омин, ҳар бандаи мўминнинг имонини басаломат қилсин!

Кампир иккиланиброқ ўрнидан турди. Қизга синиқ бир назар ташлаб, бошидан параңжисини ола бошлади. «Пиримдан қочма, у энди ота бўлди», — деди-да, худди камгадир аччиқ қилгандек, жадал юриб чиқиб кетди.

Хонага яна жимлик чўкди. Гулнора пастаккина, зах ва даричаси ёпиқ бўлгани учун ҳийла қоронғи қабулхонанинг бир чеккасида увада тўшак устида, бошини ҳам қилганча, ҳатто нафас чиқаргани ҳам кўрқаётгандек жим қотиб турарди. Пири Муршид бўлса гўё қизни паққос унутиб юборгандек эди. Оғир саллала бошини қорни устига солинтириб тасбеҳ ўғирар, фикр сураб, фикрлари ҳам худди тасбеҳ доналаридек дум-думалоқ эдимиз, ҳеч тутқич бермасди. «Бай-бай-бай, хусни-латофатни қаранг, беҳиштнинг ҳуру ғилмонларидек. Ҳай, нурдан йўғрилганми бу ожизанинг вужуди! — деб ўйлади, — йўқ, бу ҳусн унга бахт келтирмайди, бахтсиз бўлади. Не-не беклар ўртасида талашу хунрезликларга сабабчи бўлади бу ҳусн. Кошки бу бекларда инсоф, диёнат бўлса. Биттаси Шакархонми, ғалаён кўтарганларни инсофга чақариб берасиз деб каминани Риштони дилқушога алдаб олиб борган экан-да. Диндан қайтганларни йўлга солинг, дини исломиятга пушти паноҳ бўлган оқ пошшо ҳазратларига қарши бўлган аробакашларга панду насихат қилинг, деб менга ваъз айттириб, кетини муштлашишга улаб юборишни режалаб қўйган экан-да! Бандаи мўминларни калтаклашга гўё мен фатво бердим. Узлари эса, бир чеккада оппоқ бўлиб турдилар... Тўнғизнинг ёғини ялаган экан-ку, бу ноиб... Мана бу қиз-чи! Ахир, ўз қизинг эди-ку, қизликка олдим деб қафолат қоғозига бармоқ босувдинг-ку! Уз қизининг иффатига кўз олайтирган кишини мусулмон деб бўладими! Йўқ, сен кофирсан! Бу гўзал хилқатни сен кофирга ҳам, қонхўр навкарбошиқга ҳам бермаймиз. Йўқ, унинг чақалоқлигидаёқ

фотиҳа қилинган йигити бор, фотиҳа — муҳри худо!.. Лекин гўзал, беҳад сулув экан, суф-суф, кўз теғмасин.»

Пири Муршид шошилиб бошини кўтарди-ю, бирон гап сўраб қолмасмиканлар дея мунғайибгина қараб турган қизга боқиб, худди кўзига қуёш тушиб қамаштиргандек, нигоҳини олиб қочди:

— Исминг нима эди, қизим?

— Гулсімбиби, — оҳиста деди Гулнора.

— Кимга бешикетти эдинг?

— Мулла Маҳмуд акамларга.

— Қайси Мулла Маҳмуд?

— Уйратдаги.

— А?! — хон эшон бир сапчиб тушди. Тасбеҳнинг навбатдаги донаси бармоқлари орасида қотиб қолди. «У ғирт кофир-ку, — газабли фикр ўта бошлади бошидан, — куфрона мактаб очиб, болаларни кофир қилиб қўйишига оз қолувди-ку! Масжидга салла ўрнига қалпоқ кийиб борса ҳам бўлаверади деб ваъз айтди, мактабда дини-исломият ўрнига илми куфурни ўргатаман деб мен билан ёқалашган эди-ку!.. Лекин фотиҳа — муҳри худо. Уни ҳеч ким бузолмайди...».

Ташқари олатасир бўлиб кетди: кимдир югуриб ўтди, кимдир додлади. Отнинг кишнагани, бир йўла бир неча аёлнинг ваҳима ичида вой-войлагани эшитилди. Қабулхона эшиги шарақлаб очилиб, остонада ёши элликларга борган, жундор кўкраги паҳлавонларникидек кенг, гўлабир, сёрсоқол бир киши кўринди:

— Пирим, Бойкўзи қозигини юлиб кетди! — деди-ю, қандай шитоб билан кирган бўлса, яна шундай тезлик билан кўздан йўқ бўлди...

Пири Муршиднинг умри руҳий хасталар орасида ўтиб борапти. Тузалганлари ҳам бор, ўлганлари ундан кўп. Ўлганларини худо ўзига азиз қилган бўлади, тузалиб кетганлари ҳазратнинг дуолари туфайли яратганнинг марҳаматига доҳил бўлган бўлади. Унда ҳам, бунда ҳам ҳазратнинг обрўсига обрў қўшади. Нияти бойлик орттириш эмас. Оч қолаётган бола-чақаси ҳам йўқ. Пири ҳузурда бўлганида, ўсмирлик палласидаёқ бичиб қўйишган. Дунёдаёқ тоқ ўтиб борапти, нимаики қилса худо йўлига дейди. Инсу жинслар, деу алвастилар худонинг лаънатига учраган кўзилгамас маҳлуқотдирлар, деб ўйлайди, худонинг лаънатига учраганлари учун унинг бандаларидан ўчларини олишади. Кимки худони унутса, қалбига ана шу шайтони лаъинлар ин қуради, бундайларга инсу жинслар тез зарар етказади, девлар хушларини олиб қўяди. «Демак, — ҳукм чиқаради пири Муршид, — худони унутганларни динга қайтармоқ ва уларни инсу жинслар таъсиридан қутқармоқ менинг ҳақтаоло олдидаги бурчимдир...»

Пири Муршид Бойкўзи қозигини юлиб кетганини эшитиб сакраб ўрнидан турди-да, кавушини оёққа илиб, ичкарига, оғир хасталар даволанаётган бўлимга қараб югурди. Бойкўзи чиндан ҳам қозигини юлиб, бўйнидаги занжирини шалдиратиб хаста аёллар хонасига кириб олибди. Узи ҳам паҳлавон йигит, қомати девларникидек. Хаста бир аёлни кучиб кўксидан тишлаб турибди. Гоҳ бошини кўтариб, оёғи билан худди жангари отлардек ерни депсиб кишнаёди, овози боқувда ётган отникидек гулдираб чиқади. Аёл бўлса, гарчи кўксидан қон оқаётган бўлса-да, қийқариб кулаяпти. Бошқа хасталар жимгина кузатиб туришибди. Эшон югуриб бориб йигитнинг бўйнидаги занжирни тортқилай бошлади, қайда, девқомат йигит аёлнинг вужудига ёпишиб кетгандек, занжирни ташлаб, йигитнинг кўксидан турткилаб кўрди. Йўқ, яна бўлмади!

— Бойкўзи, бўтам, бу менман, пирингман!

Йигит оёғи билан ерни депсиб, яна кишнади. Ҳаммаёқни гулдираган овозга тўлдириб юборди. Худди шу аснода пири Муршид икки қўлларини баробар узатиб, йигитнинг томоғидан маҳкам сиқиб олди:

— Пирингман, менга қара, ана кўзларингга сариқ девлар сояси кўриняпти, ҳозир даф қиламан! Кўзимга қара; ё гаффор, ё саттор, куф-суф! Ана чекиндилар, даф бўлдилар, куф-суф!

Девқомат йигит худди улоқчи отдек оғзидан кўпик сачратиб, катта кўзларини хунук ўйнатиб, аста-секин орқага чекина бошлади. Хон эшон эса қўллари билан аллақандай ҳаракатлар қилиб, таъқиб этди.

— Е ғаффор, ё саттор, куф-суф!

Бамисоли мўъжиза юз бергандек бўлди. Йигит орқаси билан деворга суянганча ҳаракатсиз кўзларини бир нуқтага тикиб, сувратдек қотиб қолди. Ҳазрат занжирни ердан олиб, етаклаган эди, орқасидан беихтиёр эргашди. То айвондаги катта устунга бойлаб қўйгунича ҳам йигитнинг қотиб қолган кўзларида жон асорати сезилмади.

— Утир! — буюрди пири Муршид.

Йигит шошилиб чордана қурди.

— Кўзингга девлар кўриндими?

Жавоб бўлмади, йигит ухлаб қолгандек эди,

— Қани, калима келтир-чи. Ло илоҳа иллоллоҳу, де, айт!

Бойқўзи аста-секин жонлана бошлади. Аввалига ёш боладек хўрсиниб турди-да, сўнг шундай кучли овоз билан йиғладики, айвон бўғотидаги чумчуқлар гуриллаб учиб кетишди... Бойқўзи Абдурахмонбойнинг отбоқари эди. Отхонада шу касалга чалиниб қолди. Қўл-оёғини боғлаб, бу ерга келтиргунларича қанчадан-қанча кишиларни ғажиб ташлади у. «Ҳали-вери йиғиси тўхтамайди энди, — фикридан ўтказди эшон аёллар хонасига қараб юрар экан, — ишқилиб куннинг иссиғида ҳаммасини тишлаб, яра қилиб қўймаган бўлсин-да!

Аёллар хонасининг эшиги ҳовлининг ўртасида ётибди. Бойқўзи кўчириб ташлаган бўлса керак. Хайрият, хасталар чиқиб кетишмабди. Биттаси хонанинг қоқ ўртасида, зах ерда чўзилиб ётибди. Иккитаси бошқа бир аёлни ўртага олиб, сочларини ёзиб бит ахтараяпти. Худди бит топиб, уни ўлдираётгандек тирноқларини бир-бирига уриштириб, қирсиллатиб қўйишяпти. Ҳаммалари ҳам бош яланг, сочлари тўзғиган. Худди кечалари болаларнинг тушига кириб чиқадиған алвасти қиёфасига кириб олганлар. Бойқўзи тишлаган аёл хонанинг ўртасида тик турибди. Узун бўз кўйлагининг кўкрак томони йиртилган, йиртилган жойидан қон оқаяпти. Қўлида дўппидеккина чилдирма, гардиш ичига тикилиб алланарсани ахтараётганга ўхшайди, бутун хаёли ўша ерда. Эшонга кўзи тушиши билан, негадир, жуда бахтли, жуда қувноқ аёлларга хос жарангли овоз билан хандон отиб кулиб юборди, тиззаларига уриб, эгилиб-эгилиб кула бошлади. Кейин тўсатдан чилдирмани боши узра кўтарди-да, чалиб ўйинга туша кетди:

— Дўмбоққина ўғлим бор,
Дилбаргина қизим бор.
Дўмбоқ ўғлим, қайдасан?
Дилбар қизим, қайдасан?
Қоч, ўғлим, сел келди!
Қоч, қизим, сел келди!..

Аёл жонҳолатда ўзини уйнинг бурчагига урди. Лойдан ясалиб, башангина кийинтириб ҳам қўйилган икки қўғирчоқни олиб, бағрига босди-да, хонани гир айланиб қоча бошлади:

— Қоч, ўғлим, сел келди!
Қоч, қизим, сел келди!..

Бева эди у. Бир амаллаб рўзгор тебратиб, бир ўғилу бир қизни катта қилаётганди. Сойда ўтин териб юришганда, беҳосдан катта сел келиб қолиб, икковиниям олиб кетди. На ўлиги топилди, на тириги. Аёл уч йилдан буён бағрига қўғирчоқларни босиб, югуриб юрибди. «Бу кеча уни ўқийман, тонг отгунча ўқийман. Худо хоҳласа инсу жинслари даф бўлай деб қолди. Кузга бориб руҳи бутунлай покланади!» Шундай деб эшон ташқарига чиқа бошлади. Бошқа хасталарни

ҳам бир кўздан ўтказиб қўйиш ниятида Бойқўзи боғланган тарафга қараб кетди.

Гулнора киз эса ўтиргандан ўтириб қолди. Ҳали тортинибми, хона деворларига кўз ташламагани. Боқсанг қалбингга ваҳима қўйиладиган нарсалар осилган экан: эшакнинг тақаси, отнинг бир тутам ёли, синиқ жуводдиз, чинни қосанинг синигидан ясалган аллақандай шакл, эчкинингми, қўйнингми бош суяги, шода-шода кўзmunчоқлар, ипга тизилган қалампир дастаси... Ҳар бири алоҳида осилган. Лекин бирлашиб аллақандай сеҳрли, аллақандай ваҳимали бир манзара кашф этар, унда жинлар ўйинга тушаётгандек, опалалар малла сочларини ёйиб ўтиргандек бир тасаввур ҳосил қиларди. Хонанинг тўрт тарафида, деворларга яқин бир жойда ажиналар ўйнаб тургандек. Беҳи дарахтининг қоп-қора томиридан бош бармоқдеккина қилиб ясалган ажиначаларнинг қўл-оёқлари узун, олайган кўзлари ирғиб чиққан, ликонглаб сакраб туришибди. «Қўрқаяпман, вой худойим, қўрқиб кетаяпман, — шивирлади Гулнора, — ажина! Ҳа, чинакам ажина! Вой шўрим, кирганимда булар йўқ эди-ку! Ҳамма-ёқни қоплаб кетишди энди, вой, оёқларимдан дармон кетаяпти...»

Хон эшон жавраб кириб кела бошлади:

— Бетовфиқлар, худони унутганлар. Шунинг учун ҳам қалбларига инсу жинслар макон қурган буларнинг. Суф-суф, даф бўлинг!

Гулнора шоша-пиша ҳазратнинг юзига боқди: шифтда ўйинга тушаётган шайтончалар энди у кишининг кўзлари ичига жо бўлгандек, қорачиқлар ичида ликонглаб ҳайинчак учишаётгандек. «Пиримнинг кўзларида ажина бор экан, — юраги ортига тортиб кетди қизнинг, — қўрқаман, бугуноқ қочиб кетаман бу ердан!»

Хон эшон қизга мулойимгина назар ташлади-ю (бари бир кўзларида ажина бор эди). «Қуйинма, қизим, худо хоҳласа, неки орзуинг бўлса, ҳаммасига етказурман», деб қўйди. Сўнг хизматкор аёлни чақириб: «Ушдан келган бу қизимни ўз хонангга олиб, ётар-тураридан, еяр-ичаридан хабардор бўлиб тур», деб кўчанинг нариги юзидаги қўрғонга ўтказиб юборди.

Қўллар муштга тугилди

Абдурахмонбойнинг кенжа ва шунинг учун ҳам суюкли бўлган ўн саккиз ёшли хотини Манзурахонимга атаб яқиндагина солинган бу иморат мевалари шиғил ҳосилга кирган катта боғнинг ўртасида эди. Бу оқшом шу ерга йиғилишди. Катта сўрига юмшоққина қилиб ҳозирлашган ўринларда тўрт азамат ёнбошлаб ётишибди. Биқинларига қўйилган пар ёстиклар юмшоқлигидан чиканаклари остида йўқ бўлиб кетай дейди. Тошфонуслар парпираб ёниб, бутун боғни чароғон қилиб турибди. Дастурхон тўкин, ноз-неъматлар мўллигидан бир-бирининг устига қалашиб кетган. Хизматкорлар олти ойлик қўзичоқни сўйиб ширвози тайёрлашган. Мис тоғорадаги қимизни тез-тез янгилаб келяптилар. Лекин на еганлари татийди, на ичганлари. Оқшом гузарда бўлиб ўтган ҳангома ҳаммаларининг дилига ғулу солиб кетди. Ичаётган қимизлари, тишляётган этлари бамисоли кўнгилларидаги ғашликни ўт олдириб, устидан мой қуяётгандек — қорин тўйган билан ғашлик тарқамас экан... Бу гаплар ноибнинг қулоғига бориб етмайдими, етади! Абдурахмонбой, Мулла Зариф мингбоши, Кенжа эллиқбоши, Маҳсимча баққоллар гузарда «большавойларга сотилган» Бузрукхўжа Усмонхўжа ўғлининг пошшоликка қарши ваъзини тинглаб ўтиришган экан, эҳтимолки, бунинг ўзлари ташкил қилган бўлса, деб айтишмайдими, бирига ўнни қўшиб айтишади. Тўрттовларининг ҳам қизиб турган бошларидан худди ана шундай нохуш фикрлар ўтарди. Э, худо, э, парвардигор, ноибнинг қаҳридан ўзинг асра. Нега ҳам унга йўл қўйиб беришди, ваъз

бошланиши билан кўкрагидан итариб, қишлоқнинг чеккасига чиқариб қўйишлари ҳам мумкин эди-ку! Гафлат босибди, ҳа, гафлат! Мингбоши билан элликбошини лавозимидан олиб, бой жанобларининг белини пояни буккандек букиб қўядилар энди. Маҳсимча баққолга эса энди кун йўқ: ширкат уюшмасига қўшган сармоясини куйдига чиқариб қўя қолади. Вой, худойим, баққол жанобларини сармоясидан бенасиб қилгунча жонини олиб қўяқолсанг яхши эмасмиди! Ҳасан билан Ҳусан судхўрларни калла уриб ўлдиришга чақирди-я!.. Лаблар чапиллар, миялар тинмай ишлар, юракдаги ваҳима эса кучайиб борар эди.

Нақдгина бўлиб қолган балодан қутулиш учун ҳар хил режаларни ўртага ташлашяпти. Лекин ҳеч бири мақбул эмас. Абдурахмонбой бетоқатроқ, Сухбатни тезроқ яқунлаб, тезроқ ёш хотинининг қўйнига киришга ошиқади:

— Менга қара, ўша ахборотномани қачон ёзмоқчисан? — сўради мингбошидан.

— Ҳозир ёзиш керак, — шошилиб деди Мулла Зариф.

— Тезроқ ёз бўлмаса, — ух тортиди бой, — тобим келишмайроқ турибди, ётиб дам олмоқчиман.

Мулла Зариф чаққон йигит, хату саводи ҳам бинойидек, ҳийла тажрибали ҳам. Икки пиёладан қимиз ичиб улгурмасларидан ахборотномани ёзиб тугатди. Тошфонуслардан бирини яқинроқ келтириб ўқий бошлади:

«Риштони дилкушо музофотининг ҳокиму меҳрибони, барча фуқаронинг пушт-паноҳию ҳалоскори, дини исломиятнинг ҳимоячисию ривожбардори, камбағалпарвару етимпарвар, тадбирқору уддабурро ва яна барчамизга тарбият бериб камолот осмонига кўтарган Шакархон ноиб жанобларига. Ушбуни арз қилгувчи менким, Пандигон даҳасининг ҳокисор мингбошиси Мулла Зариф Мулла Асқар ўғлидирман. Бу оқшом Уйрат Пандигон гузарида бўлиб ўтмиш кўнгилсизлик туфайли бошимиз ҳам, қалбимиз тўла ғуссадир. Жаноблари олдида гуноҳи азимга ботганимизни ҳам арз қиладурмиз. Авомни йўлдан уриб, бошавойлар тарафига ағдармоқчи бўлган, мулкдору ҳокимларни ва демакким, оқ пошшо ҳазрати олийларини ҳам тийиб; жиловлаб қўймоқ керак деб, инқилобий оятлар ўқиб мағруза айтаётган инқилобчи Бузрукхўжа Усмонхўжа ўғлининг фитнаи ғаразидан хабар торғач, биз дарҳол гузарга етиб бориб бузгунчиларни қуршовга олиш тадоригини кўра бошладик ва шу аснода ҳалоскоримизу пушти паноҳимизнинг миршаблари бирла навкарбошилари ҳозир бўлиб, инқилобчиларни биздан олдинроқ ҳибсга олдилар. Мулла Маҳмуд дини исломият душмани — жадиддир. Бузрукхўжа тахту иқболимиз, орому осойишталигимиз душмани — бошавойдир. Аларни Сибир қилдирмоғингизни Пандигон фуқароси номидан сўраб қоладурмиз. Далили-исботи — айтган мағрузасидир. Мағруза баёни маҳсус қоғозга битилиб ва юрт ағёнлари Кенжа элликбоши жаноблари, Абдурахмонбой жаноблари, Маҳсимча баққол жаноблари бармоқ босиб, жанобларига маҳсус етказурмиз ва фуқаро осойишталигини тикламоқ ва фитнакорларни жазоламоқ ва минбаъд бундай кўнгилсизликларга йўл қўймаслик умедида бир талай чоралар белгилеганимизни жанобларига мағлум қиладурмиз. Чунончиким, бошавой Бузрукхўжанинг падарибузруквори Абдурахмонбой жанобларининг мулкида чорикордир. Жамики ер ҳам зироатлари ундан тортиб олинди, очлик жазосига маҳкум қилинадурлар. Ғаразли томошалар кўрсатиб, фуқаро қалбига қутқу солган қўғирчоқбозлар Ҳасан билан Ҳусан Умрзоқ қассоб ўғилларидан қўғирчоғу томоша ашғлари тортиб олинди, ёқиб юбормоқни маслаҳат кўрдик. Бошавой Бузрукхўжа фитнали мағруза айтганда жисми ҳам қалби билан у тарафда туриб ҳайбаракаллачилик қилган Мақсуд қори, Мулла Сотволди, Мадумар карнайчи, Рустам батрак, Зулпиқор ўспиринларга қирқ тангадан жарима солишни режаладик.

Худоё бахтимизга ҳамиша омон бўлгайсиз, облоҳу акбар!

Бармоқ босдим камина қўлингиз

Мулла Зарифдирман».

Мингбоши нома ўқишни тугатиб, бойга қаради. Абдурахмонбой кучли қимиз таъсирида кайфи ошиб, хаёлан ёш хотинини бағрига олиб эркалаб ва ўзича:

— **Хўкиз хўпда семирар,
От байловда семирар,
Қўй яйловда семирар,
Ўшт пичокда семирар,
Қиз кучокда семирар,**

— деб бир маҳаллар ёд олган шеърини пичирлаб ўқиб ўтирганидан аборотномани деярли эшитмади. Шундай бўлса ҳам:

— Маъкул, — дея бир қўзғалиб қўйди, — ҳозироқ Риштонга жўна. Ноибнинг дарвозахоналари олдида пойлаб ўтир. Бомдод намозига чиқаётганларида қўлларига тутқаз. Бўлмаса ҳаммамиз хароб бўламиз. Энди қўзғалайлик... Мен жиндак чўзилмасам бўлмайди; иситмам бор. Омин, облоҳу акбар!

Бошқалари ҳам юзларига фотиҳа тортишди.

Худди шу пайтда аёнлар юзларига фотиҳа тортиб, кимдандир ўч олмоқчидек қўлларини мушт қилиб ўринларидан тураётган бир дақиқада, тўлин ой Пандигон осмонини кундуздек ёритиб, оппоқ нурлар тўкаётган, боғлардаги булбуллар ишқ куйида маст бўлиб, чақчақлашиб оламини қўшиққа тўлдириб турган шу сеҳрли бир паллада, қишлоқнинг нариги чеккасида бошқа бир маслаҳат ҳам бўлмоқда эди. Кечагина туғилиб, бугун жон таслим қилай деб турган инқилоб қўмитасининг аъзолари Зулфиқорнинг ўрикзорига тўпланишиб, маслаҳат устига маслаҳат қурмоқда эдилар. Оқшомги ногаҳоний зарба ҳаммаларини довдиратиб қўйганидан ҳеч биридан дурустроқ бир маслаҳат чиқмаётгандек эди. Ораларида ёши улуғи, қолаберса қўмита раисининг муовини Мақсуд қори ҳисобланади. Бора-бора суҳбат жиловни унинг қўлига ўта бошлади.

— Хўш, — деб ёнида ўтирган ўспириннинг тиззасига бир уриб қўйди, — ёш бўлсанг ҳам балодаккина ақлинг бор. Айт-чи, ҳалиги жумбоқ масалдаги уч кишидан қай бирини суд қилиш керак? Бузрукхўжа аканг гапини поёнига етказолмай қолди. Уни биз етказмоғимиз даркор, тўғрими?

— Тўғри, — деб қўйди Зулфиқор.

— Хўш, учовидан қай бирини суд қилишимиз керак?

— Билмадим.

— Ана шунақа, укам, зарур маҳалда ҳаммамиз ҳам ҳеч нарса билмайдиганга чиқиб қоламиз. Билмасанг билиб қўй, омборига дону дунларини беркитиб, йўқсилнинг энг сўнгги бурдасини тортиб олиш учун ёлғон гапирган бойни суд қилиш керак.

— У ўлди-ку!

— Аввал тирилтириб, кейин суд қиламиз-да, яна ўлимга ҳукм қиламиз. Тушундингми?

— Тушундим.

— Хўш, бу гапни ким айтди?

— Сиз.

— Йўқ, бу гапни Бузруквой айтмоқчи эди, айтолмай қолди. Абдурахмонбой, Маҳсимча баққоллар гўдақларимизнинг оғзидаги сўнгги бурдани тортиб олмаяптиларми, олишяпти! Хўш, чайнаб турган нонимизни олдирмаслик учун нима қилишимиз керак? Бирлашиш керак, билдингми? Хўш, бу гапни ким айтди?

— Бузрук акам айтган.

— Йўқ, буни Ленин айтган. Жамики батрақлар, қароллар, мардикорлар бирлашсин, деди. Бирлашиш нима эканлигини биласанми?

— Биламан.

— Йўқ, билмайсан... Бир одамнинг тўртта ноаҳил ўғли бўлган экан. Ноаҳил бўлганлари учун бегона кишилардан калтак егани еган экан. Отаси тўртта таёқ келтирибди-да, биттадан олиб тиззаларингга уриб синдиришларчи дебди. Синдириб ташлашибди. Оталари яна тўрт таёқ келтириб ҳаммасини бир қилиб боғлабди-да, энди синдиришларчи дебди. Синдиришолмабди. Ана шундан сўнг ака-укалар бирлашиб кетишган экан. Тушундингми, мулла Зулфиқор?

— Тушундим, амаки.

— Хўш, бу гапни ким айтди?

— Ленин айтган.

— Йўқ, буни мен атаяпман. Ҳа, укаларим, Пандигон йўқсилларини бирлаштириш учун Бузрухўжа фотиҳа бериб кетди. Биз уни охирига етказишимиз зарур. Ҳасан бола, кечаси қаллик ўйнаганмисан дейман, мунча мудрайсан?

— Мудраганим йўқ, сукут қилаяпман.

— Қани бошингни кўтариб менга очигини айт-чи, Бузрухўжа камокдан келгунча мен раисманми?

— Раиссиз!

— Бўлмаса, укаларим, топшириқ бундай. Эртадан бошлаб Бузрукни қутқаришга уринамиз. Қўлимиздан келмаса Қўқонга бориб большевиклар кўмитасига хабар қиламиз. Ўша ерда ўртоқлари кўп унинг, қутқаришади. Ундан кейин кўмитани кучайтириш учун ҳар биримиз учтадан аъзо топамиз, ишонарли жўраларимизни тарғиб қиламиз. Агар, хўб бўлса, қани муштларингни муштумининг устига қўйинглар-чи. Ҳой, карнайчи, мунча имилладинг, бўлақол. Бу ёғи ўзи тонг отай деб қолди, ҳа, баракалла! Хўш, Зулфиқор муштларимиз бирлашиб гурзидек бўлдимми?

— Бўлди.

— Абдурахмонбойнинг бошига урсак, ўладими?

— Худо хоҳласа, тил тортмай ўлади.

— Пандигон йўқсилларини ҳам ана шундай мушт қилиб бирлаштирамиз... Тонг отай деб қолди. Энди тарқалайлик. Зулфиқор раҳматли даданг кўп яхши одам эди-да. Қўли очик, сахийликда унга тенг келадигани йўқ эди. Қовуни пишса олдини менга берарди! Ҳандалагинг банжийда бўлганга ўхшайди, қара, ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетяпти. Тўрттагина узиб чиқ. Мана бу уйқисираб турган акаларинг бир ҳузур қилишсин. Янгилик-да, савоби дадангга тегади.

Зулфиқор ҳандалагини бозорга мўлжаллаб ўтирган эди. Шунинг учун:

— Урикка тўйдиларинг-ку! — деб қўйди.

— Э, қўйсанг-чи, ука, — қўл силтаб ўрнидан туриб кетди Мадумар карнайчи, — ўригингни офтоб урган экан, ичимни гулдиратиб юбора-япти.

Зулфиқор чор-ночор ўрнидан туриб тўртта банжийда ҳандалак олиб чиқди. Ҳандалакни ея туриб жўралар раҳматли Ҳамроқул бобони яна эслашди. Гўринг тўла нур бўлгур ўртоқларидан ҳеч нарсасини аямас, қовун сайлига келганларни обдан тўйғизиб, яна иккитадан бериб ҳам юборар экан. Зулфиқор дадасининг номини эшитгач, кўнгли бузилиб меҳри товланди-ю, кетма-кет кириб этак-этак ҳандалак узиб чиқа бошлади.

Кеча оқшом уларни банди қилиб олиб келишган. Уша заҳотиёқ сўроққа тутмоқ мумкин эди, лекин қиз ўзи қочиб кетган бўлса, бу кеча қайтиб келар, деган пинҳона бир умид бор эди, келмади. Ноиб туни билан ухлаёлмади. Ҳар гал мана шундай дилгир бўлган пайтларида қизлар етимхонасига бориб маишатга берилса, дарди ёзилиб, дили чарогон қайтарди. Еди, ичди, гўзалларни тиззасига ўтқазиб ўйнади — йўқ бу гал дилгирлиги ҳеч тарқамади. Гулнора қизнинг масъум

боқишлари, ийманибгина чой узатишлари, совға олаётганидаги торти-
нибми, ийманибми чиройли бошини ибo билан ерга эгиб туришлари...
Гул эди, нақ тонгда очилган атиргулнинг ўзгинаси эди!

Ноибнинг ичи, бағри ёниб кетяпти, шу атиргудан ажралиб қолгани
учунгина эмас, йўқ бошқа бир боиси ҳам бор бу куйинишнинг. Ша-
кархондек қудратли ноибнинг хасмига кўз олайтиришга кимнинг ҳадди
сигди экан, унинг мулкига бостириб киришга ва демак шаънини оёқ ости
қилишга қайси зот юрак ютди экан! Фақат қиз ўғирлангани йўқ,
ноибнинг иззат-нафси ҳам ўғирланди, мана шунинг учун ҳам ёниб
кетяпти у. Эрталаб Мулла Зариф мингбоши ташлаб кетган ахборотнома-
ни қайта-қайта ўқиб чиққач, қаршисида яна Бузрукхўжа намоён бўлди.
«Уша қилган бу ишни,— дея қўлидаги қоғозни гижимлай бошлади
Шакархон,— қизни ўғирлаб кетиб, ҳимояга муҳтожлик сезган йўқсил-
ларни оёққа турғазмоқчи бўлган. Қўлга тушдинг, худо хоҳласа, Сибирга
кетасан энди. Умрбод кетасан! Суяқларинг музлар остида қолиб кетади.
Ноибга қарши кўтарилган қўл синдирилиши керак, ёмон боққан кўз
ўйиб олиниши керак. Ўйиб оламан кўзларингни!»

Ҳокимликда жорий этилган тартибга кўра жиноятчи деб ҳибсга
олинган шахсни аввал миршабхонада тергов қилишар, жинояти борлиги
аниқланса, шу жиноятнинг катта-кичиклигига қараб, жиноятчини
жавобгарликка тортмоқ учун ё қозиликка, ёки уезддаги мировой
судьяларга ўтказишарди. Бундайларга, одатда, Шакархон аралашмас-
ди. Бу гал ўзи тергов қилмоқни ихтиёр қилди-ю, бошини кескин кўтариб,
саволга маҳтал бўлиб турган навкарбошига юзланди:

— Демак, қизни шу иккови ўғирлаган дейсанми?

— Худди шундай жаноблари! — ўнг қўлини қўксига қўйди Зокир
калла, — яна айтаман. Уша куни маҳкамангиздан чиқиб кета туриб,
яхшиликча бермасанг, ёмонликча олиб кетамиз, деяётганларини ўз
кулоғим билан эшитганман. Яна ўша оқшом соқчиларим икки шубҳали
отлиқни етимхона атрофида кўрганлар.

— Бор, олиб кел бу ёққа!

— Икковларини ҳамми?

— Аввал Бузрукни олиб кел. Калласи ликиллаган муллаваччадан
ҳеч нарса чиқмайди. Бузрук бошчилик қилган бу ишга.

Бузрукхўжа, қўли орқасига қилиниб, кишан урилган ҳолда кеча
оқшомдан буён зах, ҳам қоронғи хонада ётар экан, шу маърузам
туфайли ҳибсга олдилар, демак, гузардаги йиғилишга фақат бизгина
эмас, улар ҳам тайёргарлик кўришган экан-да, ким сотди экан бизни,
мени сиёсий жиноятчига чиқариб, Қўқонга жўнатсалар ҳам ажаб эмас,
деб ўйлаётганди. Ноибнинг маҳкамасига кириб, юзма-юз бўлгунча ҳам
шу фикрда эди.

Шакархон анчагача унинг юзига қарамади, ўқтин-ўқтин кўзгалиб
келаётган ғазабини боса олмаётганлиги шундоққина кўриниб турарди.
Мумкин қадар юмшоқ гапириб, ўғлим-ўғлим дея ўз томонига ағда-
ришга, қалбини юмшатиб олгач, ана ундан кейингина гап очиб, ҳа,
майли, бўлари бўпди, ўзим ҳам бугун-эрта аравада жўнатиб юбораман,
деб турувдим, энди тўйни қачон қиламиз, деб сўрашни режалай
бошлади. Шу қарорга келгач, бошини кўтариб, Бузрукхўжа билан
нигоҳлари дуч келди, йигитнинг кўзидаги ўтдан вужуди яна куйиб
кетгандек бўлди...

— Гапир! — деди чақалоқникидек кичкина мушти билан остидаги
кўрпачани уриб, — қизни қаерга беркитдинг?

— Гапингизни тушунмаяйман? — деб қўйди Бузрукхўжа.

— У, анқов бўлиб қолибдилар-да?

— Жаноблари очиқроқ гапирсалар.

— Энди қўшмачилик қилмоқчи бўпсан-да? — Ноиб сакраб туриб
Бузрукхўжа томон битта-битта босиб кела бошлади, — кунинг қиз ўғир-
лаб сотишга қопти-да, пасткаш! Елвориб пул сўровдинг, бермовдим.
Алам кипти-да. Гулнора қаерда?

— Сизнинг етимхонангизда-ку, у.

— Сен уни аввалги кун кечаси ўғирлагансан.

— Ўғирлагансан?!

— Ҳа, муттаҳам, сен ўғирлагансан уни!

Бузрукхўжа бир дақиқагина довдираб турди. Хонадаги ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетгандек, кўз остини туман қоплаб кела бошлади. Тухматга чидай олмасди у. Энтикиб кетди.

— Гапир, нега жим қолдинг!

Хайрият, довдираши ўтиб кетгандек бўлди. Фикри ёришиб кела бошлади. «Ўзлари атайлаб беркитишган, — деган фикр барқ уриб ўтди бошидан, — мени бадном қилишмоқчи. Чақчайиб турган бу кўзларда ёвузлик бор, фитна бор!»

— Мен ўғирлабманми? — бақириб юборди Бузрукхўжа.

— Ҳа, сен ўғирлагансан! — шундай деб қиличини ўйнатиб турган навкарбоши Бузрукхўжа томон кела бошлади, — кечаси отга ўнгариб қочгансан. Муллавача отингни орқангдан қамчилаб борган.

— Елгон!

— Кўрганлар бор.

— Олиб кел ўшаларни, юзлаштир.

— Тонасанми, номард! — оғзидан кўпик сачратиб қичқирди Зокир калла.

— Ўзинг номардсан. Эҳтимол, қизни ўзинг ўғирлагандирсан!

— Чопиб ташлайман ҳозир!

— Риштонда энг катта ўғри сенинг ўзингсан!

— Мана сенга қиз ўғриси, мана! — навкарбоши Бузрукхўжанинг юзларига қамчи тортиб юборди. Яна қўлини баланд кўтараётганди, ноиб: «бас!», дея қичқирди. Учовлари тик турганларича, қисқа-қисқа нафас олиб, бир-бирларига хўмрайиб қолишди. Нигоҳлар қаҳрли, бир-бирларини тириклайин еб қўйгудек бир алпозда эдилар. Ноиб қайтиб ўрнига ўтирди:

— Демак, бўйнингга олмайсанми, ўғри?

Жавоб қайтмади.

— Бари бир, тан олишга мажбур қиламан!

Бузрукхўжа тишларини ғижирлатиб чуқур энтикди. «Йўк, нима десанг ҳам ўринсиз бу ерда, — фикридан ўтди унинг, — ҳаммасини олдиндан тайёрлаб қўйишган». Ноиб қўли билан олиб чиқ дея ишора қилиб қўйди-ю, асабини босиш учун бўлса керак; бармоқларини сиқиб, қисирлата бошлади. Мулла Маҳмуд кирганда у ўзини ҳийла тутиб олган, жимжалоғимга тенг келмайдиган йигитга ҳам жаҳл қилавераманми дея ўзини юпатиб ҳам ўтирган эди.

— Э, мулла йигит, сени ҳам қўлингга кишан урдиларми? — дея меҳрибон бир оҳангда сўради ноиб. Мулла Маҳмуд унинг қувлик қилаётганлигидан беҳабар, худди дадасига арз қилган ёш боладек ўпкаланиб:

— Қаранг бу золимларни! — деб қўйди.

— Ечиб ташла, — нега бундай қилдинг дегандек бир оҳангда деди ноиб. Мулла Маҳмуднинг қўли кишандан бўшагач, яна қўшимча қилди, — бу йигитнинг қўлига ҳеч қачон кишан урманглар. Хўш, мулла, тўйни қачон қиламиз?

— Қайси тўйни? — шошилиб сўради Мулла Маҳмуд.

— Ахир, сен ўғлим, Гулнора қизим, сен унинг қаллиғи бўласан-ку. Эсингдан чиқдими, олиб кетмоқчи бўлиб келувдиларинг-ку?

— Ие, ҳа... — ғалати бир оҳангда деди Мулла Маҳмуд.

— Хўш, тўйни қачон қиламиз?

— Энди бу сизга боғлиқ, жаноблари қачон десангиз бошлайверамиз. Ахир, сиз унга ота бўласиз-ку, отанинг рухсатисиз тўй бўладими?

— Баракалла, ўғлим, эсли йигит экансан. Худо хоҳласа, ўзим тепасида туриб, катта тўй қилиб бераман, — Шакархон қувлик беркинган кўзларини қисиб бир дақиқа жим қолди, — лекин андак гўрлик қилибсизлар-да. Ҳа, майли, бўлар иш бўпти. Ҳозир қаерда турибди?

— Кимни сўраяпсиз?

- Гулнора қизимни айтаяпман.
- У сизнинг етимхонангизда-ку?
- Қўй, энди бунақа гапларни. Бугундан эътиборан биз ота-боламыз. Очиқчасига гаплашайлик, тўйни қачон қиламиз?
- Қачон десангиз.
- Гулнора қаерда?
- Айтдим-ку, етимхонада деб.
- Бузрукхўжа бўлса бошқа гапни айтди.
- Уртоғим нима деди?
- Мулла Маҳмуд иккимиз Гулнорани ўғирлаб кетишга мажбур бўлдик. Бермайман деганингизга шундай қилдик. Энди бўлар иш бўлди, бизни кечиринг, товба қилдик, деди-ку?
- Мулла Маҳмуд ёқасини ушлаб сеқин ўрнидан тура бошлади:
- Е тавба, Бузрук айтдимми шу гапларни?
- Мана, навкарбоши гувоҳ.
- Қачон ўғирлабмиз ўзи?
- Аввалги куни кечаси деяпти ўртоғинг.
- Е тавба... аввалги куни кечаси бизникида эдик-ку. Ҳеч ёққа чиққанимиз йўқ, улфатлар тўпланишиб ўтирган эдик.
- Улфатлар дедингми?
- Ҳа.
- Нега тўпланган эдиларинг?
- Қўмита тузмоқчи эдик.
- Қўмита?— ноиб навкарбоши билан зимдан кўз уриштириб олди,— қанақа қўмита?
- Инқилоб қўмитаси.
- Ҳмм, жуда яхши қилибсизлар. Ўзи ҳамма жойда шунақа қўмиталар тузляпти. Бирі ошкор, бири яширин ишлаб турибди... Раисликка кимни сайладиларинг?
- Кимни бўларди, шу сизга ёлғон гапириб чиқиб кетган Бузрукни-да.
- Аъзолари-чи?
- А?.. Аъзолари?— мулла Маҳмуд гоят махфий тугилиши керак бўлган сирни кетма-кет ошкор қилиб қўяётганини тўсатдан сезиб қолди. У Гулноранинг ўғирланганини эшитгандаёқ довдираб қолганди. Кўз ўнгиди қизнинг суврати-ю, фикри-хаёллари қаёқдалигини ўзи ҳам сезмасди. Ўзига келгач, ишни расво қилдим деб ўйлади-ю, оғзини ярим очганча анграйиб қолди.
- Нега жим қолдинг, гапир ўғлим.
- А?
- Аъзоликка кимлар сайланди деяпман?
- Нимага?
- Қўмитага кимлар аъзо бўлди деяпман?
- Билмайман.
- Ҳозир айтаётувдинг-ку?
- Энди билмайман...
- Биласан, ўйлаб кўр, ўғлим.
- Нимани?
- Гулнора қаерда?
- Етимхонангизда.
- Уни ўғирлаб кетибсизлар-ку?
- Жаноблари, мен, мен бир хил бўлиб кетаяпман. Хушим ўзимда эмасдек.
- Зокир, ўзига келтириб қўй муллаваччани!— шундай деб Шакархон шошилиб ташқарига чиқиб кетди. Навкарбоши «хушига келтириб қўйиш» қанақа бўлишини яхши биларди. Мулла Маҳмуднинг ёқасидан сиқиб туриб юзига уч-тўрт тарсаки туширди. Йигит чиндан ҳам ўзига келгандек бўлди. Кўзлари чарақлаб очилиб кетди. Кулимсираб орқасига қайтган ноиб иягини ушлаб турган мулла Маҳмуднинг қаршисида тўхтади:

— Хўш, куёв бола, қиз қаерда?
— Қасам ич десангиз, қасам ичаман. Лекин Гулнорани биз ўғирлаганимиз йўқ.

— Қани, қасам ич-чи.

— Худо урсин!

— Яна.

— Қуръони шариф урсин!

— Яна.

— Нон урсин!

Ноиб ҳузур қилиб қасам ичаётган Мулла Маҳмуднинг ёқасидан сиқиб ўзига тортди-да, худди жиркангандек яна нари итариб ташлади.

— Икковини ҳам қопга сол, иқрор бўлгунча қоп оғзини ечма, — деб буюрди навқарбошисига.

«Йигитмисан, йиғлама!»

Хўл қопга солиб, қамчи билан бир неча бор савалашди. Бир неча бор хушларидан кетишди. Кун ҳисобини ҳам йўқотиб қўйишган. Уч кун бўлдимиз, бир ҳафта бўлдимиз, билишмайди. Ноиб ҳам, навқарбоши ҳам кўринмай қолди. Темирбек сўрапти: «Қиз қаерда, айтасан! Инқилоб қўмитасига кимлар аъзо бўлган, айтасан!..» Савол шу, жавоб ҳам бир хил — билмаймиз. Кейин яна шу ерга, зиндонхонага олиб тушиб, тўрт соқчи бирдан ёпишиб қопга солишгач, жимлик чўқади. Тўрттовларининг тап-туп қадам ташлаб, зинадан юқорига кўтарилаётгани эшитилиб туради. Қимдир шошилиб тушиб келади. Аввал бир-икки тепади, кейин шипиллатиб қамчи ура бошлайди. Ураётган ким бўлди экан, зарби қаттиқ, яна бир хил. Демак, ҳар куни бир киши уряпти уларни, ким бўлди экан у? Вужудлари қарахт бўла бошлайди. Оғриқ сезилмай қолади. Уйқуми, аллами, нимадир ором бера бошлайди. Кўзларининг олди қоронғилашади-ю, шу қоронғилик ичида ўзлари ҳам йўқ бўлиб кетишади...

Бузрукхўжа аста-секин ўзига кела бошлади. Кўзини очиб, анчагача лоқайд ётди. Зах ерда ёнма-ён чўзилишган экан. Мулла Маҳмуд ухлаяпти шекилли, бир меъёрда нафас оляпти. Отхона томондаги тўйнуқдан ёруғ тушиб турибди. Демак, кун чиқибди. Отларнинг кишнагани, дупури баралла эшитилапти. Демак, ҳали уларни аравага қишмаптилар... «Қамоқхонаси бор деб юрсам, зиндонхонаси ҳам бор экан-да, — ўйлайди Бузрукхўжа, — оббо ноиб-ей, эҳтимол, бунақа зиндондан бир нечадир, катта отхонанинг ости қат-қат зиндондир... Яна кимлар бор экан?..»

— Бузрук, хў, хўжам, — чақирди Мулла Маҳмуд.

— Нима дейсан, — жўраси томон ўғирилди Бузрукхўжа.

— Уйғоқмисан?

— Ҳа.

— Бир ажойиб туш кўрибман, ўртоқ.

— Айт-чи.

— Тўхта, таҳорат қилиб олай.

— Сув йўқ-ку, кечаси ичиб қўйганман.

Мулла Маҳмуд кулимсиради:

— Нима бало, ичинга шоли экканмисан, ҳеч қолмадимиз?

— Бир қултумгина бўлса керак. Тушингни айтавер.

— Вой, шунақа бир тушки, дўстим, қани энди ўнгимда бўлса!

Гулнора билан тўйимиз бўлаётган эмиш. Келин тушти қилиб олиб келаётганмишмиз. Орқада ясатилган аравалар, энг ўртасида соябонига қип-қизил бахмаллар ёпилиб, кумуш қўнғироқчалар осилиб, безатилган аравада Гулнора келяпти. Сен билан мен олдинда оқ от миниб бораётган эмишмиз. Ҳар отларки, будутга сапчийди! Бошимда олтин жиға, устимда шаҳзодалар киядиган зарбон тўн, Мадумар карнайчи шо-гирдлари билан кумуш карнай чалишаётган эмиш...

Мулла Маҳмуд хўрсиниб жим бўлди.

— Хўш, кейин нима бўлди? — қизиқиб қолди Бузрукхўжа.
Мулла Маҳмуд яна хўрсинди.

— Отдан йиқилдим. Ўрнимдан туриб қарасам, от ҳам, Гулнора тушган ясоғлиқ арава ҳам йўқ... Уни ростдан ҳам ўзлари беркитишди-микан-а?

— Ноибнинг қўлидан ҳар иш келади, — деб қўйди Бузрукхўжа, — мақсади бизни бадном қилиш. Йўқ жиноятни бўйнимизга қўйиб, Сибирга бадарға қилади-ю, Гулнора қочиб кетган экан, қайтиб келди, деб яна безрайиб тураверади.

Мулла Маҳмуд бошини алам билан чайқади:

— Демак, ёмон туш кўрибман-да?

— Унчалик эмас, — дўстининг кўнглини кўтарган бўлди Бузрукхўжа, — энг муҳими, тушингнинг бошланиши яхши. Оқ отга минибсанми, демак, муродинга етасан. Гулноранг билан қовушасан, ўзим куёвжўранг бўламан. Еру кўкни гумбурлатиб карнай чалдирамиз... Лекин оқ от топишининг иложи йўқ. Хўп десанг, Мадумар карнайчининг оқ эшагига миндириб бораман.

Бузрукхўжа кулди, қотиб-қотиб кулди. Шу баҳона бўлиб ўрнидан турди-да, кўзани келтириб, жўрасига узатди:

— Ма, озгина ичиб ол.

— Ие, суви тўла экан-ку?

— Атайлаб бермадим. Таҳоратга ишлатиб қўйсанг, кечгача нимани ичамиз. Хўп, гап бундай, тушинг яхши. Уни ҳақиқатга айлантириш учун ҳаракат қилиш керак, қочамиз!

— Яна бошладингми шу гапни?

— Уч хил режа тузиб қўйдим. Қулоқ сол. Нега юзингни ўгириб олдинг?

— Мен қочмайман.

— Хў ёруғ тушаётган туйнукчани кўраяпсанми? Ушанинг атрофини кесиб катталаштирса бўлади. Тепаси отхона, кечаси отлар боғланганда қиламиз бу ишни. Нима билан кесамиз дейсанми? Кўзани синдириб сополдан арра ясаймиз.

Мулла Маҳмуд афтини ғалати бужмайтирди:

— Сопол билан ёрочни кесиб бўлармикан?

— Бўлади, илгари кесиб кўрганман. Ё мен сенинг елкангга чиқиб арралайман, ё сен менинг бошимга чиқасан.

— Бир арава келасан-ку, мен сени қандай кўтараман?

— Бошқа режа ҳам бор. Хў, зинанинг тепасидаги қопқоқни кўраяпсанми? Ушанинг ошиқ-мошиғини кўчирса бўларкан. Фақат бунинг учун бир парча темир керак... Учинчи бир режани ҳам ўйлаб қўйдим. Буниси ҳаммасидан ҳам осон-у, лекин қалтисроқ. Биласанки, ёзилгани икковимизни тенгдан олиб чиқишмайди. Аввал мен чиқиб хожатхонанинг устидаги омонатгина турган шохларни олиб ташлаб қочишга жой ҳозирлайман. Сўнг навбат сенга келади. Сен ўрнимдан туролмайман, замбил олиб келинг деб хархаша қиласан. Шунда мен сени елкамда кўтариб чиқишга розилик бераман... Хожатхонадан у ёғи ноибнинг бедахонаси, у ерда кўп бўлганман.

— Бу режаларнинг ҳаммаси ҳам яхши. Лекин мен қочмайман. Қочсак, айбни бўйнимизга олган бўламиз. Гуноҳи бор эканки, жазодан қочибди, дейишади. Ундан кўра, жўра, сен ҳам менинг гапимга қулоқ сол. Ноиб жаноблари сен ўйлаганчалик аблаҳ одам эмас. Менга мактаб ҳам очиб бермоқчи бўлиб турувди.

— Сен ундан ҳали ҳам марҳамат кутяпсанми?

— Хўш, ҳаммага қилган марҳаматини нега энди менга қилмас экан?

— Кўзингни оч, Маҳмуд, иккимизни Сибирга сургун қилиш учун тайёргарлик қилишяпти. Бекорга қизни беркитишгани йўқ. Бекорга пандигонлик бойваччаларга туҳматдан иборат хатни ёздирмаганлар. Аёнлар бармоқ босган хатни сенга ўқиб беришмадими?

— Ўқиб беришди.

— Хўш, ўша гапларнинг ҳаммаси рост дейсанми?

— Рост бўлмаса ҳам, ҳар қалай, ҳокимларга қарши ваъз айтдинг-ку, ахир!

— Маҳмуд, шунини билиб қўйки, қурбонликка қўй сўймоқчи бўлганларида қўчқорнинг ориқ-семизини танлаб ўтиришмайди. Номига қўчқор бўлса бас! Юртда кўтарилиб келаётган ғалаёнларни бостириш учун сен билан мен уларга жуда зарурмиз ҳозир. Қочамиз, гап шу!

— Бузрук, очигини айтайми!

— Айт.

— Бугундан бошлаб йўлимиз бошқа.

— Нима?!

— Мана сен большевиксан. Сенга қўшилиб нима обрў топдим, қўмитангга аъзо бўлиб, нима наф кўрдим? Оқибати, мана қамоққа тушиб ўтирибман. Уртоғимсан, шунинг учун очигини айтаяпман. Гулнорани севаман, беҳад севаман. Ердамнинг тегармикан деб сенга ёндашган эдим... Сиз, большевиклар умуман хато қиялпсизлар. Оқ пошшони тахтидан ағдариб бўлармикан, ҳокимларни қириб, тугатиб бўлармикан? Йўқ, одамларни маърифатли қилиш йўлини ахтариш керак. Маърифат дилларни мунаввар қилади, зулм дарахтини қуриштириб, яхшиликка ривож беради! Гап шу, ўртоқ, йўлимиз бошқа! У ёғини суриштирсанг, мен сендан кўпроқ ўқиганман. Кўпроқ биламан ҳам. Қочсанг ўзинг қочавер. Қўлимдан келганча ёрдамлашиб юбораман.

— Маҳмуд!

— Гап шу, жўра, мен ноиб жанобларидан ёмонлик кўрмадим. Гулнора топилса, худо хоҳласа, ўзлари менга никоҳлаб берадилар.

— Овсар экансан!

— Қим овсар эканлигини вақт кўрсатади.

— Қароринг қатъийми?

— Қатъий! — ютиниб ёнидаги кўзачага қўл узата бошлади Мулла Маҳмуд.

Бузрукхўжа тик турганча туриб қолди. Хаёлидан минг хил ўйлар ўтар, лекин, ҳеч бирини тутиб ололмасди. Фақат қулоғига ютоққан жўрасининг қулт-култ сув ичаётгани эшитилиб турарди холос. Қайтиб ўрнига борди-да, увадаси чиқиб кетган намхуш тўшакка ёнбошлаб олди. Тўсатдан танида яна оғриқ бошлангандек бўлди. Қон томирлари лўқиллаб, борлиғи куйиб кела бошлади. Сув ичди. Жўрасига бир оз хўмрайиб турди-да, тескари ўгирилиб олди. «Битта бу эмас, аравакашлар ҳам ғалаённи охирига етказа олмадилар-ку, демак ҳаммалари ҳам аждаҳо комида! Дин, жаҳолат, золимлар зулми сеҳрлаб қўйган уларни. Ўзлигини англамайдиган, бу дунёга нима учун келдим, деб сўрамайдиган қилиб қўйган. Ғафлат қоронғисида ҳаммалари кўр бўлиб қолган!»

— Мулла Маҳмуд! — Бузрукхўжа жўраси томон ўгирилди, — ие, йиғлаяпсанми?

— Тегма, — кўз ёшларини қонга бўялган кўйлагининг енги билан артиб деди Мулла Маҳмуд, — ўпкам тўлиб кетяпти. Севардим, жондан ортиқ севардим уни. Аясини, дадасини, укаларини, ҳовлиларидаги қари тутларигача ҳаммаларини севардим. Болалигимданоқ қалбимга кирган эди бу ишқ. Онаси касал ётганда табиблардан дори келтирдим, дадаси вафот этганда ўғлингизман деб қабрига тупроқ тортгандим. Укаларини бағримга боссам тани-жоним яйраб кетарди.

— Маҳмуд!

— Жим тур.

— Йигитмисан, ўзи, йигит бўлсанг, йиғлама, уят бўлади! Ма, сувдан ичиб ол. Айтдим-ку, тирик бўлсам икковингни хўрлатиб қўймайман. Бу хўрлик фақат сеники эмас, бутун Фарғонанинг хўрлиги бу. Хўрликларни тугатмагунча қўлларим муштдан ёзилмайди энди. Ма, ич, ич деяпман!

Мулла Маҳмуд бўйинини чўзиб, яна қултиллади сув ича бошлади.

БҮРОНЛИ КЕЧАЛАР

Қанотли миш-мишлар

Пандигонда ҳаёт тўхтамайди. Гоҳ қувончли, гоҳ ғамгин тўлқин уриб, фуқаро қалбига гоҳ шодлик, гоҳ ғусса ташлаб ўтади.

Тонг отади, қуёш чиқади. Эркаклар далага ошиқади, болалар мол хайдайди, аёллар тушликка уннайди. Кеч киради, ой чиқади. Эркаклар чойхонага жўнайди, болалар бувиси ёнига ётиб эртақ тинглайди. Оналар бешик қўлтиқлаб алла айтади:

— Суюклигим, полвоним, алла,
Дилимдаги армоним, алла.
Истиқболи порлоғим, алла,
Ширингинам, тойлоғим, алла...

Ҳаёт тўхтамайди. Қайсидир боғнинг хилват бурчагида севишганлар бир-бирининг бағрига кириб рози дил айтишади. Кимнингдир уйида варанглаб карнай янграйди. Кимдир ўлади, кимдир туғилади. Адбурахмонбой, бойлигимга бойлик қўшсам, дейди. Маҳсимча баққол, пулимни қандай кўпайтирсам бўларкан, деб бош қотиради. Уйрат Пандигон гузари гоҳ гавжум, худди сайлгоҳдек бўлиб қолади. Гоҳ худди эгаси кўчиб кетган ҳовлидек ҳувиллаб, катта гузарда чўлоқ чойхоначининг якка ўзи қолади.

Баъзан чойхўрлар даврасида қанотли миш-мишлар учиб, пасту баланд шивир-шивирларга сабаб бўлади:

- Эшитдингми?
- Нимани?
- Оқ пошшони тахтдан ағдаришибди.
- Ким ағдарди?!
- Ленин деган аллома.
- Аллома?
- Ҳа.
- Э, анови Бузрукхўжа айтиб юрган бошавойларнинг каттаси ўша бўлмасин тагин! Айтдим-а, бу болада бир гап бор, деб.
- Э, қўшни, бу ёғи яна чатоқ бўлибди.
- Хўш?
- Ўша Ленин деган алломага хиёнат қилишибди.
- Ким хиёнат қилади?
- Каримски дегани бор экан. Ўша пошшоликни қайтариб олиб, яна бойларга берибди.
- Э аттанг, — тиззасига уриб қўяди суҳбатдошлардан бири.
- Бошқа бир куни, чойхонанинг бошқа бир бурчагида яна босинқи суҳбат бошланади. Даврадагилар бутун вужудларини қулоққа айлантириб, нафасларини ичларига ютиб жим турадилар.
- Қани, бой бува, суюнчини чиқараверсинлар.
- Суюнчисига текин чой ичасан. Хўш, нима гап?
- Тўхтанг, дафтаримни очиб олай, ҳаммасини ёзиб келганман.
- Яна ваҳимали гапми?
- Йўқ, худо хоҳласа, бу гал хушхабар. Қўқонимизда биз ҳам пошшолик тузиб олдик.
- А?
- «Шўрои ислом», «Уламо» жамиятлари бирлашиб, «Қўқон мухторияти» деган пошшолик туздилар. Мустафо Чўқаев тахтга ўтирди. Меҳди Чанишев деган генерал жамики қўшинларга лашкар-боши бўлди. Анвар қори тижорат нозири-ю, Ҳамид Муҳаммад ўғли адлия нозири этиб тайинландилар.
- Ҳамид чатоқ қип-қизил ўғри эди-ку?

- Шунинг учун ҳам адлия ноziри бўлдилар-да.
- Хайрият, кофирлардан қутулибмиз.
- Чойхоначи, хў чўлоқ, бери кел! Ҳозир бориб бир қўй топиб кел, сўйдир. Тонг отгунча чойхўрларга зиёфат бер!
- Хўп, бўлади, бой буво!
- Мадумар карнайчига одам юбор. Ака-ука қизиқчиларни топтириб келиб, ўйинга тушир. Тонг отгунча базм қиламиз. У, чопар бола, ма сенга беш танга, хотинингга попукли рўмол олиб бер.

Уша оқшом Мадумар карнайчи келиб Пандигонни бошига кўтариб карнай чалдими, йўқми, ака-ука кўғирчоқбозлару қизиқчилар дўкон кўриб ўйин кўрсатдиларми-йўқми, буниси якка худога маълум. Эҳтимол, Мадумар карнайчи тўрт шогирдини ёнига олиб, томоғини мис қумғоннинг қорнидек шишириб, карнай чалиб еру кўкни зарбли оҳангларга тўлдиргандир. Эҳтимол, ака-укалар гоҳ қизиқчилик қилиб, гоҳ ичак узилди аскиялар айтиб, тўпланганларни хушнуд қилишгандир. Ундоқ бўлганда ҳам, бундоқ бўлганда ҳам Пандигоннинг доирасидан ташқари эмас. Аммо эртасига бошқа бир даврада яна бир суҳбат давом этарди:

- Тўппа-тўғри Қўқондан келдингми?
- Ҳа, дедим-ку.
- Қани, бўл тезроқ.
- Тўхта, бир пиёла чой ичиб олай.
- Пиёда келдингми?
- Пиёда келмай, нима, «Қўқон мухторияти» саман тойчоғини менга миндириб юборармиди! Гап бундай, оғайнилар, Петербургдан, тўппа-тўғри аллома Лениннинг олдидан унинг шогирди Бабушкин келибди. — Бабушкин мард ҳам тадбиркор экан. Якка ўзи Урдага кириб, қозоқ аскарларни большевиклар томонига оғдирибди.

- Бир ўзи-я?!
- Бир ўзи!
- Замбараклари нима бўлибди?
- Замбараклар ҳам большевиклар қўлига ўтибди. «Шўрои ислом» лашкарларини ўққа тутуш учун зўғотасини мойлашаётган эмиш.

- Менга қара, билдингми, Эргаш кўрбоши кимнинг томонини олаётган экан?
- Ўзини хон деб эълон қилибди у.
- Гапингга қараганда, ўртоқ, ҳозир Қўқонда учта пошшолик бор экан-да?
- Бугун-эрта қирғин бошланадиганга ўхшайди.
- Бузрукхўжани кўрмадингми?
- Бабушкиннинг идорасида ишлаётган эмиш.
- Ўзини кўрдингми ахир?
- Йўқ, эшитдим...

Суҳбат охирига етмай қолди. Кўча тарафдан варанглаб ўқ овозлари эшитилди. Отларнинг кишнагани, одамларнинг ваҳима ичида додлагани қулоққа чалинди. «Зокир кўрбошининг йигитлари», бақириб юборди чойхўрлардан бири. Бошқаси сапчиб туриб, ўртадаги чироқни ўчирди. Ким ўзини эшикка урган, ким даричадан сакраган, кимдир сўри остига кириб устига тўшак тортган...

Ташқарида эса чинакам шамол-тўполон бошланади. Худди оч бўридек увиллаб, дарахтларнинг яланғоч навдасига, томларнинг бўғотига урилиб, ҳуштак чалиб, оламни ваҳимага тўлдириб бўрон кўтарилиб кела бошлайди.

Зимистон кўчаларга ҳеч ким чиқмай қўяди. Зулмат салтанатининг якка ҳокими Иблис қакалакзордан чиқиб, эснаб, керишади. Чойхона олдидаги якка чинор ёнига келиб:

- Ҳи-ҳи-ҳи, ҳе, ҳе-ҳе. Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ! — деб қора соқолларини силкитиб кула бошлайди. Дашт кўчадан тушиб келаётган Армон бобо чинор тагига етганда елкасидаги оғир хуржинни ерга қўяди:

— Нега кулаяпсан, Иблис?
— Ў, Армон чол, сен яна тирилдингми? — сўрайди Иблис.
— Мен ҳеч қачон ўлган эмасман.
— Кеча сени қабрга тикқан эдим-ку?
— Мен тирикларнинг қалбида яшайман, демак, ҳеч қачон ўлмайман.

— Бугун, ўласан; Армон чол.
— Йўқ, Иблис. Бу кеча мен ҳамма вақтдагидан кўра бақувватман. Худо хоҳласа, сени гўрга тикаман. Қара, бўрон турди, унинг қудратли тўлқинлари ер юзидаги барча ёвузликни, барча разиллигу барча қабоҳатни учириб кетади. Сен беркинадиган қоронғи бурчак қолмайди, ўласан!

— Ҳе-хе-хе!
— Кулма, Иблис.
— Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ!
— Кет бу ердан. Ўтган-кетганлар хунук афтингни кўриб қўрқади.
— Мен қоронғилиқ салтанатининг якка ҳукмдориман, ўзинг кет.
— Ҳозир бошингни ёраман!
— Армон чол, ке аввалги сафаргидек курашга тушамиз. Ким энгилса, ўша кетади.

— Чалиб йикитасан, Иблис.
— Чалмайман, Армон чол.
— Қасам ич бўлмаса.
— Барча шайтону иблислар ҳаққига қасам ичаман!
— Бошладик бўлмаса! — Армон бобо бу кеча ўзини чиндан ҳам бошқача ҳис қиларди. Белида қувват, билагида куч, қалбида ғайрат жўш уриб тургандек эди. Икковлари бир-бировларининг белларини маҳкам сиқиб оладилар.

Иблис шамолнинг увиллашига ҳамоҳанг овоз билан қўшиқ айтади:

— Мен Иблисман, Иблисман,
Рангсиз, нурсиз беисман.
Қора қалблар маконим,
Ёвузларга чин дўстман.

Армон бобо ҳам қўшиқ бошлаб юборади:

— Мен Армонман, Армонман,
Қалблардаги фиғонман.
Армонлилар бирлашса,
Ҳеч энгилмас полвонман.

Кечаги тадбир бугун эскириб қолаётгандек туюлади. Шу сабабли Шакархон кенгаш устига кенгаш чақиряпти. Энг муҳими, ҳокимликни сақлаб қолиш. Бойликни эҳтиёт қилиш. Тангри таоло инояти билан берилган ушбу салтанатда йўқсилларнинг бош кўтаришига йўл қўймаслик, Урусияда, Тошкентда, Қўқонда рўй бераётган воқеалар сийласи Риштон ҳокимлигини ҳам силкитиб-силкитиб ташламоқда. Аммо унинг биноси, гарчи тез-тез дарз кетиб турган бўлса ҳам, ҳали қулагани йўқ. Шакархон тирик экан, худо хоҳласа, қуламайди ҳам.

Бу оқшом яна кенгаш чақирилган! Даҳа мингбошилари, элликбошилар, қозию қуззо, муллою эшонлар иштирок этишяпти. Маҳкаманинг мажлислар кундагина очиладиган танобий хонаси зарбоп тўнли, симобий саллалиларга лиқ тўлган. Олти жойига қирқинчи лампа осилган. Хона кундузгидек чароғон. Юзлардаги асабийлик, кўзлардаги пинҳоний ташвиш шундоққина кўриниб турибди. Қисқагина маърузадан сўнг, Шакархон ноиб қўлидаги мактубни ўпиб, боши узра баланд кўтарди:

— Қўқон мухториятидан! — деди-да, ўтирганларга бир-бир назар ташлаб чиқа бошлади, — аввал ўқиб, сўнгра тадбир белгиласак, маъқулми?

— Маъқул! — саллали бошлар бирдан эгилди.

Шакархон кичкина жуссасига ярашмайдиган йўғон овоз билан ўқий бошлади:

«Мусулмонобод Қўқон музофотининг барча шаҳар ва бўлис ҳокимлари, миршабхона нозирлари ва барча қози-ю, қозикалонларига! Тангри таолонинг инояти бирла Шўрои ислом — Қўқон мухторияти барпо этилганлиги барчангизга муборак бўлгай. Дини имонимиз таянчи мусулмон ҳукуматини ғайридинлардан эҳтиёт сақламоқ мусулмон бандасининг олло таоло олдидаги бурчи — масъулидир. Хиёнат туфайли Қўқон Ўрдаси кофирлар қўлига ўтди. Уни қайтариб олмоқ учун ҳар бир шаҳар ва бўлис ҳокими ўз йигитлари билан дарҳол этиб келмоғи шартдир.

Ва яна фармон берурмиз:

Жойларда маҳфий иш кўраётган ва хусусан большевиклар тарафида бўлган жамики қўмиталар ер билан яқсон қилиб ташлансин. Оллоҳу акбар.

Мустафо Чўқоев,

«Туркистон мухторияти» бош нозирининг муовини».

Мактубни ўқиб бўлгач, ноиб ўтирганларга яна бир-бир назар ташлади: ҳаммаси сукутда, саллали бошлар нақ тиззагача эгилиб тушган.

— Миршабхона нозир Темирбек! — кескин бир овозда деди ноиб, — номани эшитдингизми?

— Эшитдим, жаноблари.

— Хўш, қандай тадбир кўряпсиз?

— Большавойлар номидан тарғиб олиб бораётганларни аниқладим. Эллик уч нафар экан.

— Ҳаммасини қамоққа олинг.

— Қуллуқ, жаноблари.

— Музофотда нечта инқилоб қўмитаси иш кўряпти?

— Еттита.

— Қачон тугатасиз?

— Тўрт миршаб билан уларни тугата олмайман шекилли.

— Улар кун сайин кўпайиб боряптилар.

— Зокирбек! — деярли кичқириб юборди Шакархон ноиб.

— Зокирбек дик, этиб ўрнидан турди:

— Лавозимингиз ўзгарганини биласизми?

— Биладан, жаноблари. Мен Риштон музофотининг бош кўрбоши-си бўламан.

— Нега менинг миршабларимга ёрдам бермаяпсиз? Уч миршаб аввалги куни Пандигондан калтак еб қайтди. Хабарингиз борми?

— Рухсат берсангиз, эртагаёқ Пандигоннинг кулини кўкка совураман.

— Пандигоннинг кулини кўкка совурманг. Қўмитани тугатинг. Бузрукхўжани тириклайин тутиб келинг.

— Хўп бўлади, жаноблари!

Шакархон ноиб тобедаларига бирма-бир топшириқ бериб, силкиниб турган салтанат иморатини мустаҳкамлаш учун тадбирлар кўраётган бир паллада, ёмғир шивалаб, совуқ шамол эсиб турган шу қоронғи куз оқшомида салтанатнинг яна бир устунини мен кўтариб турибман дея ўзига қаттиқ ишонган Хон эшон ҳам бедор эди.

Ҳаво тобора совиб бораётгани учун хасталар совуқ қотиб қолмасин дея бир хилларига пахталик кийим-бош улашди. Бир хилларига

увадаси қалинроқ кўрпа берди. Етмаганларини худо ўзи эҳтиёт қилсин дея чин юракдан дуо қилди. Ҳар галгидек хуфтон намозини уйда, якка ўзи ўқиб юзига фотиҳа тортгач, бошини солинтирганча сукутга кетди. «Худоё бандаи мўминларингнинг дини имонини басаломат қилгин, — шивирлай бошлади — бандасининг қалбидан имон кетса, бундай қалбга инсу жинслар ин қурурлар. Бири жинни, бири овсар, бирининг хаёли паршон бўлиб қолурки, қайтадан аларнинг ёдига худони солмоқ мушкул бўлур. Фарғонада ғайридинлар кўпайиб боряпти. Диндан озган шаккоқлар ҳар одимда учрайди. Буларни дин йўлига қайтармоқ даркор. Қайтмаганларга, пирим тўғри айтадилар, ғазоват эълон қилмоқ керак, ғазоват?!»

Хон эшон худди фикрларини биров эшитиб қолаётгандек, бошини кўтариб, атрофга аланг-жалаанг кўз ташлаб олди. Ҳеч ким йўқ, милтиллаб ёнаётган шам ёруғида якка ўтирибди. Намозгар, пайтида Қўқондан чопар келиб, нома ташлаб кетганди. Уқиганди. Яна кўнгил ўқимокқа мойил бўлиб қолди. Шам томон сурилиб, хиёл энгашиб олди.

«Дини исломиятнинг пушти паноҳи, Фарғона мусулмонларининг пири комиди, пандигонлик Хон эшон ҳазратларига!»

Баъдаз калом шуни маълум қилмоқни ҳақ таоло кўнглимизга солибдурким, аввало «Шўрои ислом»ни ҳам лашкар, ҳам аслаҳа, ҳам озуқа, ҳам ақча бирла таъмин этмоқ ҳар бир мусулмон учун фарзи қийматдир. Аммо Исломият салтанатида болашавойлар таҳдид солмоқ-далар, эл ўртасига лак-лак тарғиботчилар жўнатиб, мусулмонларни диндан қайтариш пайига тушмоқдалар. «Бисмиллоҳу раҳмону раҳим», дейиш ўрнига «пролетарлар, бирлашингиз», деган оятни ёд олдирмоқдаларким, бу гуноҳи азимни фақат қон билан ювмоқ даркордир. Жанобларининг эл ўртасида нуфузлари баланд, обрўлари бағоятдир. Муридларни ғазоватга, имони басаломатларни ҳурриятга кўзгамоқ пайтидур. Зеро, Муҳаммад алайҳиссаломнинг яшил байроқларини баланд кўтарсангиз, диндан чиққанларни жазолаб, ҳазрат Али Шери худодек кофирларга қирон солсангиз.

Авалги номага жавоб бўлмади. Икковига баробар жавоб кутурмиз.

Илоҳа омин «Шўрои ислом» рақибларига қирон келсин», илоҳа омин, кофирлар ер билан яксон бўлсин.

Худо ҳақ, расул барҳақ.

Муҳрим босдим — Наим Қудрат эшон.»

Хон эшон номани ўқиб бўлгач, яна тавоф қилди. Кўзлари чакнаб, юзлари ёришиб кетгандек бўлди. Қалбида қувонч, ифтихор туйғулари мавж ура бошлади. Наим Қудрат эшондек буюк бир ҳазрат муборак қўллари билан нома битадилар-у, қувонмай бўладими! «Лекин ғазоватга ҳали эртароқ, — кўнглидан ўтди пири муршиднинг, — ҳурриятни бошламоқ пайтидир. Бузрукхўжа, Мулла Маҳмудни, мардикордан қайтган чўлоқ кофирни сазойи қилдурурмен...»

— Мулла Қобул! — деб овоз берди эшон.

— Лаббай, — деган овоз эшитилди эшик орқасидан.

— Бери келинг.

Остонада елкаси кенг, серсоқол Мулла Қобул кўринди.

— Ёмғир қаттиқ ёғаётирми, хасталар совуқ қоғиб қолмасмикинлар?

— Баъзи хоналарга танча қурсамми деб турибман, пирим.

— Яхши ўйлабсиз, Мулла Қобул. Сизга топшириқ бундай: ёмғир пасайиши билан қишлоқлар оралаб юринг, муриди ихлосмандларимиздан эллик нафарини бу ерга чорланг. Бамдод намозигача етиб келсинлар. Эртага, худо хоҳласа, ҳуррият бошлаймиз.

Хон эшон савобли ишга чоғланиб «Иншоолло, иншоолло» дея соқолларини силаб-силаб қўяётган чоқда, Уйрат Пандигон инқилоб

қўмитаси идорасида ҳали маслаҳат поёнига етмаган, демак, ҳали чироқ ҳам ўчмаганди.

Аъзолар бирин-кетин йиғила бошладилар. Бузрукхўжа, Сотводди чоракор, Мақсуд қори, Рустам бобо, Ҳасанбой билан Ҳусанбой Мадумар карнайчи, Зулфиқор... боринги, ташқаридаги икки соқчини ҳам қўшиб ҳисоблаганда ўн бир киши бирин-кетин намхуш кигизга чордана қурдилар.

Зулфиқор алоқачи эди. Қўқон большевиклар қўмитаси, беркиниб юриб атрофдаги қишлоқларда тарғибот олиб бораётган Бузрукхўжа ва ниҳоят, мана шу нимқоронғи хонага жамланганларни бир-бирига боғлаб, бирининг гапини иккинчисига етказиб юрган қора кўз, қора қош бу йигитча ҳозир ҳаммалари учун гоят муҳим хабар келтирган.

Бузрукхўжа, гарчи қўмита раисига муовин бўлса ҳам, мажлисни кўпинча ўзи бошқаради. Бу гал ҳам гапни биринчи бўлиб ўзи бошлади:

— Хўш, Мулла Зулфиқор, қани бир бошдан гапир-чи.

Пойгақроқда чордана қурган йигитча шошилиб ўрнидан тураркан, қиз болаларникидек узун киприкларини ўйнатиб:

— Ҳаммасиними?— деб сўради.

— Ҳаммасини.

— Тонг пайтидаёқ Дегризлиқ гузарига етиб олган эдим. Чорсуга бир амаллаб бордим-у, лекин у ёғига ўтиб бўлмади. «Ғишткўприк» дан бу ёғи қўрбошилар қўлида экан. Сал қолди отимни олдириб қўйишимга, Терак мазор гузари орқали вокзалга от қўйдим. Отимни бир танишимда қолдирдим-у, Розенбах кўчасини ахтариб кетдим — инқилоб қўмитаси Хитойбойнинг ҳовлисида экан. Соқчилар шунақа кўпки, дарвозасига яқинлашиб бўлмайди. Биттасини нари суриб ўтмоқчи бўлудим:

— Чего?— деб кўкрагимдан итарди.

Соқчи милтиғини ўқталаётган эди, хайрият, шу пайтда Рустам бобомга ўхшатиб ихчамгина салла ўраган бир йигит ичкаридан чиқиб қолиб, «Нима гап», деб сўради. Мен, Пандигон қўмитасидан мактуб келтирдим, дедим. Саллали йигит мактубни олиб ичкари кириб кетди. Милтиқли соқчи:

— Вот так,— деди. Шу пайт ичкаридан бир ўрис чиқиб:

— Замной,— деди.

Орқасидан эргашдим. Энг ичкаридаги хонага бошлади. Уйнинг тўрида бошига соябони узун шапка кийган, калтагина соқолини мусулмонғиштдек тўртбурчак қилиб тарашлатиб олган, ўрмалаб кетаётган кўнғиздек кичкина мўйловли бир ўрис ўтирган экан. Тўсатдан ўзбекчалаб «Пандигон қайси бўлисга қарайди?» деб сўраб қолса бўладими!

— Риштон бўлисга,— дедим шоша-пиша.

— Деҳқонларнинг кайфияти қалай?— яна сўради ўрис.

— Яхши,— дедим мен.

— Мана бу мактубни қўмитага топширасан,— деди ўрис.

Мактубни олиб чўнтагимга солаётган эдим, шу пайт варанглаб милтиқ овози эшитилиб қолди. Уйнинг тўрт томон ойна экан, чисир-чусур қилиб сина бошлади. Ҳалиги мени бошлаб кирган ўрис «Беги!» деди. Мен ҳам «Беги!» дедим-да кўчага қараб югурдим... Хайрият, отим яхши дам олган экан. Миндим-у, Мингтут орқали бу ёққа чоптирдим.

Мақсуд қори ҳикоя тинглаб, қўлидаги носқовоғини силаб-сийпалаб жим ўтирарди. Зулфиқор гапини тугатиши билан:

— Демак, Қўқонда аҳвол чатоқ экан-да?— деб сўради.

— Война бўляпти!— деб қўйди Зулфиқор.

Мақсуд қори яна жим бўлиб носқовоғини силай бошлади. Бузрукхўжа Қўқондан келган мактубни ҳалидан буён икки бора ўқиди. Қўмита раисига ҳам ўқиб берди. Лекин чордана қуриб, гоҳ ҳаяжонланиб, гоҳ суккутга келиб ўтирганлар ҳали уни эшитмаган, эшитганларидан кейин бамаслаҳат бир қарорга келишлари керак. Бузрукхўжа

чирокни яқинроққа қўйишларини сўради-да, негадир паст, жуда ҳам паст овоз билан ўқий бошлади.

«Ғоят маҳфий.

Жойларда ташкил бўлаётган Камбағал ва Инқилоб қўмиталарининг раислари, жамики аъзоларига!

Петербургда Инқилоб ғалаба қозонди. Хукумат Владимир Ильич Ленин бошчилигидаги большевиклар қўлига ўтди. Аммо чет элдан мадад олаётган оқ гвардиячи унсулар инқилоб самараларини йўққа чиқариш учун жойларда қўзғолонлар уюштурмоқда, фитналар ташкил қилмоқда. «Қўқон мухторияти» ва эсерлар билан бирлашиб олган «Уламо» ташкилотини ҳам ана шу фитнанинг давомидир.

Инқилоб номидан буюраман:

а) жойлардаги Камбағаллар қўмитаси зудлик билан Инқилоб қўмитасига айлантирилсин ва Инқилоб берадиган барча хуқуқ, имтиёзлардан тўлиқ фойдалансин.

б) Инқилоб қўмиталари қошида кўнгилли дружиналар ташкил этилсин ва ошиғич қуроллантирилсин!

Қўқон Инқилоб қўмитасининг ҳаёти хавф остида. Шунини ҳисобга олиб ана буюраман:

Ташкил бўлган дружиналарнинг бир қисми қуролланган ҳолда зудлик билан Қўқон Инқилоб қўмитаси ахтиёрига жўнатилсин.

Бизнинг ишимиз ҳақ.

Биз энгамиз.

Е. А. БАБУШКИН,

Қўқон Инқилоб қўмитасининг раиси.»

Бузрукхўжа хат ўқишни тугатиб жим қолди. Ўзи аллақачон бир қарорга келган, қилиниши керак бўлган режаларни ҳам фикридан ўтказиб қўйган. Шундай бўлса ҳам, жўраларидан фикр эшитмоқчи. Мақсуд қори, номи раис бўлгани учун, ҳадеб носқовоқ ўйнаб жим ўтираверишни эпп кўрмади шекилли:

— Лекин бир жиҳатдан Инқилоб қўмитаси деганлари ҳам маъқул бўпти,— дея гап бошлади,— ҳадеб «камбағал», «камбағал» деяверса ҳам одамнинг руҳи тушиб кетар экан. Инқилоб деган сўзнинг салобати ҳам бошқачароқ. Нима дединг, Мадумар?

Мадумар карнайчи бир қўзғалиб олди-ю, мийиғида кулиб:

— Мен бошқа нарсани ўйлаб ўтирибман,— деди.

— Нимани ўйлаяпсан?

— Бабушкин аскар сўрапти. Агар карнайчи сўраганда ўзим борардим.

— Карнайчи сўрайдиган пайтлар ҳам келиб қолар.

Суҳбатнинг давоми аскияга қараб, кетаётганлигини Бузрукхўжа сезиб турарди. Агар яна бир дақиқа кутса, кейин уларни тонг отгунча тўхтатиб бўлмайди. Ҳамюртларининг феълини яхши билганидан суҳбат жиловини яна қўлига олиб:

— Рустам бобо,— дея ҳалидан буён тўрдаги раиснинг ёнида ўтириб, бармоқлари билан соқолини оҳиста-оҳиста тараётган, ялпоқ юзли, қисик қўз чолга мурожаат қилди.— Хўш, нима қилдик, отряд жўнатамизми?

— Дарахтнинг танасига болта урса шохи силкинади,— шошмасдан деди чол,— танамиз кетса биз шохчалар ҳам дарров қуриймиз. Танани ҳимоя қилиш керак, ўзинг борасан!

— Менми?

— Ҳа, мерган йигитлардан тўрт-бештасини олиб дарров жўна.

— Бор-йўғи бешта милтиқ бор,— гапга аралашди Мақсуд қори,— Бузрукхўжа уларни олиб кетса, мен қўмитани қўрбошилардан қандай ҳимоя қиламан?

— Қўрқма, сен ҳам қуруқ қолаётганинг йўқ. Иккита қилич, ўн тўртта ойболта бор,— Рустам бобо маслаҳат сўраганлари учун ўзини

дадил сезиб, сўраб янглишмаганларини исботлаш мақсадида кетма-кет ақлли гаплар айта бошлади,— ундан кейин, Қори, мана худога шукр, қўмитамизнинг саккиз Пандигонда саксонта аъзоси бор. Демак, саксон паншаха кўтарган йигит ҳам ҳимоянда турибди. Мерганларга Бузрук бош бўлиб боргани яхши. Бошқаси борса довдираб қолади. Лекин милтиқ отаётганда бисмилло деб отинглар. Негаки, бибисмилло ишнинг хосияти бўлмайди.

Кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқди. Беш қуролли йигитга бош бўлиб Бузрукхўжа шу кечаёқ Қўқонга жўнайдиган бўлди. Қўқонга бориши керак бўлган икки йигит ташқарида пойлоқчиликда эди, қолганларига одам юборишди. Бир чой дамлам фурсат ўтар-ўтмас ҳаммалари жамулжам бўлишди. Кутилмаганда хонада кулги кўтарилиб қолди. Жўралар бир-бирларини имлаб, Рустам бобонинг катта ўғлини кўрсатишар, унга боққан киши ҳам шерикларига қўшилиб хаҳолаб кулиб юборар, хона ичи қувноқ қаҳқаҳага тўлиб борар эди. Рустам бобонинг катта ўғли дадаси ҳам кулаётганини кўриб, мендан олдин қизикроқ бир гап бўлган бўлса керак, қўшилмаслик одобсизлик бўлади-ку, деб охири у ҳам қаҳқаҳага қўшилиб кетди. Худди от кишнагандек қилиб гулдураб кула бошлади. Кула-кула нима сабабдандир пастга энгашган эди, оёғига кўзи тушди-ю, суви қуриган тегирмондек тўсатдан жим бўлиб қолди. Қоронғида янглишиб хотинининг атлас иштонини кийиб келган экан, жўралари ана шунга кулишаётган эканлар. Энгашганча ташқарига югуриб чиқиб кетди.

Мадумар карнайчи орқасидан қичқириб қолди:

— Она қизим, ўсма сиқадаган пиёлангни ҳам олиб чиқ. Усма-тасма қилиб, Эргаш кўрбошининг йигитларини бир куйдирасан!

Айрилиқда ҳеч бандаси бахтли бўлмайди

Ҳалимаҳон Усмонхўжа ота хонадонига ойдек келин бўлиб тушди. Отинбиби аянинг айтишича, хонадон худди қуёш чиққандек чароғон бўлиб кетди. Эшон ота уни «қутлуғ қадам» дея суя бошлади. Тўй тарадудини кўраётганларида Бузрукхўжа қамоқхонадан қутулиб чиқди. Тўйдан сал кун ўтгач, Инқилоб бўлиб, гузарда карнай чалинди. Бир парчагина бўлса ҳам Сулаймонхўжага ер тегди. Катта келинлари қўчқордек ўғил туғиб берди. Абдурахмонбой қарзингнинг ярмини кечдим деб рўзгор анжомларини ташлаб кетди. Эшон ота буларнинг ҳаммаси шу келинимнинг пойқадами туфайли бўлаятти деб ҳисоблаб, уни қўйгани жой тополмас, еру кўкка ишонмасди.

Отинбиби ая келини саранжом-саришталигина бўлгани учун бир ой ўтар-ўтмас қозон-товоқни унга топшириб қўйди. Ҳалимаҳон хатли-саводли эди. Гоҳ мавлоно Навоийнинг, гоҳ Ҳофиз Шерозийнинг баёзларидан ўқиб, хонадоннинг туини чароғон қилиб турарди. Зиёда ая келинининг қиёфасида ўзининг ёшлиги такрорланганини кўриб, қувончи ичига сиғмасди. Ўзлари Эшон ота билан саодатли умр кечирганларидек суюкли ўғли Бузруккиналари ҳам шу қора қош, қора кўз, дилбар келини билан бахтли умр кечиришларига ишонганидан уни ўзгача бир меҳр билан суяр, тўю маъракаларга бирга олиб юрар, «келиним Мулла Мусо халифанинг қизлари бўлади» деб мақтанар, фахрланар эди. Ҳалимаҳон ҳам бу хонадонга тушганидан хурсанд, меҳрибон қайнаси, донишманд қайноғаси, дилбаргина овсини, ердан ўсиб чиққандек ердан бошқасини эркаламайдиган камгап қайноғаси борлигидан мамнун эди. Лекин бахт тугал бўлса татиркан. Бахтлиман деб айтишинг учун сенга бахт берган севиқли кишининг қайноқ нафасини туюб ҳам туришинг керак экан. Фақат ўша билангина бахтли бўлишингни, фақат ўша учунгина бу дунёда яшаб турганингни била туриб... У ёнингда бўлмаса, бахтинг ҳам татимас экан. Ажабо, бахтли

эканлигингни фақат ўзинг ҳис қилсанг-у, сени бахтиёр қилаётган кимсага сездира олмасанг, лаззати бўлмас экан...

Тўй ҳам яширинча ўтгандек бўлди. Ўшандан буён суюқлиси онда-сонда бир кўринади холос. Худди тушида кўргандек бўлади уни. Шакархон ноибнинг хуфиялари сезиб қолмасин деб гоҳо ҳафталаб келмайди. Инқилобдан сўнг эса яна ҳам ишлари кўпайиб кетгандек бўлди. Муртазин деган ошнаси билан топишиб олиб, гоҳ Ултармага, гоҳ Қўқонга, гоҳ ундан ҳам нарига ўтиб кетишади. Қишлоқларга варақа тарқатишармиш, тарғибот қилишармиш. Демак, у уники эмас, Инқилобга тегишли, варақаларга тегишли у!.. Қизлик маҳалида янги тушган келинларни куёвлари кўғирчоқдек ясаиб, соягонли араваларга солиб сайлгоҳларга олиб борганини кўрса, эрга тегсам мен ҳам шундай қилдираман, деб орзу қиларди. Дадаси, Мулла Мусо бобо катта деҳқон эди. Кун бўйи даладан бери келмасди. Онаси Ўринбиби ая тушлик олиб борарди. Икковлари марзага ўтириб олиб мириқиб суҳбатлашар, дадаси овқатинг хўп ширин бўлибди-да, деб мақтаса, аясининг юзлари нурланиб кетар эди. Бир чеккада тўптош ўйнаб ўтириб, бу гапларга қулоқ солар, қалбида ўзи ҳам тушунмайдиган, аллақандай туйғу уйғонарди... Орзулари қат-қат эди унинг.. У бўлса, ҳозир қаерлардадир варақа тарқатиб юрибди.

Гоҳо Ҳалимаҳон эрининг бўйнига маҳкам осилиб олади:

— Энди ҳеч ёққа жўнатмайман.

— Ундай дема, Ҳалимам,— дейди эри суюб.

— Йўқ, йўқ, йўқ!

— Мен уйда ўтирсам, Инқилобга ким хизмат қилади?

— Шунча хизмат қилганингиз ҳам етар.

— Ундай дема, Ҳалимам. Қуёш чиқшини орзу қилгандик. Мана чикди, энди унинг нурларини қоронғи хонадонларга олиб кирайлик.

— Назаримда кимдир сизни отиб қўяётгандек, ноиб қайтадан қамокқа ташлаётгандек. Ёмон-ёмон тушлар кўраман, юрагим тўла ваҳима... Уртоғингиз қанақа одам ўзи? Ростини айтсам, ўша кишидан хавотирдаман, кўзи ғалатироқ.

— Э, Ҳалимам, сен уни билмас экансан. Инқилоб учун туғилган йигитлардан у, мард, жасур. Чинакам ленинчи большевик у. Йўқ, сен ундан хавфсирама. Аксинча, ўшанинг тадбирлари туфайли мен омон юрибман. Бўлмаса Шакархон мени аллақачон яна қамаб қўйган бўларди...

Лекин, қизиқ, шу Комил аканинг кўзида ғалати бир нигоҳ бор. Биринчи бор кўрган киши уни ё хоин, ё жосус деб ўйлайди. Ана у кунни Оқерда, чойхонада ўтирувдик. Эски ошналаримдан бири мени чеккага имлаб, қулогимга: «Шеригингдан эҳтиёт бўл, кўзи бежо, тутиб бермасин тагин», дейди. Ҳа, унинг кўзи шунақароқ. Бир умр қувғинда юрган. Одамларга зимдан боқавериб кўзи мана шунақа ўғрикўз бўлиб қолган. Лекин ўзи асл йигит. Қани энди мен ҳам ўшанақа бўла олсам.

— Лекин, бари бир энди сизни жўнатмаймиз.

— Йўқ, Ҳалима, энди бу йўлдан қайтишим қийин. Ленин Инқилоб қилишдан кўра уни сақлаб қолиш мушкулроқ деяпти.

— Унда мени ҳам ўзингиз билан олиб кетасиз.

— Паранжи ёпинтириб-а?

— Бўлмасам-чи.

— Демак, инқилобчи бўлмоқчиман дегин?

— Бўламан!

Бузрукхўжа кулади, хандон отиб кулади. Қулгисида аллақандай ёқимли, эркаловчи бир оҳанг бор. Хоҳа ичи шу оҳанглар билан лиммолим тўлиб кетади. Ҳалимаҳон унинг узоқ қулишини истайди. Аммо у тўсатдан жим бўлиб, юзу кўзларига ўйчанлик қўнади. Шу заҳотиёқ бу ифода қувончгами, ғурургами ўхшаган бошқа бир ифода билан алмашади. Чўзиқдан келган буғдойранг юзлари, мунчоқдек қоп-қора кўзлари ёниб кетади:

— Чиндан ҳам ёрдамлашасанми?

- Ердاملашаман.
- Бўлмаса, Ҳалима, мана шу варақани кўпайтириш керак!
- Кўчириб ёзайми?
- Оқ қоғозга ёзасан.
- Қанча кўчириш керак?

— Қанчага кучинг етса шунча. Сени, мени, бутун Фарғонани озодликка олиб чиқиш йўллари кўрсатилган бу ерда. Лениннинг табаррук сўзлари бу. Кўчирасанми?

— Кўчираман...

Ташқарида от кишнагандек бўлади, кимдир кўча эшикни қоқа бошлайди. У югуриб чиқиб кетади. Қайсидир қишлоқда, қўмита биносига ўт қўйишган эмиш, бормаса бўлмас экан. Отга мингаштириб олиб кетишади. Уша кеча қайтмайди. Эртасига ҳам, индинига ҳам дараги бўлмайди унинг. Варақани бошқа биров олиб кетади, олиб кетгани тез-тез келиб туради...

Ташқарида шивалаб ёмғир ёраяпти, анча салқин. Кеч куз бўлиб қолган бўлса ҳам, ҳали ичкарига киришган эмас. Катта айвоннинг олдини жўхори пояси билан қалин тўсиб, шу ерга танча қуришган. Овсини чақалоғини олиб ичкари кириб кетди. Сулаймонхўжа, Зиёда ая, Эшон ота тўртовлари шу ерда ўтириб, Қўмита мажлисига чиқиб кетган Бузрукхўжани кутишяпти. Суҳбат пасайиб бориб охири мудроқ зўр келди-ю, бошларини сандалнинг қирғоғига қўйганча бирин-кетин уйқуга кета бошладилар. Қора чироқнинг пилиги тугади шеқилли, у ҳам ўчиб қолди. «Ишқилиб ўша ердан бирор ёққа яна олиб кетишмасин-да! — мудроқ аралаш ўйлай бошлайсиз Ҳалимахон, — кийим-бошлари ҳам кир-чиргина эди, кундузи алмаштириб қўйсам бўлар экан-а...»

Кўча эшик шарақлаб очилди. Уша, ҳа ўшанинг ўзи! Фақат угина, дадаларига ўхшаб эшикнинг икки табақасини бараварига шарақлатиб очади. Ҳаммалари бирдан бошларини кўтаришди.

- Бузрукмисан? — сўради Эшон ота.
- Менман, дада, — қувноқ овоз келди ташқаридан.

Сулаймонхўжа ичкаридан фонус олиб чиқди. Қулфинисо қора чироқнинг пилигини янгилади. Қўш чироқ айвонни чароғон қилиб юборди. Ҳалимахон дамтovoқни кўтариб, ошни суза бошлади. Бузрукхўжа онасининг ёнига ўтира туриб ўчоқ бошига кўз ташлади:

— Ия, ҳалиям емадиларингми?

Эшон ота енгилгина кулди.

— Раиси аъзамнинг келишларини кутяпмиз-да!

Сулаймонхўжа омборхонадан кўзача олиб чиқди:

— Сени бир меҳмон қилай деб, асраб юрувдим.

— Мусалласми? — сўради Бузрукхўжа. Сўнг ишоша-пиша қўшимча қилди, — дадамнинг олдида-я?

Аёллар бараварига Эшон отага қарашди. Хонадон бошлиғи мийиғида кулиб қўйди:

— Менга ҳам берсаларинг индамайман.

— Вой, ўлай, — деди гўшт тўғраётган Отинбиби ая, — эрталаб намозга чиқасиз-а.

— Хавотир олманг, отин, бу шаръий-ку. Қуй, тўлдириброқ қуй.

Анор донасидек қип-қизил мусалласдан эркаклар сопол косани тўлғизиб-тўлғизиб симириб олдилар.

— Лекин яхши етилибди, — лабини кафти билан арта туриб деди Бузрукхўжа, — ўзинг чиқардингми?

— Яна ичасанми?

— Қуй, бўлари бўлди энди. Дада, сиз-чи?

— Ичким бор-у, аянгдан қўрқаман-да.

Босинқи кулги кўтарилди. Ҳалимахон ҳалидан буён эрининг нигоҳини пойлаётган эди, дуч келгач, лабларини нозли буриб «сиз ҳам ичманг, ичсангиз нақ кўрасиз!» дегандек бир ишора қилиб қўйди.

Ака-укалар яна ичишди. Ошни жимгина ея бошладилар. Совиган,

узок туриб ланж бўлиб қолган экан. Ҳалимахон буни сезиб турарди, шундай бўлса ҳам, Эшон ота уни мақташга тушди: «Паловмисан палов бўлибди-да, баракалла, қизим! Кексайганингда сал юмшоқроғини хоҳлаб қоларкансан. Умрингдан барака топ...» Гаплашадиган гаплари, сўрайдиган сўроқлари кўп. Лекин ўша муҳим гапни бошлашга ҳеч бири ботина олмайди. Отинбиби ая соғинтириб келган ўғлидан кўзини узмас, нуқуя унинг олдига гўшт суриб қўяр, катта-катта ол, деб имлар эди.

Дастурхонга фотиҳа ўқишди. Эшон ота гап бошлади:

— Хўш, раиси аъзам, тинчликми, Қўмитада узок қолиб кетдинг?

— Қўқондан мактуб келган экан,— шундай деб Бузрукхўжа, негадир, онасига қаради,— уруш бошланадиганга ўхшайди.

— Ҳойнаҳой, сени ҳам қақришгандир? — йиғламсирагандек бир оҳангда сўради Отинбиби ая.

Бузрукхўжа қовоғини уюб олди:

— Қақришмаганда ҳам боришим шарт эди.

Аёллар ваҳима ичида бир-бирларига қараб туришарди. Отинбиби аянинг кўзларида гилқиллаб ёши айланиб қолди. Ҳамма гап энди ҳонадон бошлиғида. Бор деса боради, борма деса қолиши ҳам мумкин. «Илоё борма десин-да, илоё рухсат бермасин-да», дея аёллар мўлтиллашиб туришибди.

— Аввало муштлашмаслик керак,— ўзига-ўзи гапиргандек деди Эшон ота,— муштлашгандан кейин қаттиқроқ муштлашиш керак. Қачон жўнайсан?

— Ҳозир, ташқарида кутиб туришибди. Дада, оқ фотиҳа беринг. Мен турай.

Ўғлининг урушга кетаётганини эшитиб қайси онанинг бағри эзилмайди. Зиёда ая хўнграб ўрнидан туриб кетди.

— Дада, фотиҳа қилинг деяпман, кутиб қолишди.

— Майли, кутишсин, ўғлим. Биз ҳам сени соғинганмиз.

Бир нафас ўтир, дийдорингга тўйиб олайлик. Урушга кетаяпман дегин?

— Дада!

— Йўл олдидан сенга икки оғиз гап айтаман,— Эшон отанинг овози қалтираб чиқа бошлади. Қалбига гўсса қуйилган эди унинг. Зиёда ая дилидаги қайғусини кўз ёши билан чиқаради, Эшон ота ҳикмат айтади. Ҳикмат айтиб ҳам ўзини, ҳам ўзгаларни юпатади. Айтмаса бўлмайди, қалби қонга тўлади.— Даданг сифатида икки оғизгина насихат қилмоқчиман, қулоқ сол, ўғлим. Жангга кетаяпсан, билиб қўй. Душманнинг катта-кичиги бўлмайди. Ният қилса кичкина қушча ҳам қудратли бургутни маҳв этиши мумкин.

— Буни илгари айтгансиз, дада, менга фотиҳа беринг!

— Яна айтаман, ўтир. Фил йўлда бора туриб тўрғайнинг уйини босиб, полапонларини янчиб ташлабди. Теппада парвоз қилаётган тўрғай чирқиллаб, болалари учун ўч олиш пайига тушибди. Дўсти чумчуққа шу филнинг кўзларини ўйгин, деб ёлборибди. Чумчуқлар филнинг кўзини чўқиб кўр қилишибди. Фил кўр бўлса ҳам, ҳар куни сув ичгани бораркан. Аламзада тўрғай қурбақа ёнига бориб, жон дўстим, шерикларингни олиб суви бўлмаса ҳам ана у жарда сайрагин, деб илтимос қилибди. Сув ичгани кетаётган фил қурбақаларнинг овозини эшитиб, ўша томонга бурилибди ва жарга қулаб ўлибди... Унутма, ўғлим, ёвнинг катта-кичиги бўлмайди... Аянг билан биз ҳам, мана қариб қолдик. Ёшгина қаллиғинг ҳам ҳар куни йўлингга интизор. Мўмингина аканг бор. Аҳволларидан тез-тез хабар олиб турсанг дейман-да... Ҳа, майли, илоё ой бориб, омон келгин, облоху акбар!

Хонадонда йиғи кўтарилди. Йиғлай-йиғлай кўчагача кузатиб чиқдилар. Ҳеч бандаси айрилиқда ўзини бахтли ҳисобламайди. Ҳалимахоннинг ҳам бахти тугал эмас эди.

Қўмитанинг соғин сигири

Дашт кўча даштга бориб қадалгунча тор кўчаларга бўлиниб-бўлиниб адо бўлади. Ана шу боши берк қувурдек тор кўчаларнинг биридаги дўппидеккина ҳовлида Мақсуд қори истиқомат қилади. Еши ўтиб қолганда уйланди. Еши ўтган, қўли калта кишига гулдеккина қиз тегармиди. Ўтириб қолган қизга уйланди. Хотинининг юзи сепкил, бир оёғи оқсоқ ҳам эди. Табиат камситган Робия бибини Мақсуд қори улуғлар, отини ҳам ўзгартириб Хонзода бегим деб атар эди. Хонзода бегим суюкли эрига етгита фарзанд туғиб берди. Шуларни деб Қори ўзини ўтга, чўққа уради. Гоҳ худ, гоҳ бехуд деганларидек, баъзан хонадонда мўлу кўлчилик бўлиб, «сен же, мен же», бўлиб қолар, баъзан ойлаб қозон сувга ташлаб қўйилар эди. Инқилоб Қўмитаси Мақсуд қорига ҳам икки таноб ер, ўн тўрт туп ўрик берди. Рўзғорга сон кириб қолди.

Мақсуд қори бамдод намозидан бугун эртароқ қайтди. Қайта туриб новвойхонадан бир қийиқ иссиқ нон, баққолдан бир ўрам пашмак ҳалво ҳам олиб келди. Фарзандлари ҳали ўринларидан турмаган, еттовлари бир ўринда, бир-бирининг пинжида, бири иккинчисининг қорнига бош қўйиб пиш-пиш ухлашар эди. Хотини ўчоққа ўт ёқиб қумғон қўйибди.

— Вой-бўй, мунча тутаб кетибди! — деди Қори димоғи ачиб.

— Утин ҳўл, — деб қўйди бешик қучоқлаб кичкинасини эмизётган хотини, — мунча ҳаммаёғингиз лой, нима бало, мачитда пахсага лой теңдингизми?

— Кўча бирам лой бўлибдики, бай-бай, келгунча кавушим уч марта ботиб қолса-я.

Хотини эмизётган қизалоғини ечиб, йўргақлаб дадасига берди-да, ўзи кавуш-мақсиларни ювишга тутинди. Иссиққина ноннинг ёқимли ҳиди димоқларига урилган болалар бирин-кетин туриб, апил-тапил ювина бошладилар. Қори қизалоғига пашмак билан нонни аралаш чайнаб, лабида босар, лекин таом ейишга ўрганмаган чақалоқ луқмани тили билан итариб муштдеккина бошини чайқаб йиғлар эди. Нонуштага ўтиришди. Аялари катталарига биттадан, кичикларига яримтадан нон улашди. Пашмакни уқалаб ҳовучларига солиб берди.

— Ая, менга нондан иккита берасиз, — деб қўл узатди кичкина қизчаси.

— Вой, дилбарим, иккитасини нима қиласан? — деб қизчасининг бурнининг учини бармоғи билан чимчиб қўйди Хонзода бегим.

— Биттасини эртага ейман.

Мақсуд қори иштаҳа билан нон чайнаб, пўриллатиб доғсув хўплаётган, очарчилик маҳалида шунақа юмшоқ нон-у, ширин пашмак келтирган дадаларига мамнун боқиб, нигоҳлари билан эркалаб қўяётган болаларига қараб «мен-ку топиб келаяпман-а, — дея ўйлай бошлади, — отаси йўқлар нима қилади? Бугдойни бугун тақсимлаб қўя қолай. Қишда худо яна бир йўлга бошлар... Бу қаҳатчилик қачон тугайди, а?»

Мақсуд қори нонуштанинг тугашини кутмай ўрнидан турди:

— Болалар, чойдан кейин мактабга боринглар, хўпми?

— Дада, менинг кавушим йўқ-ку? — сўради ўғилларидан бири.

— Аканг оғичлаб кетади.

Хонзода бегим пичинг аралаш сўради:

— Ҳа, каллайи саҳарлаб яна тагин қаёққа?

Хўл маҳсисини оёғига қийналиб тортаётган Мақсуд қори кулди:

— Қўмита раисига ҳам шунақа дағдаға қилармиканлар?

— Белларида бўз белбоғ-у, раис эмишлар!

— Шошмай турсанг, бегойим, белимда шоҳи белбоғ, эғнимда беқасам тўн, остимда гижинглаган отим ҳам бўлади...

Идорага келиши билан Зулфиқорни Қўмита аъзоларини йиғиб келишга жўнатди. Саккиз Пандигондан саккиз вакил-у, Қўмитанинг

аъзолари жамулжам бўлгунча нақ чошгоҳ бўлиб қолди. Қўмитанинг тайинли низоми ҳам, қўлланмаси ҳам йўқ. Йўқсиллар манфаатига нимаки мос тушса, шуни бажариб кетишаверади. Учга бўлинишди. Бир қисми ўлпон йиғишга, бошқаси қўқонлик Салимбой ташлаб қочган майдондаги қари ўрикларни кесишга жўнади. Мақсуд қори, Рустам бобо, Зулфиқор учовларига қишлоқ оралаб йўқсилларга қиличини яланғочлаб келаётган қишдан чиқиб олишлари учун нима даркорлигини аниқлаш топширилди.

Инқилоб Қўмитасининг ихтиёрида иккита сигир бор эди. Етаклаб учовлари йўлга тушишди. Сепоячи эри катта тошқинда сувга оқиб ўлган Офтоббиви беванинг ҳовлиси ёнида тўхташди.

Эшикни узоқ тақиллатишгач, ниҳоят, ичкаридан аёл киши овоз берди:

— Кимсиз?

— Э, Суярқулнинг беваси, эсон-омонмисан, бола-чақаларинг тинчми?— шомасдан гапира бошлади Қори,— эшитгандирсан, мен Қўмитанинг раисиман. Мана бу Рустам бобонг, мана бу Ҳамроқулни ўғли.. Ҳаммамиз сендан аҳвол сўрагани келдик, қалай, тинчмисан?

— Худога шукр,— деб қўйди Офтоббиви.

— Мана, қиличини яланғочлаб қиш ҳам келиб қолди: Бевасан, улбул нарса керакдир, дон-дунми, ўтин-чўпми?

— Қўмитанинг нарсаси ҳаром дейишянти-ку?

— Э, Суярқулнинг беваси, қўй бу гапларни. Ҳаром бўлса бошимда салла-ю, оғзимда илмим билан бу ишга қўл урармидим. Инқилоб душманлари айтган бу гапни. Инқилобни биласан-а? Билмайсанми? Билмасанг айтиб берай. Бу сенга ўхшаган бева-бечораларнинг нафини кўзлаб қилинаётган бир иш. Худо хоҳласа, камбағалнинг хонадоида чироқ ёнади энди. Айт, нима керак?

— Ҳеч нарса керак эмас.

— Ўтининг борми?

— Беш-тўрт қоп тезак йиғиб олганмиз.

— Э, Суярқулнинг беваси, тезак билан қаҳратон қишдан чиқиб бўлармикан? Зулфиқор, дафтарингга ёз: «Суярқулнинг бевасига бир арава ўрик ўтин берилсин!». Ездингми?

— Ездим,— деб қўйди Зулфиқор.

— Дону дундан қалайсан?

— Эл қатори кунимиз ўтиб турибди,— тортинибгина деди аёл.

— Бекор айтибсан,— жеркиб давом этди Қўмита раиси,— биламан, ҳеч вақоинг йўқ, Зулфиқор, ёз: «Суярқулнинг бевасига бир қоп жўҳори ҳам берилсин!». Ездингми?

— Ездим.

— Суярқулнинг беваси, айт-чи, жўжаларинг нечта?

— Еттита.

— Бай-бай-бай! Роса сиркалаб кетган экансан-да. Биламан, эринг яхши одам эди. Суярқул сепоячи деса ҳамма ўрнидан туриб, таъзим қиларди. Сарқўрғоннинг қутурган сувини ўша бошқарарди. Ўлиги топилмади, а? Ҳа, майли, куйинма, худо хоҳласа, эринг шаҳид кетди... Энди сенга бир сигир ҳам берамиз. Соғишни биласанми? Зулфиқор, ёз: «Суярқулнинг бевасига Қўмитанинг бир соғин сигири баҳоргача бериб турилсин!» Ездингми?

— Ездим.

— Э, ўртоғимнинг беваси, йиғлама дедим-ку. Нега ҳиқиллайсан! Ўтин эртага келади. Донга ҳозироқ одам жўнат.

— Ҳаммаси, ҳаром буларнинг,— аёл четан эшикни тарсиллатиб ёпиб олди,— болаларимнинг ҳалқумини булғамайман.

Кўча эшик олдида узоқ туриб қолишди. Бузоқчалар онасини эмишга интилиб бўйинини чўзар, Рустам бобо билан Зулфиқор силтаб тортишар, бевадан эса дарак йўқ эди.

— Жаҳолат бу!— деди Қўмита раиси ер тепиниб,— ўзига эмас, болаларига ҳам жабр қиляпти бу.

Яна йўлга тушишди. Тўлғон кампирнинг ҳовлиси ёнида тўхташди. Кампирнинг бир йўла икки ўғли мардикорга кетган. Бири ўзига чек тушгани учун, бошқаси пулга сотилиб кетган. Лекин мана уч йилдан ошиб қолдики, на каттасидан, на кичигидан дарак бор. Бир ойча олдин аза очиб, кўк кийишди. Икки келин, бир ҳовли болага кампир бош бўлиб ўтирибди.

— Ҳа, чўлоқ оймнинг эри, нима қилиб юрибсан? — деб сўради ичкаридан ҳассасини дўқиллатиб чиққан Тўлғон кампир.

— Чўлоқнинг эри бўлсам ҳам, худога шукр, Қўмитага раисман, буви! — деб қўйди Мақсуд қори.

— Ҳу ўша Қўмитанг билан қўшмозор бўлгур! — Тўлғон кампир ҳассаси билан остонага бир урди.

— Нега қаргайсиз, буви?

— Икки ўғлимни едиларинг-ку, кўзингни ҳаққа чўқигурлар.

— Ўғилларингизни мингбошилар еган.

— Ҳамманг бир гўрса.

— Ундай деманг, буви. Биз йўқсиллар тарафдоримиз. Қўмитамизга мана Рустам бобо, мана Зулфиқор ўғлингиз аъзо бўлишган. Худо хоҳласа ўғилларингиз келиб қолишса, уларни ҳам қанотимизга оламиз. Чакки аза очибсиз.

— Тирик деб ўйлайсанми?

— Тирик, худо хоҳласа келиб қолишади.

— Худоё айтганинг бўлсин. Ҳа, майли, менга қара, қори, сен туппа-тузук одам эдинг-ку?

— Нима қилибман, буви?

— Қўмитанинг шолисини сотиб сўлоқ хотинингга ойбалдоқ олиб берган эмишсан?

— Ким айтди бу гапни?

— Қори, менга очигини айт, қўмита одамлари кундузи туппа-тузук юрармишлар-да, кечаси ит бўлиб вовуллашармиш, шу ростми?

Олдин Рустам бобо, кетидан Мақсуд қори билан Зулфиқор ҳам кулишди. Қори кула-кула бу гапларни Абдурахмонбой билан мингбошининг одамлари тарқатишган, аслида ўзлари ит бўлиб кетишди, биз Қўмита номидан бева-бечораларга ёрдам бериб юрибмиз, сизнинг эшигингизга ҳам шу ниятда келувдик, керак бўлмаса майли, орқамизга қайтигимиз бўлсин, деган гапни айтди. Чиндан ҳам орқаларига бурилиб кетишаётган эди, Тўлғон кампир эшикни қия очди:

— Ҳой, Қори, мунча жирраки бўлмасанг? Чўлоқ хотинингни ювиб-тараб ойдеккина қилиб, гўшангага ўзим олиб кирувдим, эсингдан чиқдим? Қайт бу ёққа. Қанақа ёрдам бермоқчисан ўзи?

— Нима керак бўлса, ҳаммасини.

— Кейин миннат қилиб юрмайсанми? Миннат қилмасанг келинларимга иккита чарх олиб бергин. Ўзимники парраги синиб, таноб ташлайдиган бўлиб қолди. Олиб берасанми?

— Олиб берамиз, буви, — негадир ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди Қўмита раиси, — Зулфиқор, ёз: «Тўлғон кампирнинг келинларига иккита чарх, олтита йип олиб берилсин!» Буви, мана бу сигирлардан биттасини сизга ташлаб кетамиз. Қаранг, елини тирсиллаб турибди. Набираларингизга соғиб берасиз.

— Шарифбой ташлаб кетган сигирми? — Тўлғон кампир эшикни каттароқ очиб, ўйноқлаб турган бузоқчалар билан думини силкитиб пашшасини қўриетган сигирларга бир назар ташлаб олди, — қўй, Қори, қариганимда гуноҳга ботирма мени.

— Нега, ундай дейсиз, буви?

— Бировдан тортиб олинган нарса ҳаром. Яхши одамлар айгиш-япти бу гапларни. Қўй Қори, ҳаром ейишга ўргатма бизни. Агар Қўмитангда пешона тери билан топилган маблағ бўлса, набираларимга пойабзал олдириб бер, кўчага чиқолмай ўтиришибди.

— Буви, ўзингизга ҳам ул-бул нарса керакдир?

— Ўзимдан ташвишланма, кафанлигимни олиб қўйганман.

Мақсуд қори кампир ҳийла юмшаб қолгани учун хурсанд эди. Суҳбатнинг охирини ҳазил билан яқунламоқчи бўлди:

— Буви, ўзингизга эр ҳам топиб берайми?

Тўлғон кампир ҳазилни тушуниб кулди:

— Вой худо олгур, Эр ҳам топиб берасанми?

— Уйлантириб қўй, деб тўртта чолдан ариза тушган.

— Биттаси, ҳойнаҳой, Дўстмат сўфидандир?

— Ўшандан, буви.

— Об-бо, қориси тушмагур-ей, совчи бўлиб келдим десанг, тилинг узилиб тушарми. Уйга таклиф қилардим... Ўзиям совчи устига совчи қўявериб жонимга тегяпти. Масжиднинг хонақосида ётавериб моғор босиб кетганмиш. Ҳой, Рустамбой, нега жим турибсиз, эл-юрт кулмасмикан?

Рустам бобо ҳалидан буён суҳбатга аралашшиш учун баҳона тополмаганидан хит бўлиб турганди. Кўзини айёрона қисиб, узун соқолини силкитиб бир кулиб олгач:

— Эркаги бор уйнинг париштаси улуғ бўлади, буви! — деб қўйди.

— Ҳа, майли, — деди Тўлғон кампир негадир хўрсиниб, — ҳеч бўлмаса ўтин-чўпга яраб турар. Мен рози. Кеча совчиларга йўқ девдим. Қоридек илмли, Рустамбойдек ҳурматли одамни ўртага қўйибди нима ҳам дердим. Айт, сарпога дока рўмол ҳам қўйсин.

Қўмита раиси айтиб турди, мирзаси дафтарига қуйидаги сўзларни қайд қилиб олди: «Тўлғон кампирга танмаҳрам сифатида Дўстмат сўфининг ризолиги сўралсин. Рози бўлгач, Мақсуд қори никоҳ ўқиб, икки бевани боши қовуштириб қўйилсин!»

Кечгача қишлоқ айланишди. Унисига у, бунисига бу керак эди, албатта. Бирови тортиниброқ рози бўлди, бошқаси тарсиллатиб эшигини ёпиб олди. Қўмитанинг соғин сигирларини ҳеч ким олмади. Зўрлик билан тортиб олинган сигирларнинг сути ҳам, эти ҳам ҳаром дейишди.

Сигирларни етаклаб дарғазаб бир кайфиятда Қўмитага қайтишарди.

— Рустам бува, — деб чақирди Мақсуд қори, — сиз сигир соғишни биласизми?

— Сигир соғиш ҳам гап бўлибдими? — деб қўйди бобо, — ёшлигимда чучвара ҳам тугардим.

— Бўлмаса ўзимиз соғиб ичаверамиз.

Қўмитага қайтишгач, диллари баттар сиёҳ бўлди. Ўлпон йиққани борган Акбарали мардикор бошлиқ йигитларни Чибигон Пандигонда тутиб олиб роса дўппослашибди. Акбаралининг юзига қоракуя суртиб, эшакка тескари миндириб жўнатишибди.

Қўмита идорасида ўтирган Мақсуд қори билан Рустам бобо бир кучоқ пояни ихчам боғлаб орқасига кўтарганча югургилаб келаётган Зулфиқорни очик дарича орқали кўриб қолдилар. Зулфиқор остонага яқинлашгач, елкасидаги пояни ағдарди-да:

— Даштда эдим! — деди нафаси қисилиб, — поя ўраётгандим, бир маҳал қарасам Эшон ҳазратларининг қўрғонлари атрофига тумонат одам йиғила бошлади.

— Бугун жума, муридлари келгандир, — деб қўйди Рустам бобо.

— Йўқ, отлик қўрбошилар ҳам бор!

— Қўрбошилар! — ўрнидан тўриб кетди Мақсуд Қори. Рустам бобо икковлари бир-бирларига тикилиб қолишди. Нигоҳларда қўрқув, ташвиш бор эди. Ҳа, бир гап борга ўхшайди. Ишқилиб Бузрукхўжа мерган йигитлари билан Қўқондан қайтгунча фалокат юз бермасинда. Бу балони милтиқсиз қандай даф қилишади! «Қўмита аъзоларини йиғиш керак» деган фикр ўтди икковларининг ҳам бошидан.

— Зулфиқор, тез бўл, болам, аъзоларни йиғ!

Бир чой дамлам фурсат ўтар-ўтмас бир неча кундан буён тўйма-тўй юриб, ҳозир кундузи бўлишига қарамай, уйларида донг қотиб ухлаб ётган Ҳасанбой билан Ҳусанбой, Мадумар карнайчилар

эснашиб, лоқайд кириб кела бошладилар. Энг охирида Сотволди батрак келди. Қўмитанинг икки қиличи бор эди. Бири шунда, тақиб келибди. Зулфиқор бошқа фаолларни ҳам тезроқ етказиб келиш учун эндигина остона ҳатлаган эди, шу пайт Дашт кўча тарафдан юзлаб кишиларнинг ваҳшату даҳшат билан тушиб келаётганини кўриб қолдилар. Олдинда отлиқлар, Абдурахмоғбой-ю, мулла Зариф мингбоши-ю, ўғиллари булутдек баланд отларга миниб ўртароқда келаётган пири Муршидни худди қочиб бораётган асаларилар гадаси пошшосини ўртага олиб учгандек ҳар томондан қуршовга олишган. Пири Муршид, одатдагидек, катта кўк эшагига миниб олган, жиловда икки садоқатли мурид. Якковининг ҳам бошида саватдек салла, ҳаво совуқ бўлишига қарамай, ялангоёқ бўлиб олганлар. Эшоннинг ўнг томонида чавқар от минган бир йигит дини исломиятнинг дастаси учига ярим ой шакли қўндирилган кўк байроғини баланд кўтариб олган. Орқаларида кўксига ўқдон, елкасига милтиқ осган йигирма чоғли басавлат кўрбоши, уларнинг кетига пиёда келаётган оломон уланиб олган. Бирининг қўлида таёқ, бошқасида паншаха, садрга тушаётгандек чайқалишиб, гоҳ саллала, гоҳ салласиз бошларини тебратишиб:

— Ё олло!

— Ё олло!

— Ё олло! — деб қичқириб келишяпти.

Гўё отлиғу пиёдаларнинг қалбию руҳи бирлашиб, даҳшатли овозга айлангандек. Овоз Дашт кўчани қоплаб келаяпти:

— Ҳуррият!

— Ҳуррият!

— Ҳуррият!

Зулфиқор томошага маҳлиё бўлиб бир нафасгина анграйиб турди-ю, сўнг ўзини ўнглаб ичкарига отилди. Қўмита аъзолари ҳам довдираб қолишганди. Эшигу даричаларни беркитишга аранг улгурдилар. Мақсуд қори хона тўридаги сандиқни очиб, чархланган болталарни улаша бошлади. Оломон қўмита идорасини ҳар томондан қуршаб кела бошлади. Қўрбошилар осмонга қаратиб варанглатиб ўқ отишди. Қасирқусур овозлар Пандигон осмонини қоплаб кетгандек эди. Рустам бобо қиблага қараб чўкка тушди-да, пичирлаб калима келтира бошлади.

— Ё олло!

— Ё олло!

— Ё олло! — деган қийқириқлар дарича-ю, эшиклар тирқишидан кириб турибди. Қўмита ҳовлисига гулдирамазон қилиб ўт ёқиб юборишди. Саллала, салласиз, бири чориқ қийган, бири ялангоёқ муридлар елкаларига елкаларини тирашиб, шамолда қолган нозик ниҳоллардек чайқалишиб садр тушишни бошлаб юбордилар:

— Ҳуррият!

— Ҳуррият!

— Ҳуррият!

Уртадаги олов яна кучайди. Қўмитанинг томида бедаси бор эди, ўшани ҳам олиб тушиб ёқа бошладилар. Аланганинг қизил тиллари осмонга кўтарилиб садр тушаётганлар қалбидаги ёввойи эҳтирос алангасига туташиб кетаётгандек:

— Кофирларга ўлим!

— Даҳрийларга ўлим!

Маҳкамани тошбўрон қила бошладилар. Ичкарида қолганлар нима қилишларини билмай, худди тўсатдан аждаҳо комига дуч келиб қолган қуён боладек карахт бир аҳволда эдилар.

Тошбўрон тўхтади.

— Қори, эшикни оч! — пири Муршиднинг овози келди ташқаридан.

Қамалдагилар бир-бирларига қараб олишди. Рустам бобо бош чайқади:

— Очма!

— Қўмитангни оч, бўлмаса ўт қўямиз! — яна ваҳшатли овоз эшитилди ташқаридан.

— Очма! — қатъий қилиб деди Рустам бобо.

Эшигу даричаларни болта билан уриб синдира бошладилар. Хиёл ўтмай хонага бостириб киришди, кетларидан аччиқ тутуну аланга ёпирилиб кирди. Йигирма чоғли қўрбоши милтигини тўғрилаб турганини кўрган Мақсуд қори бақириб юборди:

— От, отсанг отақол!

Пири Муршиднинг фармони билан ҳаммаларини олиб чиқиб, маҳкама деворига қатор турғизиб қўйишди.

— Устки кийимларини ечиб ўтга отинг! — яна фармон берди ҳазрат, — ҳаром ҳаммаси, ҳаромлар куйиб кетсин.

Ичкаридан Қўмитанинг кигизу шолчаларини, чойнагу пиёлаларини, чархланган болталарию ҳужжатлар сақланадиган ёғоч сандиқларига олиб чиқиб ўтга отишди. Садр тушаётганлар ҳамон чайқалиб, оғизларидан кўпик сачратиб: «Хуррият, хуррият!» деб қичқирмоқдалар. Лекин эшитаётганлар қалбига даҳшат солаётган бу сўз замирида қандай маъно борлигини, шу сўзларни айтаётганлар ҳам, от ўйнатиб турган суворийлар ҳам. Қўмита аъзолари ҳам ҳали тушуниб етмаган эдилар. Хон эшон кофирлар, имонсизлар деб камоли ғазабни ошганидан яккам-дуккам тишларини гижирлатиб муридлари кўмагида эшагидан туша бошлади. Тушиб ваҳима ичида қотиб қолган Қўмита аъзоларига ақинлашаркан:

— Уйинг куйгур кофирлар! — деб тепинди.

Эшон Мақсуд қори қаршисига келиб:

— Хўш, кофирларнинг бошлиғи, — дея кўрсаткич бармоғи билан кўксига туртди, — нега ҳаммани диндан чиқаряпсан, кофир!

— Кофир эмасман, — деб қўйди дағ-дағ қалтираб турган Мақсуд қори.

— Қўмита тузганинг ёлғонми?

— Рост, туздик.

— Большовойлар томонига ўтганинг ёлғонми?

— Тўғри, ўтганман.

— Қўлини боғланг! — қичқириб юборди Эшон. Сўнг Сотволди батракнинг қаршисига ўтиб, унинг ҳам кўксига бармоғи билан туртди. — Гапир, бетавфиқ. Урусияга борувдинг, имонсиз бўлиб қайтибсан-да? Нега салла ўрамайсан, нега Қўмитага аъзо бўлдинг? Буни ҳам қўлини боғланг, овозини ўчиринг! Хўш, Мадумар карнайчи, бўйингни теракдек қилиб сен ҳам шуларга шерик бўлиб юрибсанми?

— Бўлганман, тақсир.

— Ичига инсу жинслар макон қурган карнайчингни ҳадеб варангла-тиб чалаверасанми, кофир!

Мадумар карнайчи гап навбати келса отасини ҳам аямайдиган хилдан. Бошини берса берадики, лекин гапдан қолмайди.

— Тақсир, карнай чалиш учун чиқарилган-да, ўзларининг тўйла-рида ҳам чалиб берувдим-ку, индамовдилар-ку!

Карнайчининг менсимайгина жавоб қайтариши пири Муршиднинг бир ғазабига ўн ғазаб қўшди, тутақиб кетди:

— Хўш, кофир, нега масжидга бормайсан?

— Йўлда таҳоратим кетиб қоляпти, тақсир.

— Кулаяпсанми, бетавфиқ?

— Йиғлайдиган гап айтмадилар шекилли.

Отлиғу пиёда муридлар учун энг азиз ва мўътабар ҳисобланиб, дини имонларининг басаломат бўлишига кафил бўлиб турган пири Муршидга ҳазил гаплар айтилаётгани қайнаб турган ғазабларини тошириб юборгандек бўлди. Мадумар карнайчининг хиёл эгилиб турган боши ва туртиб чиққан яланғоч елкасига бир йўла икки-уч гувала келиб тушди.

— Тўхтатинг! — қўлларини кўтариб хитоб қилди эшон. — Йўқ, буларни оломон қилмоққа ҳали эрта!

Ҳар бири билан суҳбатлашиб, қалбида не зоҳирлигини билиб олмоқчи. Қалбларига инсу жинслар ин қурган бу чала кофирларни гайридинлар йўлидан қайтариб олмоқчи. Шу боис ҳам кечадан буён

югуриб-елиб мурид тўплади. Абдурахмонбо-ю, мингбоши отга миндирди. Отга миндира туриб махв этмоққа эмас, жазоламоққа фатво берди.

— Ҳа, қариганда айниган чол,— пири Муршид, уятданми, хижолатданми бошини эгиб турган Рустам бобонинг соқолидан тортиб иягини кўтарди.— Сени нима жин урди?

— Жин ургани йўқ, пирим,— деб қўйди Рустам бобо.

— Қўмитага аъзо эмишсан-ку, ўғилларинг большовойларга аскар бўпти-ку, мулла Зариф мингбошининг ерини сен тортиб олдингми, ҳаромхўр?

Хон Эшоннинг ғазоби гоҳ пасайиб, гоҳ кўтарилиб турарди. Ҳамма ҳаракатларимни худо йўлида, дин йўлида қилаяпман деб қаттиқ ишонганидан девор тагида қатор турган бу дахрийларга айтаётган ҳар бир сўзим фойдадан ҳоли эмас, деб ҳисобларди ва яна ҳар бирининг гуноҳини кўпчилик олдида бўйнига қўйиш нияти ҳам йўқ эмас эди. Ака-ука қизиқчиларни қўғирчоқ ўйнатгани учун гуноҳга ботганлигини исботлашга тушди. Қўғирчоқ вужуд экан, ҳар қандай вужуд яратувчисидан жон талаб қилар экан, жон ато қилмоқ эса яққа худонинг иши экан. Худонинг ишига аралашган бандаси бу дунёда кофир, у дунёда дўзахи бўлар экан.

Афтидан аввалдан кимларни жазоламоқни келишиб олган эканлар. Талабаларига сабоқ бераётган Мулла Маҳмуд билан Абдурахмонбойдан олган ерида куңда кўчираётган Сулаймонхўжани ҳам оёғини ерга теккизмай етказиб келишди. Пири Муршид Мулла Маҳмуднинг бошидаги салласини тортиб олиб, «Сен кофирга салла хайф!», деб қичқирди. Сулаймонхўжани кўксидан итара-итара даврани бир айлан-тириб чиқиб:

— Кофир укангни қаёққа қочирдинг?— деб сўради.

Сулаймонхўжа жавоб қайтармади.

— Уканг Пандигон йўқсилларни йўлдан урди, бўйнингга ола-санми?

— Йўқ!

— Бой жанобларининг ерини тортиб олибсан, ёлғонми?

— Рост.

— Қайтариб берасанми?

— Йўқ.

— Бу ҳаромхўрнинг ҳам қўлини боғланг.

Эшон чинакамига куйиб-ёниб кетмоқда эди. Куйиб-ёниб кетаётгани от ўйнатиб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа юриб турган Абдурахмонбой билан мулла Зариф мингбошига ҳузур бағишларди. Бири беш-ўн таноб мулкидан, бошқаси ҳокимлигидан айрилган. Иккови ҳам аламзада эмасми, Қўмита аъзоларини тириклайин ютиш учун маврид кутиша-ётганди.

— Ҳозир барчангиз масжидга бориб, қилмишингизга жойнамоз устида тавба қиласиз,— негадир жуда босиқ гапирди эшон,— тавба қиласизми?

Қўмита аъзоларидан садо чиқмади.

— Кофирларга қарши ғазавот эълон қиламан, сафимизга қўшиласизми?

Йўқ, яна ҳеч биридан садо чиқмади. Жазаваси тутиб, оғзидан кўпиклар сачратаётган пири Муршид икки қўлини баланд кўтариб:


— Ур, кофирларни,— дея фатво бериб юборди,— дахрийларни ур! Тонгла маҳшарда юзинг ёруғ бўлади, ур!

Кўз юмиб очгунча қўли орқасига боғланган бандилар тошу кесак бўрони остида қолдилар. Муридлар савобдан бенасиб қолмаслик учун, ҳеч бўлмаса бир муштгина уриб қолиш умидида ўртага интилишди.

Ҳаммаларини чала ўлик қилиб, лойга қориштириб ташлашди. Пири Муршид ҳурриятни давом эттириш учун, эшагига минди-да, муридларини ортидан эргаштириб, нариги қишлоққа ўтиб кетди.

Давоми бор

Барот Бойқобилов



УН ТУРТИНЧИ ҚЎШИҚ¹

I

Мақтабда борарди ғала-ғовур дарс,
Болалар тутарди ўзини сарбаст.

Бирдан кўтарилди кўчада шовқин,
Сўфи пайдо бўлди эшикда дилхун.

Ранги-рўйи бўздек оқариб кетмиш,
Қоқилиб, домланинг ёнига етмиш.

Ва деди нафасин ростлаб олгач у,
Кўзларига чўккан тош бўлиб қайғу:

«Тақсирим, жабҳадин келмиш шум хабар —
Шоҳруҳ мирзо вафот этмишлар саҳар.»

Домла зўрға деди: «Хаста эди шоҳ,
Жойини жаннатдин буюрсин оллоҳ!»

Дуога қўл очиб, ўқиди қуръон,
Барча қўлин сурди юзига шу он.

Шаҳзодалар ғамгин дув этиб турди,
Жилдни олиб, эшик томон югурди.

¹. Охири. Боши журналнинг 9-сонида.

Уларга эргашиб Алишербек ҳам
Кўчага отилди, кўнглида алам.

Бир онда кимсасиз қолди хонақоҳ,
Домла ҳам қўзғалди дея «ё оллоҳ!»

Сўфи билан халфа эргашди унга,
Булутли кун эса ўхшарди тунга.

II

Сингандек парвозда бургут қаноти,
Шундоқ содир бўлмиш Шохруҳ вафоти:

Ғаним лашкарини енгиб, музаффар,
Жангдан қайтар эди Ҳиротга аскар,

Султон қўшинига эди раҳнамо,
Жўмард набираси Муҳаммад мирзо.

Тоби қочиб қолиб тўсатдан аммо,
Султон бандаликни келтирмиш бажо.

Кўп яшаб, отаси Амир Темурдан
Кексайиб қолса-да, қонмай умрдан

Оқибат етмиш ул сўнгги манзилга,
Алвидо айтолмай жафокаш элга.

Мотам либосини киймишдир Ҳирот
Ва лекин кўз ёшин тиймишдир Ҳирот.

Бўзчию косиблар, ғариб деҳқонлар
Кўнглини эзадир ғамли армонлар.

Аросат ўтида қолгандек гўё
Омонат кўринар бекларга дунё.

Шаҳзодалар эса ичидан хурсанд,
Улуғ орзу билан хаёллари банд.

Шохруҳ мирзо ҳали кирмай қабрга,
Даъвогар кўпаймиш олий қасрга.

Эл оғзида юрар ҳар хил миш-мишлар,
Маликалар ўғлин тахтга киш-кишлар.

Гавҳаршод бегимнинг макри авжида,
Дарғадек сузадир ғавғо мавжида.

Суюк набираси Алоуддавла
Ул учун ўғлидан азиз ва аъло.

Суянч тоғим дея уни дунёда,
Улуғбек мирзодан севар зиёда.

Бобоси ўрнига қилгани подшоҳ
Пинҳон ниятига изларди паноҳ.

Неча йил муқаддам тугаб дармони,
Тахтга ўлтиришга қолмай имкони,

Шоҳруҳ хаста бўлиб ётиб қолганда,
Малика давлатни қўлга олганда,

Алоуддавланинг номига ҳатто
Хутба ўқитмакни қилганди даъво.

Шоҳруҳ мирзо тахтни ўғли Муҳаммад
Жўқига бермоқни этганди мақсад.

Қари маликадан ҳайиқиб аммо
Ушалмай қолганди эзгу муддао.

Малика, Жўқини хуш кўрмай бироқ
Девон ишларидан тутарди йироқ.

Аммо, отасидан икки йил бурун
Жўқи вафот этди — гўё ботди кун.

Шоҳруҳ орзулари дард бўлиб қолди,
Умридан ҳаловат, ором йўқолди.

Мана, вафот этди энди Шоҳруҳ ҳам,
Маликага қолди гўё бу олам.

Уғиллардан ёлғиз Улуғбек ҳаёт,
Дафнга келгай деб кўз тикар Ҳирот.

Лекин беҳисобдир набиралари:
Улжага ташланар бўри сингари.

Шоҳруҳ мирзо таслим этганида жон,
Гавҳаршод бегимга туғилди имкон.

Абдуллатифни ул чалғитиш учун
Бош сардор тайинлаб қўйди ўша кун.

Ҳиротга пинҳона юбориб чопар
Алоуддавлани қошига чорлар.

Абдуллатиф хабар топиб бу сирдан,
Бувисин ҳибсга олдирди бирдан.

Алоуддавла лек келди-да етиб,
Уни озод қилмиш, сўнг эса тутиб,

Абдуллатифни ул зиндонга солмиш,
Салтанат бувиси қўлида қолмиш...

Сўнг Шоҳруҳ жасадин олиб, жабҳадан
Ҳиротга отланди қўшин субҳидам.

III

Самарқанд тахтини султон Улуғбек,
Ўғли Абдулазизга топшириб туғдек,

Тушса-да, ногоҳон саросимага,
Отасининг мотам маросимига

Неча кун йўл босиб етиб келмиш у,
Ҳорғин кўзларида алам ва қайғу.

Гавҳаршод, ўғлини қаршилаб нохуш,
Кўз ёши тўкди-да, сўнг боқди хомуш.

Улуғбек деди, лек кўнглида ҳасрат:
«Афсус, бевақт ўтмиш оламдин ҳазрат.

Жангни ким қўйибдур қариган чоғда,
Бул ёшда, куч-қувват қолмас аёғда.

Олло-таоллога қилиб минг шукр,
Ўлтурсалар эди... На чора? Умр

Бебақо, дейдилар, давлат бевафо,
Дунё айвонида кўп эрур жафо.»

Қари маликанинг дилида фиғон
Ҳийла лашкаридек қўзғалмиш ниҳон:

«Абдуллатиф мирзо кўнгли бузукдур,
Ҳирийдин йироқроқ турса тўзукдур.

Бобоси тахтига ўзин кўзламиш,
Хонзодабегимга хунук сўзламиш.»

«Е раббим!» — деди-да, Улуғбек мирзо,
Азиз волидасин тинчлатди гўё:

«Тахт даъвосин мунда нетгай шахзода,
Мен бирла Самарқанд кетгай шахзода.

Хатти-ҳаракати эмиш ножўя,
Кўнглида фисқ-фужур қурмишдур уя.»

Малика кўзлари макрли айёр,
Ўғлига тикилди — фитна бешумор:

«Бобоси тахтига Алóуддавла
Муносиб номзоддур, не мушкул савдо

Тушса юрт бошига, топура иложин,
Ул кийса арзиғай бобоси тожин!»

Малика сўзидан кўнгли ғаш бўлиб,
Улуғбек бош эгди ўкинчга тўлиб.

Маросимга келмиш эл бир силсила...
Темурийларга хос тантана ила

Шоҳруҳ кузатилди энг сўнгги йўлга
Ва дафн этилди қутлуғ манзилга:

Гавҳаршодбегимнинг мадрасасига —
Падари бузургин мақбарасига

Улуғбек мәрмәр тош қўйди омонат,
Омонат қолгандай буюк салтанат!..

УН БЕШИНЧИ ҚУШИҚ

Саройда мусибат шарпаси сарсон,
Ғам қуши кезадир, ғўшаси вайрон.

Шаҳзодаю беклар аламнок, хомуш,
Амирлар ороми бўлмиш фаромуш.

Хос хона ёнида султон Улуғбек,
Дил кўқи — булутли осмон Улуғбек.

Улуғбек қошида Қоплонбек барлос,
Азалдан зўр унда султонга ихлос.

Амир Темурга у эди қўмондон,
Евга чанг соларди мисоли қоплон.

Мансур мирзо бўлиб султонга ҳамдард,
Бош эгмиш қошида, ахир жигарбанд.

Улуғбек эгнида қора кимхоб тўн,
Шикаста кўнглида мотамсаро тун.

Зако шами ёнмиш кўзлари мунглуғ,
Мотамдан толиққан юзлари мунглуғ.

Чархи даврон чинор қоматин букмиш,
Тоғни кўтаргудек елкаси чўкмиш.

Қалбида дардлари эрур бешумор,
Ҳасрат оташлари ёнур бешарор.

Улуғбек мирзодан кўнгил сўргали,
Дарду ҳасратини баҳам кўргали.

Келмишдир Ҳиротнинг акобирлари,
Хуросон мулкининг бек, амирлари.

Келмишдир шоиру олимлари ҳам,
Зим-зиё кўнглига ёқайлик деб шам.

Асога таяниб Лутфий келмишдир,
Дунёнинг савдоси бағрин тилмишдир.

Шоирлар ҳоқони пири бадавлат,
Аҳли Ҳирот уни дер олий ҳазрат.

Мавлоно Мирхонд ҳам келур — боши ҳам,
Ардашер бўлай дер султонга ҳамдам.

Кобулий, Ғарибий, Ғиёсиддин ҳам
Сарой остонига қўймишлар қадам.

Улуғбек Лутфийни кўриб ғамгусор,
Мирхонд, Ардашерга боқиб дилафгор,

Сукут ичра маъюс, кўнгли ёришди,
Гўёки севинчу алам қоришди.

Кўксига босди-да, ўксинди оғир,
Ҳамдард элни кўриб, эзилди бағир.

Сўнгра хос хонага марҳамат этди,
Барчаси имомга қулогин тутди.

Қўлин юзга суриб, қилишгач дуо,
Лутфийга юзланди Улуғбек мирзо:

«Олий ҳазрат, сизни истардим ғоят,
Кўзум тиригида кўрдим ниҳоят.

Кўпдин қўмсар эрдим суҳбатингизни,
Кўнглумни ром этмиш фикратингизни.

Расад илми бирла бўлиб овора,
Ҳирийга келмакка топмадим чора.

Неча йил кўз юммай расад боғладим,
Юлдузлар сариға ўзни чоғладим.

Салтанат туғини кўтариб баланд,
Улус хизматиға жон этдим пайванд.

Не тонг, ўтиб борур «умри гузарон»,
Самарқанд боғлари сизга нигорон.

Ҳамон ёд этмишдир эл-улус сизни,
Тилидан туширмас ашъорингизни.

Кўнгул хоҳиш этса, Самарқанд сари,
На бўлғай, отданса умр тулпори.»

Лутфийнинг нуроний чехраси ёруғ,
Кўнгли дард-аламдан бўлгандек фориг,

Меҳрдан бағрида ловиллар қуёш,
Зукко кўзларида мўлтирайди ёш.

«Фақир ҳолин сўрмиш соҳибқироним,
Гўё обод бўлмиш қасри вайроним.

Сизни кўрмак эрди олий муддао,
Мақсудимға етдим, кўнглумдир рўшно.

Вале, олий ҳазрат, мулки Хуросон
Қисмати не бўлғай оқибат гумон.

Мамлакат нотинчдур, билмас осойиш,
Амирлар зуғумин этмиш намоиш.

Улуснинг зулмдин ҳоли харобдур,
Олиму шуаро аҳли хунобдур.

Саройда фитнанинг шамоли елмиш,
Ҳақсизлик, адоват бағримиз тилмиш.

Улусда адолат топмаса қарор,
Башарни тортғайдур сиртмоғига дор.

Сизга кўзин тутмиш Хуросон тахти,
Сиз бирла очилгай улуснинг бахти.»

Лутфий ҳазратлари сўзидан барча
Улуғбек қалбига изларди дарча.

У хомуш, фарқ эди хаёл наҳрига,
Андиша чанг солмиш ўтли бағрига.

Улуғбек ҳолатин кузатиб бир оз,
Салмоқ билан деди Қоплонбек барлос:

«Хуросон чўнг давлат, улуғ ҳазратим,
Анинг ҳасратидур меним ҳасратим.

Жонимни ўтларга солмиш андиша
Кўнгил кулбасинда яшар ҳамиша.

Фурсати келмушдир, айтмай на илож,
Чинордек тебранур буюк тахту тож.

Ҳалокат домидин қутқармоқ даркор,
Улус ҳолин сўрсин одил бир сардор.

Ҳақ гапни демишдир шоири аъзам,
Хуросон айлағай сизни муқаррам.

Қошки, бир мулк бўлса икки мамлакат,
Бир илкдин кўрк олса икки салтанат.

Бир элга икки мулк ўзи не даркор,
Икки мулкда бир эл қисмати ночор!

Улуғ ҳоқонимнинг нек ниятлари,
Элни қовуштирамак азиятлари,

Афсуским, кетмишдур ўзлари бирла,
Муборак жасади қўйилмиш ерга,

Сизга умид кўзин тикиб, ҳоқоним,
Дердилар: «Қоплонбек, комил имоним,

Зукко олим бўлгай Улуғбек мирзо,
Улус кўнглин этгай илмдин рўшно.»

Дедимки: Ҳазратим, Мирзо ҳам сиздек
Шон-шавкат кўкида балқир юлдуздек.

Буюк салтанатга муносиб султон
Бўлиб етишгайлар, келганда даврон.

Дедилар, кайфи чоғ соҳибқироним,
Қамолин кўрмақдир орзу-армоним.

Темурбек орзусин кўрмишдур фақир,
Ҳазратим, салтанат сизга мунтазир.»

Қоплонбек кўзида ёниб илтижо
Улуғбекка боқди, вале истиъфо.

Сўргандек, Улуғбек хаёлга ботди
Ва кўнглини эзган тошни қўзғатди:

«Тақсирим, воқифмен улус ҳолидин,
Хуросон мулкининг истиқболидин.

Ҳазрати Лутфий ҳам азимат этмиш,
Улусга кўнгилдин амният этмиш.

Бул фақир боши ҳам эмасдир тошдин,
Ғуссалар чекмишдир қавм-қариндошдин.

Икки салтанатга бир бош етмайду,
Фақир икки мулкни илқда тутмайду.

Самарқанддин хийла йироқдир Ҳирот,
Идора этмаклик мушкул ниҳоят,

Азизлар, берғайсиз рухсати олий,
Расад даргоҳини хуш кўрмиш толе.

Падари бузруквор кетмиш ғам бирла,
Азиз волидамиз хушкарам бирла

Алоуддавлаға марҳамат этмиш,
Соҳиби даврон, деб илқидин тутмиш.»

Улуғбек кўнглига бериб тасалло,
Ардашер, этгандек унга тавалло,

Деди: «Соҳибқирон, илми нужумни
Тараққий этмишсиз, фалак кўзимни

Юлдузлар сайриға чорлаган айём
Сизни бир кўрмақни кўнгил этмиш ком.

Шукрим, ушалмиш эзгу муддао,
Фақир бошиға ҳам қўнмишдур ҳумо.»

Мансур мирзо эса тўлғаниб шу он
Сўзлади, султонни синагансимон:

«Қудратли эрса-да салтанатингиз,
Нотинч кўринадур мамлакатингиз.

Абдуллатиф мирзо хавотир тортмиш,
Кун сайин кўнглида ташвишлар ортмиш.

Сиз «яксон этмишсиз» дини исломни,
Йўлдин чалғитмишсиз аҳли авомни.

Дину шариатни айлаб беқадр,
Шайху уламога этмишсиз жабр.»

Ғиёсиддин бир дам боқиб оташин,
Мансур мирзо сари сўзлади вазмин:

«Абдуллатиф мирзо гаплари бежо,
Фисқ-фужур уясин қўзғаманг, мирзо.

Аълоҳазрат топмиш илмда камол,
Ким ҳақдур, ким ноҳақ — айтур истиқбол.

Ислом илмини ҳам мукаммал билур,
Дин ва шариатга риоя қилур.

Эътиқод машъалин кўтариб баланд
Ҳазратни қутлағай мулки Самарқанд.»

Бошини кўтариб Улуғбек маъюс,
Ўкинч билан деди: «Дўстларим, афсус,

Фақирға отмишлар таъна тошини,
Эқмишлар ғавғою фисқ оташини.

Улус кўзин боғлаб дин пешволари,
Илкидин тортмишлар жаҳолат сари.

Эл бўлса бахраманд илм ила фандин,
Анга ҳавас қилғай етти тумандин.

Маърифат офтоби порлаган ўлка
Бошига хурофот сололмас кўлка.

Исломга азалдин эътиқодим зўр,
Лек қўнглим ёрутмиш илм мисли нур.

Туғдек баланд тутиб дин ва илмни,
Мақсудим: саводхон кўрмак элимни.

Саводхон кимсаға барча ошнодур,
Саодат нуридин кўнгли рўшнодур.»

«Офарин, султон» деб дўсту қадрдон
Кўнгили ташаккурин айлади баён.

Улуғбек анжуман аҳлидан мамнун
Жилмайди, ҳаёти бўлиб сермазмун.

Лутфий қўзғалмакка сўрмиш ижозат,
Улуғбек ноилож этмиш ижобат.

Дуога қўл очмиш дўстлар осуда,
Улуғбек мунғаймиш, кўнгли озурда.

Қўлин юзга суриб барча жим қолди,
Сўнг Лутфий изидан ғамгин қўзғалди.

Дарвоза олдида саф тортмиш Ҳирот,
Хомуш турар эди қанча улуғ зот.

Бошин қуйи солиб шаҳзодалар ҳам
Тахту тоғ даъвосин тутарди мубҳам.

Вале Алишеру Ҳусайн мирзо
Кўнглида яшарди ўзга муддао.

Бу орзу — Улуғбек мирзони кўрмак,
Пайт пойлаб, бир лаҳза анжуман қурмак.

Икки дўст кўзлари ёниб ўт каби
Рўёбга чиққандек кўнгил матлаби.

Улуғбек мирзою Лутфий ёнма-ён
Улуғлар қошидан жилгани замон,

Ҳусайн мирзо ўзин тутди-да бардам,
Алишер қўлидан етаклаб хуррам,

Юраги дов бериб, олға ўтдилар
Ва султон қошида таъзим этдилар.

Чехраси ёришиб Улуғбек мирзо
Ўктам болаларга жилмайди сипо.

Меҳрибон қўл билан бошларин силаб,
Елкасига қоқиб қўйди эркалаб.

Ҳусайн, ботирдек тутиб ўзини,
Сўзлади, султондан узмай кўзини:

Аълоҳазрат, маъзур тутгайсиз бизни,
Кўрмакка орзуманд эдик биз сизни.

Мансур мирзо ўгли Ҳусайндурмен,
Баҳодир бўлмакни орзу этурмен.

От чопмак, ёй отмак машғулотимдур,
Жанг қилмак усули мушкулотимдур.

Вале канда этмай машқни бир муддат
Қилич ўйнатурмен, соҳиби қудрат!»

Ўтдай чақнаб турган шаҳзодадан лол
Улуғбек кўзида ҳайрат ва савол.

Ва деди: «Офарин, Ҳусайн мирзо,
Оллоҳим қўлласин сизни доимо.

Унутманг, илмда кимки пешқадам,
Қиличсиз бош эгар қошида олам.»

Ҳусайн «қуллуқ» деб таъзим этган он,
Алишерга хурсанд юзланди султон.

Алишерни босиб Улуғбек сири,
Ичига сигмасдин кўнгил сурури,

Ҳаяжон ўтида тўлғаниб бир дам
Худди шеър айтгандек сўзлади ўктам:

«Олий ҳазрат, сиздек мўътабар сиймо
Номлари кўнглимда эрди доимо.

Юлдузлар боғига тушганда кўзим,
Ҳайратдан унутиб қўймишдим ўзим.

Падари бузургим ардоқлаб сизни,
Бағримга жо этмиш пок меҳрингизни.

Мунажжим эмишсиз оламда танҳо,
Кўзунгиз нуридан ёрушмиш само.

Мен эрсам самога боққаним онлар
Кўнглим пора этмиш кўндин пайконлар.

Юлдузлар шивирлар шеър айтиб менга,
Илҳом парисидек сир айтиб менга.

Юлдузу назмга кўнгли ишқибоз
Алишербек сизни этмиш сарафроз.

Падари бузургим (гоҳо шеър айтур)
Амир Ғиёсиддин Муҳаммад эрур.

Синчков назар билан кузатиб шодон,
Улуғбек алқади: «Офарин, ўғлон!»

Ва сўрди, кўнглида шубҳали тўлқин:
«Кичик Баҳодирнинг фарзандимисен?»

Алишер, кўзлари ғурурдан порлаб,
«Ҳа» деди, қошига отасин чорлаб.

Ғиёсиддин шахдам елди-да, алҳол,
Улуғбек қошида бош эгди хушҳол.

«Амир Ғиёсиддин, Алишербекдин
Бағоят хурсандмен, юлдузлар кўндин

Оқшомлар намойиш этмиш ўзларин,
Анга шеър сўйламиш, сузмиш кўзларин.

Юлдузлар сўзини англамиш ўғлон
Кўнглида, не ажаб, шеър қилса тугён.

Не ажаб, бўлса ул шоири даврон,
Бошига кўтарғай мулки Хуросон.»

Ғиёсиддин бир оз чекиб хижолат,
Ташвишга солгандек гўё бу ҳолат,

Узрли оҳангда деди султонга:
«Умид кўзин тикмиш фақир ўғлонга.

Алишербек қўймиш шеърга зўр ихлос,
Шеър айтса, дил бўлғай дардлардин холос.

Қани ўғлим, ўқунг, устод Лутфийдин,
Ҳазратим шод бўлсин олий лутфидин.»

Ниҳолдек қаддини ростлаб Алишер,
Кўзидан ўт чақнаб, ўқий кетди шеър:

«Ҳақким сени дилрабо яратти,
Ошиқлар учун бало яратти.

Ҳар қайда вафо рақиб учундур
Ошиқ улуши жафо яратти.

Қилманг мени ишқ учун маломат,
Чун ишқни ҳам худо яратти.

Ошиқ кишиларни ўлтурурга,
Тангри сени мунтаҳо яратти.

Лутфий, тамаъ этма меҳр ондин,
Кўрклукни чу бевафо яратти.»

Улуғбек кўнглидан дард фориг бўлиб,
Офаринлар айтди севинчга тўлиб:

«Боракаллоҳ, ўғлон! Ҳофизанг баланд,
Дилингда шеър ишқи ёнмиш ўт монанд.

Бул ишқ ўти ёнсин, сўнмасин асло,
Офтобдек нур сочсин, эл бўлсин ризо:

Сут бирлан кирмишдир туркий қонингга,
Мангу пайванд бўлсин туркий жонингга.

Туркийни асрагин қорачиг қадар,
Ул бир уммондирки, ҳар сўзи — гавҳар.

Ҳазрат Лутфий бўлгай сенга раҳнамо,
Шул эрур фақирда олий муддао.»

Алишер, қуллук деб, мамнун эгди бош,
Бағрида ловиллаб ёнарди қуёш!

УН ОЛТИНЧИ ҚУШИҚ

I

Улуғбек кетдию Самарқанд сари,
Ҳиротда бошланди тахт ғавғолари.

Кечмиш ҳодисотдан Алишер ҳайрон,
Покиза кўнглида оташли тугён.

Ўзгармиш отасин кайфияти ҳам,
Тоғаларин эса кўнглида алам.

Имондан тонгандек шоҳ ва султонлар,
Улуснинг бағрини ўртар фиғонлар.

Фитналар инига ўхшайди сарой,
Осойиш дамларни қўмсайди сарой.

Шаҳар безиллайди фарёд, ғавғодан,
Жон ҳовучлаб гирён қонли савдодан.

Бу ҳолга нажотбахш боқиб Алишер,
Ичидан куйиниб: «Бу не савдо!» дер.

Ҳусайн, дўстига бериб тасалло:
«Шунақа яралмиш, — дейди, — бу дунё.

Парво қилма, кимнинг илқидур баланд,
Ўшани бу дунё этар сарбаланд.

Кимнинг қўли қисқа, камдир қудрати,
Унинг бошидадир дунё гурбати.»

Алишер Ҳусайнга боқди-да ўтли,
Мулзам этмак бўлиб саволга тутди:

«Нечун парво қилмай, нечун турай жим,
Дунё зўрники, деб ким айтмиш, дўстим?

Дунё рамзи эрса тахту тож агар,
Нечун подшоҳ бўлмас адолатпарвар?

Дунё — улусники, аммо ҳоли танг
Улус ёқасига зулм солмиш чанг.

Қўли қисқа эмас улуснинг — узун,
Соҳиб рой бўлса-да, қудрати фузун.

Эл агар чиқарса бир ёқадин бош,
Тоғлар ҳам зарбига беролмас бардош.»

Алишер ақлига гўё бериб тан,
Ҳусайн жилмайди, ўртада туман

Тарқалган сингари деди: «Ғолибсен,
Фикрат нишонини тўғри олибсен.»

Шу пайт уйга қўйди отаси қадам,
Отаси изидан тоғалари ҳам.

Икки дўст баҳсининг ипи узилди,
Манқал атрофида давра тузилди.

II

Бир қучоқ лоладек чўғ тўла манқал
Оромбахш тафтига жонлардир маҳтал.

Эшикда кезади изғиринли қиш,
Фуқаро бошига солгандек ташвиш:

Майдалаб қор ёғар — ёғар гўё ғам,
Ғариб кулбаларда ҳасрат ва алам.

Кимнинг ўтини йўқ, ким нонга муҳтож —
Қишдан чиқиб олса, топар бир илож.

Ғиёсиддин тинчдир ўзига гарчанд,
Элнинг дарди билан юрагидир банд.

Алишербек билан Ҳусайн ундан
Рухсат олиб, ташга отилар хурсанд.

Кўчани бошига кўтариб шу он
Болалар бошлаган эди тўпалон.

Хусайн, ўйинга бўлди-да сардор,
Телпагин бостириб олди сервиқор.

Дўстлар қий-чувида ёзиб хуморни,
Алишер, олмадек отади қорни.

Болалар совуққа қилмасдан парво,
Умбалоқ ошади, умридан ризо.

Шамоллаб қолмагин Алишербек, деб,
Ўғлига боқади она куюниб.

Алишер, тортманг деб биздан хавотир,
Онасин эркалаб, югурар абжир:

Маъсума, изига қайтди-да шу дам,
Эшиқдан ичкари қўйганда қадам,

Кўриб Гиёсиддин авзойин нохуш,
Омонат ўлтирди ёнида хомуш.

«Бек, ўзи нима гап?» — оҳиста сўрди,
«Аммо кўзларида зўр ташвиш кўрди.

Гиёсиддин каби, оғалари ҳам
Хотиржам эмасди, бошлар эди ҳам.

Манқални чўп билан қўзгаб, беҳузур
Гиёсиддин деди: «Сарой нотинчдур.

Тахт учун авж олмиш тагин гавғолар,
Шаҳзодалар аро чиқмиш низолар.

Огоҳсиз, барчаси тахтга даъвогар,
Тож битта, кўп эрур лек шаҳзодалар.

Бу ўт ичра бизга йўқдир омонлик,
Лек айтинг, кимга биз қилдик ёмонлик?

Бу ўтдин узоқроқ турсакми дейман
Эки бирон тадбир кўрсакми дейман?»

Бир муддат ўртага чўкди-да сукут,
Уртади шикаста бағирларни ўт.

Соқоли кўмирдек, чехраси туйғун
Кобулий кўксида сўз урди тўлқин:

«Улус аламзада, юрт ҳоли хароб,
Шердек тўлғанадир, кўксида зардоб.

Шоҳруҳ мирзо кетгач ёруғ оламдин,
Сарой боши чиқмас гавғою ғамдин.»

Кобулий ҳақдур, деб ирғади-да бош,
Ғарбий сўзлади унга тилакдош:

«Амиру беклар кўп ҳаддидан ошмиш,
Улусга зулм айлаб, ғазаби тошмиш,

Ҳар мақомга солиб шахзодаларни,
Евуздек таламиш ғазнадин зарни.

Улусга қайғудош Улуғбек мирзо
Ҳиротдин кетмишлар мунгли, норизо.

Улуғ боболари чўнг давлатига,
Дунёни сўрамиш салтанатига

Ул ҳазрат муносиб ворис эдилар,
Илм дунёсини афзал кўрдилар.»

Тубсиз хаёлларга ғарқ Гиёсиддин
Чуқур сўлиш олиб, сўзлади ғамгин:

«Тўғри айтмишсизлар, шоир аҳли ҳеч
Ўтрик сўзламайдур, юртимиз нотинч.

Улусда осойиш топмаса қарор,
Элни қўрқитолмас шамшир ила дор.

Улусимиз буюк, халқимиз ботир,
Тоғни йиқмоққа ҳам қудрати қодир.

Лозимдур биз анга суянмоғимиз,
Нечунким улусдир таянч тоғимиз.»

«Бек, — деди Маъсума, — ҳақдур сўзингиз
Ва лекин эҳтиёт қилинг ўзингиз.

Сарой ғавғосига бош қўшманг зинҳор,
Ҳеч кимса бўлмағай сизга ғамгусор.»

Маъсума кўнглини юпатмак бўлиб,
Гиёсиддин деди юраги тўлиб:

«Билурсиз, тахт бирлан меним ишим йўқ,
Эл-улусдин ўзга ҳеч ташвишим йўқ.»

Шу пайт кириб келди усти-боши қор
Ҳусайн ва Алишер, кўнгли беғубор.

Манқалга, музлаган қўлларин тутди,
Совуқда қотганин гўё унутди.

ЎН ЕТТИНЧИ ҚЎШИҚ

I

Ҳорғин карвон елар Ироқ чўлида,
Мушкул бир сафарнинг йироқ йўлида.

Сарғайиб ётарди тепа, сайхонлар,
Ез гаштин сурарди юлғун, тиконлар.

Бўзтўрғай бўзларди чўл осмонида,
Сахро ташвишлари бордек жонида.

Ут пуркаб эсади сахро шамоли.
Чўл бетий сийпалар сафро шамоли.

... Шохруҳдан сўнг гўё ҳимоясиз тахт
Мўрт эди, мисоли қурт тушган дарахт.

Икки оға-ини — бир-бирига ёв,
Тахт учун жанг қилди, жангки беаёв:

Алоуддавла-ю, Муҳаммад султон
Бобо тожи учун ҳадсиз тўкмиш қон.

Бу икки ўт аро тополмай чора,
Бўлиб Фиёсиддин юраги пора,

Ҳиротдан ноилож бош олиб кетди,
Армон билан Ироқ йўлини тутди.

Балодан қутулиб, сақлашгандай жон,
Қавми-қариндоши унингдек сарсон:

Бири от устида, бири туяда,
Бири кажавада, бири пиёда,

Эркагу аёлда ташвишли савдо,
Болалар бу ҳолга қилмагай парво.

Саман от устида Алишербек ҳам,
Ҳайратга солади чўли муаззам.

Навокаш тўрғайлар парвозидан лол,
Ошуфта бўлгандек суради хаёл.

Узоқдан силсила тоғлар имлашар,
Тоғлар этагида боғлар имлашар.

Қуш бўлиб тоғларга учсам, дейди ул,
Муздай булогидан ичсам, дейди ул.

Хаёли тулпордек олиб қочмишдир,
Тилсимлар эшигин гуё очмишдир.

Кун бўйи мағрибга от қўйиб шитоб,
Сарбаланд чўққида жилмаяр офтоб.

Кўнглида қўзғалмиш оташ ва илҳом,
Чўққида офтобдек қилсам дер иқдом.

Офтоб, мусаввирдек тутиб нурқалам,
Кўкка чизди шафақ суратин кўркам.

Алишер, шафақдан нигоҳин олмас,
Офтоб санъатидан кўзин узолмас.

Бола-да, ғам-ташвиш бўлгандек унут,
Парвоз қилсам дейди мисли ёш бургут.

Обиҳаётга зор оташзада чўл
Гўё дейди унга: «Яқин қолди йўл.»

Жон қулоғи билан уни тинглайди,
Сахро ҳам одамдек мунгли инграйди:

«Раҳм эт, лабларим тарс-тарс ёрилмиш,
Кўз ёшим тупроғу қумга қорилмиш.

Бир дарё сув келтир, чанқоғим қонсин,
Менинг бағримда ҳам ҳаёт уйғонсин.

Иўлингда ўсадир бир туп қайрағоч,
Сув бергил — ҳаёт инжусини соч.

Тарк этма йўловчи удумин зинҳор,
Ким ўтса, унга сув қуймоғи даркор.

У ниҳол, бир куни бергуси соя,
Ҳимматингни этгай элга ҳикоя.

Мушфиқ кимсадин ул азиз ёдгордир,
Ўткинчи йўлига муштоқу зордир.

У сендек, ёши ҳам балки баробар,
Сув қуймай, ёнидан ўтма, навсафар.»

Алишер лол бўлмиш чўл нидосидан,
Кўнглини ўртаган илтижосидан.

Ва демиш: «Отажон, гаройиб-да чўл,
Менга бир ривоят сўзлаб бермиш ул.»

Алишер кўзига боқди-да ҳайрон,
Деди ул: «Чўлда ҳам армон бор, ўғлон.»

Кўзларида порлаб сеҳрли ёғду,
Чўлинг илтижосин сўзлаб берди у.

Хуржунлар кўзида сопол кўзалар
Сувим кам қолди, деб кўзин сузалар.

Чўл айтмиш қайрағоч кўринди мунгли,
Тўлқинланиб кетди Алишер кўнгли.

Шахдам елмиш отдан тушиб мардона,
Қайрағоч бошида бўлди парвона.

Отаси кўзани унга узатди,
От устида ўглин мамнун кузатди.

Алишер қондириб сувга ниҳолни,
Шод этди гўё бир бечорақолни.

Сўнг хурсанд, отига минди-да чаққон,
Қайрағоч қошидан силжиди карвон.

Кун ботиб, оҳиста чўлга қўнди шом,
Салқин шамол эсди берган-ча ором.

Кўк ёқди чироғин, ойдин эди тун,
Алишер самодан кўз узмас, мафтун.

Тортилиб қолганди йўлнинг таноби,
Карвон елар эди сарбонга тобе.

Йўл юриб, мўл юриб, ҳориган карвон
Тафт шахрига қадам қўйди бедармон.

ЎН САККИЗИНЧИ ҚУШИҚ

Тафтга ҳусн бўлмиш баланд иморат
Ўнлаб ҳужралардан эрур иборат.

Бу — қадим хонақоҳ, кўрки ораста,
Дарвишу шайхларга умри вобаста.

Азалдан масқандир зикру самога,
Самоъси етмишдир олис самога.

Саҳндор ҳовлиси серсоя, салқин,
Бағрига ариқдан эсади эпкин.

Чинорин, одамлар муқаддас билиб,
Шохига латталар кетмишдир илиб.

Унинг соясида шинам шоҳсупа,
Бир кунжга тахланган ёстиқ ва кўрпа.

Супага солинган бўйра ва гилам,
Гиламга тўшаклар бергандек ҳашам.

Ўртада хонтахта, соҳибназар чол
Китобни варақлаб, суради хаёл.

Хонтахта устида қалам ва довот,
Бир чойнак-пиёла, ликопда новвот.

Заррин муқовали баёзу девон,
Солномалар солмиш кўнглига туғён.

Чолнинг манглайида ажинлар қат-қат, —
Ўз изин қолдирмиш йиллар бешафқат.

Кўксини қоплаган соқоли — қордек,
Нуроний кўзлари меҳрга зордек.

Устида сурф либос, бошида дастор,
Хаёли оламни кезадир барқвор.

Қамиш қаламини довотдан олиб,
Ўлтирган жойида секин қўзғалиб.

Тўфонли тарихни этгани рақам
Закий нигоҳ билан суради қалам.

Эшиги ланг очиқ сокин хонақоҳ
Тинчлиги бир зумда бузилди ногоҳ.

Ховлида ҳайратнок бир тўда бола
Шовқини — қоядан тушган шалола.

Болалар ўйинин кузатиб хурсанд,
Кўнгли жунбиш қилди булоққа монанд.

Қошига чорлади — дилда ҳаяжон:
«Қани азизларим, келингиз буён.»

Нотаниш кимсадан ҳайиққансимон
Болалар отилди кўчага шу он.

Ховлида тийнатли бир бола қолди,
Чол сўзи кўнглига илиқлик солди.

У келиб, чол кўнглин мунаввар этди,
Таъзим-ла қўлини кўксида тутди.

Жонини яйратди иссиқ саломи,
Бағрига ўт солди ширин каломи.

«Ўғлон, отинг недур?» — сўрди доно чол,
«Алишербек», — деди болакай хушқол.

«Исминг ҳам жисминга мос экан, бўтам,
Шер журъати сенга хос экан, бўтам.

Елғиз сен сўзимга қилиб итоат,
Фақирни шод этдинг, отангга раҳмат!

Айтгандек, отанг ким?» — сўрди яна чол,
«Амир Ғиёсиддин», — деди бемалол.

«Кичик Баҳодирми?» — синчков боқди чол,
«Ҳа, шундоқ, ҳазратим!» — юзи бўлди ол.

ЧОЛ

Фарзанди экансен жўмард одамнинг.

АЛИШЕР

Сўзидин чиқмасмен сира отамнинг.

ЧОЛ

Қандоқ келиб қолдинг бу ерга, ўғлон?

АЛИШЕР

Ироққа кетмакда каттакон карвон.

ЧОЛ

Ироқ сафаридин ўзи не мурод?

АЛИШЕР

Отам осойиш жой излайдур, устод.

ЧОЛ

Кичик Баходирнинг ўзлари қайда?

АЛИШЕР

Нонушта қиладур карвонсаройда.

Алишер ақлига лол қолиб, хуррам,
Чол деди: «Кел, дуо қилайин, бўтам:

Донишманд олим бўл, закий фозил бўл,
Неки мурод этсанг, анга восил бўл.

Ўқисанг, мартабанг бўлгуси баланд,
Чирогим, илмга жон этгил пайванд.

Хар қалай, ўхшайсан мактаб кўрганга?»

АЛИШЕР

Ҳа, ҳазрат! Тўрт ёшдин қатнаймен анга.

ЧОЛ

Боракаллоҳ, ўғлон! Омадинг келсун,
Илму фан йўлида толеинг кулсун.

Қўлин очиб, олқаб кетди меҳрибон
Ва сурди юзига, бўлғил деб омон.

Алишерни излаб отаси шу дам
Хонақоҳ сахнига қўйганди кадам,

Қошида турарди Яздий — улуғ зот,
Тушими, ўнгими? Не ҳол бу, ҳайҳот!

Кўзига ишонмай боқиб қолди у,
Сир бермай, ўзини қўлга олди у.

Орадан неча йил ўтди — саргардон,
Наҳотки, унутган бўлса Хуросон!

Дунёни тарк этиб қомус ул — аълам,
Наҳотки, узлатга чекинмиш бу дам!

Ҳайрат тўла кўзлар бирдан ёшланди,
Қалбларга ўт берган чўғ оташланди.

Қадрдон ошналар қучоқлашиб шод
Диллар дилга гўё излади имдод.

Ўзини унутиб хурсандликдан чол
Ҳужрага бошлади уларни дарҳол.

Отаю ўғилни ўтқазиб тўрга
Гўёки қалбларин йўғирди нурга:

«Алишербек этди фақир кўнглин ром,
Ота ўғли экан, кўрсатди икром.

Хийла суҳбат қилдик, зеҳни кўп ўткир,
Кўзлари айтмишдир: дилида не сир.

Салоҳияти зўр, фикрати равшан,
Улуғ олим бўлса, олам бергай тан.»

«Қуллуқ», деб жилмайди кичик Баҳодир
(Бу — ўғли шаънига олий баҳодир).

Олқишдан ўзини тутиб мусаллам,
Буюк алломага айлади қарам:

«Фақирга азиздур ҳазрат дуоси,
Сиз бирла фахр этур илм дунёси.

Ўғлимни алқабсиз, сиздек улуғ зот
Дуоси мушкул дам бергайдур нажот.»

«Офарин, Бек!» дея тарихчи олим
Миннатдор жилмайди, шу пайт мулозим

Нону чой келтириб, ёзди дастурхон
Ва деди: «Марҳамат қилгайсиз, меҳмон.»

Нон ушатиб, кўк чой қуйиб узатди,
Алишерни эса зимдан кузатди.

Алишер маҳлиё боқмиш девонга,
Меҳри ортмиш яна хоксор мезбонга.

Чол қалбини гўё этиб инкишоф,
Девонни варақлар ўйлари шаффоф.

Баҳодир кўнглини кўтаргансимон
Чол дейди: «Бошингиз бўлса гар омон,

Ҳирийга қайтурсиз, тингай можаро,
Эл-улус жониға киргайсиз ора.

Тахту тож ғавғоси тинмагай аммо,
Фисқи-фасодларга тўла бул дунё.»

«Сизга айтсам, ҳазрат, аҳвол ёмондур,
Тахтни ким эгаллар, ҳали гумондур.»

Баҳодир кўзига жиддий боқиб чол,
Деди: «Ким зулм этса, топғуси завол.

Кўрғаймиз, не бўлса пешонада, Бек,
Яшармиз, ғанимга бошни эгмай, тик.»

«Дунё сафосидин воз кечиб, тақсир,
Не тарих ёзмишлар?» — сўрди Баҳодир.

Чол бир оз ўйланиб, сўнг берди жавоб:
«Умр ўтиб кетмиш дарёдек шитоб.

Фақирга омонат эмди бу дунё,
Йўлига мунтазир эмди у дунё,

Ўзга чораси йўқ тарих битмакдин,
Дунё ишратидин узлат этмакдин.

Фақирнинг умри бир сафарномадур
Ва битмиш китоби «Зафарнома» дур.

Амир Темур этмиш кўп юртларни фатҳ,
Музаффар тарихин фақир этмиш шарҳ.

Турк элин тарихи бой ва улуғвор,
Улусга битигим қолғайдур ёдгор.»

«Улкан юмушга даст урмишдур тақсир,
Мулоқат этмакдин бахтлидур фақир.»

Меҳмонлар узрли хайрлашиб хуш,
Хужрани тарк этди, чол қолди хомуш,

Алишер босолмай ҳаяжонини,
Йўлда гапга солди отажонини:

«Бу чол ўзи кимдур, закий ва хоксор?
Эхтиром кўрсатди сизга бузургвор?»

«Шарафиддин Али Яздийдур бу зот,
Фикр кўлами кенг мисли коинот.

Умр йўлларида кўп чекиб заҳмат,
Оқибат топгани бўлмишдур узлат.»

Алишер кўзида таажжуб бир ҳол,
Кўнглини чол меҳри этганди ишғол.

«Ҳазрат китобларин ўқурмен қачон?» —
Дея сўраб қолди ундан ногаҳон.

Гиёсиддин ўглин бошини силаб,
Деди елкасидан қучиб, эркалаб:

«Ўқурсен, ўғлоним, келганда даврон,
Илмда қилғайсен ўзни намоён.»

УН ТУҚҚИЗИНЧИ ҚУШИҚ

I

Гиёсиддин излаб Ироқдан паноҳ
Оқибат Язддан ул топди қароргоҳ.

Уруғ-аймоғин ҳам қўймай ғурбатда,
Нажот илкин чўзди мушкул фурсатда.

Муҳтожлик сездирмай бағрига олди,
Меҳрини чўғ қилиб қалбига солди.

Гарчанд тинч бўлса ҳам ўзига бари,
Бош эгиб келарди Баҳодир сари.

Баҳодир бу элда топиб эътибор,
Улуғлар меҳрига бўлмиш сазовор.

Хуросон тахтига Муҳаммад султон
Чиққани умидин айлади яксон.

У билан юлдузи тўғри келмасди,
Чунки у элга ҳеч шафқат қилмасди.

Шаҳзода кўзлари тиканли эди,
Саройда қилмиши фитанли эди.

На чора? Езилмиш неки қисматда,
Ўқиғай, роз айтиб умри фурқатга.

Алишерни бериб мактабга яна,
Юз тутди гўёки офтобга яна.

Унут бўлмаса-да ташвиш-ғамлари,
Умид кулбасида ёнмиш шамлари.

Алишер мактабнинг сабоғи-ла банд,
Илмда от сурар чавандоз монанд.

Болалар ичида бўлиб пешқадам,
Меҳрини қозонди домулласин ҳам.

Вале хаёлини олмиш бир китоб,
Бағрига оташлар солмиш бир китоб.

Бу китоб сеҳридан паришон ва лол,
Алишер мажнунвор кезади алҳол.

Оҳанрабо янглиғ жозибасидан
Сархушдек, кўз олмас саҳифасидан.

Ғаройиб боғ ичра кезгандек шодмон,
Сайроқи қушлардан ҳаловатсиз жон,

Қушлар билан бирга қилгандек сайр,
Қўлидан тушмайди «Мантиқ ут-тайр».

Қойил қолар Ҳудҳуд матонатига,
Толмас ўтгиз қушнинг жасоратига.

Учгиси келади баланд тоғ сари
Ўз йўлидан қайтмас Ҳудҳуд сингари.

Ед бўлиб кетса-да ўқийди такрор,
Ўйину суҳбатга қилмас эътибор.

Болалик дунёсин тарк этган мисол
Ҳаётдан қушларга излайди тимсол.

Қушлардек иноқмас, дейди, эл нечун,
Нечун Ҳудҳуд янглиғ сардор йўқ бугун?

Элни қовуштира, ким топиб бардош,
Улусга Ҳудҳуддек бўлса қайғудош.

Ҳудҳуддек тадбиркор, меҳрибон бўлса,
Элига нажоткор, меҳри кон бўлса!

Бошига тушганда энг мушкул савдо
Жасур Ҳудҳуд каби бўлса раҳнамо.

Қушлар дўстлигига қилади ҳавас,
Қушлар билан бирга олади нафас.

Қуну тун қушлар-ла кезиб, сарафроз,
Топмади китобдан ўзга бир ҳамроз.

Бу китоб чорлади уни хилватга,
Тилини йўғирди дурри ҳикматга.

Лафзига нур берди, фикрига зийнат,
Ақлига зарифлик, умрига тийнат.

Қушлар билан уни мангу дўст этди,
Дўст бўлиб, Алишер ўзин унутди.

Бу ҳолдан отаси бўлиб хабардор,
Ташвишга тушганда Ҳирийда илк бор,

Хавфдан асрагандек севган ўғлини,
Ўқишни ман этмиш «Қуш тили»ни.

Ҳатто олиб қўймиш китобини ҳам,
Кўздан пана жойда сақламиш мубҳам.

Алишер ўзига келгунича то
Китобдан йироқроқ тутмишлар ҳатто.

Вақт ўтиб, «Қуш тили»н унутди-да у
Кўнглида қўзғалди илҳомбахш туйғу.

«Бўстон»да сайр этиб гўёки булбул,
«Гулистон»дан термиш даста-даста гул.

Ўзга бир оламда кўрмиш ўзини,
Назмий оҳангларда айтмиш сўзини.

Саъдий қудратига гўё бериб тан,
Шом-саҳар у билан қурмиш анжуман.

Аммо келиб қолгач Ироқ элига,
Тағин меҳри тушмиш «Қуш тили»га.

Саъдий китоблари Ҳирийда қолиб,
Уни олиб келмиш қўйнига солиб.

Вале бу ошналик бормади узоқ,
Волидаси қўймиш йўлига «тузоқ».

Ўғлининг кўзига қўнганда уйқу,
Естиғи тагидан олиб қўйди у.

Алишер «дардини» ичига ютди,
Топилиб қолғай деб умидвор кутди.

Аммо китобидан дарак йўқ ҳамон,
Қудуққа тушгандек кетди бенишон.

У ёд олган эди китобни бутун,
Назми қўшган эди умрига мазмун.

Такрор этиб юрди неча кун хумор,
Неча кун тунларни ўтказди бедор.

Қуёш ҳайдагандек кўкдан булутни,
Аста-секин «Қуш тили»ни унутди.

Яна дўстларининг бағрига қайтди,
Юрак сўзини ҳам шеър билан айтди.

Кечаю кундуз у дарс-ла бўлиб банд
Назм гулшанига кирди орзуманд.

II

Ғиёсиддин яшар мулки Ироқда,
Ҳирот ғамларидан гўё йироқда.

Давлат ишларидан қўл силтаб муддат,
Бегона ўлкада яшар муваққат.

Хуросонда эса даҳшатли ҳолат,
Жангу жадал ичра яшар мамлакат.

Шохруҳни дафн этмай қўзғалмиш ғавго
Тинмайди неча йил ўтса-да ҳатто.

Карвонсарой дейсан шох саройини,
Бири келиб олар бирин жойини.

Тахтга даъвогардир қанча шаҳзода,
Жанглардан жафокаш эл кўнгли зада.

Бошига ёғмишдир кулфат тошлари,
Кўзидан қон бўлиб оқмиш ёшлари.

Жабру ситама ила бош оққан томон
Даста-даста бўлиб кетмиш саргардон.

Саргардон эл билан чекиб азият,
Мирхонд ҳам Ироққа келмиш оқибат.

Излаб Ғиёсиддин қароргоҳин ул,
Намозшом эшикда қовуштирди қўл.

Кўзига ишонмай Ғиёсиддин лол,
Мирхонд эса мунгли, афтода бир ҳол.

Ҳол сўраб, кўришди қадрдон дўстлар,
Юраклар тўлғонди, ёшланди кўзлар.

Алишер отилди Мирхонд бағрига,
Эмди қайтамиз, деб Ҳирот шаҳрига.

Қучиб Алишерни ўпди-да Мирхонд,
Айтганинг келсин, деб жилмайди хурсанд

Дастурхон устида дўстлар бафуржа
Суҳбат қурди кўкда чиққунча Зухра.

Осмон маликасин қилиб томоша,
Алишер ҳам бўлмиш суҳбатга ошна.

Кўнглини ўкситмиш Мирхонд ҳасрати
Ва улус бошига тушмиш кулфати:

«Денгизда тўфонда қолган кемадек
Ҳирий чайқалмишдур ғавғолардин, бек.

Бўлиб қолганида жон сақлаш душвор,
Сиз сари елмакни дил қилмиш қарор.

Шоҳ набиралари бир-бирига ёв,
Гавҳаршод илкида қолгандек жилов.

Улуғбек сўзини олмай инобат,
Хазонаи хосни қилмишдур ғорат.

Отаси жасадин олиб кетмакка,
Самарқанд бағрига дафн этмакка

Ҳирийга келган пайт от тортиб султон
Мамлакат ҳолидин бағри бўлмиш қон

Ва тахтни Улуғбек илкига олмиш,
Гавҳаршодбегим лек ғафлатда қолмиш.

Жони омон қолган Алоуддавла
Бувисини сургаб қочмиш шу палла.

Абдуллатиф бир оз тинчисин дебон,
Хутбай давлатни ўқутмиш султон.

Улуғбек кетгандин ярим ой ўтмай,
Тантана нашъаси кўнглидан кетмай,

Султон Муҳаммадга беролмасдин дош,
Абдуллатиф қочмиш мундин олиб бош.

Ул тинч туролмасдин Самарқандда ҳам
Ота тахтин кўзлаб юрмишдир ҳар дам.

Шайхлар анга кўмак бериб турмишлар,
Улуғбек мирзони даҳрий демушлар.

Тахтдин воз кечмиш-да оқибат, султон,
Бош олиб кетмишдур шаҳардин гирён.

Самарқанд қопқасин ёпиб ушбу дам,
Мирзонинг изидин қўймишлар одам.»

«Ё тавба!» — ғазабдан кўзлари ёниб,
Ғиёсиддин секин қўйди қўзғалиб.

«Тақсир, сўзланг тезроқ, тагин не савдо
Рўй бермиш?..»

«Кўп кўрмиш мирзони дунё!» —

Деёлди товуши қалтираб Мирхонд, —
«Мотам либосини киймиш Самарқанд.»

«Ё раббим!» — ушлади ёқасини Бек,
Бошида мунғайди юлдуз тўла кўк.

«Нечун ўлдирмишлар?» — Алишер ҳайрон,
Нохуш хабар этмиш дилини вайрон.

«Қай қотил тиг санчмиш соҳибқиронга?»
Баҳодир ғазаби олди аланга.

Япроқ каби титраб Мирхонднинг жони,
Зўрға баён этди, тошиб фиғони:

«Шаҳарга қайтмакка тополмай имкон,
Ҳаж йўлин тутмиш ул бесару сомон.

Бир қўнолға топмиш шаҳар четидин,
Жони ваҳмада лек тун сукутидин.

Уйқуға кетса-да мулозимлари,
Султон кўз юмолмас, гурбат наштари

Кўнглин пора этмиш, юраги қондур,
Оқпадар фарзанддин дилда исёнду.

Кўзин мудроқ босиб, чанг солмиш ғафлат,
Тун тортмиш комиға, қилмасдин шафқат,

Палангдек ташланиб қотил устига,
Ажал пичоғини санчмиш бўғзига.

Тонг билан тарқалмиш бул нохуш хабар,
Самарқанд кўксиға ургандек ханжар.

Эл турмиш оёққа, аҳли хурофот;
«Даҳрийнинг жазоси шул дермиш, ҳайҳот!»

«Ҳайҳот! — деб ўрнидан сакраб кетди Бек,
Алишер кўзида қўрқув ва ҳадик:

«Эмди юлдузларға ким бўлғай ҳамроз,
Ким этғай аларни элға сарафроз?»

Маъюс давом этди Мирхонд сўзида
Ҳасрат шуълалари намли кўзида:

«Ота тожин киймиш Абдуллатиф шод
Ва қилмиш шайхларнинг боғини обод.»

«Муртад Абдуллатиф! — лаънатлади Бек, —
Эл-улус наҳотки, қараб турса тек!»

«Чорасин топмиш эл кўп ўтмай, аммо
Абдуллатиф бўлмиш бошидан жудо.»

Ғиёсиддин сўрди тушиб ташвишга:
«Тақсир, ким қўл урмиш бул савоб ишга?»

Мирхонд деди, ўзи топгандек таскин:
«Сарой мулозими Бобоҳусайн!»

Мирхонд сўзидан Бек топиб қаноат
Юрагин амрига этди итоат:

«Қасосли дунёдир бу дунё, тақсир,
Қасосдин ким қочиб қутилмиш, ахир!»

Ғиёсиддин айтмиш сўздан руҳланиб,
Мирхонд деди шу он фикри чўғланиб:

«Ҳа, дунё шунақа, не қилурмиз, Бек,
Фарзанд отасига қилса қотиллик?»

Дунё — катта бозор, олди-сотди кўп,
Бириси дур олса, бири сотмиш чўп.

Бири савдогардир, бириси даллол,
Бири таъби ҳалим, бириси дажжол.

Барчага очиқдур дарвозаси ланг:
Бири жанда киймиш, бириси башанг.

Биридин кирса гар чиқар биридин,
Огоҳ бўлиб дунё мири-сиридин.

Ҳеч ким сурмас анда абадий даврон,
Бир кунлик бозор-да, тарқалур хуфтон.

Тун чўкса, ҳувиллаб қолгай бозор ҳам,
Кун чиқса, бозорга ўхшар мазор ҳам.

Дунё — бозор бўлса, тақсир, нетурмиз,
Бозорга келгандек келиб-кетурмиз.»

Чуқур ўйга толди, серғавго дунё
Баҳодир кўзига кўринди рўъё:

«Бу чигал дунёда фарзанди башар
Қисмати азалдин экан серҳунар.

Бири гадо бўлса, бири эрур шоҳ,
Бириси раҳнамо, бириси гумроҳ.

Бири доно бўлса, бириси нодон,
Бири шодон бўлса, бириси нолон.

Бири олим бўлса, бириси жоҳил,
Бири табиб бўлса, бириси қотил!

Дунё савдосидин чекиб надомат,
Умар Ҳайём демиш, қилиб башорат:

«Онон, ки куҳан буданду онон ки наванд,
Ҳар як паи якдигар якояк бишаванд.

В-ин мулки қаҳон ба кас намонд ҷовид,
Рафтанду равему боз оянду раванд.»¹

ИИГИРМАНЧИ ҚЎШИҚ

I

Язд чўли... Кўз етмас, йўқдир поёни,
Офтобда товланмиш кўклам уммони.

Майса гиламини тўшаб табиат,
Заминга кўрсатмиш олий марҳамат.

Табиат келини — фусункор баҳор
Тўйида очилмиш гуллар бахтиёр.

Баҳор базм қурмиш чўлда беармон,
Ҳуснини оламга этмиш намоён.

Гўё умрим менинг дегандек абад,
Турфа гулларини сочмиш беадад.

Қувончдан юзлари қирмиз қизғалдоқ,
Бўтакўз бошида анвои қалпоқ.

Сарвқад чучмома ўраб кўк рўмол
Гулсафсар қошида суради хаёл.

Бошида бир сават сариқ гул тутиб,
Момақаймоқ турмиш шамолни кутиб.

Жағжағнинг қўлида бир даста оқ гул,
Офтобга узатиб, мағрур боқмиш ул.

Яна қанча гуллар қилмиш таманно,
Табиат сеҳрига ўқиб тасанно.

Жилва қилиб, кўркам чўл сурурида,
Нафис товланади офтоб нурида.

Қурту қумурсқага кириб қолди жон,
Қоқилган қозиқдек боқади юмрон.

Арилар зингиллаб ўқдай учади,
Қора қўнғиз эса тупроқ кечади.

Ошиқи беқарор бўлиб капалак
Гулдан-гулга қўнар гўё жон ҳалак.

Тўрғай наво қилар чўл самосида,
Баҳор қувончлари куй-навосида.

¹ Кекса, ёш — ҳаётга ҳар кимки етар —
Ҳаммаси изма-из, бирма-бир кетар.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Кетдилар, кетамиз, келишар, кетар.

Чўлга султонман деб учмиш қорақуш
Юксакдан карвонга боқади нохуш.

Тонг билан Ҳиротга отланмиш карвон,
Муждаи жон келиб, шодланмиш карвон.

Елмоқда Язд чўлиң обод этгандек,
Муҳтожлик комидан омон ўтгандек.

Алишер елдирмиш саман отини,
Шўх сабо уфурмиш чўлнинг тотини.

Гуллар иси этмиш димоғини маст,
Қушларнинг навоси — қулоғини маст.

Сехрли дунёда қолмиш адашиб,
Гуллар боқмиш ҳайрон кўзи қамашиб.

Ватан меҳри айлаб толеин кушод
Аёгин ўйнатмиш узангида шод.

Бир қўлида қамчи, бирида жилов,
Кўзида — чўл мавжи, қалбида олов!

Қайнарбулоқ бўлиб тошар илҳоми,
Гулларда ранг бўлиб яшар илҳоми.

Қуш бўлиб, кўкларда этади парвоз,
Қуй бўлиб, қирларда беради овоз.

Саҳрони кезади сарин ел бўлиб,
Қуёшдан тўкилар ёғду — сел бўлиб.

Шеър бўлиб, қалбида замзама қилар,
Ишқ бўлиб ҳажрдан тантана қилар.

Уфққа туташар чексиз чўл бўлиб,
Ватанга етаклар ойдин йўл бўлиб.

Намозгар бўлса-да, тин олмай ҳамон
Бешикдай тебраниб елмоқда карвон.

Амир Ғиёсиддин чақнайди ўтдай,
Безакдор эгарга қўнмиш бургутдай.

Отининг бошида зийнатли юган,
Манглайига эса тумор осилган.

Елини ўйнатиб шамол ўтади,
Сағриси офтобда ялт-ялт этади.

Кумуш узангида Бекнинг оёғи,
Кўнгли тинч: ҳамсафар уруғ-аймоғи.

Тўриқ от устида Мирхонд — хаёлкаш,
Мозий жабҳалари бағрида оташ.

Йўл-йўлакай Тафтда тўхтаб ўтдилар,
Яздий ҳазратларин йўқлаб ўтдилар.

Нуктадони бисот дуо қилмишдир,
Долғали тарихни бино қилмишдир.

Туя карвонини етаклаган чол
Эшагин халалаб қўяр бемажол.

Икки ўркачи тоғ чўққиси монанд,
Ювош нор туяда Маъсума хурсанд.

Катта-катта тойлар орасига у
Ўлтириб олганди — чўккандек оху.

Юзидин чодрани кўтариб хиёл
Ўғлига боқади — кўзида савол.

Отин йўрғалатиб Алишер илдам
Онаси қошида жилмаяр шу дам.

Маъсума ўғлига қилиб тавалло,
Ўзи ҳам гўёки олар тасалло:

«Болагинам, отинг ювошдир, аммо
Хушёр бўл, жиловин бўшатма асло!»

Алишер, онасин юпатмак бўлиб,
Сўзлайди, шафаққа мафтун тикилиб:

«Онажон, бул манзар бўлмагай яккаш,
Офтобга боқинг-а, худди мис баркаш.

Оламга мунғаяр, юзи беёғду,
Тун балки хурсанддир, кун чекмиш қайғу.»

Волидаси деди: «Само бағри ол,
Кўнгилда маъюслик қўзғатмиш бу ҳол.»

Чўққиларга ташлаб заррин шуъласин
Кун ботди, сайёҳдек излаб гўшасин.

Бир оз йўл босди-да, шом домонида,
Карвон қўним топди қудуқ ёнида.

Чодирлар тикланиб аҳли жамоат
Ором тўшагида айлади роҳат.

II

Сахарлаб қўзғалди яна жамоат
Яна йўл амрига этди итоат.

Баданлар жунжикар чўл салқинидан,
Мужда кутар гўё кун ёлқинидан.

Поёнсиз саҳронинг мудроқ тунида
Алишер еларди карвон думида.

Ғафлат туманида қолгандек танҳо,
Оромбахш маъвога ўхшарди саҳро.

Уйқутоб, эгарда мункиб кетарди,
Гира-шира тунда мургиб кетарди.

Гарчанд чиқса ҳамки қўлдан жилови,
Йўлидан қолмасди унинг бедови.

Карвон ҳеч тўхтамай одимлар чўлда,
Рўй берди дафъатан синоат йўлда.

Алишер кўзини очолмай қолди,
Қаттиқ уйқу босиб, комига олди.

Тушиб кетди ерга бир пайт сирғалиб,
Келган эди ундан уйқуси ғолиб.

Соҳиби ёнига қайтиб ўша кез
Нажот излаб боқди самани ўксиз.

Карвон кетиб қолди — хабари бўлмай,
От эса ўт чимдиб турарди жилмай.

Юзлари лолагун уфқ жилмаяр,
Тонг ҳуснини кўриб, ўксинар саҳар.

Баланд тоғлар оша кўтарди-да бош,
Жунжиккан танларни илитди қуёш.

Алишер уйқули кўзларин очди,
Атрофига қараб хаёли қочди.

Чўлда қолиб кетмиш бир ўзи якка,
Ким келгай отидек унга кўмакка.

Тулпорин бошини силаб меҳрибон,
Тевага етаклаб, минди-да гирён,

Карвонни қидириб, йўлга тушди у,
Кўзида зориқиш, кўнглида ғулу.

Жамоада бу пайт саросима ҳол,
Боши қотиб ҳамма ҳайронди алҳол.

Бу ҳолга Баҳодир бергандек барҳам,
Бир лаҳза қилди-да жамоани жам,

Изига қайтмоққа айлади қарор,
Ташвишли кўзида гўё ваҳм бор.

Икки-уч йигитни ёнига олиб,
Ўқдек учди, чўлга ҳаяжон солиб.

Ота-ўғил елиб икки томондан,
Бир-бирини излаб қиру сайхондан,

Бедовлар тўшини босганида тер,
Сойликда учрашиб қолишди охир.

Ғиёсиддин қучиб Алишерни шод,
Манзилгоҳ сари, йўл бошлади бот.

Кечмиш воқеани сўйлаб Алишер,
Хаёл дафтарига битар эди шеър.

Томоғидан ўтмай бир қултум ҳам сув,
Маъсума куюнар, ранги ўчиб қув,

Отлиқлар қораси кўринган замон,
Танига югурди гўёки дармон.

Ўғлини узоқдан кўриб қолиб у,
Қошига отилди, кўз ёши — инжу:

«Алишербек, болам, юз берди не ҳол?» —
Бағрига босади ўғлин бемажол.

Юзу кўзларидан тўйиб ўпади,
Гоҳ ерга, гоҳ тизга қўйиб ўпади.

Аҳли жамоанинг юпаниб кўнгли,
Шоду хуррам иши келгандан ўнгли.

Карвон манзилини тарк этди яна,
Чошгоҳда Ҳиротга йўл тутди яна.

Тарихлар сўзлади Мирхонд мозийдан,
Гоҳо Амир Темур, гоҳо Монийдан.

Улуғбек ҳақида кетганида сўз,
Гўё жон талашди кеча ва кундуз.

Султон Абулқосим Бобир васфи ҳам
Мажлисни беади, дилларда карам.

Олий марҳаматдан шод Гиёсиддин,
Ҳиротга қайтмишдир бот Гиёсиддин.


Алишер кўзида қувонч денгизи,
Она шаҳарига хумордир кўзи.

Кун бўйи йўл юриб, карвон ҳориди,
Ҳирот яқин қолиб, сафар қариди.

Неча йил саргардон бўлган жамоат
Бошини ўпмишдир гўё саодат.

Шом қўниб, самога ёқилганда шам,
Ҳирот қопқасига қўйдилар қадам.





Зиннат

Фатхуллин

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

ҲИЖРОН АЛАНГАСИДА

2 парда 8 кўринишли драма

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

ОМОН ИҮЛДОШЕВ
ҚУМРИ ОПА
ҲАМРО БУВИ
НАДЯХОН НАЗАРОВА
АВАЗ КУЧЛИЕВ
ШОМУРОД АМАКИ
ЗАЙКОВСКИЙ ЕГОР
КУЗЬМИЧ
ИҮЛАИ ТҮХТАЕВ
ЭРГАШ ЭРКАБОВЕВ
ВЕСЕЛОВ
МАРТИНОВ

*студент, кашфиётчи офицер.
Оммонинг онаси, аргель раиси.
Қумри опанинг онаси.
студент қиз, кейин ҳамшира.
Оммонинг курсдоши.
Қумри опанинг ўринбосари.
Офицер.*

Зайковский қисмининг солдатлари.

Врач, номаълум офицер ва ҳамшира қизлар.
Боқеа Улуғ Ватан уруши йилларида ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Электротехника институти. Бўм-бўш хона. Деворга «Москва мудофаачиларига салом!» деган шиор осиб қўйилган.

НА Д Я (қулоғида телефон). Алло!.. Алло!

Кўчада ҳарбийларнинг жанговар ашуласи эшитилади:

Пусть ярость благодарная,
Скипает как волна,
Идет война народная,
Священная война!..

Ашула узоқлашади. Узоқ-узоқларда тўплар гумбурлайди. Омон кириб келади. Бир лаҳза тўхтаб, Надяни кузатиб туради. Сўнг ёнига боради.

НА Д Я (телефонда). Хўп, хўп яхши, мен тайёрман!

ОМОН. Нодирахон, нима қилсам экан?.. Тошкентдан телеграмма олдим. (Телеграммани Надяга узатади).

НА Д Я (телеграммани ўқийди, ғазабдан кўзлари чақнаб, телеграммани йирғиб ташлайди). Ажаб бўпти. Қирк қиз ичида дакан хўроз бўлиб кетаверасиз.

ОМОН. Ақлдан сздингизми, Нодирахон? Ҳозирги вазиятни яхши биласиз-ку.

Н А Д Я. Биламан. Оламни сув олсин, жоним омон қолсин дейдиганлардан экансиз. Қойил сизга!

О М О Н. Бу нима деганингиз, мен ахир! Мен...

Н А Д Я (*кесиб*). Сиз... Лекин мен москваликман. Киндик қоним шу ерда тўкилган. Илк муҳаббатимни ҳам шу ерда топганман. Сиз бўлсангиз... Ҳа, майли, нима ҳам дердик, исмингизни билиб қўйишган экан... Омон бўлинг.

О М О Н (*асабийлашиб*). Ахир, Иван Захаровичнинг ўзлари чақирсалар.

Н А Д Я. Қасал онангиз Иван Захаровичнинг олдиларига боргандир, ёлғизгина ўғлимни шу ерга чақиртиринг, деб йиғлаб-сиқтагандир...

О М О Н. Мени у ерга бекорга чақиртираётганлари йўқ!

Узоқдан бомбалар портлаши эшитилади.

Н А Д Я. Ҳа, сиз ана у институтнинг илмий советида рад қилинган радио қўтичангизни айтяпсиз шекилли-а?

О М О Н. Агар билсангиз, менинг ана ўша «қўтичам» Ватан мудофаасига сув билан ҳаводай зарур.

Узоқдан яна бомбалар портлаши эшитилади.

Н А Д Я. Жонни олиб қочиш учун бу ҳам бир баҳона. Майли, ихтиёр ўзингизда. Аммо мен Москвани ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман. Унинг дардига малҳам бўладиганлар қаторига қўшиламан. Улсам, ўламанки, Москвам учун курашаман.

О М О Н. Аммо, мен боришим зарур. Тамом — вассалом.

Н А Д Я. Майли бўлмаса, Омон ака... Шу ерда топишгандик, яхшиси, шу ерда ажралишиб қўя қолайлик. Муҳаббатимиз гунчаси шу ерда гуллаган эди, энди шу ерда хазон бўлиб қўя қолсин (*Ункаси тўлиб, хўнграб йиғлаб юборади*).

О М О Н. Ундай деманг, Нодира, жоним! (*Надяни бағрига олади*). Йўқ-йўқ. Мутлақо ундай эмас. Бизнинг муҳаббатимиз ҳеч қачон хазон бўлмайди. У эндигина гул очди. Унинг эндигина баҳори бошланди. Ҳа-ҳа, баҳор. Ана, эшитяпсизми? Бомбалар портлапти. Гўё момақалди роқ дейсиз. Бу баҳор момақалди роғи. Бизнинг муҳаббатимиз момақалди роғи. Майли, хайрлашамиз. Лекин вақтинча, фақат вақтинча... Муҳаббат ҳижронда синалади дейдилар.

Н А Д Я. Энди синовдан ўтди муҳаббатимиз. (*Омоннинг бағридан чиқиб*). Қўрқоқ одамда муҳаббат нима қилади.

О М О Н. Аттанг. Мени ҳали яхши билмас экансиз. Мени... мени Ватан чақираяпти ахир, Ватан! Мен Ватан топшириғи билан кетяпман, тушуняпсизми, ахир?... Вой, Нодирахон-эй!..

Ҳовлиқиб Аваз кириб келади. У ҳарбий кийимда, елкасида автомат. Надя кўз ёшларини артади.

А В А З. Вой оғайнилар-эй! Хайрлашиб кетай десам биттангизни ҳам тополмайман. Айтмайсизларми биз бу ёқда... ҳалигидай Тоҳир-Зухра бўлиб...

О М О Н. Сен бахтлисан, Аваз ботир, Москвани ҳимоя қилишга қоляпсан, мен бўлсам... Тошкентга...

А В А З. Иложинг қанча, оғайни. Мардларнинг жойи жангда, қўрқоқларга сичқоннинг ини минг танга.

О М О Н. Жуда ҳам катта кетма, Аваз ботир. Мардни майдонда кўр, деганлар.

А В А З. Лекин сен ҳам эҳтиёт бўл, мирза йигит, мамлакат ичкарисиди каромат кўрсатаман дегандай хаёллар билан бепарво юра кўрма. (*Надяни кўрсатиб*). Мана бунақанги эркакишодаларнинг орасига тушиб қолгундай бўлсанг, ўқ-яроқсиз ҳам асфаласофилингга кетаверасан, ҳа!..

О М О Н. Тўғри айтасан, ўртоқ. Агар сенга ўхшаб бировнинг боғига ўғирликка



Ўзбек совет адабиётининг ривожига муносиб ҳисса қўшган оқсоқол адиларимиздан бири, йирик драматург Зиннат Фатхуллин 80 ёшга тўлди. Таниқли адибимизнинг асарлари 1929 йилдан бери ўзбек театри сахналарида муваффақият билан ўйналиб келинмоқда. У яратган «Гунчалар» (1929), «Ниқоб йиртилди» (1932), «Бургут янчилди» (1933), «Синов кунларида» (1944) каби драмалар тарихий-инқилобий мавзуда бўлиб, уларда халқимизнинг инқилобдан илгариги оғир ҳаёти ва ўз эзувчиларига қарши олиб борган шиддатли кураш саҳифалари ёрқин манзаралар, ҳаётини образлар воситасида тасвирланган. Замонавий мавзуларда ёзилган «Ватан ишқи» (Шукру Сағдулла билан ҳамкорликда, 1957), «Обиҳаёт» (1963), «Ешликда берган кўнгиш» (1965), «Орзулар» (1967), «Кумуш тўй» (1969) каби драматик асарларида тинч бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлган фидокор кишиларимизнинг ҳаёти, интилишлари, маънавий дунёси терең акс эттиришлади. Бу асарлар кишиларимизни Ватанга садоқат, юксак олижаноблик, инсонийлик руҳида тарбиялашдек улкан ишимизга катта улуш қўшди.

тушадиган бўлсам, ажалимдан беш кун бурун асфаласофилинга кетишим ҳеч гап эмас.
А В А З (*кулиб*). Қўрққанга арқон ҳам, илон бўлиб кўринар экан-да, азизим. Лекин мен қўрқоқ эмасман.

О М О Н. Ўргилдим сенга ўхшаган туллак ботирлардан! (*Авазни елкасига уриб*).
Жўжани кузда санаймиз! Хайр. (*Қўл беради*).

А В А З. Йўл бўлсин?

О М О Н. Ҳижрон синовига! (*Надяга тикилиб қарайди, сўнг шахдам бурилиб, чиқиб кетади*).

А В А З (*елкасини қисади, Надяга қарайди*). Сизни ўлғудай яхши кўради. Сиз билан Тошкентга кетишининг иложини қилолмаётгандир-да?

Н А Д Я. Иложини топдилар, кетяптилар.

А В А З. Сиз-чи?

Н А Д Я. Мен Москвада қолаяпман.

А В А З. Ўх-ўх, бу жуда яхши-ку. Айтгандай, қўйинг ўша, беафо, бесафо дарвишингизни. Ундан дурустроғи қуриб кетибдими? Ҳалиги, ҳазрат Навоий айтган эканлар-ку: «Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп» деб.

Н А Д Я. Ҳомтама бўлманг. Ҳар қанча гул-чаман кўп бўлса ҳам булбулнинг ёқтиргани фақат қизил гул, шуни унутманг.

А В А З. Эҳ, Нодирахон... Очиғини айтсам, сиз мени қанчалик ёмон кўрманг, мен сизни шунчалик яхши кўраман, севаман. Шуни яна бир бор айтиб кетай дедим-да. Яна қайтиб кўришамизми, йўқми... буни билиш қийин. Лекин, сизга бўлган муҳаббатим чексиз. Мен бу муҳаббатимни жанг майдонларига олиб кетаман. У менга мадад бўлади. Энг оғир дамларда далда беради. Совуқдан, иссиқдан, ўтдан-сувдан, бало-қазодан асрайди...

Н А Д Я. Қарқиноқдан булбул чиқди деса ишонмасдим. Тупша-тузук шоир экансиз-ку, Аваз ака.

А В А З. Ҳа, ҳа, Нодирахон, мени шоир қилган, тилимни бурро, забонимни гўё қилган ҳам сизсиз. Лекин, фақат шоиргина бўлиб қолмайман, қаҳрамон ҳам бўламан. Сиз туфайли бўламан. Мана, кўрасиз. Ё чангим чиқади, ё донгим! Кўришолмасак, Нодирабегим... хайр. (*Чиқиб кетади*).

Н А Д Я. Ажойиб йигит. (*Телефон жиринглайди. Чўчиб тушади. трубкани олади*). Алло! Санитарлар штабими? А? Ҳа, ҳа, Надя Назароваман, розиман. Нима-нима? Хўп, ярим соатдан кейин олдингизда бўламан.

Қора сочим ўсиб, қошимга тушди,
Не савдолар менинг бошимга тушди...

Чироқ ўчади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Омоннинг лабораторияси. Столда майда-чуйда асбоб-ускуналар сочилиб ётибди.

Сержант Веселов радио-передатчик ёнида мудраб ўтирибди. Омон қисмларга ажратилган қандайдир аппаратни диққат билан текшираётти, радио карнайидан Ҳамид Одимжоннинг «Россия» шеъри ўқилапти:

Россия, Россия, менинг Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон.
Сенинг тупроғингда улғайди таним,
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон...

Веселов Омоннинг ухлаб қолганини кўриб, радиони ўчиради. Бирдан передатчик аппаратидан сигнал эшитилади.



Адиб ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида ҳам кўп йиллардан бери самарали ижод этиб келмоқда. «Ой бориб омон қайт» (1970) сценарийсида ўзбек халқининг ажойиб фарзандларидан бири — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қудрат Суюновнинг улғувор образи меҳр билан тасвирланади.

Адиб жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. У 1922 йилдан бери КПСС аъзоси. Узоқ йиллар партия раҳбарлик ишларида, республика Санъат бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Авторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармасида самарали меҳнат қилди.

Зиннат Фатхуллиннинг халқ ва адабиёт олиндаги хизматлари муносиб тақдирланган. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвони берилган, бир қанча орденлар билан мукофотланган.

Оқсоқол адиб, камтарин ижодкор бугунги қайноқ кунларимиз жасоратли замондошларимиз ҳиёти саҳифаларини бадиий асарларда жонлантириш йўлида баракали меҳнат қилмоқда.

ВЕСЕЛОВ (микрофонни қулоғига тугиб). Эштаман. (Омонга). Эштинг, ўртоқ капитан! Қушқадан — Михайлов. (Омонни уйғотади). Ўртоқ капитан, ўртоқ капитан!

ОМОН (сесканиб туриб). А, нима, нима?

ВЕСЕЛОВ. Эштинг. Қушқадан — Михайлов гапирапти. (Радиодан овоз эшигилади). Ажойиб аппарат кашф этгансиз, раҳмат! Турли масофада синаб кўрдик. Бу аппаратнинг нодирлиги, бебаҳолиги шундаки, у ҳеч қандай қидирувчи аппаратларга тутқич бермайди. Биз бу ҳақда марказий ҳарбий давлат комиссиясига рапорт юбордик. Боевой привет!

ОМОН. Ниҳоят!.. (Тўлқинланиб кўзи намланади).

ВЕСЕЛОВ (хайрон). Ўртоқ капитан, нега шунақа?.. Кўз ёш?..

ОМОН. Шодланганимдан.

ВЕСЕЛОВ. Қўлингиз дард кўрмасин. Мартабангиз баланд бўлсин. (Қучоқлаб ўнади).

Қолдан тойган Эргаш югуриб кириб келади.

ЭРГАШ. Ўртоқ капитан, ўртоқ капитан!..

ОМОН. Ҳа, нима бўлди?

ЭРГАШ. Сизни қийнаб ёгингизга қовуриб юрган анов айсар-қайсар... ҳалиги чакмоқ-момақалдироқ деганингиз-чи?..

ОМОН. Хўш, хўш?.. Эзмалик қилмай тезроқ айтақолсанг-чи?..

ЭРГАШ. Ҳалиги... Надя, Нодирахон деб айтаёйсиз-ку...

ОМОН. Хўш, нима бўпти? Айтинг тезроқ!

ЭРГАШ. Уша қиз Тошкентда!

ОМОН. А? Йўғ-е, у ўлса ҳам Тошкентга келмайди. Қўй, ҳазил қилма.

ЭРГАШ. Ҳазил қилсам, Гитлер тил тортмай ўлсин.

ОМОН (ўзини йўқотиб). Эпирай! Ўз кўзинг билан кўрдингми?

ЭРГАШ. Ҳа, кўрдим.

ОМОН. Қатда?

ЭРГАШ. Вокзалда. Яраланганларни олиб келган экан, уларни госпиталларга жойлаштириб, яна Москвага қайтиб кетаётган экан.

ОМОН. Ёлғон эмасми?

ЭРГАШ. Худо урсин, ёлғон эмас — Надя Назарова!

ОМОН. Жонгинам!.. (Яланғош, костюмини ҳам киймасдан шошиб чиқиб кетади).

ВЕСЕЛОВ (орқасидан кузатиб қоларкан). Бечора капитан, ўнгида ҳам, тушида ҳам ўшани ўйлайди. Уйқусида ҳаловат йўқ. Надя, Нодирахон деб алаҳлаб чиқади.

ИУЛАЙ. Муҳаббат шутқа эмас, брат! Туппа-тузук одамни ҳам телба-тескари қилиб қўяди. Ўзимнинг бошимдан ўтган, жинни бўлиб қолаётганман. Ҳа! Капитан ҳам ҳозир худди шундай аҳволда. Тагин ҳам иродаси мустақкам экан. Бўлмаса, аллақачон оёғига латта ўраб, «Нодира жоним, қайдасан» деб жўнаб қоларди.

ВЕСЕЛОВ (Омоннинг фуражкиси, костюмига кўзи тушиб). Ие, гапинг ростга ўхшайди. Ярим яланғоч чиқиб кетибди. Кўчага чиқиши биланоқ дарров патруллар ушлаб олишади. Эргаш! Югур кетидан!

ЭРГАШ. Мажнун-да, чистий Мажнун.

ВЕСЕЛОВ. Гапни чўзма! (Елкасидан итариб). Югур тезроқ! Нима, отанг темирчи ўтганми?

ЭРГАШ. Қанотим йўқ-ку, учиб борсам (Омоннинг фуражкиси-ю, костюмини олиб, куйлайди).

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлим йўқотдим-ку...

ВЕСЕЛОВ. Бор, борақолсанг-чи энди! Йўқотган бўлсанг бир кун яна топиб оларсан. Барака топкур! (Эргашнинг елкасидан туртиб, эшикдан чиқариб юборади). Вой тентак-эй! Бу йигит онасининг қорнида ҳам шеър ўқиб, ашула айтиб катта бўлган бўлса керак.

ИУЛАЙ. Ажойиб йигит. Унга икки дунё бир қадам. Эзмачилиги ҳам бор. Госпиталда бирга ётганмиз. Операция қилаётганларида ҳам «Пичоғингиз ўткирми, докангиз етарлими? Игнангиз тозами?» деб врачларнинг бошини қотирди.

ВЕСЕЛОВ. Бу шойринг тушмагур, Омонни икки дунёда тополмайди.

ИУЛАЙ. Е ўзим бораймикан?

ВЕСЕЛОВ. Югур ўзинг!

Иўлай югуриб чиқиб келаётганида, қўлида дастурхонга ўралган катта лаган билан кириб келаётган Ҳамро бувига урилади.

ҲАМРО БУВИ. Вой, ўлмасам. Қамишзорга ўт тушибдими? Вой, шумтакангизнинг эси жойидами ўзи. Урилиб йиқилаёзди-я! Ҳар сафар келганимда-чи, ё ашула айтасан, ё ўйнаб берасан, деб мени калака қилгани-қилган.

ВЕСЕЛОВ. У йигит бизга ўхшаган фронтдан яраланиб қайтган йигитлардан-да, бувижон. Постда туриб зерикади-да. Ҳазиллашгиси келади.

ҲАМРО БУВИ. Ҳазили бор бўлсин-э! Етмишдан ошган кампирни ўйнатиб нима маза топарди дегин. Тавба. Ҳай, қани менинг неварам, қани у, а?

ВЕСЕЛОВ. Ҳозир келади, онажон.

ҲАМРО БУВИ. Уч кундан бери уйга ҳам боргани йўқ. Энди кўрпа-ёстиғини ҳам шу ера олиб келақолсин бунақада. Онаси бўлса касал. Касал ҳолига қарамай, кийим-кечак артелида ишлайди. Ҳарбийларга кийим тикади.

ВЕСЕЛОВ (*койкага ёнбошлаб*). Бувижон, сиздан илтимос: неварангиз қайтгунча мен қиттаккина мизгиб олай... Уч кундан бери мижжа қоққанам йўқ. Сиз менинг ўрнимга навбатчилик қилиб туринг. Мана шу қутичадан «Чик-чик, чик-чик-чик» деган овоз эшитилиб қолса, дарров мени уйғотинг, хўпми?

ХАМРО БУВИ. Хўп, болам, хўп.

ВЕСЕЛОВ. Раҳ-мат... (*Кўзини юмиши биланоқ хуррак отабошлайди*).

ХАМРО БУВИ. Вой бувинг ўргилсин, болам. Бирам чиroyли хуррак отаркан, худди радиокарнайда кўшиқ жаранглаб тургандай. (*Устига шинелини ташлайди*). Майли, ухлайвер, болам, ухлайвер. Буни соғлиқ аломати дейдилар. Мени ҳам қизим уришгани-уришган. Ҳайронман сизга, аяжон, бошингизни ёстиққа қўйишингиз билан хуррак отасиз, дейди. Энди нима қилай! Қарилик, ўлгудай чарчайман. Ошхона билан меҳмонхона ўртасида кун бўйи танда қўйиб, оёғимда оёқ қолмайди. Ҳар куни ўн чақирим йўл боссам керак...

Передатчик тилга киради. Ҳамро буви шошиб қолади. Веселовни уйғотмоқчи бўлади, лекин кўзи қиймайди. Кейин, ўзи микрофони қулоғига тутлади.

ХАМРО БУВИ. Бу мен, неварамнинг бувисиман. Вой, ҳеч гап йўқ-ку. Чиқиллагани, чиқиллаган. Ҳай, қулоқ борми сенда, ё йўқ? Чиқилламай қўя қол-эй!.. Е кампир деб, мени калака қилаяпсанми! Хой, биласанми, мен кимман? Босмачилар урушида ҳалок бўлган Йўлдош амакингнинг жуфти ҳалол хотиниман. Ҳа!..

(*Аппарат чиқиллайверади. Ҳамро буви яна Веселовни уйғотмоқчи бўлади. Қани энди Веселов уйғона қолса, яна репродукторни қулоғига тўтиб Веселовнинг ёнига боради*). Уғлим, хой уғлим. (*Бақириб*). Уғлим, дейман!.. (*Оёғини тортади*). Турсанг-чи, айланай болам. (*Яна бақириб*). Тур-эй! Вой, қиёматгача ухламоқчи бўлдингми? (*Яна қичқириб*). Ҳой, болам, тур деяпман сенга!

ВЕСЕЛОВ (*чўчиб уйғониб*). А, нима?

ХАМРО БУВИ. Ана, «чик-чиқингга қара!

ВЕСЕЛОВ (*югуриб бориб микрофони қулоғига тутади*). Сержант Веселов эшитади! Капитан Йўлдошев муҳим иш билан... А? Нима-нима?.. Муборакбод... Полковник Зайковский?.. Қачон? Унчага капитан Йўлдошев келиб қолади. ЕСТЬ! Важондид! (*Хурсанд келиб Ҳамро бувини қучоқлаб ўлади*).

ХАМРО БУВИ (*хайрон*). Вой, жинни бўлдингми? Узи нима гап?..

Йўлай. Эргани кириб келадилар. Омон ғазаб билан фуражкани бир четга иргитиб юборади.

ЭРГАШ (*Веселовга*). Улгуролмадик, кетиб қолибди, зумраша.

ХАМРО БУВИ. Болам, хафа кўринасан?.. Ош олиб келувдим. Қани, иссиғида еб олинглар.

ОМОН. Эй, бувижон. Ҳозир томоғимдан овқат у ёкда турсин, сув ҳам ўтмайди.

ХАМРО БУВИ. Ҳа, нима бўлди, болам? Бошлигинг уришдимми?

ВЕСЕЛОВ. Хафа бўлманг, ўртоқ капитан. Хурсанд бўлинг, хушхабар устига хушхабар.

ХАМРО БУВИ. Вой, эсим қурсин. Сенга қандайдир хат келувди. Мана (*Беради*).

ОМОН. Ҳозир сержант... (*Хатни ўқийди*). «Салом... мен санитар поездчи билан Тошкентга келган эдим. Кечирасиз... Шунчаки, эски дўстлик, муҳаббат хурмати... Ҳозир сиз фронтдан узоқда, хотиржам... Осмонингизда қуёш, қалбингизда қувонч... Мундоқ ўйлаб қарасам, ўз юртида тинч-омон яшаб юришингиз ўзи ҳам катта қаҳрамонлик экан... Адресимни ёзмадими. Хафа бўлмайсиз. Надя...»

ОМОН. Эҳ, сен, бағринг тош, сеҳрли ва қаҳрли қаламқош экансан.

ВЕСЕЛОВ. Э, қўйинг ўша эси паст қизни. Агар у сиз қилаётган ишнинг маънисига тушунса, бошларингиздан сув ўгириб ичарди.

ЭРГАШ. Қадим замонларда бир шаҳзоданинг ишқи қурбақага тушган экан...

ОМОН (*сўзини кесиб*). Жим ўтир!

Веселов билан Эргаш честь бериб, жиғи туриб қоладилар.

ОМОН. Қурбақами, маликами? Ишинг бўлмасин. Мен уни севаман. У ҳам мени, ҳа, ҳа, жонидан ортиқ севади. Бироқ... у мenden хафа. Москва остоналарида қаттиқ жангу жадаллар кетаётган бир пайтда, гўё кўрқоқлик қилиб бу ерга, Тошкентга жўнаб келганимдан хафа. Хафа бўлишга, нафратланишга тамомила ҳақли.

ЙУЛАЙ. Йўқ, ўртоқ капитан, ҳақли эмас.

ОМОН. Нега?

ЙУЛАЙ. У ақлли қиз бўлгандайди, санамай саккиз демасди. Э, ундай қизларда севги нима қилсин? Қучаман десанг — қурбақа, сотаман десанг — бир чака.

КУЛГИ.

ХАМРО БУВИ. Ҳой, қоқиндиқлар, ошим совиб қолаяпти-ку.

ОМОН. Қани, аввал таом, баъдаз калом, ошга марҳамат, ўртоқлар!

Ҳамма ошга ўтирганда, Зайковский кириб келади. Йигитлар честь бериб, уни кутиб олишади.

ЗАЙКОВСКИЙ. Салом, ўртоқлар!

ХАММА (*честь бериб*). Салом!

ЗАЙКОВСКИЙ. Капитан Йўлдошев сиз бўлсангиз керак?

О М О Н. Ҳа, мен бўламан, ўртоқ полковник.
З А Й К О В С К И Й (*Омоннинг кўлини сиқиб*). Мен ҳозир Москвадан келдим.
Мудофаа Давлат комиссияси кашфиётингизни тасдиқ қилди. Кўплаб ишлаб чиқариш
учун Ҳарбий заводлардан бирига топширди. Табрик қиламан.

Қувончли табриклар. Ҳамро буви йиглаб, неварасини кучоқлаб ўпади.

О М О Н. Ие, нега йиғлайсиз, буви?

Ҳ А М Р О Б У В И. Хурсандлигимдан, болам. Москвадан келгандан бери отингни
эшитамиз-у, ўзингни кўрмаймиз. Кеча-ю, кундуз...

З А Й К О В С К И Й (*эркалаб*). Йиғламанг, бувижон. Неварангиз Ватанимиз учун
катта иш қилиб қўйди. (*Омонга бир қоғоз узатади*). Мана, комиссиянинг қарори, ўқидим
деб, қўлингизни қўйиб қайтариб берасиз. (*Яна бир қоғоз узатади*). Мана, буниси диплом.
Естигингизнинг тағига қўйиб, энди хотиржам ухлайверасиз.

Ҳ А М Р О Б У В И (*яна ошни эсга солиб*). Ҳой, болаларим. Ош совиб қолапти. Қўй
ёғига қилган эдим... Ичида гўшти ҳам бор.

О М О Н. Веселов!

В Е С Е Л О В. Лаббай, ўртоқ капитан?

О М О Н. Анов яшириб қўйган дорингни ўртага қўй. Дипломни ювамиз. Ўртоқ
полковникни ҳам меҳмон қиламиз.

В Е С Е Л О В. Есть, ўртоқ капитан, бош устига.

Ҳ А М Р О Б У В И (*дастурхонни тузатаркан, Зайковскийга*). Ана шу қутичаси
туфайли ақлдан озмасайди, деб кўрқиб юрган эдик, ўртоқ начайлик. Худога шукр,
ниятига етди болагинам.

Эргаш спиртни сувга аралаштириб кружкаларга қуяди.

З А Й К О В С К И Й (*қадаҳ кўтариб*). Бу кашфиётнинг разведкачилар, партизан
отрядлари учун аҳамияти ниҳоятда катта, ўртоқлар. Аминманки, бу кашфиёт катта
ғалабаларга сеҳрли қалит бўлиб, ғалабамизга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади.
Қани, ана шу ғалабаларимиз учун!

Чўқиштириб ичдилар. Зайковский сўзини давом эттиради.

— Энди, ўртоқлар, фронтга жўнаб кетиш навбати келди. Тошкентда полк ташкил
этилди. Мен ўша полк командириман.

О М О Н (*баланд руҳ билан*).

Муқаддас уруш, мўътабар диёр,
Довжорак ўғлон, ёвга қарши бор!
Бўлгин паҳлавон, қил уни тор-мор,
Шонли зафарлар, бўлсин сенга ёр!..

Чироқ ўчади.

УЧИНЧИ КҮРИНИШ

Омон Иўлдошевнинг уйи. Қумри хола касал. У диванда ёнбошлаб қандайдир
қоғозларга қўл қўяпти. Олдида ярим ҳарбий кийинган, қўлида папка, Шомурод амаки
турипти.

Қ У М Р И. Ўғлим нега ҳаяллаб қолдийкин-а?

Ш О М У Р О Д. Ажойиб ўғлингиз бор-да, Қумрихон. Уша ўйлаб чиқарган радиосидан
бир эшитсак бўларди.

Қ У М Р И. Вой, эшитиш қаёқда дейсиз, кўрсатмайди ҳам. Урушдан кейин кўрасиз
дейди. Ҳозир уни душман ортидаги партизан отрядларига юбораётган эмишлар.

Ш О М У Р О Д. Е қудратингдан! Бири Москвадан, бири Тошкентда туриб ҳам
гаплашаверади денг. (*Шомурод амаки деразадан қарайди*). Ана, ўзлари ҳам келиб
қолдилар.

Қ У М Р И. Хайрият.

Ш О М У Р О Д. Бир куни денг, ўғлингизнинг олдиларига борсам, катта-катта одамлар
атрофида гирдиқапалак бўлиб юришибди. Мен билан гаплашиб ҳам ўтирмади. Чиқиб
кетавердим.

Омон ҳарбий кийимда кириб келади. Онасини кучоқлаб ўпади.

О М О Н (*Шомурод амакини кўриб*). Э-ҳа, Шомурод амаки! Салом!

Ш О М У Р О Д (*аввал погонларига қараб, кейин ҳеч нарса бериб*). Салом, ўртоқ генерал!
Аянгнинг ишончли ёрдамчиси, артелда бўлса, қўлида калтак, аёллар билан даҳанани
жанг қилиб юрувчи граждандар урушининг собиқ солдати Шомурод Шодиев!

О М О Н. Юзга кирсангиз ҳам югуриб юраверинг, Шомурод амаки.

Ш О М У Р О Д. Ғалабамиз учун юздан бириб юришга ҳам тайёрман, ўртоқ генерал!

О М О Н. «Генерал» эмас, майор денг. Генералликка ҳали кўп қовун пишиғи бор.

Ш О М У Р О Д. Яхши ният — ярим бахт, дейдилар. Ўғлим, ажаб эмаскин... (*Соатига
қараб*). Вой-бўй, анча вақт ўтибди. Артелга борай. Аёллар қошларига ўсма, кўзларига
сурма тортиб мени кутиб турсалар керак. (*Чиқаётган даҳлизда Ҳамро бувини учратади*).

ҲАМРОБУВИ. Вой, Шомуродвой! Намунча, ўтга келдингизми? Бирор пиёла чой ичиб кетинг.

ШОМУРОД (*ер остидан айёрони қараб*). Узр, бибиҳоним, узр. (*Яна соатига қарайди*). Вақтим зикроқ.

ҲАМРОБУВИ. Бо худо! Ҳали, мен қичқирмасам тонг ҳам отмайди, дерсиз?

ШОМУРОД. Ҳа отмайди, маликам, отмайди. Йигит кишининг омади келса шунақа бўларкан. (*Мўйловини бурайди*). Тилимда ўқим, юрагимда ўтим бор. Бел бақувват, жонидан. Вой-бўй, ўзлариям тоза очилиб кетибдиларми? Қўз тегмасин, кўрган киши нақ ўн саккиз дейди. Дўндиқчаю мўндиқча, хизмат қилай ўлгунча, деб эрталабки соянгизни ўзига саккиз букилиб салом бермаса, мен бенават.

Омон билан Қумри Ҳамро биби билан Шомуроднинг гапларини тинглаб кулишадилар.

ҲАМРОБУВИ. Бе, чиранма, ғоз, хунаринг оз. Шартингиз кетиб, партингиз қолибди-ку, гижинглашингизга ўлайми, куяйми?

ШОМУРОД. Синаб кўргандай гапирасиз-а, маликам?

ҲАМРОБУВИ. Синасам шарманда бўлишингизни биламан-да, шоҳим. Узингиз ҳам артедаги аёллар орасида қизиқчилик қилиб юравериб, масхарабознинг ғирт ўзи бўлиб қолипсиз. Юзта сиз-биздан битта жиё-пиз яхши. Юринг, чой ичинг.

Кулги.

ШОМУРОД (*бўш келмай*). Ҳой-ҳой, маликам, мен билан ҳазиллашманг. Арслоннинг ўлиги-ю, сичқоннинг тириги. Ҳали-бери отдан тушадиган аҳмоқ йўқ. Чойингизни ҳам ичамиз, мойингизни ҳам. Қани, синовингизни бошлайверинг. Тўнка ёришми? Е лағмон ёйиш... (*Ҳамро буви агрофида ашула айтиб, ўйинга тушади*).

Кўчада қўйлар борадур,
Ичида бири қорадур.
Ақлинг бўлса ўйлаб кўргин,
Бу дунёда ким қоладур?

ҲАМРОБУВИ. Ўлинг алжимай. Сизни ким айтади олти ўғил, етти қизнинг отаси деб. Ўғилларингиздан хат борми? Ана шулардан гапиринг.

ШОМУРОД. Йўқ, бибиҳоним, бугун улардан гапирмайман. Ўғилларим душманни адабини боплаб беришаяпти. Қизларим ҳам улардан кам жанг қилишяётгани йўқ. Бири ўқ-дори, бири кийим-кечак, бошқаси озиқ-овқат етказиб бериб туришибди. Шунинг учун ҳам кайфим чоғ, парвозим балеанд. Қирчиллама йигитдайман. Мабодо Барчини бўлиб, юлдузни олиб бер десангиз, олиб бераман, олиб бермаган номард! Нима? Гапларимга ишонмайсизми?

Ўйнаб-кулиб бирга-бирга,
Соз этайлик дилни дилга.
Шод этайлик кўнгилларни,
Хизмат қилиб халқу элга.

Булбуллар сайрайди боғда,
Гуллар унсин чўлу тоғда.
Ҳамро бишим, жўр булбулим,
Ўйнаб қолайлик шу чоғда.

Ҳамро буви ҳам эриб, патнисини билан ўйинга тушиб кетади.

ҲАМРОБУВИ. Неварамнинг топган янгиллиги учун ўйнасам, ўйнабман-да!

Шомурод амаки Ҳамро бувининг қўлидаги патнисини бошига қўйиб, ўйинини давом эттиради. Омон билан Қумри хола қотиб-қотиб кулишади.

ҚУМРИ (*Омонга*). Бўлди! Бўлди? Опкет бу эсини еган чолни.

ОМОН. Яшаворинг! Қани, Шомурод амаки, кругом, шагом марш!

ШОМУРОД (*хушёр тортиб*). Есть, ўртоқ генерал. Кругом!..

ОМОН (*хахолаб кулади*). Юринг, мен сизни кузатиб қўяман. Ҳа, қулоғингизга айтадиган гапим бор.

ШОМУРОД. Хўп, ўғлим, хўп. (*Омон билан чол чиқиб кетишади*).

ҲАМРОБУВИ (*патнисини Шомуроддан олиб, столга қўйгач*). Уф! Чарчадим. Вой чоли тушмагур-ей! Ҳали бу қариб қуйилмаган қари эчки, бўш келсам, совчи юборишдан ҳам тоймайди. Сен нима дейсан, Қумри?

ҚУМРИ (*жилмайиб*). Мен нима дердим? Босмачилар чавақлаб кетган отам тирилиб келди деб хурсанд бўламан, вассадом.

ҲАМРОБУВИ. Вой, омон бўлгур, она хотин-ей. Ҳали мени эрга бериб, тўйимда ёр-ёр ҳам айтгарсан?

ҚУМРИ. Бўлмаса-чи?

ҲАМРОБУВИ. Ҳай-ҳай. Қумри бону, андак сабр қилсинлар! Мендан кўра аввал Омонимизни уйлантирайлик. Мен эса ҳали ёшман. Бошим туйнукдан чиқиб кетаётгани

йўқ. Олдида олтмишни олиб ташласангиз энди ўн саккизга кирдим. *(Қумрининг елкасидан қучоқлаб кулади).*

О М О Н *(коридорда паст овоз билан).* Шомурод амаки, онамни кўргандан кейин врач нима дедидар?

Ш О М У Р О Д. Юраги ёмон, дедилар. Туриб юриш сира мумкин эмас. Унга ҳозир тинчлик, хотиржамлик даркор, дедилар.

О М О Н *(соатига қараб, ўйчанлик билан).* Мен ҳозир фронтга жўнаб кетаяпман, Шомурод амаки.

Ш О М У Р О Д. А? Фронтга?.. Е алҳазар!.. Касал онамни шу аҳволда қолдириб-а? Йўқ-йўқ. Бу худога ҳам хуш келмайди, ўғлим.

О М О Н. Худога хуш келмаса уруш бошлаганларнинг танобини тортиб қўйсин. Бизда нима гуноҳ? Сиздан ёлғиз илтимосим: аямга кўз-қулоқ бўлиб қарашиб турасиз, хўпми?

Ш О М У Р О Д. Худо кўрсатмасин, бирор кор-қол юз бериб қолса, нима қиламан, ўғлим?

О М О Н. Шомурод амаки! Ҳозир минг-минглаб йигитлар фронтларда жон олиб, жон бераптилар. Жумладан, сизнинг азаматларингиз ҳам. Шулардан бирининг отаси, бирининг онаси ўлим тўшагида ётибди. Бирининг акаси, бирининг синглиси дорга осилган, бирининг жондан азиз қаллиги фашистлар юртига бадарга қилинган. Яна бирининг қишлоғи ёниб, кули кўкка соврилган. Хўш, мен шуларнинг қайси биридан ортиқман, отажон! Йўқ, мен граждандар уруши қахрамонининг фарзандиман.

Ш О М У Р О Д. Ахир, онам..

О М О Н. Тўғри, онамнинг касали оғир. Лекин, она-Ватанимнинг қасали ундан ҳам оғирроқ. Онам касалига шифокорлар малҳам бўла олади. Ватан дардига-чи?

Ш О М У Р О Д. Тўғри айтасан, ўғлим! Она ҳам, Ватан ҳам — она. Лекин шу Ватанин яратган ҳам, яшнатган ҳам оналар эмасми?

О М О Н. Бас, отажон! Юрагимни ўртаманг! Онамни сизга, сизни худога топширдим, хайр.

Ш О М У Р О Д *(бирдан).* Омин! Сафаринг беҳатар бўлсин. *(Қучоқлашиб хаёрлашаётганларида Ҳамро буви кириб қолади).*

Ҳ А М Р О Б У В И. Вой, ўлмасам. Бу қанақа хайрлашиш бўлди, болам! Шомуродвой фронтга кетаяптиларми?

О М О Н. Йўқ, шундоқ ўзлари..

Ҳ А М Р О Б У В И. Менга очигини айтавер. Нима қиласан яшириб, ахир мен... мен сенинг онамман-ку, болам?

О М О Н. Гап бундоқ, буви. Мен... мен фронтга кетяпман.

Ҳ А М Р О Б У В И. Вой, ўлмасам. Ҳай, ойингни шу аҳволда ташлаб-а? *(Ийглаб).* Бу гапингни эшитса, юраги тарс ёрилиб ўлиб қолади-я!

О М О Н. Жим... Ойим эшитмасинлар.

Ҳ А М Р О Б У В И. Вой, энди нима қилдим?

О М О Н *(чўнгагидан Надянинг суратини олиб, шодон қиёфада Ҳамро бувиغا узатиб).* Мана шу суратни, менинг суратим ёнига осиб қўйинг, хўпми, бувижон?..

Ҳ А М Р О Б У В И *(суратга қараб).* Анави хат ёзган ўжар қизинг эмасми, қоқиндик?

О М О Н. Йўғ-э! Бу бошқа. Бу шундай гўзал бир қизки, хусн-жамолига фаришта-ларнинг ҳам оғзи ланг очилиб, суқи киради... Бувижон, йўл анжомларимни маңа бу сумкамга солиб қўйинг, хўпми?

Ҳ А М Р О Б У В И *(ийглаб).* Хўп, бувигинанг ўргилсин, болам, хўп. *(Чиқиб кетади, Омон онасининг олдига киради).*

Қ У М Р И. Омон!.. Болагинам, бўталоғим, ёнимда бир нафасгина ўтиргин. Яхшиям сен борсан... Ҳа, маҳалламиздан яна бир талай йигитлар фронтга жўнаб кетаётган эмиш, сенга индамаяптими, ишқилиб.

О М О Н. Й-йўқ... Сизни шу аҳволда ташлаб қаяққа ҳам кетардим, ойижон.

Қ У М Р И. Мендан ташвишланма. *(Урнидан туради).* Мен... Мен Соппа-соғман.

О М О Н. Урнингиздан турманг, аяжон, ётинг. Сизга туриб юриш мумкин эмас экан.

Ҳамро буви кириб келади.

Қ У М Р И. Мени алдама, болам, оналарни алдаб бўлмайди. Шомурод амакингни ҳам, сенинг ҳам айтган гапларингни эшитдим. Тўғри гапирдинг... Мингдан-минг розиман, болам.

Ҳ А М Р О Б У В И *(қўлида Омоннинг йўл сумкаси).* Она рози — худо рози, дейдилар. *(Ийглайди).* Гиргиттонинг бўлай, нуридийдам, эҳтиёт бўлиб юр. Душманни ўлдир-у, ўзинг ўлма. Бошинг тошдан бўлсин, омин!..

Қ У М Р И. Йиғламанг, ойи, йиғламай жўнатайлик, шодиёна кунларда кутиб олайлик... *(Омоннинг пешонасидан ўпади).*

О М О Н. Хўп, бўлмаса... *(Онасининг олдида тиз чўқади).* Раҳмат.

Қ У М Р И *(икки қўлини баланд кўтариб).* Оқ йўл сенга, болам. Ойдаё бориб, офтобдай қайт. Тани-жонинг соғ бўлсин, омин!

Омон тезгина елкасига йўл сумкасини осиб, дадил қадамлар билан чиқиб кетади.

ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Омоннинг фронтга кетганидан кейин орадан анча вақт ўтган. Кун иссиқ. Қўлида сумка, оҳ-воҳлаб Қумри киради. Кўзлари билан ойсини кидиради.

Қ У М Р И. Ойи! (Қўлидаги сумкани бир четга қўяди). Вой-вой-ей! (Еллинади). Дўзахнинг эшиги очилиб кетдими, нима бало.

Ҳ А М Р О Б У В И. Ҳа, қизим, қалай, яхши келдингми?

Қ У М Р И. Яхши ойи! Бирор муздай нарсангиз борми?

Ҳ А М Р О Б У В И. Бор, болам. Сенга атайлаб яхна чой қилиб қўйибман. (Ичкари кириб кетади).

Қ У М Р И. Хат-пат келдими, ойи?

Ҳ А М Р О Б У В И (чинни косада яхна чой олиб чиқиб). Келди, қизим, келди, суюнчи бер. Вой, эсгинам қурсин, қаерга қўйдим ҳали.

Қ У М Р И. Ана холос.

Ҳ А М Р О Б У В И (хатни қидириб). Ҳозир топаман, ҳозир...

Қ У М Р И. Вой, онажоним-эй, олти ой деганда хат келса-ю, шуни ҳам йўқотиб Утирангиз-а!

Ҳ А М Р О Б У В И. Йўқолмасин, деб овлоқроқ жойга қўйган эдим-да, болам. Уф... (Утириб ўйлайди). Почтачи келди... Мана сизга хат бор, деди, олдим. Неварангиздан деди, суюниб дуо қилдим, хатни кўзларимга суртдим, кейн...

Қ У М Р И. Хўш, кейин-чи? Шошманг, атторнинг қутисидай бир қутичангиз бор.

Шунга солиб қўймадингизмикан? Ана ўшани яхшилаб қаранг, яхшилаб.

Ҳ А М Р О Б У В И. Ҳа-ҳа, рост айтасан. Ҳозир қарайман.

Қ У М Р И. Қаранг тезроқ, Уф, юрагим... безовта бўлиб кетаяпти. Йўқ-йўқ... Яхши хабар бўлса керак... Қўй ўйнама... ўйнама, юрак... Мени қийнама...

Ҳ А М Р О Б У В И. Вой ақлгинамни ел есин. (Қидиради). Топдим, топдим. Мана, ўргилай, менинг қўлимга тушган нарса йўқолармиди, жон болам. (Латта-пугталарга ўралган хатни оча бошлайди).

Қ У М Р И (хатга тикилиб). Русча ёзилган-ку.

Ҳ А М Р О Б У В И. Вой, ўлмасам?..

Қ У М Р И (ўқийди). «... Мен командирим Омон Йўлдошевнинг ёнидан келдим... Госпиталда ётибман. Сизни кўрсам, ўз онамни кўргандай бўлардим... Мартинов...» Худога шукр, ўғлим соғ-саломат экан, ойижон, мен кетдим. (Ичкари кириб, кийиниб чиқади.) Хат бир ойдан бери почтада ётган. Балки хатни ёзган солдат тузалиб, кетиб ҳам қолгандир. Ойижон, дорим қани?

Ҳ А М Р О Б У В И. Вой, ўлмасам, яна нима бўлди сенга?

Қ У М Р И. Севинганимдан...

Ҳ А М Р О Б У В И. Медада юрак ўлгур қоптими? Севинса ҳам дори, хафа бўлса ҳам дори.

Ҳамро буви Қумрига дори беради. Кимдир эшикни тақиллатади.

Қ У М Р И (ниманидир қидириб). Вой, ўлмасам, солдатнинг хатини қаёққа қўйдим-а? Шу ергагина қўйган эдим-ку. (Хатни кўриб.) Фу, қуриб кетсин, қўлимда экан. Адреси бормикан? Ҳа-ҳа, бор. Ҳозир бориб кўриб келаман.

Ҳ А М Р О Б У В И (ташқаридан). Келинлар, меҳмонлар, келинлар.

Надя, Мартинов, Авазхон кириб келадилар.

Аваз оқсайди, бир қўлида хасса, бир қўлида гулдаста. Мартинов чап қўлини бўйнига осиб олган. Қумри тўхтади. Улар саломлашади.

Ҳ А М М А. Салом!

Қ У М Р И. Салом! Салом!

А В А З (гулдастани Қумрига узатиб). Биз, Омон Йўлдошевнинг энг яқин дўстлариданмиз. Сизни кўргани келдик.

Қ У М Р И. Хўш келибсиз, азизлар, раҳмат.

А В А З (Мартиновни кўрсатиб). Мана бу йигит Омонбойнинг нақ ёнгинасидан келган.

Қ У М Р И (хурсанд). Вой, онагинангиз ўргилсин. Мартинов деган йигит сиз бўласизми? Мен ҳозиргина хатингизни олдим. (Қучоқлаб пешонасидан ўпади.) Қани ўтиринлар.

Мартинов чўнтагидан консерва олиб, уни очади. Надя олиб келган колбасани парраклай бошлайди. Аваз бир шиша ароқни чўнтагидан олиб очиб, стаканга қуяди-да, озгина ичиб кўради.

Н А Д Я. Вой, бу қанақа интизомсизлик? Уят эмасми?

А В А З. Кечирасиз, жонидан. Қанча сув қўшилганлигини билмоқчи эдим. Ахир, мен бу оқ шайтонга олти юз сўм тўлаганман-а, олти юз сўм!

Н А Д Я. Қилингиз қурмасин сизнинг. Доим подадан олдин чанг чиқариб юрасиз.

Қ У М Р И. Зарари йўқ. Қанисиз, ойи.

Ҳ А М Р О Б У В И. Ҳозир, жон болам, ҳозир. (Зум ўтмай тўла патнис кўтариб чиқади. Надяга кўзи тўшиб, унга узоқ тикилиб қолади.)

Қ У М Р И. Қизим, сиз ҳам ярадорларданмисиз?

Н А Д Я. Йўқ, ҳамшираман.

Қ У М Р И. Афтингиздан ўзбек қизига ўхшайсиз.

Н А Д Я. Ҳа, дадам ўзбек. Инқилоб йилларида пахта мутахассиси бўлиб, Москвада қолиб кетганлар. Уша ерда онамга уйланганлар. Исми Нодира. Дугоналарим мени Нада дейишади.

Ҳ А М Р О Б У В И. Сиз Омонни танийсизми, қизим?

Н А Д Я. Ҳа, бирга ўқиганмиз...

Ҳ А М Р О Б У В И. Бундан олдин ҳам Тошкентга келганмисиз?

Н А Д Я. Ҳа, ярадорларни олиб келганман.

Ҳ А М Р О Б У В И. Уша келганингизда Омонга хат қолдириб кетмаганмидингиз?

Н А Д Я. (каловланиб қолиб). Й-й-йўғ-е...

Қ У М Р И. Қўйинг, аяжон, меҳмонни тергов қилмай, ўз холига қўйинг.

Ҳ А М Р О Б У В И. Шунчаки сўраб кўрдим-да, болам. (Ичкари кириб кетади.)

Қ У М Р И. Хафа бўлмайсиз, қизим, кампири тушмагур, худди ёш боланинг ўзи.

А В А З. Ҳечқиси йўқ, кампир деган мана шунақанги тийрак, синчков бўлиши керак.

Берсанг ейман, урсанг ўламанлардан худо асрасин. (Пиёлаларга арақ қуяди.)

Ҳамро буви чой олиб чиқади. Сўнгра девордаги суратни олиб Надага кўрсатади.

Ҳ А М Р О Б У В И. Узр, болам, мана бу сизнинг суратингиз эмасми?

Н А Д Я. Вой! (Шошиб қолади.) Йўқ, бувижон... Қаранг-а! Тавба, Омон акамларнинг худди менга ўхшаган таниш қизлари ҳам бор экан-да.

Ҳ А М Р О Б У В И. Фронтга кетишдан олдин неварамга бир қиздан хат келган эди. Емон қиз экан. Хатининг ҳар бир сўзида қочирик.

М А Р Т И Н О В (суратни кўриб). Йўқ, суратга қараганда бу қиз ёмон қизга ўхшамайди.

А В А З (суратни олиб). Э, бизнинг орамизда шунақанги ўзига бино қўйган, кеккайган, калондимоғ қизлар йўқ дейсизми.

Н А Д Я (суратни Авазнинг қўлидан тортиб олиб). Қўйинг-э! Етти ухлаб тушингизга кирмаган бир бечора қизни бунча камситмасангиз. (Суратни Ҳамро бувига узатади.) Олинг, бувижон. Бу қиз яхши қиз. Яна баландроқ жойга осиб қўйинг.

А В А З (яна ичиб). Молодец, сестричка! Катюшадан отдингиз. Лекин тегмади. Менинг баданим пўлатдан... Фақат шуниси алам қиладики, қахрамон бўлмайман. Фашист танкларини қирқ-элик кадам масофагача қўйиб, танкка қарши қуролим билан бир ураманки, икки-учта танки ёниб, кули кўкларга созурилади. Аммо, тўртинчисига қолганда довураклигимга бардош беролмай тумтарақай кетаверишади, лаънатилар.

Н А Д Я. Тўртинчиси зарурми?

А В А З. Қахрамон бўлиш учун бир жангда душманнынг камида уч-тўрт танкини яқсон қилишим керак-да. Тўрттадан кам бўлса медал-педал, отанг яхши, онанг яхши, тудовой-судовой деган мақтов гаплар оласан холос.

Қ У М Р И. Шундай ҳам чинакам қахрамон экансиз-ку, болам. Ниятингизга етинг. Бошингиз тошдан, танангиз пўлатдан бўлсин.

Ҳамма қарсақ чалади.

А В А З. Э, оғайнилар, қарсақни кўкракка тақиб бўладими?

Н А Д Я. Ҳаддингиздан ошманг, Аваз ака. Шукр қилинг. Мана эсон-омон юрибсиз. Қумри опамнинг эзгу тилақларига раҳмат айтинг.

А В А З. Кечирасиз, онажон. Раҳмат. Лекин бари бир ниятимга етаман. Е шуҳрат-шон, ё баданим қуртларга кон! Бошқа гап йўқ!

Қимдир эшикни тақиллатади. Ҳамро буви чиқиб кетади.

М А Р Т И Н О В (қадах кўтариб). Қани, азиз дўстлар, шу ҳовлининг муҳтарам эгаси, менинг севиқли командирим Омон Йўлдошевнинг соғ-саломатлиги учун ичамиз. Исми-жисмига монанд бўлсин!

А В А З. Ура! Эштигимизга қараганда, онажон, ўглингиз радиоэлектрон тўлқини воситаси билан йлдузни ҳам уриб туширадиган қурол устида ишлаётган эмиш. Отасига раҳмат!

Ҳамма ичади.

Ҳ А М Р О Б У В И (шошилиб кириб). Қизим, яна бир хат келди.

Хатни кўриши биланоқ Қумри холанинг ранги ўчади. Буфетга суянганча қотиб қолади. Ҳамма ҳаяжонда.

М А Р Т И Н О В. Нима гап?

Қ У М Р И. Дорим қани?

Ҳ А М Р О Б У В И. Вой, ўлмасам. (Қизига дори ичиради.)

А В А З (хатни ўқийди). «Шиддатли жанглардан сўнг капитан Омон Йўлдошев бедарак йўқолди...»

Н А Д Я. А. Нима, нима?.. (Хатни ушлаб турган жойида қотиб қолади.)

Ҳ А М Р О Б У В И. Вой, мен ўлай. Нега менга ўхшаган кампирларга ўлим йўқу... Ун гулидан бир гули очилмаган... Ох, болам! Вой, болам! Бувиганинг ўрилсин, болагинам!..

А В А З (Мартиновга). Гапир! Қандай бўлди? Ёлгон гапирсанг, ҳозир бўғиб ўлдираман.

М А Р Т И Н О В. Нима дей... вазият оғир эди. Шиддатли жанглар... Душман бизни ўраб олди. Мен яраландим. Майор Йўлдошев яраланганларни машинага солиб жўнаганида шоша-пиша уй адресини газета парчасига ёзиб берди-ю, кейин нима бўлди — билмадим. Мана, ўз қўли билан ёзилган адрес.

А В А З (хагни ўқиб). Аттанг... Қандай ажойиб дўстимиздан жудо бўлдик... Эҳ! (Ичади.)

Н А Д Я (Қумри холани қучоқлаб). Онажон!.. Сиздан яширадиган сирим йўқ. Мен Омон акамнинг қайлигиман. Сиз менинг онажонимсиз.

Қ У М Р И. Жуда яхши... Бирини йўқотдим, бирини топдим.

Н А Д Я. Йўқ, йўқ, онажон, ҳеч кимни йўқотганингиз йўқ. Омон акам тирик, у ўлмайди. Унақа одамлар ўлмаслиги керак.

Қ У М Р И. Бийрон тилларингдан онагинанг ўргилсин, қизим... Мени ётоқхонамга... Ўғлимнинг кетган йўлига қаратиб ётқизинглар. Юрагимнинг қаеридир узилиб кетгандай бўлди.

Аваз билан Мартинов Қумрини қўлтиқлаб ичкарига олиб кирадилар.

Н А Д Я (кўзида ёш). Ох, жонгинам... Наҳотки мени ташлаб кетган бўлсанг. Доғи аламларда қолдириб-а? Сўнгги хайрлашувимиз... Даҳшат... Узимни ҳеч бир кечиролмайман. Мен шакқок қиз, билсам, сизни қаттиқ ҳақорат қилган эканман ўшанда. Энди сизнинг ўрнингизга ўзим йўқолсам бўлмасмиди?..

А В А З (Мартинов билан ичкаридан чиқиб). Аямиз қазо қилдилар.

Н А Д Я. А?..

А В А З. Бувимиз ҳам хушсиз ётибдилар.

Н А Д Я. Вой, шўрим!.. Энди нима қилдим? Бу қандай шумқадамлик. (Кўз ёшини арта-арта югуриб ичкарига кириб кетади.)

ПАРДА

ИККИНЧИ ПАРДА

БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

Ёзининг энг гўзал пайти. Қалин ўрмон ичида яшил чайла. Атрофда қушлар сайрайди. Айниқса бир булбул билан майна ўзаро мусобақа қилгандай бўлиб сайрайди. Каккунинг ҳам овози эшитилиб туради. Жангчилар ўз ишлари билан овора. Узоқдан гоҳ-гоҳ отишма овозлари, автоматнинг тириллаши қулоққа аранг чалинади. Эргаш дўмбира чертиб, бепарво хиргойи қилиб ўтирибди.

Э Р Г А Ш.

Тушда кўрдим ёримни,
Кўзлари хуморимни,
Чертармиш дуторини,
Қўмсаб севган ёрини.

Йиғлама, ёр, йиғлама,
Юрагимни тиглама!

Ерим ҳалок бўлди деб,
Юрагимни тиглама!

Ерим қолган узоқда,
Қалбим ёнар фироқда.
Қўришармиз, жонгинам,
Гуллар очилган чоқда.

В Е С Е Л О В. Хайриятки, Эргашимиз бор. Бўлмаса жанг тиниб турган пайтларда нима қилишимизни билмай, кафтимизни бир-бирига ишқалаб ўтираверардик.

Э Р Г А Ш (ўзича хаёли суриб). Кечалари осмонга қарайман-да, тўлин ойда сенинг жамолингни кўраман, жонгинам...

И У Л А Й. Қўрмоқ бор-у, қучмоқ йўқ-да.

В Е С Е Л О В. Тс... с... с... Шoirнинг илҳоми келди.

Сал нарида снаряд портлайди. Ўрмон шовуллайди, қушлар сайроғи тинади. Эргаш чўчиб, ўрнидан ирғиб туради. Дуторини орқасига яширади...

В Е С Е Л О В. Қўрқма, Эргаш, кемага тушганининг жони бир, фон Фишер асабларимизни синаб кўрмоқчи, холос.

Яшил халати қонга беланган Сарсенбоев чайлага киради, кирадио гурсиллаб йиқилади.

В Е С Е Л О В. Жўлдибой!

С А Р С Е Н Б О Е В. Майорни шақир.

В Е С Е Л О В. Эргаш, югур!

Эргаш югуриб чиқиб кетади.

И У Л А Й (телефонда). Саккизни бер. Лазарет. Дарров насилка билан келинглар. Дарров!.. Алло! Ун иккини бер. Ўртоқ полковник, Жўлдибой қайтиб келди. Оғир яраланган.

Югуриб кириб келган ҳамшира қизлар Сарсенбоевнинг ярасини боғлайдилар.

ВЕСЕЛОВ. Қўрқма, Жўлдибой, қўрқма. Тилимиз билан ялаб бўлса ҳам, ярангни тузатамиз.

Эргаш билан Омон Йўлдошев кириб келади.

САРСЕНБОВ (Омонни кўриб). Партизанлар ўси жердан олти километр кун ботисда... хат бар... ишки қалтамда... генерал фон Фишер ёки батальон аскерини фронтга жўнатибти... сув...

Ҳамшира қиз сув тутади. Сарсенбоев ҳушидан кетади. Омон унинг қўйин чўнтагидан харитани ва хатни олади. Ярадорни носилжада олиб чиқадилар.

ОМОН. Эҳ, лаънатилар! Тўнғич передатчигимни ҳам чилпарчин қилиб ташлади-лар. Тилсиз, қулоқсиз, қўл-оёқсиз бўлиб қолдик.

ЗАЙКОВСКИЙ (шошилиб кириб). Қалай?

ОМОН. Жўлдибой ҳушидан кетди... (Хатни ўқийди). «Марказ билан алоқамиз яхши. Биз сизни қуршовдан олиб чиқамиз...

ВЕСЕЛОВ (киради. Бошидан пилоткасини олиб). Сарсенбоевдан жудо бўлдик...

Сукунат. Ҳамма ғамгин. Шу пайт иккита солдат уст-боши кирланган, соч-соқоли ўсган, немис кийимидаги бир кишини олиб киришади.

1-СОЛДАТ. Ўртоқ полковник, фон Фишернинг жосусини ушлаб олиб келдик. КИШИ. Ҳа, мен жосусман, сотқинман.

ЗАЙКОВСКИЙ. Танийман. Ўз томонимизга якка-якка бўлиб ўтишимизни таклиф қилган эдингиз. Бу эса солдатларим учун, ҳаммамиз учун ҳалокат сўқмоғи эди. Тиш-тирноғим билан қарши турдим. Гапимга кирмадингиз, ўзингиз кетавердингиз. Хўш, фашисларнинг ўтли говидан ўтолдингизми?

КИШИ. Йўқ, Ут ичида қолиб кетдим. Нима қилай?.. Жон ширин экан... Ейишга бир бурда нон, ётишга макон излаб дайди итдай сарсон-саргардон бўлиб юравердим. Аттанг. Баъзиларга ўхшаб, ўз юртимда дезертир бўлиб тоғу тўқайларда қочиб юрганим яхши эмасмиди.

ЗАЙКОВСКИЙ. Хўш, кейин нима бўларди?

КИШИ. Бошга тушгани кўз кўрарди. Вари бир, фашистлар Сталинград орқали Волгани кечиб ўтади. Бу барчага аён. Саратов билан Куйбишев шаҳарларини осонликча ишғол қилади. Урта Осиёни Россия билан боғлаб турган барча йўллар ўз-ўзидан кесилади. Уша заҳоти Турк легиони бошлиқлари Тошкентга учиб келиб, «Улуғ Туркистон давлати» барпо этади. Биз бўлсак, миллий қаҳрамонлар сифатида тоғдан тушиб...

ЗАЙКОВСКИЙ. Уҳ-ҳў! Планлар катта экан-ку!

КИШИ. Газеталарнинг хабарига кўра, буни Гитлернинг ўзи тасдиқлаган.

ЗАЙКОВСКИЙ. Хўш, хўш, учига чиққан хойнларнинг орузлари хомхаёл бўлиб чиқса-чи?

КИШИ. У вақтда ҳибса олиниб, бадарга қилинамиз. Кунлардан бир кун инсонпарвар ҳукуматимизнинг афв умумийсига илиниб яшайверамиз-да! Мунофиқлик, усталик орқали яна бир кун шўҳрат чўққисига ўтирсак ҳам ажаб эмас.

ОМОН. Ҳо! Иштаҳалари зўр-ку!

КИШИ. Энди бунинг менга даҳли йўқ. Ҳозир эгасиз қолган итдай хорман.

ЭРГАШ. Баттар бўл. Советнинг тузини еб, тузлуғига туфурган ифлос.

ЗАЙКОВСКИЙ. Жим!

КИШИ. Мана, ўлимим олдида дилимдагини рўй-рост айтиб олдим.

ЗАЙКОВСКИЙ. Хўш, сен ҳозир нега бу ерга келдинг?

КИШИ. Узоқ санғиб юргач, фон Фишер қўлга тушиб қолдим... У менга сизни, Омон Йўлдошеви, врачингиз Николай Сабуровни ўлдиришни буюрган...

ЙУЛАЙ. Уҳ, сен палит! (Автоматини ўқталади.)

ЗАЙКОВСКИЙ. Тўхта! (Қўлидан автоматини тортиб олади.)

КИШИ. Бир мўсафид чол сизга заҳарланган озиқ-овқат олиб келади. Эҳтиёт бўлинглар.

ЗАЙКОВСКИЙ. Раҳмат.

КИШИ. Жойингизни ўзгартиринглар.

ЗАЙКОВСКИЙ. Сизнингча, фон Фишернинг ҳозир қанча кучи бор?

КИШИ. Жуда оз. Чунки яқинда икки қисмини Сталинград фронтга жўнатди.

ЗАЙКОВСКИЙ. Хўш, яна нима дея оласиз?

КИШИ. Билганимни айтдим. Энди мени нима қилсангиз, ихтиёр сизда.

ЗАЙКОВСКИЙ. Ундай бўлса, майли, сизга рухсат.

КИШИ. Тушунмадим.

ЗАЙКОВСКИЙ. Кетишингиз мумкин.

Киши саросимада оҳиста чиқиб кетади.

ОМОН. Ўртоқ полковник, нега уни қўйиб юбордингиз? Шу ернинг ўзида гумдон қилиб қўяқолсак...

ЗАЙКОВСКИЙ. Ҳозир унга ўлим ҳеч гап эмас, Омон. Ўртада виждон бор. Виждон азоби, гўр азобидан ҳам ёмон, дейишади.

ОМОН. Қўрқоқда виждон нима қилади.

ЗАЙКОВСКИЙ. Веселов, Йўлай унинг кетидан кузатиб боринглар. Бирон қор-қол бўлса, сигнал беринглар. (Йўлайнинг автоматини қайтариб беради.)

ЙУЛАЙ. Веселов чиқиб кетадилар. Сал ўтмай ўқ овози эшитилади.

ЭРГАШ. Оббо! Нима бўлди?

Веселов билан Йўлай кириб келадилар.

ВЕСЕЛОВ (*честь бериб*). Ўртоқ полковник, ҳалиги киши дарах тагидаги буталар орасига яшириб қолдирган тўппончасини олди-ю, бир зумда ўзини тинчитди, аблаҳ. Мана тўппончаси. (*Зайковскийга узатади.*)

ЗАЙКОВСКИЙ. Энди ҳақиқатдан жойимизни ўзгартиришимиз керак экан, Омон Фон Фишер бизни қурол билан таслим қилолмади. Энди бошқа йўлга ўтиб олди. Сезяспизми, жимжитлик. Уч кундан бери ўқ ҳам узилгани йўқ. Гоҳи-гоҳида пўписа қилиб қўяди, холос.

Яна иккита солдат, оддий деҳқон кийимида Авазни олиб киришади.

1-СОЛДАТ. Ўртоқ полковник, мана, яна биттаси... Енида передатчиги ҳам бор. (*Гилофага жойлаштирилган передатчикни полковникка узатади.*) Айёр тулки нақ тумшугидан илинди.

АВАЗ. Оғзингга қараб гапир, баччағар!

1-СОЛДАТ. Учир овзингни, хоин!

АВАЗ (*бирдан Омонни кўриб*). Омон! Епирай! Бу сенмисан? Тирикмисан? У ёқда биз сени ўлдига чиқариб қўйган эдик-ку, биродар.

Аваз қулочини ёзиб, Омон билан қучоқлашиб кўришмоқчи бўлади. Омон ўзини четга олади.

ОМОН. Яқин келма!

АВАЗ. Қўрқма. Мен жосус эмасман. Аксинча, Надянинг алангали саломини олиб келган Аваз богирман.

ОМОН. Айёрлик қилма! Надянг ўзингга буюрсин! Узинг бўлсанг фон Фишерга хизмат қилавер. Темир крест билан мукофотланасан.

АВАЗ (*жаҳл билан*). Мени нима десанг де, аммо сенга чексиз вафодор Надяга тил теккизма! У шўрлик, сени деб қон ютиб юрибди. Ишқи йўқ эшак, дарди йўқ кесақ бўлиб қолибсан!

ОМОН. Оғзингни юм, ярамас! Қани айт-чи, нега бу ерга келдинг? Ким сени бу ерга юборди?.. Айт, муттаҳам!

АВАЗ. Бақирма!

ЗАЙКОВСКИЙ (*жаҳл билан*). Капитаннинг саволига жавоб бер!

АВАЗ (*кўксига қўлини қўйиб*): Хўп бўлади, хўп... Ҳалигидай, яраландим... Кейин Тошкент госпиталига юборишди. Надяни санитар поездида учратдим. У мени госпиталга жойлаштирди. Тузалдим. Кейин, бирга Омоннинг онасини бориб кўрдик...

ОМОН. Адресимни қаердан олдинг?

АВАЗ. Мартиновдан. Газета парчасига ёзиб Мартиновга ўзинг берган экансан-ку, ўзинг.

ОМОН. Мартинов?.. Шошма, у қани?

ЗАЙКОВСКИЙ (*соатига қараб*). Бўлди. Бу ҳақда кейин гаплашасанлар. (*Омонга передатчикни узатиб.*) Қани, мана буни бир кўринг-чи.

ОМОН. Мартинов... Надя... тушунмадим... (*Бир четага бориб, передатчикни кавлаштира бошлайди.*)

ЗАЙКОВСКИЙ (*Авазга*). Қани, гапиринг.

АВАЗ. Мен старший лейтенант Аваз Кучлиевман. Мени, бир группа солдат билан «Момақалдироқ» партизанлар отрядига парашюта ташлашди.

ЗАЙКОВСКИЙ. Гапни чўзма! Сени бу ерга ким юборди? Агар тўғрисини айтмасанг...

АВАЗ. Ўзингиз қуршовдасиз-ку, яна менга дағдаға қилаяспиз-а, ўртоқ полковник.

ЗАЙКОВСКИЙ. Унингни ўчир!

АВАЗ (*ундан ҳам баланд овоз билан бақириб*). Ҳаққингиз йўқ! Мен Совет Иттифоқи Қаҳрамониман! Агар ишонмасангиз, мана! (*Ички кўйлагига таққан олтин юлдуз медалини кўрсатади.*)

ЗАЙКОВСКИЙ (*кўриб*). Фашистлар шунга ўхшаган юлдузлардан мингини топади. Айт тезроқ. Мақсадинг нима?

АВАЗ. Мақсадим — сизни шу ўтли гирдобдан олиб чиқиш. Ишонмасангиз, мана шифр, отрядимиз билан гаплашиб кўринг. Кейин мен сизни партизанлар отрядига бошлаб олиб бораман.

ЗАЙКОВСКИЙ. Партизанлар отрядигами ёки фашистларнинг қопқонигами?

АВАЗ (*секин*). Мени ҳақорат қилманг, ўртоқ полковник!

ЗАЙКОВСКИЙ (*секин*). Отрядингизга бизнинг разведкачимиз бордими?

АВАЗ. Қанақа разведкачи?.. Билмадим...

ЗАЙКОВСКИЙ. Хўш, сен Омоннинг дом-дарақсиз йўқолганини кимдан эшитдинг?

АВАЗ. Омоннинг онаси қора хат олган кун мен, Мартинов, Омоннинг севгилиси Надя ҳам ўша ерда эдик. Бироқ, онаси шўрлик шу хатни олган заҳоти вафот этди. Юраклари касал экан. Жанозаларида ҳам қатнашдик.

ЗАЙКОВСКИЙ. Рост гапир!

АВАЗ. Агар ёлғон гапирсам, мана ханжар. Ҳаётим сизнинг кўлингизда, ўртоқ полковник! (*Ханжарни Зайковскийга узатади.*)

О М О Н (*чексиз қувониб*). Ўртоқ полковник, ўртоқ полковник! Бу менинг аппаратим.
З А Й К О В С К И Й. Йўғ-е.
О М О Н. Худо ҳақи, меники!
А В А З. Ҳозир бу аппарат партизан отрядларининг ҳам кўзи, ҳам қулоғи, ҳам отадиган ўқи бўлиб қолди. (*Омоннинг елкасига уради.*) Яшанг, ўғил бола!
О М О Н. Секинроқ, хумпар. Ярамга урдинг.
З А Й К О В С К И Й. Мана, шифр. (*Омонга беради.*) Қани, созла! Аппаратга отряд командирини чақир. (*Авазга.*) Узр... Сиз бирпас чиқиб туринг, Веселов! Меҳмонни учинчи чайлага кузатиб қўй!

Веселов Авазни олиб чиқиб кетади.

О М О Н (*аппаратни созлаб*). Алло, Алло... Ким бу?.. Капитан Руба? Ҳозир сиз билан бошлиғимиз гаплашади. (*Наушникни беради.*) Марҳамат, ўртоқ полковник.

З А Й К О В С К И Й. Салом, капитан!.. Саволимга жавоб беринг, бизнинг разведка-чимиз сизда бўлдими? Сиз бизга одам юбордингизми? Одам, одам!..

О В О З. Хабарим йўқ?

З А Й К О В С К И Й. Бўлмаса бизни қуршовда ётганимизни қаердан билдингиз?.. Бундан уч ой илгари? Оғир яраланган?.. Хўш, хўш! Ҳол-аҳволимни айтиб?.. Ах, бечорай. Ҳа-ҳа. Фамилияси — Петров... Бизни қуршовдан олиб чиқиш учун Аваз Кучлиев деган йигитни юбордингизми?.. Хабарингиз йўқ? «Момақалдирик» юбормаган бўлса, дейсизми?.. Унинг ўзи ҳозир қаерда?.. Муҳим операция билан банд?.. Хўп, хўп. Маълумотингиз учун раҳмат.

О М О Н. Хўш, яна нима дедилар?

З А Й К О В С К И Й. Эҳтиёт бўлинглар. Биз томондан юборилган одам душман қўлига тушиб, унинг хужжатлари билан бошқа биронта жосус орангизга кириб олмасин, дедилар. (*Уйлаб.*) Қизиқ бўлди-ку, Омон...

О М О Н. Ҳайронман.

З А Й К О В С К И Й. Кучлиевнинг айтишича, Тошкентда сени ўлдига чиқаришган... Шуни ҳам айти, хафа бўлма, матонатли йигитсан. Сенинг тўғрингда қора хат келгандан кейин онангнинг юраги бардош беролмай...

О М О Н. Нима-нима? Онамга нима бўлибди?

З А Й К О В С К И Й. Анов сен севган қиз ҳам онангнинг жанозасида қатнашган. Хуллас, дўстинг Кучлиев ҳақида шубҳаланишимиз мумкин. Аммо у онанг олдида бўлганлиги, унинг вафот этганлиги ҳақида ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

О М О Н. Ох, онажоним. Наҳотки, наҳотки, дийдорингизни кўришдан умрбод маҳрум бўлган бўлсам... Мендан рози бўлинг, онажон! Фарзандлик бурчимни адо этолмадим, онажонгинам!

З А Й К О В С К И Й. Ўзингни бос, Омон. Сабр қил, тақдирга тан бермай иложимиз йўқ. Мана, ўзимиз ҳам, бугун бормиз, эртага... (*Передатчик тилга киради.* Юзуриб бориб *наушникни қулоғига туради.*) Эшитаман. Салом, ўртоқ Руба! Хўш?.. Демак, бундан кейин шифрингиз «Карпат». Бизникими? Бизни «Памир» деб чақираверинглар. Зарурми? Хўп, юборамиз. (*Омонга.*) Демак, вазият ўзгарган. Ҳатто передатчикка ишонмай одам чақиряпти. Аттанг. Разведкачиларимиз ҳам қолмади.

О М О Н. Мен бораман, ўртоқ полковник!

З А Й К О В С К И Й. Яхши, менинг чайламга кир. Гаплашамиз. (*Чиқиб кетади.*)

О М О Н (*ёлғиз*). Ох, қандай мудҳиш хабар. Онажоним, етимлигимни билдирмай оқ ювиб, оқ тараб катта қилган эдинг. Мени деб адо бўлдинг. Бувим нима бўлдикин. Нада-чи? Наҳотки... Ҳа, Авазнинг у томондаги гапларига ишонаман... Нодирам, ҳозир қаердасан? Балки фронтда, ўқ ёмғирлари остида ажал билан ёқалашиб юргандирсан?.. Майли, қайда бўлсанг ҳам омон бўл, жонгинам. Лекин мени «ўлди» деган сўзларга асло ишонма. Энг яқин кўрган дўстинг айтса ҳам ишонма. «Қабрини кўрдим» десалар ҳам ишонма. Бизни дўст кўрганлар бу сўзни айтмайдилар. Биров ачиниб, қуйиб, биров ичидан севиниб айтар бу сўзларни. Мен тирикман. Мардонавор жанг қилиб юрибман. Ўзинг янглишиб айтгандай қўрқоқлик қилганим йўқ. Қизил байроқ тагида тиз чўкиб қасам ичган совет солдатиман. Қасамимга содиқман. Жанг қиламан, ўлмайман, ўлганда ҳам сенинг қалбингда мангуликка қоладиган бўлиб ўламан.

Чироқ ўчади.

ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Ўзоқда порглаш овозлари эшитилиб туради. Ҳамшира Зайковскийнинг оёғини боғлаётди. Веселов идишда кул олиб келади.

В Е С Е Л О В. Мана яна иссиққина кул олиб келдим.

Ҳ А М Ш И Р А. Керак эмас. Раҳмат, қон тўхтади.

З А Й К О В С К И Й. «Қон кетди, жон кетди», дейдилар.

В Е С Е Л О В. Қўйсангиз-чи, бунақа гапларни, ўртоқ полковник. Яраланган... Қон ҳам кетади-да.

З А Й К О В С К И Й. Кечаги жангда фашистларни тоза боладик-а, Веселов?.. Чуварани хом санайди аблаҳ: бизни бари бир таслим қилолмайди. Сўнги солдатимиз, сўнги томчи қонимиз, сўнги нафасимиз қолгунча жанг қиламиз биз у билан.

Ҳ А М Ш И Р А. Жим ётинг, ўртоқ полковник! Сизга гапириш мумкин эмас.

Боши ва бир оёғи боғлоғлик врач бор кучи билан судралиб кириб келади. Унинг кетидан Аваз югуриб кириб, врачни қўлтиқламоқчи бўлади.

В Р А Ч. Қўй мени. Егор Кузьмични кўришим керак. (Келиб, Зайковскийни қўл томирини ушлаб кўради.) Ҳарорати қанақа?

Х А М Ш И Р А. Жуда паст.

В Р А Ч. Қон кўп кетибди. Қон қуйишим керак, қон, қон! Аҳволи оғир, хавфли. (Ҳамширага.) Югур, сумкамни олиб кел!

Ҳамшира югуриб чиқиб кетади.

А В А З. Мен қон бераман, доктор. (Қўлини очиб, дарров полковникнинг ёнига етади.)

В Р А Ч. Қонингиз қайси группага киради?

А В А З. Биринчига.

В Р А Ч. Сизники-чи, ўртоқ полковник?

З А Й К О В С К И Й. Биринчи.

В Р А Ч. Майли, таваккал қиламиз. Бошқа иложимиз йўқ. Е остидан, ё устидан.

Х А М Ш И Р А (врачнинг сумкасини олиб кириб). Марҳамат, доктор.

В Р А Ч. Қани, бошладик, спиртни бер!

Ҳамшира Авазнинг қўлини спирт билан артиб, қон олади. Врач, Зайковскийнинг қон томирига қуяди. Ҳамшира бошқа шприцга Авазнинг қонини олиб тайёрлаб туради. Қон томиридан игнани олмасдан, фақат қон қуйиладиган пробиркани тўлдириб, томирга қўйиб туришади.

З А Й К О В С К И Й. Эргаш! Қаердасан, Эргаш!..

Э Р Г А Ш. Мен шу ердан, ўртоқ полковник!

З А Й К О В С К И Й. Ҳолим оғир, ўғлим...

Х А М Ш И Р А (Эргашга). Яқин келма.

З А Й К О В С К И Й. Мен Термизда туғилиб ўсганман... ўзбек куйларини яхши кўраман. Эшитай... куйланг...

Э Р Г А Ш. Жоним билан, ўртоқ полковник. (Дарров дўмбирасини созлаб, айула бошлайди.)

Пайванд бўлди қалбим сенга туғилганим он,
Кучоғингда яйраб ўсдим, ором топди жон...

Веселов билан Йўлай полковникнинг чайласига кириб Эргашнинг бу вазиятда ашула айтиб турганини кўриб, энсалари қоғади. «Тўхтат ашулангни» деган маънода ишора қилишади. Лекин Эргаш буларнинг имо-ишорасига парво қилмай, ашуласини давом эттираверади:

Шодланаман меҳрим тошиб бир олам-жаҳон,
Ифтихорим, хур диёрим, жон Ўзбекистон!

В Р А Ч. Ҳозирча етади. (Билагини ушлаб, томирини кўради.) Жойида, юракка қон борди.

З А Й К О В С К И Й. Раҳмат, доктор. (Авазга.) Сизга ҳам раҳмат, ўғлим. Энди биз ростакамига қондош ота-бола бўлдик. (Ҳамшира иккаласини ҳам билагига спирт суркайди. Аваз ўрнидан туради. Врачни эса алоҳида жойга ётқизишади.) Қани, Эргаш, ашулангни давом эттиравер. Сенинг ашулаларинг мени руҳлантиради. Ярамга малҳам...

Й У Л А Й (конференция қиёфасига кириб). Ҳозир, ўртоқлар, қисимимизда хизмат кўрсатган атоқли артистимиз, яъни истеъдодли, келажаги порлоқ...

А В А З (секин). Эй, мунча сайрадинг! Эргаш Эркабоев, деб қўяқолмайсанми?

Й У Л А Й. Ҳа! Ҳа! Эргаш шоир ўзининг сувда чўкмас, ўтда куймас жанговар дўмбираси билан сиз, муҳтарам томошабинларга яна бир ажойиб қўшигини айтиб беради.

Олқишлар. Эргаш катта бир артист қиёфасида таъзим қилади:

Э Р Г А Ш. Фон Гитлер кўзин сузиб,
Қўлига ойна олганмиш.
Маймун сифат туркин кўриб,
Жинни бўлиб қолганмиш.

Нақорат: Ҳой-вой, жиннивой,
Кўп уринма, бари бир.
Кулинг кўкка соврилгай!

Шу пайт эғнида яшил халат, Омон кириб келади. Унинг ёнида Тошкент шифохонаси-да ётган Мартинов ҳам бор. Омон ўйинга тушади. Ҳамма ҳайрон.

Э Р Г А Ш. Бир қун Гитлер тўнғиз янглиғ
Семирмоқчи бўлибди.
Уни ебди, буни ебди
Тарс ёрилиб ўлибди.

Нақорат: Хой-вой жиннивой,
Кўп уринма бари бир.
Кулинг кўкка соврилгай!

Кулги. Чайлани чапак босиб кетади.

ЗАЙКОВСКИ И. Омон!
ОМОН. Егор Кузьмич! (*Келиб қучоқлаб ўпади, кейин врач билан саломлашади.*) Ие, сизга нима бўлди, Егор Кузьмич?

ЗАЙКОВСКИ И. Кечаги жангда оғир яраландим. Аҳволимиз оғир. Бардошимиз етармикан, ўғлим,

ОМОН. Ташвиш тортманг, Егор Кузьмич, энди ошиғимиз олчи! (*Авазни қучоқлаб.*) Аваз! Кечир бизни, дўстим. Сен ҳақ экансан. Қани, онамни кўрган кўзларингдан бир ўпай, садағанг кетай! (*Ўпади.*)

АВАЗ. Ана энди ўзингга келдинг, даканг хўрос.

ОМОН (*меҳмонни кўрсатиб*). Уртоқ полковник, бу киши менинг собиқ жангчим — Мартинов! Бизни партизанларга мана шу йигит бошлаб боради.

ЗАЙКОВСКИ И. Жуда соз!

ВРАЧ. Тезроқ, тезроқ! Дори-дармонимиз тугади. Қон, қон! Яна қон қуйиш керак полковникка...

ОМОН. Аваз! Передатчикни энди ўзинг созла! Аппаратга «Момақалдинок»ни чақир. Шифр — «Карпат».

АВАЗ. Бизники?

ОМОН. «Памир».

МАРТИНОВ (*Зайковскийга қогоз узатиб*). Мана, душман маррасини ёриб ўтиш плани. Партизанлар бизни душман маррасида, кутиб олишади, керак бўлса жанг қилади.

АВАЗ. Аппарат ёнида капитан Руба. Гапир, Омон!

ОМОН. Салом!.. Келиб етдик. Кеча фон Фишер қисмимизга яна ҳамла қилибди. Яраланганлар бор. Кучимиз тамом бўлди. Бугун кечаси соат йигирма тўртда... Келишдикми?

Саҳна қоронғилашди. Радио орқали партизанлар қўшиғи жаранглайди:

Партизанлар, партизанлар,
Мардонавор ўғлонлар,
Партизанлар, партизанлар,
Довжурок қахрамонлар...

Қалин-ўрмон — пўлат қўрғон,
Писанд эмас ўт-бўрон.
Бири қоплон, бири арслон,
Мангу ўлмас — партизан!..

Нақорат: Шонли армия, донгли армия,
Фахримиз, қудратимиз.
Довруғи кетган жаҳонга,
Шонимиз — шуҳратимиз.

Партизанлар, юриш бошла,
Душманлардан ол қасос.
Қадамингдан титрасин ёв,
Берлин сари олға бос!

Нақорат: Шонли армия, донгли армия,
Фахримиз, қудратимиз.
Довруғи кетган жаҳонга,
Шонимиз — шуҳратимиз!..

Чирок ўчади.

ЕТТИНЧИ КҮРИНИШ

Ез кунлари. Ҳормон. Ҳормон ортида шиддатли жанглар кетяпти. Боши боғлиқ Аваз, кўли боғлиқ Веселов, ёнларида ҳамшира қиз, носилжада Омонни олиб келишади.

ВЕСЕЛОВ. Ана, эсон-омон йўлга ҳам чиқиб олдик.

ҲАМШИРА. Ҳозир машина келади.

АВАЗ. Эҳ, Омон, Омон. Ўт ичида қолиб кетганингни ўзинг ҳам сезмай қолибсан.

ВЕСЕЛОВ. Мардни майдонда кўр, деб шуни айтадилар-да, оғайни.

ҲАМШИРА. Жим... ярадор ўзига келди.

АВАЗ (*Омонга қараб*). Бу мен, Омон, мен Авазман. Аҳволинг қалай?

ОМОН. Оғир. Тезроқ шифохонага...

АВАЗ. Мен сени Сандамир плацдармида ўт ичидан олиб чиқдим.

ОМОН. Раҳмат...

АВАЗ. Энди ташвишланма. Омон қоласан. Шифохонага кетасан ҳозир. Қўшинларимиз Висла дарёсининг нари ёғида... Душман тумтарақай қочяпти.

ОМОН. Хайрият.

ВЕСЕЛОВ (*асабийлашиб*). Эҳ, жин урсин. Нега шу вақтгача машина келма-япти-а? (*Югуриб йўл томонга чиқиб кетади.*)

Ҳамшира Омонга сув ичиради.

ОМОН. Авазхон, қўл-оёқсиз қоладиганга ўхшайман.

АВАЗ. Йўғ-э. Снаряд парчалари қўл-оёгингни ялаб ўтган холос. Бўш келма. Ҳали биз сен билан Берлингача борамиз. Мана, мен уч марта тегирмондан бутун чиқдим. Ҳеч нарса кўрмагандайман.

О М О Н. Йўлай қани?
А В А З. У ҳам яраланди. Шифохонада.
О М О Н. Авазхон, генерал-майорга дарров телефон қил. Госпиталга келсинлар.
Айтadиган гапим бор.

А В А З. Важонидил, дўстим.
О М О Н. Энди сени чиндан ҳам Аваз ботир деса бўлади.
А В А З. Э, ота-онам менга Аваз деган отни бекорга қўйиптими.
О М О Н. Камтар бўл... Қўполроқсан. Лекин, юрагинг булоқ сувидай тоза. Улсам ўзинг кўмарсан.

А В А З. Қўй, дўстим, унақа совуқ нафас қилма!.. Онангини кўмганда ҳам мен, Надя...
(*Ўпкаси тўлади.*)

О М О Н. Улсам, майли-ку... Нодирахонга ачинаман...
А В А З. Нодира ўла-ўлгунча сени унутмайди, Омон. У менга кадрдон, сингилдек бўлиб қолган. Сен ҳам менинг кадрдон дўстимсан. (*Нешонасидан ўпади.*) Мендан розимисан, Омон!

О М О Н. Мингдан-минг розиман. Лекин, менинг қаердалигимни ҳеч кимга айта кўрма.

В Е С Е Л О В (*югуриб киради*). Машина келди. Тез бўлинглар, тез! Душмanning калхатлари йўлни бомбардимон қилаяпти.

Машина узлуксиз сигнал беради. Аваз билан Веселов Омонни носилкада кўтариб олиб чиқиб кетадилар.

Чироқ ўчиб, ёнганда шифохона намоён бўлади. Палатанинг эшиги олдида бир кўзи боғлиқ Йўлай газета ўқиб ўтиради. Саҳна олдидан ҳамшира кириб келиб, Йўлайнинг кўлидан газетани юлиб олади.

Х А М Ш И Р А. Бу қанақаси, ўртоқ ярадор? Ахир, сизга ўқиш мумкин эмас-ку.
Й У Л А Й. Бўлмаса ўзингиз ўқиб беринг.
Х А М Ш И Р А. Вақтим йўқ. (*Ичкарига кириб кетади.*)
Й У Л А Й (*жаҳли чиқиб*). Ўқишга рухсат бермаса, қарта ўйнагани қўймаса, домино ўйнаганда, тақир-тақир қилма, деса, ўйнасанг, ашула айтсанг, бақирма, деб ўшқирса! Ахир, бу қанақа жой? Шифохонами ё ибодатхонами? Манастирь!.. Настоящий мона-стирь!..

Саҳна олдидан генерал Зайковский кириб келади.

З А Й К О В С К И Й. Ҳа, Йўлай ботир, нима шовкин?
Й У Л А Й. Э, ўртоқ майор! Йўғе... Кечирасиз... ҳалиги... ўртоқ генерал!.. (*Қучоқлаб, ўкириб йиғлаб юборади.*) Ўртоқ генерал, отахон!..

З А Й К О В С К И Й. Э-э-э... Еш боламисан? Жуда хушчақчақ йигит эдинг-ку?! Нима бўлди сенга? Яраландингми?

Й У Л А Й. Бир кўздан ажралдим... Энди қайси кўзим билан қизларга кўринаман, ўртоқ генерал...

З А Й К О В С К И Й. Хафа бўлма. Қизлар сенинг кўзингга эмас, ўзингга қарайдилар. Мен сенга Берлинга борганимиздан кейин-чи, шундай кўз қўйдириб бераманки, чинми, қалбакими, қизларнинг энг зийраги ҳам пайқамайди...

Й У Л А Й. Раҳмат. Лекин Омон акам... Бир қўлидан ажралди. Бир оёғи ҳам...
(*Ўзини тугулмай йиғлаб чиқиб кетади.*)

В Р А Ч (*кириб*). Салом, ўртоқ генерал!
З А Й К О В С К И Й. О-о! Ўзимнинг халоскорим! (*Қучоқлашиб кўришадилар.*) Эсон-омонмисиз, доктор?

В Р А Ч. Мен эсон-омонман-ку-я, лекин, Омонимизнинг аҳволи чаток.
З А Й К О В С К И Й. Лоақал оёғини сақлаб қолишнинг иложи йўқмикан-а?

В Р А Ч. Хирург, кесишга мажбурмиз, деди.

З А Й К О В С К И Й. Хирургингиз қани?

В Р А Ч. Операцияда.

З А Й К О В С К И Й. Қандай бўлмасин, сақлаб қолиш керак.

В Р А Ч. Ҳеч иложи йўқ, Егор Кузьмич, азизим. Суягида қорасон бошланган.

З А Й К О В С К И Й. Москвага олиб кетаман.

В Р А Ч. Кечикдик, қорасоннинг охири — ўлим.

З А Й К О В С К И Й. Нафасингизни иссиқ қилинг, доктор!

В Р А Ч. Узр... Кўрмаган чорамиз қолмади. Бироқ афсус... Эвоҳ!.. Менинг биттагина ўғлим бор эди... урушда ҳалок бўлди. Мен Омонга, ўғлим, ўғлим деб ўзимни юпатиб юрардим.

З А Й К О В С К И Й. Кечиринг мени, азизим. Мен сизнинг дилингизни ранжитдим.

Прожектор Омон ётган палатани ёритади. Ярадорнинг бошини баланд кўтариб, томошабинларга қаратиб, ётқизишган. У худога илтижо қилади:

О М О Н. Эй, парвардигори олам!.. Агар сенда адолат бўлса, нима учун фашист деган аждаҳоларингни жаҳаннамнингнинг ўзидаёқ куйдириб ташламай, ёруғ дунёга чиқариб юбординг? Нима учун ўша очкўз, дунёпарастларнинг қонли қўли билан миллионлаб гуноҳсиз бандаларингнинг ёстиғини қуритясан? Шуларнинг ичида мана мен ҳам онажонимдан жудо бўлдим, севган ёримни кўришга зор-интизорман, қўлсиз, оёқсиз,

ишга яроқсиз ҳолда майиб бўлиб ётибман. Ахир, қайси гуноҳим учун мени шу қадар шафқатсизларча жазолаяпсан. Ҳақиқатинг қани, қани сенинг идоҳйўлгинг, қани парвардигорлигинг?.. Ниҳоят, қани сенинг ўзинг, эй тангрим?.. Шухрат қолдириш учун ҳар қандай ёвузликлардан ҳам тоймайдиган муртадларга ўзинг яратган энг гўзал ер куррасини ҳам кулга, чапг-тўзонга айлантиришга наҳотки йўл қўйсанг?.. Айт, овоз бер, агар ўша муртадлар сариқ иблисга топинаманларидан уруш деган фитна-фалокат бўлармиди?.. Кўрсат қудратингни! Уруш деган дахшатли сўзни ўша очкўзларнинг қалбидан, ёдидан таг-томири билан юлиб олиб ташла! Токи, бу қабиҳ ибора тарих саҳифаларидан батамом ўчириб ташлансин!

Орқа томонда Омоннинг бу хитобларини эшитиб турган Зайковский унга яқин келади.

ЗАЙКОВСКИЙ И. Йўқ, жигарим, модомики сариқ иблис бор экан, худолардан ҳеч бири бу олижаноб ишнинг уддасидан чиқолмайди. Шу сариқ иблис туфайли ер юзи ҳалоқат тахликаси остида турибди. Унга сажда қилувчи истилочилар ҳеч қайси худони танимайдилар. Улар бутун дунё бойлигини ўзлариники қилиб олиш жазаваси билан яшайптилар. Оламни қонга ботириб, одам суякларидан ўзларига ҳашаматли саройлар қураптилар. Боғу роғларни барбод қилаштилар. Лекин, халқ абадий. Уларнинг тақдир ўша дунёпарастларнинг қўлида эмас, тинчликни кўз қорачиғидай сақлаш эса бутун дунё халқларининг қўлидадир, ўғлим...

ОМОН (*Зайковскийни кўриб*). Егор Кузьмич, қадрдоним... (*Упқаси тўлади.*)

ЗАЙКОВСКИЙ И. Хавотирланма, Омон. Ироданг мустаҳкам. (*Қучоқлаб пешонасидан ўпади.*)

ОМОН. Бўлар иш бўлди. Фақат бир нарса алам қилади: радио электромагнит тўлқинлари устида иш бошлагандим... (*Кулимсираб.*) Қўл-оёқсиз бўлсам ҳам ишимни давом этдиришим мумкин-ку, Егор Кузьмич?..

ЗАЙКОВСКИЙ И. Бунга шак-шубҳа йўқ. Қўлсизга-қўл, оёқсизга-оёқ яшаш ҳозир ҳеч гап эмас.

ОМОН (*кулумсираб.*) Тиш ўрнига олтин тиш қўйгандай бўлади денг?

ЗАЙКОВСКИЙ И. Ҳа, бу ёмонми? Бориб-бориб ўзиникидай бўлиб қолади. Қўй, буни ўйлама, бардам бўл, руҳингни туширма... Шошма, хирургларингиз билан бир гаплашиб кўрай-чи.

ОМОН. Фойдаси йўқ. Унг оёғим энди меники эмас.

ЗАЙКОВСКИЙ И. Шундай денг?.. Нима қиламиз энди, Омон, тақдир. Бош омон бўлса бас, осмонга қараб фикр қил, ерга қараб шукр қил, деганлар боболаримиз. Ҳа, айтгандай, дивизиямиз қўмондонлиги сизга «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони беришни сўраб, ҳукуматимизга тавсиянома ёзиб юборди. Мана, ўқиб кўр.

ОМОН (*ўқийди*). «*Майор Омон Йўлдошев Сандамир плацдармида мисли кўрилмаган жасорат кўрсатди. Бир гуруҳ солдат билан ўзидан ҳамма томонлама устун бўлган душманнинг шиддатли ҳамласини бир неча бор қайтарди. Шу билан қисмларимизнинг Висла дарёсидан кечиб ўтишига катта имконият тўғдирди...*»

ЗАЙКОВСКИЙ И. Тузукми?

ОМОН. Ҳозир мени ҳеч нарса қизиқтирмайди, Егор Кузьмич.

ЗАЙКОВСКИЙ И. Она-Ватанимизнинг иззат-ҳурмати бу, Омон!

ОМОН. Миннатдорман.

ЗАЙКОВСКИЙ И. Ҳа, баракалла. Хўш, Надыдан дарак борми?

ОМОН. Надя... Мен уни ўйлаб, кеча-ю, кундузларимнинг қандай ўтаётганини ҳам сезмай қоламан.

ЗАЙКОВСКИЙ И. Узини топиб олиб келайми?

ОМОН. Йўқ, Егор Кузьмич. Ҳозир у мени бу аҳволда кўрмагани маъқул. Мен бўлсам уни ҳар соат, ҳар минут, ҳар дамда кўриб турибман. (*Табассум билан.*) Худди фариштага ўхшайди. Майли, тузалиб олай, кейин бир гап бўлар...

ЗАЙКОВСКИЙ И. Тузаласан, албатта, тузаласан. Надя билан ҳам дийдор кўришасан. Бу кунлар худди тушдай ўтиб кетади, Омон.

ОМОН. Егор Кузьмич.

ЗАЙКОВСКИЙ И. Лаббай, ўғлим?

ОМОН. Чертёжларим ёстиқ тагида. Олиб кетинг. Бегоналарнинг қўлларига тушиб қолмасин.

ЗАЙКОВСКИЙ И (*хужжатларни олиб*). Хотиржам бўл, кўз қорачиғидай сақлайман. Эҳ-ҳа! Ҳали шундай кунлар келадики, электромагнит радиотўлқинлари орқали Ой билан ҳам, ҳатто Зухра юлдузи билан ҳам гаплашадиган бўлиб қоласан, ўғлим!

ОМОН. Айтганингиз келсин, Егор Кузьмич.

ЗАЙКОВСКИЙ И. Келади, албатта, келади. Мен сенинг истеъдодингга ишонаман. Очингани айтсам, сен бу фан тараққиётига ўзингнинг катта ҳиссангни қўшдинг. Ишонаман. Сен бу соҳада ҳали жуда кўп мўъжизалар кўрсатасан. Хайр бўлмаса, Омон. Саломат бўл! (*Қучоқлаб ўпади. Намланган кўзларини рўмолчаси билан арта-арта чиқиб кетади.*)

Чироқ ўчади.

САККИЗИНЧИ КҮРИНИШ

Берлин ишғол қилинган биринчи кунлар.

Кенг вестиябль. Вестияблининг бурчагида қисмининг жанговар байроғи осилиб

туришти, унинг остида соқчи, эшикка яқин жойдаги столда телефон. Стол ёнида кўксига медаллар таққан Эргаш Эркабоев навбатчилик қилмоқда. Қўлида хат. Радио орқали ғалаба хори янграйди:

Нақорат:

Келди баҳор, ўйна, гулёр,
Ватаним ғолиб, омон!
Босқинчи ёв бўлди тор-мор
Келди элга ҳур замон.
Совет кўшини енгилмас,
Жаҳон қойил кучига.
Тикдик байроғимизни
Рейхстагнинг устига!

Саҳнага кўш орденли Веселов киради. Ёнида кирган солдат ҳарбий расм қондасига кўра постда турган солдатнинг ўрнини олади. Постда турган солдат чиқиб кетади. Веселов Эргашнинг ёнида тўхтайди.

ВЕСЕЛОВ. Хўш, шоир! Яна шеър ёзаяпсанми?

ЭРГАШ (*хурсанд*). Ойхонимдан хат олдим. Тириклигимни эшитиб денг, боши омонга етибди. Хатни ҳам шеър билан битипти.

ВЕСЕЛОВ. Қани, эшитайлик-чи.

ЭРГАШ (*ўқийди*).

Эргаш жоним, энди йўқдир армоним,
Ўлимларни енгган ботир, полвоним.
Йўлларингга пойандозлар солурман,
Пешвоз чиқиб ўзим кутиб олурмен.

ЭРГАШ. Қалай, зўрми?

ВЕСЕЛОВ. Зўр бўлганда қандай... Генералнинг фахрий ва шахсий соқчиси бўлиб хизмат қилаётганингни ҳам ёзганмидинг?

ЭРГАШ. Ҳа, генералга ҳамтовоқман, деб ёзганман. Кейин мен ҳам шеър билан жавоб қайтарганман:

Барча мени ўлди деса ишонма, дилдор,
Сенинг севгинг, садоқатинг менинг қалқоним.
Мени кутгин, кут соғиниб, кўзалари хумор,
Хумор кўзинг, ширин сўзинг — менинг армоним!

Қалай тузукми?

ВЕСЕЛОВ. Шеъринг анча тузукку-я... бироқ гимнастеркаданги манави оқ ёқани қачон тиккан эдинг?

ЭРГАШ. Кеча кечкурун.

ВЕСЕЛОВ. Қара, шўрлик ёқа тусини ҳам йўқотиб, бир кулча совуннинг бошига сув қуядиган бўлибди-ку.

ЭРГАШ (*чўнтагидан ойнасини олиб ёқасига қараб*). Э, эсим қурсин. Янги ёқа тикилган гимнастёркамни қолдириб, эскисини кийиб келибман.

ВЕСЕЛОВ. Ойнага қараб турасанми, этигингга қараб қўя қол. (*Эргаш этигига қарайди, этиги кир. Чангли чўлдан йўл босиб келганга ўхшайди.*)

ЭРГАШ. Оббо, Петяжон-эй, тоза боладинг-ку!

Веселов кула-кула чиқиб кетади. Эргаш этигини артиб турганида, кўкрагига орден-медаллар таққан Нодира кириб келади. Эргаш уни кўрмайди. Меҳмон унинг ҳар тарафига ўтиб қарайди Эргаш бошини кўтараркан, олдида турган қизга кўзи тушади.

ЭРГАШ (*честь бериб*). Қўш медаль кавалери Эргаш Эркабоев.

НАДЯ. Салом!

ЭРГАШ. Салом, фройлен. Ҳм... м... (*Медалларини тузатиб қўяди.*) Хўш, майн фройлен, сиз кимнинг хузурига кирмоқчисиз?

НАДЯ. Кечирасиз... Сизнинг дала почтангизнинг номери...

ЭРГАШ. 48—76.

НАДЯ. Менга старший лейтенант Омон Йўлдошев керак эди.

ЭРГАШ. Кечирасиз, фройлен, қисмимизда старший лейтенант Йўлдошев деган одам йўқ.

НАДЯ. Нима-нима? Йўқ?

ЭРГАШ. Бизда Совет Иттифоқи Қаҳрамони, майор Омон Йўлдошев бор.

НАДЯ. Вой, шунақами?... (*Хурсандчилигидан Эргашни ўпади.*) Данкешонь, юнге меншь! (*Югуриб ичкарига кириб кетмоқчи бўлади.*)

ЭРГАШ. Айн момент, майне ли бе фройлен. Документ?

НАДЯ. Ўзлари шу ердамилар?

ЭРГАШ. Чўнтақларидадир.

НАДЯ. Чўнтагимда?... Ихъ ферштехе нихт, юнге меншь.

ЭРГАШ. Тушунмадим.

НАДЯ. Ҳа, мен ҳам сизга «тушунмадим, ёш йигит» деяпман.

ЭРГАШ. Мен сиздан ҳужжат сўрайпман, майне лийбе фройлен, ҳужжат.

НАДЯ. Мана, битте шюнь.

Э Р Г А Ш (*хужжатни кўриб қайтариб бериб, ичкарига йўл кўрсатиб*). Битте, майне лийбо Фройлен.

Н А Д Я. Данкешюнь, алтери сержант.

Нодира шошиб ичкарига кирмоқчи бўлганида, у ёқдан бир оёғи, бир қўли йўк, кўксига Олтин юлдуз таққан Омон чиқади. Нада Омонни кўриб, довдираб қолади. Эргаш уни столга ўтказди, сув ичиради. Ҳаяжонли сукунат. Нодира ўзига келиб, йиғлаб юборади.

О М О Н. Ийгламанг. Тилагингиз қабул бўлди, фронт ичкарисиди... Омон бўлинг, деган эдингиз. Мана, эсон-омон... шукур...

Н А Д Я. Жонгинам!.. (*Омоннинг оёғига ўзини ташлайди.*)

О М О Н. Туринг. Инсон ҳеч қачон инсоннинг оёғига ўзини ташламайди. Кечирасиз, мени йўқлаб келишингизни билганимда жонимни йўлингизга пойандоз қилган бўлардим. Бағримга босиб, юрагимдаги соғинч-изтиробларимдан холос бўлардим...

Эргаш югуриб келиб Нодирани кўтаради. У Омонни қучоқлайди. Ҳар аҳтимолга қарши, Эргаш Омонни суяб туради.

Н А Д Я. Сиз мени кечиринг, Омон ака. «Кўрқоқсиз» деган тилим кесилсин.

О М О Н. Сизнинг ўша «кўрқоқ» деган сўзингиз мени жасурликка даъват қилган бўлса-чи?

Н А Д Я (*Омоннинг кўксига бошини қўйиб*). Босган изларингиз губори кўзларимга тўтиё бўлсин, Омон ака.

О М О Н (*лоқайд*). Уэр... Нада... Мен ҳалиги... (*Нодирадан четланишга уринади.*)

Н А Д Я. Чарчадингизми? (*Омонни қўйиб юбориб, тисланади.*)

(*Пауза.*)

О М О Н. Нодирахон, ҳозир биз узоқ ҳижрон оловларидан кейин дийдор кўришдик. Хурсандман. Шундай бўлса ҳам, ҳозир айтилган ажиб ширин гаплар — зумда айтилиб, кейин нутилиладиган гаплар эмасмикин, деб қўрқаман.

Н А Д Я (*ҳайрада*). Тушунмадим.

О М О Н. Мана, мен муздан қўйилган ҳайкалдек олдингизда қотиб турибман. Айтинг-чи, қандай муҳаббат ҳарорати бу ҳайкални эрита оларкин?

Н А Д Я. Менинг юрагимда қуёш ҳарорати бор, Омон ака.

О М О Н. Қуёш ҳам ботади.

Н А Д Я. Йўк. Қалбимнинг қуёши ҳеч қачон ботмайди.

О М О Н. Менинг бошимга тушган бу фалокатни аввалроқ билганингизда мени йўқлаб келардингиз?

Н А Д Я. Қанот боғлаб, учиб келардим.

О М О Н. Ишонмайман.

Н А Д Я. Сизнинг бу гапингиз ўлганни устига чиқиб тепгандай бўлапти-ку, Омон ака!..

О М О Н. Айтинг-чи, жоним, агар сиз ўз муҳаббатингизга содиқ бўлмаганингизда Тошкентга бориб севишлигингизни кўрмай, ҳатто адресингизни ҳам қолдириб кетишни истамай қайтиб кетардингиз? Бу қилмишингиз ўз севгилисини тириклайин гўрға кўмиш билан баробар эмасми?

Н А Д Я. Мени кечиринг, Омон ака. Мен ўша хатни чап қўлим билан ёзган эканман.

О М О Н. Чап қўл, юракка яқин, жоним.

Н А Д Я. Омон ака!.. Мен раҳматлик онангизнинг розилигини олганман. Лоақал унинг арвоқи ҳурмати... (*Ийғлайди.*)

О М О Н (*ўпкаси тўлиб*). Онажонгинам...

Н А Д Я. Дилимни бекорга ранжитманг, Омон ака! Мен, яшасак бир қапа, ўлсак бир тепа, деган мақсад билан олдингизга келганман.

Эргаш Омоннинг кўз ёшини артади.

О М О Н. Раҳмат. Лекин ҳозир менга узлатдан ортиқ лаззат йўк.

Н А Д Я. Омон ака!.. Сизга раҳмим келади, дегандингиз. Қани раҳм, қани шафқат?.. Лекин мен... мен... мен сизсиз яшолмайман, ахир!

О М О Н. Нодирахон. Ўзингиз ўйлаб кўринг... Жанг майдонларида ардоқлаб келган муҳаббатим фариштасини қандай қилиб ўзимга чўриликка раво кўраман? Йўк-йўк бундай бўлиши сира мумкин эмас.

Н А Д Я. Омон ака!.. Сочим супурги, қўлим косов бўлса ҳам, розиман, розиман, жоним!..

О М О Н. Мумкин эмас ахир, фариштам, мумкин эмас.

Ичкаридан генерал Зайковский чиқади.

З А Й К О В С К И Й. Нима шовқин! (*Нодирани кўради.*) Ия, меҳмон келибди. Салом!

Н А Д Я (*ўзини тугиб*). Салом...

З А Й К О В С К И Й. Янглишмасам, сиз Нада эмасмисиз?

Н А Д Я. Ҳа, мен Надяман. (*Кўзида ёш.*)

З А Й К О В С К И Й. Ўзи нима гап?.. Омон, негадир қовоғингиздан қор ёғиб турибди? Ташқарида — баҳор...

Э Р Г А Ш (*честь бериб*). Кечирасиз, ўртоқ генерал, Омон акам, Нодира опамлар бир-бирларини шундай соғинишган эканларки...

О М О Н (*бақариб*). Аралашма!

З А Й К О В С К И Й. Тушунарли.. Қани, Надяхон, юқорига — менинг меҳмонхонамга.

Н А Д Я. Раҳмат. Мен кетаман.

ЗАЙКОВСКИЙ И. Қаёққа?

НАДЯ. Берлиннинг чор томони қибла.

ЗАЙКОВСКИЙ И. Йўқ-йўқ, ҳеч қаёққа кетмайсиз. Рухсат йўқ... Бизнинг Омонни ташлаб-а? *(Елкасига қўлини қўяди.)* Айтганча, зап вақтида келдингиз. Яқинда қисми-мизда ғалаба тўйи бўлади. Кўриб кўнглингиз кўтарилади. Хурсанд бўласиз. А, нима дейсан, Омон?..

ОМОН. Тошкентда ёзиб қолдирган хатларида ўзлари айтганларидек: «М-м... майли, дўстлик, муҳаббат ҳурмати».

НАДЯ. Илтифотингиз учун ташаккур, ўртоқ генерал. Афсуски... тўйингизда қатнаша олмайман. *(Иглаб юборади.)* Мумкин эмас. Кечирасиз... хайр сизларга... *(Шаҳд билан эшикка интилади.)*

ОМОН. Нодирахон!..

Надя эшик ёнида тўхтади. Омон Надянинг кетидан интилади. Бироқ бир неча кадам ташлаши билан ҳассаси қўлидан тушиб, Омон йиқилади. Надя учиб келиб, Омонни кучоқлаб кўтармоқчи бўлади. Бошқалар дарҳол унга кўмаклашадилар.

НАДЯ. Омон ака, бирон жойингиз шикастланмадим?

ОМОН. Йўқ... Нодира... майли... лоақал озгина ёнимда ўтиринг... Эҳтимол, сўнгги учрашувимиздир.

ЗАЙКОВСКИЙ И. Рухсат. Лекин Надяхон сизнинг меҳмонингиз эмас, менинг меҳмоним.

Омонни икки томондан қўлтиқлаб, юқорига чиқиб кетадилар.

ЭРГАШ. Эй, муҳаббат, муҳаббат... Сен ўзинг ўлгудай қарисан-у, лекин ҳар бир инсоннинг қалбида ёшарасан. Унинг туйғу-ҳиссиётларига ҳукмронлик қиласан. Бировларни куйдирасан, бировларни қувонтирасан, чексиз бахтли қиласан. Қани, кўрайликчи, бу воқеанинг охири нима билан тугар экан?

ПАРДА.



Муаллимларимизни
қутлаймиз

Р. Альбеков
фотоэюди

Наталья Барабаш

АЛЕКСЕЙ АРБУЗОВ АСАРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Алексей Николаевич Арбузов атоқли совет драматургларидан бири. Унинг асарлари мамлакатимизнинг кўпгина театрларида узлуксиз намойиш қилиб келинмоқда. Адабиётга 30-йилларда кириб келган А. Арбузов кўпмиллатли совет драматургияси ва театр санъатини ўзининг бақувват саҳна асарлари билан бойитди. Унинг илк пьесаси — «Таня»да Арбузов ижодининг асосий қирралари мужассам эди. Аммо у асар ғоясини бўрттириброқ кўрсатиш, воқеаларни янада ишонарли, қахрамонлар характерини тагин ҳам ёрқинроқ тасвирлаш учун кўп изланди, янги-янги ижодий тажрибалар қилди, ҳам шакл, ҳам мазмун ранг-баранглигига интилди. Шахснинг ўзи билан ўзи курашиши, характернинг шаклланиш жараёнини акс эттириш, қахрамонлар маънавий дунёсини очиб бериш Арбузов пьесаларининг ўзига хослигини таъминловчи асосий омиллардир.

Арбузов пьесаларига М. Горький номидаги Тошкент Давлат академик рус драмтеатри коллективи ҳам бир неча марта мурожаат қилди, «Таня» пьесаси таҳрир қилиниб, қайта нашр этилгандан (1954 йил) бошлаб бу драматургнинг асарлари М. Горький номидаги театр репертуаридан мунтазам ўрин олиб келмоқда. Арбузов ижодидан намуна сифатида илк бор саҳнага қўйилган асар ҳам «Таня» драмаси бўлди. Асардаги бош ролни бугунги кунда Ўзбекистон ССР халқ артисти бўлган К. Ефремова ижро этган эди. Уша кезлари театршунослар спектаклга, айниқса бош рол ижросига юксак баҳо бердилар. Янги совет кишиси характерининг шаклланишини кўрсатишда К. Ефремова ижро этган Таня образи салмоқли аҳамият касб этганлиги таъкидланди.

Шуни айтиш керакки, Таня образини машҳур совет актрисаси М. Бабанова қойилмақом қилиб ижро этган, «Таня»нинг дастлабки постановкаси мамлакат бўйлаб шов-шувга сабаб бўлган эди.

Худди шундай пайтда К. Ефремова бу ролни ижро этди. Хўш, томошабинлар, ҳатто театршунослар маълум даражада ўрганиб қолган, тасаввурлар бир қадар тинган пайтда К. Ефремова бош ролни қандай ижро этди, бу образнинг қайси қирраларини очди, уни нималар билан бойитди? М. Бабанова Таняни босиқ, умидли инсон сифатида тасаввур қилиб, унинг юксак ахлоқий фазилатига урғу бериб талқин этган бўлса, Фрейдлих Таня образи орқали ҳаёт ҳодисалари фалсафасининг маъзани чақишга, характерни чуқурлаштиришга кўпроқ аҳамият берди, К. Ефремова улар ижросини такрорламади, яъни нусха кўчирмади, аксинча, Таня образига ижодий ёндашди, унинг ўзидан олдинги актрисалар эътибор бермаган қирраларини очишга ҳаракат қилди: актриса, образнинг психологиясига чуқур кириб борди, қахрамоннинг асосий хислатларини, аёлнинг нозик нуқталарини очиб берди.

Ефремова Танясининг уйдан чиқиб кетиши бошқача таассурот қолдирди: у инжиқ ва хўрланган, эрига бўлган муҳаббати туфайли институтни ташлаган қиз сифатида эмас, балки қаттиқ ҳақоратланган, қийналган аёл — ўз эркига ўзи хўжайин, ўзининг шаъни ва муҳаббати учун курашишга, уни ҳимоя қилишга тайёр турган аёл сифатида чиқиб кетади. У ёлгон билан келишолмайди, виждонига қарши борулмайди; шунинг учун ҳам уйдан чиқиб кетади. Ефремова ижросида ҳаммаси ёрқин, тиниқ. Томошабин образнинг моҳиятини аниқ англай олади. Лоқаал Герман билан учрашув саҳнасини эслайлик. К. Ефремова — Таня ҳеч иккиланмай ўзини Германиянинг кўксига отади, ўзининг шиддати, эҳтиросининг қучлилиги билан уни ҳайратда қолдиради.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист К. Михайлов Ефремованинг партнёри сифатида унинг ижросидаги Танянинг ёшлик қудрати, кучли эҳтироси, ўзи доимо пешвоз чиққан голиб муҳаббати ҳақида ҳаяжон билан эслайди. Актриса ўз қахрамонини бутун борлигича талқин қилади ва партнёрдан ҳам уни ана шундай қабул қилишни талаб этади.

Муросасизлик — Таня ҳаётининг асосий мазмуни, характерининг маъзи ана шу Германияга нисбатан кўр-кўрона муҳаббати туфайли Таня — Ефремова ўз бахтига ўзи зомин бўлади. Унинг ахлоқдаги эҳтирос, таъсирчанлик, бунинг устига Герман билан Шаманованинг суҳбатини эшитган Таня — Ефремова сўзсиз, сира иккиланмай ҳукм чиқаради: кегиш керак!

Таня бирдан, ҳеч нарсани ўйламай, юзхотир қилмай ҳаммасига қўл силтайди. Бу хатти-ҳаракат унинг феъл-атвориға тамоман мосдир, зотан унинг аҳтирослари жўшқинлиги бундан бошқача йўл тутишни тақозо этмайди. Унинг характерининг манбаи шундай, шундай ишонади, шундай севади, у ёлғонни мутлақо кечиролмайди.

Бабанова Танясининг кетиб қолиши томошабинда ачиниш, эзилиш ҳиссини кўзгайди, Ефремованинг қаҳрамони эса тамоман бошқача таассурот қолдиради: ғурур ва ҳурмат. Актриса ўз қаҳрамони характерини образлилиқ, ёрқин бўёқлар билан бойитади. Унинг Танясидан кучли драматик қудрат талаб қилинар эди. Актриса буни тўла уддалай олади. Таня — Ефремова, гарчи кўпгина қайғу ва машаққатларни бошидан кечирса-да, шунчаки азоб чекиб қолмайди. У жасорат, ҳаёт мураккабликлари мактабини ўтайди, характери тобланади, шахс сифатида шаклланади...

А. Арбузовнинг кўпгина қаҳрамонлари пьеса воқеалари тугагандан сўнг «бир қадар мукаммаллашган инсон» сифатида таассурот қолдиради. Бу нарса 1960 йилда М. Горький номидаги театрда А. Гинзбург сахнага қўйган «Иркутск воқеаси» асаригаги Валя образига ҳам тўла тааллуқлидир. Аввало шунини айтиш керакки, пьеса ўз қурилишига кўра анча мураккаб асар, спектакль сахналар, кўринишларга бўлиниб-бўлиниб кетмайди, балки яхлит ҳолда, тугалланган асар сифатида таассурот қолдиради. Қаҳрамон характери К. Ефремова маҳоратининг маҳсули сифатида мукамаллик, табиийлик касб этади.

Пьесанинг охирида — Валя эрини йўқотиб, иккита кичик, боласи билан ёлғиз қолганида рўй берган ўзгаришлар фақат пьесадаги фожиавий воқеалар туфайлигина содир бўлмаганлиги ишонч ҳосил қиламиз. Валя Сергей билан учрашунга қадар ҳаммаси изга тушиб кетишига ишонч билан яшайди. Чунки унга ишонадиган, уни сева оладиган одам йўқ, эди. Тасодифан бундай одам учрайди. Бу — кейинчалик Валининг эри бўлган Сергей эди.

Валя Сергейга дарҳол ишона қолмайди, рўйхушлиқ кўрсатиши ҳам осон кечмайди. У янада алданиб қолишдан чўчийди. Унинг барча азоб-уқубатлари ҳаётга энгил-елпи муносабати — юраги задалиги ва ҳимоясизлиги туфайлидир. Спектаклнинг биринчи қисмида актриса Валини энгил табиатли аёл сифатида талқин қилишга интилади. Валя ҳаётда сира кутмаган нарсалар умрининг Сергей билан ўтказган йилларида содир бўлади. Валя ролини ана шундай қарама-қарши руҳда ижро этиш актриса талқини учун характерли хусусиятидир.

Чинакам шоирона бўёқларга эга бўлган спектаклнинг режиссёрлик талқини автор стилистикасига чуқур кириб бориш билан изоҳланади. Мовий осмон фониди юқорига интилган экскаватор «тумшуғи» кўринади. Қурилиш майдони тиниқ бўёқларда акс эттирилган. Бунда расомлар И. Вальденберг ва Д. Ушаковнинг хизмати катта. Спектаклдаги барча воситалар актёрларнинг индивидуал маҳоратини, ўзига хос ижро услубини намоиш қилишга имконият яратиб берган. Сахнада рўй бераётган асосий воқеадан томошабин диққатини жалғиатадиган биронта ҳам ортиқча деталъ ёки ҳаракат йўқ. Аксинча, қўшимча деталлар, баъзи штрихлар билан спектакль жарангдорлиги кучайтирилган. Персонажлар характери аниқ-тиниқ ифода қилинган. Виргина мисол. Катта ёғоч эшикка «6-дўкон» деб ёзиб қўйилган. Бу воқеа кичик бир район марказида, ҳамма бир-бирини танийдиган жойда содир бўлаётганини, яъни муҳитни аниқ белгилайди. Магазин эмас, айнан дўкон бўлиши жой ҳақида аниқ тасаввур беради. Винобарин, спектаклда замон ва макон тушунчалари аниқ ҳамда қатъий бўлиши керак.

А. Арбузов асарларида зорга ҳам ўрин беради ва у бирқадар аҳамият касб этади. Аммо буни бутун спектакль руҳига, воқеалар оқимига сингдириб юбориш осон эмас, албатта. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, бу спектаклда режиссёр хор иштирокчиларини том маънода спектаклнинг таркибий қисмига сингдириб юборади. Валя билан Сергейнинг тўйида кўринадиганлар ҳам, коржомода юрган ишчилар ҳам ўша хор қатнашчиларининг ўзидир.

Спектаклда рамзий талқинлар ҳам ўзига хос тарзда ҳал қилинган. Масалан, тўй кўринишида сахна бутун бор бўйича миллий нақшлар билан безатилган, ўртага стол қўйилган. Унда спектаклнинг барча қатнашчилари томоша залига қараб ўтиришади. Бу ерда режиссёр талқинини икки нарсага — томоша зали ва шартли театр тўй воқеасига қаратилган. Сахнадаги воқеа билан томошабинлар ўртасида узвий боғлиниш бўлишига алоҳида эътибор берилган. Шунинг учун ҳам спектакль ҳақиқий ҳаёт манзараси каби таассурот қолдиради. Бу асар сахнада юз мартадан ортиқ кўрсатилди, кекса авлод учун ҳам, ўрта ва ёш авлод вакиллари учун ҳам бирдай сеvimли бўлиб қолди.

Ўттиз йил давомида А. Арбузов ижодига турли режиссёрлар муурожаат қилдилар. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ижодий услубга, талқинга эга. Ҳатто пьесани бир неча режиссёр турли хил вариантда сахнага қўйди. Бу спектаклда воқеалар, характерлар, коллизия ва конфликтлар турлича бўлишига қарамай, уларни драматург истеъдоди, у яратган асарларининг туб мавзуси бишлаштириб туради.

А. Арбузовнинг барча қаҳрамонлари ҳам ҳаётда муваффақиятга эришавермайди. Ҳамиша ҳам иши ўнгидан келавермайди. Драматург бунинг сабабларини кўрсатиш билан кифояланмайди, балки қийин шароитдан чиқиш йўлларини излайди, ўз қаҳрамонларига уни «тавсия» қилади. Персонажлар тақдиридаги мураккаб ситуацияларнинг ижобий ҳал бўлишига умид қилади. Драматургнинг 50 йиллик ижодий фаолияти давомида яратган асарларини кузатган одам ана шундай хулосага келади.

Мана, 60-йилларнинг бошида М. Горький номидаги республика театрида қўйилган «Йўқолган ўғил» пьесасини олайлик. Асарда салбий персонаж сифатида кўрсатилган Шварцга ҳам драматург пьеса финалида ўзининг «садоқати»ни кўрсатади: Шварцни ўқинишга, афсус чекишга, ўз ҳаётида содир бўлган воқеаларга бошқача кўз билан қараб

чиқишга мажбур қилади. Бу юзаки, мажбурий тарзда эмас, балки табиий, ҳатто бир қадар ҳаяжонли ҳолда рўй беради.

Пьеса мелодрама жанрида ёзилган. Халққа гоёт ёқадиган бу жанрда Пушкин, Белинский, кейинчалик Антонио Грамши, Луначарский ҳам бир қанча асарлар яратганлар. Аммо театрда Арбузовнинг бу жанрдаги пьесаси шундай талқин этиладики, ундаги воқеалар ривожини юксак психологик драма каби таъсир қилади. Буни театр билимдонлари ҳам таъкидлашган.

Бу ҳақда ЎзССРда хизмат кўрсатган артист К. Михайлов шундай эслайди: «Вахтангов номидаги театр артистлари биз учун гоёт ноқулай пайтда таъриф буюришди: театримизда бош режиссёр йўқ эди. 1963 йил, Ўзбекистонда рус адабиёти ва санъати декадаси ўтказилмоқда эди. Очиги, биз асарга қўл уришга чўчиётгандик. Чунки, бош режиссёр бўлмаганлиги туфайли, тузукроқ репетиция қилолмагандик. Шундай ҳолда бутун мамлакатга машҳур вахтанговчилар билан ҳамкорликда спектакль ижро этиш осон эмас эди. Бироқ кўрқув ва вавотирларимиз чиппакка чиқди. Спектакль юксак савияда ўйналди. Энг яхши ижрочи сифатида эса, Лиза ролининг ижрочиси — актрисамиз Н. Алексеева маҳорати алоҳида таъкидланди. Шварц ролини СССР халқ артисти И. Толчанов, Иринани эса РСФСР халқ артисти Л. Целиковская ижро этган эди.» Бу фикрни театршунослар ҳам, ўша спектаклда роль ижро этган артистлар ҳам тўла тасдиқлашади.

Театр сахнасида А. Арбузовнинг яна бир асари — «Кўҳна комедия» ҳам қўйилди. Денгиз соҳилида ёши элликдан ошган икки киши учрашиб қолади. Эрақ — санаторийда бош врач, хотин эса — бемор, дам олувчи. Уларнинг ҳар иккаласи узоқ ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган. Иккови ҳам ўзи машғул бўлган ишни, яъни касбини севади, иккаласи ҳам ёлғиз. Икки соат давомида томошабин спектакль қаҳрамонларига хайрихоҳ бўлибгина қолмай, уларнинг қайғу ва қувончини ўз қалбига ҳис қилади, уларнинг орзу ва умидларини амалга ошишини истайди, энг муҳими воқеаларнинг иштирокчисига айланиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолади. Санъатнинг кучи ана шунда.

Театр коллективи автор позициясига эргашган ҳолда, қандай яшаш керак, деган саволни томошабин олдига қўндаланг қилиб қўйиш билан чекланмайди, аини вақтда баҳоли қудрат бу саволга жавоб ҳам беради.

Бу муваффақиятларда режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Чернова, рассом Р. Тумановнинг хизмати катта.

1979 йилда театр коллективи А. Арбузовнинг «Қалтис ўйин» асари асосида спектакль намойиш қилди. Уни режиссёр В. Ковалевский сахнага қўйди. Пьеса театршуносларда ҳам, театр коллективида ҳам турлича таассурот қолдирди. Ваъзилар сахна тили борасида ҳам, қаҳрамонлар, характерлар яратишда ҳам автор маълум новаторлик қилган, дейишди. Бошқалар эса, асарни бир қадар скептик билиб, драматург ўз услубини ўзгартирган, тилини соддалаштирган, деган фикрни билдиришди. Асарнинг мавзуси жуда муҳим; муаллиф ёшлар нима билан нафас олаёпти, уларни нима қийнайди, нима ташвишга солади, деган саволларга жавоб беришга интилади.

Спектакль музыка ҳамда қўшиқлар жўрлигида ижро этилади. Композитор А. Серебряков бу асар учун махсус музыка ёзган. Спектаклда бир неча актёрлар муваффақиятга эришганлар: Маша ролида чиққан республикада хизмат кўрсатган артист Э. Дмитриева, Миша ролини ўйнаган В. Цветков, Константин ролини талқин қилган СССР халқ артисти М. Мансуров шулар жумласидан. Хусусан, Терентий образини яратган актёр А. Кузиннинг ижрочилик маҳоратини алоҳида таъкидламоқ жоиз...

А. Арбузов асарлари мамлакатимиздаги бошқа театрлар қатори М. Горький номидаги театр сахнасини ҳам безаб, мухлислар олқишига сазовор бўлиб келаётир. Драматургнинг асарларини сахнага қўйиш театр коллективи учун режиссёрлик, актёрлик маҳоратининг шаклланиши ва камолотга эришувида муҳим аҳамият касб этмоқда. Театр санъаткорлари бундан кейин ҳам А. Арбузов асарлари асосидаги спектакллар билан томошабинларни хушнуд этишларига ишонамиз.



Танқид ва адабиётшунослик

Лазиз Қаюмов,

Филология фанлари доктори,
профессор

АДАБИЁТ — ҒОЯВИЙ КУРАШ МАЙДОНИ

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг июль Пленуми материаллари ва қарорлари идеологик, тарбиявий ва пропаганда ишिमизни ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнида партия ҳал этаётган улкан ва мураккаб вазифалар даражасига кўтаришга даъват этади.

Партия, социализм билан капитализм орасидаги ғоявий кураш ниҳоят авжига чиққан ҳозирги давр бизни хужумкор бўлишга чақиради. Энг муҳим идеологик вазифаларимиздан бири ҳам шундан иборатки, антикоммунизмни далиллар билан амалий равишда юксак илмий даражада исботлаб фош этиш, ҳозирги капитализмнинг агрессив моҳиятини очиб ташлаш, у авж олдириб юборган психологик урушга дунёдаги аҳвол тўғрисидаги қудратли ва ишонарли ҳақиқат қуролини, КПССнинг тинчликсевар йўлини, унинг ер юзида тинчлик, халқларнинг социал ва миллий ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашини қарама-қарши қилиб қўйиш керак.

Социалистик тузумнинг афзаллиги ҳақидаги аксиомани дунёга кенг ёйишда адабиёт ва санъатнинг роли катта. Аммо бу иш ғоят мураккаб ғоявий кураш жараёнида амалга оширилади. Шу маънода адабиёт ғоявий кураш майдонидир. Ўзбек адабиёти ҳам бу қонуниятдан мустасно эмас.

Маълумки, Ўзбек адабиёти — дунёдаги энг қадимги адабиётлардан бири. Фольклоримизнинг ёши минг йиллар билан ўлчанади. Муштарак ёзма адабий ёдгорликларнинг бугун илмга маълум энг қадимгиси — «Қутадғу билик» яратилганига тўққиз юз йилдан ошди. Бу адабиёт дунёга Алишер Навоийдек буюк сиймони, унинг ўнлаб издошларини, Бобур, Машраб, Турди, Гулханий, Махмур, Нодира, Огаҳий, Муқимий, Фурқат сингари ўнлаб оташзабон шоирларни берди.

Ўзбек адабиёти тарихининг энг ёрқин саҳифасини совет даври, социалистик реализм этапи ташкил этади. Бу ёрқинлик Ҳамза Ҳакимзода Нисий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулوم, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, М. Шайхзода ва ҳозирги кунда ҳам самарали ижод қилаётган Уйғун, Комил Яшин, Шароф Рашидов, Зулфия, Назир Сафаров ва бошқа кўплаб адиблар ижодида намоён бўлди ва бўлаётир.

Ўзбек адабиёти кўп миллионли ўз ўқувчиларига эга. Бу адабиёт аслида ҳам, рус тилида ҳам, СССР халқларининг бошқа тилларида ҳам, шунингдек, чет эл тилларида ҳам ўқилади. Кўп миллатли совет адабиётининг оламшумул шухратини янада оширмоқда, баддий образлар орқали совет воқелиги ҳақида, тарихимиз тўғрисида, бизнинг турмуш тарзимиз ҳақида, жаҳонга ҳикоя қилмоқда. Ёзувчилар мафкуравий курашнинг энг олдинги сафларида эканлигини партия қайта-қайта таъкидлайди. Энг яхши ўзбек совет адибларининг ижодий фаолияти бу фикрнинг ёрқин мисоли бўла олади.

Ўзбек адабиёти совет адабиётшунослари, шунингдек, социалистик мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз учун бой тадқиқот объектидир. Айни пайтда адабиётимиз ривожига бутун дунёдаги тараққийпарвар ёзувчилар, капиталистик мамлакатлардаги ҳолис олимлар ҳам юқори баҳо бермоқдалар.

1978 йилда Тошкент конференциясининг йигирма йиллигига бағишланган Осие ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг анжумани бўлиб ўтди. Анжуман материаллари рус, инглиз, француз ва араб тилларида нашр этилган инфорацион бюллетенларда эълон қилинди. Кейинроқ мазкур материаллар жамланиб, китоб шаклига келтирилди ва Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан рус тилида чоп этилди. Бу материалларни ўқиган китобхон Осие ва Африка қитъасининг кўплаб йирик адиблари

жағтимиз, маданиятимиз, хусусан, ўзбек совет адабиёти ҳақида ўз фикрларини тўлқинла-
ниб, ҳаяжон билан ихзор қилганини сезади.

1977 йилда Торонтода канадалик ёзувчи Петр Кравчукнинг «Уч қитъада» китоби
украин тилида нашр этилди. Муаллиф ўзининг Африка, Осиё ва Европа қитъаларига
қилган саёхати таассуротларини баён қилади. Китобнинг бир боби «Ўзбекистон» деб
номланган. Унда республикамиз ҳақида, халқ ҳаётининг турли кўринишлари ҳақида, шу
жумладан адабий ҳаёт ҳақида тўғри фикрлар билдирилган. Чет эллар билан дўстлик ва
маданий алоқа қилиш Ўзбекистон жамиятида биз мазкур китоб муаллифи билан
учрашганмиз, суҳбат ўтказганмиз, суҳбат давомида Ўзбекистон адабиёти ҳақида
батафсил сўзлаб берган эдик. Уша суҳбат ҳам китобдан жой олган.

1979 йилда «Прогресс» нашриёти Алекс Ла Гума ва Андре Ремакларнинг «Совет
Иттифоқи бўйлаб» деган китобини рус ва инглиз тилларида нашр этди. Осиё, Африка
ёзувчилари уюшмасининг раиси Алекс Ла Гума бу китобнинг кўпгина саҳифаларини
Ўзбекистонга, унинг адабиётига бағишлаган.

Булар ва булар сингари кўпгина софдил чет эллик адиблар прогрессив жаҳон
адабиётининг энг яхши анъаналарини, мамлакатимизнинг чинакам дўстлари бўлган
Ромен Роллан, Анри Барбюс, Бернард Шоу, Рабиндранат Тагор, Пабло Неруда, Нозим
Ҳикмат, Файз Аҳмад Файз ва бошқа улуг ёзувчилар анъаналарини изчил ва муваффақи-
ят билан давом эттириб келмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимиз, шу жумладан, республикамиз ва унинг адабиёти ҳақидаги
ҳаққоний фикрлар ер шарининг энг узоқ нуқталарига ҳам етиб бормоқда. Бу ғанимлари-
мизни, антикоммунизм идеологларини чўчитмоқда, васвасага солмоқда, шунинг учун
ҳам улар совет воқелиги ҳақида турли-туман ёлғон-яшиқларни тўқийга, КПСС миллий
сиёсатини бузиб тасвирлашга интилмоқдалар.

Буржуа «советшунос»ларининг идеологик бўҳтонлари турлича ва ранг-барангдир.
Чунончи, улар пайғамбарлик қилиб «осиёликлар русларни «маҳв» этадилар», деган
ёлғон демократик маълумотлар билан бизларни чўчитмоқчи бўладилар. Айти вақтда
СССРдаги рус бўлмаган халқларни «Россия уларни руслаштиришга уринаяпти» деган
бўҳтон билан қўрқитишга уриниб юрадилар. Буржуа идеологлари сийқаси чиққан
миллатчиликка катта эътибор беришади, халқларни бўлиб юборишга, улар ўртасида
ўзаро ишонсизлик уйғотишга ва низо чиқаришга ҳаракат қиладилар. Кўп тилларда
эшиттириш берадиган «Америка овози» эфир орқали узлуксиз равишда миллатчи-
ликнинг заҳарли уруғини сепиб келмоқда. Мана шу ва шунга ўхшаган бизга душман
«овоз»ларнинг «адабий суҳбатлари» ҳам миллатчилик ғояси билан йўғрилган.

Бизнинг ғанимларимиз миллатчилик коммунизмга қарши курашнинг муҳим қуроли
деб ҳисоблайдилар. «Коммунизмнинг инкировга юз тутиши ёқи ҳеч бўлмаганда, СССР
нинг сиёсий бирлигининг ҳалокати фақат СССР миллатлари билан боғлиқдир», деб ёзган
эди 1978 йилда француз газетаси «Фигаро». Ундан олдинроқ ҳаммага таниқли англис-
ветчи В. Брезинский бундай деб таъкидлаган эди: «Миллатчилик советлар ҳокимиятига
ташланишга даъват этадиган қобилиятли кучга айланиши мумкин».

Жаҳонда антикоммунистик назариялар оз эмас. Қинда яна биттаси пайдо бўлиб
қолди. Унинг моҳияти А. Бекнигсен ва Э. Уимбушнинг «Совет Иттифоқида миллий
коммунизм» (Чикаго-Лондон 1979) китобида баён қилинган. Албатта, биринчи навбатда
бу назария синфий кураш, пролетариат диктатураси ва пролетар интернационализи
деган тушунчаларни тўла инкор этади. Бу «дўппи кийган социализм» маълум миллат
манфаатига мўлжалланган ва марксизмни маҳаллий шароитларга мослаштиришни
тақозо этади.

Гап шундаки, бунақа назариялар кўп бўлган. Африка, араб, ислом социализми деб
атаган кўпгина миллий социализмларни тарих яхши билади. Улар оқибат-пировардида
маҳаллий буржуазия манфаатининг ниқобланган назарияси ва амалиёти бўлиб чиқди.
Шунинг учун ҳам А. Бекнигсен ва Э. Уимбушнинг китобларига эътибор бермаслик
мумкин эмас. Аммо улар бизнинг ишимизга аралашадилар. Тарихимизни сохталаштира-
дилар. Энг муҳими ўзларининг бемаъни маслаҳатлари билан бизни, Совет Иттифоқида
яшовчи турли миллатларни, тўғри йўлдан оздиришга уринадилар.

СССРдаги миллий муносабатлар — чет эл советшунослари ва сиёсатдонлари учун
янги мавзу эмас. Мана бу сафар ҳам бундай «хайрихоҳ»ларнинг мўлжаллари остида рус
ва туркий халқлари ўзаро муносабатлари турибдики, улардан «тадқиқотчилар» адоват
ва ошқора ичқоралик аломатларини қидириб топишга интиладилар. Шу нарса ха-
рактерлики, исбот этиш усули — агар умуман, фактларни очик сохталаштириш
шароитида исботлар тўғрисида гапириш лозим бўлса — Урта Осиё халқлари маданияти,
аниқроғи, адабиёти бўлдики, ундан мазкур шарҳловчилар «сепаратизм» нишонларини
топадилар.

«Русларсиз» — бу мусулмон миллий коммунизми» янги назариясининг негизи.
Муаллифлар А. Беннигсен ва Э. Уимбуш уни СССРдаги Урта Осиё республикалари учун
махсус ишлаб чиқишган. Уларнинг фикрича, марксизм ва исломнинг бир-бирини рад
этувчи принципларни бирлаштиришга даъват этган «дўппи кийган социализм»нинг бу
турини амалга ошириш учун, гўё вазият етилиб пишган.

Жаҳондаги миллий муносабатлар ва маданий алоқалардан унинг инъикоси
масаласини бир оз диққат билан қўриб чиқсак, ҳар хил буржуа идеологларининг биз
ҳақимиздаги гапларининг тағи очилиб қолади.

Авалло, бир неча йил аввал Лотқин Америкасига қилган сафаримдан баъзи
таассуротлар.

Венесуэланинг пойтахти қадимий қабилалардан бирининг номи билан Каракас деб
атаган. Турли вилоятлар номи ҳам шундай тарихий: «Маракайво» ёки «Тумана»

Каракасдаги энг шинам меҳмонхона ерли аҳоли доҳийларидан бири Таманако номига қўйилган.

Худди шу кайфият у ерлик энг йирик олимлардан бири Гулермо Моронинг «Венесуэла тарихи» китобида ҳам сезилиб туради. Ушбу олим ўзи менга тақдим қилган китобини инглизча нашрида илк боблар мамлакатнинг қадимий тарихига ва улар маданиятининг ўзига хослигига қаратилган.

Уша пайтда Каракас университетининг ректори бўлган бир олим биз билан суҳбатда маҳаллий халқ этник ва антрополитик жиҳатдан ўзига хослигини зўр бериб тушунтирди.

Мехико антропологик музейидаги турли-туман экспонатлар, археологик қазилмалардан топилган уйдан ҳайкалларга бўлган ҳурмат ва муҳаббат, қадимий қабилалар яшаган қишлоқни айна ўзидек қилиб Кубанинг бир бурчагида тиклаб қўйилганлиги, баҳайбат Мексика пирамидалари ва улар ҳақидаги афсоналарнинг машҳурлиги — барчага лотин Америкаси халқлари маданиятига шимолӣ кўшниларикиддан фарқлаш, унинг тажовузидан сақлаш учун алоҳида эътибор билан тасвирланади.

Маданий ўз-ўзини таниш, ўз халқининг тарихий илдизлари қадрини англаш гоёларини бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кузатиш мумкин. Сиёсий ва иқтисодий таназзул билан руҳий мустамлакачилик инқирози ҳам бошланди. Капиталистик давлатлар, маҳаллий маданиятни сақлаш ўрнига уни амалда рад эдилар.

Худди шунинг учун ҳозирги замон қудратли миллий озодлик ҳаракати жараёнида адабиёт ва санъат халқларни империалистик мамлакатларнинг космополитик, гайримиллий маданият асоратига солишга қарши курашда энг зарур қурол бўлиб қолди. Миллийлик тушунчасининг ўзига ҳам ҳар томонлама ўқлар ёғдирилмоқда. Маданий ва сиёсий денационализация тарафдорлари нуқтаи назаридан у қолок, ёввойи тушунча деб қаралмоқда. Ҳолбуки, у миллийлик тарафдорлари учун умидли, теран тарихий мазмунга эгадир.

Империализмнинг «космополитик» маданияти билан гайритабиий ва носоғлом муносабатлари тўғрисида ўз мамлакатларининг тарихи мисолида ҳинд ёки араб, япон ёки занжиларнинг илгор тараққийпарвар арбоблари гапиришлари мумкин.

Табиийки, улар позитив программа қидирар эканлар, албатта, СССРга — бугунги кунда ягона кўп миллатли давлатга: халқлар кўнгилли равишда тенгхуқуқли иттифок тузган ва бирдан-бир зўр тажрибага эга бўлган мамлакатга мурожаат қиладилар.

Воқеаларнинг бундай бурилишидан норози бўлган буржуазия идеологлари, ижтимоий тузумидан қатъи назар дунёдаги ҳамма мамлакатлар учун, миллатчилик ҳаракати характерлидир, деган тўқима, сохта ақидага риоя қилишни афзал кўрадилар. Ваҳоланки, агар, гўё, бизнинг давримиз — «пан-национализм» даври экан, масалан, Генри Кон шундай деб ҳисоблайди, «нега энди у СССР да бўлмаслиги керак? Шу нуқтаи назарга кўра масала мавжуд экан, демак бир кунмас бир кун СССРни ҳам тугатиш мумкин.»

Антикоммунизм идеологлари ўзларининг илмий социализм назарияси ва практикаси билан курашда адабиётдан ҳам фаол фойдаланишга интиладилар. Улар совет ёзувчилари, айниқса миллий республикалар адабиётлари ўртасида тарқоқлик, узилиш яратишга ҳаракат қиладилар.

Бизнинг идеологик душманларимиз ҳар бир ёзувчида миллатчилик руҳини кўришни жуда-жуда истайди. Умуман, улар адабиёт ривожининг бош гоёси — миллатчилик деган тушунчани исботлашга зўр бериб уринади. Колумбия университетининг профессори Эдвард Оллуорс ўзининг 1964 йилда ёзган «Ўзбек адабий сиёсати» китобида XX аср ўзбек адабиёти тарихини худди мана шу нуқтаи назардан туриб ифода қилган. Кейинги йиллар давомида бу китоб Оллуорснинг ёш издошлари учун ўзига хос қўлланма вазифасини ўтаб келди. Агар унинг ўзи ўзбек адабиётини бўяб кўрсатишни яхлит, умумий тарзда олган бўлса, унинг издошлари республикамизнинг айрим йирик ёзувчилари ижодини сохталаштириш бўйича мутахассислашмоқдалар.

Кўп миллатли совет адабиётининг обрўйи бутун дунё бўйича мисли кўрилмаган даражада тез ошиб бормоқда. Натижада бизнинг идеологик душманларимиз ўз тактикасини ўзгартиришга, сохталаштириш методларини тез-тез алмаштиришга мажбур бўлаётирлар. Улар совет ижодий зиёлилари ўртасида аллақандай сиёсий «оппозиция» мавжудлигини, улар орасида фақат «диссидентлар» — ўзича фикр юритувчилар ва адабиёт атрофида ўралашган аллақандай кимсаларнинг эмас, балки бообў йирик ёзувчилар ҳам бор деган даъвои исботлаш учун ҳар қандай ёлгон ва бўҳтондан, тухмат ва иғводан қайтмайдилар.

Давид Монтгомериинг 1975 йилда Канадада нашр қилинган Ҳамид Олимжон ҳақидаги илмий ишлари бундай сохталаштиришнинг бир мисолидир.

Халқ Ҳамид Олимжонни бахт ва шодлик куйчиси деб атайди. Чиндан ҳам бу ҳаққоний ва тўғри фикр. Чунки бутун ижодини она халқини, унинг Улуғ Октябр туфайли эришган бахтини куйлашга бағишлади. Ҳамид Олимжон ўзининг кўп қиррали ижодида бош фалсафий масала қилиб қўйган ва ҳал қилган мавзу — бахт. Худди шу гоё унинг поэзияси лейтмотивидир. Ҳамид Олимжон асарларида куйланган бахт мавзуининг ижтимоий асосини совет воқелиги ташкил этади.

Шоир лорикасидаги энг интилим туйғулар ҳам кенг ижтимоий оҳанг касб этади, айна вақтда гоёт жиддий ижтимоий фикрлар ҳам шоир қалбининг энг тубидан отилиб чиқади. Бунга ёрқин мисол сифатида унинг «1924 йилнинг 22 январида Самарқанд» шеърини кўрсатишимиз мумкин. Бу ўзбек адабиётининг В. И. Ленинга бағишланган энг яхши асарларидан биридир. Шеърда халқнинг улуғ доҳийга бўлган меҳру муҳаббати ифода қилинган.

Ҳамид Олимжон ўзининг энг яхши асарларини Коммунистик партияга, В. И. Ленинга, социалистик ватанга бағишлади. У халқ севиб тинглайдиган кўплаб лирик

қўшиқлар муаллифидир. Унинг ижтимоий-фалсафий лирикаси ўзбек адабиётининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

1939 йилда Ҳамид Олимжон ўзининг бахт ҳақидаги фалсафасини маълум даражада якунловчи «Зайнаб ва Омон» поэмасини ёзди. Асарда янги кишилар образи яратилган бўлиб, уларда янги коммунистик ахлоқ қирралари акс эттирилади. Унинг қаҳрамонлари — Зайнаб ва Омон соф севгини кишанлаб ётган эски урф-одагларни парчалаб ташлайдилар. Бундай уринишлар илгари ҳам бўлган. Лекин бунинг оқибати фожиа билан тугаган. Бу дoston мазмунан ҳам новаторлик намунаси бўлиб, у бахтиёр севги ҳақидаги қўшиқдир.

Барча объектив тадқиқотларда Ҳамид Олимжоннинг қисқача ижодий портрети тахминан ана шундай ёритилган. Аммо Дэвид Монтгомери фикрлари бошқача. Чунончи 1937-1938 йилларда Ҳамид Олимжон ажойиб лирик шеърлар туркумини яратди. Бу асарларнинг қимматини таърифлашга сўз ожизлик қилади. Буни Монтгомери ҳам тушунади. Бироқ у фактлардан кўз юмиб, Ҳамид Олимжон ижодини ўзининг қора қолипига солишга интилади.

«Ҳамид Олимжоннинг бу даврдаги лирик поэзияси,— деб ёзади Монтгомери,— таъсирчан ва интим характерга эга, чунки уларда шоирнинг ўз хотинига, oilасига ва табиатга нисбатан кучли муҳаббати ифодаланганки, бу ёвузликдан паноҳ топувчи бир нарсa сингари тасвирланган?».

Баъзи ҳолларда шундай тунги фикрлашлар мавзуси учрайдикки, бу кенг жамоатчилик учун мўлжалланган айрим фикрлар, мавзулар Олимжон учун тез ва осонликча келмаганлигини кўрсатади(?)»

Буларнинг ҳаммаси сохталаштирувчининг уйдирмаларидир. Улар ҳеч нарсдан беҳабар ўқувчилар учун мўлжалланган. Аслида Ҳамид Олимжон бутун умри давомида тўғри, партиявий позицияда турди, у ўзининг барча фикр-мулоҳазаларини Д. Монтгомери хаёл қилгандек эмас, балки ўзининг ленинча партиявий эътиқодидан келиб чиқиб баён қилган, ҳал қилган.

Д. Монтгомери ўз ишининг сўзбошисида бундай ёзади: «Бу мақолага Осие тадқиқоти бўйича ўтказилган учта турлича конференцияда автор томонидан тақдим этилган учта доклад асос бўлган; «Ҳамид Олимжон (1909-1944) — совет шоири ва публицисти» (Осие тадқиқоти бўйича ассоциациянинг ғарб конференцияси, 1973 йил сентябрь, Альбукерк, Нью-Мехико), «Ҳамид Олимжон: мансабдаги омади ва совет Ўзбекистонига адабий тан олинishi» (Осие ишлари бўйича ўрта ғарб конференцияси, 1974 йил, ноябрь, Лоренс, Канзас), «Зайнаб ва Омон» — муҳаббат ва 1930 йиллардаги совет ўзбек колхози хотин-қизларининг озодлиги; Ҳамид Олимжоннинг шеърий қиссаси» (Осие тадқиқоти бўйича ассоциациянинг ғарб конференцияси, 1974 йил декабрь, Темпе, Аризона).

Автор бу мавзудаги тадқиқотини янада кенгроқ ва чуқурроқ планда давом эттиришни режалаштирган.

Буюк ўзбек шоири ва публицисти ижодий меросининг мазмуни ҳамда моҳиятини бўзиб кўрсатишга интилиш жараёнида Д. Монтгомери яна қанча ёлғон-яшиқларни, бўҳтонларни тўқиб чиқаришни тасаввур қилиш қийин эмас.

Мисол тариқасида Ҳамид Олимжон ҳалокати фактини олайлик. Ҳаммага маълумки, у Дўрмон қишлоғида автомобиль ҳалокатида қолган. Бу фожиа ҳозиргача юракларни эзади. Уша машинада у билан бирга бўлган гувоҳ — шоир Уйғун ҳозир ҳаёт Ҳамид Олимжон вафоти тафсилотлари хотираларда тўғри ёзилган. Айниқса Наим Каримовнинг 1979 йилда «Еш гвардия» нашриётида чоп этилган «Ҳамид Олимжон» номли мазмундор китобида батафсил ҳикоя қилинган.

Девид Монтгомери бўлса бу аниқ фактни «тагдор» иборалар билан атайлаб хиралаштиради. «1944 йилнинг 3 июлида,— деб ёзади у,— Тошкент кўчаларидан биринчи кесиб ўтаётганда, катта тезлик билан келаётган юк машинаси остида қолади ва ҳалок бўлади(?)». Изоҳида яна шунини қўшимча қилади у: «Барча манбалар Олимжон автомобиль ҳалокатида қолиб ҳалок бўлганини кўрсатади. Оллуорс билан шахсий суҳбатларимизда бу катастрофа ҳақида баъзи нарсаларни (?) бизга лутфан қўшимча қилди (1974 йил апрель)».

Буржуазия сохталаштирувчилари ҳаммага маълум фактларни ҳам ана шундай чаплай ташлайдилар, ҳеч қандай уйдирма, ёлғон-яшиқдан қайтмайдилар.

Мана, Д. Монтгомери Ҳамид Олимжоннинг тақдир ҳақида қандай хулосалар чиқаради: «Агар унинг ҳаёти яна давом этганида кейинги мансаби қандай аҳволга тушиши маълум эди. У беш йил давомида ўзбек совет ёзувчилари союзининг раиси вазифасини бажарди, бу ўша даврда бундай лавозимда энг узоқ ишлаш ҳисобланади.

Урушдан кейинги йилларда совет ва ўзбек адабиётини қайта кўриб чиқиш, тозалаш ўтказилди, маълум аспектларда ўтмишни шарафловчи олдинги марҳаматлар сиқиб қўйилди. Олимжон таржима қилган «Алпомиш» ва унинг «Муқанна» драмаси таққидга учради». Д. Монтгомери фолбинлик қилишича, агар шоир кейинги йилларгача яшаганда, «Олимжон ёзувчилар союзининг раҳбарлигидан узоқлаштирилса-да, урушдан кейинги ўзбек адабий жамоатчилигини қанчалик «тозалаш» ўтказганда ҳам, у матбуотда ўзини кўрсатувчи сермахсул адиб сифатида ишини давом эттирверган бўлар эди».

Буларнинг ҳаммаси шоирни, партиянинг адабиётга, ижодий интеллигенцияга муносабат сиёсатини булғашга қаратилган чучмал гаплардир. Ҳамид Олимжон ўзбек совет маданияти тарихида мустаҳкам фахрли ўрин эгаллаган. Унинг асарлари турли тилларда кўп минг нусхада нашр этилмоқда. Унинг ҳақида кўплай китоблар ёзилган ва ёзилмоқда, пьесалари сахналарда ижро этилмоқда, Ҳамид Олимжон уй-музейи очилган, унга ҳайкал қўйилган, шоир юбилейи бир неча марта кенг нишонланди. Колхозлар, мактаблар, кутубхоналар, кўчалар, театр, институт, Тошкент метроси станцияси унинг номига қўйилган. Булар ўзининг барча куч-қобилиятини, катта талантини, бутун ҳаётини

коммунизмнинг улуг ғоялари хизматига бағишлаган Ҳамид Олимжон ижоди партия ва халқ томонидан нақадар юксак қадрланаётганини кўрсатиб турибди.

Аммо буржуа фалсификаторлари реал фактларни тан олишга ожиздир. Улар бу аниқ фактлар билан ҳисоблашни истамайдилар, улар ўз қиёфасини ўзгартириб, бизнинг воқелигимизни, маданиятимизни, жумладан, Совет Ўзбекистони адабиётини қоралашда давом этмоқдалар. Антикommунизм идеологлари бугунги совет адабиётини «парчаланган» сифатида кўрсатишга зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар, улар бу мақсад учун ҳамма нарсага тайёр. Масалан, Гедрик Смит «Нью-Йорк таймс» газетасини 1974 йил 4 июнь сонидаги мақоласида Чингиз Айтматов «қувилган романист Александр Солженицинни танқид қилади, бироқ ахлоқий масалалардан пинҳона ғазабга келганга ўхшайди» деб туҳмат қилади.

Бугунги совет адабиётининг буюк намоёндаси Чингиз Айтматов билан манфур Солженицин мутлақо қарама-қарши ғоявий позициядаги одамлар. Лекин ҳақиқий фактлар сохталаштирувчилар учун аҳамиятга эга эмас. Ҳеч яқин келмайдиган нарсаларни қиёслаш улар учун ҳеч гапмас. «Айтматов сталинизмни жаноб Солженицин каби ҳужжатлар билан бўлмас ҳам, билвосита ёритиб беради», деб ёзади Г. Смит, Гедрик Смит А. Солженициннинг ғирт туҳматдан иборат китобларини ҳужжат кучига эга деб кўкларга кўтариши, боринги, ўз ихтиёри. Аммо бунга Чингиз Айтматовнинг қандай алоқаси бор? Шунинг учунки, Г. Смит Солженицин ёлғиз эмас деган фикрни исботлашни жуда ҳам истаydi, шу боис бир йўла Чингиз Айтматовга қорақуя чаплаб ўтади.

Советшунос — адабиётшуносларнинг бундай бўҳтончилари, уйдирмачилари оз эмас.

Масалан, Гарольд Р. Беттерсеби «Ўзбек ёзувчиси Асқад Мухтор ва унинг асарлари» деган мақола ёзди, у 1971 йилда «Сентрал Эйшетик джорнл»да эълон қилинди. Унда Асқад Мухтор романларининг тили шундай таҳлил қилинади: «Мухтор рус тилини билса-да, у ўз асарини рус тилидан ўзлаштирилган сўзлар билан тўлдиришга ҳаракат қилмайди. Олдуорс «Опа-сингиллар» (1955 йил нашри) романининг охириги бобидан сўнги 337 сўзни мисол тариқасида олиб таҳлил қилади ва рус тили ёки у орқали бошқа тиллардан ўзлаштирилган атиги 22 сўзни топади. Бу 6,5 процентни ташкил этади. Унча катта бўлмаган рақам, агар рус тили таъсирининг барча кўринишларини ҳисобга оладиган бўлсак, буни мутлақо нормал ҳол ҳеб ҳисоблаш мумкин».

Бадий асарнинг қиммати, ҳаққонийлиги персонажлар тили орқали ифода қилиниши фактини мақола автори очиқдан-очиқ инкор этади. «Опа-сингиллар» романи 20-йиллар ҳақида ҳикоя қилади, бинобарин, ўша давр тили романда ҳаққоний акс эттирилган. Гарельд А. Беттерсеби бўлса, қандай бўлмасин ёзувчидан «миллатчиликни қидирганда ва уни «рус тили таъсирига қарши қўйишга» интилганда, адабиётшунослик қонунларини «унутиб қўяди».

«Турк ўтмиши ва совет келажаги» — Даниел Матушевский деган кимса Америкада чиқадиган «Коммунизм масалалари» журналида чоп этилган мақоласини шундай дабдабали ном билан атабди. «Ўзбек миллий туйғуси: ҳозирги замон адабий ижодини ўрганиш» — америкалик советолог профессор Фейерманнинг мақоласи шундай деб номланган. Бу туйғуни биров, хусусан, америкалик Фейерман тушунмаса, бошқа ким ҳам тушунсин!

«Шарҳловчиларнинг фикрича, халқлар ўртасида маданий бирлашиш жараёнлари бормоқда. Буни гапини жуда болаҳонадор қилиб сўзлайдиган Матушевский «Турк уйғониши» деб атайди. Ҳозирги замон туркий халқлар адабиёти гўё кино ва мажозлар йўли билан, ўтган ўн йилликларда мажбуран унутилган миллий ўтмишини улуглаш ва оқлаш билан машғул эмиш, жадал руслаштириш шароитида маданий даҳлсизлик ҳуқуқини ҳимоя қилаётган эмиш. Бундан чиқди, Ўрта Осиё халқлари адабиётларини мазмунан миллий, шаклан социалистик» бўлиб қолган, деб ҳисоблаш мумкин. Муаллифлар назарида маданий муҳитдаги норозиликлар «умумий миллатчилик тенденциялари»дагина кўриниб қолмай, шу билан бирга ўттизинчи-қирқинчи йилларда туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг рус алфавитига ўтиши ва натижада, «ўз маданий меросларидан ажралиб қолганларида» ҳам юзага чиқади.

Матушевскийдан парча келтирай: «Туркий халқлар» ўз ўтмишларини маданий жиҳатдан у қадар ҳалокатли ва мудҳиш бўлмаганлигини тушуна бошладилар. Улар ғайрат қилиб, ўз қадимий ўтмишларини тирилтиришга киришдилар, ҳозирги замон Ўрта Осиё романи бунинг ёрқин далилидир.»

Ўзингизни босинг, жаноб Матушевский! «Туркий халқлар» «ўз ўтмишларини маданий жиҳатдан ҳалокатли ва мудҳиш» деб ҳаёлларига ҳам келтирмаганлар. Улар ўз ўтмишларида Форобий ва Навоий, Бобур ва Махтумқули, Муқимий ва Абай борлигини ҳаммавақт яхши билишган. Билишгангина эмас, барча халқлар каби ўзларининг буюк аждодлари билан фахрланишган.

Ёки қадимий қўлёзмаларни олайлик. Бугунги кунда миллий республикаларнинг шарқшунослик институтлари, қўлёзма хазиналари чиндан ҳам, нодир бойликларга эга эдилар. Бу қўлёзмалар илмий ўрганилмоқда, нашр этилмоқда. Қўлёзмаларга ҳурмат ва қизиқиш олдин ҳеч қачон Совет ҳуқумати давридагидек бўлган эмас.

Ёки ўтмишининг буюк мутафаккирлари умумиттифоқ миқёсида қанчалар меҳр-муҳаббат билан ёсланаётгани, ёвзолаётганини хотирлайлик. Дониш суратда олиб борилаётган археологик қидиришлар натижасида музейларнинг экспозициялари янги-дан-янги экспонатлар бойимокда, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларда қадимий маданий ёдгорликлар ва обидалар тикланмоқда, таъмир қилинмоқда. Ўтмишини «унутиш» шундай бўладими, уни янгидан «топиш» шундай бўладими?! Ахир, бундай ишлар ўн йиллаб изчил суратда меҳнат қилишни талаб этади-ку!

Ўрта Осиё ёзувчилари тарихий романларида ўз миллий ўтмишларини улугламоқда-

лар. Уларга шу тарихий роман жанри маъқул, деган мушоҳадалар ҳам ниҳоятда беўхшовдир.

Бу — бутун совет адабиёти учун анъанавий хос нарса эканлигини ҳар бир саводли одам билади. Нима учун айти шу Урта Осиё ёзувчиларининг тарихий романларига махсус ўрганилишга муносиб деб топилди? Чунки «шарҳловчилар» уларда «озодлигина интилиш» аниқ ифода этилган, деб ҳисоблайдилар.

Лекин ҳамма гап шундаки, сўнгги йилларда миллий адабиётларга янги, бақувват носирлар авлоди кириб келди. Урта Осиё халқлари адабиётлари анъаналарида бугунгига ўхшаш наср намуналари йўқ эди ва бу анъана вужудга келгунга қадар маълум бир даврни босиб ўтиш керак эди. Албатта, Садриддин Айний ҳам, Ҳамаза Ҳакимзода Ниёзий ҳам насрни аъло даражада эгаллаган эдилар, уммо моҳият эътибори билан бутун носирлар авлоди бизнинг кўз ўнгимизда ўсиб-улғайди.

Ҳа, бизда тарихий романларни кўп ёзишади, бироқ, маълумки, ҳар бир авлод тарихни янгича ўқийди. Классикларнинг тарихни тушуниши билан ҳозирги замон ёзувчиларининг уни идрок этиши ўртасида фарқ бор. Ҳеч бўлмаганда, шунинг учун фарқланидики, тарих — тирик, тараққий этаётган фан, у ҳамisha янгидан-янги илмий ва археологик маълумотлар билан бойиб боради. Шунингдек, ҳозирги ўқувчининг ақли ва маданий савияси беҳад ўсган, уни жаҳон тарихининг жиддий ўзвийлиги қизиқтирди, бу эса романнависдан чуқур билим ва ўтмиш воқеаларига аниқ синфий, маркча-ленинча баҳо беришни талаб этади.

Бизнинг тарихимизда, бошқа ҳар қандай халқларнинг тарихида бўлганидек, юксалиш ва инқироз ҳодисалари кўрилган. Ҳа, саводсизлик ва ижтимоий қоқоқлик бўлган; мустабидлар маърифатчиларни, янги фикр эгаларини ўлдирганлар, китобхоналарга ўт қўйганлар. Аммо Беруний ва Ал-Хоразмийлар ҳам бўлганлар, буюк шоир ва олим бўлиб етишган ҳокимлар ҳам бўлган. Жўнгина андозалар билан минг йиллик тарихни баҳолай олмайсан. Шахсан мен ҳам ҳали бизда тарихий романлар оз, деб ўйлайман. Бизнинг тарихимизда ҳали адабиёт акс эттирмаган қатламлар кўп.

Шубҳасиз, Мирмуҳсиннинг «Метьмор», Асқад Мухторнинг «Чинор», Чингиз Айтматовнинг «Асрга тенг кун» романлари миллий тарих заминиди яратилган теран миллий романлардир. Лекин ўйлаб кўрайлик, бу романларда жиндак бўлса-да, «миллатларнинг русларга адовати (мен, «шарҳловчиларнинг» терминологиясидан фойдаландим)» ёки «сепаратчилик ғояси» бўлганда, улар рус ўқувчиси учун шунчалик қизиқарли бўларми? Ва умуман, Айтматов асарларининг рус ўқувчилари орасидаги камдан-кам ёзувчига насиб этадиган муваффақиятини шундай асосда тушунтириш мумкинми? Ёки, дейлик, «Дата Туташхиа» деган грузин романи-чи? Йўқ, мумкинмас. У бошқа нарса билан — барча халқларнинг маданиятлари ва тарихини бирдай қадрли деб билган ўқувчига суянган совет адабиётининг интернационал анъаналари билан тушунтирилади.

Бизнинг совет адабиётининг кучи — унинг интернационализмида, тенгҳуқуқли миллий адабиётларнинг бирлигида, бир-бирига бўлган ҳурмат ва муҳаббатига. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов СССРнинг олтимиш йиллигига бағишланган тантанали мажлисда айтган эди: «Илгор анъаналар, маънавий бойликлари интенсив айирбошлаш асосида социалистик кўп миллатли маданият гуллаб-яшнади. Совет маданиятининг, умуман, кучли томоннинг дидини назарда тутадиган ва шунга асосланган ғайримиллий, сохта космополитик маданиятдан туб фарқи ҳам шунда.

Космополитик маданият миллийликни тан олмайди ва рад этади. Лекин, умуман, бундай маданиятнинг бўлиши мумкинми? Ҳарҳолда шу кунгача инсоният томонидан нимаики яратилган бўлса, у миллий илдиэга эгадир. Пушкин ва Данте, Гёте ва М. Ганди, Фирдавсий ва Сервантес теран миллийдирлар: мен атайлаб юксак номларни тилга оляпманки, улар жаҳон маданияти хазинасини ташкил этадилар.

Миллий замин адабиётни озиклантиради, бойитади. Шундай экан, уни социалистик реализм қонуниятларидан, ўтмиш ва ҳозирги замон воқеаларини синфий, объектив баҳолашдан йироқлашиб кетган деб ҳисоблаш мумкинми? Ҳозирги замон совет адабиётида у мустақил оқимга айланган дейишга асос борми? Бундай саволлар ҳар қандай кишини таажжубга солади. Шунга қарамасдан, шундай «тадқиқотчилар» ҳам борки, улар қандай бўлмасин, Айтматовнинг сўнгги романидан, Асқад Мухторнинг «Чинор» романидан қидиришгандек, синфий позициядан чекиниш топмоқчи бўлишади. Ёзувчининг қаламини аллақандай (Файерманга кўра) алоҳида «миллий туйғу» бошқариб, бу унинг мавжуд воқелик билан ички зиддиятини ошқора қилар эмиш. Ёзувчи бу зиддиятни ишора ва мажозлар ичига яширишга мажбур эмиш. Нималарни яшираётган эканлар ёзувчилар?

Айтматов ҳақида гапириб, ўтирмаймиз — унинг романи ҳамманинг эсида. Асқад Мухтор ҳар бир инсон, ўзидан бошланмайдиган ва ўзи билан тугамайдиган тарих контекстида ўзини англаб олмоғи керак, деб «ишора» қилади. Мирмуҳсин эса маданий анъаналар муайян қоқдаларни келтириб чиқаради, улар ҳаётнинг турли ҳолатларида одамларга мадад берадилар, деб айтади. Хўш, асарларнинг бош ғоясини ифодалайдиган бундай «ишора»лар совет адабиётининг қайси қонуналарига қарши экан?

Дарвоқе, Мирмуҳсин романини шарҳлаб, Матушевский жуда ўнғайсиз аҳволга тушди. «Унинг қаҳрамонлари, — дейди Матушевский, — на ўзбек, на қозок, на қирғиз, балки турклардир... Улар турк тилида фикрлайдилар, гапирадилар ва ёзадилар». XV асрдаги Самарқанд ҳақидаги роман муаллифига ғаройиб даъволар! Ёзувчи тарихни билади, сенсациялар қилишга мойил бўлган шарҳловчи ҳам тарихни лоақал мактаб маълумоти даражасида билиб қўйса ёмон бўлмасди.

Мажоз ҳақида ҳам шунини айтиш мумкин. «Олимлар» жиндай хабардор бўлсалар эди, масал, эртақ ва қоқиримлар усули, тили шарқ адабиётида анъанавий эканлигини билишарди. Ва ёзувчиларимиз шу усулларидан ўз асарларида фойдаланганларида, буни

«аллюзия ёки эзон тили» деб баҳолаб ўтиришмас, миллий шаклларнинг одатий қўлланиши, деб қараган бўлардилар.

«Турк уйғониш даври» ҳақида гаплашиш ҳам энди бутунлай ғалатидир. Жаноб Матушевский қандай «турк»ларни ва қандай «умумтуркий илдизлар»ни назарда тутаетир? Ҳа, қачондир бизга умумий тил системасини, умумий тарихни ва Урхун-Енисей типидаги ёдгорликларни мерос қолдирган туркий бирлик бўлган. Лекин минг йиллар бурун бу умумийлик аниқ миллий шаклларга ажралган ва ҳар бир халқ мустақил яшаб, тараққий қилган.

Шуниси ҳам борки, ёқутлар ҳам, гагаузлар ҳам, болқорлар ҳам туркий халқларга мансубдилар. Ҳатто Матушевскийнинг ўзи ҳам, ёқут ва болқор адабиётида, айтилиқ, ёқут ва ўзбек адабиётини ажратиб турувчи ва уларни туркий бўлмаган бошқа бирон адабиётга қарши қўювчи бирор белгини топишга журъат этолмайди. Ёки ёқутлар ҳам турк эканлигини у билмайдими? Ёнг қадимги эроний тилда гаплашувчи халқлардан ҳисобланган тожикларни ўйламай-нетмай туркий деб атаб юборишига қараганда, билмайдиганга ўхшайди.

Бари бир сохта пайғамбарларнинг даъволарини тушуниш мушкул. Матушевский «уйғониш даври» ҳақида айюханнос кўтараётган пайтда АҚШ да профессор Фейерман ўзбек совет ёзувчилари «Москва кўрсатмаси билан ишлаёттирлар», деб жар солмоқда. Унинг учун асл ўзбеклар — «дўппи кийган ўзбеклар» — ўз республикаларини Россиядан ажратиб олишга интилаётган кишилар эмиш. Бошқа ёзувчиларни у ўз миллий обрў-эътиборини пастга урувчи «дўпписиз ўзбеклар» деб атайди. Лекин Матушевский ўша ёзувчиларнинг ижодларига таяниб ёзмоқда-ку!

Қандай гап бўлди бу? Бизда «Москва кўрсатмаси билан» «турк уйғониш даври» бошланибдими?

Айбноманинг сўнгги нуқтасига тўхталиб ўтайлиқ. Ўзбек ёзуви русча ёзувга ўтказилиши муносабати билан маданий традицияларимизда узилиш рўй бериб, натижада, «ўзбеклар ўз маданий ўтмишларидан ажралиб қолгани»ни аниқлаб олайлиқ. Бироқ маданий ўтмиш ҳақида гапириб ўтдик. Рус ёзуви масаласига келганда, даъвогарлар шунди унутмасинларки, янги алфавитга ўтиш масаласи узоқ илмий муҳокамаларга сабаб бўлди. У тилнинг фонетик қурилишига мувофиқ ўтказилди, озгаки нутқнинг барча товланишларини ифодалашга мослаштиради. Янги ёзув, бизга фақат регионгагина эмас, балки бутун мамлакат миқёсига қишқимизга имконият яратди.

Маданий меросни ўрнинишга келганда, бу мутахассисларнинг иши. Улар бизда етарли. Уларнинг бари тилларни ҳам, араб ёзувини ҳам аъло даражада билишади. Уларнинг саъй-ҳаракати ва жонкуярлиги билан маданий мерос халқ мулкига айланмоқда.

«Пан-национализм»нинг чўкаётган мафкурачилари бизнинг матбуотимизда чиқаётган муҳим филологик баҳсларга ёпишиб олмоқдалар. Ўзбекистон халқ шоири Уйғун шундай бир мақола билан чиққани замон турли-туман «овоз»лар бирдан жазавага тушиб қолдилар: ана, сизга зўрлаб руслаштиришнинг нишонлари! Ўзбеклар ўз она тилларини унутмоқдалар, луғат рус тилидан кирган сўзларга тўлиб кетган ва ҳоказо.

Тилшуносликда софлик даъво қилувчилар биз қадимдан бошқа халқлар билан ёнма-ён яшаганимизни, уларнинг тилларида ҳам гаплашганимизни, бизнинг тилимиз ҳам барча тиллар каби ўзаро бир-бирига таъсир этиш жараёнларида бойиганлиги ва ривожланганлигини унутиб қўядилар. Ниҳоят, бизнинг кўпгина классикаларимиз икки ёки уч тилда ёзганлар, тилларни билиш ҳамиша маърифат аломати деб ҳисобланган.

Рус тили биз билан жаҳон маданияти ўртасида воситага айланди. У ҳозирги замон ўзбек адабиётини жаҳон ва умумиттифоқ миқёсига кўтарди, совет ёзувчилари ўртасида алоқа тили бўлиб қолди ва миллий адабиётларнинг ижодий ўсишига, бойишига хизмат қилмоқда. Бу ҳақда Ғафур Ғулом жуда топиб айтган эди: «Бир-бирига устоз, бири-бирига шогирд».

«Азиз ватандошлар!» — деб бошлайди ўзбек тилидаги эшиттиришларини «Озодлик» радиостанцияси. Ватандошликка даъво қилмай қўяқолинг, жаноблар! Сиз бизга қандай қариндошсиз, Ватан уруши фронтларида бирга жанг қилмаган, очарчилик дахшатларини бошдан бирга кечирмаган, Мирзачўлни ўзлаштирмаган, Тошкентни зилзиладан сўнг тикламаган бўлсангиз! Ҳамюрт ҳамиша ёнма-ён туради, қайғуга шерик бўлади, шодлигини баҳам кўради. Сиз эса нималар демоқдасиз? Америкалик «профессор» ёзади, француз ношири чоп этади, немис «овози» шарҳлайди ва ҳаммаси бизга мадад эмас, зиён етказишга интилади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Булар барчаси бизнинг адабиётшуносларимиз ва олимларимизнинг мамлакатимиз, шу жумладан Ўзбекистон адабий жараёнининг назарияси ва практикасини сохталаштирувчи буржуа идеологларига қарши тинмай кураш олиб боришлари зарур эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Бизнинг турмуштаримиз ва унинг асосий қисмларидан бири бўлган кўп миллатли совет адабиёти — социалистик реализм позициясида мустаҳкам турган, партия ва халқ иши, коммунизм мақсадлари учун хормай-толмай хизмат қиладиган адабиётимиз ҳақидаги ҳаққоний фикрларни дунё халқларига етказишимиз, шу жумладан ўзбек совет адабиётининг чет эллардаги «танқидчилари»нинг ҳар хил найрангларига зарба беришимиз, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми уқтирганидек, «халқаро майдондагина эмас, мамлакат ичкарисида ҳам ҳужумкор қарши пропагандани кенг авж олдиришимиз» керак.

ЭСКИ МАВЗУНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

Ўзбек совет адабиётида Октябрь социалистик революцияси арафасида ҳамда ундан кейинги йилларда синфий курашлар авж олган бир даврдаги воқеаларни акс эттирувчи қатор асарлар яратилди. Саксонинчи йиллар насрининг маҳсули бўлган бу асарларда характерларни ишонarli тадқиқ қилиш хусусияти кўзга аниқ ташланмоқда. Ёзувчилар қизил аскарларнинг мардона кураш саҳифаларини тасвирлаганда ҳам, босмачи тўдаларнинг инқирозини акс эттирганда ҳам ҳаёт ҳақиқатларини реалистик бўёқларда гавдалантиришга интилмақдалар, кўрбошининг, бойнинг, катта саллали дин пешвосининг, қизил аскарлар орасидаги хоиннинг, ҳақиқий жангчининг характерини атрофлича таҳлил қилмоқдалар. «Бухоронинг жин кўчалари», «Жар ёқасида чақмоқ» (Асқад Мухтор), «Қил кўприк» (Шукур Холмирзаев), «Чорраҳада қолган одамлар» (Тоҳир Малик) асарларида ҳаётнинг мураккаблиklarини кўрсатиш, характерларни ёритишда психологик таҳлилга урғу бериш, энг муҳими, ҳар бир одам бетакрор, ўзига хос дунё эканлигига ишонтириш руҳи сезилади.

Тўртала асарда ҳам йўл танлаш, эртанги ҳаётни ўйлаш, инсоннинг ўз тақдири учун кураш масаласи қўйилади. Асарларнинг номланишиёқ улардаги гап нима ҳақида эканлигини кўрсатади. Қаҳрамонлар олдида ҳаёт ва мамот, хато қилмаслик муаммоси турибди. Улар тушиб қолган вазиятни мураккаб услубда тасвирлаш керак. Асқад Мухтор, Шукур Холмирзаев, Тоҳир Малик психологик тасвир йўлини танлайдилар. Ҳозирги проза китобхондан фикрлашни, мушоҳада юритишни — интеллектуалликни тақозо қилади. Баъзан шундай ҳам бўладикки, ёзувчи кўп нарса ваъда қилувчи услубда ёзади, қаҳрамонларни мушкул вазиятларда кўрсатади, лекин, афсуски, асарда китобхонни жалб этувчи салмоқли гап кўринмайди. Бундай ҳолатларда ёзувчи ўз ўқувчисидан ажралиб қолади. Китобхон ҳурматиғини қайтадан қозониш эса энг мушкул иш.

«Бухоронинг жин кўчалари», «Жар ёқасида чақмоқ», «Қил кўприк», «Чорраҳада қолган одамлар» — ҳозирги ўзбек прозасининг яхши намуналари. Бу асарлар прозанининг уч авлод ижодкорлари қаламига мансуб. Асқад Мухтор — совет прозасининг моҳир усталаридан бири. Табиийки, ёзувчида тажриба ҳам, ҳаёт сабоқлари ҳам катта. Қувонарлиси шундаки, ёзувчи доим изланади, мукамалликка интилишни асосий принцип деб билади. «Бухоронинг жин кўчалари», «Жар ёқасида чақмоқ» асарларида биз гўё янги ёзувчи билан учрашамиз. Асқад Мухтор теран психологизм йўлидан боради, ўта жонли, сержило, колорити бой тилда ёзади. Хусусан, кейинги повестда тилнинг нурли жилоси кишиңи ром этади.

Шукур Холмирзаев — ўз «хати»га китобхонни кўниктира олган ёзувчи. Жиддий услуб унинг ҳикояларида, «Сўнги бекат» романида аниқ сезилади. «Қил кўприк» романида ёзувчи ўз услубига содиқ қолган. Воқеалар эпик плънда тасвирланади, бир-бирига ўхшамайдиган, бетакрор қиёфасига эга ўнлаб каттаю кичик қаҳрамонлар образи яратилади.

«Чорраҳада қолган одамлар» — Тоҳир Маликнинг йирик асари, прозадаги жиддий ютуғи. Ёзувчи асар жанрини фантастик қисса деб белгилайди. Мазкур қиссага тақриб ёзган Машраб Бобоев унинг фантастик томониға кўпроқ урғу беради — воқеаларни кўпроқ Рҳақ «кўзи билан кўриб», баҳолайди. Визингча, қиссадаги фантастик йўналиш, Рҳақнинг хатти-ҳаракатлари ёзувчи гоёларини китобхонга тушунтириб, талқин қилиб берувчи воситадай туюлади. Унинг ерлиларға муҳаббати характер таҳлили орқали очилмайди. Танг сайёрасидаги муносабатлар, «юксалиш учун ишлаш, ишлаш учун юксалиш» принципи, инсоннинг қадрсизлиги, табиатнинг ўликлиги сингари муаммолар китобхонни жиддий ўйлашға, меҳр-оқибат, садоқат, қаноат ҳақида мулоҳаза юритишға ундайди. Асқад Мухтор ва Шукур Холмирзаев асарларида йўл танлаш, эътиқод учун кураш масаласи бир давр мисолида кўрсатилса, Тоҳир Малик қиссасида қаҳрамонлар фаолияти граждандар уруши даври ва Улуғ Ватан уруши арафаси билан боғланади. Шундай қилиб, масалалар доираси кенгайди, қаҳрамонлар ҳаётидаги икки давр муқояса қилинади.

Бош қаҳрамон масаласи, табиийки, бу асарларда жанр табиати ҳамда ёзувчилар маҳорати нуқтаи назаридан турлича ҳал қилинади. Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари» қиссасида асосий мақсад Файзулла характерининг шаклланиш босқичларини кўрсатишға қаратилган. Ёзувчи барча воқеа-ҳодисалар, учрашув-тўқнашувлар бош қаҳрамон руҳиятида қандай ўзгаришларға олиб келганини кўрсатади. Аниқроғи, Файзулла бу учрашув, суҳбат, кузатувлардан ўзича ҳулоса чиқара боради. Князь Антоновский хонадонига ташриф буюрар экан, Файзулла ўзини Петербург муҳитини кўрган, ўта маданиятли, тарбияли одам эканлигини намоён этади. Мезбонға ўзидаги ҳаяжон, норозиликни сира сездирмайди. Аслида, Файзулла князнинг қора ишлари Шулъин қўли билан амалға оширилаётганини, Ярофей Карпович сингарилар Антоновский ва унинг югурдагидан нафратланишини сезиб қолади. Файзулла ўз отасининг ҳурматиғини ўрниға қўяди, унинг айтганини икки қилмайди. Отаси умр бўйи бойлик орттиришни ўйлади, боши ёстиққа етгач, у дунё ҳақида қайғура бошлади. Хўш, Убайдуллаҳўжадан қандай из қолади, уни кимлар миннатдорлик туйғуси билан эслай-

ди? Йўқ, Файзулла отасининг йўлини давом эттирмайди. Шоражаб муфти, Шоахсий аъламлар ёш Файзулла қалбига йўл топадилар. Ёш йигитча дин ҳомийларига ишонади, улар тутган йўлга меҳр қўя бошлайди. Айниқса, Шоражаб муфтининг ростгўйлиги, кескинлиги Файзуллага маъқул бўла боради. У ҳам, устозлари сингари, меҳроқибат, тўғри сўз билан тузумга таъсир этмоқчи бўлади. Лекин уларнинг кирди-корлари билан яқиндан танишгач, устозларидан ҳам қўлини ювиб қўлтиққа уради: наҳотки, одам ўзи ишонмаган нарсалар ҳақида шунчалик қатъият билан гапира олса, одамнинг тили билан дили орасида шунчалик зиддият бўлса? Файзулла ёш бухороликлар уюшмасига киради, халқ билан яқинлашади. Қаҳрамон ҳар доим рўй берган воқеаларни ўзича қиёслаб, ақл тарозисида ўлчаб боради. Ақсари асарларда барча воқеалар, асосан, бош қаҳрамон характерининг мукамал ёритилишига йўналтирилади. Ҳозирги прозада асосий масалани бир гуруҳ қаҳрамонлар зиммасига юклаш хусусияти сезилмоқда. Асад Мухтор, Шукр Холмираев, Тоҳир Малик асарларида бош қаҳрамоннинг вазифаси ўзгача ёритилади.

Асад Мухторнинг янги қиссасида бош қаҳрамон — етим Мамат. Аксарият воқеалар Маматнинг нигоҳи, тушунчаси орқали тасвирланади. Бош қаҳрамон бизни Салим чорва хонадонига «бошлайди», бойбува хонадони, унинг феъл-атвори билан таништиради. Лекин асар бош қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинмайди. Мухим воқеалар автор нутқи орқали ифодаланади. Қиссада саргузашт асарга хос белгилар психологик таҳлил билан омухталликда рўёбга чиқади. Дуржи бекунжнинг тақдири, Маматнинг изтироби, саргузаштлари китобхон борлигини қамраб олади. Мамат саргузашти мобайнида — лўнда, ёрқин очилган бир қанча эпизодик образлар билан танишамиз. Туясига сомон ортган бозорчи, «ўзи ҳам, сўзи ҳам қандайдир юмалоқ-думалоқ» самоварчи, тушпа-тузук мурсакка бир коса лағмон бериб этасини «рози» қилган охун, Заррагул, унинг мушфиқ бувиси, жез мўйловли офицер, кир-чир, қаровис болаларни қийналмасдан тасаввур қиламиз, уларнинг феъл-атвори билан танишамиз. Қиссадаги саргузашт Маматнинг психологияси орқали аниқлик касб этади. Мамат ҳамини сергак, эҳтиёткор (хуржундаги қутидан ажралиб қолишдан қўрқади), айни вақтда оч, ночор, бегоналар орасида танҳо. Қиссада казак солдатлар — мастраллар, уларнинг қаттиққўл бошлиғи — жез мўйловли офицернинг атрофдагиларга паст назар билан қараши, оддий кишиларни назар-писанд қилмаслиги ишонарли очилади. Шахсий манфаат йўлида улар ҳар қандай тубанликдан тоймайдилар. Жез мўйловли офицер хуржундаги қутини қўлга киритиш учун мурғаккина Маматнинг бошига ит кунини солади. Мамат сиқув, калтакларга тоб беролмай ҳалок бўлади. Қиссада Салим чорва тақдири муҳим ўрин эгаллайди. Воқеалар тасвирида Салим, унинг оила аъзолари доим «кўриниб туради». Лекин ёзувчи сюжетнинг бу йўналишини доим орқа планда, диққатни жалб қилмайдиган даражада акс эттиради. Маматнинг ўлими Салимга катта сабоқ бўлади. Беш ака-ука орасида Салим меҳнаткаш эди,

у доим қўй қоқиб, яйловдан бери келмас эди. Қаттиққўл отаси Салимни ўқитмади, ишлатди. Меҳнаги туфайли Салим бойбува бўлди, бойлик орттирди. У етим-есирни, чўпон-чўлиқларини хафа қилмади; дастурхони доим очиқ. Инқилобдан кейин Салим ночор аҳволда қолади; бир ўғли қизилларга, иккинчи ўғли босмачиларга қўшилиб кетади. Салим ўғли Олимнинг қизилларга қўшилиб тўғри йўл тутганини ҳис қилади. Қалим — босмачи ўғил ўз укаси Олимни болта билан нимта-нимта қилиб ташлайди. Ниҳоят, Салимнинг ҳаётдан илнжи қомайди; фарзандларидан, хотинидан, умр бўйи йиққан бойлигидан айрилади. Қутилмаганда Салим чорва хазинасини қайтадан топади. Аммо уни топилган хазинадан кўра Маматнинг бебаҳо қалби, инсонпарварлиги ром этади. Шу ўринда Маматдаги энг яхши хислатларнинг Салим Аҳмедовга ўтиши — асосий образ ўз функциясини иккинчи қаҳрамонга ўтказиш хусусиятини кўрамыз. Қиссада қутилмаган хулоса пайдо бўлади: кечаги бой бугун етимхонанинг хўжалик хизматчиси, муҳими, болаларнинг энг меҳрибон кишиси, Энди биз Салим чорва тимсолида кечаги бойни эмас, қалби ёниқ, меҳрибон инсонни кўрамыз.

Шу ўринда яна бир фактни келтирмоқчимиз: босмачилар бошлиғи Холиқберди тўра — («Чорраҳада қолган одамлар») ҳамма ни ҳайрон қолдириб «Шўролар етимхонаси»нинг мудирига икки халта пул беради. Унинг бу иштини ажабланиб кузатаётган Сабоҳиддинга: «Ҳа, мулла, шўроларнинг етимхонасига муруват кўрсатганимга ҳайронсиз-а? — деди у отга минар чоғида. Кейин жавоб кутмай галини давом эттирди. — Болаларда гуноҳ йўқ. Катталар бир-бирининг гўштини еяпти. Бу ҳам жоҳиллик оқибати. Урушда биз енгсак ҳам, шўролар енгса ҳам, бари бир эрта шу болаларники. Уқиса, яхши-ёмонни ўзи ажратиб олади». Салим Аҳмедов билан Холиқберди тўра қилмишларида яқинлик бор. Наҳотки, кечаги ёзувчи бой болаларга шифа қўрсатса, босмачилар бошлиғи, ўз душманлари томонидаги болаларга ёрдам берса?! Ёзувчилар аввало қаҳрамон ҳақида онгимизга ўрнашиб қолган иллат — қолиплар орқали муносабатда бўлишни инкор қилмоқдалар, қолаверса, улар инсонни тадқиқ қилиш орқали унинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатмоқдалар. Шу ўринда яна бир масала пайдо бўлади: ёзувчиларимиз синфий ҳушёрликни, масалага партиявий нуқтаи назардан ёндашишни инутмаюптиларми? Гап шундаки, синфий, партиявий муносабатнинг асл моҳияти масаланинг ич-ичига киришни, инсон тақдири ҳал бўлаётганда зинҳор юзакчиликка, субъективликка йўл қўймастик лозимлигини уқтиради. Ур-йиқитчилик, юзак ёндашиш туфайли қандай мусибатлар рўй берганлиги тарихдан маълум. Ўзбек прозасининг балоғатини ҳар бир масалага чуқур ёндашиш, инсон характери ни теран таҳлил этишга интилишида аниқ сезиш мумкин.

Тоҳир Малик қиссасида бош қаҳрамон асосий масалаларни талқин қилишга ундовчи, Танг сайёрасидаги ҳолатлар билан Ёрдаги муносабатларни қиёслашга чорловчи восита вазифасини ўтайди. Асосий қаҳрамонни воситачи қилиб кўрсатиш асар қиммати пасайтириб қўймайдими? Эҳтимол,

Рҳақ характери ҳақида фикр юритиш лозимдир? Рҳақ — табиб афанди — Мирзавой акада изчил позиция сезиладими, унинг эътиқоди ҳақида нима дейиш мумкин? Рҳақ атайин воқеа-ҳодисаларга аниқ муносабатини билдирмайди. У Дилмуроднинг фаолиятини активлаштиради: Сабоҳиддинни даволашни тезлаштиришига ҳисса қўшади. Эътиқод ҳақида гап борар экан, Рҳақ Салимхўжа, Сабоҳиддин, Дилмуродга муҳаббати ўзгача эканлигини англатади. Рҳақ характерида ўкинч аниқ сезилади. Унинг она сайёраси Тангда меҳр-оқибат, самимият йўқолган, табиат тамоман тангликлар қулига айланган. Ҳатто шовуллаб ётган денгиз ҳам ўлик: ундан керакли моддалар ажратиб олинган. «Юксалиш учун меҳнат қилиш, меҳнат қилиш учун юксалиш» принципи бир пайтлар фойдали бўлса бордир, ҳозир бу шиор, тангликлар аҳволини танг қилиб турибди. Рҳақ қалбига чуқурроқ кирилса, эҳтимол, у қаноатни инсоний ҳислатлар орасида энг асосийси деб билиши очилармиди? Рҳақ образи китобхоннинг ёрдамчиси сифатида маълум вазифани бажарди. Ёзувчи Рҳақ ёрдамида кўп муаммоларни ўқувчига «ечиб, ҳал қилиб беради». Шу томони билан қисса юрдими — ютқаздими? Ҳарҳолда ҳозир китобхонни ўйлашга, мураккаб жумбоқлар калавасини мустақил топиб олишга ундаш руҳи етакчилик қиляпти. Тоҳир Малик қиссасининг композицияси мураккаб. Унда фантастика билан реал тасвир қўшилиб кетади, граждандлар уруши даври воқеалари уруш арафасидаги ҳодисалар моҳиятини ёритишга йўналтирилади, Сабоҳиддин ва Дилмурод сингари қаҳрамонлар Рҳақ образи орқали пайвандланади. ТЭТ фантастик аппарати ёрдамида руҳий хасталикка йўлиққан Сабоҳиддиннинг мураккаб тақдирини қайта тикланади. Асқарали, Исҳоқ сингари халқ вакиллари ҳар икки даврни ўзаро боғлайди. Уруш арафасидаги даврнинг хусусиятлари — шахса снгиниш иллатлари, ўзаро ишончсизлик, бюрократик муносабатларнинг пайдо бўлиши, кишилар характеридаги янги белгилар кўрсатилади. Аммо мазкур давр аниқ бир мақсад билан ёритилмайди. Асосий ҳаракат Сабоҳиддиннинг кечаги қора кечмишини акс эттиришга қаратилди. Натижада, жуда кўп тасвирлар, персонажлар ўз моҳияти, йўналишига эга бўлмай, аро йўлда қолади. Сабоҳиддин тақдирини — Бухоро мадрасасида таҳсил кўрган, ор-номусли оддийгина оилада тарбияланган, инқилобдан кейинги ҳаётни тўғри баҳолай олмаган, ақл ва эътиқод курашини бошидан кечираётган йигитнинг ҳаёт йўли қисса моҳиятини белгилайди. Рҳақ Салимхўжа, Сабоҳиддин, Дилмуродлар моҳиятидаги ўзаро яқинлиқни сезади. Рҳақ ва Фиднинг қуйидаги баҳсида ақли тиник, қалби тоза кишилар ҳаётининг мағзи ўз ифодасини топган:

«— Зукколарнинг изми ҳаммиша жоҳиллар қўлида бўлиб келган.

— Янглийяпсан! Донишмандлар ҳеч қачон жоҳиллар қаршида тиз чўкмаганлар.

— Аммо улар бўлган доимий кураш олиб боришга мажбур бўлганлар. Вақт ва қувватни беҳуда сарф этиш зукко учун оғир азоб эканлигини унутяпсан».

Шундай қилиб, «Чорраҳада қолган одамлар» қиссасидаги мураккаб сюжет қурилмаси қаҳрамон масаласини ҳам чигаллаштир-

ган. Қиссадаги уюштирувчи қаҳрамон Рҳақ қўли билан Сабоҳиддин, Дилмуродларни кўрсатиб тургандай туюлади.

Бадий асардаги воқеалар характер мантикига кўра танлиниши ҳақида кўп гапирлади-ю, фантастик, саргузашт, детектив асарлардаги сюжет чизмасининг ўзига хосликлари кам тилга олинади. Қаҳрамон танлаш масаласида ҳам асар жанри, услубий ўзига хослиги ҳисобга олинади. Асқад Мухтор психологик-саргузашт, Тоҳир Малик фантастик қисса талаблари асосида қаҳрамон танлаб, сюжет қурилишини белгилайдилар.

Шукур Холмирзаевнинг «Қил кўприк» романи, ёзувчининг барча асарлари сингари, характерларни тадқиқ қилишга асосланган. Роман қаҳрамони Қурбон босмачилар орасида яширин иш олиб боради: сюжетни детектив шаклида қуриш тақозо қилинади. Совет адабиётида детектив асарларнинг етук намуналари яратилган. Бундай асар қаҳрамони чаққон, вазиятни зумда баҳолай оладиган, шиддатли, қатъиятли, бурчини тўлиқ адо этишга интилувчи, меҳрини ҳам, қаҳрини ҳам пинҳон тута билувчи шахс. Детектив асар сюжетида таранглик, воқеаларнинг зичлиги диққатни жалб этади. Шукур Холмирзаев, айбиги ўтганимиздай, қизиқарли воқеа йўлини эмас, характерларни ёритишни мақсад қилиб қўяди. Лекин бари бир, сюжет қурилиши ва қаҳрамон фаолиятида суствликка йўл қўйиш мумкин эмас эди. Қурбон асосий «иш жойига» жўнатилгач, Олимжон ака, Вениченко бошиқ қизил аскарлар ортиқча бўлиб қоладилар. Ёзувчи асар давомида улар фаолиятини деярли кўрсатмайди. Қурбоннинг қисқа умр йўлида тўртта босқич кўзга ташланади: ёшлиги, Бухорода таҳсил кўриши, Эшон Судурга шогирд бўлиши, ниҳоят, янги тузум вакили сифатида душманлар орасида иш олиб бориши. Қаҳрамон биографиясида характерни шакллантирадиган эътиқод, қатъиятни мустақамлайдиган ўринлар сезилмайди ҳисоби. Эшоннинг содиқ шогирди қачон, нима учун устозининг рақибига айланди? Тўғри, Қурбон билан Эшон орасида гап қочмаганлиги бот-бот таъкидланади. Қурбонда Эшонга нисбатан қандай адоват, қаҳр бор? «Янги тузум кишиси бўлгач, эски тузум намояндаларига рақиб-да», дейиш мумкин. Аммо бу гап далилсиз, исботсиз бўлиб қолади. Қурбон билан Сабоҳиддин орасида қандай фарқ бор? Улар деярли тенгдош, қишлоқлик, ўртаҳол оилада тарбия кўрган. Қандай қилиб, бу икки йигит икки хил йўлга бурилади? Енида акаси — Шўронинг ишонган одами бўлишига қарамай Сабоҳиддин ўз эътиқодида зид боролмади. Қурбон қандай қилиб тез ўзгарди? Балки унда диний эътиқод умуман бўлмагандир? Бундай десак ҳам, Қурбоннинг обрўсига обрў қўшилмайди.

Тўртала асарда ҳам «Исломининг қуввати» ҳисобланган Бухоро мударрислари, эшонлар ва уларнинг шогирдлари ҳақида гап боради. Шоражаб муфти, Шоахсий аълам («Бухоронинг жин кўчалари»), Эшон Судур («Қил кўприк»), Сабоҳиддиннинг устози — диннинг бақувват устунлари. Улар кўпинча масалаларга тўғри баҳо берадилар, амирликни кўр-кўрона мақтайвермайдилар. Шоражаб муфти Файзулла биён суҳбатларнинг бирида дин восита,

мақсад — инсон эканлигини айтиб, «абадул-азал бандасининг табиати бир хилда, иллату таназзулга ружу тутмишлик» дир, дейди. Динлар, мазҳаблар, муқаддас китоблар «Бандасини... иллату таназзулга» берилишидан сақлаб келган эмиш. Эшонӣ Судур американинги ожизликларини, шўролар юргизаётган тарғибот моҳиятини англайди. Қурбон билан суҳбатда у амир Олимхон сиёсатидаги нуқсонларни, юрт эгасининг нафс бандасига айланиб қолганини айтади. Зайниддин ҳожи ҳам («Чорраҳада қолган одамлар») фикри ёруғ одам бўлгани учун Ҳоликберди тўра ва бошқаларга ёқар эди. Хуллас, дин ҳомийлари кўп нарсани тўғри тушунар, баҳолар эдилар. Уларда инсоний ожизликлар ҳам қўллаб тошиларди. Шо-ахсий, Эшонӣ Судур, Султонмуродхўжа сингарилар имкони борича бойлик йиғишга эътибор берадилар. Дин ҳомийлари орасида ўз эътиқодига содиқ кишилар ҳам кўп эди. Босмачилар мана шундайларнинг мададига суянар, оддий халқни ўз томонига оғдирар эди. Эшонӣ Судур, Зайниддин ҳожи, Султонмурод, Сабоҳиддинлар халқни шўроларга қарши қўйишни, уни дини ислом йўлида уюштиришни мақсад деб биладилар. Хусусан, Эшонӣ Судур зехнининг ўткирлиги, вазиятни тўғри баҳолай олиши билан юксак даражага эришган. Унинг, қаерда бўлмасин, ҳурматиғни ўрнига қўядилар. Доно кишилар Эшон билан ҳамсуҳбат бўлишга интиладилар. Эшонӣ Судур, ўрни келиб қолса, камбағалнинг бошини сийлайди, яхшилик қилади, инсоф билан иш кўришга чақиради. Қурбоннинг ўқимишли бўлиши, Ойпарчанинги бўрилар галаси орасида соғ-омон қолиши Эшон туфайлидир. Эшон янгиликни қўллаб-қувватлайди, ёш бухороликларга умид билан қарайди. Унинг ақидасича, ҳаракат — яшашнинг, янгиликнинг асоси. Эшон кишилар ишончини қозона олади, лекин у юрағидаги нозик гапларни ҳеч кимга айтмайди. Фикримизча, Эшонӣ Судур моҳияти, унинг ҳаёт, кишилар ҳақидаги қарашлари тўла очилмагандай туюлади. Қолаверса, Эшон айтаётган баъзи гаплар унинг характерига мос келмаслиги сезилади. Бу характер орқали автор катта гапни айтишга оғиз жуфтлайди-ю, лекин, негадир, ўзини тияди деган фикр пайдо бўлади.

Дин кишилари ҳар қанча эътиқодли, ўз қарашларида мустақкам бўлмасинлар, ҳаёт, янгича муносабатлар улар қалбида ҳар хил туйғуларни қўзғамаслиги мумкин эмас эди. Сабоҳиддин мулоҳазали, эътиқоди бутун одам. Норхўжанинги маккорликлари, шўролар олиб бораётган сиёсат уни чуқур ўйга толдиради: чорраҳада турганини аниқроқ ҳис эта боради. Норхўжа «бугун ўзининг йигитларига ҳукм ўтказайди. Эртага Холикберди тўрани ямлаб, ҳокимлик қулочини кенгроқ ёяди. Кейин бўлак қўрбошилари бўйсундиради. «Миллат отаси» бўлади. Юрт эса харобаликка юз тутади. Халқнинг боши қирғиндан чиқмайди. Акаси буни яхши фаҳмлагани учун Шўролар томонига ўтган экан. Сабоҳиддин бунни нимага барвақтроқ англамади? Ахир Вухорода эканида Салимхўжа бу ҳақда кўп гапирарди-ку? Сабоҳиддин Салимхўжадай доно дўстининг қадрига етмаганига минг-минг афсус чекди. У «миллат, миллат» деб ваъз айтиб юраверибди-ю, одамларнинг аҳволи руҳиясига қарамабди. Ғазаб бонг кўтарса, меҳр кетади.

Мальунлик қад ростласа, яхшилик чирийди... Бу аччиқ ҳақиқатни тан олиб, юраги ларзага келди».

Чорраҳада... Қил кўприк... Жар ёқаси... Такдир турли эътиқоддаги кишиларни ҳаётнинг мана шундай мураккаб нуқталарида учраштиради. «Абадият қонуни» (Н. Думбадзе) романидаги Бачана Рамишвили ва Йорам Канделаки хасталик; ўлим билан олишув ҳолатида драматик нуқтада учрашадилар. Академик Дронов оғир, бедаво хасталикка дучор бўлганида Серафим доп унинг ёнига келади («Ҳаммаси одамларга қолади» кинофильми). Сабоҳиддин ва Жамолиддин, Эшонӣ Судур ва Қурбон, Шоражаб ва Файзулла, Салим чорва ва Мамат ҳам ҳаётнинг мураккаб чорраҳасида тўқнашадилар. Эътибор берсангиз, ёзувчилар турли эътиқоддаги кишиларнинг самимий, юракни очиб суҳбатлашишларини тасвирлайдилар. Мураккаб ҳолатга тушиб қолган одамлар ҳудди шундай муносабатда бўлишлари табиий, албатта. Муқаррар синов (жар ёқаси, қил кўприк, чорраҳа) уларни келтирилади. Инсон сифатида Бачана Йорамни ёқтириб қолади; Жамолиддин укасининг хато қилаётганига юрак-юрағидан ачинади; Шоражаб фикри равшан, бир ишининг бошини тутадиган ёш Файзуллага юракдаги гапларини айтади; Эшонӣ Судур ҳам қалбини очади, лекин ўйлаган гапини айтмайди; Маматдаги самимийлик, ҳаётга ташналик, ўзгаларга яхшилик қилиш туйғуси ҳаётдан умидини узган Салим чорвани қайта тириктиради. Лекин совет гуманизми билан диний гуманизм ер билан осмонча фарқ қилишини қитобхон ҳис этиб туради. Ёзувчи маҳорати шундаки, самимий суҳбатлашаётган турлича эътиқоддаги икки кишидан бирининг кўзидаги нур, қалбидаги муҳаббат, гап-сўзларидаги манتيқ ҳаётӣй, жонли эканлигини кўрсата олади. Мана шу нозик нуқтада ҳам маҳорат, ҳам совет ёзувчисининг позицияси, моҳияти англашилади. «Қил кўприк», «Чорраҳада қолган одамлар» асарларида турли эътиқоддаги кишилар кураши, уларнинг изчил позициялари ўта аниқ тасвирланган деб бўлмайди.

«Қил кўприк», «Чорраҳада қолган одамлар», «Жар ёқасида чақмоқ» асарларида қўрбошилар, босмачилар, халқни талаган ҳар хил тўдалар ҳақида ёзилади. Ўзбек совет адабиётида, инқилобий мавзудаги кинофильмларда босмачилар образи шу даражада кўп ва бир хилки, улар аллақачон китобхон, томошабиннинг жонига теккан. Шукур Холмирзаев, Тоҳир Маликлар одатдаги, қолигга тушиб қолган босмачи образини эмас, балки босмачилар тўдасига «кириб боришни», уларнинг шахс сифатида ички дунёсини кўрсатишни мақсад қилиб қўядилар. Босмачилар орасида ҳар хил одамлар бўлганлиги ҳақида талай маълумотлар бор. Асқад Мухтор киссасида босмачилар тўдасини кўрсатиш асосий мақсад қилиб қўйилмаган. Лекин давр руҳини бериш учун ёзувчи босмачиларнинг кичик бир тўдасини тасвирлайди. Бу тасвирда масалага янгича ёндашиш сезилмайди. Лекин асарда инқилоб ва инқилобчиларга қарши курашган, адабиётимизда ҳанузгача кўрсатилмаган тўда — казак солдатлар — мастраплар образи берилган. Казак солдатлар, жеё мўйловли офицер кўп жиҳатдан босмачиларга, қўрбошиларга ўхшаб кетади. «Қил кўприк» рома-

нида Иброҳимбек бошлиқ босмачилар Ғаласи, уларнинг мақсадлари, ички ҳаётлари, ўзаро муносабатлари кенг ёритилган. Тоҳир Малик қиссасида Норхўжа ва Холиқберди тўраларнинг босмачилар кўрига бошчилик қилишдаги йўриғи ёритилади. Улар ҳар бир қадамларини ўйлаб, юз хил мулоҳазага бориб ташлайдилар. Мааскур образлар билан танишгач, китобхонга босмачилар ҳақида сингдириб келинган аввалги фикрлар анча жўн, юзаки эканлиги англашилади.

Қўрбошиллар, уларнинг маслаҳатчилари орасида юрт тақдирини ўйлаб иш кўрганлар ҳам бўлган. Аммо улар хато йўлдан бораётганликларини англаб етмаганлар. Лекин Холиқберди тўрага ўхшаш ақлли, вазиятни чуқур ўрганиб, кейин бир ишга қўл урувчи кишилар ҳам бўлган. Холиқберди тўранинг мулоҳазаларида, тутган йўлида жиддий мантқиқ бор. У эскича тартибларни ёқтирмайди, Жамолиддин, Шермат, Сабоҳиддин тутган йўлни ҳам унчалик маъқул кўрмайди. Узок мулоҳазалардан сўнг у тўғри йўлни танлайди — шўрога таслим бўлади. Агар у Шерматнинг қурбони бўлмаганда, кўп ишларни амалга ошириши мумкин эди. Юзлаб босмачилар шўро йўлининг тўғри эканлигини англаб етадилар. Усмонхўжа, Иброҳимбек, Анвар пошша, Норхўжа сингариларда худбинлик, шахсий манфаатни устун қўйиш аниқ сезилади. Булар ақл-хушларини фақат ўз мақсадлари йўлида ишлатадилар. Зигирдай манфаатлари йўлида ўнлаб одамларни босиб янчиб кетишдан тоймайдилар.

Анвар пошша, Норхўжа, Усмонхўжалар макр, хийла, чалғитиш каби усуллардан усталик билан фойдаланадилар. Норхўжа Сабоҳиддинни «Йўлга солиб» ўз обрўсини ортгирмоқчи, маҳди унвонини олмақчи, шу йўл билан рақиблари пайини қирқмоқчи бўлади. Усмонхўжа фақат ўз манфаати йўлида ҳаракат қилади. Шўро одамларига у Иброҳимбекни ёмонлайди, босмачилар қаршисида ҳамма айбни бошқаларга тўнкайди. Усмонхўжанинг хийлаю макри ўзининг бошига етади: Иброҳимбек Анвар пошша олдида уни итдай отиб ташлайдилар, ўлигини сувга улоқтириб юборадилар. Иброҳимбек ҳам ҳийлакор одам. Дўшми тор келгач, у Анвар пошшадан ажралиб кетади. Бу қилмиши билан у рақибдан қасд олади, айни вақтда Шўролар хўрматини қозонмоққа интилади. Анвар пошшанинг авантюрист шахс эканлиги тарихдан, кўпгина асарлардан маълум. «Қил кўприк»да бу одамнинг мураккаблиги яхши тасвирланади.

Ҳар икки асарда босмачилар орасига янглишиб тушиб қолган кишилар образи учрайди. Турсун мерган, Тонготар, Қиём

(«Қил кўприк») сингариларнинг дилидаги гапни Тоҳир Малик қиссасидаги персонаж бундай ифодалайди: «Қаноти қайрилган қуш ҳам бизчалик азоб тортмас. Ўлганимизнинг кунидан турибмиз бу ерда. Келмасак — ўлганимиз. Келсак... бари бир ўлим ҳақ! Бекбошининг қаҳрига бир учраманг экан. Менг қўшим масжидга чиқмай қўйган экан. Бу гап бекбошининг қулоғига чалинибди. Бечоранинг бошига ҳамирдан салла қилиб, қайноқ зиғир мой қуйдирди». Босмачилар орасида қўрққанидан, тушунмаганидан юрганлар жуда кўп. Уларни жиддий тушунтириш билан тўғри йўлга солиш мумкин. Шукр Холмирзаев романида ҳам, Тоҳир Малик қиссасида ҳам халқ вакиллари образи учрайди: «Чорраҳада қолган одамлар» қиссасида Исҳоқ, Асқарали, Сожида сингари образлар бор. Қиссаднинг иккинчи қисмида жуда кўп увоқ образлар мавжуд, лекин уларга юклатилган ғоявий вазифа сезилмайди. Сабоҳон образидаги драматизм жўнгина ҳал қилинган. Исҳоқ чолнинг раисга васияти, раиснинг қўполлиғи сингари воқеалар асар тўқимасига сингишиб кетмайди.

Шукр Холмирзаев романида халқ образига катта эътибор берилади. Халқ икки ўт орасида — ули босмачилар бир томонга, шўролар иккинчи томонга тортадилар. Шўро тарафдорлари халқни қил кўприкдан беталафот ўтказиб олишга интиладилар. Қурбон Ойпарча билан суҳбатда бундай дейди: «... Сиз ҳозир ўртадасиз: ўзингиз ҳам айтдингиз... Уртадасиз! Вамисоли қил кўприкдасиз! Дарвоқе! Мен ҳам... ҳаёт ҳам. Кўприкнинг у ёғи... жаннат демак! Биз ўртадамиз, тўғрим!».. Сойбўйи қишлоғида бўлиб ўтган йиғилишда халқнинг сирти сокин, аммо тез оқар дарёлиги аниқ сезилади. Қурбон ўзи сезмаган ҳолда халқнинг иззат-нафисига тегадиган гап қилади. Йиғилганлар номидан Хуррам калта титраб-қақшаб: «Тегиб кўришсин, кекирдагини узиб ташларман тишим билан», — дейди.

Шукр Холмирзаев ва Тоҳир Малик асарларида жанр талабларига жавоб бермайдиган, асар моҳиятига сингиб кетмайдиган ўринлар бор.

Асқад Мухтор, Шукр Холмирзаев, Тоҳир Малик асарларининг мавзуси, қаҳрамонлари, ўйлаб кўрилса, кечаги прозамизга қисланса, янги эмас. Лекин ёзувчилар эски мавзунинг янгича талқин қиладилар. Инсонни тасвирлашда сиртда сирғанмасдан, унинг қалбига, руҳий оламига дадил кириб борадилар. Воқеа-ҳодисаларни характер нуқтаи назаридан синчиклаб таҳлил қилиниши, борлигини мукаммал ақс эгтирилиши бугунги насримизнинг асосий йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.





ИККИ ҲАЖВИЯ

ҚАЛИН ДУСТЛАР

Ресторанга икки киши кириб келди. Икковининг ёшени аниқлаш қийин — чол десанг даҳанларида биронта тук йўқ, ўрта яшар десанг, қадлари букчайган, оёқларини судраб босишади. Бирининг боши рознинг тухумидай чўзинчок, катта; иккинчисиники эса носқовокдайгина, яланг.

Улар мулозамат билан бир-бирларини бурчакдаги столга ўтқаздилар ва ёнларидан рўмолча чиқариб, ялтироқ бошларини артдилар, чуқур «уф» тортдилар.

— Ҳм-м, шунақа, азизим,— деди бири столга ўмганини тираркан. — Хафа бўлганимча бор. Бу коллоквиум эмас, айнан комедия бўлди. Бироқ мен сизга айтсам, шогирди ношукурингизнинг иши анти..

— Мутлақо ноҳақсиз,— эътироз билдирди иккинчиси қўлларини иягига тираб.— Унинг иши аксиома, ҳа-ҳа, аксиома. Ҳеч қандай исботнинг кераги йўқ.

— Азизим, мундоқ ўйласангиз-чи. Ахир, гапирган гаплари демогиогия-ку!.. Дискуссияда ҳам шу гапни айтдим. Апостериори ва априори ҳақида аниқ, равшан қилиб ёзиб қўйилибди. Яъни: апостериори — ҳиссий идрок қилиш орқали тажрибадан олинган билим. Идеалистик философия, айниқса Кант философияси тажрибагача бўлган билим билан тажрибадан олинган билимни бир-биридан фарқ қилиб қарайди. Билимимиз онгга хос бўлган қандайдир априор формаларга бурканган тақдирдагина ишончли бўлади. Бизнинг билимларимиз..

— Пировард натижада тажрибадан ҳосил бўлади, яъни биздан ташқарида мавжуд бўлган, сеғги органларимиз таъсир қилиб турадиган предметлар ва ҳодисаларнинг инъикосидир, шу сабабли қандай бўлмасин бирор априор билим бўлиши мумкин эмас.

— Ҳа, баракалла. Лекин шогирди ноқобилингиз нима деди? Қонуниятнинг нақ ярмини инкор қилмоқчимиз?

— Ноҳақсиз, азизим, ноҳақсиз. Оппозицияга йўл қўяяпсиз, натижада ревизионистлик қилмоқдасиз, азизим.

— Йўқ, муҳтарам дўстим, янглишасиз. Ўзингизни альтурист кўрсатиб, бир аморалистнинг ёнини оляпсиз. Оқибатини ўйлаб кўрилса, асло зарар қилмайди.

— Азизим, ҳм-м, биласизми, сиз аморалист деб шогирдимни, жумладан, каминани ғоятда ранжитдингиз. Азизим, нима бу аннекциями?

— Қандай тушунсалар ихтиёр ўзларида. Локин сиз диктат юритмоқчисиз чамамда.

— Сизнинг блокадага ишқибозлигингиз олдида бу ҳеч гап бўлмаса керак деган фикрдаман. Гегемонлик истаги ўзларида кўпроқ, азизим. Ёнингиздаги гигантлар билан қўшилиб..

— О-о, нималарни назарда тутаяптилар? Мен буни диспут деб ўйласам, гап жиловчи бошқа ёққа қараб кетяпти шекилли.. Ҳм-м, интуиция билдиргани-я. Хато фикр, хато. Демак, шогирдлари идеал эқан-да.

— Тўғридан-тўғри бундай дейиш унча мос гап бўлмас. Аммо фанга қўшган ҳиссасини инкор қилиш негативизмдан бошқа нарса эмас.

— О-о, азизим, нималар деяпсиз. Объективлигим барчага маълум. Аммо унинг иши демагогия ахир. Мени тўғри тушунинг, у индивидуалист.

— Билмадим, азизим, билмадим. Стратегияси аниқ. Ва, умуман, оригиналлик бор. Фақат сизга етиб бормаяпти шекилли. Хў-ўш, тўғриси айтсам, сиз истерик бўлиб қоляпсиз.

— У-ў, жуда оширвордилар. Менинча, ўзлари психозга учраганлар.

— Ҳи-ҳи-ҳи, вакуум бошдангина чиқиши мумкин бундай идея.

— Ғоятда хурсанд қилдингиз-ку. Сиз, азизим, варварсиз. Афу этгайлар, лекин варварсиз!

— Сиз эса, азизим, хамелионсиз. Ҳа-ҳа, ҳўп денг, ҳақиқий хамелеон.

— О-о, қандай ўхшатиш. Ғоятда оригинал. Аммо ўзлари — тиэтип,— у ўнг қўли билан кўксини чангаллади.

— Сиз эса азизим... Мана, сувдан ичсинлар, сиз эса демонсиз. И, ҳа, овқатланмайдиларми?

— О-о, йўқ, уйга борақоламан.

Улар ташқарига йўналдилар. Ёнларидаги столда уларни кузатиб ўтирган икки киши ортларидан ҳавас билан қараб қолди.

— Қандай ажойиб, қалин дўстлар-а!— деди кейин ўтирганлардан бири.

ҚИЗИҚ

14 ирка қизиқишим асосан нимадан бошланганини билмайман-у, лекин ўртоқларим ёшлигимдан «масхарабоз» дейишар эди. Айниқса, бир воқеадан сўнг бу ном чиппа ёпишди қолди.

Мақтабимизга практикант-ўқитувчилар келишганди. Ушалардан бири бизга дарсга кирди. У саломлашгандан кейин синф журналичини очиб, йўқлама қилди, яъни биз билан танишди. Биз «қор одам»ни томоша қиладигандай унга тикилиб турибмиз, у ҳам бизга қараб анграяди. Ишни нимадан бошлашга ҳайрон:

— Мисол ишлаймиз,— деди тўсатдан у эшитилар-эшитилмас ва доска томон ўгирилди.

— Уре!— деб қўйди кимдир орқадан. Чунки янги домланинг ўтган дарсни сўрамаганидан хурсанд эдик-да.

Ўқитувчи доскага мисолни ёзиб, ўзи ечишга тушди. Биз эса дарров ҳар доимги шўхликни бошлаб юбордик, ҳиринг-ҳиринг кулгилар эшитилди. Ўқитувчи бир ўгирилиб қаради-ю, индамай ишнни давом эттираверди. Аммо досканинг ярми тўлганда негадир тўхтаб қолди, кўзларини шифтга қадади. Мисолнинг охиридаги «баробар» аломати нимадир чиқишини кутгандай озгини очиб турарди.

— Дарсни тайёрлаб келмабди-да,— деди Мутал исмли ҳар синфда икки йил ўтирадиган бола.

Кулги кўтарилди. Ўқитувчи-практикант ҳижолатдан питирлаб қолди. Кейин доскадаги ҳамма ёзувларни ўчириб ташлади ва нам латтани костюмининг чўнтагига тикиб қўйди. «Ҳиринг-ҳиринг» авжига минди. Шўрлик ўқитувчи қаққайганча нима қиларини билмай турар, кўзининг қири эшиқда эди.

— Икки,— деди кимдир.

Ўқитувчи томоқ қириб, кафтига йўталди, пешонасида тер томчилари йилтиллади. Бесўнақай қўлларини қаёққа яширишни билмай костюмининг чўнтагига тикди. Унг қўлини чўнтагидан чиқарганда эса доска артадиган латта бор эди. У латта билан... юз, кўзларини бошлаб артиб олди. Энди буёғини тасаввур қилиб кўраверинг!

Уша кундан бошлаб худо берди менга. Ҳар танаффусда шўрлик практикант-ўқитувчининг ролини ўйнайман. Томошабинлар сони тобора ортиб бораб, баъзан бутун мактабнинг йиғилишига оз қоларди...

Кейинчалик цирк артисти бўлиб кетдим.

Дастлаб гоётда бахтиёр эдим. Ҳар доим кулги, қарсақ, хитоблар таъқиб қиларди мени. Мен эса гўё албатта шундай бўлиши керакдай буларга унча парво қилмасдим. Аммо ҳар бир санъаткорнинг гуллаш ва мева туғиш даври бўларкан. Шунда айримлари гулларкан-у, ҳосилга кирмай сўла бошларкан.

Ҳа, доимо «ижод-ижод» деган сўзни эшитардим-у, маъносига яхши тушунмасдим. Ахир масхарабозга ижоднинг нима кераги бор, ўзи масхарабоз бўлса, деган ҳаёлда юрардим. Очигини айтсам, ўзимга қанчалик таскин бермай, сўна бошладим. Санъаткор учун бундан даҳшатлироқ фожиа бўлмаса керак. Гўё оёқ ёки қўлларининг пасгдан юқорида қараб жонсизланаётганини кузатиб ўтиришдай бир гап. Даҳшат!

Эндиликда озгина олқиш учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Қилиб кўрмаган ҳунарим қолмади. Тош кўтарадиган полвонларга, жонглёр, акробат, гимнаст, дорбозларга тақлид қилдим, юзимни минг хил бўяб пойма-пой калиш, қуроқ кийимлар кийдим... Қулдим, йиғладим, йиқилдим, юмаладим. Фойдаси йўқ эди.

Нима қилиш керак? Одамлар бадқовоқ бўлиб кетганми, десам, бошқаларни олқишляяпти. Мен юз алпозга тушганимдан кейин не умидда етти букилиб таъзим қиламан. Бефарқ қарсақ овозлари эшитилади. Бу олқиш эмас, расми шунақа. Томоша-бинларни ёмон кўриб қолгандим, уларни душманимдай сеза бошладим.

Эҳ, кўрдингки, сўниб боряпсан, дарҳол бадий раҳбарликми, бошқа хил раҳбарлик-ками ўтиб кетиш керак экан. Ушанда шоғирдларингга қандай сўниш йўлларини ўргатиб юраверасан, обрў эса ёнга қолади. Бироқ ҳеч ким сўнаётганини тан олгиси келмайди-да.

Кейинги ҳаётимни ўйлаб мижжа қоқмай ётарканман, калламга бир фикр келиб қолди. Бу балки охири имконият эди. Фикримни амалга ошириш учун эртанги кундан бошлаб қаттиқ ишга киришдим...

Ниҳоят, орзиқиб кутилган дам етди. Мана, томоша давом этияпти. Тумонат одам йиғилган, цирк биноси ари уясидай гувиллайди. Иккита номер ўтгандан сўнг манежга чиқдим. Бироқ бу гал... эшак қиёфасида эдим. Дастлаб қалбаки эшаклигимни томоша-бинлар сезиб қолишидан кўрқиб турдим, лекин ҳеч ким пайқамади. Жон-жаҳдим билан тайёргарлик кўрганимнинг натижаси эди бу. Уйноқлаб манежни бир айландим. Томоша-бинлар эшак нима ҳам ҳунар кўрсата оларди, деган ҳаёлда ўтиришарди. Мен кейинги икки оёғимда туриб томошабинлар билан саломлашдим ва бир-икки ханграб қўйдим. Ногаҳон янграган қарсақлардан ҳаммаёқ ларзага келди! Мен ҳам қўшилиб қарсақ чалганимда эса одамлар бақириб ўринларидан туриб кетишди! Хуллас, гарчанд эшак қиёфасида бўлса-да, мавқеимни тиклаб олган эдим.

Лекин бир нарсага ҳайронман. Нега бунчалик олқишга сазовор бўлдим? Ахир ҳеч қандай мураккаб машқ бажарганим йўқ-ку? Шунчаки саломлашдим, холос. Қизик, эшакнинг олқиш олиши учун зиғирча инсоний ҳаракат кифоямикин? Қизик, жуда қизик!

Мағаний ҳаёт

* *
*

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. (7. 07. 83.) Мажлисида республика Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов «КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми якуналари ва республика адабларининг вазифалари» мавзусида доклад қилди. Доклад юзасидан бўлган музокарада ёзувчилар ва адабиётшунослардан Т. Қаипбергенов, А. Удалов, Л. Қаюмов, У. Умарбеков, М. Қўшжонов, Ж. Жабборов, Т. Аҳмедов, Ҳ. Саъдулла, Ҳ. Ризо, Ҳ. Шайхонлар сўзга чиқиб, республика ижодкорлари олдида турган вазифалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

* *
*

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номида театрда буюк совет шоири Владимир Маяковский таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тантанали кеча ўтказилди. (11. 07. 83.) Кечани республика Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов олиб борди. Асқад Мухтор, Ҳамид Фулом, Салоҳиддин Мамажонов, Абдулла Орипов каби бир қатор шоирлар, адаблар ва адабиётшунослар В. Маяковский ижодининг совет адабиёти тараққиётидаги улкан салмоғи, унинг ўзбек адабиётига самарали таъсири хусусида сўзладилар, шоирга бағишланган шеърларини, Маяковский асарларидан қилган таржималарини ўқиб бердилар. Кечада улғу инқилоб куйчисининг асарлари рус ва ўзбек тилларида янгради.

* *
*

Маълумки, рус тили бугунги ҳаётимизда жуда катта аҳамиятга эга, шунинг учун ҳам рус тилини янада мукамал ўрганиш иштиёқи муттасил ўсиб бормоқда. Ана шу маънавий эҳтиёжни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва Адабиёт институтининг лугатчи олимлари икки жилдли «Русча-ўзбекча лугат» яратишга киришган эдилар. Яқинда лугатнинг биринчи жилди нашр этилиб, сотувга чиқарилди. 75 минг нусхада босилган мазкур лугат маориф системамиз ва кенг зиёлилар оммаси орасида рус тилини ўрганишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

* *
*

Мана, ўн саккиз йилдирки, Бутун россия театр жамиятининг ташаббуси билан «Шоирнинг оғзаки кутубхонаси» циклидаги адабий кечалар ўтказиб келинмоқда. Бу анжуманларда шоирлар, адаблар, актёрлар ва адабиёт мухлислари қатнашадилар. Ана шу циклдаги адабий кечаларнинг навбатдагиси — 147-сида мухлислар шоир Иван Драч билан учрашдилар. Бу шеърят оқшомида Тарас Шевченко номидаги республика Давлат мукофоти лауреати шоир Иван Драчнинг «Қуёш ҳайқириғи», «Кунгабоқарлар», «Шабнамнинг тубида» каби китобларига кирган асарларидан намуналар ўқилди.

* *
*

Машҳур ёзувчи Уильям Сарояннинг хоки Америкадан Арманстонга олиб келингани ҳақида газета хабари босилди. Маълумки, миллати арман бўлган У. Сароян Америкадаги Калифорния штатининг Фресно шаҳрида турилган. Аммо, у ўз насл-насабини ўзгартирмаган — Нью-Йоркда ҳам, Парижда ҳам арман сифатида яшаган. Жаҳонга машҳур америкалик ёзувчи бўлиб танилган У. Сароян Фресно шаҳрини ўзининг биринчи ватани деб билган. У Арманстонга уч бор сафар қилган. Тўртинчи «сафари»да эса у оталар юртида мангу маскан топди. Унинг хоки арман халқининг буюк санъаткорлари — бастакор Комитас, рассом Сарьян, шоир Исаакян хилхоналари ёнига қўйилди. Қизиғи шундаки, У. Сароян ўз хокининг ярми турилган макони Фреснога қўйилиши ва ярми Арманстонга олиб кетилишини васият қилган. Авлодлар адиб васиятини бажардилар.

* *
*

Яқинда Тошкендаги «Радуга» нашриёти ўзбек совет адабларининг ҳикоялар тўпламини араб тилида нашр этди. Қарийб 5 минг нусхада босилган бу китобда Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин, Назир Сафаров, Сарвар Азимов, Шухрат, Ҳамид Фулом каби йигирмадан ортиқ ёзувчиларимизнинг ҳикоялари жамланган.

* *
*

Париж экранларида режиссёр Мишель Драшнинг машҳур француз ёзувчисига бағишланган «Ги де Мопассан» фильми қўйила бошлади. Фильмда адиб ҳаётининг

сўнги йилларида рўй берган воқеалар тасвирланади. Тўрт йил мобайнида цензура таъқибига учраб, экранга гоёта қийинчиликлар билан чиқарилган бу фильм пировардида зўр муваффақият қозонди. Фильмда 700 дан ортиқ персонаж иштирок этади. Ги де Мопассан ролини Клод Брассер ўйнаган.

* *

*

Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат

нашриёти рус тилида «Ўзбек совет прозаси кутубхонаси» сериясидаги китобларни нашр этишга киришди. Бу сериядаги китоблар Бутуниттифоқ китобхонларини ўзбек совет носирларининг ижоди билан яқиндан таништиради. Яқинда ана шу серияда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати ёзувчи Уткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романи 90 минг нусхада нашр этилди. Романни русчага В. Турбина таржима қилган.



АДАБИЙ ЖУРНАЛЛАР ОКТАБРЬ ОИДА:

Звезда Востока

Журналда шеърият ихлосмандлари И. Отамуродов, В. Микрюков, А. Пўлатова, Ҳ. Солиҳова, Ш. Салимова, Т. Никитенко, Л. Клаус, О. Мазурова каби ёшларнинг янги шеърларини ўқийдилар.

Проза бўлимида С. Татур, Исфандиёр, Музаффар, О. Лебединская, И. Цесарский, А. Мерларнинг роман, қисса, ҳикоялари ўрин олган.

Журналнинг мазкур сони республикамиз ёшлари ижодига бағишланган.

ЙИЛДЫЗ

Э. Аметнинг «Ишонч» романи, Э. Арипов ва Ж. Аметовларнинг «Абдулла Тейфуқ» қиссаси, В. Муроднинг «Кечиккан» ҳикояси журналнинг шу сонида эълон қилинган.

Журнал саҳифаларида Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкентда ўтказиладиган VII конференцияси муносабати билан туркум материаллар ёритилган.

А. Яҳёевнинг «Дўстлик ва қардошлик шаҳри» мақоласи Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланади.

ЎШУНК

Журналнинг бу сонида А. Юнусовнинг «Уста», Р. Мирҳайдаровнинг «Акс садо», Ю. Латиповнинг «Январь қуёши», «Кекса эман қўшиғи» ҳикоялари билан танишасиз.

В. Бойқобилоннинг «Адашган кема» достони, шунингдек, Э. Охунова, А. Носиров, А. Суюн, Ш. Содиков, Ш. Ботировларнинг янги шеърлари ҳам шу сонда берилган.

«Ёшлик буюк афсунгар» мақоласи Ўзбекистон халқ ёзувчиси Н. Сафаров билан журнал коллективининг учрашуви ҳақида ҳикоя қилади.

Санъат, спорт, сатира ва юмор, танқид ва адабиётшунослик бўлимларида ҳам ранг-баранг, қизикарли материаллар босилган.

Мирдарига

ОСИЕ ВА АФРИКА ЕЗУВЧИЛАРИНИНГ VII КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

Сарвар Азимов. Жаҳонда тинчлик ва ҳаётни омон сақлаш учун 3

* ҚИТЪАЛАР ҚЎШИГИ

Мишигийн Цэдэндорж (<i>Мўғулистон</i>). Мен ва сенга не керак?	
Файз Аҳмад Файз (<i>Покистон</i>) Озодлик тонги; Марселино дос Сантос (<i>Мозамбик</i>). Совға; Абдурахмон ал Ҳомисий (<i>Миср</i>). Исён-кор умид: Ридха Зили (<i>Тунис</i>). Агар; Маҳмуд Дарвиш (<i>Фаластин</i>). Нидо; Муҳаммад Диб (<i>Жазоир</i>). Хушхабар. Шеърлар	8—13
Аъзам Раҳнавард Зарёб (<i>Афғонистон</i>). Сурат. Ҳикоя	14
То Хаай (<i>Вьетнам</i>) Туннинг тилсиз гувоҳи. Ҳикоя	20
Кришан Чандр. (<i>Ҳиндистон</i>) Эзгудик халдориси. Ҳикоя	24
Ғулом Дастагир Панжширий (<i>Афғонистон</i>) Кураш таронаси; Ас-фа Гэбрэ Мариам Тэсэмма (<i>Эфиопия</i>). Эфиопиянинг миллий гимни; Гауссу Днавара (<i>Мали</i>) Болалигим ўтган уй; Лунгайни Каба (<i>Гвинея</i>). Юрак уриб турса; Аймен Абу Шаар (<i>Сурия</i>). Бир зумгина қолсанг паришон; Фернандо Коста Андреде (<i>Ангола</i>). Қайтишнинг иккинчи қўшиғи Шеърлар	29—33
Темур Пўлатов. Ғойибнинг қайтиши. Қисса	34

ШЕЪРИЯТ

Жамол Камол. Жаҳоннинг жони	63
Худойберди Тўхтабоев. Йиллар ва йўллар. Роман. Давоми	67
Барот Вайқобилов. Юлдузли осмон. Достон. Охири	134
Зиннат Фатхуллин. Ҳижрон алангасида. Пьеса	167

САНЪАТ

Наталья Барабаш. Алексей Арбузов асарлари Ўзбекистонда	188
--	-----

ТАНҚИД ВА АДАБИЕТШУНОСЛИК

Лазиз Қаюмов. Адабиёт — ғоявий кураш майдони	191
Абдуғафур Расулов. Эски мавзунинг янги талқини	198

ГУЛҚАИЧИ

Ориф Фармон. Қалин дўстлар. Қизиқ. Икки ҳажвия	203
Маданий ҳаёт	205
Адабий журналлар октябрь ойида	206

Бош редактор Ҳафиз АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Нинель ВЛАДИМИРОВА, Жуманиёз ЖАВБАРОВ, ЗУЛФИЯ, Тоҳир МАЛИК (масъул секретарь), МИРМУҲСИН, Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳайдарали НИЕЗОВ, Умарали НОРМАТОВ, Абдулла ОРИПОВ, Иброҳим РАҲИМ, Туроб ТУЛА, Худойберди ТУХТАБОЕВ (бош редактор ўринбосари), УИГУН, Улмас УМАРБЕКОВ, Уктам УСМОНОВ, Раҳмат ФАЙЗИЙ, Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Хусниддин ШАРИПОВ, Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ, Иброҳим ЮСУПОВ, Нурали ҚОБУЛ, Ҳамид ҒУЛОМ.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)
№ 10

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1983.

Рассом О. Арутюнов. Тех. редактор М. Аҳмедов. Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан, олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 27.07.83 й. Босишга рухсат этилди 29.09.83 й. Қогоз формати 70×108¹/₁₆. Р—35030. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 176500. Заказ 1500.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© «Шарқ юлдузи», 1983.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

АДРЕСИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ Г.С.П. ПУШКИН КУЧАСИ, 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР ЎРИНБОСАРИ — 332181.
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА, ПУБЛИЦИСТИКА — 332181, ПОЭЗИЯ,
ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.